

Одамовилар хиёбонидаги 4- уй соҳибларининг ҳар кунлик нонуштаси давомида кўтариладиган жанжал Гарри таътилга қайтганидан буён деярли анъанага айланиб қолди. Бундай ҳолатнинг асосий сабаби Гаррининг хонасидан баланд эшитиладиган увиллашдан мистер Вернон Дурслнинг ҳали тонг отмай уйғониб кетишидир.

- Шу ҳафтанинг ўзида учинчи бор такрорланиши! - ўшқира бошлади, столнинг нариги томонида ўтирган амаки, - Агар бойқушингни эплай олмас экансан, ундан халос бўлишга мажбур бўласан!

- Ахир бечора куш зерикяпти! - деди Гарри, Вернон амакисига яна бир бор тушунтиришга уриниб, - Кўнгли истаган жойда учиб юришга ўрганиб қолган. Лоақал тунда кўйиб юборишга ижозат берсангиз...

- Мен нима, фикрингча аҳмоққа ўхшайман-ми? - жаҳл билан кулиб кўйди Вернон амаки, куюк мўйловига ёпишиб қолган тухум қуймоқнинг парчасини силкитганча, - Ўша жирканч бойқушнинг кўйиб юборилиши қандай оқибат билан яқун топишини билмайди деб ўйлайсан-ми?

Эр-хотин Дурсллар бир-бирига ғамгин қараб кўйишди.

Гарри бахслашишга уринди-ю, бироқ Дурслларнинг ўғли Дудлининг баланд кекириши унинг далилларини босиб юборди.

- Яна битта бекон ейман, - деди у, еб туриб маърайдиган кўйга ўхшаб.

- Товада турибди-ку, ола қол ёқимтойгинам, - деди Петунья хола, ўғлининг йирик танасини мулойимликдан хиралашиб кетган нигоҳ билан навозиш қилиб, - Имкони борлигида яхшилаб семириб олишинг керак... Мактабингда бериладиган таомлар ҳақидаги гапларинг кўнглимга таскин бермади...

- Бўлмаган гап, Петунья, - қатъий эътироз билдирди Вернон амаки, - «Смелтинг»да ўқиб юрган кезларимда ҳеч қачон оч қолмаганман. Дудли мактабда тўйгунча овқатланади, шундайми ўғлим?

Ёғ босган думбаси курсига сиғмай, икки томонга осилиб тушган Дудли хиринглаб кўйиб, Гаррига юзланди-да:

- Товани узатиб юбор, - деб буюрди.

- Сеҳрли сўзни айтишни унутдинг, - аччиқ билан жавоб қайтарди Гарри.

Бор-йўқ «илтимос» сўзи талаб қилинган ушбу оддий гапнинг оила аъзоларига кўрсатган таъсири ажойиб томоша бўлди: кўрқиб кетган Дудли тикилиб қолиб, бутун ошхонани зириллатганча, ўтирган жойида ағанаб тушди; миссис Дурсл ингичка чийиллаб, кафтини оғзига босди; ўрнидан ирғиб турган мистер Дурслнинг эса чаккасидаги томирлари бўртиб кетди.

- Мен «илтимос» сўзини назарда тутган эдим! - тез тушунтира кетди Гарри, - Бошқа маъно...

- МЕН СЕНГА НИМА ДЕГАН ЭДИМ! - ўшқира кетди амаки, сўлақларини дастурхонга сачратиб, - БИЗНИНГ ОИЛАМИЗДА «С» ХАРФИ БИЛАН БОШЛАНАДИГАН ЎША ГАПЛАРИНГНИ ОҒЗИНГГА ОЛМАСЛИГИНГ ШАРТ ДЕБ АЙТМАГАНМИДИМ!

- Бироқ мен...

- ДУДЛИНИ КЎРҚИТИШГА ҚАНДАЙ ҲАДДИНГ СИҒДИ! - бақиршини давом этди Вернон амаки, стол муштлаб.

- Мен бор-йўқ...

- ТАКРОР ОҒОҲЛАНТИРАМАН! МЕНИНГ УЙИМДА СЕНИНГ ТЕНТАКЛИГИНГ ҲАҚИДА БИРОР ГАП БЎЛМАСИН!

Гарри нигоҳини амакисининг арғувон ранг башарасидан Дудлини кўтаришга беҳуда

уринаётган холасининг мурдадек оппок юзига қаратди.

- Бўпти, деди Гарри, - Гапирмайман, бас...

Вернон амаки, кичик ёвуз кўзларини Гарридан узмаганча, холдан тойган каркидондай ҳарсиллаб жойига ўтирди.

Гарри ёзги таътилга қайтган фурсатдан эътиборан Вернон амаки бола билан худди ҳар қандай дақиқада портлаб кетадиган бомба билан муомала қилгандай мулоқот қилади.

Бунинг сабаби аён, Гарри ҳақиқатан ҳам оддий болаларга ўхшаган эмас, у сеҳргар.

Гарри Поттер «Хогварц» сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактабининг биринчи синфини эндигина тамомлаган сеҳргар бола. Дурсллар оиласи ёз фаслини Гарри билан ўтказишдай қисматни ўйлаб ваҳимага тушган бўлса, уларнинг ички кечинмалари Гаррининг ички кечинмалари олдида ҳеч гап эмас.

Мактабни кўмсаб яшашлик, гўё қорин соҳасида сезилаётган қаттиқ оғриқдай қийнайди уни. Гарри руҳлар ва махфий йўлақлар билан тўлиб-тошган «Хогварц» қасрини, унда ўтказиладиган машғулотлар ва сабоқ берадиган устозларини (сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани ўқитувчиси Снеггдан ташқари, албатта), бойқушлар тарқатадиган эрталабки почтани, тўқ-қизил рангли бахмалдан тайёрланган гулдор чодир остига ўрнатилган каравотини, Ман этилган ўрмон четидаги, мактаб қоровули Хагриднинг кулбасида дўстона кайфиятда ўтадиган чойхўрликни ва албатта, сеҳргарлар оламида кенг тарқалган квидиш ўйинини кўмсар эди (*Квидиш – супургиларда учиб юрадиган ўн тўрт нафар ўйинчи томонидан, олтига тик ўрнатилган ҳалқали узун таёқ ва тўртта учар копток воситасида ўйналадиган сеҳргарлар ўйини*).

Таътилга келган Гарри уйга кириб келган ҳаммоно афсунлар ҳақидаги китоб ва дарсликлар, «Нимбус-2000» русумли ўта замонавий супурги, сеҳрли таёқча, сеҳргарлар кийими, қозонча Вернон амаки томонидан ички зина остидаги буфетга киритилиб, қулфлаб қўйилган. Ёз давомида машқ қилмай, ўз кўникмаларини йўқотиб қўйган Гаррини квидиш командасидан четлаштиришлари билан Дурслларнинг нима иши бор? Уйга берилган вазифаларнинг бирортасини бажармай мактабга қайтиши билан ҳам нима иши бор уларнинг? Негаки, табиатан магл саналадиган Дурслларнинг фикрича, оилада сеҳргар бўлиши – абадий доғ бўлиб қоладиган уят, иснод ва шармандалиқдир (*Маглар – қонида бирор томчи бўлсин, сеҳргарлик қони бўлмаган одамлар*).

Жияни сеҳргарлар билан мулоқот қилмаслиги учун Вернон амаки, ҳатто, Гаррининг бойқуши Хедвигни ҳам қафасга қамаб, чиқаришни ман этиб қўйди.

Гарри ўзининг ташқи кўриниши билан ушбу оиланинг бошқа аъзоларига мутлақо ўхшамайди. Узун қора мўйлов қўйган, ортиқ даражада семиз Вернон амакининг жуссаси жуда йирик бўлиб, буқанинг бўйнига ўхшаш бўйни деярли кўринмайди, териси суягига ёпишиб қолган Петунья холанинг бўйни, аксинча, оддий аёлнинг бўйнига нисбатан икки чандон узун, юзи от юзига ўхшаш чўзиқ, оқ-сарик сочли, пушти башара Дудли эса нимаси биландир чўчкага ўхшаб кетади. Гаррининг бўйи пастгина, танаси озғин, кўзлари яшил, сочи кўмирдек коп-қора. У юмалоқ кўзойнак тақиб юради. Яшин зигзаги шаклидаги чандиқ эса пешонасига кўрк бериб туради.

Айни мана шу чандиқ Гаррини, ҳатто сеҳргар ва афсунгарлар орасида ҳам ажратиб туради. Зеро, бу чандиқ сирли ўтмиш, яъни ўн бир йил олдин мирғаккина Гаррини Дурсллар хонадонининг остонасига келтириб қўйган мудҳиш воқеалардан қолган ягона далолатдир. Ўшанда Гарри, бир ёшда бўлишига қарамай, ўтмишда яшаб ўтган ёвуз сеҳргарлар орасида энг ёвузи, исмини аксарият сеҳргар ва афсунгарлар ҳозирга қадар талаффуз этишга журъат эта олмайдиган Лорд Вольдемортнинг ажал келтирадиган қарғиш афсунини ақл бовар қилмайдиган тарзда енгишга муваффақ бўлган. Гаррининг ота-онаси Вольдеморт билан жанг қилиб ҳалок бўлишган. Пешонасида чандиқ қолган жажжигина Гарри эса омон

қолган. Сабабини ҳеч ким билмайди-ю, негадир, Вольдеморнинг сеҳр қудрати айна Гаррини ўлдирмоқчи бўлган фурсатда сирли равишда барҳам топган.

Шу тариқа, жажжи сеҳргарча ҳалок бўлган онасининг туғишган опаси қўлида қолиб кетди. Бола Дурсллар оиласида ўн йил яшади. У, пешонасидаги чандикни, қариндошларининг истар-истамас қисқача сўзлаб беришларига қўра, ота-онаси ҳалок бўлган мудҳиш автомобиль ҳалокатидан қолган хотира деб ўйлар, ғаройиб, баъзан ўз хоши-истагидан қатъи назар рўй берадиган баъзи ишларни қай тарзда амалга ошираётганлигини ўзи англаб етмас эди.

Кейинчалик, яъни роппа-роса бир йил олдин, «Хогварц»дан хат келгач, Дурсллар хонадонига Гарридан сир тутилган барча гаплар ошкор бўлди. Бола сеҳргарлар мактабига ўзининг муносиб ўрнини топди. У ерда Гаррининг ўзи ҳам, пешонасидаги чандик ҳам жуда машҳур. Бироқ ўқув йили якуни топгач, Гарри, таътил ўтказгани Дурсллар хонадонига қайтишга мажбур бўлди. Энди у билан янада хавфли, бунинг устига аллақандай сассик нарсага буланиб келган жирканч ит билан муомала қилингандай мулоқот қилинмоқда. Бугун Гаррининг туғилган куни эканлиги Дурслларнинг ҳаёлига ҳам келгани йўқ. У туғилган кунига ҳеч қачон совға олмаган. Бугун ҳам бирон-бир совғага умид қилмайди. Бундай кун муносабати билан пирог ҳам пиширилмайди. Лекин, унинг туғилган кунини мутлақо эсга олмаслик...

Гарри айна шу ҳақда ўйлаб турган эди ҳам-ки, Вернон амаки томоғини қириб олиб, гап бошлади.

- Ҳаммамизга маълумки, бугун ниҳоятда муҳим кун.

Гарри кулоқларига ишонмай, кўзини кўтарди.

- Менинг хизмат фаолиятим давомидаги энг муҳим сана бўлиши мумкинлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас, - давом этди Вернон амаки.

Гарри нигоҳини яна ўз бутербродига қаратди. «Тушунарли», эсга олди у алам билан. Бу ҳақда икки ҳафтадан буён гапирилади. Вернон амаки, шу бугунги кечки овқатга ўта бой қурилиш компаниясининг соҳибини рафикаси билан биргалиқда таклиф қилган бўлиб, парма ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона раҳбари сифатида ундан йирик буюртма олиш ва тегишли шартнома тузишни қўзлаб қўйган.

- Кечки овқат давомида ҳар биримиз бажарадиган хатти-ҳаракатларни яна бир бор такрорлаб олсак, ёмон бўлмайди, - деди у, - Муҳими, соат саккизга яқин ҳамма ўзи учун олдиндан белгиланган маррани эгаллаб олиши лозим. Хўш, шундай қилиб, сен Петунья?...

- Мехмонхонада бўламан, - шайлик билан жавоб қайтарди Петунья хола, - Уйимизга келганларни дилрабо табассум ила қарши олиш учун ўша ерда кутиб тураман.

- Жуда яхши, жуда ҳам яхши. Дудли, сен-чи?

- Мехмонларни эҳтиром ила уйга киритиш учун кириш эшиги ёнида тураман ва улар келиши билан «Пальтонгизни олишга ижозат беринг мистер Мэйсон... миссис Мэйсон», дея кутиб оламан, - деди Дудли ўз турқини жирканч алфозда қийшанғи тириштириб.

- Мехмонлар ўғлимизга шайдо бўлиб қолиши муқаррар, - хитоб қилиб юборди Петунья хола.

- Жуда соз, Дудли, - мактаб қўйди Вернон амаки ва Гаррига юзланиб, - Сен-чи? - деб сўради.

- Мен ўз хонамда бўламан. У ерда жуда жим ўтириб, ўзимни, гўё бу уйда мутлақо йўқдай тутаман, - ҳеч қандай ифодасиз баён этди Гарри.

- Жуда тўғри, - ўта қабих башара ясаб тасдиқлади Вернон амаки, - Мен уларни мехмонхонага бошлаб кириб, сен билан таништираман, Петунья. Шундан сўнг уларга ичимлик таклиф қиламан. Хўш... соат саккиздан ўн беш дақиқа ўтганда...

- Мен ҳаммани дастурхонга таклиф қиламан, - билдирув берди Петунья хола.

- Сен Дудли, уларга...

- Миссис Мэйсон, сизни ошхонага қузатиб боришга ижозат берасизми? - ёд олган лукмасини эшиттирганча, кўзга кўринмаётган ғойибона аёлга ёғли қўлларини икки букиб узатди.

- Менинг жажжи жентльменим! - деди кўзига ёш олишига сал қолган Петунья хола.

- Сен-чи? - хайбат ила кўзларини қисиб олганча Гаррига юзланди Вернон амаки.

- Мен ўз хонамда бўламан. У ерда жуда жим ўтириб, ўзимни, гўё бу уйда мутлако йўқдай тутаман, - зерикарли оҳангда тўнғиллади Гарри.

- Шундай бўлсин. Энди кечки овқат давомида эркин оҳангда айтиладиган бир нечта мактов сўзларини ўйлаб кўришимиз керак. Петунья, бирор-бир ғоя борми?

- Верноннинг сўзларига қараганда, гольф ўйинининг устаси экансиз, мистер Мэйсон... Эгнингиздаги беназир кўйлакни қайси дўкондан харид қилганингизни мендан сир тутмайсиз деган умиддаман, миссис Мэйсон.

- Ажойиб... Сени галинг, Дудли.

- Хонимлар ва жаноблар! Мактабда «Мен ибрат оладиган қахрамон!» мавзусида иншо ёзиш вазифаси берилди. Мистер Мэйсон, мен айна сиз ҳақингизда ёздим! Бу гап Петунья холага ҳам, Вернон амакига ҳам ўта ёқиб тушди. Қалби бахтга тўлиб кетган Петунья хола кўзларига ёш олиб, ўғлининг бағрига, уни қучиб олгани отилди. Гарри эса, ўзини кулгидан базўр тийиб эзилиб кетаётганини ҳеч ким пайқаб қолмаслиги учун стол тагига бекиниб олди.

- Сен-чи? Хой бола, қаерга йўқолдинг?

Стол остидан чиқар экан, жиддий қиёфада бўлишга уринган Гарри:

- Мен ўз хонамда бўламан. У ерда жуда жим ўтириб, ўзимни, гўё бу уйда мутлако йўқдай тутаман, - деди.

- Тутмай қаерга ҳам борар эдинг, - қатъий таъкидлаб ириллади Вернон амаки, - Ўзингни, гўё бу уйда мутлако йўқдай тутасан. Мэйсонлар сени бу дунёда борлигиндан мутлако беҳабар. Бу ҳолат шундайлигича қолиши шарт. Тушундинг-ми? Кечки овқатдан сўнг, Петунья, меҳмонларни яна меҳмонхонага чорлаб, кофе таклиф қиласан. Ана шунда мен табиий тарзда пармалар мавзуини бошлайман. Агар омадим чопса, кечки янгиликлар бошланмай туриб, шартномани имзолатиб оламан-да, Худо хоҳласа эртага, айна шу вақтда, Майорка оролидаги уйлардан бирини танлашга киришамиз.

Бола ушбу хонадон хурсандчиликларига шерик бўла олмайди. Негаки у, Дурсларнинг Ўрта денгиздаги Майорка оролида харид қилиб оладиган уйида умуман ортиқча бўлиб қолади. У шундоқ ҳам ҳозир Сюррей графлиги, Литтл Уингинг шаҳарчаси, Одамовилар кўчасида истиқомат қилишаётган 4- уйда ортиқча саналади.

- Жуда соз... Ундай бўлса, - суҳбатга яқун ясади Вернон амаки, - Мен шаҳарга, смокинг олиб келгани тушаман. Сен эса, - яна ириллади Гаррига қараб, - Холангга уйни тартибга келтиришга халал бермай, оёқ остида ўралашмай ўтир (**Смокинг - қора мовутдан қилинган, қайтарма шойи ёқали костюм**).

Гарри орқа эшиқдан ташқарига чиқди. Кун жуда ажойиб, тонгги қуёш чарақлаб турибди. Бола бир текис ўрилган майсазордан юриб, боғ курсисига ўтириб олди-да:

- Туғилган куним билан... туғилган куним билан, - деб хиргойи қила бошлади.

Бола ўзининг туғилган кунини бирор-бир откриткасиз, совғасиз, эътибордан четда қолган тарзда ўтказишга, умуман, бугунги оқшом, ўзини гўё бу уйда мутлако йўқдай тутишга мажбур. Алам қилиб, боғнинг чакалак деворига термилиб қолди. Гарри, «Хогварц»да қолган нарсалардан ҳам, квидиш ўйинидан ҳам кўпроқ ўзининг энг яқин дўстлари Рон Уэсли ва Гермиона Грэнжерни соғинган. Улар эса, кўриниб турибдики, Гаррини эсларига

олишмаган ҳам. Ёз бўйи бирор энли бўлсин, хат йўллашмади. Вахоланки, Рон Гаррини уйга, меҳмонга таклиф қилишга ваъда берган эди.

Гарри ўзининг сеҳргарлик кўникмаларини ишга солиш, Хедвигнинг қафасини очиб, Рон билан Гермionaга хат йўллашга сон-саноксиз маротаба тайёр. Лекин ҳар сафар ўзини бу ишдан базўр тўхтатиб қолади. Гап шундаки, балоғатга етмаган, таълим муассасасидан ташқарида юрган ёш сеҳргарларга сеҳр-жоду билан шуғулланиш қатъиян ман этилган. Гарри ушбу таққ ҳақида Дурсларга оғиз очмади. Дурслар эса гўнг кўнгизига айланиб қолишларини яхши идрок этишгани учун ҳам, Гаррини, ички зина остидаги буфетга, учар супургиси ва сеҳрли таёқчаси билан бирга камаб қўйишмаяпти.

Таътилга келганидан сўнг, Гарри, биринчи икки ҳафта давомида, ярим овоз чиқарганча алланима сўзларни пўнғиллаб, ваҳимага тушган семиз Дудлининг хонадан пишиллаганча пириллаб чиқишини томоша қилишдан ҳузур қилиб юрди. Аммо Рон ва Гермionaдан хабар келавермагач, ўзини гўё сеҳргарлар дунёсидан тобора йироқлашиб кетаётганини ҳис этиб, ҳатто Дудлини мазах қилиш найранги ҳам қизиқ туюлмади қолди. Бугун эса улар, Гаррини, лоқал туғилган куни билан ҳам табриклаб қўйишмади. Яна дўст эмиш!

У ҳозир «Хогварц»дан... ёки кимдан бўлмасин, йўлланган қискагина хат учун ҳар нарсасини беришга, мактабда ўтказилган ўқув йили туш бўлмаганлигига амин бўлиш учун, ҳатто ашаддий душмани Драко Малфой билан учрашишга ҳам тайёр эди.

Ўқув йилини жуда қувончли ўтди деб ҳам бўлмади. Сўнгги семестр хотимасида Гаррига, кимсан Лорд Вольдеморт билан юзма-юз тўқнаш келишга тўғри келди. Ўзининг муқаддам ҳолатига тақлид қилган бўлиб, аслида ачинарли аҳволда бўлса-да, Лорд Вольдеморт ҳозир ҳам қўрқинчли, маккор, нима қилиб бўлса ҳам, ўз қудратини қайтариб олиш йўлида қатъий чоралар кўраётган ҳолатда. Гарри унинг чангалидан иккинчи бор аммо, бу сафар қандайдир мўъжиза туфайлигина қутулиб қолди. Орадан бир неча ҳафта ўтганлигига қарамай, бола ҳалигача кечалари совуқ терга ботиб уйғонади. Вольдеморт ҳозир қаерларда кезиб юрганлигини ўйлайди. Унинг ғазабли юзи ва телбанамо бақрайган кўзларини унута олмайди...

Бирдан Гарри сесканиб кетиб, тўғри ўтириб олди. У боғнинг чакалак деворига термилиб ўтирар экан, дафъатан... чакалак ҳам унга қараб турганини пайқаб қолди! Япроқлар орасидан бир жуфт, ақлга сиғмас даражада йирик кўз чакнаб турибди.

Гарри ирғиб турди. Ўчакишгандай, айна шу пайтда майсазорнинг нариги четидан Дудлининг кишини хўрловчи овози эшитилди.

- Бугун қанақа кунлигини биламан, - хиргойи қилди у, лапанглаганча яқин келиб.

Чакалак деворнинг йирик кўзи бир-икки бор пирпиради-да, ғойиб бўлди.

- Нима деддинг? - сўради Гарри, нигоҳини кўз кўринган жойдан узмай.

- Бугун қанақа кунлигини биламан, - такрорлади Дудли Гаррига такалиб қолгудай яқин келиб.

- Яша! Ниҳоят ҳафта кунларини ёд олибсан, - кесатди Гарри.

- Бугун сен туғилган кун, - тишининг оқини кўрсатди Дудли, - Нима учун сенга откритка йўллашмади? Дўстларинг йўқми анави ерда... Қаерда ўқир эдинг сен?

- Онанг, мен таҳсил кўраётган мактаб ҳақида гапираётганингни билмагани яхши, - совуқ оҳангда оғохлантирди Гарри.

Дудли юмалок қорнидан пастга тушиб кетаётган иштонини кўтариб олди.

- Нега чакалак деворга бақрайиб қолдинг.

- Афсунларимнинг қайси бирини қўллаб, уни ёқиб юборишни ўйлаётман, -

хушмуомалалик билан тушунтириш берди Гарри, Дудлидан халос бўлиш ниятида.

Қутилгандай бўлди. Ёғ босган башарасини даҳшат қамраб олган Дудли шу заҳоти ортга тисарилди.

- М-м-мумкин эмас... м-м-ман... Д-д-дадам сенга с-с-сеҳр-жоду билан шуғулланишни м-м-ман этган... уйимиздан кувиб юборади сени... сени борадиган жойинг йўқ... ҳатто ўз уйига қ-қ-қабул қилиб оладиган дўстларинг ҳам йўқ...

Дудлининг сўнгги сўзлари Гаррининг жаҳлини чиқарди.

- Колди-болди! - жон-жаҳд билан тўнғиллай бошлади Гарри, - Фоғли-моғли, куф-суф...

- ОООЙИИИИ! - бақира кетди ўтақаси ёрилиб, уй томон пилдираган Дудли, - ОООЙИИИИ! Анави... ўзинг биласан нима билан шуғулланяпти!

Ушбу зарарсиз ўйин Гаррига қимматга тушди. Дудлига ҳам, чакалак деворга ҳам ҳеч нима қилгани йўқ, албатта. Петунья хола ҳам ҳеч қандай сеҳр-жоду содир этилмаганлигини кўриб турибди. Шундай бўлса-да, ҳар эҳтимолга қарши, Гаррини шаштидан қайтариш ниятида бўлса керак, қўлидаги товани болага қарата улоқтирди. Шундан сўнг, Гаррининг зиммасига бир дунё иш юклаб, уларни бажариб бўлганидан сўнггина овқат ҳақида ўйлаши мумкинлигини маълум қилди.

Дудли атрофда сандироқлаб, музқаймоқ еб юрди. Гарри эса уй деразалари ва амакисининг машинасини ювиб, боғдаги майсаларни ўрди, ховлидаги гуллар атрофини ёввойи ўтдан тозаллади, атиргулларга сув қуйиб, ортикча новдаларини кесиб чиқди ва боғ курсисини бўяди. Қуёшнинг тобора қизиб бораётган нурлари бола бўйинини аёвсиз қўйдириб юборди. Гарри, Дудлининг ногорасига ўйнамаслиги кераклигини билади-ю, бироқ бу гал у аблах, нозик томондан олди... Эҳтимол, у ҳақдир. Балки Гарри «Хогварц»да бир йил юриб, ҳақиқатан ҳам бирор нафар чин дўст ортира олмагандир...

Терга ботган, бели оғриб, лоҳас бўлганча, эгатга гўнг сепаётган донгдор Гарри Поттернинг ҳозирги аҳволини ҳеч ким кўрмаётганидан бола дарғазаб бўлди.

Нихоят, соат етти ярим бўлиб, бола батамом ҳолдан тойганида, уни уйга чақираётган холасининг жирканч овозини эшитди:

- Ҳой сен, уйга кир! Оёғинг остига қара, полга тўшалган газеталарни босиб ўт!

Гарри енгил тортиб, покиза ошхонага кирди. Музлаткич устида меҳмонлар учун тайёрланган пудинг – катта телпакка ўхшатиб тайёрланиб, шакар бинафша билан безатилган кўпчитилган тухум оқи турибди. Духовкадан эса лаҳм гўштнинг йирик бўлаги пишиллаб чиқараётган товуши эшитиляпти.

- Тез овқатлан! Хаёл ўтмай Мэйсонлар келиб қолади! - дўқ урди Петунья хола, ликопчага икки бурда нон билан пишлоқ қолдиқларини ташлаб.

Холаси кечаларда кийиладиган қизил балиқ рангли кўйлагини кийиб олишга улгурган экан.

Гарри қўлини ювиб, ғарибона кечки овқатини оғзига солиши ҳамоно холаси қўлидан ликопчани тортиб олиб вишиллади:

- Юқорига! Тез йўқол!

Меҳмонхона эшиги ёнидан ўтар экан, смокинг кийиб, капалакнусха бўйинбоғ тақиб олган Вернон амаки билан Дудлига кўзи тушди. У эндигина иккинчи қаватдаги зина майдончасига кўтарилган эди ҳам-ки, кириш эшигининг қўнғироғи чалинди. Шу захоти пастда, зина панжараси орасида амакисининг башараси кўринди.

- Ёдингда бўлсин бола, чурк этган овозинг эшитилса борми...

Гарри оёғининг учида дармонсиз юриб, хонасига кирди-да, эшикни ичкаридан бекитиб, чўзилиш ниятида каравотига юзланди.

Афсуски, каравоти банд. Унда кимдир астойдил жойлашиб ўтирибди.

## **II БОБ.**

## **ДОБНИНГ ОГОҲЛАНТИРИШИ**

Каравотга бамайлихотир ўтириб олган ғаройиб митти махлуқни кўрган Гарри қичқириб

юборишдан ўзини базўр тийиб қолди. Махлуқчанинг кулоклари кўршапалак кулоқларига ўхшаш бўлиб, танасига нисбатан анча катта, ҳар бири теннис коптогидай келадиган яшил бақакўзлари эса кичкинагина юзини деярли батамом эгаллаб чарақлаб турибди. Бугун тонгда боғнинг чакалак деворидан айна шу кўзлар қараб турганлигига Гарри шубҳа қилмади.

Чакирилмаган меҳмон билан бола бир-бирига тикилиб, муайян вақт сукут сақлаб туришди. Пастда эса Дудлининг: «Пальтонгизни олишга ижозат беринг мистер Мэйсон... ижозатингиз билан миссис Мэйсон», - деган овози эшитилди.

Махлуқ каравотдан сирпаниб тушиб, шундай чуқур таъзим бажо айладики, ҳатто узун бурнининг учи гиламга тегиб кетди. Гарри, меҳмон эғнида, қўл ва оёқлар учун қўпол тешилган, эски ёстикжилдга ўхшаш кийимга эътибор қаратди.

- Эээ... Салом! - иккиланиб саломлашди Гарри.

- Гарри Поттер! - биринчи қаватда эшитилиши мумкин бўлган чинқириқ овоз билан хитоб қилди махлуқ, - Добби анча вақтдан буён сиз билан танишиш орзусида юрган эди... Қандай муаззам шараф...

- Раҳ... раҳмат, - жавоб қайтарди Гарри.

Бола девор бўйлаб, қафасга қамаб қўйилган Хедвиг ухлаб ётган ёзув столи ёнидаги курсига етиб борди-да, ўтириб олди. «Сиз қанақанги махлуқсиз?» деб сўрамоқчи бўлди-ю, саволи қўпол эшитилишини ўйлаб, фикридан қайтди ва мубҳам қилиб:

- Сиз кимсиз? - деб сўраб қўя қолди.

- Добби, сэр. Оддийгина қилиб Добби деб чақира қолинг. Добби уй эльфи бўлади, - жавоб қайтарди меҳмон (*Эльф – қадимги Скандинавия афсоналарида: рух, пари каби афсонавий махлуқ. Эльфлар (нем. elf – alb сўзидан – оқ маъносини англатади) – герман-скандинавия ва кельт фольклорида (халқ оғзаки ижодида) тилга олинган сеҳргар халқ. Альвлар номи билан ҳам маълум. Эльфлар тавсифи турли афсоналарда ҳар хил келтирилган бўлишига қарамай, инсонга дўстона муносабат билдирадиган, ниҳоятда гўзал махлуқлар, ўрмон руҳлари сифатида гавдалантирилган*).

- Ростданми? - хитоб қилди Гарри, - Эээ... менга каранг, мухтарам меҳмон. Сизга тарбияси ёмон, кўрс кишидай кўринмоқчи эмасман-у, бироқ... ҳозир мен шундай ахволдаман-ки. Қандай тушунтирсам экан сизга?! Бу уйда қарор топган вазият... Қисқаси, ҳозир мен учун, уй эльфарини қабул қилиш мавриди эмас.

Эльф, худди хафа бўлгандек, катта кулоқларини осилтириб, бошини ҳам қилди. Пастда эса Петунья холанинг узоқ, сохталиги яққол билиниб турган кулгиси эшитилди.

- Нима бўлганда ҳам, ташрифингиздан ва сизни кўриб турганимдан хурсандман, - тез қўшимча қилди Гарри, - Фикримча, сиз бирор-бир жиддий сабаб туфайли келган бўлсангиз керак?

- Ҳа, албатта, сэр, - жиддий оҳангда жавоб қайтарди Добби, - Добби айтмоқчи-ки, сэр... Бу гапни айтиш Доббига у қадар осон кечмайди, сэр... Добби гапни нимадан бошлашни билмаяпти...

- Ўтиринг, - илтифот қилди Гарри, каравотини кўрсатиб.

- Ў-ў-ўти-и-ири-и-инг... - бирдан увиллай кетди эльф, - Доббига ҳеч қачон... олдин ҳеч қачон...

Гарри, биринчи қаватда ўтирганларнинг овози тиниб қолганлигини сезди.

- Мени маъзур кўринг, - пичирлади у, - Сизни хафа қилмоқчи эмас эдим. Умуман айтганда...

- Доббини хафа қилиш! - деди ҳиссиётларга тўлиб, энтикиб қолган эльф, - Доббига ҳали ҳеч қачон ўтириш таклиф этилмаган... Ҳали бирон-бир сеҳргар... Доббини ўзига тенг кўриб...

Гарри, бир вақтнинг ўзида ҳам «тсс» дейиш, ҳам юзида ачиниш қиёфасини ясашга уринганча, Доббини кроватга кузатиб қўйди. Майриқ қўғирчокка ўхшаган эльф хикичоғи тутиб, кроватга астойдил жойлашиб олди-да, ўзини қўлга олди ва ҳазин муҳаббат тўла мунгли нигоҳини Гаррига қаратганча жим бўлиб қолди.

- Хушхулқ сеҳргарларни кам учратган кўринасиз, чамаси, - тасалли берди Гарри. Дobbи бош иргиди сўнг, шартта ўрнидан сапчиб туриб:

- Дobbи ёмон! Дobbи ёмон! - деганча, бошини дераза ойнасига қарсиллатиб ура кетди.

- Бас қилинг, бу нима қилганингиз? - вишиллади Гарри, эльф ёнига учиб бориб, уни каравотга тортганча.

Кутилмаган тўполондан Хедвиг уйғониб кетиб, қулоқни тешиб юборадиган даражада увиллаганча, қанотларини қафас чивикларига уриб-уриб юборди.

Зарбдан кўзлари қаншар томон силжиб қолган эльф Гарри томон юзланиб:

- Дobbи ўзини ўзи жазолаши лозим, сэр, - қилган қилиғига тушунтириш берди у, - Дobbи ўз оиласи ҳақида ёмон гапириб қўйишига сал қолди, сэр...

- Оиласи ҳақида?

- Дobbи хизматкорлик қилаётган сеҳргар оила ҳақида айтяпти, сэр. Дobbи... ҳозиргина айтгандай уй элфи бўлиб, ўша хонадоннинг азалий хизматкори ва бундан кейин ҳам абадий хизмат қилмоғи даркор...

- Улар менинг ҳузуримга ташриф буюрганингиздан бохабар-ми? - кизиқди Гарри. Бу савол Дobbини сескантириб юборди.

- О, йўқ, сэр, йўқ... Дobbи бу ерга келгани учун ўзини қаттиқ жазолаши керак, сэр. Бу иши учун Дobbи ўз қулоғини духовка эшигига қисиб олиши лозим. Агар улар билса борми, сэр...

- Қулоғингизни қисиб олганингизни пайкаб қолишмайди-ми?

- Йўқ, сэр. Дobbи бунга шубҳа қилади. Негаки, Дobbи доимо ўз айби учун ўзини ўзи жазолаб боради. Уй эгалари бунга қўниқиб қолишган, сэр. Баъзан эса бу ҳақда Дobbига ўзлари эслатиб туришади ҳам...

- Аҳволингиз шу қадар аянчли экан, нега уларнинг хонадонини тарк этмайсиз? Нега улардан қочиб қутулмайсиз?

- Бунинг учун, сэр, уй элфи қулликдан озод этилиши лозим. У оила эса Дobbини ҳеч қачон озод этмаслиги аниқ. Дobbи ўла-ўлгунча ўша хонадон хизматида бўлади, сэр...

- Ҳа-а-а... тушунарли! Мен эса арзимаган тўрт ҳафта қолганидан норози бўлиб юрибман. Сизнинг оилангиз билан қиёслайдиган бўлсак, Дурсллар энг меҳрибон оила эканда. Бирон-бир киши ёрдам бера оладими сизга, мисол учун мен?

Гарри, ғамхўрлик кўрсатмоқчи бўлгани учун шу захоти афсус қилди. Негаки, Дobbи овози бориचा оҳ-воҳ қилиб, миннатдорлик изҳор этишга тушиб кетди.

- Илтимос, - чорасиз пичирлади Гарри, - Илтимос, секинрок гапиринг. Агар Дурсллар эшитиб қолса... агар ҳузуримда кимдир борлигини билиб қолишса...

- Гарри Поттер ёрдам қўлини узатмоқчи. Дobbи... Дobbи сизнинг буюклигингиз ҳақида эшитган, лекин бу қадар ғамхўрлигингиз ҳақида эшитмаган экан...

Бундай гапдан қизариб кетган Гарри:

- Менинг буюклигим ҳақида эшитган гапларингизнинг бари ортиқча сафсата. Мен ҳатто аълочи ҳам эмасман. Аълочи Гермiona, у...

Гарри гапини бошлашга бошлади-ю, давом эттира олмади. Гермionани эслаш унга оғир кечди.

Шарсимон кўзларида завқ ифодаланган Дobbи:

- Гарри Поттер ниҳоятда одобли ва ўта камтарин экан, - деди иззат-хурматни ифодалаган оҳанг ила таъкидлаб, - Гарри Поттер Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши устидан қозонган ғалабасини ҳеч кимнинг эсига солмайди...

- Вольдеморт устиданми? - ўйлаб-нетиб ўтирмай валдираб қўйди Гарри.

Дobbи митти кафтларини улкан қулоқларига босиб:

- Оҳ, исмини талаффуз этманг уни, сэр! Исмини талаффуз этманг!

- Маъзур кўринг, - тез узр сўради Гарри, - Хабарим бор, бу исми эшитиш қўпчиликка ёкмайди. Мана, мисол учун дўстим Рон...

Гарри яна жим қолди. Ронни эслаш ҳам оғир кечди...

Дobbи ярқираган кўзлари билан Гаррига яқинрок энгашди.



- Добби, - пичирлади у, - Гарри Поттер атиги бир неча ҳафта олдин Ёвуз Лорд билан такрор тўқнаш келганлиги... Гарри Поттер яна омон қолганлиги ҳақида эшитди. Гарри Доббининг гапини маъқуллаб бош ирғигач, эльфнинг кўзига ёш келди.

- Ох, сэр, - хўрсинди у, эгнидаги яғири чикқан ёстикжилд бурчаги билан юзини артиб, - Гарри Поттер жасур ва мард киши! У шунча хавфни ботирлик билан енгиб келди! Бирок Добби Гарри Поттерни химоя қилгани келган. Қулоғини духовка эшигига неча маротаба қисишга тўғри келишидан қатъи назар, уни асраб қолгани келган... Гарри Поттер «Хогварц»га қайтмаслиги керак.

Меҳмон билан мезбон ўртасига сукунат чўмди. Фақатгина пастки қаватдан Вернон амакининг кўпол овози билан пичоқ ва санчкиларнинг ликопларга тақир-туқур урилган товуши эшитилиб турди.

- Н-нима? - бирдан дудукланиб сўради Гарри, - Нималар деяпсиз? Мен албатта мактабга боришим керак. Семестр биринчи сентябрдан бошланади. Мактаб менинг ҳаётим-ку, «Хогварц»сиз хароб бўлишим муқаррар. Бу ерда қанчалик қийналаётганимни тасаввур ҳам қила олмайсиз. Мен Дурсллар хонадонидан ёт бегонаман! Мен ўз дунёмга – мактабга қайтишим шарт.

- Йўқ, йўқ, йўқ, - деди Добби, кулоқлари лунжларига урилиб-урилиб кетган даражада бош чайқаб, - Гарри Поттер хавфсиз жойда қолиши керак. Агар Гарри Поттер «Хогварц»га қайтса, ўзини ўзи ҳалокатга элтган бўлади.

- Қанақанги ҳалокат? - ҳайрон бўлди Гарри.

- Фитна, сэр. Шундай фитнаки, бу йил Сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактаби «Хогварц»да мисли кўрилмаган мудхиш воқеалар бўлиб ўтади, - пичирлади Добби. Унинг бутун танаси кутилмаганда титрай бошлади, - Добби бу фитна ҳақида анча вақтдан буён хабардор. Гарри Поттернинг таваккалчилик қилишга ҳақи йўқ, сэр. У биз учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга зот!

- Қанақанги мудхиш воқеалар ҳақида гапиряпсиз? - дархол сўради Гарри, - Ким томонидан уюштирилган фитна?

Добби ғалати бўғик овоз чикарди-да, бошини деворга урди.

- Хўп, майли! - кичкириб юборди Гарри, эльфнинг кўлидан тутиб, - Айта олмайсиз-ми, айтманг. Аҳволингизни тушундим. Бирок айта олмас экансиз, нима учун бу гапни бошладингиз?! - бирдан унинг хаёлига нохуш ўй келди, - Менга қаранг! Бу гаплар, мабодо, Вольде... узр, Ўзингиз-Биласиз-Ким билан боғлиқ эмасми? Боғлиқми? - Доббининг боши деворга нисбатан хавфли масофага яқин келаётганини кўрган Гарри шошилиб қўшиб кўйди, - Боғлиқ бўлса бошингизни ирғинг, акс ҳолда чайқаб қўйинг.

Добби бошини жуда секин чайқаб қўйди.

- Йўқ, Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши эмас, сэр...

Добби кўзларини катта очиб, овоз чикармай нимагадир шама қилмоқчи бўлишга уринар, Гарри эса ушбу шама мазмунини идрок эта олмас эди.

- Унинг акаси ёки укаси йўқ-ку, шундай эмасми?

Добби бош чайқаб, кўзларини янада каттароқ очди.

- Ундай бўлса, «Хогварц»да жуда мудхиш воқеалар бўлиб ўтишига яна ким сабабчи бўлишини билмадим, - деди Гарри, - У ерда Дамблдор бор-ку, бу авваламбор...

Дамблдорнинг ким эканлигини биласиз-ку, а?

Добби эхтиром ила бош ирғиди.

- Альбус Дамблдор – «Хогварц» тарихидаги энг буюк директор, сэр. Доббининг бундан хабари бор. Дамблдор сеҳрининг қудрати бир вақтлар Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши эга бўлган қудратга бас кела олишини ҳам Добби яхши билади, сэр. Аммо, сэр... - Доббининг овози қатъиятли пичирга қадар пастлади, - Шундай кучлар борки, уларга қарши Дамблдор... шундай кучлар борки, бирон-бир боадаб сеҳргар...

Бир сонияга сергаклигини йўкотган Гарри Доббини тутиб қола олмади. Эльф қаравотдан сакраб тушиб, стол усти чироғини кўлига олди-да, у билан ўз бошини савалай кетди. Биринчи қаватдаги одамларнинг овози тинди. Икки сония ўтгач эса, қони бошида шовқин

солиб тепаётган Гарри зинадан кўтарилиб келаётган Вернон амакининг қадам товуши ва йўл-йўлакай:

- Кичкинтой енотимиз яна телевизорни ўчирмай қолдирган чамаси! - деган овозини эшитди.

- Кириш, тез! - пичирлади Гарри Доббини кийиб саклаш жавони ичига итарганча. Сўнг жавоннинг эшигини ёпди-да, хона эшигининг дастаси бурилаётган фурсатда ўзини каравотга ташлашга улгурди. Кейинги фурсатда Вернон амаки кириб келиб, ғазаб ифодаланган башарасини жиянининг юзига яқин келтирди.

- Қандай журъат этяпсан! - маҳкам қисиб олган тишлари орасидан аста вишиллади у, - Гольф ўйинида қўлланиладиган клюшка тўғрисида мехмонларга айтиб бермоқчи бўлган япон латифасининг белига тепдинг-ку ярамас. Яна бир бор овозинг эшитилса борми, бу дунёга келганига минг бор пушаймон ейсан бола, тушундинг-ми?

Захрини илондай тўкиб-сочган Вернон амаки фил сингари қадам ташлаб, хонани тарк этди. Хаяжондан титроғи тўхтамаган Гарри жавонга қамалган жонсарак мехмонни чиқариб юборди.

- Мана кўрдингиз-ми, қай аҳволда яшашимни? - аста шикоят қилди у, - Энди тушундингиз-ми нима учун мен «Хогварц»га қайтишни истаётганимни. Мактаб, мен учун дўст орттирган ягона қадрдон жой... Ҳар қалай, мен шундай деб ўйлайман...

- Ҳа, шундай дўстлар-ки, ҳатто Гарри Поттерга икки энлигина бўлсин, ҳат йўллашни ўзларига эп кўришмайди, а? - деди, кўзларини айёрона қисиб олган эльф.

- Менимча улар... Тўхтанг, сиз қаердан биласиз дўстларим менга ҳат ёзмаётганлигини? - сўраб қолди Гарри ковоғини осилтириб.

Добби таначасининг оғирлигини дам у, дам бу оёғига солганча, кўзини олиб қочди.

- Гарри Поттернинг Доббидан жаҳли чиқмаслиги керак. Добби шундай қилса яхшироқ бўлади деб ўйлайди...

- Демак менга келган хатларни сиз олиб қўйган экансиз-да?

- Хатлар Доббининг ёнида.

Гаррининг қўли етмас масофада ҳадиксираб турган эльф кўйнининг аллақаеридан конвертларнинг йўғон дастасини чиқарди. Гарри конвертлар устида Гермионанинг батартиб дастхати, Роннинг ажи-бужилари, ҳатто «Хогварц» қоровули Хагридга тегишли эканлигига ҳеч қандай шубҳа бўлмаган кирди-чиқди «хуснихат»ни таниди.

Добби хижолат чекканча, катта кўзларини пирпиратиб, тушунтира бошлади.

- Гарри Поттернинг Доббидан жаҳли чиқмаслиги керак... Добби умид қилган... Агар дўстлари томонидан унутиб юборилса, Гарри Поттер... мактабга қайтишдан воз кечади... сэр...

Гарри Доббининг пойинтар-сойинтар гапларига қулоқ ҳам солмади. У хатларни чангаллаб олишга уринди-ю, бироқ Добби сапчиб, орқага ташланди.

- Агар Гарри Поттер Доббига «Хогварц»га қайтмайман деб сўз берса, Добби хатларни беради, сэр. Ахир тушунинг сэр, хатарли жойга боришингиз мумкин эмас! Мактабга қайтмайман денг, сэр!

- Йўк, - жаҳли чиқиб жавоб қайтарди Гарри, - Хатларни беринг.

- Ундай бўлса, Доббига сўнгги чора кўришдан бошқа илож йўк, - деди эльф маъюс оҳангда ва чиқиш эшигини шартга очди-да, биринчи қават томон йўл олди.

Добби ўз ҳаракатини шу қадар тез бажардики, Гарри жойидан қилт этишга улгурмай қолди. Эльфнинг қилаётган ишини кўрган боланинг оғзи қуриб, қорни уюшиб қолди, овоз чиқармасликка ҳаракат қилиб кетидан қувиб кетди. У пастга олиб тушадиган зинапоянинг сўнгги олтига поғонаси устидан сакраб, гилам устига мушук сингари товуш чиқармай тушди-да, Доббини кидириб атрофга қаради. Мехмонхонадан Вернон амакининг овози эшитилди.

- Мистер Мэйсон, америкалик сантехниклар ҳақидаги анави қизиқ воқеани Петуньяга айтиб берсангиз, илтимос. Ўша кулгили ходисани рафикам жуда эшиткиси келяпти...

Гарри даҳлиз орқали югуриб ўтиб, ошхонадаги ҳолатни кўргач, қорнининг ичи бўшлиққа

айланиб бораётганини жисмонан ҳис этганча, турган жойида қотиб қолди. Петунья холанинг «шоҳ асари» бўлмиш пудинг ошхона шифти остида муаллақ осилиб турибди. Бурчакдаги жавон устига чиқиб олган Добби эса энкайиб олган.

- Йўқ, - инграб юборди Гарри, - Илтимос, Добби, ундай қилманг, ахир улар мени ўлдириб юборишади!

- Гарри Поттер мактабга қайтмайман деб ваъда берсин...

- Добби... илтимос...

- Онт ичинг, сэр!

- Иложим йўқ!

Добби Гарри томон фожиали нигоҳ ташлаб:

- Ундай бўлса, Добби, Гарри Поттернинг манфаатини кўзлаб, шу ишни қилишга мажбурдир.

Пудинг стол устига чунонам гумбурлаб тушдики, Гаррининг юраги тўхтаб қолай деди. Ликоп чилпарчин бўлиб, тухум оқи ошхонанинг девор-деразаларига сачраб кетди. Добби эса камчи урилганида чиқадиган товуш чиқарганча, ғойиб бўлди.

Меҳмонхонада ўтирганлар кўрқиб кетишганидан қичкириб юборишди. Ошхонага учиб келган Вернон амаки бошдан-оёқ пудингга беланиб, серрайиб қотган Гаррини кўрди. Вернон амаки ҳодисани босди-босди қилиб юборишга эришгандай бўлди. Кўрқканидан теварак-атрофга қочиб кетган товукларни ҳайдаб келгандай ҳаммани меҳмонхонага қайтадан тўплаб:

- Бу бизнинг жиянимиз. Уйда бегоналарни кўрса ана шундай асабийлашиб қолади, шу боис уни юқорида сақлаймиз. Тўғри тушунасиз деган умиддаман, - деб тушунтириш берди.

Сўнгра Гаррининг ёнига келиб, меҳмонлар кетганидан сўнг терисини шилиб олишга ваъда берди-да, қўлига полювгични тутқазди. Петунья хола эса меҳмонларни пудинг ўрнига музқаймоқ билан сийлашга мажбур бўлди. Ҳалигача ўзини боса олмаган Гарри ошхона тозалашга киришди.

Агар навбатдаги ҳодиса рўй бермаганида, Вернон амаки ўз шартномасини имзолатиб олишга улгурган бўлар эди.

Петунья хола эндигина меҳмонларга ялпиз қанд узатиб турган эди ҳам-ки, кутилмаганда ниҳоятда йирик омбор бойқуши ваҳима солганча хонага отилиб кириб, миссис Мэйсоннинг боши устига аллақандай хат ташлади-да, учиб кетди. Миссис Мэйсон юракни музлатиб юборгудай даражада чийиллаб:

- Жиннихона бу! Жиннихона! - деганча уйдан қочиб чиқди.

Мистер Мэйсон эса Дурслларга, хотини ҳар қандай ўлчамли ва ҳар қандай турга мансуб кушлардан ўларча кўрқишини маълум қилиш ҳамда кўрсатишган ушбу бемаъни ва аҳмоқона томошалари ўзларига кулгили туюлган-туюлмаганлигини билиш учунгина бир оз ушланиб қолиб, чиқиб кетди.

Майда кўзларида иблисона учқун ярқираган Вернон амаки ҳозиргина бойқуш келтирган хатни силтаганча, ошхона ўртасида, йиқилиб тушмаслик учун полювгичга суяниб турган Гаррининг ёнига аста яқин келиб, қаҳр-ғазаб тўлган овоз билан:

- Ўқи! Ол, ўқи! - деди.

Гарри, туғилган куни билан табриклаб йўлланган нома эмаслигига шубҳа бўлмаган хатни қўлига олди.

*Ҳурматли мистер Поттер!*

*Бугун, кечки соат тўққиздан ўн икки дақиқа ўтганда Сиз истиқомат қилаётган манзилда сеҳр-жоду амали бажарилганлиги ҳақида хабар келди.*

*Балогатга етмаган сеҳргарларга, улар таҳсил кўраётган таълим муассасаси ташқарисида ҳар қандай турдаги ва ҳар қандай хусусиятга эга сеҳр-жоду қўллаш ман этилганлиги ўзингизга маълум. Сиз томондан келгусида такрорланадиган бирон-бир ўхшаш фаолият, юқорида зикр этилган таълим муассасасида таҳсил кўраётган*

ўқувчилар рўйхатидан четлаштирилишингиз билан яқун топиши мумкин (1875 йили қабул қилинган «Балогатга етмаганлар орасида сеҳргарлик фаолиятини оқилона чеклаш тўғрисидаги декрет»нинг «С» банди).

Сеҳргар бўлмаган жамият аъзолари (маглар) томонидан фош этилиш хавфига олиб келадиган ҳар қандай турдаги афсунгарлик фаолияти Бутун Жаҳон Сеҳр-жоду Конфедерациясининг Махфийлик Мақоми, хусусан ушбу ҳужжатнинг 13- бўлимида баён этилган талаблар жиддий равишда бузилиши сифатида таснифланишини Сизга такрор эслатиб ўтиш лозим деб топилди.

Таътилни дилкашлик билан ўтказишингизни тилайман!

Эҳтиром ила, Мафальда Хопкирк

Сеҳргарлик ва афсунгарлик фаолияти устидан назорат бўлими

Сеҳргарлик вазирлиги

Гарри кўзини хатдан узиб, ғайриихтиёрий равишда ютиниб қўйди.

- Мактаб ташқарисида сеҳргарлик билан шуғулланиш ман этилганлиги ҳақида бизга айтмаган эдинг, - ниҳоят овоз берди Вернон амаки.

Унинг кўз қорачиқлари ақлдан озган киши кўзларининг қорачиқларига ўхшаб хиралашиб кетди.

- Ёдингдан кўтарилган чамаси... унутиб қўйгандирсан...

У баҳайбат бульдог сингари тишларини яланғочлаб бола устида туриб олди.

- Нима ҳам дердим болакай, сенга айтадиган янгилигим бор... Ҳозир сени хонангга камаб қўяман... Мактабингга эса ҳеч қачон бормаисан... Ҳеч қачон... Анави сеҳрли қилиқларинг билан қочиб қолишга уринсанг – мактабдан қувиб солишади! - деди-да, худди савдойи каби қаҳқахлаб Гаррини юқорига, итни тортгандай судраб кетди.

Вернон амаки ўз таҳдидларини ҳаётга ниҳоятда аниқ татбиқ этди. Эртасига у уста чақиртириб, хона деразасига панжара ўрнатди. Кириш эшиги остига эса мушук кириб-чиқиши учун очиладиган туйнук очди. Ушбу туйнук орқали кунига уч маҳал оз-оздан овқат киритилди. Бола ҳожат чиқариши учун кунига икки маҳал, эрталаб ва кечқурун чиқарилди. Қолган вақт эса устидан қулфлаб қўйилди.

Орадан уч кун ўтган бўлса ҳам-ки жорий этилган қатъий тартиб ўзгаришсиз, вазиятдан чиқиш йўли эса Гарри учун қоронғилигича қолди. Қорнини ерга берганча, панжара орқали кун ботишини томоша қилиб, тақдири нима бўлишини ўйлаб ётди.

Агар «Хогварц»дан ҳайдаб юборишадиган бўлса, сеҳргарлик қўллашдан энди нима наф? Одамовилар хиёбонида яшашнинг ҳам маъноси қолмади. Негаки, Дурсллар энди бирор кун эрталаб сичқон ёки қурбақа сифатида уйғонишдан қўрқишмаганлиги боис, уларга қарши қўлланилаётган ушбу таҳдид батамом барҳам топди. Эҳтимол ҳақиқатан ҳам Добби Гаррини гўё «Хогварц»да рўй берадиган ўша номаълум мудҳиш воқеалардан асраб қолишга эришгандир, бироқ нима қилган тақдирда ҳам ахвол шу тарзда қоладиган бўлса, очдан ўлиши муқаррар.

Эшикдаги туйнук копоқоғи очилиб, Петунья холанинг консервалардан тайёрланган шўрвани ичкарига туртган кўли кўринди. Очликдан қорни умуртқасига ёпишиб қолган Гарри ирғиб туриб, косага ташланди. Шўрва муздай бўлишига қарамай косани бир кўтариб, ярмини тамомлади сўнг, Хедвигнинг ёнига келиб, кафасидаги охурчага нам латта бўлакларига ўхшаш сабзавот солди. Емни кўрган бойқуш патларини хурпайтириб, сохибига жирканч киёфа касб этганча қараб қўйди-да, тескари қараб олди.

- Нега тумшуғингни тескари қиласан тентаквой, бориға шукур кил, - деди Гарри қатъий овоз билан.

Бўшаган косани ерга, туйнук яқинига қўйиб, қорни баттар очкаганлигини ҳис этганча, яна каравотига ётди.

- Фараз қилайлик, тўрт ҳафта ўтиб мен ҳамон тирик бўлсам-у, «Хогварц»га қайтмасам нима бўлади? - ўйлади Гарри, - Менга нима қилганлигини билиш учун бирор кишини юборишадими? Дурслларни мени халос этишга мажбур қила олишадими?

Ташқарида кош қорайиб, хона қоронғилаша бошлади. Бехуда хаёллар, жавобсиз саволлар ва қорни ғулдирашидан эзилиб кетган Гарри нотинч уйқуга кетди.

Тушида у гўё хайвонот боғидаги қафасга камалган. Қафаснинг чап томонидаги юқори бурчакка «БАЛОҒАТГА ЕТМАГАН СЕХРГАР» сўзлари битилган тахтача осилган. Ўтган кетган одамлар панжара орқали уни томоша қилар, у эса қорни очлигидан заифлашган ҳолатда, бурчакка тўшалган похол устида ётибди. Бир пайт томошабинлар орасида Добби кўринибди. Гарри ёрдам сўраб, унга илтижо қилибди. Добби эса боланинг ўтинчига жавобан: «Гарри Поттерга шу ер хавфсизроқ, сэр!», - деб қичқирганча, ғойиб бўлибди. Бир оздан сўнг Дурсллар пайдо бўлибди. Дудли қафас чивикларини тортиб, Гаррини мазах қилар эмиш.

- Бас қил, - ғудуллади Гарри, миядан чикмаётган тақир-туқурдан халос бўлишга уриниб, - Мени тинч қўй... кет... уйқум келяпти...

Гарри уйғониб, кўзини очди. Дераза панжарасидан ой нури сингиб ўтар, панжара чивиклари ортида эса чиндан ҳам юзи сепкил босган, сочи малла, бурни узун қандайдир одам Гаррига қараб турибди.

Панжара ортида Рон Уэслининг башараси кўринмоқда.

### III БОБ.

### БОШПАНА

- Рон! - базўр овоз чиқара олди Гарри.

У панжара орқали гаплаша олишлари учун каравот устида судралиб, дераза ромини юқорига кўтарди.

- Рон, қалайсан? Қаердан...

Бироқ манзарани кўрган Гаррининг жағи тушиб, оғзи ланг очилганча, гапириш қобилияти йўқолди. У ақл бовар қилмайдиган ҳолатни аста-секин идрок эта бошлади. Гап шундаки, Рон ҳавода муаллақ осилиб турган мовий рангли, эскириб, шалоғи чиққан машинанинг орқа эшигидан бошини чиқариб олган. Машинанинг олдинги ўриндикларида эса Роннинг эгизак акалари Фред билан Жорж иршайганча салом бериб ўтиришибди.

- Ишлар қалай, Гарри? - сўради Жорж.

- Сенга нима қилди? - бидирлай кетди Рон, - Нега хатларимга жавоб қайтармадинг? Кам деганда ўн иккита таклифнома йўлладим! Кейин дадам, магларнинг кўз ўнгида сеҳргарлик қилганинг учун огоҳлантирилганинг хақида хабар келтириб қолди...

- Сеҳргарликни мен қилганим йўқ... Даданг қаердан била қолди?

- Ахир у вазирликда ишлайди-ку, - тушунтира кетди Рон, - Биласан-ку, «Хогварц»дан ташқарида сеҳргарлик билан шуғулланиш мумкин эмаслигини.

- Ким гапирса ҳам сен индамаганинг маъқул, - вайсади Гарри ҳавода тўхтатиб қўйилган машинага ифодали имо қилиб.

- Бу сеҳргарликка кирмайди, - баёнот қилди Рон, - Уни биз сеҳрлаганимиз йўқ. Машина дадамники. Вақтинча олиб турибмиз. Хайратдан қотиб қолган магларнинг кўз ўнгида эса...

- Айтдим-ку сенга, сеҳргарликни мен қилганим йўқ деб. Буни узок тушунтиришга тўғри келади... Гапимга қулоқ солинг. Дурсллар мени қамаб қўйишгани, мактабга боришга тўсқинлик қилишаётгани, сеҳргарлик қўллаш йўли билан уларнинг тутқунидан қутула олмаслигим, негаки, вазирликдагилар мени уч кун ичида иккинчи маротаба афсунгарликка йўл қўйган деб эътироф этиб, янада қатъий чора кўришлари мумкинлигини «Хогварц»дагиларга бориб...

- Тўхта, бир пас оҳ-воҳ-у, фиғон қилмай тур, - гапини бўлди Рон, - Биз сени олиб кетгани келдик.

- Қанақасига, олиб кетгани. Ахир сизларга ҳам сеҳргарлик билан шуғулланиш ман этилган-ку...

- Бизга сеҳргарлик қилишга ҳожат йўқ, - кулимсиради Рон, - Ўзим билан кимларни олиб келганимни ёдингдан чиқариб қўйдинг-ми?

- Мана буни панжара чивикларига ўра, - деди Фред, Гаррига арқоннинг бир учини ташлаб.

- Агар Дурсллар уйғониб қолса борми, мени мурда деб ҳисоблашларинг мумкин, - деди Гарри, арқонни чивикқа маҳкам боғлаб.

- Ташвиш тортма, - деди Фред, двигателни ишга солиб, - Четрок тур.

Гарри хона ичкарасига чекиниб, Хедвигнинг ёнига бориб олди. Қуш ҳам фурсатнинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини идрок этган чамаси, кўз ўнгида рўй бераётган жараённи жим кузатиб турди.

Двигатель борган сари баланд гуриллаб, ниҳоят панжара дераза ромидан қарсиллаганча кўчиб чиқди. Автомобиль эса юқорига кўтарилиб кетди. Гарри дераза ёнига яқин келиб, панжаранинг ер юзидан бир неча метр юқорида осилиб тургани, Рон уни кучаниб машинага тортаётганини кўрди.

Гарри диққат-эътиборига зўр бериб, ичкарига қулок тутди. Дурсллар ётоқхонасидан овоз чиқмади.

Ниҳоят панжара автомобилнинг орқа ўриндиғига, Рон ёнига жойлаштирилгач, Фред машинани орқага, имкон қадар деразага яқин келтирди.

- Чик, деди Рон.

- Мени... мактаб буюмларим... таёкча... супурги...

- Қаерда улар?

- Зина остидаги буфетда, қулфлаб қуйилган, мен хонадан чиқа олмайман.

- Бу муаммо эмас, - деди Жорж бепарво оҳангда, - Қани, Гарри, нари тур-чи.

Фред билан Жорж худди бир жуфт мушук сингари деразадан хонага киришди. Жорж чўнтагидан соч-тўғноғич чиқарди-да, қулф тешигига тикиб, айлантира кетди.

- Аксарият сеҳргарлар вақтни беҳуда сарфлашни истамай, магларнинг ҳар хил фокусларини назар-писанд қилишмайди, - деди Фред, - Биз эса аксинча, улардан кўп нарсаларни ўрганиш керак деб ҳисоблаймиз. Афсун сингари тез кечмаса-да, уларнинг айрим фокусларини қўлласа бўлади.

Қулфнинг астагина шик этган товуши эшитилиб, эшик очилди.

- Демак, гап бундай. Биз сенинг сандиғингни кўтариб келамиз, сен эса бу хонадаги лаш-лушларингни йиғиштириб, Ронга узат, - буюрди Жорж.

- Зинанинг сўнги поғонасида эҳтиёт бўлинг, ғичирлайди, - деди Гарри эгизаклар орқасидан.

Шундан сўнг Гарри хонада зир юриб, нарсаларини Ронга узата бошлади. Сандикни кўтариб келаётган Фред билан Жоржга ёрдамга чиқди. Бу вақтда Вернон амакининг йўталгани эшитилди.

Ниҳоят улар, хансираганча, иккинчи қаватга етиб, сандикни очик дераза ёнига олиб келишди. Фред машинага чиқиб, Ронга ёрдам берди, Гарри эса Жорж билан хонада туриб туртишди.

Вернон амакининг йўталгани такрор эшитилди.

- Яна озгина, - кучаниб гапирди Фред, - Яна бироз туртиб юборинглар.

Гарри билан Жорж елкаларини ишга солишди ва ниҳоят сандик дераза тоқчасида сирпаниб, машинанинг орқа ўриндиғига жойлашди.

- Бўлди, кетдик, - пичирлади Жорж.

Гарри эндигина дераза тоқчасига чиқиб олган эдики, бойқушнинг норози чинқириғи, кетидан эса Вернон амакининг:

- ЖИН УРСИН БУ ҚУШНИ! - деган ўқириши эшитилди.

- Хедвигни унутибман!

Гарри хона бўйлаб қуш томон учди. Бу вақтда зина ёнидаги чирокёкқичнинг шик этган товуши эшитилди. Бола қафасни маҳкам ушлаб, дераза томон ўқдай ўтди-да, бойқушни Ронга узатиб, жавон устига чиқди. Айни фурсатда Вернон амаки мушти билан кучли тақиллатган эшик қарсиллаб очилиб кетди. Вернон амаки эшик кесақисини ушлаб, бир неча сония давомида анграйиб турди. Шундан сўнг, худди кутурган новвос каби бўғик наъра чиқарди-да, бошини олдинга солиб, Гаррига ташланди ва боланинг тўпиғини ушлаб

олишга улгурди.

Рон, Фред ва Жорж, ўз навбатида, Гаррининг қўлидан ушлаб, жон-жаҳд билан тортишди.  
- Петунья! - айюҳаннос солди Вернон амаки, - Қочиб кетяпти! ҚОЧЯПТИ!

Айни пайтда бараварига зўр беришган ака-ука Уэслилар Гаррининг оёғини Вернон амакининг қўлидан чиқариб олишга муваффақ бўлишди. Гарри машинага кириб, эшикни ёпди.

- Газни бос, Фред! - кичқирди Рон.

Машина гўё камон ўқи каби Ой томон шиддат билан кўтарилиб кетди.

Гарри бахтига ҳамон ишонмайди – ниҳоят у қафасга қамалган қуш эркинликка чиққани каби учиб кетяпти! У бошини машина деразасидан чиқарган эди ҳам-ки, шўх эсаётган шабада сочларини ўйнатиб юборди. Одамовилар хиёбонидаги уй томлари аста кичрая бошлади. Гаррининг хонасидаги деразадан таналарини ташқарига чиқариб олган Вернон амаки, Петунья хола ва Дудли ўз кўзларига ишонмай, осмон-у-фалакка тикилганча, қотиб қолишди.

- Келаси ёзда кўришгунча, - кичқирди Гарри.

Болалар қотиб-қотиб, роса кулишди. Ўриндикнинг курсисига суяниб олган Гаррининг оғзи қулоғига етди.

- Илтимос, Хедвигни қўйиб юбор, - деди у Ронга, - Учсин. Қанотларини ёзмаганига минг йил бўлди.

Жорж Ронга соч-тўғноғични узатди. Хаёл ўтмай, Хедвиг, бамисоли руҳ каби машина билан теппа-тенг ҳавода сирпаниб борди.

- Хўш, нималар бўлиб ўтди? - сабрсизлик билан саволга тутди Рон, - Сенга нима қилди?

Гарри бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммасини: Добби ҳақида ҳам, унинг огоҳлантириши ҳақида ҳам, шакар бинафша билан безатилган пудинг меҳмонларга насиб қилмаганлиги ҳақида ҳам айтиб берди. Хикояси якунига етгач, ўртага узоқ давом этган изтиробли сукунат чўмди.

- Бу ерда қандайдир фирибгарлик борга ўхшайди, - ниҳоят ҳукм чиқарди Фред.

- Ҳақ гап гапирдинг, нимадир шубҳа туғдирмоқда, - розилик билдирди Жорж, - Қандай фитна эканлиги-ю, унинг иштирокчилари ҳақида ҳеч нарса айтмади-ми ўша Добби?

- Назаримда айтмоқчи бўлди-ю, журъат эта олмади, - жавоб қайтарди Гарри, - Айтдим-ку, сизларга, оғзидан гап чиқиб кетишига бир баҳя етмай қолганда бошини деворга қарсиллатиб уришни бошлаб қолар эди деб.

Фред билан Жорж бир-бирига қараб қўйишди.

- Нима? Добби мени лақиллатган деб ўйлайсиз-ми?

- Нима десам бўлар экан, - деди Фред, - Уй эльфи чиндан ҳам сеҳргар бўлади. Фақат у ўз сохибининг ижозатисиз сеҳргарлик қила олмайди. Ўйлайман-ки, қария Доббини сенинг хузурингга «Хогварц»га қайтмаслигинг учун атайин йўллашган. Кимдир ҳазиллашганга ўхшайди. Нима деб ўйлайсан, сенга нисбатан кек саклаб, адоват руҳида юрганлар борми?

- Бор, - баралла жавоб қайтаришди Рон билан Гарри.

- Драко Малфой, - тушунтириш берди Гарри, - Мени кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ.

- Драко Малфой? - сўради Жорж, орқага ўгирилиб, - Мабодо у, Люциус Малфойнинг ўғли эмасми?

- Эҳтимол. Бундай фамилия кенг тарқалган эмас-ку, - деди Гарри, - Нима қилди?

- Дадам у ҳақда гапирганини эшитиб қолган эдим, - тушунтирди Жорж, - У бир вақтлар Ўзинг-Биласан-Кимни тўла-тўқис қўллаб-қувватлаган экан.

- Ўзинг-Биласан-Ким ғойиб бўлгач, - қўшиб қўйди Фред, Гаррига қараш учун бошини орқага буриб, - Люциус Малфой орамизга қайтиб, бирон-бир ножўя иш қилмаганлиги ва айбдор эмаслигини маълум қилди. Бироқ унинг барча гаплари ёлғон. У Ўзинг-Биласан-Кимнинг энг яқин ҳамтовоқларидан бири эканлигига дадамнинг ишончи комил.

Гарри Малфойлар оиласи ҳақидаги ўхшаш гапларни олдин ҳам эшитган. Шу боис ҳам хайрон бўлмади. Драконинг олдида Дудли жуда ақл-фаросатли, кўнгилчан ва нозик табиатли боладай кўринади.

- Малфойлар хонадониди уй эльфи бор-йўқлигини билмадим... - ўйланиб қолди Гарри.
- Кимнинг эльфи бўлишидан қатъи назар, ўша оила жуда қадимий ва бой сеҳргарлар сулоласига мансубдир, - деди Фред.
- Ҳа. Онам доимо кийим дазмоллайдиган уй эльфи бўлишини орзу қилади, - қўшимча қилди Жорж, - Бизда эса чордоқда яшайдиган ярамас қари кўршапалак билан боғимизда тўлиб-тошган гномлардан бошқа ҳеч бало йўқ. Уй эльфлари данғиллама ховлилар, қасрлар ва шунга ўхшаш қошоналарда яшайди. Бизнинг уйимизда эса бундай махлуқлар бўлмайди...
- Гарри жавоб қайтармади. Дракода доимо энг зўр нарсалар бўлганлиги назарда тутилса, Малфойлар оиласини сеҳргарлар тилласига қўмилиб кетган деб фараз қилиш мумкин. Дракониинг данғиллама ховлида ўсаётганини тасаввур қилиш эса қийин эмас. Гаррининг «Хогварц»га қайтмаслиги учун хизматкор эльфни юбориш, Дракониинг табиатига хос хазиллардан биридир. Қандай қилиб Доббиниинг гапларини чинга олиб, лаққа тушиш мумкин?
- Нима қилганда ҳам сени олиб кетгани келганимиздан жуда хурсандман, - деди Рон, - Хатларимга жавоб қайтармаганиинг учун чинакамига ташвишга туша бошлаган эдим. Дастлаб Эрролдан кўрдим...
- Эррол деганиинг ким?
- Оилавий уккимиз. Жуда қариб қолган қуш. Почта ташиб кўп маротаба қулаб тушган. Гермесни ҳам йўлламоқчи бўлдим...
- Кимни?
- Синфбоши этиб тайинлангани учун ота-онамиз Персига совға қилган бойқуш, - тушунтирди машинани бошқариб кетаётган Фред.
- Бирок Перси бойқушини бермади, - давом этди Рон, - Ўзимга керак деб туриб олди.
- Перси ёзи бўйи ўзини ғалати тутди, - деди Жорж, ковоғини солиб, - У чиндан ҳам хонасига қамалиб олиб, жуда кўп хат ёзади. «СИНФБОШИ» кўкрак нишонига ўн кун жило бериш мумкин, хўп йигирма кун жило берсин... Фред, сен ғарб томон кўп буриб юбординг, - деди у, асбоблар панелидаги компасни чертиб.
- Фред рулни бурди.
- Дадангиз биладимми машинани олганиингизни? - қизиқиб сўради Гарри, қандай жавоб олишини олдиндан билса-да.
- Нима десак бўлар экан. Йўқ. Бугун кечқурун у ишга кетишига тўғри келди. Агар омадимиз чопса, машинани гаражга киритиб қўямиз. Онамиз ҳам сезмайди уни олганимизни.
- Дадангиз вазирликда нима иш қилади?
- Энг зерикарли бўлимда, - деди Рон, - Магларнинг рўзгор буюмларидан нотўғри фойдаланиш бўлимида ишлайди.
- Қанақанги бўлим?
- Бу иш маглар томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, кейинчалик сеҳрланган буюмлар билан боғлиқ фаолият. Гапимни тушунапсан-ми? Агар бундай буюмлар яна магларнинг дўкони ёки бирон-бирининг уйига қайтиб келадиган бўлса, дадамга иш топилади. Мана мисол учун, ўтган йили бир кекса афсунгар аёл вафот этди. Унинг чой сервизини антикий моллар дўконидан харид қилган бир магл аёл уйига олиб келгач, дугоналари-ю, ўртоқларини чойга таклиф қилибди. Дахшатли ҳодиса рўй берибди. Дадам бир неча ҳафта давомида уйга жуда кеч келадиган бўлди.
- Нима бўлибди?
- Чойнак кутуриб кетиб, ҳар томон қайноқ сув сепа бошлаган. Бурнини оқ қанд майдалайдиган қисқич тишлаб олган бир магл амаки эса касалхонага ётқизиблибди. Дадам ҳолдан тойиб кетди. Унинг бўлимида ўзидан бошқа кекса сеҳргар Пёркинс ишлайди ҳолос. Иккаласи, ушбу ҳодисани босди-босди қилиб юбориш учун унинг иштирокчилари-ю, шоҳидлари бўлмиш магларга Унуттириш афсуни-ю, шунга ўхшаш бошқа афсунлар қўллаб юришга мажбур бўлишди.



- Ундай бўлса, дадангиз қилаётган иш... ва... мана бу машина...  
 Фред кулиб юборди:

- Дадам магларга дахлдор буюмлардан завқланади. Саройимизда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. У кўлига кирган маглар буюмини қисмларга ажратиб, сеҳрлайди-да, қайтадан йиғади. Агар у ўз уйимизда ўзи тинтув ўтказадиган бўлса, ўзини ўзи хибсга олиши керак бўлади. Ойим эса дадамнинг қилган ишларини кўриб, ақлдан озиш даражасига қадар етади...

- Биз асосий йўлга етдик, - гапни бўлди Жорж, - Ўн дақиқадан сўнг, манзилга яқинлашамиз... Яхши, тонг отишига ҳам оз қолди...  
 Шарқ томондаги уфқ чизиғида пушти доғ кўрина бошлади.  
 Фред машинани бир оз пастлатгач, ишлов берилган экин майдонларининг қавилган қора кўрпаси ва дарахтлар гуруҳи кўринди.

- Ҳа демай Колготтери Сент-Инспекторт кишлоғи кўринади, - деди Жорж.  
 Машина борган сари пастлаб борди. Дарахтлар ортида Куёшнинг лаъл қизил гардиши яққол кўрина бошлади.  
 Машина ғилдираклари ерга енгилгина «гум!» этиб теккач:

- Қўндик! - хитоб оҳангида эълон килди Фред.  
 Улар кичик ҳовлидаги ярим хароба гараж ёнида кўнишди. Гарри деразадан Уэслилар уйини биринчи бор кўрди.

Бу уй, вақт ўтган сари, дам у ёни дам бу ёнига кичик иморатлар бетартиб қўшиб қурилган, устига, унинг асосий деворлари букилиб кетгунга қадар бир неча қават қўшимча хоналар кўтариб борилган ва фақат аллақандай мўъжизагина қулаб кетишига йўл қўймаётган оғилга ўхшаб кетади. Унинг қизил томида кам деганда беш-олтита мўри кўриниб турибди. Кириш эшиги ёнига суқиб қуйилган бўлиб, деярли пўкакка айланиб қолган эгри хомага «БОШПАНА» ёзуви битилган тахтача қийшиқ қоқилган. Уй остонаси атрофида бир дунё резина этиклар сочилиб ётибди ва нима учундир деворнинг кўча томонига занг босган қозон суяб қуйилган. Ҳовли ичида эса у ёқ-бу ёққа бориб қайтаётган беш-олтита дўмбоккина жигар ранг жўжа нималардир чўкиб юришибди.

- Айтарли бирор-бир ўзига хос хусусияти бўлмаган уй, - деди Рон, сохта бепарволик билан.

- Нега ундай дейсан, уларнинг зўр экан, - деди Гарри, Одамовилар хиёбонидаги 4- уй билан хаёлан таққослаб кўриб.  
 Улар машинадан чиқишди.

- Қулоқ солинг, юқорига ниҳоятда эҳтиёткорона кўтарилиш керак! – кўрсатма берди Фред,  
 - Кейин эса ойим нонуштага чақиргунга қадар кутинглар. Шунда сен, Рон:  
 - «Ойи, қаранг кечаси ким келди уйимизга!», - деб қичқирганча пастга тушасан.  
 Ойим Гаррини кўриб хурсанд бўлганидан, машинани олганимизни хаёлига ҳам келтирмайди.

- Тўғри, - рози бўлди Рон, - Кетдик Гарри, сенга ўз хонамни кўрсатаман. У энг...  
 Бирдан Роннинг ранги яшил тус касб этиб, кўзи музлаткич музхонасидан эндигина олинган балиқ кўзига ўхшаб қолди. Қолганлар ҳам Рон тикилиб қолган томонга ўгирилиб қарашди.

Жисмонан гирдиғум, лўппигина, кўнгли очик миссис Уэсли ховлида юрган жўжаларни хуркитиб чиққанча, қандай қилиб ибтидоий замонда яшаб ўтган найза тишли йўлбарсга ўхшаб қолганлиги кишини ҳайратга солади.

- Вой, - деди Фред.  
 - Ойижон, - қўшиб қўйди Жорж.  
 Миссис Уэсли болалар қаршисида таққа тўхтаб, иккала қўлини биқинларига тираб олди-да, нигоҳини бир гуноҳкор бола юзидан бошқасига олиб ўта бошлади. У эгнига киссасидан сеҳрли таёқча чиқиб турган гулли фартук ташлаб олган.

- Ҳўш, - деди у.  
 - Хайрли тонг, ойи, - саломлашди Жорж.  
 Фақат ўзигагина овози зўриқмай, беташвиш эшитилгандай туюлди.

- Мен қандай хавотир олганлигимни тасаввур қила оласизми? - дахшатли оҳангда пичирлади миссис Уэсли.

- Ойи, кечиринг, тушунапсиз-ми, биз...

Миссис Уэслининг учала ўғли ҳам ўзидан баланд бўлса-да, ойисининг дарғазаб важоҳати қаршисида кичкинагина бўлиб қолишгандай.

- Ўринлар бўш! Бир энли бўлса ҳам хат йўқ! Гаражда турган машина кўринмайди! Пачок бўлиб кетишди-ми, йўқми билмайман! Ойиларинг хавотир олиб, ақлдан озиб қолиши билан ишларинг йўқ! Сизлар бунга осонгина тупургансиз-қўйгансиз! Дадаларинг келсин, таъзирингизни бердирмай қўймайман. Билл ҳам, Чарли ҳам, Перси ҳам бундай қилмаган...

- Бекусур Перси, - тўнгиллади Фред.

- ИБРАТ ОЛСАНГ АРЗИЙДИ! - дод-вой қилди миссис Уэсли, кўрсаткич бармоғини Фреднинг кўкрагига тақаб, - Сизлар ҳалок бўлишингиз мумкин эди, сизларни кўриб қолишлари мумкин эди, отангизни ишдан қувиб юборишлари мумкин эди...

Чамаси бу жараён бир неча соат чўзиладиган кўринади. Дод-вой қилган миссис Уэсли Гаррига юзланишидан олдин овози бўғилиб, хириллаб қолишга улгурди. Кўзи миссис Уэслининг кўзига тушган Гарри беихтиёр орқага тисарилди.

- Келганидан жуда хурсандман, Гарри, - деди миссис Уэсли, шаштидан тушиб, - Хуш келибсан уйимизга. Юр ичкарига, бирор нарса еб ол.

У ўтирилиб, уйга равона бўлди. Кўрқиб кетган Гарри Ронга қаради. Роннинг далда берувчи имосини кўргач, миссис Уэслининг кетидан эргашди.

Ошхона тор ва жуда эскириб кетган экан. Ўртада йўнилган стол ва курсилар қўйилган.

Гарри улардан бирига ўтириб, атрофга разм солиб қаради. Сеҳргарлар хонадонидан у хали ҳеч қачон бўлмаган.

Рўпарасидаги деворда битта милли, рақам ўрнига «Чой қўйиш вақти бўлди», «Яна кеч қолдинг», «Жўжаларга ем бериш вақти» каби ёзувлар ёзилган соат осилиб турибди. Камин тоқчасида: «Хар бир хўранда учун сеҳрли таом», «Афсонавий нон ёпиш», «Бир дақиқада тайёрланадиган зиёфат – мўъжиза!»га ўхшаш китоблар уч қатор терилган. Гаррининг қулоғига ошхона чаноғи устидаги радио қарнайдан икки дақиқадан сўнг мафтункор қўшиқчи Челестина Уорбек таклиф қилинган «Афсунгар соати» радиоэшиттириши бошланиши эълон қилингани эшитилди.

Миссис Уэсли атрофда елиб-югуриб, бир оз кўпол бўлса-да, чаккон хатти-ҳаракатлар билан, товага битта-биттадан сосиска ташлар экан ҳар сафар: «қаеринг билан ўйлайсан сенлар» ёки «айтишса ишонмас этим» деганча вайсаб, нонушта тайёрлашга киришиб кетди.

- Сени, қадрдоним, мен ҳеч нарсада айблаётганим йўқ, - деди у Гаррига, бола ликопига саккиз-тўққиз дона сосиска солиб, - Ола қол болагинам, ош бўлсин. Артур иккаламиз сендан хавотирланиб, кўп эсладик. Кечагина у билан, агар Рон сендан жума кунга қадар жавоб хатини олмаса, сени ўзимиз олиб келишга аҳд қилиб қўйган эдик. Бироқ бутун мамлакат узра транспортнинг ман этилган турида парвоз этиш! Бу чиндан ҳам аҳмоқлик, - деди миссис Уэсли Гаррининг ликопига яна учта қовурилган тухум солиб, - Кўзини юқорига кўтаришга эринмаган ҳар қандай магл сизларни кўриб қолиши мумкин эди. Миссис Уэсли иш орасида сеҳрли таёқчаси билан ошхона чаноғидаги ликопларга аста уриб қўйди. Ликоплар шу заҳоти жиринглаб-шилдираб ўзидан ўзи ювила бошлади.

- Ҳаво булутли эди, ойи. Маглар кўра олмас эди, - деди Фред, сабри чидамай.

- Овқат ерман, қар ва гунгман! - ғазаб билан ўшқириб берди миссис Уэсли.

- Ойи, улар Гаррига овқат беришмабди! – деди Жорж.

- Сен ҳам жим ўтир!

Жоржнинг гапидан сўнг миссис Уэсли аста-секин жаҳлидан тушиб, қиёфаси ўзгара бошлади. Гаррига нон кесиб, сариёғ суртиб берди.

Бирдан ҳамманинг диққат-эътиборини муҳокама мавзусидан чалғитган ҳолат рўй берди. Эгнига кечаси қийиладиган ички қўйлак қийган ярқироқ бошли жажжи қизалоқ кўринди. У мехмонни кўриб паст овозда чийиллаб қўйди-да, нари қочди.

- Жинна, - деди Рон, Гаррига аста мурожаат қилиб, - Синглим. Ёз бўйи фақат сен хақингда гапириб юрди.

- Ҳа-да, Гарри, дастхат қўйиб берсанг, синглимиз ўзини энг бахтиёр киши деб билади, - гап қистирди Фред ишшайиб, бироқ онасининг нигоҳини кўриб, эътиборини ликопига қаратди.

Тўртта ликоп бўшаганга қадар бошқа хеч ким чурқ этмади. Бунинг учун эса кўп вақт керак бўлмади.

- Ўларча чарчадим, - эснади Фред, ниҳоят қўлидаги санчқи билан пичокни қўйиб, - Бориб, бир оз мизғиб олай...

- Ҳеч қанақанги уйқу тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас, - баёнот қилди миссис Уэсли, - Уйқуга тўймаган бўлсанг, айб ўзингда. Сени муаммонг мени қизиқтирмайди. Ҳозирок боққа бориб, уни гномлардан тозалайсан. Улар яна ҳадларидан ошиб кетишди...

- Ойи, ахир...

- Сиз иккалангиз эса Жоржга шерик бўласиз, - деди миссис Уэсли, Рон билан Фредга чақчайиб.

Сўнг, мулойим табассум билан Гаррига юзланди.

- Ёқимтойгинам, сен эса дам ол. Анави аҳмоқона машинада боришгани учун сен айбдор эмассан...

Кайфияти чоғ, қорни тўқ, кўнгли очилиб кетган ва ниҳоятда бахтиёр Гарри ўзини толиккан сезмади.

- Ижозат берсангиз, мен Ронга ёрдам бермоқчиман. Ҳали бирон маротаба боғни гномдан тозалаганим йўқ, - деди у.

- Ўртоғингга ёрдам қўлини узатганинг яхши, албатта. Бироқ азизгинам, бу жуда зерикарли иш, деди миссис Уэсли, - Ҳозир бир қараб қўрайчи, Чаруальд бу ҳақда нима деган экан... Миссис Уэсли камин устидаги китоб дастаси ичидан қалин китоб чиқарди. Буни кўрган Жорж инграб қўйди.

- Ойи, наҳотки боғни гномлардан тозалашни билмасак.

Гарри китобга эътибор қаратди. Унинг муқовасида тилла ҳарфлар билан кўндалангига «Сверкароль Чаруальд. Томорқа хўжалигида учраб турадиган зараркунандалар. Маълумотнома мазмунидаги қўлланма» ёзувини ўқиб, оқ-сарик жингалак сочили, кўзлари мовий, истараси иссиқ афсунгар кишининг расмини кўрди. Сехргарлар оламидаги фотосуратларда бўлгандай, афсунгар сурати хонада ўтирганларга қувноклик билан кўз қисиб чиқди. Гаррининг фахмлашига суратдаги киши, ушбу қўлланма муаллифи Сверкароль Чаруальд. Миссис Уэсли жавоб тарикасида афсунгарга кулиб қўйди.

- У бирам жозибадорки, - деди миссис Уэсли, - Томорқа хўжалигида учрайдиган зараркунандалар ҳақида ҳамма нарсани билади, жуда фойдали китоб...

- Ойимиз уни севиб қолган, - баланд овозда пичирлади Фред.

- Бемаъни гапларни вайсама, Фред, - ўғлининг гапини бўлди миссис Уэсли, лунжлари бир оз пушти ранг касб этиб, - Яхши, агар ўзингизни Чаруальддан ҳам ақлли деб билсангиз, жўнанглар боққа. Аммо айтиб қўяй, агар у ерда бирорта гном топадиган бўлсам...

Гарри эснаганча, нималардир ҳақида вайсаб, боғ томон равона бўлган ака-укалар кетидан эргашди. Боғнинг катталигини кўрган Гаррининг ҳаёлига ҳақиқий боғ айнаи шундай бўлиши лозим деган ўй келди. Агар Дурсллар, ушбу боғнинг ахволини кўрса ақлдан озиб қолишлари муқаррар. Ҳамма ёқни ёввойи ўт босган, боғдорчилик қоидалари инобатга олинандиган бўлса, майсани аллақачон ўриш керак эди. Девор яқинини қандайдир сершоҳ, сербутоқ дарахтлар, гул эгатларини номаълум ўт-ўланлар қоплаган. Бақатўн босиб, қурбақага тўлиб-тошган ҳовуз эса боғ ўртасида ям-яшил бўлиб кўринмоқда.

- Агар билсанг, магларда ҳам боғ гномлари бўлади, - маълум қилди Гарри майса устида борар экан.

- Ҳа, кўрганман. Маглар уларни гном деб ўйлашади, - жавоб қайтарди Рон, саллагул бутаси устида эгилиб, - Мана бунга ўхшаган илмоқли фиск-фасод Санта-Клауслар... Бир нарса лип этиб кўриниб, саллагул бутаси титраб кетгач, Рон гавдасини тиклаб олди.

- Мана буни гном деса бўлади, - ғудуллади Рон маъюс охангда.  
- Мени тинч қўй! Мени тинч қўй! - чийиллади гном.  
Гномнинг Санта-Клаусга ҳеч қандай ўхшаш жойи йўқлиги шубҳасиз. Жуссаси миттигина, тери қопламаси қалин, кал калласи ғадир-будур гном қўйиб қўйгандай картошкага ўхшайди. Узатилган қўл масофасида тутиб турилган боғ зараркунандаси ўзининг калтагина, лекин ўткир пихли оёқлари билан типирчиламоқда. Ниҳоят Рон уни тўпиғидан ушлаб, бошини пастга қилиб осилтириб қўйди.  
- Мана нима қилиш керак буларни, - тушунтирди Рон.  
У «Мени тинч қўй!», - деб кичкиришини қўймаган гномни боши узра қўтариб, каманд айлантираётгани каби айлантиришга киришиб кетди ва Гаррининг бундай шафқатсизликдан серрайиб қолган қиёфасини кўриб:  
- Хавотир олма, унинг жони оғримайди. Фақат боши айланиб, ортга қайтиш йўлини топа олмаслиги учунгина шундай қилиш керак, - деб қўшиб қўйди.  
У боши узра гир айлантираётган гномни улоктириб юборди. Боғ зараркунандаси ўн метрча ҳавода учиб, девор ортидаги далага шалп этиб тушди.  
- Нимжон экансан, - деди Фред, - Гаров боғлайсан-ми, мен улоктирадиган гном ҳў анави устундан нари бориб тушади.  
Бир оздан сўнг Гарри ҳам гномларга раҳм қилмай қўйди. Қўлига кирган дастлабки гномни у эҳтиёт қилиб боғ деворидан ташқарига чиқариб қўймоқчи бўлди-ю, Гаррининг бўш, раҳмдиллигини кўрган нонкўр гном устарадек ўткир тишларини боланинг бармоғига санчиб олди. Гарри жони оғриб, қўлларини силтаб қолди ва ниҳоят:  
- Яша Гарри, кам деганда йигирма метр нари бориб тушди, - деган мактовни эшитди.  
Бир оздан сўнг боғдан далага қарата улоктирилаётган гномлардан осмон қоронғилашиб кетди.  
- Бу гномларнинг фаҳми жуда калта бўлишига эътибор бер, - тушунтира кетди бир қулоч гномни ушлаб олган Жорж, - Кимдир боғни гномдан тозалашга аҳд қилганини билишса бас, турган жойида писиб қолиш ўрнига, аксинча, ҳаммаси ташқарида нима бўлаётганини кўриш учун юкорига интилади.  
Кўп ўтмай далада нотекис саф тортган гномлар маъюс ҳолатда, зўрға одимлаб кетишаётгани кўринди.  
- Улар тез орада қайтишади, - деди Рон, даланинг қарши томонидаги тўсиқ ортига ўтиб кетишаётган гномларни кузатиб, - Уларга боғимиз жуда ёқади.. Дадам уларга хаддан ортик раҳм қилади. Гномлар унинг кўзига жуда аломат кўринади...  
Айни шу фурсатда кириш эшиги қарсиллагани эшитилди.  
- Келди! - кичкирди Жорж, - Дадам келди!  
Болалар уй томон ошиқишди.  
Эгнига эски, чанг босган коржома ташлаб олган, озгин, сочи тўкилиб, сийқалашиб қолган, бошида қолган туклар ранги худди ўз болаларининг сочига ўхшаш малла ранг мистер Уэсли ўзини ошхонадаги стулга ташлаб, кўзойнагини ечди-да, кўзини чирт юмиб олди.  
- Шунақа ҳам тун бўладими? - ғудуллади у, чойнак кидирганча стол устини пайпаслаб, - Тўкқиз маротаба чикдик-а! Тўкқиз маротаба! Бунинг устига, орқа ўгирсам бас, қария Мундугнус Флетчер мени сеҳрлашга уринади...  
Мистер Уэсли чойнақдан хўриллатиб чой тортди-да, оғир хўрсинди. Болалари унинг атрофида парвона.  
- Бирон нарса топдингиз-ми, дада? - сўради Фред, завқ билан.  
- Айтарли ҳеч нарса. Бир жуфт кичрайиб кетадиган калит билан қопагон чойнак, - эснаб жавоб қайтарди мистер Уэсли, - Ҳа, бизнинг департаментимизга даҳли бўлмаган яна бир қабохат топилди. Жонсизморрисни олиб кетишди. Унда жуда шубҳали кўнғизлар топилди. Хайриятки бу иш сеҳргарлик хавфсизлиги қўмитасига тааллуқли.  
- Ким шунчалик бекорчи эканки, кичрайиб кетадиган калит ясади? - хайрон бўлиб сўради Жорж.  
- Бу шунчаки, магларни масхара қилиб, таҳқирлаш мақсади кўзланган тузук, - хўрсиниб

қўйди мистер Уэсли, - Тасаввур қилинг, эшик калити ўзидан ўзи кичрайиб, кичрайиб бораверади-да, энг зарур бўлган фурсатда кўринмас даражага қадар бориб етади... Албатта, бундай ҳолатда бирор-бир нарсани исботлаш қийин. Калити кичрайиб йўқ бўлиб кетаётганига бирорта магл ҳаётда икром бўлмайди. Улар, доимо калит йўқотиб юришларига арз қилишади. Бечоралар, ҳар нарсага тайёр, фақат кўз ўнгида рўй бераётган бўлса ҳам, афсунни сезишмаса бўлди. Сеҳргар элатимиз нималарни сеҳрлаб юборишларини тасаввур ҳам қила олмайсиз.

- МИСОЛ УЧУН, МАШИНАЛАРНИ-МИ?

Қўлига узун косовни қилич сингари ушлаб олган миссис Уэсли пайдо бўлди. Кўзлари катта очилиб кетган мистер Уэсли айбдор кўзлари билан хотинига бакрайиб қолди.

- М-машиналарни, Молли, азизам?

- Ҳа, Артур, машиналарни, - тасдиқлади кўзлари яркираб турган миссис Уэсли, - Тасаввур қил. Бир сеҳргар эскириб, занг босган машинани харид қилиб олибди-да, хотинига ушбу шалоқ аравани қисмларга ажратиб, унинг қай тарзда ишлашини тушуниб етмоқчи бўлганлигини айтибди. Аслида эса машинани шундай сеҳрлаб қўйибди-ки, у осмон-у-фалакка кўтарилиб, учадиган бўлиб қолибди.

Мистер Уэслининг кўзлари пирпираб қолди.

- Биласанми, азизам, назаримда фикримга қўшилишинг керак. Ўша сеҳргарнинг хатти-харакатлари қонун доирасидан чиқиб кетмаган. Тўғри, у... хотинини алдамай, рост гапирганда... афзалроқ бўлар эди, албатта. Агар қонун ҳужжатларини ўрганиб чиқсанг, уларда... айрим раҳналар борлигини ўзинг пайқайсан... Бинобарин, ўша сеҳргар машинада учиб юриш ҳаракатларини ўз олдига мақсад сифатида қўймаган экан, хусусан машинанинг уча олиш қобилияти ғайриқонуний саналмайди...

- Артур, бошимни қотирма. Магларнинг лаш-лушларини саройингда хотиржамгина титиб ўтиришга ўзингга ўзинг имкон яратиш учун ўша қонун ҳужжатларида ўхшаш раҳналар бўлишига хой-на-хой шахсан ўзинг хисса қўшганига зиғирдай бўлсин, шубҳа қилмайман! - қичқирди миссис Уэсли, - Гарри, эътиборинг учун, бугун эрталаб, учиб юриш ҳаракатларини ўз олдига мақсад сифатида қўймаган ўша машинада учиб келди!

- Гарри? - тентакланиб сўради мистер Уэсли, - Қайси Гарри?

У атрофга разм солиб қараб чиқди-да, Гаррини кўриб, ирғиб турди.

- Ажабо! Гарри Поттер! Жуда хурсандман! Камина Артур Уэсли. Рон сен ҳақингда кўп гапириб берган...

- Бугун тунда ўғлонларинг ўша мудҳиш машинада Литтл Уингинг шаҳарчасига учиб боришиб, Гаррини олишди-да, ортга учиб қайтишди! Бунга нима дейсан-а?! - гумбурлади миссис Уэсли.

- Ростданми? - хитоб қилиб юборди мистер Уэсли, - Хўш, парвоз қалай ўтди? - миссис Уэслининг кўзларида яркираб турган яшин тафтини сезгач, оҳангини ўзгартирди, - Я... яъни кети ўйланмаган иш тутибсизлар, кетини ўйламай...

Миссис Уэслининг қурбақадай ишиб кетаётганини кўрган Рон Гаррининг қулоғига:

- Кетдик бу ердан. Хонамни кўрсатаман, - деб пичирлади

Улар ошхонани аста тарк этиб, торгина йўлақдан чиқиш-да, тушуниб бўлмас даражада қаёққадир юқорига илон изи кўтарилган зинапояга етиб келишди. Зинапоя олиб чиққан учинчи қаватдаги эшик очик. Гарри ичкаридан қараб турган жигар ранг кўзларни эндигина сезган эди ҳам-ки, эшик ёпилди.

- Жинна, - деди Рон, - Табиатан шаддод синглимнинг уялаётгани қанчалик таажжубли эканлигини тасаввур ҳам қила олмайсан. У ҳеч қачон эшигини ёпмас эди...

Яна икки оралик юқорига тирмашиб чиқишгач, «РОННИНГ ХОНАСИ» ёзувли кичкина тахтача осиб қўйилган, бўёғи кўчган эшикка етиб келишди.

Гарри хонанинг қия шифтига боши билан тегар-тегмас ичкарига киргач, кўзлари пирпираб кетди. У ўзини худди печка ичига кириб олгандай хис этди. Хонадаги нарсаларнинг деярли ҳаммаси тўқ сарик, каравот устидаги ўрин ёпинчиғи, деворлар ва ҳатто шифт ҳам тўқ сарик. Дўсти ўз хонасининг деворларидаги ранги ўчган гулқоғозларни етти нафар

афсунгардан иборат квидиш жамоасининг турли кўринишда тасвирланган плакатлари билан ёпиб қўйганини бир қарашда пайкамади. Кўлларига супургиларини ушлаб олишган ўйинчиларнинг ҳаммаси яркираган сариқ кийим кийган бўлиб, хонага кириб келганларга завқ билан қўл силтаб туришибди.

- Сен ёқтирадиган квидиш жамоасими? - фахмлади Гарри.

- «Отар замбараклар», - тасдиқлади Рон, қора рангли йирик «ОЗ» ҳарфлари ва отилган замбарак ўқининг тасвири тикилган тўқ сариқ ўрин ёпинчигини кўрсатиб, - Лигада тўққизинчи ўринда.

Хона бурчагида «Тентак магл Мартин Миггс саргузаштлари» туркумидаги ҳажвий комикслар туркуми билан Роннинг мактаб дарсликлари аралашиб кетган. Сеҳрли таёқча эса токчада, дўстининг қуёшда тобланганча ухлаб ётган Қасмоқ лақабли каламуши ёнидаги, бақа увулдириғига тўлиб кетган аквариум устида ётибди (**Комикс – графика шаклида ҳикоя қилиш жанри, мантиқан боғланган қисса ҳосил қиладиган, қисқа матнлар билан биргаликда акс эттирилган расмлар серияси**).

Гарри ерда ётган ўзи чийланадиган қарталар дастаси устидан хатлаб ўтиб, дераза ёнига борди. Далада аста-секин яқинлашиб, Уэслилар ховлисига қайтиб киришни кўзлаб турган гномлар батальони кўринди. Сўнгра ўртоғининг ҳукмини ҳаяжон билан кутиб турган Рон томон юзланди.

- Бу ер сал торроқ, - тез гапира кетди Рон, - Сен кўникиб қолган маглар уйига ўхшаш эмас. Бундан ташқари, устимизда катта кўршапалак яшайдиган чордоқ бор. У қонхўр кечаси билан инграб, қувурларни уриб чиқади...

Оғзи қулоғига етиб қулаётган Гарри ўртоғининг гапини бўлди:

- Бу уй, ушбу ёруғ дунёдаги энг зўр уй экан!

Кўнгли таскин топган Роннинг қулоқлари пушти ранг каб этди.

#### **IV БОБ. «ЖИМЖИМАДОР ВА СИЁХ ДОҒИ» ДЎКОНИДА**

Уэслиларнинг Бошпанасидаги ҳаёт Одамовилар кўчасидаги ҳаётдан батамом фарқ қилади. Дурсллар ўз уйларида ҳамма нарса батартиб бўлиши, барча жараёнлар белгиланган изчилликда кечишини ёқтирса, Уэслилар хонадонидида аксинча, қандайдир ғалати ва умуман кутилмаган ҳодисалар мунтазам рўй бериб боради. Гарри камин токчаси устидаги кўзгуга биринчи маротаба қараган пайтда кўзгу унга: «Кўйлагингни тўғрилаб ол, искирт», - дея бақириб берганини эшитиб, жон-пони чиқиб кетишига сал қолди. Чордоқда яшайдиган катта кўршапалак мунгли инграб, уйда сукунат қарор топиши билан ҳар хил темир-терсак йиқитади. Эгизаклар хонасида тез-тез янграб турадиган портлашларга эътибор эса, деярли қаратилмайди. Гаррини кўпроқ кўзгунинг гапиришига ўхшаш нарсалар эмас балки, ҳамма уни яхши кўриши ҳайрон қолдиради.

Мисол учун, миссис Уэсли Гаррининг ўз вақтида пайпок алмаштириб боришига жон қуйдириб, ҳар сафар овқат вақтида кам деганда тўрт порция «кўшимча» едиришга уринса, мистер Уэсли тановул чоғида Гаррини ёнига ўтқизиб, маглар тўғрисида турли-туман, айтайлик, электр розеткасининг тузилиши ёки почта хизмати қандай ташкил этилганлиги ҳақида савол-жавоблар ўтказади.

- Ажойиб, - дейди у, Гаррининг мисол учун, телефон алоқасидан фойдаланишга ўхшаш ҳикоясини тинглаб бўлгач, - Маглар сеҳргарлик амалиётисиз яшашнинг қанчадан-қанча усулларини ўйлаб топишгани кишини ҳайрон қолдиради.

Гарри Бошпанага келган кундан тахминан бир ҳафта ўтгач, қуёшли тонглардан бирида «Хогварц»дан хат олди. Рон иккаласи нонушта вақтида пастга тушишганида эр-хотин Уэсли ва кичкинтой Жинна дастурхон атрофига тўпланишган. Гаррини кўрган қизалоқ сули бўтқа солинган ликопини ерга тушириб юборди. Сўнгги вақтда Жиннанинг хатти-харакатларида буюм ағдаришга мойиллик кузатилмоқда. Ҳар қалай Гарри Жинна ўтирган хонага кирган пайтда бундай ҳолат рўй бермаган кун хали бўлмаган. Ҳозир у ликопини олиш учун стол остига шўнғиди-да, кун охирида ботаётган қуёшдай ёнаётган юзи билан

чиқди. Гарри ҳеч нарса сезмагандай курсига ўтириб, миссис Уэсли узатган бутербродни олди.

- Мактабдан келган хатлар, - эълон қилди мистер Уэсли ва Гарри билан Ронга сарғиш пергаментдан тайёрланган, манзили яшил сиёҳ билан битилган иккита бир хил конверт узатди, - Сен бизникига кўчиб ўтганингдан Дамблдор аллақачон хабардор экан, Гарри. Қара-я, ул зотдан ҳеч нарсани бекитиб бўлмайди. Сиз иккалангиз ҳам хатларингни олинглар, - деди у, уйқусираб, қоқилиб, пижаманинг шимига илашиб чиққан эгизакларга муружаат қилиб.

Болалар хат ўқиб ўтирган бир неча дақиқа давомида хонада жимлик ҳукм сурди. Хатни ўқиган Гарри биринчи сентябрь куни Кингс-Кросс вокзалига етиб бориши ва одатдагидай «Хогварц-Экспресс» поездига чиқиши лозимлигини тушунди. Шунингдек, хатга иккинчи синф ўқувчисига зарур бўладиган китоблар рўйхати илова қилинган.

### *ИККИНЧИ ЙИЛ ТАҲСИЛ КЎРАДИГАН ЎҚУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРГА ЭГА БЎЛИШЛАРИ ЗАРУР:*

*Миранда Гошок «Афсунлар тўплами (иккинчи қисм)»;*

*Сверкароль Чаруальд «Нариги дунёдан вакил бўлиб келган аёл билан суҳбатлар»;*

*Сверкароль Чаруальд «Қонхўрлар билан ўтган кечки овқат»;*

*Сверкароль Чаруальд «Сехргар аёллар билан биргалликда ўтказилган таътил»;*

*Сверкароль Чаруальд «Троллар билан саёҳат»;*

*Сверкароль Чаруальд «Қонхўр билан ўтказилган хизмат сафари»;*

*Сверкароль Чаруальд «Бошқа тусга кирган одамлар билан мулоқот»;*

*Сверкароль Чаруальд «Қор одам билан иттифоқ».*

Ўз хатини ўқиб бўлган Фред Гаррининг елкаси узра қараб, бола хатига эътибор қаратди.

- Сизлар ҳам Чаруальд китобларини харид қилишларинг керак эканми! - хитоб қилиб юборди у, - Ёвузлик кучидан химоя фанининг янги ўқитувчиси Чаруальднинг мухлиси, аниқроқ айтиладиган бўлса, гаров боғлашим мумкин, мухлисаси бўлса, ажаб эмас.

Фред онасининг нигоҳини пайқагач, банкадаги мураббони ўрганишга киришиб кетди.

- Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, буларнинг бари арзонга тушмайди, - деди Жорж ота-онаси томон қараб қўйиб, - Чаруальд китоблари жуда қиммат туради...

- Бир амаллаймиз, - деди миссис Уэсли, ташвишга тушиб қолганлигини яшира олмай, - Умид қиламанки, тугилган буюмлар дўконидан Жинна учун кўпроқ нарса харид қила оламиз.

- Ие, сен ҳам бу йил «Хогварц»га борасанми? - сўради Гарри қизалоқдан.

Қизалоқ бош ирғиди-да, олов ранг сочларининг учига қадар қип-қизариб кетганча, тирсагини мойдонга бехос тираб олди. Хайриятки, буни Гарридан бошқа ҳеч ким сезмади. Негаки, ҳамманинг нигоҳи айна дамда ошхонага кириб келган Роннинг акаси Персига қаратилган. У тўла-тўқис кийиниб олган бўлиб, нимчасига «СИНФБОШИ» кўкрак нишонини тақиб олган.

- Ҳаммага салом, - саломлашди Перси, бардам оҳангда, - Кун ажойиб бўлибди, шундай эмасми?

Синфбоши виқор билан бўш турган ягона курсига жойлашиб ўтирди-да, шу заҳоти ирғиб туришга мажбур бўлди. У ўз остидан кул ранг, ўнгиб кетган патлардан боғланган супурги чиқарди. Ҳар қалай Гаррига Персининг қўлидаги буюм чанг елпиш супургисига ўхшаб кўринди-ю, у нафас оляпти.

- Эррол! - қичқириб юборди Рон, Персининг қўлидан ҳаракатсиз уккини тортиб олганча. Рон қуш қаноти остидан хат чиқарди.

- Ниҳоят, Германионнинг жавобини етказиб келибди. Мен унга сени Дурсллар зулмидан халос этишга уриниб кўришимиз ҳақида ёзган эдим.

У Эрролни орқа эшик ёнида, атайин укки учун тайёрланган қўноққа ўткизиб қўйишга

уринди. Бирок қари кушнинг ўтиргани мажол и етмай, ёнбошлаб қолгани боис, ошхона чиганоғининг ёнига ётқизиб қўйиб, «бечора» деганча, конвертни очди-да, Гермionaдан келган хатни овоз чиқариб ўқишга киришди:

*Қадрдон дўстим Рон ва азизим Гарри, агар сен ҳам шу манзилда бўлсанг, албатта!  
Умид қиламанки, тадбир муваффақиятли ўтди. Ишончим комилки, Гаррининг ишлари жойида ва сен Рон, Гаррини халос этиш учун бирор-бир ғайриқонуний иш тутмадинг. Акс ҳолда иккалангизнинг ишингиз пачавага бориб тақалиши муқаррар. Мен жуда хавотирдаман. Шу боис, хатимни олишларинг билан Гаррининг ишлари жойида эканлиги ҳақида менга зудлик билан хабар беринглар. Фақат, Рон, илтимос, бу сафар бошқа бойқуш йўлла. Негаки, назаримда, уккингдан яна бир бор хат бериб юборадиган бўлсанг, бу унинг узундан-узоқ ҳаётидаги сўнгги хат бўлади.  
Табиийки, мен жуда кўп дарс қиляпман.*

- Ҳозир таътил-ку, каердан ола қолди «жуда кўп дарс»ни, - аччиқланиб вайсади Рон.

*Келгуси чоршанба куни эса дарсликлар харид қилиш учун Лондонга бормоқчимиз. Диагон хиёбонида учрашишга нима тўсқинлик қилиши мумкин?  
Ишлар жойида эканлиги ҳақида тез хабар йўлланг.  
Эҳтиром ила, Гермiona.*

- Ҳа. Бу бизга ҳам жуда маъқул келади. Чоршанба куни бориб, бозорлик қилиб қайтишимиз мумкин, - деди миссис Уэсли, дастурхонни йиғиштиришга киришиб, - Бугун нима билан шуғулланмоқчисизлар?

Гарри, Рон, Фред ва Жорж тоққа, Уэслиларга тегишли кичик ер майдонига кўтарилишни режалаштиришган. Ўша жой дарахтлар билан тўсилган бўлиб, пастдаги кишлоқ аҳолисининг кўзига кўринмайди. Шундай экан, супурги эгарлаган болалар кўп юқорига кўтарилмай, квидиш ўйнашлари мумкин. Табиийки, уларнинг ҳақиқий квидиш тўпларини ўйнаш имкони йўқ. Негаки, озодликка эришган тўпларнинг кишлоқ узра учиб юргангани маҳаллий аҳолига узоқ тушунтиришга тўғри келади. Болалар бир-бирига тўп ўрнига олма отишиб, Гаррининг «Нимбус-2000» русумли супургисида навбат билан учишди. Ахир бу, кам сонли жамоаларидаги энг зўр супурги-ку. Роннинг «Учар юлдуз» русумли супургисини баъзан, хатто капалаклар ҳам қувиб ўтади.

Нонушта тугаб, беш дақиқа ўтгач, елкасига супургиларини ташлаб олган болалар тоққа кўтарилди бошлашди. Улар Персини ҳам таклиф қилишди. Бирок у, банд эканлигини рўқач қилиб, таклифни рад этди. Бу хонадонга келган кундан буён, Гарри, ўз хонасидан деярли чиқмай ўтирадиган Персини фақат овқат маҳалида учратади холос.

- Нима билан банд экан у, жуда билгим келяпти, - ўйланиб қолди Фред, ковоғини уйиб, - Негадир у сўнгги вақтда жуда ўзгариб кетди. Топширган имтиҳонларининг натижаларини сен келмасдан бир кун олдин олган эдик. Ўн иккинчи МОСДга эга бўлди, хурсанд бўлмади-ми!

- Мутлақо оддий сеҳргарлик даражаси, - тушунтирди Жорж Гаррининг МОСД қисқартмасини тушунмай, боши қотган киёфасини кўриб, - Билл ҳам ўн иккинчи даражага эришган эди. Агар хушёр бўлмасак, оиламизда мактабнинг яна бир энг ибратли ўқувчиси пайдо бўлади. Шахсан мен, бундай шармандаликка бардош бера олмайман!

Билл Уэслилар хонадонида тўнғич фарзанд. У ва ундан кейин туғилган укаси Чарли ҳам «Хогварц»ни тамомлашган. Гарри улар билан шахсан таниш бўлмаса-да, Чарли Руминияда, аждар зотларини тадқиқ қилиб юрганлигини, Билл эса сеҳргарларнинг Мисрдаги «Гринготтс» банки ходими эканлигини билади.

- Ота-онамиз бу йил мактаб лаш-лушларини қандай қилиб харид қилишларини тасаввур эта олмайман, - деди Жорж бир оз ўйланиб, - Чаруальднинг бешта тўпламини-я! Жиннага эса кийим ҳам, сеҳрли таёкча ҳам, бошқа майда-чуйда нарсалар ҳам харид қилиш даркор...



Гарри, Жоржнинг ташвишли гапига жавобан бирон оғиз сўз айтмади. У ўз ота-онасидан қолган, Лондоннинг ер ости омборида сакланаётган катта меросга эга. Гарри сеҳргарлар дунёсидагина бой саналади, албатта. Маглар дўконларида галлеон, склат, нут деб номланадиган сеҳргарлар пули воситасида олди-берди қилинмайди. Қолаверса у, банк муассасасида ўз ҳисоб варақаси борлиги, унда қайд этилган пул миқдори ҳақида Дурсларга маълум қилмаган. Зеро, Дурсларнинг ҳар қандай сеҳрли нарса олдида даҳшатга тушиш одатлари, олтин тангаларнинг катта уюмига даҳл қилмаслигига бола шубҳа қилмас эди.

\*\*\*

Эртасига эрталаб миссис Уэсли ҳаммани барвақт уйғотди. Болалар «апил-тапил тамадди қилиб олишлари» учун ҳар бирига олти донадан, дудланган чўчка гўштидан тайёрланган бутерброд тарқатиб чиқди. Болалар ўз нимчаларини кийиб олишаётган пайтда эса камин тоқчасида турган гултувакни олиб, ичига бурнини тикиб кўрди.

- Деярли тугабди, Артур, - хўрсиниб кўйди у, эрига қараб, - Бугун яна харид қилиб олишга тўғри келади... Хўп, майли, ҳозир бунинг аҳамияти йўқ. Шундай қилиб, меҳмон биринчи бўлиб бошлаб беради! Марҳамат, кадрдоним Гарри! - деди-да, тувакни Гаррига узатди. Гарри эса, ҳеч нарсани тушунмай, атрофда қараб турганларга бақрайиб қолди.

- М-мен нимадир қилишим керак-ми? - дудукланиб сўради у ниҳоят.

- Эсим курсин! Ахир у хали ҳеч қачон саёҳат уни воситасида сафарга чиқмаган-ку! - эслади Рон, - Кечир Гарри, ёдимдан чиқибди!

- Ҳеч қачон?! - хайрон бўлди мистер Уэсли, - Ундай бўлса, ўтган йили Диагон хиёбонида қандай бординг.

- Метрода борган эдик...

- Ростдан-ми? - хитоб қилиб юборди мистер Уэсли, - Бу, халиги, эскапаторлар бор жойми? Қандай ишлайди...

- Ҳозир эмас, Артур, - эрининг гапини бўлди миссис Уэсли, - Саёҳат уни зарурий манзилга анча тез етказди, ёкимтойгинам. Ё тавба, энди нима қиламиз...

- Ҳаммаси яхши бўлади, ойи, - тинчлантирди Фред, - Гарри, биз бошлаб берамиз, сен эса диққат билан кузатиб тур.

У гултувак ичидаги яркироқ ундан бир чимдим олди-да, камин томон бир қадам босиб, оловга сепиб юборди.

Гувиллаб кетган гулхан зумрад тус касб этиб, Фред бўйидан ҳам баланд кўтарилиб кетди. Айни шу фурсатда Фред олов ичига кириб, «Диагон хиёбони!» деб қичқирганча, кўздан ғойиб бўлди. Шундан сўнг, Жорж қўлини тувак ичига солди.

- Ёдингда бўлсин, азизим. Манзилни аниқ ва равон талаффуз этмоқ даркор, - уқтирди миссис Уэсли Гаррига, - Керакли ўчоқдан чиқишни ҳам кузатиб бормоқ лозим.

- Керакли нимадан? - сўради Гарри асабийлашиб.

Бу пайт олов бўйи яна кўтарилиб кетиб, Жоржни ўз домига тортиб кетди.

- У ерда ҳар хил каминлар жуда кўп, Гарри. Агар сен манзилни аниқ ва равшан талаффуз этсангин...

- Хавотир олма, Молли, Гаррига ҳеч нарса қилмайди, - тинчлантирди мистер Уэсли бир чимдим ун олиб.

- Сен шундай дейсан-у, азизим, агар у йўқолиб қолса амакиси билан холасига нима деймиз?

- Уларга фарқи йўқ, - ишонтирди Гарри, - Агар Дудли печка қувури орқали учиб чиқиб, пачоқим чиқиб кетганлигини эшитса, хурсанд бўлади холос...

- Хўп... майли, Артурнинг кетидан бор, - қарор қилди миссис Уэсли, - Олов ичига туриб олгач, қаёққа боришинг кераклигини баланд овозда, аниқ айт...

- Қўлингни тананга босиб ол, - йўриқ берди Рон.

- Кўзларингни ҳам юмиб ол, - шошиб қўшимча қилди миссис Уэсли, - Қорақуя...

- Довдирама, - деди Рон, - Акс ҳолда бировнинг ўчоғига тушиб қоласан...

- Ваҳима қилма, акс ҳолда жуда эрта чиқиб қоласан. Фред билан Жорж кўрингунга қадар чиқмай тур.

Гарри, берилган йўл-йўриқларнинг ҳаммасини эслаб қолишга уринганча, гултувак ичидаги саёҳат унидан озгина олди-да, каминга яқинлашди. Чуқур нафас олгач, гулханга ун сепиб, қадам босди. Гўё кучсиз гармсел эсгандай бўлди. Бола оғиз жуфтламоқчи бўлган эдики, ўпкаси тутунга тўлди. Йўтал орасида:

- Д-д-дига хиёбон, - талаффуз этди у.

Гаррининг танаси худди гирдоб тортиб кетгандай, катта тезлик билан айлана бошлаб, кулоқни қар қилиб юборгудай даражада гумбурлаган товуш эшитди. Кўзини очишга уриниб кўрди-ю, яшил оловнинг уюрма ҳаракатидан кўнгли айниб кетиб, яна юмиб олди. Нимадир тирсагига қаттиқ урилгач, қўлларини айланишдан тўхтамаётган танасига маҳкам сиқиб олди. Кимдир муздай кафти билан унинг юзига бир неча бор тарсаки солгандай ҳам бўлди. Қисиб олган кўзини бироз очгач, кўзойнаги орқали ҳар хил каминлар оқими ва улар ортидаги хоналарни кўрди. Қорнида эса ҳозиргина еган бутерброд бетўхтов айланаётганини ҳис этди. Буларнинг бари тезроқ ўтиб кетишини истаганча, боз кўзини чирт юмиб олди...

Гарри юзи билан тош ерга чунонам тушдики, ҳатто кўзойнагининг банди синиб кетди. Бола боши айланиб, ҳамма жойи кўқарган, қорақуяга беланган, синган кўзойнаги бурни устида базўр илиниб турган ҳолатда ўрнидан турди. У аллақандай хонада ёлғиз бўлиб, қаерга келиб тушганини тасаввур ҳам қила олмайди. Гарри кенг, етарлича ёритилмаган, сеҳргарлар дўконига ўхшаш жойнинг мрамор камини ёнида турганини, бу ерда сотилаётган моллар эса «Хогварц»дан йўлланган рўйхатга киритилмаганлигини айта олиши мумкин ҳолос.

Гаррига яқинроқ жойда шиша витрина турибди. Унинг ичидаги ёстиқча устида ажин босган қўл, қонга беланган бир даста қарта ва бақрайиб турган шиша кўз ётибди. Деворларга ёвузликни ифода этиб турган ниқоблар осилган бўлиб, токчаларга одам суякларининг улкан коллекцияси жойланган. Занг қоплаган, тиғи ўткир асбоблар шифтга осиб қўйилган. Энг ёмони, чанг босган деразадан кўриниб турган тор қоронғи кўча Диагон хиёбони эмаслиги аниқ.

Ерга урилган бурни ҳамон оғрияпти. Дўқондан қанча тез чиқиб кетса, шунча яхши. Бола астагина эшик томон йўл олди. Бир неча қадам қўйиши билан кўчада, дўқон эшигига яқинлашаётган икки кишини кўриб қолди. Улардан бири Гаррига жуда яхши таниш бўлиб, ўзининг искирт аҳволи-ю, синик кўзойнаги билан довдираб турган ҳолатда ушбу ёруғ оламда учратишни истамаган Драко Малфой.

Шошиб қолган Гарри атрофга қараб, чап томонда турган катта қора жавонга кўзи тушгач, тез ичига кириб олди-да, дўқонга кирганларни кузатиб туриш учун эшикни қия ёпди. Бир неча сония ўтар-ўтмас, кириш эшигининг устидаги кўнғироқ чалиниб, ичкарига Малфой кириб келди.

У билан бирга кирган киши Драконинг отаси эканлигига шубҳа йўқ. Юзи худди Драконинг юзи каби чўзиқ, рангпар, истараси ҳам боласининг истараси каби совук. Мистер Малфой дўқонни айланиб, витриналарга қўйилган молларни эринчоқлик билан кўздан кечириб чиқди-да, пештахтадаги кўнғироқни қўлига олиб чалди.

Малфой шиша кўзга қўл узатди.

- Ҳеч нарсага тегма, Драко.

- Менга бирон-бир совға танлаймиз деб ўйлаган эдим, - деди Драко норози оҳангда.

- Айтдим-ку, пойга супургисини олиб бераман деб, - ўйчан жавоб қайтарди отаси, пештахтани бармоқлари билан чертиб.

- Мени коллеж жамоасига қабул қилишмас экан, супургини нима қиламан? - деди Малфой, ковоғини осилтириб, - Гарри Поттерга ўтган йили «Нимбус-2000» русумли супурги совға қилишди. «Гриффиндор» жамоаси таркибида ўйнаши учун эса Дамблдорнинг махсус рухсати берилди. Уни зўр ўйинчи деб бўлмаса ҳам бундай имтиёзларга пешонасидаги

анави аҳмоқона чандиги-ю, донгдорлиги туфайли эришди...

Драко тоқчадаги бош суякларини яқиндан кўриш учун эгилди.

- Ҳамма уни ақлли деб билади. Қаранг-а, ҳам тиртикли, ҳам ақлли, ҳам атоқли ва ҳам супургили супер-Поттер...

- Бу гапни кам деганда юзинчи маротаба айтишинг менга, - ўғлининг гапини бўлди мистер Малфой, зардаси қайнаб, - Поттерга нисбатан бу қадар кучли нафратни очик намойиш этиб, ниҳоятда эҳтиётсиз иш тутаётганингни эслатиб ўтмоқчиман. Ёдингда бўлсин, у сеҳргарлар дунёсида қахрамон саналади. Аини шу Поттер туфайли Ёвуз Лорд ғойиб бўлган... О! Мистер Боржин.

Пештахта ёнига букчайган, юрган йўлида ёгли сочини силаб келган киши яқинлашди.

- Мистер Малфой! Яна юз кўришганимиздан бағоят хурсандман, - деди мистер Боржин худди сочи каби ёгли оҳангда, - Жуда хурсандман. О! Ёш мистер Малфой ҳам ташриф буюрибдилар-да! Фавқулудда мамнунман. Камина хизматингизга мунтазир. Келтирилган сўнги молларни сизларга кўрсатишни ўз бурчим деб биламан. Нархи ҳам мўътадил...

- Бугун мен харид қилгани эмас, мистер Боржин, сотгани келдим, - гапни бўлди мистер Малфой.

- Сотгани? - мистер Боржин юзидаги табассумнинг ўнги кетгани сезилди.

Мистер Малфой ички киссасидан пергамент ўрамини чиқарди-да, дўкон соҳибига кўринадиган тарзда ёзди.

- Вазирлик тинтув ишларини яна бошлаб юборганини эшитгансиз, албатта, - деди у, - Уйимда бир нечта... ммм... буюмлар бўлиб, башарти вазирлик ходимлари хонадонимга ташриф буюрсалар-у, ўша буюмлардан хабар топсалар бир оз хижолат тортадилар деган хаёлдаман.

Қиёфаси жиддий тус олган мистер Боржин тажрибали тадбиркор кишилардек ўз пенснесини бурни устига ўрнаштириб, рўйхатни ўрганиб чиқишга киришди (*Пенсне – кўзойнақнинг бир тури*).

- Наҳотки вазирлик ходимлари сизни безовта қилишга журъат эта олишса, сэр?

Мистер Малфой истехзоли кулиб қўйди.

- Ҳозирча йўқ. «Малфой» фамилиясига ханузгача иззат-икром кўрсатиб келинмоқда.

Бироқ вазирлик фаолияти борган сари жонга тегмоқда. Магларни химоя қилиш тўғрисидаги янги қонун лойиҳаси ҳақида ҳар хил миш-миш гаплар тарқалган. Шубҳа йўқки, бундай гаплар ортида анави бошини қуя еган магларвар аҳмоқ Артур Уэсли турибди.

Бу гапни эшитган Гаррининг турган жойида ғазоби қайнаб кетди

- ... кўриб турганингиздай, ушбу заҳарларнинг айрим турлари вазирлик ходимларини беихтиёр ҳар хил хаёлга ...

- Албатта, сэр, албатта. Мен бор гапни тушуниб турибман, ишонтирди мистер Боржин, - Ўйлаб кўришга фурсат беринг ...

- Менга мана бунга олиб беришингизни истайман! - гапга аралашди Драко, бармоғини ёстиқча устидаги ажин босган қўлга ўқтаб.

- О! Нурафшон қўл! - хитоб қилди мистер Боржин, қоғозни қўйганча, Драконинг ёнига келиб, - Агар унга шам тутқазиб қўйилса, у факат ўз соҳибининг йўлини ёритади. Шам ҳам, қўл ҳам, уни тутиб олган киши ҳам атрофдаги одамларга кўринмайди. Нурафшон қўл ўғри ва қароқчиларнинг энг яқин ёрдамчиси! Ўғлингизнинг диди чакки эмас, сэр.

- Умид қиламанки, ўғлим ўғри ёки қароқчидан кўра тузукроқ одам бўлиб етишади, - қуруққина жавоб қайтарди мистер Малфой.

Боржин ўз гапини тўғрилаб қўйишга шошилди:

- Мен бирор-бир ёмон фикр айтмоқчи эмас эдим, сэр.

- Гарчанд, - давом этди мистер Малфой, совуқ оҳангда, - У ўз баҳоларини тузатиб олмас экан, ўша фаолият, унинг қўлидан келадиган ягона иш бўлиб қолиши ҳам ажаб эмас...

- Менда айб йўқ. Ҳар бир ўқитувчининг яхши кўрадиган ўз ўқувчиси бор. Масалан анави тентак Гермiona Грэнжер...

- Агар сеҳргарлар авлодига мансуб бўлмаган аллақандай қиз барча фанлар бўйича мандан

Ўзиб кетса, уялган бўлар эдим, - деди мистер Малфой ғазаб билан.

- Ажаб бўлсин! - деди Гарри эшитилар-эшитилмас пичирлаб, Драконинг юзидаги дилсиёхлик билан саросималикни пайқагач.

- Ҳамма жойда шу аҳвол, - деди мистер Боржин яраштириш охангида, - Асилзодалар сеҳргарлигига эътибор тобора суст қаратилмоқда...

- Мени истисно қилинг! Сиз айтган каслар тоифасига кирмайман! - деди мистер Малфой, узун бурнининг катакларини иширганча, ўз нафратини деярли яширмай.

- Албатта, сэр. Мен ҳам ундайларга мансуб эмасман, - чуқур таъзим қилиб, ўз фикрини тасдиқлади мистер Боржин.

- Ундай бўлса, рўйхатимнинг муҳокамасига қайтсак, - ғижиниб ғулдиради мистер Малфой, мен бир оз шошиб турибман, Боржин, бугун иш юзасидан ўта муҳим учрашувим бор. Улар савдолаша бошлашди. Витриналарни томоша қилаётган Драко, тобора яқин келаётганидан Гарри хавотирлана бошлади. Драко одам осиладиган дорнинг халқа шаклида ўралган арқони қаршисида бир оз тўхталиб қолди. Шундан сўнг, опал минералининг чиройли шодаси ёнидаги «*Эҳтиёт бўлинг, қўл теккизманг. Қарғиш афсуни қўлланилган. Бугунги кунга қадар ўзининг ўн икки нафар магл соҳибини ўлдирган*» ёзувини мамнун табассум билан ўқиди.

Драко бурилгач, эшиги қия очиқ жавон рўпарасига келиб қолди. У яна бир қадам босиб, жавон эшигига қўл узатган эди ҳам-ки...

- Бўлди, - деди пештахта олдидаги отаси, - Кетдик, Драко.

Драко отаси томон ўгирилди, жавон ичидаги Гарри эса терлаб кетган пешонасини енги билан артиб олди.

- Хайр, мистер Боржин. Сизни эртага уйимда кутаман. Ўз молингизни ўша ерда оласиз. Харидорлар ортидан эшик ёпилган захоти мистер Боржин ўзининг хушомадгүй сулуқатини унутди-да, вишиллаб:

- Сени ҳам тегишли жойга олиб бориш керак, мистер Малфой. Агар миш-миш гаплар чин бўлса, уйингда яшириб қўйилган нарсаларнинг ярмини ҳам сотмадинг-ку менга... У дарғазаб вайсаганича дўконининг кўмакчи хонасига кириб, кўздан ғойиб бўлди. Гарри бир оз кутиб турди-да, жавон ичидан аста-секин чиқиб, шиша витриналар ёнидан сездирмай ўтди-да, дўконни тарк этди.

Синган кўзойнагини юзига босган Гарри атрофга назар солди. Аллақандай шубҳали, ёвуз сеҳргарликка мансуб буюмлар сотиладиган, хозиргина ўзи чиқиб келган, кўринишидан энг йирик «Боржин ва Д'Авило» дўконига ўхшаш майда дўкон ва расталарга тўлиб-тошган кўча. Рўпарадаги дўкон деразасининг кир ойнаси ортида, ҳамма кўриши учун қўйиб қўйилган бир жуфт қуритилган одам калласи жойланган қафас, ундан икки қафас нарида эса жуда кўп йирик қора ўргамчиклар қамалган яна бир қафас кўринди. Қандайдир муассасанинг эшиги бўсағасида ташқи қиёфалари шубҳа туғдирадиган икки нафар сеҳргар, алланима ҳақида хунук вайсашиб, Гаррининг ҳаракатини кузатиб туришди. Бола қалтираганча, кўчада аланглаб юрди. У кўзойнагини тўғри тутиб боришга уриниб, имкон қадар бу ерларни тезроқ тарк этишга умид қилди.

Захарли шамлар дўкони устида «Дигар хиёбон» ёзуви битилган эски ёғоч тахтачага кўзи тушди. Бу ном унга ҳеч нарсани англазмади. Гарри бундай жой ҳақида муқаддам эшитмаган. Чамаси, унинг ўпкаси тутунга тўлиб қолгач, «Диагон хиёбони» сўзларини аниқ талаффуз эта олмай «Дигар хиёбон» деб юборган. Гарри имкон қадар ўзини қўлга олиб, энди қандай иш тутиш кераклигини ўйлади.

- Йўқолиб қолдинг-ми, кадрдоним? - янгради нотаниш овоз Гаррининг қулоғи устида. Бола сесканиб кетди. Унинг қаршисида қўлига одам тирноқларига ўхшаб кетадиган жирканч нарса уюми солинган патнис тутган қари жодугар аёл турибди. У моҳ босган тишларини кўрсатганча, оғзини катта очиб иршайди.

- Йўк, йўк, - деди Гарри, - Ишлар жойида.

- ГАРРИ! Бу ерларда нима қилиб сандироқлаб юрибсан?

Гаррининг юраги қувончдан сапчиб тушди. Жодугар эса гумбурлаб эшитилган овоздан

сесканиб кетди. «Хогварц» қоровулининг бахайбат гавдаси шиддат билан яқинлашаётганини кўрган кампир кўрққанидан титраб кетиб, қўлидаги тирноқларни шаршара каби ўз оёғи остига тўкиб юборгач, вишиллаганча Хагридни қарғай бошлади. Давангирнинг бир жуфт кўнғизга ўхшаш кўзлари, ҳар томон хилпираб турган соқоли устида ялтираб кўринди.

- Хагрид! - хаяжондан деярли кичкириб юборди Гарри, - Йўқолиб қолдим, саёхат уни... Хагрид яқин келиб боланинг ёқасидан тутиб олди-да, жодугардан нари тортди ва дағал харакати билан кампирнинг қўлидаги патнисни уриб туширди. Икковлон, ушбу кингиркийшиқ Дигар хиёбонни тарк этиб, серқуёш жойга чиқиб кетгунга қадар иззати-нафси олинган жодугарнинг дод-вой солиб, кўчани бошига кўтарган овози эшитилиб турди. Гарри кўзни қамаштириб турган «Гринготтс» банкининг биносини узоқда кўргач, Хагрид уни тўппа-тўғри Диагон хиёбонига олиб чиққанлигини фаҳмлади.

- Кепатанга қара, кимларга ўхшаб қолдинг! - деди жаҳли чиққан Хагрид. У Гаррининг эғнидаги қорақуяни назарида астагина қоқишга киришди. Бундай «эхтиёткорлик»дан эса, бола бечора дорихона эшигининг ёнига қўйиб қўйилган аждар гўнги билан тўлдирилган бочка ичига кириб кетишига сал қолди.

- Яхши ҳам-ки сени у ерда ҳеч ким кўрмади. Дигар хиёбонда нима қилиб юрибсан... Жуда шубҳали жой у ер.

- Буни ўзим ҳам англаб етдим, - деди бола, қорақуя қоқишга уринаётган Хагриднинг бахайбат кафтига чап бериб, - Айтяпман-ку, йўқолиб қолдим деб. Ўзинг-чи, ўзинг нима қилиб юрибсан у ерда?

- Мен-ку этхўр шилликқуртларга қарши қўлланиладиган восита ахтариб кирган эдим, - жавоб қайтарди Хагрид, - Ярамас судралувчилар карамларимга кун беришмаяпти! Сен-чи, бир айланиб келай дебсан-да?

- Умуман айтганда, мен Уэслилар хонадонининг меҳмониман. Лекин ҳозир йўқолиб қолдим, - такрор тушунтирди Гарри, - Уларни тез топишим керак...

Икковлон Уэслиларни қидириб, хиёбон бўйлаб кетишди.

- Мен ҳеч ўйлаб, ўйимга ета олмайман, Гарри. Нима учун сен бирор маротаба бўлсин, менга хат йўлламадинг? - хафа бўлиб, кизикди Хагрид, ёнида лўкиллаб келаётган Гарридан.

Давангирнинг эринчоклик билан аста босган битта қиска қадами Гаррининг учта қадамига тенг келади.

Боланинг Добби ва Дурсллар қилган иши ҳақидаги қискача хикоясини эшитгач:

- Жирканч маглар! - хулоса чиқарди Хагрид, - Агар мен билганимда эди...

- Ҳой! Гарри! Гарри!

Гарри бошини ортга буриб, «Гринготтс»нинг оппоқ зинапоясида Гермиона Грэнжерни кўрди. Қизалоқ улар томон югурар, орқасида эса қизғиш-кўнғир сочининг қалин тутами хилпираб кўринар эди.

- Кўзойнагингга нима қилди? Салом Хагрид. Сизларни яна кўриб турганимдан жуда хурсандман. «Гринготтс»га кирасанми, Гарри?

- Уэслиларни топишим билан, - жавоб қайтарди Гарри.

- Ундай бўлса, узоқ кутишга тўғри келмайди, - деди кулиб Хагрид.

Гарри билан Гермиона Хагрид қараб турган томон юзланиб, гавжум кўчада югуриб келишаётган Рон, Фред, Жорж, Перси ва мистер Уэслини кўришди.

- Гарри, - ҳарсиллаб гапирди мистер Уэсли, - Ўзимиз ҳам бир ўчоқ нари кетиб қолган бўлсанг керак деган хаёлга бордик... биз шунга умид қилган эдик, - у терлаб, ялтираб қолган кал пешонасини артиб олди, - Молли ниҳоятда кўрқиб кетган... У ҳозир етиб келади...

- Қаерга бориб қолдинг? - сўради Рон.

- Дигар хиёбонга, - жавоб қайтарди Гарри, қовоғини солиб.

- Ростданми! - баралла кичкириб юборишди эгизаклар.

- Эҳ, бизга рухсат беришмайди-да, ўша ерга кириб чиққани, - деди Рон ҳасад оҳангида.

- Қаранг-а, истакларини, - вайсаб берди Хагрід.  
Узоқдан бир қўлида сумка, иккинчисида онасининг кетидан югуриб улгурмаётган Жинна осилиб олган миссис Уэсли елиб келаётгани кўринди.

- Ох, Гарри... кадрдонгинам. Ахир сен... Худо билади, қаерларга кетиб қолишинг мумкин эди-ку.

Гаррининг кепатасини кўрган миссис Уэсли оғзи билан ҳаво ютганча, сумкасидан кийим чўткасини олиб, боланинг кийимларини Хагрід тозаламай қолдирган қоракуялардан тозалашга киришиб кетди. Мистер Уэсли эса Гаррининг кўзойнагини қўлига олиб, сеҳрли таёқчаси билан сал тегиб қўйган эди ҳам-ки, янгидай бўлиб қолди.

- Хўп, мен бора қолай энди, - деди Хагрід.  
Миннатдор миссис Уэсли унинг қўлини сиқиб силтаб, узиб олишига сал қолди.

- Дигар хиёбон! Қаранг-а, тушган жойини. Сен бўлмаганинда холи не кечар эди бола бечорани.

- «Хогварц»да учрашгунча! - деди Хагрід.  
Унинг боши ва елкалари одамлар орасида анча вақтгача кўриниб турди.

- Биласизлар-ми, «Боржин ва Д'Авилло» дўконида кимни кўрдим? - деди Гарри Рон билан Гермионага, «Гринготтс» зинапоясидан кўтарилиб борар экан, - Отаси билан бирга келган Малфойни!

- Люциус бирор нарса харид қилди-ми? - шубхаланиб сўради ортда келаётган мистер Уэсли.

- Йўқ, у нималарнидир сотди.

- Демак, саросимага тушиб қолибди-да, - деди маъносиз мамнуният билан мистер Уэсли, - Эҳ, бирор-бир иш устида тутиб олсам эди уни...

- Эҳтиёт бўл, Артур, - деди хавотирланиб миссис Уэсли, - Ўша оила дастидан кўнгилсиз ҳолатга тушиб қолишинг мумкин. Ютиб юборишга кўзинг етмайдиган нарсани тишлаб узишга уринма...

Эшик ёнидаги дарбон гоблин чуқур таъзим қилганча, миждозларни ичкарига киритди.

- Демак, фикрингча, мен Люциус Малфойдан кўрқиб яшашим керак экан-да, шундайми? - аччиқланди мистер Уэсли.

Бироқ у, Гермионанинг ота-онасини кўриб, фикридан чалғиди. Грэнжерлар мармар залнинг бошидан охиригача чўзилган узун мармар пештахтага суниб олиб, қизлари таништириб қўйишини кутиб туришган экан.

- Ие, сизлар мағл экансиз-да! - хитоб қилиб юборди мистер Уэсли, - Биз албатта қаердадир ўтириб, суҳбат қуришимиз даркор! Мана бу нима? Ҳа, тушунарли. Мағлларнинг пулларини сеҳргарлар пулига алмаштиряпсиз-ми. Молли! Мана бу пулларни қара! - у ўзини йўқотиб қўядиган даражада завқланиб, хотинига мистер Грэнжернинг қўлидаги ўн фунтли банкнотни кўрсатди.

- Бизни шу ерда кутиб туринг, - деди Рон Гермионага.

Гарри ва Уэслилар ер остидаги пул сақлаш омборига, банк ходими-гоблин ҳамроҳлигида йўл олишди.

Ер ости пул сақлаш бўлмаларига туннеллар бўйлаб ётқизилган ингичка рельс устида юрадиган, гоблин томонидан бошқариладиган кичик аравада етиб бориш мумкин ҳолос. Уэслилар оиласига қарашли сейф томон юриш мобайнида Гарри ҳаракат тезлигидан роса завқланди. Аммо, бўлма эшиги очилганида ўзини Дигар хиёбондагидан ҳам ёмон ҳис этди. Негаки у, ушбу бўлмада кумуш скатларнинг кичиккина уюми ва якка ягона тилла галлеонни кўрди ҳолос. Миссис Уэсли бўлма бурчакларини титкилаб чикқач, кумуш тангаларни ҳамёнига жойлади. Бола ўз бўлмасига етиб борганида эса баттар хижолат тортди. У бўлмани бели билан тўсиб, пулларнинг зарурий миқдорини сиқимлаганча, чарм ҳамёнига тез жойлаб олди.

Банк муассасасининг мармар зинасига чикқач, ҳамма ҳар томон тарқалди. Перси ўзига янги пат-қалам қидириши ҳақида алланарса вайсаб нари кетди. Фред билан Жорж одамлар орасида ўзларининг мактабдош дўстлари Ли Жорданни кўриб қолишди. Миссис Уэсли

билан Жинна тутилган кийимлар дўкони томон йўл олишди. Мистер Уэсли эр-хотин Грэнжерларни «Тешик қозон»га таклиф қилди.

- Бир соатдан сўнг, «Жимжимадор ва сиёҳ доғи» дўконида учрашиб, ўша ерда дарслик харид қиламиз, - деди Жинна билан биргаликда одамлар орасига кириб кетаётган миссис Уэсли, - Дигар хиёбонни хаёлингизга ҳам келтирманг. Ёдингизда тутинг, у томон бир кадам ҳам қўйилмасин! - кичкириб қолди у эгизаклар ортидан.

Онанинг кўзи болаларининг белига қараб ҳам шўхлик аломатини сезар экан.

Енгиллик ва озодликни ҳис этишган Гарри, Рон ва Гермiona илон изи тош кўча бўйлаб кетишди. Тилла, кумуш ва бронза пуллар Гаррининг киссасида жиринглайди. Уларни сарфлаш истаги боланинг ҳол-жонига қўймайди. Гарри биринчи бўлиб қулупнай-ёнғоқли учта катта-катта музқаймоқ олди. Музқаймоқ аста-секин сиртидан эриб, болалар уни маза қилиб ялаганча, теварак-атрофдаги ажойиб, ўзига тортадиган витриналарни томоша қилиб боришди. Рон «Квидиш учун энг сара буюмлар» спорт моллари дўкони витринасига қўйилган «Отар замбараклар» жамоаси киядиган спорт кийимининг тўлиқ тўпламига узоқ термилиб қолди. Бундай томошадан зериккан Гермiona болаларни пергамент ва сиёҳ харид қилиш учун қўшни растага тортди. Улар «Ичак узди хазиллар» афсунгарликка оид хазил-хузул моллар дўконида ўз киссаларини доктор Филибустернинг сувдан оловсиз отиладиган фантастик мушаклари билан тўлдираётган Фред, Жорж ва Ли Жорданга дуч келишди. Эски-туски нарсалар, жумладан, синган сеҳрли таёқчалар, кийшайиб кетган тарозилар, ўт-алаф ёпишиб, доғ бўлиб кетган коржомалар каби буюмлар сотиладиган кичкинагина дўконда эса «Ҳокимиятга эришган синфбошилар» деб номланган, зерикарли эканлиги яққол кўриниб турган кичкинагина китобчани мутолаа қилиб турган Персига рўбару келишди.

- «Хогварц»нинг барча синфбошилари ва уларнинг келгусида эришган мавкеларига доир тадқиқотлар, - овоз чиқариб ўқиди Рон муковадаги ёзувни, - Эшитилиши ёмон эмас...

- Бор, тошингни тер, - бакириб берди Перси.

- Бизнинг Персимиз ўз олдига қўйган мақсадга эришиш борасида шу қадар собитқадамки, қўяверасиз. Назаримда у, ўз келажагини батафсил, қисм, боб, банд ва кичик бандларга бўлиб, режалаштириб чиққан... У сеҳргарлик вазири бўлиши муқаррар... - деди Рон пичирлаб, Персидан сал узоқлашгач.

Болалар, уларга тайинлангандек бир соат ўтгач «Жимжимадор ва сиёҳ доғи» дўконига ҳозир бўлишди. Дўконга яқинлашган дўстлар эшик яқинида турган кўп сонли халойикни кўришди. Одамлар бир-бирини туртишганча, ичкарига киришга ошиқмоқда. Витрина ойнасига тортилган плакатга эътибор қаратгач, бундай ахволнинг сабабини тушуниб етишди.

### *СВЕРКАРОЛЬ ЧАРУАЛЬД*

*Ўз таржимаи ҳолини Сиз учун шахсан имзолаб беради*

*СЕҲРЛИ МЕН*

*Бугун соат 12.30 дан 16.30 га қадар*

- Биз уни кўришимиз мумкин экан! - чиркиллади Гермiona, - Айтмоқчиман-ки, бу йил бизга фақат унинг дарсликлари тайинланган, деярли ҳаммаси у ёзган китоблар!

Болалар диққат билан разм солгач, эшик ёнида тўпланган жамики халойик ёши миссис Уэсли билан тенг афсунгар аёллардан ташкил топганлигини пайқашди. Ўларча қўрқиб кетган дўкон соҳиби эса эшик яқинида туриб, эсанкираганча, бир гапни такрорлагани такрорлаган:

- Тинчланинг хонимлар, илтимос тинчланинг... Эҳтиёт бўлинг... туртинманг... китоблар!...

Болалар аёллар орасига тикилиб, ичкарига киришди. Узундан-узоқ навбат дўконнинг ички бурчагига қадар чўзилиб етган. У ерда эса Сверкароль Чаруальд астойдил жойлашиб олиб, узагилган китобларга дастхат қўйиб ўтирибди. Болалар Миранда Гошокнинг биттадан «Афсунлар тўплами (иккинчи қисм)»ни олишди-да, ичкарига, навбат бошига яқинроқ

сукилиб киришди. Бу ерда Уэслилар оиласи тўла таркибда ва эр-хотин Грэнжерлар турган экан.

- Хайрият, етиб келдингиз-ми, - деди миссис Уэсли хаёли қочиб.

Унинг севинганидан нафаси ичига тушиб кетганлиги сезилиб турар, қўли соч турмагини тузатишдан бўшамас эди.

- Бир дақиқадан сўнг уни кўрамиз...

Чиндан ҳам, олдинда турган аёллар дўкондан чиқиб кетган сари Сверкароль Чаруальд кўрина бошлади. У ниҳоятда кўп плакатлар осиб ташланган ёзув столи ёнида ўтирибди. Плакатларда тасвирланган Чаруальднинг юзлари яркирар, кўз қисиб, кўзни камаштириб юборадиган оппоқ тишларини кўрсатганча, иршайар эди. Ҳақиқий Чаруальд кўзларининг рангига мос тушиб турган бўтакўз рангли ажойиб ридо кийиб олган. Сеҳргарлар киядиган чўкқидор шляпаси жингалак сочли бошида, унга янада мафтункор кўриниш берганча, аллақандай бурчак ҳосил қилиб турибди.

Кўлига катта фотоаппарат ушлаб олган, танаси йирик, баджаҳл киёфали киши Чаруальд атрофида гирди-капалак бўлиб, уни ҳар хил ҳолатда суратга олмоқда. Фотоаппарат ҳар гал, кўзни камаштирадиган даражада чакнаб кетгач, паға-паға қирмизи дуд чиқаради.

- Оёқ остида ўралашма, - бақирди у Ронга, - Мен «Башорат-у, каромат газетаси»данман ...

- Бунни қаранг-а, билдик, - деди хафа бўлган Рон, фотомухбир босиб олган пойафзалини артиб.

Сверкароль Чаруальд Роннинг сўзларини эшитиб қолиб, нигоҳини кўтарди. У дастлаб Ронга, сўнг Гаррига қаради. У болага бир оз тикилиб турди-да, бирданига ўрнидан туриб кетиб, қичқириб юборди:

- Ажабми-е! Нахотки, Гарри Поттер?

Одамлар орани очиб, Чаруальдга йўл бериш баробарида алланима ҳақида тўлқинланиб шивирлашди. Чаруальд одамлар орасидан ўтиб, Гаррига яқин келди-да, уни қўлидан ушлаб, ҳаммага кўринадиган жойга етаклади. Мухлислар қарсақ уришди. Гарри кизариб кетди. Чаруальд, камера қаршисида ҳар хил вазиятларда турганча, боланинг қўлини атайин узок вақт сиқиб турди. Фотомухбир аппаратини шиқиллата бошлагач, Уэслилар оиласи қалин тутун ортида кўринмай қолди.

- Кулиб тур, Гарри, кулиб тур, - деди Чаруальд тишининг оқини кўрсатиб, - Иккаламиз газетанинг бош саҳифасига ярашсак керак, а?

Ниҳоят Чаруальд, боланинг қўлини қўйиб юборди. Гарри қўли уюшиб қолганидан бармоқларини хис этмай қолди. У эндигина Уэслилар томон отланди ҳам-ки, Чаруальд уни яна тутиб олиб, елкасидан қучиб олди-да, ўзига тортди.

- Мухтарам хонимлар ва жаноблар, - деди у баланд овоз билан ва қўлини кўтарганча имо қилиб, жимлик сақланишини сўради, - Ажойиб бир фурсат етди. Анчадан буён сизнинг эътиборингизга кичик бир эълонни ҳавола этмоқчи эдим. Ниҳоят ўша ажойиб ва ниҳоятда қулай фурсат етди! Бугун, мана шу «Жимжимадор ва сиёҳ доғи» дўконига менинг таржимаи ҳолимни харид қилиш ниятида қирган, ҳозирча ёш Гарри Поттерга мен ўз китобларимни бажонидил, бепул совға қиламан.

Мухлислар ох-воҳ қилиб, боз қарсақ уришди.

- У яқин орада менинг «Сеҳргар мен» китобимдан ҳам муҳимроқ нарсага эга бўлишини тасаввур қила олмайди, - давом этди Чаруальд ва Гаррини чунонам дўстона силтадики, боланинг кўзойнаги бурнининг учида базўр илиниб қолди, - Бу бола ва унинг мактабдош дўстлари чиндан ҳам мен сеҳргарни устоз сифатида қабул қилишади. Ҳа-ҳа, азиз хонимлар ва жаноблар, айтмоқчиман-ки, жорий йилнинг сентябрь ойида мен, «Хогварц», сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактабидаги ўқитувчилик лавозимини қабул қилиб олишимни сизларга эълон қилиб, бу билан ғурурланишимни маълум қилмоқчиман. У ерда ёшларимизга ёвузлик қучидан ҳимоя фанидан дарс ўтаман!

Одамларнинг гулдурос қарсақлари, табриклари янгради. Эсанкираб қолган Гарри Чаруальд асарларининг тўла тўпламини қабул қилиб олди. Китобларнинг вазминлигидан чайқалиб кетган бола, бир илож қилиб прожекторлар нуридан нари кетди-да, дўконнинг



узоқ бурчагида, хозиргина харид қилиб олинган қозон ёнида турган Жиннанинг ёнига келди.

- Бу сенга, - ғудуллади Гарри, китобларни қозон ичига тўкиб, - Мен ўзимга ўзим харид қилиб оламан...

- Гаров боғлашим мумкинки, Поттер, бу томоша сенга жуда манзур тушди, а?

Гарри бу овозни ҳеч кимнинг овози билан адаштириб юбормайди. У қаддини ростлаб, Драко Малфой ва унинг жирканч табассуми билан рўбару бўлди.

- Машҳур Гарри Поттер! - давом этди Малфой, - Шу қадар машҳурки, оддий дўкондан бирон-бир газетанинг бош саҳифасига тушмай, қайтмайди.

- Уни тинч қўй, атайин қилгани йўқ-ку! - овоз кўтарди Жинна.

Қизалок Гаррининг ёнида илк бор гапириб юбориши. Унинг кўзлари нафратдан яркиради.

- Поттер, қўйсанг-чи, нахотки ўзингга дугона орттириб олган бўлсанг, - ҳақоратомуз гапирди Малфой.

Бу гапни эшитган Жинна қизариб кетди. Чаруальд китобларини кучоклаб олишган Рон билан Гермиона яқин келишди.

- Ҳа бу, анави-ми, - деди Рон, Малфой томонга пойафзалга ёпишиб қолган нажасга қаралгандай қараб, - Гаров боғлашим мумкинки, Гаррини бу ерда учратишни умуман қутмаган эдинг, шундай эмасми?

- Дўконда сени учратишдан кўпроқ таажжубдаман, Уэсли, - деди Малфой, - Ота-онанг мана буларни харид қилиш учун бир ой оч-наҳор ўтиришга мажбур бўлган бўлса, ажаб эмас.

Рон Жиннадай қизариб кетди. У қўлидаги китобларни қозон ичига ташлади-да, Малфойга ташланди. Бироқ Гарри билан Гермиона уни нимчасидан ушлаб, тутиб қолишди.

- Рон! - эшитилди мистер Уэслининг овози.

У Фред ва Жорж билан бирга одамлар орасидан тирсаклар воситасида йўл очиб, базўр чиқиб олди, - Нима қиялпсиз шунча одам ичида. Юринглар, кўчага чиқамиз.

- Шундай қилиб, Артур Уэсли денг, - эшитилди яқин орадан.

Бу ўғлига яқин келган мистер Малфойнинг овози эди. У қўлини ўғлининг елкасига қўйди. Уларнинг башаралари қуйиб қўйгандай бир хил жирканч қиёфа касб этди.

- Люциус, - совуққина бош силкиб қўйди мистер Уэсли.

- Миш-миш гапларга қараганда, вазирлик ташвишлари ошиб-тошиб кетибди эмиш? - сохта кизиқиш билдирди мистер Малфой, - Ҳар хил тинтувлар... Иш вақтидан ташқари қилинган иш учун ортиқча ҳақ тўлашадими?

У қўлини Жиннанинг қозони ичига суқиб, Чаруальднинг кўп сонли янги китоблари остидан Эмерик Свитчнинг титилиб кетган «Бошқа нарсага айланиш ва айлантириш усуллари. Ўрганувчилар учун қўлланма»сини чиқарди.

- Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Тўлашмайди, - деди мистер Малфой, ўз саволига ўзи жавоб қайтариб, - Ўйлаб кўринг, шунча жирканч ишлар меъёрий ҳаёт тарзини таъминламас экан, сеҳргар деган улуғ ном шаънига доғ тушириш керакми, арзийдими? Мистер Уэсли ўз болаларидан ҳам баттар қизариб кетди.

- Сеҳргар номига доғ тушириш борасидаги қарашларимиз бир-биридан кескин фарқ қилади чамаси, - вазминлик билан жавоб қайтарди у.

- Албатта, - пинагини бузмай розилик билдирди мистер Малфой, ўзининг рангпар юзи билан Гермионанинг ота-онаси томон юзланганча, тикилиб қолиб, - Кимлар билан илашиб юрибсан, Уэсли. Сен ва оила аъзоларинг юз тутган тубанликдан баттар тубанлик бўлмаса керак деб ўйлаган эдим. Адашибман чоғи...

Дафъатан Жиннанинг қозони нари учиб кетиб, металлнинг тарақ-туруқ товуши янгради.

Мистер Уэсли Люциус Малфойга ташланди. Малфой орқаси билан китоб тоқчасига бориб урилди. Ўнлаб оғир китоблар муштлашаётганлар устига тўкилди. Фред билан Жорж қичқира бошлашди:

- Солинг, дада, оч биқинига қараб солинг!

Миссис Уэслининг овози эгизаклар овозига аралашиб кетди:

- Бас қил, Артур, бас қил дедим сенга!

Ҳар томон чекинаётган халойиқ ҳам тоқчадаги китобларнинг анчайинини тўкиб юборди.

- Жентлменлар, илтимос!... Жентлменлар... илтимос қиламан, - дўкон соҳибининг ўтинчлари эшитилди.

- Қани, эркаклар! Бас қилинг! Нима қилди сизларга, - баланд янгради таниш овоз.

Китоблар орасидан кечиб ўтган Хагрід, болалар кўз очиб юмишига улгурмай, уришқоқларни икки томонга ажратиб ташлади. Мистер Уэслининг лаби ёрилган, мистер Малфой эса кўзига «Захарли замбуруғлар энциклопедияси»дан зарб еган. У халигача Эмерик Свитчнинг қўлланмасини қўлидан чиқармаган. Мистер Малфой китобни Жиннанинг қозони ичга улоқтирди-да:

- Китобингни ол қизалок. Бундан яхшироқ бирон нарса олиб беришга отангни қурби етмайди, - деди ва Хагріднинг қўлидан халос бўлгач, Дракога имо қилди.

Ота бола зудлик билан дўконни тарк этишди.

- Бу нима қилганинг, Артур? Нега кажбахслигинг тутиб кетди? - таъна қилиб сўради Хагрід.

У мистер Уэслини ердан узиб олди-да, коржомасини тўғрилаш учун яхшигина силтаб қўйди.

- Малфойни билмайсан-ми? Бутун оиласининг ич-қатларини фасод боғлаган-ку... Нега эътибор қаратасан уларга? Қисқа қилиб айтганда бадахлоқ зот... Қани, кетдик бу ердан. Дўкон соҳиби уларни ушлаб қолмоқчи бўлгандай қараб турди-ю, бўйи Хагріднинг белидан паст бўлгани учун, индамай қўя қолди. Шериклар кўчага чиқишди. Грэнжерлар кўрқиб кетишганидан титрашса, миссис Уэсли жаҳли чиққанидан титрар эди.

- Болаларга... одамларнинг кўз ўнгида муштлашиб... жуда яхши ибрат кўрсатдинг...Сверкароль Чаруальд қандай хаёлга боради энди?

- У койил қолди, - деди Фред, - Дўкондан чиқиб кетаётганимизда айтган сўзларини эшитмадингиз-ми, ойи? У, «Башорат-у, каромат газетаси»данман деган анави амакидан фоторепортаж материалларига муштлашув сахнасини ҳам киритса бўладими, зўр реклама бўлар эди, деди.

Маъюсланиб қолган гуруҳ «Тешиқ қозон»даги камин томон йўл олди. Ушбу камин орқали Уэслилар, харид қилиб олинган буюмлар ва Гарри саёҳат уни воситасида уйга қайтишлари даркор. Улар бар орқали магларнинг кўчасига чиқиб кетишлари керак бўлган Грэнжерлар билан хайрлашдилар. Мистер Уэсли улардан автобус бекати қандай тузилганлигини сўраб билмоқчи бўлди-ю, хотинининг юзидаги вазоҳатни кўриб, фикридан қайтди.

Гарри кўзойнагини ечиб, киссасига эҳтиёт қилиб солиб олганидан сўнггина, саёҳат унидан бир чимдим олди. Бўшлиқда кўчиб юришнинг бундай тури унга ёқмагани аён билиниб турар эди.

## **У БОБ.**

## **УРИШҚОҚ ТОЛ**

Гаррининг назарида, таътил жуда тез ўтиб кетди. У «Хогварц»га ошиқади, албатта. Аммо, Бошпанада ўтган бир ой боланинг ёш хаёти давомидаги энг бахтли ой бўлди. Ронга ҳасад қилмай бўлмайди. Айниқса Дурсллар ёдга тушиб, келгуси таътилда Одамовилар кўчасида кутилаётган қабул хақида ўйлаб кўрилса, чиндан ҳам ҳасад қилмасликнинг иложи йўқ.

Таътилнинг сўнгги кечасида миссис Уэсли бироз афсун қўллаб, Гарри хуш кўрадиган таомлардан иборат ажойиб кечки овқат тайёрлади. Кўз тушиши билан иштахани китиклайдиган қуюқ шиннили пудинг десерт сифатида дастурхонга тортилди. Кеча ниҳоясида эса Фред билан Жорж доктор Филибустернинг оловсиз отиладиган мушаклари воситасида томошабинлар кўнглини чоғ қилишди. Ошхона коптоқлар сингари пол билан шифт орасида кам деганда ярим соат сакраган кизил ва кўк юлдузчаларга тўлиб кетди. Бир чашкадан иссиқ шоколад ичилгач, ҳамма уйқуга ётди.

Эртасига эрталаб йўлга тараддуд кўриш ишларига бир олам вақт керак бўлди. Ҳамма тонг

отар маҳалда уйғонганига қарамай, ҳеч ким ўз ишини охиригача етказа олмайди. Миссис Уэсли бўғилиб, дам пайпоқ кидирар, дам пат-қалам. Кийимларини охиригача киймай, юрган йўлида бутерброд кавшаган болалар бир-бири билан зинапоёда тўқнаш келгани-келган. Машинага ортиш учун Жиннанинг сандигини кўтариб кетаётган мистер Уэсли эса оёқ тагида ўралашиб юрган жўжага қоқилиб, бўйнини синдириб олишига бир баҳя қолди. Саккиз нафар катта-кичик одам, олти катта-катта сандиқ, иккита бойқуш ва битта каламуш «Форт Англия» русумли кичкинагина машинага қандай қилиб жойлашаётганини Гарри ҳеч ҳаёлига сиғдира олмайди. Ҳой-на-ҳой мистер Уэсли томонидан машинанинг техник хусусиятларига киритилган «қўшимча қобилиятлар» бўлса керак. Бусиз бўлмайди, албатта.

Машинанинг юк бўлмасини очар экан мистер Уэсли Гаррининг қулоғига:

- Фақат Моллига айта кўрма, - деб пичирлади, - Юк бўлмасига юк ортилган сари у билинар-билинемас кенгайиб бораверади.

Ниҳоят ҳамма машинадаги ўз ўрнини эгаллагач, миссис Уэсли орқа томонда бемалол ўтиришган Гарри, Рон, Фред, Жорж ва Перси томон қараб қўйиб:

- Мағллар биз ўйлаган даражада овсар эмас, яхши нарсалар ҳам ярата билишади, - деди-да, ўзи Жинна билан боғ курсисига ўхшаб кетадиган олд ўриндиққа ўтирди, - Чиндан ҳам ташқаридан қараган киши, ушбу шалдирок араванинг ичи бу қадар кенг бўлади деб ўйламайди, а?

Мистер Уэсли двигателни ишга тушириб, машинани кўча томон аста бошқара кетди. Гарри сўнгги бор уйга қараб қўйиш учун орқага ўтирилди. Бу ажойиб уйни қайта кўриш унга яна қачон насиб этиши ҳақидаги ўйга борган эдики, ортга қайтишга тўғри келди. Жорж мушаклар қутисини ёдидан чиқарибди. Ҳовли такрор тарк этилгач, беш дақиқадан сўнг машина яна тўхтади. Фред сеҳрли таёқчасини ёдидан чиқарибди. Бошпана тарк этилиб, катта йўлга етай деганда, Жинна чийиллаб қолди. У кундалигини ёдидан чиқариб қолдирибди. Қизалоқ ивирсиб, машинага қайтиб чиққанида, вақт ўтиб кечикаётганини ўйлаган оила асабийлаша бошлади.

Мистер Уэсли дастлаб соатига, сўнг хотинига қаради.

- Молли, азизам...

- Асло йўқ, Артур...

- Ҳеч ким ҳеч нарсани пайқамайди... Мана бу митти тугмача босилса кўринмаслик механизми ишга тушиб, машина кўзга кўринмас бўлиб қолади. Биз юқорига кўтарилиб, булутлар узра парвоз этамиз. Қарабсан-ки, ўн дақиқа ўтар-ўтмас манзилга етиб борамиз. Бирор зот ҳеч нарсани пайқамайди...

- Йўқ дедим-ку, Артур, йўқ. Айниқса ҳозир, куппа-қундуз қуни-я... Йўқ.

Улар Кингс-Кросс темир йўл вокзалига соат ўндан қирқ беш дақиқа ўтганида аранг етиб келишди. «Хогварц-Экспресс» эса, одатдагидай, соат роппа-роса ўн бирда жўнайди. Ўтган йили Гарри, мактабга «Хогварц-Экспресс»да борган. Ушбу поездга чиқиш учун эса бир сирли йўлни, у ҳам бўлса, мағллар дунёсида кўринмайдиган тўққиз бутун тўртдан учинчи платформага ўтиб олиш усулини билиш керак. Бу платформага тўққизинчи ва ўнинчи платформаларни ажратиб турган тўсиқ орқали сингиб ўтилади. Сингиб ўтиш жараёни кўрқинчли кечмайди. Бироқ бунда, киши ўзидан ўзи ғойиб бўлганлигини мағлларга сездирмаслик талаб этилади.

- Перси, бошла, - деди миссис Уэсли тепага осиб қўйилган соатга асабий қараб.

Соат миллари оила аъзоларининг навбат билан тўсиқ ортига ўтиб, гум бўлишлари учун атиги беш дақиқа қолганлигини кўрсатмоқда.

Перси одатдагидай, ўзининг оксуяқларга хос қолати билан олға босиб, кўздан ғойиб бўлди. Унинг ортидан мистер Уэсли, сўнгра эгизаклар Фред ва Жорж ўтишди.

Шошиб турган миссис Уэсли Рон билан Гаррига қараб:

- Мен Жиннани олиб ўтаман, икковлон орқамиздан тез етиб олинглар, - деб тайинлади-да, Жиннанинг қўлидан маҳкам ушлаб олганча, олға интилди.

Кўз очиб, юмгунга қадар она-бола ҳам ғойиб бўлди.

- Юр, бирга ўтамиз, ихтиёримизда атиги бир дақиқа қолди, - таклиф киритди Рон. Гарри сандиғи устидаги Хедвиг қамалган қафасни тўғрилади-да, ҳар қалай ушбу ҳаракат макон бўйлаб аллақандай саёҳат уни воситасида кўчиб юриш жараёни бўлмагани учун ҳам тўла ишонч билан тикка тўсиқ томон ҳаракат бошлади.

Болалар бошларини ўзлари итариб боришаётган арава дасталаридан ҳам пастроқ тушириб, ҳаракат тезлигини оширишди. Тўсиққа яқинлашган сари, қадамлар янада тезлатилди ва... ҚА-А-АРС-С!

Иккала арава тўсиққа қаттиқ урилганидан ортга тисарилиб, Роннинг сандиғи аравадан тарақ-туруқ тушиб кетди. Гарри қоқилиб, йиқилди. Қафаси ерда юмалаб бораётган Хедвиг ваҳимага тушиб, айюҳаннос солганча, вокзални бошига кўтариб юборди. Атрофда болаларга эътибор қаратмаган одам қолмади. Яқин орада турган вокзал ходими эса:

- Нима қиляпсан! - деб бақириб берди.

- Бошқарувни эплай олмадим, - базўр жавоб қайтарди Гарри ва ўрнидан туришга уринаётиб, бехос қовурғасини ушлаб қолди.

Рон югуриб бориб Хедвигнинг қафасини қўлига олди. Унинг ҳаракатлари атрофдаги одамлар орасида жонивор билан бундай шафқатсиз муомала қилиб бўлмасликка доир кўплаб танбехлар эшитилишига сабаб бўлди.

- Нега ўта олмадик? - вишиллаб сўради жони оғриётган Гарри.

- Ўзим ҳам ҳеч нарсани тушунмаяпман...

Рон атрофга телбанамо боқди. Унинг хатти-ҳаракатларини кам деганда йигирматача одам ҳамон синчковлик билан кузатиб турибди.

- Поездга кечикамиз, чамаси, - пичирлади Рон, - Ўтиш йўли нима учун ёпилиб қолганлигига ҳеч ақлим етмаяпти...

Саросимага тушиб қолган Гарри қорни уюшиб қолаётганлигини ҳис этиб, вокзалнинг катта соатига тикилиб қолди. Ўн сония... тўққиз сония...

У аравасини астагина тўсиққа суриб тақагач, бор кучи билан итариб кўрди. Металл тўсиқ ҳамон қаттиқ.

Уч сония... икки... бир...

- Тамом, - деди ханг-манг бўлиб қолган Рон, - Поезд кетди. Ойим билан дадам қайтиб чиқиша олишмаса нима қиламиз? Ёнингда магларнинг пули борми?

Гарри ғамгин қулиб кўйди.

- Дурслар менга кам деганда олти йилдан буён чўнтак пули беришмайди.

Рон қулоғини муздай тўсиққа босди.

- Ҳеч қандай товуш эшитилмайди, - деди зўриқиб, - Энди нима қилдик? Ота-онам қачон қайта олишларини билмайман.

Болалар атрофга қарашди. Хедвиг бақир-чақирини ҳамон қўймагани учун, улар халигача одамлар эътиборининг диққат марказида туришибди.

- Фикримча, машинага қайтиб бориб, ота-онангни ўша ерда кутиш керак, - деди Гарри, - Акс ҳолда биз ўзимизга ҳаддан ортиқ эътибор...

- Гарри! - хитоб қилиб юборди Рон, кўзлари ярқираб, - Машина!

- Машинага нима қилибди?

- Биз «Хогварц»га машинада учиб боришимиз мумкин!

- Бироқ мен ўйлаган эдим-ки...

- Ҳозир биз чорасиз, фавқулодда ҳолатда қолганмиз, шундайми? Шундай. Мактабга етиб боришимиз шарт, шундайми? Шундай. Вояга етмаган сеҳргарларга мактабдан ташқари ҳар қандай жойда афсун билан шуғулланиш ман этилган, шундайми? Шундай. Аммо, айнан ўша Балоғатга етмаганлар орасида аллақандай чеклашлар тўғрисидаги декретнинг чамаси ўн бешинчи бандида, вояга етмаган сеҳргарлар фавқулодда ҳолатлардагина сеҳр қўллашлари мумкин дейилган, шундайми? Албатта шундай.

- Ота-онанг-чи... - ишончсиз гапирди Гарри, аравасини яна бир бор тўсиққа, зора йўл берса деган самарасиз умид билан уриб, - Улар уйга қандай етиб олишади?

- Уйга етиб бориш учун уларга машина керак эмас! - қичқириб юборди бетоқат бўлиб

бораётган Рон, - Бунинг учун улар хавода даф бўлиб, керакли манзилда пайдо бўлиш қобилятига эга! Машина ёки саёхат унига ўхшаш ҳар хил бўлар-бўлмас нарсалардан эса улар фақат биз туфайлигина фойдаланишга мажбур, тушуняпсан-ми? Чунки биз ҳали балоғатга етмаганмиз, шу боис ҳам улар каби даф бўлиш ва керакли жойда хавода пайдо бўлиш бизга ман этилган.

Бу гапни эшитгач, Гаррининг кўнглида кечаётган ваҳима кутилмаганда қувончли завққа алмашди қолди.

- Машина бошқаришни биласанми?

- Муаммо бўлиши мумкин эмас, - жавоб қайтарди Рон, сохта совуққон оҳангда ва аравасини чиқиш томон итариб, - Кетдик, тезроқ ҳаракат қилсак, «Хогварц-Экспресс» кетидан эргашиб борамиз.

Болалар қизиқсиниб қараб турган маглар орасидан пинакларини ҳам бузмай дастлаб вокзалдан чиқиш эшиги, у ердан эса «Форт Англия» турган хилват кўча томон юришди. Рон сеҳрли таёкча теккизиш амалларининг мураккаб изчиллигини бажариб машинанинг юк бўлмасини очди. Сандикларини бир амаллаб юк бўлмасига ортишган болалар Хедвигнинг қафасини орқа ўриндикка жойлаштириб, ўзлари олд ўриндикларга ўтиришди. Бошини деразадан чиқарган Гарри:

- Катта кўчада транспорт ҳаракати серкатнов, лекин биз турган хилват кўча эса бўм-бўш, - деб маълумот берди.

- Жуда соз.

Рон асбоблар панелидаги миттигина кумуш тугмани босди. Шу захоти машина ҳам, болалар ҳам кўринмас бўлиб қолди. Гарри ўз остидаги ўриндикнинг титраётгани, тиззасида турган қўлини, бурни устидаги кўзойнагини ҳис этар, двигателнинг шовқинини эшитар, лекин шунга қарамай, назарида, автомобиль билан тўлиб-тошган кўча узра бир неча фут баландликда сузиб кетаётган бир жуфт кўз сокқасига айланиб қолгандай бўлди.

- Кетдик, - эшитилди ўнг томонда Роннинг овози.

Машина юқорига кўтарилган сари ер ҳам, кўчанинг икки томонидаги ифлос бинолар ҳам пастда қолиб, кўздан ғойиб бўла бошлади. Бир неча сониядан сўнг болалар остида баъзи жойларини тутун қоплаган, айрим жойлари ялтираб турган бутун Лондон кўринди. Айни шу фурсатда шиша оғзидан отилиб чиққан тикин товуши эшитилди ва Гарри ҳам, Рон ҳам, автомобиль ҳам кўринадиган бўлиб қолди.

- Вой, - деди Рон, кумуш тугмачани босиб, - Кўринмаслик механизми ишламай қолди...

Икковлон тугмани муштлай кетишди. Машина яна кўринмас бўлиб қолди. Бир оздан сўнг, машина гўё чирок каби ўчиб-ёнди-да, яна пайдо бўлиб қолди.

- Маҳкам ушла! – қичқирди Рон ва газ педалини охиригача босди.

Автомобиль тўлишиб турган пахта булутлар орасига шув этиб кўтарилгач, атроф кул ранг тус олиб, хиралашиб кетди.

- Хўш, энди нима қиламиз? - сўради Гарри, кўзларини қисиб олганча, ҳамма ёқдан кириб келган зич буғ орасидан Ронга қараб.

- Қайси йўналиш томон учиш кераклигини билиш учун поездни кўриш керак.

- Бир сонияга пастга шўнғи.

Улар булут остига тушиб, диққат билан пастга аланглаб қарашганча, ўриндик устида питирлай бошлашди.

- Кўряпман! - ўкириб юборди Гарри, - Рўпарамизда, хў-ў-ў ана!...

«Хогварц-Экспресс» ерда ўрмалаб кетаётган тўқ қизил илонга ўхшаб кўринди.

- Демак, парвоз йўналиши шимол, - деди Рон, билармон кишидай асбоблар панелидаги компасга қараб, - Тушунарли, энди тахминан ҳар ярим соатда текшириб боришимиз керак. Маҳкам ушла!

Улар яна булутлар устига кўтарилиб кетишди. Дақиқа ўтгач, уларни қуёш нурлари ёритди. Бу ер батамом ўзга олам. Машина ғилдираклари ёркин, охири кўринмас мовий осмон ва кўзни қамаштириб юборадиган оппок қуёш остидаги булутларнинг момик денгизини кўпиртириб кетмоқда.

- Энг мухими – бирорта самолёт билан тўқнаш келмаслик, - деди Рон.

Бир-бирига қараб қўйган болалар қахқахлаб юборишиб, узоқ вақт ўзларини тўхтата олишмади.

Улар гўё ажойиб тушга ўтиб олишгандай. Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай. Қордай оппок булутлар уюрмаси ичра, қуёшнинг илик нурлари билан тўлган, қўлқоп солинадиган бўлмасига бир халта ширинликлар солиб қўйилган машинада, «Хогварц» қасри олдидаги қияликка кўнғач, Фред билан Жоржнинг юзларида хасад оловини кўриш иштиёғида саёҳат қилмоқ чиндан ҳам рўёбга чиқадиган тушдир, ўйлади Гарри.

Шимол томон ҳаракат давомида улар вақти-вақти билан булутлар остига шўнғиганча, поезд ҳаракатини кузатиб, ҳар сафар муқаддам кўринган манзарадан фарқ қиладиган манзара кўришди. Лондон узоқда қолиб кетгач, дастлаб ям-яшил ўтлоқ кўринди, сал ўтиб, кизғиш ботқоқликлар узра учишди, шундан сўнг кўчалари чумоли сингари кўринаётган автомобилларга тўлиб-тошган аллақандай шаҳар, ундан кейин эса черковлари ўйинчоқдай кўринган қишлоқлар устидан учиб ўтишди.

Бирок ходисаларга бой бўлмаган бир неча соат ўтгач, Гарри, парвоз зерикарли кечаётганлигига иқрор бўлишга мажбур бўлди. Ичгани сув йўқ, ширинлик эса оғиз бўшлиғини ёпишқоқ қилиб қўйган. Улар аллақачон свитирларини ечиб қўйишган бўлса ҳам, Гаррининг футболкаси ўриндиқ суянчиғига ёпишиб, кўзойнаги терлаган бурнининг учига тушиб қолгани-қолган. Булутларнинг антика шаклларида хайратланиш ҳам жонга тегди. У маънос тортиб, ҳар хил егуликларни вагон-ма-вагон олиб юрадиган лўппигина, лунжи чуқурчали кулимсираган чиройли аёл аравасидаги муздай ошқовоқ шарбатини рельслар бўйлаб судралганча олиб кетаётган поезд ҳақида ўйлай бошлади. Нима учун улар тўққиз бутун тўртдан учинчи платформага ўта олишмади?

Яна бир неча соат ўтиб, қуёш теварак-атрофни ахён-ахён пушти доғ билан беаганча, булутлар уфкига чўкишни бошлади.

- Оз қолганга ўхшайди, а? - қуруқшаб қолган овози билан тахмин қилди Рон, - Тайёрлан, поездга яна бир бор қараб қўйишимиз керак!

Поезд ҳамон машина остида, чўққиларини қор босган тоғ ёнидан судралиб кетмоқда. Булут пардаси тўсиб қўйган замин юқорига нисбатан анча қоронғи кўринди.

Рон газ педалини босиб, машинани юқорига йўллаган эди ҳам-ки, двигатель увиллай бошлади.

Икковлон бир-бирига ташвишли қараб қўйди.

- Толиққанга ўхшайди, - деди Рон, - У хали уйимиздан бу қадар узоқ йўлга чиқмаган...

Улар ўзларини двигателнинг увиллаган товуши тобора кучайиб бораётганини, осмон эса тобора қора тус касб этаётганини гўё пайқаманган қўйга солиб боришди. Тез орада сайёҳларни қуршаб олган зулмат ситоралар билан ясаниб олди. Гарри свитерини кийиб, худди эътироз билдираётган каби олд ойна қаршисида кучсиз тебранаётган ойнатозалагичлар ҳаракатига эътибор қаратмасликка уринди.

- Яқин қолди, - деди Рон, калтироқ қўллари билан далда бергандай асбоблар панелига уриб-уриб қўйиб, - Ҳа демай етиб борамиз.

Унинг гапи Гаррига эмас, кўпроқ машинага қаратилган.

Вақт ўтиб, булутлар остига яна шўнғишганда, кўзларини қисиб олишиб, ердаги мўлжалларини узоқ кидиришларига тўғри келди.

- Ана у! Рўпарамизда!

Гарри шу қадар баланд овоз билан кичқириб юбордики, ҳатто Рон билан Хедвиг иккаласи сесканиб кетишди.

Кўл ўртасида қад кўтарган қоя устидаги «Хогварц» қасрининг кўп сонли қатта-кичик миноралари қоронғи уфқ ортидан кўриниш бера бошлади.

Худди ўчакишгандай айна шу фурсатда автомобиль кучли титраб, тезлиги пасая бошлади.

- Бўлсанг-чи энди, - кистовга олди машинани Рон, рулни силтаб, - Деярли етиб келдик, охиригача чидаб берсанг-чи...

Двигатель қаттиқ увиллаб юборди. Капот остида ингичка тутун оқими чиқаётгани

кўринди. Кўлга яқин қолганда, Гарри, курсини бор кучи билан ушлаб олганига эътибор қаратди. Қандайдир хунук кучаниш машинани силтаб юборди. Гарри тахминан бир миля пастда сувнинг ялтираб турган силлиқ юзасини кўрди (*Эслатма: географик миля – 7420 метр; денгиз миляси – 1852 метр*).

Рулни қора тусида Роннинг бармоқлари оқариб кетганлиги яққол билинди. Машина яна силтаниб кетди.

- Бўл энди, оз қолди, - ғудуллади Рон.

Улар кўл устида. Қасрга оз қолди. Рон газ педалини қаттиқ босди.

Баланд жаранглаган аллақандай товуш янгради, сония ўтгач, чирс-чирс эшитилиб, ниҳоят двигатель ўчди.

Дафъатан чўмган сукунат орасида Роннинг:

- Ойижон, - деган овози янада баланд янгради.

Автомобилнинг олд томони оға бошлади. Улар тезлик олганча, тўғри қасрнинг тош деворига қараб пастлай бошлашди.

- Йўўўўқ! - кичкириб юборди Рон ва машина рулини кескин бура бошлади.

Машина ёйсимон бурилиб, девордан атиги икки сантиметр нарида, қоронғи иссиқхоналар, экин экилган ерлар, қора майсазор узра, тобора пастлаб, учиб ўтди.

Рон рулни қўйиб юбориб, орқа чўнтагидан сеҳрли таёқчасини чикарди...

- ТЎХТА! ТЎХТА! - ўқира кетди у, таёқчаси билан машинанинг асбоблар панели ва олд ойнасини савалаб.

Бирок бу амал кор бермади. Улар ажал келтирадиган тезлик билан пастга қараб боришар, ер эса худди шундай тезлик билар улар томон яқинлашар эди.

- ЭХТИЁТ БЎЛ, ДАРАХТ! - кичкириб юборди Гарри, ўзини рулга ташлаб.

Бирок кеч...

ҚА-А-АРС-С!

Металлнинг кулоқни қар қилиб юборгудай ёғочга урилган товуши янгради. Дарахтнинг йўғон танасига ёпишиб қолган машина ерга гумбураб тушди. Мижғалоқ бўлиб кетган капот остидан паға-паға тутун чиқиб кетди. Хедвиг юракни эзадиган фарёдини яна бошлади. Гаррининг бошида, олд ойнага урилган жойида қатталиги гольф коптогидай келадиган ғурра ўса бошлаганини ҳис этди. Ўнг томонда эса Роннинг узоқ инграгани эшитилди.

- Сенга нима қилди? - сўради кўрқиб кетган Гарри.

- Таёқчам, сеҳрли таёқчам... - деди Рон, титроқ овоз билан, - Таёқчамнинг ахволига қара...

Таёқча, сал кам икки бўлингандай ёрилиб кетган бўлиб, унинг учи, бир нечта пайраҳа толаларида жонсиз осилиб қолган.

Гарри, ўртоғини тинчлантириш учун мактабга киришса, таёқчани тузатиб беришларига шубҳа қилмаслигини айтмоқчи бўлиб, эндигина оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, сўз айтишга улгурмади. Айни шу фурсатда у ўтирган томонга бир нарса қутурган қўтос сузгандай чунонам урдик, Гарри ёнбоши билан учиб, ўртоғига ёпишиб қолди. Бир вақтнинг ўзида нимадир машина томига келиб тушди.

- Анави нима? - пичирлади Рон, бирон-бир маъно уқиб бўлмас нигоҳи билан олд томон қараб.

Гарри Рон қараб турган томонга ўтирилди. Айни шу дамда йўғон илондай келадиган дарахт шохи шамол тўсиш ойнасига келиб урилди. Машина учиб келиб урилган дарахт энди болаларга ҳамла қила бошлади. Дарахт танаси деярли икки букилиб олганча, хурпайган шохлари билан машинани савалай бошлашди.

Қутуриб кетган ўсимликнинг навбатдаги зарбасидан машина эшиги ичкарига эзилиб кирганини кўрган Рон кўрқиб кетиб, дод-вой солди.

- Вой дод, ойижон, - бақирди у.

Одам бармоғидай келадиган новдаларнинг дув-дув зарбаларидан олд ойна титрай бошлади. Тўқмоқдай келадиган шохлардан бири эса ўз олдига автомобилни япалоқ қилиб юбориш мақсадини қўйган шекилли, машинанинг томини шиддат билан, тинимсиз

дўппослашини кўймади. Том чиндан ҳам эгила бошлади...

- Қочдик бу ердан! - кичқирди Рон, бор кучи билан эшикни очишга уришиб.

Бироқ пастдан берилган навбатдаги зарба Ронни Гаррининг тиззасига улоқтириб юборди.

- Кунимиз битди, - ўкириб юборди Рон, тобора эзилиб, пастлаётган томга қараб.

Кутилмаганда, машинанинг поли титраб, двигатель ўзидан ўзи ишга тушиб кетганлиги сезилди.

- Машина, орқага тислан! - кичқирганча буйруқ берди Гарри.

Машина чиндан ҳам кескин тисарилди. Дарахтнинг муштлашиш шиддати ҳеч сустлашмас, аксинча, қочаётган машина изидан қувиб етмоқчи бўлгандай, ер қаъридаги илдизларининг ғичирлаши эшитилди.

- Ўлиб кетишимизга сал қолди-я, - оғир хўрсинди Рон, бир оз тинчлангач, - Хайрият, омон қолдик. Яша машина!

Аммо, машинанинг сабр косаси тўлганга ўхшади. Кутилмаганда автомобилнинг эшиклари қарс-курс этганча, ланг очилди. Гарри, дастлаб остидаги курси секин-аста кўтарилиб, бурилаётганини, навбатдаги фурсатда эса зах ерда, оёқ-қўллари ҳар томон тарвақайлаб ётганини хис этди. Оғир нарсаларнинг гумбурлаб ерга тушаётган товушини эшитгач, машина ўз ичидаги жамики юкни ҳар томон улоқтириб юбораётганини англади. Юқорига улоқтириб ташланган Хедвиг қафасининг эшиги ҳавода очилиб кетгач, бечора қуш ниҳоят озодликка чиқиб олди-да, норози оҳангда кичқирганча, орқасига қарамай қаср томон учиб кетди. Урилиб, эзилиб, аъзойи-бадани тимдаланиб, тутаб кетган машина орқа чирокларини ярқиратганча, зулмат қаърига кириб кетди.

- Қайт! Қайт дедим сенга! - бақирар эди Рон, таёқчасини силтаганча, машина изидан, - Дадам мени ўлдиради!

Лекин машина, ишланган газларни чиқариш қувури билан пишқириб кўйганча, кўздан ғойиб бўлди.

- Омадимиз юришмади-юришмади-да, - деди Рон қайғу-хасрат ила ерга эгилиб, Қасмокни кўлга олар экан, - Атрофда шунча дарахт туриб, муштга мушт қайтарадиган дарахтга келиб урилганимизни қара-я!

У елкаси узра ўгирилиб, ҳамон новдалари билан таҳдид солиб турган қадимий дарахт томон қараб кўйди.

- Юр, - деди холдан тойган Гарри, - Қасрга борайлик...

Мактабга етиб келиш, тасаввур қилингандай, тантанали кечмади. Ҳамма жойи кўқарган, совқотган, оёқ-қўллари базўр итоат қилаётган болалар сандиқларининг бир томонидаги дастасидан тутганча, майса қоплаган нишаблик устида тортиб, катта эман дарвоза томон йўл олишди.

- Байрам дастурхони бошланган бўлса керак, - деди Рон, сандиғини зина яқинида қолдириб.

У аста ёришиб турган дераза ёнига яқинлашди.

- Ҳой, Гарри, қара! Саралаш таомили-қу!

Гарри югуриб келиб, Рон билан биргалиқда Катта Залда ўтаётган анъанавий таомилни томоша қилди.

Узун, қоп-қора столлар устида муаллақ осилганча ёниб турган сон-саноксиз шамлар оловининг акси байрам дастурхонида терилган олтин идишларда ёркин товланиб, ўйнамоқда. Юқорида, ҳақиқий самони эслатадиган, юлдузлар сочиб юборилгандай кўриниб турган сеҳрли шифтда эса ситоралар ярақлаб турибди.

Гарри тумонат чўққидор «Хогварц» шляпалари орасида Катта Залга киритилаётган, афтидан рухларни кўриб, ўларча кўрқиб кетган биринчи синф ўқувчиларининг сафига қаради. Улар орасида Уэслилар оиласига мансуб олов ранг сочи билан ҳаммадан ажралиб турган Жиннани таниб олиш қийин эмас. Сочини турмақлаб олган, квадрат шаклидаги кўзойнак таққан, юзи жиддий киёфа касб этган афсунгар аёл – профессор Макгонагалл ўртага кўйилган курси устига машҳур сараловчи шляпани жойлади.

Ҳаддан ташқари кир, аъзойи бадани ямоқ бўлиб, роса эскириб кетган ушбу чўққидор



шляпа янги келган болачаларни ҳар йили мактабнинг «Гриффиндор», «Хуффльпуфф», «Равенкло» ва «Слизерин» деб номланадиган тўртта коллежига саралаб, тақсимлади. Бир йил олдин ўша шляпани кийганча, ҳайкалдай қотиб, унинг қарорини кутиб ўтирганини Гарри яхши эслайди. Бир неча даҳшатли сониялар ичида сараловчи шляпа уни кўплаб ёвуз сеҳргар ва афсунгарлар тамомлаган «Слизерин» коллежига йўллашини истамай, қўрқиб ўтирган эди. Охир-пировардида у Рон ва Гермиона билан биргалиқда, Уэслилар тамомлаган ва айни вақтда таҳсил кўраётган «Гриффиндор» коллежига қабул қилинди. Сўнги семестрда Гарри ўз дўстлари билан биргалиқда кадрдон коллежига мактаб кубогини қўлга киритишга ёрдам берди. Натижада «Гриффиндор» ўтган етти йил давомида биринчи марта «Слизерин»дан устун келди.

Кул ранг сочли жажжигина болача олдинга чиқарилди. Унга шляпа кийдирилди. Гаррининг нигоҳи ушбу болакайдан нарига, саралаш таомилини кузатиб ўтирган мактаб директори профессор Дамблдор ўтирган Мўътабар Столга тушди. Директорнинг кумуш ранг узун соқоли ва ярим ой шаклидаги шиша кўзойнаги шамлар шуъласида ялтираб кўринмоқда. Ундан бир неча киши нарида аквамарин рангли серхашам ридо кийиб олган Сверкароль Чаруальд ўтирибди (*Аквамарин – яшил ҳаво ранг қимматбаҳо тош*). Стол бошида бошини орқага ташлаб олганча, қадахдаги майни узок тортиб ўтирган сермўй ва баҳайбат Хагрид кўринди.

- Қара, Рон, - пичирлади Гарри, - Мўътабар Стол ёнидаги курсилардан бири бўш турибди... Снегг қани?

Профессор Северус Снегг Гарри ёмон кўрадиган ўқитувчи. Гарри эса, ўз навбатида, Снегг ёмон кўрадиган ўқувчилардан бири. Снегг қаттиққўл, истехзоли, ўзи мудирлик қиладиган «Слизерин» коллежи ўқувчиларидан бошқа бирон-бир факультет ўқувчилари ёқтирмайдиган, сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани ўқитувчиси.

- Касал бўлиб қолгандир? - умид билан таҳмин қилди Рон.

- Эҳтимол ўзи орзу қилиб юрган ёвузлик кучидан химоя фани ўқитувчиси лавозимидан яна қуруқ қолгани учун ишдан бўшаб кетгандир, - деди Гарри.

- Эҳтимол, - давом этди руҳи кўтарилиб кетган Рон, - Уни ишдан бўшатиб, қувиб юборишгандир. Ахир уни ҳамма ёмон кўради...

- Эҳтимол у, - янгради болалар орқасида муздай эшитилган овоз, - Нима учун эл қатори поездда келмаганингиз сабабини тушунтириб беришларингни кутаётгандир.

Гарри бизбизак сингари ортга ўтирилди. Унинг қаршисида қоп-қора коржомаси тунги шамолда хилпираётган, тери қопламасининг ранги синиккан, кийғирбурун, ёғли сочи елкасига тушган Северус Снегг турибди. Нохуш манзара устига, айни фурсатда Снегг бирон-бир яхшилиқдан далолат бермайдиган ҳолатда иршайиб тургани ғалати кўринди.

- Ортимдан юринг, - буюрди Северус.

Бир-бирига қараб қўйишга ботина олмаган болалар Снегг ортидан судралишганча, зина бўйлаб юқорига кўтарилиб, одамлар овозининг акс садоси эшитилиб турган, машъалалар билан ёритилган вестибюлга киришди. Катта Залдан мазали таомлар хиди гупиллаб чиқяпти. Бироқ Снегг, болаларни илиқлик ва саранжом-саришталиқдан нарига, тор тош зина бўйлаб пастга етаклади.

Ертўла йўлининг ярмига етгач, йўлакда кўринган эшикни очган ўқитувчи болаларга қараб:

- Ичкарига кириш! - деб буюрди.

Болалар ҳам совуқдан, ҳам кўркувдан жунжикиб, Снеггнинг хизмат хонасига киришди. Қоронғилиқда базўр кўринадиган деворларга токчалар маҳкамланган, уларга эса турли туман шиша идишлар терилган. Ушбу идишлар ичида эса Гарри билмайдиган, умуман айтганда, билишни ҳам истамайдиган ҳар хил қабоҳат сузиб юрибди.

- Шундай қилиб, - тилга кирди Снегг, - «Хогварц-Экспресс» поезди машҳур Гарри Поттер ва унинг садоқатли қуролбардори Уэсли учун етарлича яхши транспорт эмас, шундайми? Ўз ташрифи билан имкон қадар баланд шов-шув кўтариши шарт. Мен янглишмадим-ми, жентлменлар?

- Йўқ, сэр. Биз Кингс-Кроссдаги тўсик орқали ўта олмадик, у...

- Жим! - лоқайд овоз билан бақирди Снегг, - Машинани нима қилдингиз?  
Рон беихтиёр ютиниб қўйди. Снегг киши хаёлини ўқиш қобилятига эга эканлиги ҳақида Гарри яна бир бор хулоса чиқарди. Бироқ фурсат ўтиб, масала аён бўлди. Негаки Снегг «Башорат-у, каромат газетаси»нинг сўнгги сонини ёзиб, «Учар «Форд Англия» яратилганидан мағллар ҳайратда» сарлавҳасини болаларнинг бурнига тақаганча:  
- Сизларни нечта мағл кўрганини, биласизми? - вишиллади у ва мақолани овоз чиқариб, чала-ярим ўқишга киришиб кетди, - Лондонлик икки нафар мағл почта минораси узра учиб ўтган эски машинани аниқ кўришганини ишонтириб айтмоқдаки... Чошгоҳда дорга чойшаб илаётган норфолклик миссис Хетти Бейлисс...публик мистер Ангус Флитнинг полицияга берган хабарига кўра... Жами олти ёки етти нафар мағл. Билишимча, отанг мағлларнинг рўзгор буюмларидан нотўғри фойдаланиш бўлимида ишлайди, шундайми? - ярим тасдиқ охангида сўради у, Ронга қараб, истехзоли башараси билан жирканч иршайиб қўйганча, - Қаранг-а... ўзининг ўғли...

Гарри ўзини анави уришқоқ дарахтнинг энг катта ва энг қутуриб кетган шохи қорнига қараб солгандай ҳис этди. Агар кимдир машинани мистер Уэсли сеҳрлаб қўйганини билиб қолса борми... бу ҳақда ўйламабди-ку...

- Боғни кўздан кечириб чиқиб, ниҳоятда қимматли Уришқоқ толга катта шикаст етказилганлигини кўрдим, - давом этди Снегг.

- Толга эмас, бизга кўпроқ шикаст етди, - гап қайтарди Рон.

- Жим! - яна ўшқариб берди Снегг, - Минг афсус, сизлар менинг коллежимда таҳсил кўрмайсизлар ва сизларни ўқишдан четлатиш юзасидан қарор чиқариш ҳуқуқи менга берилмаган. Бундай бахтли имтиёз ҳавола этилган кишиларни таклиф қилиб келишимга тўғри келади. Сизлар эса шу ерда кутинг.

Гарри билан Рон бир-бирига умидсиз қараб қўйишди. Иккаласининг юзи оқариб кетган. Гаррининг кўнгли беҳузур бўлиб, очликни ҳам, умуман бошқа бирон нарсани ҳам сезмай қўйди. У Снеггнинг ёзув столи ортидаги тоқча устига қўйилган идишдаги яшил суюқлик ичида сузиб юрган, сиртини шилимшиқ қоплаган аллақандай жонзодга қарамасликка уринди. Агар Снегг «Гриффиндор» мудирини профессор Макгонагаллни чақариб келгани кетган бўлса, кўнгли таскин тортмайди. Профессор Макгонагалл Северусга нисбатан адолатлироқ бўлгани билан, қаттиққўллик борасида зиғирдай бўлсин қолишмайди. Ўн дақиқадан сўнг Снегг хонага қайтди. У билан бирга эса ҳақиқатан ҳам профессор Макгонагалл кириб келди. Гарри профессорнинг жаҳли чиққан ҳолатини муқаддам кўрган, албатта. Бироқ у жаҳл қилганида лабини маҳкам қимтиб олишини Гарри ёдидан чиқариб қўйган чамаси ёки бундай ҳолатда профессор у қадар сержаҳл бўлмаган. Профессор остонадан хатлаб ўтиши билан ўзининг сеҳрли таёқчасини баланд кўтарди. Буни кўриб қўрқиб кетган Гарри билан Рон кўзларини маҳкам юмиб олишди. Аммо коллеж мудирини ўз таёқчасини бўм-бўш камин томон йўналтирди. Қутилмаганда камин ичида рақсга тушаётган гулхан кўринди.

- Ўтиринг, - деди у.

Болалар ҳадиксираганча аста орқага тисарилиб, камин ёнидаги креслоларга ўтириб олишди.

- Хулқингиз сабабини тушунтириб беринг, - буюрди у, кўзойнагида гулхан акси даҳшатли ярқираб.

Рон вокзалдаги тўсиқ йўл бермаганидан бошлаб, бор гапни айтиб берди.

- ... шундай қилиб, профессор, биз чорасиз, фавқулодда ҳолатда қолдик. Поездга ўта олмадик.

- Нима учун бойқуш орқали хат йўлламадингиз. Билишимча, сенинг бойқушинг бор, шундайми? - совуқ овоз билан мурожаат қилди профессор Гаррига.

Гаррининг оғзи очилиб қолди. Мана эндигина, профессор шу саволни бергандагина, Гарри тушунди. Ахир айна шундай иш тутиш керак эди-ку.

- Мен бу ҳақда... мен ўйламабман.

- Ўйламаганинг аён, - деди профессор Макгонагалл.

Эшик такиллади. Қувончдан ёрилиб кетишига сал қолгани сезилиб турган Снегг эшикни очди. Остонада директор Дамблдор кўринди.

Гарри Дамблдорнинг ўзгача жиддий қиёфасини кўриб, эти жунжикиб кетди. Директор илмоқсимон қайрилма бурни устидаги кўзойнаги узра гуноҳкорларга синчковлик билан тикилиб турди. Ундан кўра анави ниҳоятда қимматли Уришқоқ тол ҳалигача савалагани маъқул эди, ўйлади Гарри.

Хонага узоқ давом этган сукунат чўмди. Ниҳоят Дамблдор тилга кириб:

- Айтинг-чи, нима учун айнан шундай иш тутдингиз?

Директор қичкириб, сўкиб бергани яхши бўлар эди. Дамблдорнинг овозидаги ихлоссизлик оҳангига бардош бериши Гарри учун қийин кечди. Негадир у директорнинг кўзига тик боқишга ботина олмай, тиззасига қараб гапирди. У ҳам бўлган гапларни айтиб берди. Фақат сеҳрланган машина соҳиби мистер Уэсли эканлигини айтмади. Натижада, хикоясининг мазмунига кўра, Рон билан иккаласи темир йўл вокзалини тарк этишган-да, яқин орада турган учар машинага беҳосдан дуч келиб қолишган бўлиб чиқди. Дамблдор ёлғон гапнинг маъносини уқиб олишини тушуниб турибди, албатта. Бироқ директор машина ҳақида бирон оғиз савол бермади. Гарри хикоясини тамомлади. Дамблдор эса ҳамон кўзойнаги орқали синчковлик билан қараб турибди.

- Хўш, биз бориб лаш-лушларимизни йиғиштирайлик бўлмаса, - деди Рон, умидсизлик оҳанг билан.

- Нима тўғрисида гапиряпсан, Уэсли? - бўкириб берди профессор Макгонагалл.

- Ўқишдан четлаштирасиз-ку, шундай эмасми? - жавоб қайтарди Рон.

Гарри умид билан Дамблдорга қараб қўйди.

- Бугун эмас, мистер Уэсли, - деди Дамблдор, - Аммо, хатти-ҳаракатингиз жуда ҳам калтис бўлганлигини маълум қилмоқчиман. Бу ҳақда ота-онангизга хат ёзиб юборишга ҳам мажбурман. Шунингдек, огоҳлантириб қўйишим керакки, ўхшаш хатти-ҳаракатга такрор қўл урадиган бўлсангиз, ҳақиқатан ҳам ўқишдан четлатишдан бошқа чора қолдирмайсиз. Снегг худди Рождество байрами умуман бекор қилинган бўлиб, энди ҳеч қачон нишонланмаслигини ҳозиргина эшитган ҳолатга тушиб қолди. У томоғини кириб олди-да:

- Профессор Дамблдор, мана бу иккаласи Балоғатга етмаганлар орасида сеҳргарлик фаолиятини оқилона чеклаш тўғрисидаги декрет талабларини ниҳоятда кўпол равишда бузди, шунингдек, жуда қадимий ва ниҳоятда қимматли ўсимликка жиддий шикаст етказди, шубҳа йўқ-ки, бундай қилмиш...

- Уларга жазо тайинлаш ҳуқуқини профессор Макгонагаллга ҳавола этсак, Северус, - хотиржам жавоб қайтарди Дамблдор, - Ушбу ўқувчилар профессор Макгонагалл тасарруфидаги коллежда таҳсил кўришади ва унинг васийлигидаги шахслар саналади, - деди-да, профессор Макгонагаллга юзланиб, - Мен байрамга қайтиб, айрим эълонларни маълум қилишим керак Минерва. Юринг Северус, дастурхонда ажойиб торт кўрдим, татиб кўришга улгурсак ёмон бўлмас эди...

Снегг ўз хонасини тарк этишга мажбур бўлди. Лекин, хонадан чиқиб кетишдан олдин Гарри билан Рон томон очикдан-очик нафратга тўлган нигоҳ ташлаб қўйди. Болалар ханузгача қутуриб кетган бургут қиёфасини касб этиб турган профессор Макгонагалл билан юзма-юз қолишди.

- Шифокорга учраб қўйсанг ёмон бўлмас эди, Уэсли. Яранг ҳалигача қонаяпти.

- Оғриётгани йўқ, - деди Рон, енги билан қошини артиб, - Профессор, саралаш таомилини кўрмоқчи эдим. У ерда менинг синглим...

- Саралаш таомили ниҳоясига етди, - деди профессор, - Синглинг «Гриффиндор»га қабул қилинди.

- Жуда соз, - қувониб кетди Рон.

- Ҳа, айтгандай, - кескин овоз билан бошлади профессор Макгонагалл, - «Гриффиндор» масаласи...

- Профессор, - ўқитувчининг гапини бўлди Гарри, - Биз машинани семестр бошланмасидан олдин олдик, шу боис... «Гриффиндор» балл йўқотмаслиги керак,

шундайми? - гапани тугатди у, профессорнинг юзига хавотир билан тикилиб.

Профессор Макгонагалл еб юборгудай қараб қўйган бўлса-да, унинг ушбу нигоҳида аллақандай табассум борлигини Гарри сезди. Ҳақиқатчунинг лаби ҳам кучли қимтинмай қолган.

- «Гриффиндор»дан балл айирмайман, - деди коллеж мудирини, - Бироқ иккалангизга нисбатан жазо чораси қўлланилади.

Гаррининг кўнгли анча таскин топди. Ишлар жойида. Қариндошларга юбориладиган хатга келсак, бу чора у қадар даҳшатли эмас. Унинг яқинлари ўша Уришқоқ тол Поттерни котлетга айлантириб қўймаганидан афсус қилишади холос. Гарри бунга оз бўлса-да, шубҳа қилмайди.

Профессор Макгонагалл яна сеҳрли таёқчасини кўтариб, учини столга қаратди. Базўр эшитилган «пххх» этган товуш билан бир вақтда стол устида бир лаган бутерброд, иккита кумуш қадах ва муздай ошқовоқ шарбати тўлдирилган кўза пайдо бўлди.

- Шу ерда овқатланиб, тўғри коллеж меҳмонхонасига боринг, - буюрди у, - Мен ҳам байрам тантанасига қайтишим даркор.

Профессор кетидан эшик ёпилгач, Рон паст товушли узоқ хуштак чалиб юборди.

- Тамом бўлганимизга шубҳа қилмаган эдим, - деди у, бутербродлардан бирини чангаллаб.

- Мен ҳам, - фикрни тасдиқлади Гарри, қўлига бутерброд олиб.

- Омадимиз «юришгани»ни кўрмайсан-ми? - гўнғирлаб гапани давом этди Рон, товуқ ва дудланган чўчка гўштини чайнар экан, - Фред билан Жорж ушбу машинада кам деганда беш-олти маротаба учишган бўлишига қарамай, уларни бирорта бўлсин мағл кўрмаган, - деди у, чайнаётган лукмани ютиши билан оғзини яна тўлдириб олиб, - Менга қара, нима деб ўйлайсан, нима учун иккаламиз тўсиқ орқали ўта олмадик?

Оғзи овқатга тўла Гарри елкасини қисиб қўйди.

- Бундан буён ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз даркор, - деди у, ошқовоқ шарбатидан хузур қилиб хўплаб олгач, - Эссиз, байрам зиёфатига бориш мумкин эмаслиги ёмон бўлди...

- Биз кечирилганимизни ҳамма кўришини профессор истамади, - ўзича башорат қилди Рон, - Ҳамма мактабга машинада учиб келиш зўр иш экан деб ўйламаслигини хоҳлаган... Лаган бўшаган сари вақти-вақти билан янги бутербродларга ўзидан ўзи тўлиб қолар эди. Бўкиб қолгудай овқатланиб олгач, икковлон ўринларидан туриб, ўзларига таниш йўлдан «Гриффиндор» минораси томон йўл олди. Қасрда қарор топган сукунатга қараганда байрам тантанаси тамом бўлганга ўхшайди. Болалар ўзи билан ўзи гаплашиб турган портретлар ва рицарларнинг ўзидан ўзи ғижирлаб турган кийим-бошлари ёнидан ўтишиб, тош зиналарнинг тор поғоналарига тирмашиб чиқишди ва ниҳоят пушти шойи қўйлак кийиб олган тўладан келган аёлнинг эскириб кетган портрети орқасига бекитиб қўйилган «Гриффиндор» минорасининг яширин кириш йўлига етиб келишди.

- Пароль? - сўради Семиз Холанинг сурати яқинлашиб келаётган болалардан.

- Эээ... - тутулиб қолди Гарри.

Улар «Гриффиндор» коллежининг синфбошиси билан ҳали учрашишмаганликлари боис, ушбу ўқув йили учун жорий этилган янги паролдан беҳабар. Бироқ ёрдам ўзидан ўзи келиб қолди. Ортда кимнингдир шошилиб босган қадамлари эшитилди. Гермiona.

- Сизлар бу ёқда экансизлар-да! Қайёққа йўқолиб қолдингиз. Аллақандай учар машинани пачоқ қилиб юборганингиз учун сизларни мактабдан ҳайдаб юборишгани ҳақида ҳар хил бемаъни миш-миш гаплар тарқалиб юрибди...

- Ҳайдашга-ю, ҳайдаб юборишмади, - деди Гарри.

- Қолган гаплар рост, чиндан ҳам машинада учиб келдик демоқчи эмасмисан, мабодо? - хитоб қилди Гермiona профессор Макгонагаллнинг оҳангига тақлид қилиб.

- Лоакал сен танбех бермагин-да, паролни айт, - деди Рон.

- Пароль «Курка», - деди Гермiona, - Бироқ гап бунда эмас...

Лекин Гермiona ўз гапани охиригача айта олмади. Пароль талаффуз этилгач, Семиз Холанинг портрети бирдан юқорига кўтарилиб, боши билан пастга айлангач, ичкаридан гулдурос қарсақлар янгради. «Гриффиндор» ҳали ухламаган, жамики ўқувчилар

коллежнинг думалоқ меҳмонхонасида тўпланиб олишган, айримлар, эса кун қахрамонларини яхшироқ кўриш учун бир томонга қийшайган столлар ва эзилиб кетган креслолар устига чиқиб олишган. Портрет ортида очилган йўлакдан кимларнингдир кўллари чиқиб, Гарри билан Ронни ичкарига тортиб олишди. Гермionaга эса ичкарига мустақил равишда тирмашиб киришга тўғри келди.

- А-жо-йиб! - кичкирди Ли Жордан, - Мисли кўрилмаган маҳорат! Куни билан давом этган парвоз! Ва ниҳоят, бошқа жой куриб қолгандай, Уришқоқ тол устига кўниш! Буни келажак авлод эслаб юради!

- Яша азамат! - деди бешинчи синфда ўқийдиган қандайдир бола Гаррига.

Гарри у билан ҳали ҳеч қачон мулоқот қилмаган. Яна кимдир манзур кўриб, Гаррининг белига туртиб қўйди. Оломон ичра базўр яқин келган Фред билан Жорж:

- Нима учун машинада учиб келиш бизнинг хаёлимизга келмади? - деб, баралла хайқиришди.

Роннинг ранги тўқ қизил бўлиб кетиб, хижолат тортганча кулиб турибди. Аммо, Гаррининг ортида хамминг қувончига шерик бўлишни мутлақо истамаган киши турибди. Перси тўлқинланиб турган биринчи синф ўқувчилари гуруҳи узра кўришиб турар, яқинроқ келиб Рон билан Гаррини яхшилаб қойиб бермоқчи бўлгандай эди. Гарри Роннинг биқинига туртиб, Перси томон имо қилди. Рон дарҳол вазиятни англаб:

- Биз юқорига чиқайлик, жуда чарчаганмиз, - деди.

Иккала қахрамон халойиқ ичра айлана зинага олиб чиқадиган ён эшик томон ҳаракат бошлашди.

- Учрашгунча! - деди Гарри, қиёфаси Персининг қиёфасидан қолишмай, гина билан қараб турган Гермionaга.

Белга туртишлар давом этишига қарамай, икковлон ён эшикка етиб боришга муваффақ бўлиб, зина устидагина тинч қолишди. Улар юқорига ошиқиб, ўтган йилни ўтказишган ётоқхоналарига чиқишди. Фақат энди эшик устида «ИККИНЧИ СИНФ» ёзуви битилган тахтача осиб қўйилган. Ниҳоят улар тўқ-қизил рангли баҳмалдан тайёрланган гулдор чодирлар остига бешта каравот ўрнатилган, энсиз баланд деразали таниш хонага кириб келишди. Сандиқлари аллақачон хонага олиб чиқилиб, каравотларининг оёқ томонига қўйиб қўйилган экан.

Рон гуноҳқорона кулиб қўйди.

- Қилган ишимиздан фахрланишимиз керак эмаслигини биламан...

Бирдан ётоқхонанинг эшиги кенг очилиб, ичкарига «Гриффиндор»нинг яна уч нафар иккинчи синф ўқувчиси Симус Финниган, Дин Томас ва Невилль Лонгботтом кириб келишди.

- Бўлиши мумкин эмас! - иршайди Симус.

- Ақл бовар қилмайди, - деди Дин.

- Зўр, - иззат-икром оҳангида пичирлади Невилль.

Гарри ўзини тутиб тура олмади. Унинг юзига худди Роннинг юзидаги каби кулги югурди.

## **VI БОБ.**

## **СВЕРКАРОЛЬ ЧАРУАЛЬД**

Бироқ эртаси куни Гарри, кулган бўлса, кўпи билан икки маротаба кулиб қўйгандир. Бу кун Катта Залда ўтган эрталабки нонуштадан бошлаб, деярли ноҳуш ўтди деса ҳам бўлади. Сехрланган шифти бугун қандайдир кул ранг кўринган Катта Залга мактаб коллежларининг сонига кўра ўрнатилган тўртта узун столга нонушта тузалган. Ҳар доим бўлганидек эрталабки дастурхонга оғзи катта кўзаларга солинган сули бўтқа, дудланган балиқдан тайёрланган ҳар хил таомлар, бутербродлар уюми, катта ликопларда эса ковурилган чўчка гўшти билан тухум тортилган. Гарри билан Рон Сверкароль Чаруальднинг «Қонхўр билан ўтказилган хизмат сафари» китобини сут тўлдирилган кўзага тираб ўқиб ўтирган Гермionанинг ёнига ўтиришди. Қизалокнинг фақат одоб юзасидангина базўр талаффуз этган «салом» оҳангидан уларнинг мактабга етиб келиш

усулини маъкул топмаганлиги ва ушбу хис билан ҳалигача қурашаётгани билиниб турибди. Лонгботтом Невилль эса, ўз навбатида, болаларни самимий қувонч ила қарши олди. У кулчаюз бола бўлиб, аҳмоқона ҳолатларга тушиб қолиш борасида унга бас келадиган одам ҳозирча йўқ. Бунинг устига у хотирасининг фавқулудда ёмонлиги билан бошқалардан кескин ажралиб туради.

- Тез орада почта келади. Умид қиламанки, унутиб қолдирган нарсаларимни бувим жўнатиб юборади, - деди Невилль.

Гарри эндигина сули бўтқага қўл узатган эдики, бош узра қуш қанотларининг ҳамма кутиб ўтирган шитир-шитири эшитилди. Катта Залга барча деразалар орқали юзлаб бойқушларнинг шиддатли оқими кириб келди. Қушлар шифт остида гир айланиб, қувнок сухбат қуриб ўтиришган болалар устига, ҳар бирига тегишли хат ва совғалар ташлаб чиқишди. Бирор-бир шаклга эга бўлмаган аллақандай тугун Невиллнинг бошига келиб тушди. Яна бир сония ўтгач, Германионнинг китобига тиргак вазифасини ўтаётган кўза ичига аллақандай кул ранг нарса шалошлаб тушиб, кўза атрофида ўтирганларга пат аралаш сут сачради.

- Эррол! - қичкириб юборди Рон, кўза ичидан қари уккисини чиқариб.

Ҳолдан тойган қуш хушидан кетиб, тумшуғига нам тортган қизил конвертни маҳкам сиқиб олганча, стол устига оёғи осмондан келганча ётиб олди.

- Йўқ, истамайман... - пичирлади Рон, ранги оқариб.

- Хавотир олма, уккинг тирик, - тинчлантирган бўлди уни Германиона, қуш панжасини қўл учида ушлаб, силтаб кўргач.

Кўрсаткич бармоғини қизил конвертга ўқтаган Рон:

- Гап унда эмас, мана бунда, - деди.

Гарри конвертда бирор-бир ёмонлик аломатини кўрмади. Рон билан Невилль эса конвертга, ҳозир у портлаб кетадигандай, дахшат ила бақрайиб қолишди.

- Нима бўлди ўзи, тинчликми? - сўради Гарри.

- Ойим... менга Қичкирикнома йўллабди, - базўр жавоб берди Рон.

- Очганинг маъкул, Рон, - маслаҳат берди Невилль, хижолатли пичирлаб, - Ҳозир очмасанг кейин баттар бўлади. Мен ҳам бувимдан Қичкирикнома олиб, очмаган эдим, - деди Невилль эсига тушган воқеадан кўрқиб кетганча, ютиниб қўйиб, - Шундай дахшатли нарса юз бердики...

Гарри нигоҳини ўртоқларининг тошдай қотган юзларидан қизил конвертга қаратди.

- Қичкирикнома дегани нима ўзи? - сўради у.

Бироқ ҳозир Роннинг Қичкирикнома нима эканлигини тушунтиришга вақти ҳам, холи ҳам йўқ. Унинг жамики диққат-эътибори четларидан аста-секин тутун буркиб чиқа бошлаган хатга тўла-тўқис қаратилган.

- Оч, кўркма, - қаттиқ туриб олди Невилль, - Бир неча дақиқа давом этади-да, ўтиб кетади.

Рон қалтираётган қўлини узатиб, конвертни Эррол тумшуғининг сиқувидан халос этди ва бир оз ўйланиб тургач, шартта йиртди. Невилль эса бармоқлари билан қулоқларини бекитиб олди. У нима учун бундай қилганини Гарри сония ўтар-ўтмас жуда яхши тушунди. Кўрқиб кетганидан ўтирган жойида бир сапчиб тушган Гарри дастлаб хат чиндан ҳам портлаб кетди деб ўйлади. Зеро Катта Зал чунонам гумбурлаб кетдики, хатто шифтдан чанг тўкилиб тушди.

**- МАШИНА ЎҒИРЛАШ! МАКТАБ РАҲБАРИЯТИНИНГ ЎРНИДА БЎЛГАНИМДА СЕНИ ШАХСАН ЎЗИМ ҚУВИБ СОЛГАН БЎЛАР ЭДИМ. ҚАРАБ ТУР, СЕНИНГ АДАБИНГНИ БЕРИБ ҚЎЯРМАН ҲАЛИ. ОТАНГ ИККАЛАМИЗ МАШИНАНИНГ ЙЎҚЛИГИНИ КЎРИБ, НИМА АҲВОЛГА ТУШГАНИМИЗ, ҚАНДАЙ ХАЁЛЛАРГА БОРГАНИМИЗНИ ҲЕЧ ЎЙЛАБ КЎРДИНГ-МИ...**

Миссис Уэслининг юз карра кучайтирилган ўқиришларидан дастурхондаги ликоплар-у, қошиқлар титраб кетди. Қичкириклар Катта Залнинг тош деворларидан қулоқларни қар қилиб юборгудай даражада акс этиб қайтмоқда. Жамики халойиқ ким Қичкирикнома олганини билиш учун ўгирилиб қаради. Рон курсида шу қадар букчайиб олганки, фақат

пешонасигина стол остидан чиқиб турибди.

- *КЕЧҚУРУН ДАМБЛДОРДАН ХАТ ОЛДИК. ОТАНГ ИЗЗА БЎЛГАНИДАН ОМОНАТИНИ ТОПШИРИБ ҚЎЯДИ ДЕБ ҚЎРҚИБ КЕТДИМ. СЕНГА ШУНАҚА ТАРБИЯ БЕРГАН ЭДИК-МИ БИЗ?! ГАРРИ ИККАЛАНГ ҲАЛОК БЎЛИШЛАРИНГ МУМКИН ЭДИ-КУ...*

Ана, менга ҳам навбат етди, ўйлади Гарри. У кулоқ пардаларини оғритиб юбораётган овозга кулоқ солмасликка ҳаракат қилди.

- *ЭНГ ДАҲШАТЛИСИ ШУНДАКИ, ЭНДИ ОТАНГНИНГ ИШХОНАСИДА ХИЗМАТ СУРИШТИРУВИ ЎТКАЗИЛАДИ! БАРИ СЕНИ КАСРИНГДАН. ЯНА БИРОН-БИР ЎХШАШ ҚИЛИҚ КЎРСАТАР ЭКАНСАН, СЕНИ МАКТАБДАН ЎЗИМИЗ ОЛИБ КЕТАМИЗ, ТУШУНДИНГ-МИ?*

Шундан сўнг, Катта Залда кулоқларни шанғиллатаётган сукунат қарор топди. Роннинг кўлидан аллақачон тушиб кетган қизил конвертни ёрқин олов қамраб олиб, тез орада кулга айланди. Рон билан Гарри худди кутилмаганда кўтарилиб кетган денгиз тўлкини иккаласининг устига келиб солгандай ханг-манг бўлганча, қотиб қолишган. Кимдир кулди, кимдир хиринглаб кўйди ва тез орада дастурхон атрофидаги одатий суҳбат янгитдан давом эта бошлади.

Гермиона «Қонхўр билан ўтказилган хизмат сафари»ни ёпиб кўйди-да, стол остидан базўр чиқиб турган Рон бошига қараб:

- Сен нима кутганингни билмадим-у...

- Фақат қилмишинга яраша олдинг дема... - жерқиб берди Рон.

Гарри бўтқани нари суриб кўйди. Унинг ичини айбдорлик ҳисси емирмақда. Мистер Уэслини хизмат суриштируви кутяпти. Ана холос, мистер ва миссис Уэслиларнинг Гаррига қилган яхшилигига яраша қайтарилган жавоб шу бўлди-ми?!

Бироқ бу мавзу юзасидан фикр юритиб кўришга ҳозир вақт йўқ. Профессор Макгонагалл «Гриффиндор» столига яқин келиб, янги тузилган машғулотлар жадвалини тарқатишга киришди. Гарри варақни олиб, дастлабки икки соат «Хуффльпуфф» факультетининг биринчи синф ўқувчилари билан биргаликда гербология фанидан дарс ўтказилишини тушунди.

Гарри, Рон ва Гермиона қасрдан биргаликда чиқиб, экин экилган ерлар орқали сеҳрли ўсимликлар етиштириладиган иссиқхоналар томон йўл олишди. Ҳар ёмоннинг бир яхшилиги бўлади. Қичқирикноманинг яхши томони шундан иборатки, болалар ўз қилмишларига яраша жазо олишди деб хулоса чиқарган Гермионанинг болалар билан олдинги дўстона муносабати қайта тикланди.

Иссиқхонага яқинлашган болалар, жамики синф эшик ёнида ўқитувчини кутиб турганини кўришди. Гарри, Рон ва Гермиона ўз синфдошларига қўшилишларига улгурмай, сал нарида профессор Сарсабил хоним кўринди. У майсазор орқали Сверкароль Чаруальд ҳамроҳлигида шиддат билан одимлаб келмоқда. Профессор Сарсабил хоним кўлига бир тўп бинт ушлаб олган. Узоқда турган, айрим шохлари тахтакачлаб кўйилган Уришқоқ толни кўрган Гаррини яна виждон азоби қийнади.

Профессор Сарсабил хоним паст бўйли, миқтигина афсунгар аёл. Ҳар томон хилпираб кетаётган сочларини ямоқ солинган шляпаси билан босиб олган. Кийими лойга беланган бўлиб, тирноқларининг ости тупроққа тўлган. Агар унинг аҳволини Петунья хола кўрса борми, ҳушини йўқотиши муқаррар. Сверкароль Чаруальд эса, аксинча, ораста хилпираб турган мовий коржомаси ва бошидаги тилла жиякли мовий шляпаси остида ярқираб турган тилла ранг сочлари билан беқусур киёфа касб этган.

- О, салом болалар! - шодиёна кичқирди Чаруальд иссиқхона яқинида тўпланганларга нурафшон кулиб, - Мен профессор Сарсабил хонимга Уришқоқ толларни қандай даволаш кераклигини кўрсатиб кўйдим. Фақат сизда профессор Чаруальд гербология фанини профессор Сарсабил хонимдан ҳам яхши билар экан деган тасаввур шаклланишини истамас эдим. Гап шундаки, ажойиб саёхатларим давомида бир нечта ўхшаш дарахтларга дуч келганман.

- Бугунги дарс учинчи иссиқхонада ўтказилади, - деди Сарсабил хоним одатдагидан

баланд овозда.

Доимо кувнок, кўнглида кири йўқ афсунгар аёлниг жахли чикиб тургани яккол билиниб турибди.

Ўқитувчининг эълонини эшитиб, кизиқиб қолган ўқувчилар орасида пичир-пичир бошланди. Болалар бугунги кунга қадар фақат биринчи иссиқхонада ишлаб келишган, учинчи иссиқхонада эса жуда кизик ва айнаи вақтда ниҳоятда хавфли ўсимликлар етиштирилади. Профессор Сарсабил хоним белига осиб олган калитлардан бирини олиб учинчи иссиқхона эшигини очди. Гарри шифтда осилиб турган, катталиги соябондай келадиган улкан гулларнинг муаттар хиди билан зах тупроқ ва ўғитлар хиди аралашиб кетган нохуш бўйни хис этди. Гарри ичкарига, Рон билан Гермионанинг ортидан эргашган эди ҳам-ки, уни Чаруальд ушлаб олди.

- Гарри! Сенга бир оғиз гапим бор. У икки дақиқага ушланиб қолишига қаршилик кўрсатмайсиз-ку, шундай эмасми кадрли Сарсабил хоним?

Домангир қиёфа касб этган афтига қараганда профессор Сарсабил хоним қарши, бироқ Чаруальд:

- Ана, жуда соз, - деди-да, эшикни ташқаридан шартта ёпиб қўйди.

- Гарри, - деди тишининг оқини куёш нурида яркиратган Чаруальд бошини чайқаб, - Гарри, Гарри, Гарри.

Унинг нима демоқчи эканлигини тушунишни ҳам истамаган Гарри бирор оғиз ҳам гапирмади.

- Хабардор бўлгач... Нима ҳам дердим, буларнинг бари тўла-тўқис менинг айбим. Ўзимни ўзим тепиб юборишга тайёрман..

Ўқитувчи нималар ҳақида гапираётганлигини Гарри оз бўлса ҳам тасаввур эта олмади. У эндигина бунга иқроор бўлмоқчи эди ҳам-ки, Чаруальд гапини давом эттирди:

- Қачон охирги марта бу қадар ҳаяжонга тушганлигимни эслай олмаймаман. «Хогварц»га машинада учиб келиш! Нима учун бундай иш тутганингни, табиийки, мен дарҳол англаб етдим. Сабаби аён. Гарри, Гарри, Гарри.

Қизик, қандай қилиб у, ўз тишларини, ҳатто гапирмай турганда ҳам ҳар бирини бу қадар намоён эта олар экан.

- Табиатингдаги шуҳратпарастлик мен туфайли шаклланди чамаси, шундай эмасми? - деди Чаруальд, - Сени бундай касалликка мен чалинтириб қўйганга ўхшайман. Газетанинг бош саҳифасига мен туфайли тушиб қолгач, яна истаб қолибсан-да.

- Йўқ, албатта, профессор, шунчаки...

- Гарри, Гарри, Гарри, - гапни бўлди Чаруальд, боланинг елкасини чангаллаб, - Мен жуда яхши тушунаман. Киши машҳурликнинг мазасини бир бор тотиб кўргач, кўнгли яна ва яна кўмсайверади. Ибора билан айтганда, сенга машҳурликнинг атиги бир тишламини тотиб кўришга имкон берганим учун ҳам ўзимни ҳалигача айбдор деб биламан. Шон-шуҳрат миянга ўрнашиб қолибди, болакай. Яхши биласан-ки, машинада, ҳеч кимга сездирмай учиб келишнинг иложи йўқ. Бу эса, ўз навбатида, донгдорлик сари босилган яна бир кадам. Тинчлан бола, ўзинга келиб ол, тушундинг-ми? Шуҳрат қозониш учун олдинда ҳали кўп вақт бор. Ичингда қандай гаплар кечаётгани, «Чаруальдга гапириш осон, у дунёга машҳур сеҳргар бўлиб бўлган», деб ўйлаётганингни ҳам сезиб турибман. Бироқ ўн икки ёшимда мен худди сен каби ҳеч ким эмас эдим, номим ҳам таниқли бўлмаган.

Мендан фаркли ўларок, сен ҳақингда, анави Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши билан боғлиқ ишлар тўғрисида кимдир нимадир эшитган, албатта, - деди у Гаррининг пешонасидаги яшин шаклига ўхшаш чандикқа қараб қўйиб, - Тушунаман, бу энг жозибадор табассум учун «Авсунполитен» журнали мукофотига худди мен каби узлуксиз беш маротаба сазовор бўлиш билан баробар эмас, албатта. Бироқ бу бошланиши, Гарри, бошланиши.

Чаруальд маккорона кўз қисиб қўйди-да, башанг юриб, нари кетди. Гарри турган жойига михлаб қўйилгандай бир неча сония давомида туриб қолди. Дарсга кириш кераклиги эсига тушиб, иссиқхонага кирди.



Профессор Сарсабил хоним иссиқхонанинг ўртасида, устига тахминан йигирма жуфт момик кулоқчин териб қўйилган чорпоялар ортида турибди. Гарри Рон билан Гермиона ўртасига келиб турганини кўргач:

- Бугун биз тагликларга сепилган уруғлардан униб чиққан мандрагора ниҳолларини кўчириб, гул тувакларига ўтказамиз. Ушбу ўсимликнинг ўзига хос хусусиятларини ким айтиб бера олади менга? - деди.

Биринчи бўлиб Гермионанинг қўли кўтарилганига ҳеч ким хайрон бўлмади. Қўйилган саволга жавоб беришга изн олган Гермиона худди бутун бошли дарсликни ютиб олганидек:

- Мандрагора бу, кишини асл ҳолатига қайтарадиган ниҳоятда кучли восита саналади. Ушбу ўсимликдан тайёрланган дамлама воситасида бирон-бир нарсага айлантириб қўйилган ёки афсун таъсирига дучор бўлган одамларни меъерий ҳолатга қайтариш мумкин.

- Аъло. «Гриффиндор»га ўн балл, - мактади профессор Сарсабил хоним, - Мандрагора аксарият зидди-заҳар дори-дармонларнинг ажралмас таркибий қисмидир. Бироқ ўзининг ижобий хусусиятларидан ташқари, ниҳоятда хавфли ўсимликлар туркумига киради. Ким айтади, нима учун?

Гермионанинг бу гал кўтарилган қўли Гаррининг кўзойнагини учириб юборишига сал қолди.

- Мандрагоранинг йиғисини эшитган ҳар қандай киши ажал ёқасига келиб қолади.

- Жуда тўғри, «Гриффиндор»га яна ўн балл. Энди мандрагораларимизга эътибор қаратамиз. Улар ҳали жуда ёш, - деди профессор Сарсабил хоним тагликлар қаторига имо қилиб.

Ўқувчилар яқинроқ келиб, диккайиб ўсган юзлаб қизғиш-яшил ниҳолларни томоша қилишди. Гермиона «мандрагоранинг йиғиси» деб нимани назарда тутганини Гарри у қадар тушуниб етмади-ю, ушбу ниҳолларда диккатга сазовор бўладиган бирон-бир аломат сезмади.

- Энди ҳамма ўзига биттадан кулоқчин олсин, - буюрди профессор Сарсабил хоним. Чорпоялар ёнида тикилинч ҳосил бўлди. Ўғил болалар имкон қадар пушти бўлмаган кулоқчин олишга ошиқшди.

- Мен кулоқчинлар тақилсин дейишим билан кулоқчинни тақиб, қулоғингизни тўлиқ ва зич ёпиб турганига ишонч ҳосил қилинг. Уни ечиш мумкин бўлганда иккита бармоғимни мана бундай қилиб кўрсатаман. Хўш, ишга киришдик бўлмаса. Кулоқчинлар тақилсин, - деди профессор Сарсабил хоним.

Гарри кулоқчинларини қулоғига маҳкам босиб олгач, бирон шовқин эшитмай қолди.

Профессор Сарсабил хоним ўзининг пушти ранг пахмоқ кулоқчинини тақиб олди-да, коржомасининг енгини шимарганча диккайган ниҳоллардан бирини маҳкам ушлаб, уни куч билан тупроқдан суғуриб олди.

Кўз ўнгида пайдо бўлган манзарани кўрган Гарри қичқираб юборди. Табиийки, уни ҳеч ким эшитмади.

Илдиз ўрнига жажжигина, ифлос ва ниҳоятда хунук чақалоқ кўринди. Поя унинг бошидан ўсиб чиққан. Оч яшил тери қопламаси ола-була бўлиб, буришган афти-ю, ланг очик оғзига қараганда шубҳа йўқ-ки, чақалоқ бор кучи билан чинқиряпти.

Профессор Сарсабил хоним стол остидан каттагина гултувак чиқарди-да, мандрагорачани, қоп-қора нам компостга фақат бошидан ўсиб чиққан пўпакча кўриниб турадиган тарзда кўмиб юборди. Ўқитувчи қўлини қоқиб тозалагач, иккита бош бармоғини юқорига кўтариб кўрсатди-да, кулоқчинини ечди (*Компост - ҳар хил чиқиндилардан тупроқ ёки торфда чиритиб тайёрланган органик ўғит*).

- Модомики, бизнинг мандрагорачаларимиз ҳали жуда ёш ниҳол экан, уларнинг йиғиси ҳеч кимни ўлдира олмайди, албатта - деди у, худди бирон-бир хайрон қоладиган иш қилмаган, атиги бегонияга сув қуйган каби оддий иш қилгандай вазмин охангда, - Шундай бўлса-да, унинг ҳозирги овозини эшитганингизда, бир неча соат хушсиз ётган бўлар эдингиз.

Бинобарин, биринчи ўқув кунини ўтказиб юборишни истамас экансиз, иш бошлашдан олдин ҳам, иш давомида ҳам қулоқчинингиз маҳкам тақилганига комил ишонч ҳосил қилиб боринг. Дарс охирлаб қолганини имо қилиб кўрсатаман. Ҳар бир тагликка тўрт кишилашиб туринг. Мана бу ерда гултувакларининг катта захираси териб қўйилган. Компостни эса ҳў анави ерда турган қоғлардан оласиз. Ҳа, айтгандай, Заҳарли мўйловдан эҳтиёт бўлинг, чақади (***Бегония - йирик ола-була баргли, майда чиройли гулли манзарали ўсимлик***).

Ушбу сўзларни айтган профессор Сарсабил хоним аллақандай тўқ қизил ранг ўсимликнинг орқа томондан ўғринча ўрмалаб келаётган пайпаслагичини бир урди. Зарб еган пайпаслагич ортга тисланганча чекинди.

Гарри, Рон ва Гермионага хуффльпүффлик, сочи кўзичоқнинг юнгига ўхшаш жингалак бола келиб қўшилди. Гарри уни муқаддам кўрган-у, хали суҳбатлашмаган.

- Жастин Финч-Флетчи, - ўзини дадил таништирди у, Гаррининг қўлини сиқиб, - Сени танийман, албатта. Машҳур Гарри Поттер. Сен эса Гермиона Грэнжер, барча фанлардан аъло ўқийдиган ўқувчи ва Рон Уэсли. Учар машина сеники эди-ку, шундай эмасми? Гермионанинг чехраси очилиб кетди. Роннинг кулгиси келмади. Чамаси Қичкирикнома хали эсидан чиқмаган кўринади.

- Анави Чаруальд ажойиб киши экан, шундай эмасми? - қувонч билан давом этди Жастин, ҳамма билан бирга гултувакка аждар гўнгида тийёрланган компост солар экан, - Роса мард кишига ўхшайди. Китобларини ўқидингиз-ми? Афсун билан бошқа тусга кирган одам билан битта телефон будқасига кириб қолганимда ё сийиб кўяр эдим, ё юрагим ёрилиб, ўлиб қолган бўлар эдим. У эса ўзини вазмин тутганча, воҳ! Фантастиканинг ўзгинаси-я! Тасаввур қилинг мени Итонга ёзиб қўйишган эди! Ўша коллеж ўрнига «Хогварц»га келганимдан жуда хурсандман! Тўғриси айтганда, ойим дастлаб бир оз дилсиёҳ бўлди. Лекин менинг илтимосимга биноан Чаруальднинг китобларини ўқиб чиққанидан сўнг, оилада маълумотли сеҳргар бўлгани нақадар яхши эканлигини тушуниб етди... (***Итон коллежи – Буюк Британиядаги, фақат ўғил болалар ўқийдиган хусусий мактаб. Коллежга 1440 йили қирол Генрих VI томонидан асос солинган. Ушбу мактабни Буюк Британиянинг 19 нафар Бош вазири тамомлаган. Итон коллежи Лондондан ғарбда, 30 км нарида, Темза дарёсининг соҳилида жойлашган***).

Шундан сўнг, лакиллаб ўтиришга вақт бўлмади. Улар қулоқчинларини тақиб, дикқат-эътиборларини мандрагорачаларга қаратди. Профессор Сарсабил хоним мандрагорачалар билан қандай муомала қилишни кўрсатганида, иш гўё осондай туюлган эди. Аслида эса ундай эмас экан. Мандрагорачалар тупроқдан чиқишни истамас, чиққандан сўнг эса, тувақдаги тупроққа қайта киришни хошлашмас эди. Улар тўлғаниб, миттигина, ўткир муштчаларини силтаб, тишлари билан таҳдид солганча, қайсарлик қилишарди. Гарри семизгина мандрагорачаларнинг бирини тувак ичига экиб қўйиш учун сал кам ўн дақиқа сарфлади.

Дарс ниҳоясига етгунга қадар, Гарри, қолган болалар каби лойга беланиб, танаси оғриб, жикка терга ботиб кетди. Шундан сўнг, қасрга базўр судралиб борган болалар ювиниб олишгач, гриффиндорчилар, бир нарсани бошқа нарсага айлантириш дарсига йўл олишди. Профессор Макгонагаллнинг дарслари ҳеч қачон осон ўтмаган. Бугун эса ўзгача қийин ўтди. Гаррининг ўтган ўқув йилида олган назарий билимлари ёз давомида миясидан чиқиб кетгандай, амалий кўникмалари эса батамом барҳам топгандай эди гўё. Ундан фақатгина кўнғизни тугмага айлантириб қўйиш талаб этилган эди холос. Кўнғиз эса бир оз яссиланиб, худди ўчақишгандай стол юзасида югурганча, Гаррининг сеҳрли таёқчасига чап бериб қочмоқда.

Роннинг аҳволи бундан-да багтар. У сеҳргарлар тасмасини кимдандир қарз олиб, ўз таёқчасининг синган жойини ўраб қўйган бўлса-да, таёқча қайта тузалмас даражада ишдан чиққан кўринади. Сеҳрли таёқча энг ноқулай фурсатда ғичирлар, учқун сачратар, Рон ҳар гал кўнғиз сеҳрлашга уринганида атрофга палағда тухум ҳидини бостирганча, паға-паға кул ранг тутун пурқар эди. Тутун парда ортида ҳеч нарса кўра олмай қолган Рон

қўнғизни тирсаги билан бехосдан эзиб ўлдириб қўйди. Бошқа қўнғиз сўрашга мажбур бўлиб, профессор Макгонагалдан гап эшитиб олди.

Тушликка чақирган қўнғироқ зарбини эшитган Гарри бир оз енгил тортиди. Унинг мияси суви сиқиб ташланган губка сингари ўз косасига ёпишиб қолгандай хис этди ўзини. Синф хонасини Гарри билан Рондан ташқари ҳамма тарк этиб бўлган. Рон қутуриб кетгандай халигача таёқчаси билан стол дўппослаб ўтирибди.

- Ахмоқона, бефойда, кераксиз таёқ...

Гаррининг қулоғи отишмалар залпидан кар бўлиб қолишига сал қолгач, ўртоғига таклиф киритишга мажбур бўлди:

- Ота-онангга хат ёзиб, улардан бошқа таёқча юборишларини илтимос қил.

- Ҳа, албатта. Фақат сеҳрли таёқча ўрнига яна битта Қичқирикнома оламан, - тўнғиллади Рон, пишиллаган овоз чиқараётган таёқчани юк халтачасига солиб, - «Ие, таёқчанг синиб қолди-ми? Ажаб бўлсин, ўзинг айбдорсан. Баттар бўл», деган жавобдан бошқа жавоб олмайман.

Улар тушлик қилгани йўл олишди. Гермиона бир гала қўнғизларни бир сиқим беқусур тугмаларга айлантириб юборганини намоёйиш этганида эса Роннинг кайфияти баттар эзилган бўлса эзилгандир-ки, мутлақо кўтарилмади.

- Тушлиқдан сўнг қайси дарсга борамиз? - кизиқиб сўраган бўлди Гарри, мавзунини тезроқ алмаштириш мақсадида.

- Ёвузлик кучидан химоя, - дарҳол жавоб қайтарди Гермиона.

- Нима учун Чаруальднинг дарслари кўрсатилган ёзувлар қаршисига юракчалар чизиб чиқдинг? - талаб оҳангида сўради Рон, Гермионанинг қўлидан машғулотлар жадвали акс эттирилган варақни тортиб олиб.

Гермиона варақни тортиб олди-да, қизариб кетди.

Тушлиқдан сўнг ҳовлига чиқишди. Бугун хавонинг авзои бузук кўринади. Гермиона тош зинага ўтириб, вақтни беҳуда ўтказмаслик учун Сверкароль Чаруальднинг «Қонхўр билан ўтказилган хизмат сафари»ни очди. Гарри билан Рон эса қвидиш ҳақида гап бошлашди. Вақт ўтгач, Гарри, уларни кимдир диққат билан кузатиб турганини пайқаб қолди. Атрофга назар солиб, кечаги саралаш маросимида кўрган кул ранг сочли жажжигина болачани кўрди. Болақай шайдо бўлиб қолгандай Гаррига тикилиб турибди. Қўлида худди магларнинг оддий фотоаппаратига ўхшаш нарсани маҳкам ушлаб олган. Нигоҳини Гарри пайқаб қолганини англагач, уялганидан қизариб кетди.

- Ишлар қалай, Гарри? Мен... мени исмим Колин Криви, - гўлдиради у, олдинга эҳтиёткорона қадам ташлаб, - Мен ҳам «Гриффиндор»да таҳсил кўраман. Мумкинми мен... менга... агар сени суратга олсам? - сўради у, фотоаппаратини сал кўтарганча, журъатсиз киёфа билан.

- Суратга оласан? - довдираб сўради Гарри.

- Сен билан чиндан ҳам учрашганимни исбот қилиш тариқасида, - сал дадилроқ овоз билан тушунтириш берди Колин, янада яқинроқ келиб, - Мен сен ҳақингда ҳамма нарсани биламан, ҳамма, ҳамма нарсани. Менга бор гапларнинг ҳамма, ҳаммасини айтиб беришди. Ўзинг-Биласан-Ким сени ўлдиришга уринганида омон қолганинг ҳақида ҳам, у сен туфайли сирли равишда ғойиб бўлгани ҳақида ҳам, қолган гапларни ҳам, яшин шаклидаги чандиғинг ҳақида ҳам гапириб беришди.

Бола Гаррининг пешонасига диққат билан назар солди.

- Синфимиздаги бир бола эса аллақандай сеҳрли суюқлик борлигини, агар плёнкага ўша суюқлик воситасида ишлов берилса, суратдаги киши ҳаракатланиб туришини ҳам айтиб берди!

Колин тез нафас ростлаб олди-да, ҳаяжонланиб гапида давом этди:

- Бу ер шундай зўр жой экан-а? «Хогварц»дан хат келгунга қадар менинг ҳар хил ғалати қилиқларим сеҳргарлик эканлигига ҳеч кимнинг ақли етмаган экан. Дадам сут сотувчиси. Унинг ақли халигача бовар қилмайди. Шу боис, унга кўпроқ расм юбориб туриш учун доим суратга олиб юраман. Агар менда сенинг суратинг бўлса, зўр иш бўлар эдида.

Боланинг нигоҳида ўтинч кўринди.

- Эҳтимол дўстинг иккаламизни суратга олиб қўяр, а? Расм чикқанидан сўнг эса, дастхат қўйиб берасан, майлими?

- Дастхат қўйиб берасан? Ҳалитдан дастхат тарқатяпсан-ми, Поттер?

Малфойнинг баланд ва захарли сўзлари бутун ховлига янгради. Драко ўзининг йўлтўсар безори қиёфасидаги дўстлари Краббе ва Гойл ҳимоясида Колиннинг орқасида турган экан.

- Сафланинг! - кичкирди Малфой, - Гарри Поттер дастхат тарқатади.

- Бўлмаган гап, - аччиқланди Гарри, беихтиёр мушт сиқиб, - Ўчир овозингни Малфой.

- Ҳасад қиляпсан-ми? - чийиллади Колин.

Болачанинг танаси Краббенинг бўйнидан йўғон эмас.

- Ҳасад қиляпман? - жавоб қайтарди Малфой Колинга.

Энди унга бакиришнинг кераги йўқ. Негаки, ховлида сайр қилиб юрганларнинг аксарияти Малфойнинг кичкиригига эътибор қаратиб, суҳбатга қизиқиш билан қулоқ тутиб туришган эди.

- Нимага ҳасад қилишим керак? Менинг бошимга анави каби жирканч чандиқ керак эмас, раҳмат! Бош суяги ёриб ташлангани учун ҳам ғайриоддий бўлиб қолиш мумкин деб ҳисобламайман.

Краббе билан Гойл аҳмоқона ҳиринглаб қўйишди.

- Шиллиққуртлар билан тикилиб ўл! - вазоҳат билан кичкирди Рон.

Краббе қулишни бас қилиб, таҳдид солганча бармоқларининг суяқларини қирсиллатиб қўйди.

- Эҳтиёт бўл, Уэсли, - нафрат билан кўзини қисди Малфой, - Хулқинг намунали бўлиши шарт, йўқса ойижонинг мактабдан олиб кетиб қолади, - деди-да, чинкирганча, миссис Уэсли юборган Қичкирикномадаги сўзларни такрорлади: - «Яна бирон-бир ўхшаш қилик кўрсатар экансан...»

«Слизерин» коллежининг ховлида тўпланиб ўтирган бешинчи синф ўқувчилари мириқиб қаҳқахлашиб олишди.

- Ҳа, айтгандай, Поттернинг дастхати қўйилган суратлардан биттасини Уэслига совға қил, - маслаҳат берди Малфой Колинга, - Ўша сурат уларнинг аянчли уйидан ҳам қиммат туради...

Рон сеҳрли таёқчасидан тасмани шартга юлиб ташлаб, эндигина Драко томон ҳаракатлангирмоқчи бўлди ҳам-ки, Гермiona қўлидаги «Қонхўр билан ўтказилган хизмат сафари»ни қаттиқ ёпиб:

- Бас қилинглр! - деб кичкириб берди.

Дафъатан, мовий коржомаси шабадада хилпираётган Сверкароль Чаруальд кўринди.

- Нима бўлди, нима гап? Ким дастхат тарқатяпти? - тергаб қолди у.

Гарри ғазаб билан овоз чиқарган бўлди-ю, жим бўлишга мажбур бўлди. Чаруальд унинг елкасидан ҳомийларча қучиб, тийраклик билан:

- Бунинг фаҳмига ўзим етишим керак эди! О, Гарри! Дўстим! Яна дийдор кўришишдик! Ўқитувчи биқинига ёпиштириб олган, камситилаётганидан ёниб кетаётган Гарри, мийиғида қулаётган Драконинг халойиқ ичига кириб кетаётганини кўриб турди.

- Ҳўш, мистер Криви, - деди Чаруальд нурафшон қулганча, Колинга мурожаат қилиб, - Қўш портрет. Бундан ҳам яхшироқ нима бўлиши мумкин! Иккаламиз ҳам дастхат қўйиб берамиз.

Колин бир пас ивирсигач, суратга олган бўлди. Тушлиқдан сўнгги машғулот бошланадиган вақт бўлганлиги ҳақида хабар берган қўнғироқ зарби эшитилди.

- Боринг, тез бўлинг, синф хоналарига боринг, - тезлатди ўқитувчи ховлидаги ўқувчиларни. Йўқолиб қолиш афсунини билмаганидан афсус қилаётган Гаррини ҳамон қўйиб юбормаётган Чаруальд болани қаср томон тортиб кетди.

Қасрга ён эшиқдан киришар экан, Чаруальд Гаррига оталарча оҳангда:

- Сенга доно бир гапни айтиб қўймоқчиман, Гарри. Ҳозиргина мен сени Колин билан боғлиқ анави машмашадан қутқариб қолишга уриндим. Модомики, у мени ҳам суратга

олган экан, ўртоқларинг сени манманликда айблай олишмайди... - деди.

Гаррининг тутилиб берган тушунтиришларига эътибор ҳам қаратмаётган Чаруальд болани, атрофда қизиқиш билан кузатиб турган халойиқ орасидан, мрамар зинапоя бўйлаб кўтарилганча, юқорига тортиб борди.

- Мавқеининг айна палласида дастхатли фотосурат тарқатиб, оқилона иш тутмаётганлигинг ҳақида огоҳлантириб қўймоқчиман, Гарри. Хафа бўлмагин-у, ростини айтсам, бундай ҳолатда сен ўзига бино қўйган гўдакка ўхшаб қоласан. Шошилма, вақти келиб, мен каби, дастхат қўйилган фотосуратларнинг тайёр дасталарига эга бўлишинг керак бўлади. Бироқ - Чаруальд табассум қилиб қўйди-да, - Сен учун бундай фурсат хали етмаган деб ўйлайман.

Улар синф хонасига етиб келишгандагина, бола ўқитувчининг чангалидан халос бўлди. Гарри коржомасини тузатиб олди-да, энг охири қаторга ўтириб, атрофига Чаруальд китобларини, унинг тириги кўринмайдиган қилиб териб чиқди. Синфдошлари юрган йўлида вайсаб, бир-ма-бир хонага кириб келишди. Рон билан Гермiona Гаррининг икки ёнига жойлашди.

- Башаранг тухум қовурса бўладиган ҳолатга келиб қолибди, - хиринглади Рон, - Криви билан Жинна дўстлашиб қолишмаслигини Худодан илтижо қилиб сўра, акс ҳолда иккаласи тез орада Гарри Поттернинг мухлислари клубини таъсис этиб қўйишади.

- Жим бўл, - гапини бўлди Гарри, - «Гарри Поттернинг мухлислари клуби» деган сўзларинг анави тентак Чаруальднинг қулоғига чалиниб қолиши камлик қилаётган эди. Ҳамма ўз ўрнини эгаллагач, Чаруальд томоқ кириб қўйди. Шу заҳоти хонага сукунат чўмди. Чаруальд қўл узатиб, Невиллнинг столидаги «Троллар билан саёҳат» китобини олди-да, муқовадаги кўз қисиб турган ўз суратини ҳамма кўриши учун боши узра баланд кўтарди.

- Бу мен, - деди у, бармоғи билан суратни кўрсатганча, чиндан ҳам бу унинг сурати эканлигига ишонтириш учун ўзи ҳам кўз қисиб қўйиб, - Учунчи даражали Мерлин ордени соҳиби, Ёвузлик кучидан ҳимоя иттифоқининг фахрий аъзоси, «Авсунполитен» журнали томонидан таъсис этилган «Энг жозибадор табассум учун» мукофотининг узлуксиз беш қарра соҳиби Сверкароль Чаруальд. Бироқ сўнгги мукофотни эсламасликни афзал кўраман. Негаки, нариги дунёдан вакил бўлиб келган аёл Бэндон устидан табассум ила ғолиб чиққанам йўк!

Ўқувчилар қулиб олишлари учун у бир оз танаффус қилди. Баъзилар истехзоли иршайиб қўйишди.

- Асарларим тўплами ҳаммада борлигини кўриб турибман. Бу жуда яхши. Ўйлайман-ки, бугунги дарсни қисқагина назорат ишидан бошлаймиз. Ташвиш қилманг. Бу билан менинг асарларимни қанчалик диққат-эътибор билан ўқиганингиз, нималарни ўзлаштириб олганингизни шунчаки текшириб кўрамиз холос.

Чаруальд тест саволлари битилган варақларни тарқатиб чиққач, ўз жойига қайтиб борди-да:

- Ихтиёрингизга ўттиз дақиқа ҳавола этилади, марҳамат, бошланг! - деди.

Гарри тест саволларини ўқиб чиқди:

1. Сверкароль Чаруальд қайси рангни ёқтиради?
2. Сверкароль Чаруальднинг дил орзуси?
3. Фикрингизча, бугунги кунга келиб Сверкароль Чаруальд қандай буюк ютуқларга эришди?

Ва шунга ўхшаш турли туман бемаъни, бетаъсир саволлар. Энг сўнггиси:

54. Сверкароль Чаруальднинг туғилган куни ва қандай совға унга манзур бўлиши мумкин? Ярим соат ўтгач, Чаруальд тест саволларининг жавобларини йиғиб олиб, ўқувчилар қаршисида тез варақлаб чиқди.

- Ана холос, нафармон рангни ёқтиришимни ҳеч ким эслаб қолмабди-да. Бу ҳақда мен «Қор одам билан иттифок» асарида ёзганман. Шунингдек, айримларга «Бошқа тусга кирган одамлар билан мулоқот» асарини яна бир бор диққат билан ўқиб чиқишни тавсия

этаман. Ўша асарнинг ўн иккинчи бобида сеҳргар ва сеҳргар бўлмаган жамиятлар орасидаги ҳамоҳанг муносабатлар туғилган кунимга манзур тушадиган совға бўлишини гарчи, Огден Олднинг куйдирадиган вискисидан ҳам воз кечмаслигимни айтиб ўтган эдим, - деди-да, синфга яна бир айёрона илжайиш ҳада этди.

Ҳезалакка ўхшаб гапираётган Чаруальддан анчадан буён кўз уза олмаётган Рон, ўз кулоклари-ю, кўзларига ишонмай ўтирибди. Биринчи қатордаги Симус Финниган билан Дин Томас овоз чиқармай титраб қахқахлаганча, ўзларини идора қилиб ўтиришлари ниҳоятда қийин кечяпти. Гермiona аксинча, Чаруальднинг ҳар бир сўзини берилиб, эҳтиром ила тинглаб ўтирибди. Исми тилга олганида эса бечора қизалоқ сесканиб кетди. - ... мисс Грэнжер эса менинг дил орзуимни, хусусан дунёни ёвузликдан бутунлай ҳалос этгач, ўзим кашф этган соч парваришлаш воситалари туркумини жаҳон бозорига олиб чиқиш ягона истагим эканлигини яхши билар экан. Жуда соз, қизалоқ! Чиндан ҳам у қўйилган барча саволларга тўғри жавоб ёзибди. Қани мисс Гермiona Грэнжер? Гермiona титраётган кўлини базўр кўтарди.

- Аъло! Жуда соз! «Гриффиндор» ўн балга сазовор бўлди! Қани, энди ишга киришамиз! У чуқур энгашиб, устига аллақандай мато ташланган қафасни стол остидан чиқарди-да, ҳаммага кўринадиган жойга қўйди.

- Авваламбор, шуни таъкидлаб ўтишим жоизки, олдидан турган энг асосий вазифа – сеҳргарлар оламига маълум бўлган ҳар қандай жирканч махлуққа қарши барчангизни курулантиришдир! Ушбу хонада сизларни ларзага соладиган хавф-у-хатарлар билан рўбару бўласиз. Бироқ шуни билинг-ки, мен ёнингизда эканман, сизларга ҳеч нарса таҳдид сола олмайди. Ягона илтимосим, тинчликни сақланг.

Гарри, ғайриихтиёрий равишда қаршисидаги ўзи териб олган китоблар батареяси узра қафасга қаради. Чаруальд кўлини мато устига қўйиши билан Дин билан Симус хириглашни бас қилишди. Биринчи қаторда ўтирган Невилль эса ўз курсисини маҳкам ушлаб олди.

- Фақат қичқирманг, - паст овоз билан давом этди Чаруальд, - Акс ҳолда уларнинг хуружи тутиб қолиши мумкин. Марҳамат, қарши олинг! Эндигина тутиб келтирилган Корнуаль эльфчалари. - деди у, театр актёрига хос қилиқ билан (*Корнуаль (Cornouaille) – Франциянинг шимолий-ғарбида, Бретанининг жанубий-ғарбида жойлашган тарихий минтақа. Йирик шаҳар – Кемпер. Минтақанинг ушбу номи Британия оролларидаги Корнуол герцоглигининг французча номи билан мос тушади*).

Симус Финниган ўзини тута олмади. У шундай хуриллаб кулиб юборди-ки, ҳатто Чаруальд ҳам унинг кулгисини ёлғондан бўлса-да, даҳшатга тушган кишининг хитоби сифатида қабул қила олмади.

- Ҳа, нима бўлди? - деди у, Симусга кулиб қараб.

- Ахир улар... улар... у қадар хавфли эмас-ку?! - деди Симус, кулгидан тикилишга сал қолиб.

- Мен эса сиз каби комил ишонч билдирмаган бўлар эдим, йигитча! - деди жаҳли чикқан Чаруальд кўрсаткич бармоғини Симуснинг бурни рўпарасида тебратиб, - Булар иблис каби маккор митти ярамастар!

Башарачалари учли, овозлари чийилдоқ эльфчалар кўкимтир кул ранг бўлиб, ҳар бирининг бўйи тахминан саккиз дюйм келади. Улар мато остида гапиришаётганида, худди бир гала жингалак патли тўтиқушлар нималардир ҳақида баланд овоз билан ўзаро бахшлашаётгандай туюлди. Қафасни ёпиб турган мато олиб ташланиши билан чуғур-чуғур қилишиб, қафас ичида ўзларини у ёқдан-бу ёққа уришганча, чивикларни силтаб, афтларини масхараомуз буриштира кетишди.

- Жуда соз! - баланд овоз билан эълон қилди Чаруальд, - Қани кўрамиз, уларни қандай жиловлар экансиз, - деди-да, қафас эшигини очиб юборди.

Шундан сўнг ҳақиқий дўзах қийноғи бошланди. Хонанинг барча томонларига ракеталар сингари учиб чиқишган эльфчалардан икки нафари Невиллнинг қулоғидан тутиб, юқорига кўтариб кетишди. Бир неча нафари ўзини деразага қараб солди. Натижада орқа қаторда

Ўтирганлар устига ойна парчалари сачради. Қолган эльфчалар эса гўё синф хонасига кутурган каркидон кириб қолгандай ҳамма нарсани вайрон-толқон қилишга киришди. Улар сиёҳдонларни юқорига кўтариб, «ёмғир» ҳосил қилишди, китоб ва қоғозларни титкилаб, йиртишди, деворларга осилган расмларни қулатишди, чиқинди саватларини ағдаришди, ўқувчиларнинг портфелларини олиб қочиб, ичидаги нарсаларни ойнаси синган деразадан пастга тўкишди. Бир неча дақиқа ичида синф ўқувчиларининг аксарияти стол остига кириб олиб, жон сақлашди. Невилль эса шифтдаги темир қандилга осиб қўйилганча, дод-вой солди.

- Хўш, жиловланг уларни, қафасга қаманг. Ахир улар у қадар хавфли эмас-ку, бор-йўқ эльфчалар холос-ку, - кичқирди Чаруальд.

У энгини шимариб, сеҳрли таёкчасини силтади-да:

- «Пескипикси Пестерноми!», - деб кичқирди.

Бироқ унинг афсуни ҳеч қандай кор бермади. Эльфчалардан бири Чаруальднинг қўлидаги таёкчани шартта юлиб олди-да, қолган нарсалар билан биргаликда деразадан ховлига улоқтириб юборди. Саросимага тушиб қолган Чаруальд кўрқиб кетганидан ютиниб қўйди ва тезгина стол остига яширинишга уриниб, айна шу фурсатда қандилдан узилиб тушган Невилль билан тўкнашиб кетишига бир баҳя қолди.

Қўнғироқ зарбаси эшитилиб, чиқиш эшиги ёнида киёмат аросат бошланди. Шундан сўнг, орага бир оз сукунат чўмди. Чаруальд стол остидан викор билан чиқиб, устини қоқди.

Синф хонасини охирги бўлиб тарк этаётган Гарри, Рон ва Гермионани кўриб қолгач:

- Сизлардан илтимос қиламан, анави сохибжамолларни қафасга қамаб қўйинг, - деди-да, шиддат билан хонадан чиқиб, эшикни ташқаридан маҳкам ёпиб қўйди.

- Хўш, мана бу қилиғини қандай шархлаш мумкин? – ириллади Рон эльфчалардан бири қулогини оғритиб кетгач.

- Амалий кўникмаларимиз янада такомиллашишини истаган, - деди Гермиона гапга тўн кийдириб.

Музлатиш афсунини ўқиган Гермиона бараварига икки нафар эльфчани ҳаракатсизлантириб қўйиб, қафасга улоқтирди.

- Амалий кўникмаларимиз янада такомиллашишини? - сўради Гарри ўз қулоқларига ишонмай, - Гермиона, ахир у мана буларни нима қилиш кераклиги ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслиги аён кўриниб турибди-ку, - деди у тилини чиқарганча масҳара қилиб, рақс тушаётган эльфчани тарсиллатиб уришга уриниб.

- Бўлмаган гап, - шартта гапни кесди Гермиона, - Китобларини ўқигансан-ку, у намоён этган жасоратларни эсга ол...

- Намоён этганман, деб ёзган холос... - вайсади Рон.

## **VII БОБ.**

### **МАГЛВАЧЧА ВА ҒЎНҒИР-ҒЎНҒИР ГАПЛАР**

Гарри кейинги бир неча кунни Чаруальддан, у йўлақда кўриниб қоладими ёки умуман инсон кўзининг кўриш майдонида пайдо бўладими, яшириниб ўтказди. Колин Қриви билан учрашмасликнинг иложи бўлмай, ундан қутулиш анча қийин кечди. Тиниб-тинчиманган болакай Гаррининг машғулотлар жадвалини ёдлаб олган кўринади, деярли соядай эргашиб юрди. Қунига кам деганда беш-олти маротаба «Ишлар жойидами, Гарри?», деб кичқириб қўйиш ва Гарридан «Салом, Колин» деган жавоб олиш бола учун ниҳоятда катта бахт.

Машинада ўтган омадсиз саёҳат учун Хедвиг Гарридан ҳалигача хафа. Роннинг сеҳрли таёкчаси эса илгаригидай ёмон ишлаб, шундай хунар кўрсатдики, қўяверасиз. Жума куни эрталаб афсун ўқиш фани дарсида сеҳрли таёкча Роннинг қўлидан қутилмаганда учиб чиқиб, профессор Флитвикнинг икки кўзи орасига бориб солди. Бечоранинг қуйган жойида шу заҳоти хунук яшил рангли, уриб турган катта пуфак шишиб чиқди. Бир сўз билан айтганда ҳафта давомида доимо катта-кичик кўнғилсиз ходисалар бўлиб ўтди. Шунга қарамай Гарри дам олиш кунларига бир амаллаб эсон-омон етиб боргани учун ҳам

Худога минг бор шукурлар қилди. Гарри, Рон ва Гермиона шанба куни эрталаб Хагриднинг кулбасига ташриф буюришни режалаштириб қўйишди. Аммо, шанба куни Гарри, ўзи кўзлаган вақтдан ҳам бир неча соат олдин уйғонишга мажбур бўлди. Аниқроқ айтиладиган бўлса, уни «Гриффиндор» коллежининг квидиш ўйини жамоаси сардори Оливер Древл уйғотди.

- Н-н-нима бўлди, т-тинчликми? - сўради Гарри маст кишига ўхшаб.

- Квидиш машқлари! - эълон қилди Древл, - Кетдик!

Гарри очилишни истамаган кўзини деразага қаратди. Пушти-тилла уфқ туман пардаси билан тўсиб қўйилган. Уйғонишга-ку, бир илож қилиб уйғониб олган Гарри муккасидан кетиб сайраётган қушларнинг бундай баланд кий-чувида қандай ухлаганини англай олмади.

- Оливер, - ингради Гарри, - Хали тонг отмабди-ку.

Древл баланд бўйли, бакуватлигидан пишиллаб турган олтинчи синф ўқувчиси. Айни фурсатда унинг кўзлари ҳаддан ортиқ мутаассибликдан яркираб турибди.

- Тўппа-тўғри, - тасдиқлади у, - Айни шу нарса машқларимизнинг янги дастурига киритилган. Бўл, супургингни ол-да, кетдик, - деди у, дадил овоз билан Гаррининг имиллаган ҳаракатларини тезлатиб, - Бошқа жамоалар хали машқ бошлашгани йўқ. Бу ўқув йилида биз биринчи бўлиб бошлаб берамиз...

Эснаб, мушшайган Гарри кўрпасини тарк этди. Ҳеч нарсани тушунмай, уйқусираб квидиш кийимини қидира бошлади.

- Жуда зийрак боласан-да, - мактаб қўйган бўлди Древл, - Ўн беш дақиқадан сўнг, сени ўйин майдонида кутаман, имиллама.

Нихоят спорт кийимини кийиб олган, иссиқроқ бўлиши учун ридога ўраниб олган Гарри Рон учун шоша-пиша хат ёзиб қолдирди-да, ўзининг «Нимбус-2000»ни елкасига ташлаб олганча, айлана зинапоядан умумий меҳмонхонага тушди. Семиз Хола портрети тўсиб турган туйнукка хали етиб бормаи, орқада қандайдир ивирсиган товуш эшитди. Бу зинага тирмашиб, уни қувиб етишга уринаётган, бўйнига ўзининг фотоаппаратини осиб олиб, қўлига алланима ушлаб олган Колин Криви экан.

- Кимдир сенинг исмингни талаффуз этганини эшитиб қолдим, Гарри! Қара, менда нима бор! Мен суратни чиқариб, сенга кўрсатмоқчи эдим...

Ҳайратда қолган Гарри бурни остида ўйнатилаётган фотосуратга қаради.

Оқ-қора тусли Чаруальд кимнингдир қаршилик кўрсатаётган қўлини ушлаб олганча, тортқилаб кетяпти. Гарри ўз қўлини таниди. Суратдаги акси фотоаппарат объективида кўринмаслик учун курашаётганини кўриб, хурсанд бўлди. Гарри фотосуратни томоша қилар экан, холдан тойган Чаруальд хансираганча, тасвирнинг оқ хошиясига суяниб олди.

- Дастхат қўйиб берасанми? - умид билан сўради Колин.

- Йўқ, - рад этди Гарри ва ўғринча меҳмонхонага разм солиб чиқди.

Ҳайриятки, меҳмонхонада ҳеч ким йўқ.

- Мени афв этасан, Колин, шошиб турибман. Квидиш машқига боришим керак, - деди-да, портрет тўсиб турган туйнукни очиб, ташқарига чиқа бошлади.

- Рост биланми! Зўр-ку! Шошма, мен сен билан бораман! Квидиш қандай ўйналишини хали ҳеч кўрганим йўқ!

Колин ҳам туйнук томон ошиқди.

- Бу жуда зерикарли манзара, - огохлантиришга шошилди Гарри.

Бирок болача Гаррининг сўзларига эътибор ҳам қаратмади. Унинг юзида зўр иштиёқ ёниб турибди.

- Сен ахир сўнгги юз йил ичида энг ёш ўйинчисан, шундайми, Гарри? Ростми? - бидир-бидир қила борди Колин, Гаррига етиб юришга ҳаракат қилиб, - Сен зўр ўйнасанг керакда! Мен эса хали бирон маротаба учганим йўқ. Учиш қийин эмасми? Мана бу ўзингни супургингни? Энг зўр супурги шуми?

Гарри нима қилишни билмай, боши қотди. Ўзини худди ҳаддан ортиқ кўп гапирадиган сояси пайдо бўлиб қолгандай ҳис этди.



- Квидишнинг нима эканлигини ҳеч тушунмайман, - деди батамом хансираб қолган болача, - Унда бир эмас, икки эмас тўртта тўп ўйналиши ростми? Улардан иккитаси ўзи учиб, ўйинчиларни супургилардан уриб тушириши ҳам ростми?

- Рост, - иложсиз тушунтира кетди Гарри, - Ўша тўплар Тажовузкорлар деб аталади. Ҳар бир жамоада эса икки нафар Уриб қайтарувчи бўлади. Улар махсус клюшкарлар билан куролланган бўлиб, Тажовузкорларни бошқа жамоа ўйинчилари томон қувиб солишади. «Гриффиндор» жамоасининг Уриб қайтарувчилари Фред ва Жорж Уэслилар бўлади.

- Қолган тўплар нима учун керак? - сўради Колин.

Болача бирор сонияга бўлсин, кўзини Гарридан узмай борди. Оқибатда унинг товони зинанинг сўнгги икки поғонасидан сирпаниб кетиб, қоқилиб тушди.

- Кваффл деб аталадиган каттагина қизил тўп – асосий тўп саналади. Ўша тўп воситасида рақиб жамоасининг ҳалқаларига гол урилади. Ҳар бир жамоада уч нафар Овчи бор. Улар Кваффлни бир-бирига узатиб борганча, рақиб ҳалқасига киритишга ҳаракат қилишади. Ўйин майдонининг иккала томонига ўрнатилган ҳалқалар узун ҳодаларга бириктирилган.

- Тўртинчи тўпчи?

- Тўртинчи коптокчанинг номи Тилла чакқон, - деди Гарри, - У жуда кичик бўлиб, ниҳоятда тез учади. Шу боис ҳам уни тутиб олиш ўта қийин кечади. Уни тутиб олиш вазифаси эса Сайёдлар зиммасига юкланган. Умуман айтганда, Тилла чакқон тутиб олинмас экан, квидиш ўйини тугамайди. Қайси жамоанинг Сайёди Тилла чакқонни тутиб олса, ўша жамоа қўшимча юз эллик очкони қўлга киритади.

- Сен «Гриффиндор» жамоасининг Сайёдимисан, а? - иззат-икром ила пичирлаб сўради Колин.

- Ҳа, шундай, - жавоб қайтарди Гарри.

Бу вақтга келиб, икковлон қасрдан чиқишди ва нам майсани тепалаб кетишди.

- Бундан ташқари, жамоаларнинг Қўриқчилари ҳам бор. Улар ўз жамоасининг ҳалқаларини ҳимоя қилишади. Бор гап шу.

Бироқ жағи толмас болача, квидиш майдонига олиб тушадиган қияликка етгунга қадар савол-кетидан савол ёғдириб бораверди. Фақат уствошхона эшиги ёнидагина Гарри ўзининг хира ҳамроҳидан халос бўлди. Колин унинг ортидан:

- Мен бориб, энг яхши жойни банд қиламан, - деб кичкирганча, бўм-бўш намоишгоҳ томон югуриб кетди.

Жамоа аъзолари йиғилиб бўлишган. Улар орасида фақат Оливер Древинга уйқусирамаган кўринади. Сочи таралмаган, кўзлари шишган Фред билан Жорж тўртинчи синф ўқувчиси Алисия Спиннетнинг икки ёнида ўтиришибди. У қиз ҳам мудраганча, аста секин деворга суяниб бормоқда. Қолган икки нафар Овчи Кэтти Бэлл билан Ангелина Жонсон эса бир-бирининг пинжига кириб, эснашмоқда.

- Э, хайрият-е, Гарри, келдинг-ми? Намунча кеч қолдинг? - кичкирди бетоқат Древин, - Бошладик. Майдонга чиқишдан олдин икки оғиз сўз айтмоқчиман. Мен бутун ёз бўйи янги машқ тизимини ишлаб чиқиш устида бош қотирдим. Ишончим комилки, ушбу тизим баъзи нарсаларни тубдан ўзгартириб юборади...

Древин квидиш майдонининг рангли чизиклар, миллар ва турли-туман белгилар билан тўлиб-тошган катта харитасини ёзди. У сеҳрли таёқчасини чиқариб, харитага бир урган эди ҳам-ки, миллар капалак қурти каби ҳаракатлана кетди. Древин янги тактиканинг ўзига хос хусусияти тўғрисида гап бошлаши билан Фред бошини Алисиянинг елкасига ташлаб, хуррак ота кетди.

Биринчи чизма муҳокамасига тахминан йигирма дақиқа сарф этилди. Ҳали яна иккита чизма ўз навбатини кутиб турибди. Гарри ҳеч нарсани идрок эта олмай қолган ҳолатда. Древиннинг гапи эса ҳали тугамайдиган кўринади.

- Шундай қилиб, ҳаммага ҳамма нарса тушунарли бўлди-ми? Кимда савол бор? - эшитилди Древиннинг яқун ясовчи сўзлари.

Мизғиб ўтирган Гарри ўзига келди. У қисқагина тушида, қасрдаги нонуштада еб ўтирадиган таомларни аниқ кўрган экан.

- Менда бир савол туғилди, Оливер, - янгради сесканиб уйғонган Жоржнинг овози, - Нима учун сен шу гапларингни кеча кундузи, ҳали уйкумиз келмаган маҳалда айтиб бермадинг? Савол Древга ёқмади.

- Қулоқ солинг дўстларим, - баёнот қилди у, кўзлари таҳдидли яркираб, - Биз кубокни ўтган йили қўлга киритишимиз керак эди. Умуман айтганда, биз энг яхши жамоамиз. Афсуски, фалакнинг биз таъсир ўтказа олмайдиган гардиши ила...

Гарри шу захоти ўзини айбдор хис этиб, типирчилаб қолди. Ўтган йилги финал ўйини вақтида у касалхонада ҳушсиз ётган бўлиб, бир нафар ўйинчисидан маҳрум бўлган «Гриффиндор» жамоаси сўнгги уч юз йил давомида мисли кўрилмаган шармандали ҳисоб билан тор-мор келтирилган эди.

Древ, ҳаяжонини жиловлаб олиш учун ўз гапини бир дақиқага тўхтатишга мажбур бўлди. Ўша сўнгги мағлубият ҳақидаги хотира-ю, хаёллар ҳалигача унга азоб беради чамаси.

- Ўнг қулоғингиз-у, чап қулоғингиз билан эшитиб қўйинг-ки, муқаддам ўтказилган барча машқларимизга нисбатан бу йил зўр бериб машқ қиламиз... Бўлди, гап-сўзларни йиғиштиринг. Юринглар, яхшиси назарияни амалиётда қўллайлик! - кичқирди Древ ва супургисини маҳкам ушлаганча, устошхонадан ташқарига чиқди.

Жамоа аъзолари эснаганча, уюшиб қолган оёқларини базўр босиб, ўз сардори кетидан эргашди.

Улар устошхонада анчагина ўтиришган кўринади. Куёш етарлича баланд кўтарилган, лекин ярми таркаган туман ҳамон майса устида осилиб турибди. Майдонга чиққан Гарри намоийишгоҳда ўтирган Рон билан Гермионани кўриб қолди.

- Ҳали тугатмадиларингми? - хайрон бўлиб сўради Рон.

- Ҳали бошлаганимиз йўқ, - жавоб қайтарди Гарри, дўстларининг қўлларидаги Катта Залдан олиб чиқилган қовурилган нон билан жемга ҳасад билан қараб, - Древ бизни янги ҳаракатларга ўргатди.

У супургисини эгарлади-да, ердан итарилиб, осмонга кўтарилди. Тонгнинг муздай ҳавоси Древнинг жўшқин даъватларидан кўра анча яхши тетиклаштирди. Квидиш майдони узра яна учиш жуда ёқимли кечди. Гарри эгизаклар ортидан эргашиб, катта тезлик билан ўйингоҳни гир айланиб чиқди.

- Қандайдир ғалати шикир-шиқир эшитдим шекилли? - кичқирди Фред бурилишда.

Гарри намоийишгоҳ томон қаради. Энг юқори курсилардан бирида фотоаппаратини баланд кўтариб олган Колин узлуксиз шикиллатиб турибди. У кадр кетидан кадр олар, шикиллаган товуш эса кўп чандон кучайиб, бўм-бўш намоийишгоҳ узра баланд янграмоқда.

- Мен томонга қара, Гарри! Мен томонга! - бор овози билан чинқирди Колин.

- Бу ким бўлди? - қизиқиб сўради Фред.

- Билмайман, - ёлгон гапирди Гарри ва Колиндан йироқлашиш учун тезликни оширди.

- Нима гап? - қовоғини уйиб сўради ташвишга тушган Древ, ҳавода яқинлашиб келар экан,

- Нима учун анави чурвақа бизни суратга оляпти? Негадир бу менга ёқмаяпти. Эҳтимол у «Слизерин» жамоасининг жосусидир? Янги дастуримиз ҳақида хабардор бўлишган кўринади.

- Йўқ у «Гриффиндор»лик, - шаша-пиша ишонтира кетди Гарри.

- «Слизерин»ликларга жосус керак эмас, Оливер, - деди Жорж.

- Нега энди керак эмас экан? - лабларини қимтиб сўради Древ.

- Чунки улар ўзлари ташриф буюришди, - деди Жорж имо қилиб.

Майдонда қўлига супурги ушлаб олган, бир неча яшил кийимли киши кўринди.

- Йўқ, бу муттаҳамликнинг ўзгинаси-ку! - деди важоҳати қайнаб кетган Древ, - Ахир мен майдонга буюртма бериб, бир кунга банд қилганман-ку! Ҳозир уларни кувиб соламиз!

- Флинт! - кичқирди Древ «Слизерин» жамоаси сардорига, - Ҳозир биз машқ қиламиз!

Мен атайин келишиб олганман! Кетинг бу ердан!

Маркус Флинтнинг танаси Древнинг танасидан йирик. У тролларга хос айёр башара ясаб:

- Древ, бу ерда ҳаммага жой етади, - деб жавоб қайтарди.

Ангелина, Алисия ва Кэтти ҳам яқин келишди. «Слизерин» жамоасида қизлар йўқ. Барча слизеринчи болалар елка-ма-елка туриб олиб, гриффиндорчиларга таҳдид солганча, кўзларини қисиб олишди.

- Ахир мен майдонга буюртма бериб, бир кунга банд қилганман-ку! - ўз гапида туриб олди Древлар, ғазаб билан сўлак сачратганча, - Банд қилганман!

- Шундай дегин, - чўзиқ жавоб қайтарди Флинт, - Менда эса профессор Снегнинг махсус рухсатномаси бор, мана:

*Ушбу билан мен, профессор С. Снегг, янги Сайёдни жамоа сафига киритиш зарурати туфайли «Слизерин» жамоасига шу бугун квидиш майдонида машқ қилишга ижозат бераман*

- Жамоангизда янги Сайёд? Ким экан у, билсак бўладими? - мавзудан чалғиб сўради Древлар. Олти нафар бўйдор бола ортидан еттинчи, бўйи нисбатан пастрок, ўткир чўзиқ юзида кенг кулгиси ёйилиб кетган ўйинчи Драко Малфой кўринди.

- Сен Люциус Малфойнинг ўғлимисан? - сўради Фред, Малфойга ижирғаниб қараб.

- Қизик, нима учун Драконинг отасини ёдга олдинг, Фред? - деди Флинт.

Унинг саволидан жамики слизеринчилар янада кенг иршайиб кўйишди.

- Қара, қандай қимматли совға юборди у жамоамизга.

Еттовлон слизеринчи ўз супургиларини олдинга чиқарди. Сопига бекусур сайқал берилиб, гир айланасига ёзилган «Нимбус-2001» сўзларининг зарҳал харфлари тонгги куёш нурларида ялтираб турган еттита яп-янги супурги кўринди.

- Энг сўнгги модель. Ўтган ойда тайёрланган, - бепарво оҳангда маълум қилди Флинт, супургисидаги чангни пуфлаб юборган бўлиб, - Билишимча, аксарият кўрсаткичлар бўйича 2000- сериядан анча устун келади. «Соф ғалаба» русумли супургига келсак, - деди у ўша моделга мансуб супурги ушлаган Фред билан Жорж томон жирканч иршайиб, - Ундай супургилар билан ҳовли супурса арзийди... соф тозалаб!

Гриффиндорчиларнинг бирортаси заҳарли жавоб қайтара олмади. Малфойнинг иршайиши шу қадар кенг эдики, ҳатто кўзлари қисилиб кетган.

- Қаранглар, - деди Флинт, - Кимдир майдонга бостириб кирибди.

Нима бўлаётганини аниқлаш учун Рон билан Гермiona яқин келишди. Малфойга қараб, квидиш кийимида турганини идрок этишга кучи етмай қолган Рон:

- Нима гап? - деб сўради Гарридан, - Нима учун ўйнамаяпсизлар? Мана бу нусха бу ерда нима қилиб юрибди?

- Мен, «Слизерин» жамоасининг янги Сайёдиман, Уэсли, - суллохлик-ла баёнот қилди Малфой, - Ўйнамаётганларининг сабаби эса жуда содда. Улар бизнинг жамоамизга дадам ҳадя этган супургиларни томоша қилиб туришибди.

Рон оғзи очилганча, бир қатор терилиб турган супургиларга тикилиб қолди.

- Зўр, а? - сохта ёқимли овоз билан сўради Малфой, - Эҳтимол, «Гриффиндор»нинг ҳам омади юришиб қолиб, тилла тўплаб оларсизлар. Шундан сўнг, бешинчи модели «Соф ғалаба» русумли супургиларининг ким ошди савдосига қўясизлар. Уларни сотиб оладиган бирорга музей албатта топилади.

Слизеринчилар қотиб-қотиб кулишди.

- Бироқ таъкидлаб ўтиш жоизки, гриффиндорчиларнинг бирортаси ҳам жамоада ўйнаш ҳуқуқини сотиб олмаган, - баёнот қилди Гермiona, - Улар ўз маҳорат ва қобилиятлари туфайлигина жамоага қабул қилинганлар.

Малфойнинг башарасидаги манманлик қиёфаси бир сонияга сўлиб қолди.

- Сени фикрининг хеч ким сўрагани йўқ, жирканч маглвачча, - тупуриб юборгандай жавоб қайтарди Драко.

Малфой қандайдир жуда кўпол сўз айтганини Гарри дарҳол тушуниб етди. Негаки, унинг гапидан ҳамма даҳшатли хаяжонга тушиб кетди. Флинт Драқони мушт кўтарган эгизаклардан химоя қилиш учун тўсиб олишга мажбур бўлди. Алисия эса:

- Қандай журъат этдинг, - деб қичкириб юборди.

- Бу сўзларинг учун хозир адабингни бераман, Малфой! - деб қичкирган Рон коржомасининг қатларидан синган сеҳрли таёқчасини чиқариб, Флинтнинг қўли орасидан Малфойнинг башарасига йўллади.

Ўйингоҳда момақалдирик овози янгради. Сеҳрли таёқчадан ёрқин яшил залп отилиб чиқди. Таассуфки, бу залп таёқчанинг тескари учидан отилди. Қорин соҳасига зарб еган Рон ортга тисланиб, бели билан майса устига кулади.

- Рон! Рон! Сенга нима қилди? Лат емадинг-ми?

Рон гапириш учун эндигина оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, каттик кекириб юборди. Оғзидан эса бир нечта шилликқурт отилиб чиқиб, ўзининг кўкрагига тушди.

«Слизерин» жамоаси аъзолари қаҳқахламоқдан фалаж бўлиб қолишди. Икки букилиб қолган Флинт кулаб тушмаслик учун супургисига суяниб олди. Малфой эмаклаганча ерни муштлаб урди. Гриффиндорчилар эса йирик, ялтироқ шилликқуртлар оқимини қайт этиб ётган Ронни ўраб олишди. Улар Ронга ёрдам бермоқчи-ю, бироқ ҳеч ким унга қўл теккизишга ошиқмаяпти.

- Хагриднинг кулбасига олиб борайлик, яқинроқ, - деди Гарри Гермионага.

Қизалоқ мардларча бош силтагач, икковлашиб Ронни қўлтиғидан тутишди-да, нари судраб кетишди.

Намойишгоҳдан тушиб, югурганча етиб келган Колин атрофда гир айланар, оёқ остида ўралашиб, Ронни ташишга халакит берар ва тинмай савол ёғдирар эди:

- Тинчликми Гарри? Нима бўлди? Ўртоғинг касал бўлиб қолди-ми? Сен уни тузатиб қўясан-ку, тўғрим, Гарри?

Рон яна каттик кучаниб, кўкрагига шилликқуртларнинг навбатдаги порциясини тўқди.

- Ооооо! - завқ ила хитоб қилиб юборди Колин, - Уни сал тикроқ тутиб тура оласанми Гарри? - деди у фотоаппаратини қўтариб.

- Қоч бу ердан Колин! - жаҳл қилди Гарри.

Гермиона икковлон Ронни ҳовли бўйлаб, ўрмон четига тортиб кетишди. Тез орада Хагриднинг кулбаси кўринди.

- Деярли етиб келдик, Рон, - тинчлантирган бўлди Гермиона, - Ҳозир сенга ёрдам кўрсатишади... Оз қолди... Бир оз сабр қил...

Хагриднинг кулбасига йигирма метрдан узок бўлмаган масофа қолганида эшик очилиб, остонада одам кўринди. Фақат бу одам Хагрид эмас балки, негадир кулбага нафис пушти-нафармон кийим кийиб келган Сверкароль Чаруальд эди.

- Яширинамиз, тез! - пичирлади Гарри, Ронни яқин орадаги бута ортига тортиб.

Гермиона ҳам истар-истамас болалар кетидан эргашди.

- Бу жуда осон иш, агар уддасидан чиқишни билсанг, албатта! - эшитилди Чаруальднинг баланд овози, - Агар сенга ёрдам керак бўлса, Хагрид, мени қаердан топишни биласан! Мен сенга ўз китобимни ҳады этаман. Ҳайронман, нега сенда халигача ўша китобим йўқ. Кечкурун дастхат қўйиб, бериб юбораман. Хўп, майли, учрашгунча! - деди-да, артистларга хос шиддат билан нари кетди.

Чаруальд кўздан ғойиб бўлишини кутган Гарри буталар остида холсиз ётган Ронни тортиб чиқариб, кулба ёнига судраб келди-да, эшикни каттик тақиллатди.

Эшик шу захоти очилиб, Хагриднинг норозилик касб этган юзи кўринди, бироқ ким ташриф буюрганини кўргач, қош-қовоғи кескин очилиб кетди.

- Қачон менинг иссиқ-совуғимдан хабар олишар экан деб кутган сари кутиб ўтирибман,.. Қани ичкарига қиринлар-чи. Ие, ха?!... оббо... қиринлар... вой-бў... қиринлар... оббо... Анави хезимкаш Чаруальд қайтим келди-ми, деб ўйлабман.

Гарри билан Гермиона Ронни, остонага қоқилиб кетмаслиги учун қўлтиғидан тутиб олишган. Улар яқка ягона хонадан иборат кулбага киришди. Хонанинг бир бурчагида мисли кўрилмаган катта каравот, бошқа бурчагида эса ўти ўйнаб ёнаётган камин турибди. Ронни креслога ўтқишишгунга қадар, унга нима бўлгани хақида тез айтиб берилган маълумотлар Хагридга кучли таъсир ўтказмади.

- Ичкарида қолганидан ташқарига чиққани яхши, - хулоса қилди Хағрид, Ронга катта мис тоғора узатиб, - Хўш, Рон, давом эт, тортинма.

- Назаримда, бошқа чора йўқ. Ҳаммаси чиқиб, тугаганга қадар сабр қилишга тўғри келади,

- деди Гермiona хавотирланганча, ўз фикри билан ўртоқлашиб, - Ҳатто яхши ҳолатда ҳам ўтиши қийин афсун бу, синган таёқча билан эса...

Рон тоғора устида бошини осиб олганча, ўтирди.

Хағрид дастурхон тузашга киришди. Мезбоннинг Гаррини кўриб суюниб кетган Сўйлоқтиш лақабли немис доғи эса болани бошдан оёқ ялаб, сўлақлаб чиқди.

- Чаруальдга сендан нима керак экан? - сўради Гарри Сўйлоқтишнинг қулоғини қашлаб. Стол устидаги пати чала юлинган хўрозни олган Хағрид:

- Қудуғимдаги сув алвастисини қандай қилиб хайдаб чиқариш кераклигини ўргатишга уринди, - вайсай кетди у, столга чойнак қўйиб, - Гўё ўзим билмайман, нима қилиш кераклигини. Нариги дунёдан вакил бўлиб келган аёлни қаердандир қувиб чиқаргани ҳақидаги курук сафсатадан бирон оғиз сўзи рост бўлса, мана бу чойнагимни ғажиб ташлайман!

«Хогварц» ўқитувчиларини танқид қилиш Хағрид табиатига зид бўлса бордир-у, хос эмас. Шу боис ҳам Гарри унга ҳайрон бўлиб қараб қолди. Гермiona эса Хағриднинг бундай сўзларига жавобан, одатдагидан кўра баландроқ овозда:

- Фикримча, гапларинг бир оз адолатсиз эшитилди. Ахир Дамблдорнинг ўзи Чаруальдни ушбу лавозимга муносиб номзод деб топган...

- Бошқа номзод топа олмаганидан, иложсиз, ягона номзод сифатида топган, деб айтсанг, тўғрироқ бўлади, - жавоб қайтарди Хағрид, қуюқ шиннидан тайёрланган ирис қандлар солинган ликопни дастурхонга тортиб, - Ҳа, ҳа, ягона номзод. Фалокатга олиб борадиган бўлмагур иш бўлганидан кейин, бундай лавозимга номзод топишнинг ўзи бўладими. Ушбу лавозим сеҳрлаб қўйилган деган фикр ҳам йўқ эмас. Чиндан ҳам, агар жўялироқ мулоҳаза юритилса, ким танийди, ўша лавозимда бир йилдан ортиқ ишлаган ўқитувчини? Ана шунақа. Яхшиси айтинглари-чи, кимга қарши афсун ўқишга уриниб кўрди анави мохир сеҳргар? - деди Хағрид Рон томон имо қилиб.

- Малфой Гермionани қандайдир ёмон сўз билан ҳақорат қилган кўринади. Ўша сўзни эшитганларнинг ҳаммаси худди бараварига қутуриб кетишгандай бўлишди...

- Бу ҳақиқатан ҳам жуда ёмон ҳақорат, - хириллади Рон, терга ботиб, оқариб кетган юзини стол остидан чиқариб, - Малфой уни мағлвачча деб атади, Хағрид...

Рон яна стол тагига кириб кетиб, шилликқуртларнинг навбатдаги партиясини чиқариб юборди. Унинг гапини эшитган Хағриднинг жон-пони чиқиб кетди.

- Қандай журъат этди! - қичқирди у, Гермionaга боқиб.

- Журъат этди, - деди Гермiona, - Бу гапнинг маъносини билмасам-да, ёмон сўз эканлигини англадим...

- Бу сеҳргарлар дунёсида ақлга сиғмайдиган энг ёмон ҳақоратли сўз, - тушунтирди Рон, ташқарида пайдо бўлганча, бор кучини тўплаб, - Мағлвачча сўзи тарбиясиз кишилар томонидан, сеҳргарлар насл-насабига мансуб бўлмаган, ота-онаси мағл, яъни сеҳргар бўлмаган афсунгарни таҳқирлаб, иззат-нафсониятига тегиш учун қўлланиладиган сўз. Ана ўша Малфойнинг зотига мансуб шундай сеҳргарлар борки, ўзларини ҳаммадан устун кўришади, асилзода сеҳргарлар деб билишади, - Рон бир йўталиб, ўзининг кафтига кичкинагина шилликқурт чиқарди-да, уни стол остидаги тоғорага ташлаб, гапини давом этди, - Айтмоқчиман-ки, боадаб сеҳргарларга аҳамияти йўқ, кимнинг насли қанақа-ю, ким кимлардан келиб чиққан. Мана мисол учун, Невиллни олайлик. У шундай сеҳргарлар оиласидан келиб чиққан-ки, таърифлашга сўз ожиз. Бироқ бир оз назоратсиз қолдириб, ўзига қўйиб қўйсанг, қозонни онтариб қайнатишга, овқатни эса қошиқнинг сопи билан истеъмол қилишга уриниши муқаррар.

- Бунинг устига, бизнинг Гермionaмиз уддалай олмайдиган афсун хали ихтиро қилингани йўқ, - фахр ила қўшиб қўйди Хағрид.

Хағриднинг бундай гапидан қизалоқнинг икки юзи қип-қизил бўлиб кетди.

- Кимни бўлмасин, бундай сўз билан ҳақорат қилиш жуда ёмон иш, - деди Рон, қалтираётган қўли билан қошига тўпланган терни артиб, - Асилзода эмас эмиш, қаранг-а! Қулгили! Нима қилганда ҳам, бизнинг давримизда аксарият сеҳргарлар чала зот саналади. Агар бизлар маглар билан никоҳ қилмаганимизда, аллақачон битта қолмай, қирилиб кетган бўлар эдик.

Унинг хуружи қайталаниб, яна стол остига кириб кетди.

- Сени ҳеч нарсада айбламайман. Сени ўрнингда мен бўлганимда худди шу ишни қилган бўлар эдим, - атайин баланд овозда гапирди Хагринд, шилликқуртнинг тоғора деворига урилиб, тақиллатганини эшиттирмаслик учун, - Сени таёқчанг панд бергани бир томондан яхши бўлибди. Агар ўғилчасига бундай афсун қўлланилганини Люциус билиб қолса нима бўлишини тасаввур қилиб кўряпсан-ми? Ҳар қалай бошингга ортиқча ташвиш тушмайдиган бўлибди-ку.

Гарри гапга аралашиб, мистер Малфойнинг нафрати олдида ичингдан шилликқурт тўкилаётгани ёмонроқ демоқчи бўлди-ю, ирис қанд жағини цементлаб қўйгани учун гапира олмади.

- Гарри, - деди Хагринд, тўсатдан эсига бир нарса тушгандай бўлиб, - Мен сендан жуда хафа бўлдим. Айтишларига қараганда сен дастхат таркатаётган экансан, мени эса ёдингдан чиқариб юборибсан...

Ғазаби қайнаб кетган Гаррининг жағи очилиб кетди.

- Ҳеч қандай дастхат таркатганим йўқ! - кизишиб кетди у, - Агар Чаруальд шу алфозда давом этар экан...

Ана шундагина у Хагринднинг қулиб турганини кўриб қолди.

- Э, хазиллашдим мен э, - деди Хагринд Гаррининг белига мулойим туртиб.

Бундай мулойимликдан боланинг бурни столга урилиб кетди.

- Биламан таркатмаганлигингни. Чаруальдга ҳам шундай жавоб қайтардим. Гаррига бундай нарсалар ортиқча, дедим. Машхурлик борасида у сенинг чангингга қолиб кетади-ку.

- Гаров боғлашим мумкин-ки, бу гап унга ёкмаган.

- Турган гап-ку. Мен унга китобларини қўлимга ҳам олмаганимни айтган эдим, хафа бўлиб, кетиш тараддудига тушиб қолса бўладими. Рон, ирис қанд кетадими?

- Йўқ, раҳмат. Таваккал қилмаган маъкул.

- Юринглар, нима етиштирганимни кўрсатаман, - деди Хагринд, Гермiona билан Гарри чойларини ичиб бўлишгач.

Қулба ортидаги полизчада катталиги йирик тоғ тошидай келадиган ўндан ортиқ ошқовоқ ўсибди.

- Зўрми? - қувонч билан мактанди Хагринд, - Хэллоунга атаганман... ўша вақтга келиб қиёмига етади.

- Қандай қилиб бу даражага етказдинг уларни, Хагринд? - сўради Гарри.

Давангир яқин орада биров бор-йўқлигини билиш учун аланглаб қўйди.

- Мен уларга... нима десам бўлар экан... бир оз ёрдам бериб юбордим

Гарри кўзининг кири билан қулбанинг орқа деворига суяб қўйилган пушти соябонни кўриб қолди. Гарри илгари ҳам бир қарашда оддий кўринган ушбу соябон у қадар оддий эмаслигига, унинг ичида Хагринднинг бир вақтлар икки бўлиб юборилган сеҳрли таёқчаси борлигига шубҳа қилмаган. Умуман айтганда, Хагриндга сеҳргарлик қилиш мумкин эмас. У учинчи синфда ўқиб юрган кезлари «Хогварц» ўқувчилари рўйхатидан чиқарилган. Нима сабабдан ўқишдан четлаштирилганлигини Гарри билмайди-ю, ушбу мавзунини очиши билан Хагринднинг йўтали тутиб, қулоғи ақл бовар қилмайдиган даражада қар бўлиб қолишини билади.

- Ишириш афсунни бўлса керак, а? - тахмин қилди Гермiona, - Нима ҳам дердим, анча меҳнат қилганга ўхшайсан.

Унинг оҳангида пичинг кўпроқ-ми, тасанноми, тушуниб бўлмади.

- Кеча синглинг ташриф буюрган эди, - деди Хагринд Ронга, - У ҳам худди шу гапни

гапирди. Бу ерларда нима қилиб юргани билан қизиқиб берган саволимга, теварак-атрофни ўрганиб юрганини маълум қилди. Назаримда у кимнидир қидириб юрган эди, - У Гаррига кўз қисиб қўйди-да, - Ана ўша қизга дастхат...

- Мени тинч қўй! - жаҳл қилди Гарри.

Рон қулиб юборди-ю, бироқ оғзидан отилиб чиққан шилликқуртлар атрофга сачраб кетди.

- Ҳой сен, бу ерда эмас! - бақириб берди Хагрид, Ронни ўзининг кимматбаҳо ошқовокларидан нари тортиб.

Тушлик вақти яқинлашиб қолди. Тонг отганидан буён қуюқ киёмдан тайёрланган бир дона қанддан ташқари ҳеч нарса емаган Гарри қасрга тезроқ етиб бориш пайига тушиб қолди. Болалар Хагрид билан хайрлашиб, унинг ҳовлисини тарк этишди. Рон юрган йўлида кекириб, бир-икки донадан шилликқурт тупуриб борди.

Салкин вестибюлга кириб келишлари билан профессор Макгонагаллнинг жарангли овози янгради:

- Сизлар бу ерда экансизлар-да, Поттер, Уэсли, - деди профессор, болаларга яқинлашиб, - Бугун кечкурун жазо ўташларинг лозим.

- Нима иш қилишимиз керак, профессор? - сўради Рон, кекиригини аранг қайтариб.

- Сен ўлжа олинган қурол-аслаҳалар хонасидаги кумуш буюмларни мистер Филч билан биргаликда тозалайсан, - жавоб қайтарди профессор Макгонагалл, - Сен эса, Поттер, профессор Чаруальдга, унинг мухлисаларидан келган хатларга жавоб ёзишга кўмаклашасан.

- Қандай дахш... Профессор, мен ҳам ўлжа олинган қурол-аслаҳалар хонасига борсам майлими? - ўтинч билан сўради Гарри.

- Йўқ, албатта, - шартта кесди профессор Макгонагалл, қошини чимириб, - Профессор Чаруальд айнан сен келишингни илтимос қилди. Кечки соат роппа-роса саккизда иш жойида бўлишларинг шарт, ёдингизда бўлсин.

Гарри билан Рон Катта Зал томон қайғу-ҳасрат ила йўл олишди. Уларнинг кетидан бораётган Германионнинг юзидан эса: «Нимани кутган эдиларинг, ахир сизлар қоида бузгансизлар-ку», деган маънодаги гапни уқиб олиш қийин эмас. Гаррининг кайфияти шу қадар бузилиб кетдики, ҳатто тоблаб пиширилган гўштли картошка ҳам у кутган даражада мазали туюлмади. Худди Рон каби, ўз жазосини тоқат қилиб бўлмайдиган жазо деб билди.

- Бутун оқшом Филч билан ўтишини тасаввур қилиб кўр, - ҳасрат қилди Рон, - Бунинг устига ҳеч қандай сеҳр қўллаш мумкин эмас эмиш! Ўша хонадаги кубокларнинг ўзи юз донадан ортиқ! Мен эса магласига тозалашни билмайман!

- Сен билан бажонидил ўрин алмашган бўлар эдим, - деди руҳий тушқунликка тушган Гарри, - Дурсллар шарофати билан бу борада бой тажриба тўплаганман. Чаруальднинг мухлисаларига жавоб ёзиш эса... дахшат...

Шанба кунининг қолган қисми гўё кўз очиб, юмгунча ўтгандай бўлди. Беш дақиқа кам саккизда Гарри иккинчи қават йўлагида Чаруальднинг хизмат хонаси томон судралиб кетди. У сохта иршайганча тақиллатган эшик шу заҳоти очилиб, остонада тишининг оқини кўрсатаётган Чаруальд кўринди.

- Ана, бизнинг тўполончимиз ҳам етиб келди! - ўйноқи қарши олди у, - Кир, Гарри, ичкарига кир...

Чаруальднинг хона деворларига осиб қўйилган сон-саноксиз суратлари кўплаб шамлар нурида яраклаб турибди. Уларнинг айримларига сурат соҳиби дастхат қўйган. Столда ҳам Чаруальд фотосуратларининг каттагина дастаси турибди.

- Конвертларга манзил ёзиб ўтиришинг мумкин! - деди Чаруальд, худди Гаррига жуда мазали ширинлик таклиф қилгандек, - Биринчи навбатда эҳтиросли мухлисам Глэдис Прэстофиль манзилини ёз...

Дақиқалар тоқат қилиб бўлмас даражада чўзилиб кетди. Гарри Чаруальднинг тўхтовсиз давом этган вати-кути гапларини қандайдир товушли шовкин сифатида кўриб, баъзан: «тўғри», «ммм», «ҳа», «ҳм», деган овоз чиқариб ўтирди. Фақат онда-сонда унинг қулоғига Чаруальднинг «Шон-шухрат – ишончли дўст эмас, Гарри» ёки «Ёдингда бўлсин менинг

ғўр дўстим, донгдор кишига баҳо, унинг гап-сўзларини эшитиб эмас, кўрсатган кароматига қараб берилади», деган сўзлари эшитилиб қолар эди.

Эриётган шамларнинг тебранаётган ёғдуси Чаруальднинг деворга осиб қўйилган бўлиб, Гаррини кузатиб турган кўп сонли юзларида ракс тушмоқда. Кам деганда мингта конвертга манзил ёзган бола толиққанидан зирқираётган кўли билан Вероника Смешлининг манзилини ёзиб, ухлайдиган вақт бўлганлиги ҳақида хаёл суриб ўтирибди. Бир вақт унинг қулоғига охиригача ёниб битаётган шамлардан чиқаётган товуш ёки профессорнинг бир маромда вайсашидан фарқ қилаётган қандайдир ғалати овоз эшитилди.

Бу қаҳрга тўлиб-тошган шундай овоз эдики, бутун вужудни қамраб олиб, томирдаги қонни совитиб юборди.

- Кел... Олдимга кел... Сени бурда-бурда қилиб ташлашга имкон бер... тишимни танангга санчиб олишга, сени ўлдиришга йўл бер...

Гарри ўрнидан сапчиб турган эди ҳам-ки, Вероника Смешлининг манзили нафармон сиёҳ билан булғанди.

- Нима?! - қичкириб юборди Гарри.

- Ҳа, айнан шундай! - деди Чаруальд баланд овозда, - Роппа-роса ярим йил бозори чакқон китоблар рўйхатида биринчи ўринни эгаллаб, жамики рекордларни орқада қолдирдим!

- Йўқ, буни сўраётганим йўқ, - қўл силтади Гарри, - Эшитилган овоз кимнинг овози эди?

- Қанақа овоз ҳақида гапиряпсан? - тушунмади Чаруальд.

- Анави... ҳозир айтди-ку... Сиз эшитмадингиз-ми?

Чаруальд Гаррига хайрон бўлиб тикилиб қолди.

- Нималар ҳақида гапиряпсан? Мудраб қолганга ўхшайсан. Ох, Олий химмат Скотти!

Соатга қара, неча бўлганини! Тўрт соатдан буён ёзиб ўтирибмиз-ку! Вақт ўтганини қара-я!

Гарри жавоб қайтармади. У қулоғига зўр бериб, ҳозиргина эшитилган овозни яна бир бор бўлса ҳам эшитишга уринди-ю, Чаруальднинг бугунги кечадай тухфа жазо ўрнига ҳар доим ҳам тайинланмаслиги ҳақида тарбиявий мавзуга доир аллақандай гапларни тинимсиз вайсашидан бошқа овоз эшитмади. Хушини йўқотиш ҳолатига келиб қолган Гарри Чаруальднинг хонасини тарк этди.

Кеч бўлгани учун «Гриффиндор» коллежининг умумий меҳмонхонаси деярли бўшаб қолган. Гарри ётоқхонага кириб, Рон халигача қайтмаганини англади. У пижамасини кийди-да, ўрнига ёнбошлаб, дўстини кутиб ётди. Ярим соат ўтгач, хонага ўнг қўлини кўкрагига босиб олган Рон ва у билан бирга сайқал бериш мойининг бадбўй хиди кириб келди.

- Жамики мушакларим зирқираяпти, - нолиди Рон, ўзини кўрпага ташлар экан, - Квидиш кубогини ўн тўрт мартаба тозалашга мажбур қилди, ярамас! Кейин эса қўнглим айниб, «Мактаб олдида кўрсатилган хизматлар учун махсус соврин» устига шиллиққурт қайт қилиб юбордим. Уни ҳам юз йил тозаладим... Чаруальд қалай экан бу масалада?

Невилль, Дин ва Симусни уйғотиб юбормаслик учун овозини пастлатган Гарри Чаруальднинг хонасида бўлиб ўтган ходисани Ронга айтиб берди.

Ой ёруғида Роннинг қовоқ уйиб олгани кўринди.

- Чаруальд-чи, ҳеч нарса эшитмади-ми? - сўради у, - Ёлғон гапирди деб ўйлайсан-ми? Ҳеч нарсани тушунмаяпман, бирорта эгаси йўқ кўринмас одам овози бўлган тақдирда ҳам, бари-бир эшикни очиши керак эди-ку.

- Чиндан ҳам шундай бўлиши керак эди, - деди Гарри ўзини ёстикқа ташлаганча, боши устидаги пардани томоша қилиб, - Ўзим ҳам ҳеч нарса тушунмадим.

## **VIII БОБ.**

## **ЎЛГАН КУН ЮБИЛЕЙИ**

Октябрь ойи ва у билан бирга рутубатли кунлар бошланди. Ҳовлида ҳам, қасрда ҳам совуқ. Ўқувчи ва ўқитувчилар орасида ҳақиқий шамоллаш эпидемияси тарқалгани боис, мактаб фельдшери Помфри хонимнинг қўли қўлига тегмай қолди. Беморлар сийланадиган



«Қалампирдамлама» деярли оний таъсирга эга. Бироқ уни ичган кишининг кулокларидан бир неча соат давомида тутун чиқади. Жинна Уэслининг ранги сўнгги вақтда бўзариб кетгани боис, акаси Перси ушбу дорини ичишга мажбур қилди. Жиннанинг олов ранг малла сочлари остидан тутун чиқаётганини кўрган ҳар қандай киши қизалокнинг бошига ўт тушибди деган фикрга боргани аниқ.

Йирик ёмғир томчилари қаср деразаларини кеча-ю-кундуз савалади. Кўл сатҳи кўтарилиб, сохил бўйидаги гулзорлар батамом ювилиб кетди. Хагрининг ошқовоклари эса, аксинча, яйраб, шишиб, ҳар бири боғ уйчасидек бўлиб кетди. Бироқ қатъияти букилмас Оливер Древни ҳеч қандай табиий офат тўхтата олмайди. У осмондан тош ёғса ҳам жамоа машқларини тўхтатмай, мунтазам давом эттиришга аҳд қилган. Шу боис ҳам Гарри шанба кун, Хэллоуин байрамига атиги бир неча кун қолганида жикқа хўл, афти-ангори лойга беланган ҳолда «Гриффиндор» минорасига қайтмоқда.

Жала ва ниҳоятда кучли эсган шамолдан ташқари бугун ўтган машқ руҳига яна бир омил салбий таъсир ўтказди. «Слизерин» жамоасининг хатти-ҳаракатларини жосуслардай кузатиб юрган Фред билан Жорж «Нимбус-2001» русумли супургилар қандай тезлик олишини ўз кўзлари билан кўриб қайтишган. Эгизаклар томонидан етказилган истихборот маълумотларига қараганда «Слизерин» жамоаси ҳавода шу қадар шиддат билан ҳаракатланар эканки, ҳатто уларнинг эгнидаги кийим рангини ҳам илғаб бўлмас эмиш. Қасрнинг бўм-бўш йўлаги бўйлаб шалошлаб бораётган Гарри ҳаёл оғушига ўзидан ҳам баттар берилиб кетган, «Гриффиндор» минорасида кун кечириб, одатда, чехраси доимо очилиб юрадиган Деярли Бошсиз Никка дуч келди. Арвоҳ бугун негадир дарғазаб киёфа қасб этганча, қилт этмай деразага тикилиб олиб:

- Талабга жавоб бермас эканман-а... Атиги ярим дюйм... Қаранг-а, - деб ғулдираяпти.

- Салом Ник, - деди Гарри.

- Салом, салом, - ғудуллади Деярли Бошсиз Ник, бола томон паришонхотир ўгирилиб.

Рухнинг патли, одамнинг оғзини очиб қўядиган шляпаси остидан узун жингалак сочлари чирмашиб чиққан. Енгсиз узун кийими эса дабдаласи чиққан бўйини бекитиб турган юмалок, қат-қат тахли оппоқ ёқа билан безалган. Гарри кўкиш-рангсиз Ник орқали момақалдирокли осмон ва шиддат билан ёғаётган ёмғирни кўриб турибди.

Ник, кўлидаги шаффоф хатни ўраб, камзулининг киссасига яширар экан:

- Сени нимадир ташвишга солган кўринади, ёш Поттер, - деди зийрак оҳангда

- Сен ҳам мендан қолишмайсан, - жавоб қайтарди Гарри.

- Қўявер, арзимаган гап... - деди Деярли Бошсиз Ник, кўлини ораста силтаб, - Аслида мен ўша жамоага аъзо ҳам бўлмоқчи эмас эдим... Балки ариза ёзган бўлар эдим-у, аниқланишича, мен улар қўйган «талабга жавоб бермас эмишман»...

Сўзларининг оҳанги бепарво бўлгани билан рухнинг кўзларида аччиқ алам кўринди.

Дафъатан у тутаким кетиб, киссасига эндигина яширган хатни шартта чиқарди-да:

- Ўзинг ўйлаб кўр, Гарри! Ўтмас болта билан бўйнига қирқ бешта зарб еган одам

Бошсизлар аҳлига аъзо бўлишга ҳақи бор-ку ахир, тўғрими?

Тасдиқ жавоби кутилаётганлигини пайқаган Гарри:

- Эээм... ҳа, албатта, - деб розилик билдира қолди.

- Айтмоқчиман-ки, ўз вақтида амалга оширилган ўша машъум иш соф ва равон ўтишидан биринчи навбатда шахсан ўзим манфаатдор эдим-ку, бошим ҳам рисоладагидек узилиб тушар эди. Ўз навбатида, ортиқча азоб-уқубатлардан халос бўлиб, мана бундай бемаъни аҳволга тушмаган бўлар эдим. Бироқ...

Деярли Бошсиз Ник кўлини силтаб қўйди-да, аччиқланиб мактубни ўқий бошлади:

*Бизнинг жамоамизга бошлари таналаридан тўла-тўқис жудо қилинган одамларгина қабул қилинади. Акс ҳолда жамоа аъзолари отда ўтириб узилган бошлари билан жонглёрлик ҳам қилиша олмас, чавгон ўйинини ҳам ўйнаша олишмас эди. Бунга эса рад этмайсиз, албатта. Шу боис, дилсиёҳлик-ла маълум қилишга мажбурмиз-ки, Сиз жамоа томонидан қўйилган талабга жавоб бермайсиз.*

Ғазабдан тутаб кетаётган Деярли Бошсиз Ник хатни яна киссасига бекитди.

- Мени бўйнимни атиги ярим дюймгина тери билан арзимас томирлар тутиб турибди, Гарри! Мени кўрган аксарият одамлар бошсиз деб эътироф этиши муқаррар. Йўқ, анави Боши-рисоладай-узилган-Подмёр учун эса бу етарли эмас эмиш.

Деярли Бошсиз Ник бир неча бор чуқур нафас олиб қўйди-да, вазмин овоз билан сўради:

- Хўш, Гарри, сени нима ташвишга соляпти? Мени ёрдамим керакми?

- Йўқ, - жавоб қайтарди Гарри, - Агар сенда ҳеч ким ишлатмай ётган еттита «Нимбус-2001» русумли супургинг бўлмаса, албатта. «Слизерин» жамоаси билан ўтадиган...

Қолган сўзларни пастдан эшитилган кучли миёвлаш босиб юборди. Гарри пастга қараб, скелетдай озгин, кул ранг, яркираб турган сарик кўзлари фонус каби йирик миссис Норрис лақабли мушукни кўрди. Бу жонивор мактаб ўқувчиларига қарши тинимсиз кураш олиб борадиган назоратчи Аргус Филчнинг мухтор вакили саналади.

- Бу ердан кетганинг маъкул, - деди Ник, хавотирланиб, - Бугун Филчнинг кайфияти чатоқ. Шамоллаб қолган. Худди ўчакишгандай учинчи синф ўқувчилари бешинчи ертўланинг шифтга қурбақа миясини сачратиб юборишибди. У эрта тонгдан буён ўша шифтни тозалаш билан овора. Агар ҳозир сендан сизиб чиқаётган лойни кўриб қолса борми...

- Бу турган гап-ку, - деди Гарри, миссис Норриснинг нигоҳидан нари тисарилиб.

Бироқ у, етарлича тез тисарилмади чамаси, дафъатан ўнг томонда осилиб турган гобелен ортидан ўз мушуги билан гўё кўринмас арконлар воситасида боғланган, хуштак чиқарган тарзда оғир нафас олиб, кўзлари тартиббузар қидираётган Филч пайдо бўлиб қолди. Унинг бошига катак гулли шарф ўралган бўлиб, бурни ғайриоддий кизил тус касб этган.

- Лой! - бақирди Филч, иккинчи бағбақасини титратиб.

Гаррининг спорт кийимидан томиб тушган суяқ лойни кўрсатар экан назоратчининг кўзлари косасидан чиқиб кетгудек бўлиб қолди.

- Ҳамма жой лой, ифлос бўлиб кетган! Етар, бас! Пичоқ суякка тақалди-ку! Ортимдан юр, Поттер!

Гарри Деярли Бошсиз Никка маънос қўл силтаб, полни баттар кир қилганча, Филчнинг кетидан эргашиб кетди.

У ҳали бирор маротаба бўлсин Филчнинг хизмат хонасига кирмаган. Бу хонани ҳамма четлаб ўтишга ҳаракат қилади. Зулмат босган, бирорта бўлсин деразаси йўқ хонани шифтга осиб қўйилган якка-ягона керосин фонус аранг ёритиб турибди. Деворлар ёнига ҳар бир тортмасига тегишли варақалар йиғиндиси жамланган баланд жавонлар терилган. Варақалар йиғиндиларига елимлаб қўйилган ёзувларга қараганда, Филч томонидан қачон бўлишидан қатъи назар чора кўриб келинган ўқувчиларга оид хужжатлар тўплами йиғилган. Фред билан Жорж учун алоҳида тортма ажратилган. Ёзув столининг ортида ялтираб қолгунга қадар сайқал берилган занжирлар-у, қўлкишанлар коллекцияси осиб қўйилган.

Филч айбли иш қилиб қўйган ўқувчиларни оёғини осмондан келтириб шифтга осиб қўйишга рухсат сўраб Дамблдорга бир неча бор мурожаат қилганлиги ҳаммага маълум. Филч сиёҳдондаги пат-каламни қўлига олиб, тоза пергамент қидирганча столини титкилай бошлади.

- Гўнг, - вайсай бошлади у, нафрат билан, - Аждарнинг жирканч, ёпишқоқ нажаси... қурбақа миялари... каламуш ичаклари... тоқатим тоқ бўлди... яхшилаб кўрсатиб қўймасам бўлмайди шекилли... бланка қаерда эди... ха мана...

У стол ичидан пергаментнинг катта ўрамни чиқариб, олдига ёзиб олди-да, пат-каламни сиёҳга ботирди.

- Хўш... Исми... Гарри Поттер. Содир этган жинояти...

- Оламшумул жиноят! Ҳамма жойга лой томизиб ташладим. Буни қаранг-а! - хитоб қилиб юборди Гарри.

- Сен учун «Буни қаранг-а!» бўлса, мен учун бир соат ортиқча иш! - деди ғзаби қайнаб

кетган Филч, йўғон бурнидаги жирканч томчини титратиб, - Демак... Содир этган жинояти... қасрни булғаб, ҳаром килди... Кўриладиган жоиз чора...

Бурнининг намини кир қўли билан артиб олган Филч, нафас ютиб, қандай жазо қўлланилишини кутаётган болага ёқимсиз башараси билан юзланиб, кўзларини қисиб олди.

Бироқ Филч пат-каламни қоғозга яқинлаштириши билан шифт устида кулоқларни кар қилиб юборгудай қарсиллаш эшитилиб, фонус титраб кетди.

- ДРЮЗГ! - қичкириб юборди Филч, қўлидаги пат-каламни улоқтириб, - Ҳа, шошмай тур, ҳозир сенга кўрсатиб қўяман!

Гаррини унутиб қўйган Филч оёқларини фил каби дўпиллатганча, хонадан учиб чиқди. Кетидан эса унинг «сояси» миссис Норрис эргашди.

Дрюзг, мактабда учиб юрадиган, дарғазаб, доимо ишшайиб юрадиган полтергейст бўлиб, фикр-у хаёли ягона мақсадга, у ҳам бўлса, ҳамма жойда тартибсизлик ва вайронагарчиликни қарор топтиришга қаратилган. Гарри Дрюзгни ёқтирмаса-да, ҳозир ўз вақтида пайдо бўлиб қолгани учун ундан миннатдор бўлди. Ягона умид Дрюзгнинг ҳозирги қилмиши Филчнинг Гаррига бўлган нафратини оз бўлса-да, сусайтиради. Бинобарин, эшитилган товушга қараганда, ҳозир у, қандайдир йирик ўлчамли буюмни чилпарчин қилган чамаси.

Нима қилганда ҳам Филчнинг қайтиб келишини кутишга аҳд қилган Гарри ёзув столи ёнидаги куя еган диванга ўтирди. Стол устида охиригача расмийлаштирилмаган бланкадан ташқари яна бир нарса, каттагина, ялтироқ, манзили кумуш рангда ёзилган қирмизи конверт ётибди. Филчнинг ҳали қайтиб келмаганлигига ишонч ҳосил қилиш учун эшик томон тез қараб қўйган Гарри стол устидаги конвертни қўлига олиб, ўқиди:

*«Тез тилсим. Эндигина бошловчилар учун сеҳргарлик. Киришиш курси»*

Қизиксиниб қолган Гарри конвертни очди-да, ичидагини чиқариб, чирмаш ёзилган сатрларни ўқиди.

*Замонавий афсун дунёсида ўзингизни ноқулай ҳис этяпсиз-ми? Оддий афсундан фойдаланмаслик учун ҳар қандай ваз-баҳона қидиряпсиз-ми? Атрофингиздаги одамларнинг фикрича, сеҳрли таёқча воситасида қилган ишларингиз дағалми?*

*Сиз бошдан кечираётган ғам-ташвишлар-у, муаммоларнинг ечими бор!*

*«Тез тилсим» – янги, ютқизиксиз, натижалли, ўзлаштирилиши осон кечадиган курс! Юзлаб, минглаб сеҳргар-у, афсунгарлар ушбу курс орқали ўз ташвишларидан халос бўлишди!*

*Топшемлик З. Йиглоқи хоним ёзмоқдалар:*

*«Хотирам жуда ёмон. Бирон-бир афсун формуласини эслаб қола олмайман. Мен тайёрлаган ҳар қандай дамлама яқинларимни қулдириб, ичагини узар эди. Ҳозир-чи, «Тез тилсим» курсини ўтгач, барчанинг диққат-эътибор марказидан жой олганман. Дўстларим бундай муваффақиятимнинг сир-асрорларини сўраб, ҳоли-жонимга қўйишмайди!»*

*Воқиф Д. Жей иқрор бўлмоқда:*

*«Менинг сеҳр-жодуларимни кўрган хотиним фақат бурнини жийириб ўтар эди. Сиз томондан ҳавола этилган ушбу ажойиб курсда таҳсил кўришга мажбур бўлдим. Атиги бир ой ўтгач, хотинимни мот қилиб, ўзини қулгига қўйиб қўйдим! «Тез тилсим» га катта раҳмат!».*

Тетиклашиб кетган Гарри қолган хатларни ҳам тез кўриб чиқди. Қизик, Филчга «Тез тилсим» нимага керак бўлиб қолди? Нима, у ҳақиқий сеҳргар эмасми? Гарри эндигина «Биринчи дарс: таёқчани тўғри ушлаш (фойдали маслаҳатлар)»ни ўқишга киришган эди-ки, эшик ортида эшитилган қадам товуши Филчнинг қайтиб келаётганлиги ҳақида далолат

берди. У пергамент варақларини конверт ичига тез тикиб, стол устига ташлади. Эшик очилиб, туркидан музаффарият ёғилиб турган Филч кўринди.

- Ўзидан ўзи йўқолиб қоладиган ўша жавон ниҳоятда қиммат турар эди! - завқланиб гапирди у миссис Норрисга, - Бу сафар Дрюзг важ-корсон қила олмайди қадрли... Айни шу фурсатда унинг нигоҳи стол ёнида ўтирган Гарри билан «Тез тилсим» курси жойланган конвертга тушди. Бола шошиб колганидан конвертни мукаддам ётган жойидан узоқроқ ташлаб қўйган экан.

Шу заҳоти Филчнинг рангпар нусхаси пишган ғишт тусини касб этди. Нафрат тўлқинини сезган Гарри вужудини ғуж қилиб олди. Филч столга ташланиб, конвертни чангаллаб олди-да, яшиқ ичига ташлади.

- Сен... ўқидинг-ми?

- Йўқ, - тез ёлғон гапирди Гарри.

Филчнинг ғадир-будур бармоқлари бир-бирига асабий ўралиб қолди.

- Агар менинг шахсий ёзишмаларимни ўқишга журъат этган бўлсанг, гарчи бу менга эмас, ўртоғимга йўлланган бўлса-да... бир сабаб билан менга келиб қолди... бари-бир...

Гарри унга хавотирланиб қараб турди. Филч ҳали бу қадар хижолат тортмаган. Унинг гўё ёрилиб кетаётган кўзлари ўз косасидан чиқиб қолган, осилиб қолган лунжида асаб толаси титрар, ҳатто катак гулли шарф ҳам фойдасиз кўринар эди.

- Яхши, бор. Ҳеч кимга чурқ этма. Гарчи ўқиган-ўқимаганингни аҳамияти бўлмаса-да... Мен Дрюзг устидан ариза ёзишим керак. Бор!

Омади юришганига ҳалигача ишонмаган Гарри йўлак бўйлаб югурганча нари кетди. Филч ҳузуридан жазога тортилмай қутулиб чиқиш ҳолатини ўзига хос рекорд деб билса бўлади.

- Гарри! Гарри! Хўш, қалай? Ёрдами тегди-ми?

Девордан Деярли Бошсиз Ник чиқиб келди. Чамаси етарлича катта баландликдан қулаб тушган йирик ўлчамли қора жавоннинг тилла суви юритилган бўлақлари арвоҳнинг танаси орқали кўриниб турибди.

- Филчни чалғитишга ёрдам беради деган мақсадда унинг хонаси яқинидаги мана бу жавонни онтариб ташлашга Дрюзгни кўндира олдим, - илҳомланиб гапирди рух.

- Сени ишингмиди бу? - миннатдор ҳайратланди Гарри, - Албатта ёрдам берди. Мени ҳатто жазога ҳам тортмади. Раҳмат, Ник!

Улар йўлак бўйлаб бирга кетишди. Рух халигача сэр Патрикдан олган мактубни қўлида айлантириб борар эди.

- Афсус, Бошсизлар аҳлига аъзо бўлиш борасида сенга ҳеч қандай ёрдам кўрсата олмайман-да, - хайрихоҳлик билдирган бўлди Гарри.

Дафъатан Деярли Бошсиз Ник худди оёғи ерга кўмиб қўйилгандай туриб қолди. Хаёлга чўмиб бораётган Гарри эса унинг танаси орқали ўтиб кетди. Бу ёқимсиз ҳис бўлиб, киши худди муздай сув пардаси орқали ўтиб кетгандай бўлади.

- Мундоқ мулоҳаза юритиб кўрсак, сен чиндан ҳам мен учун ҳаракат қилиб кўришинг мумкин, - қувонч билан хитоб қилди Ник, - Гарри, сендан бир нарсани илтимос қилмоқчиман-у, кўнмасанг керак деб кўркаман.

- Нимани?

- Биласанми? Хэллоуин байрами билан бирга мен ўлган кунимнинг беш юз йиллигини нишонламоқчиман, - деди рух, викор билан кўкрак кериб.

- Ўлган кунингни нишонламоқчисан?

- Ҳа. Худди туғилган кун каби.

- Шундай дегин, - деди Гарри, бундай ҳолларда табриклаш керакми, ҳамдардлик билдириш керакми, билмай, - Тушундим.

- Шу кун шарофатига кенгроқ ертўлалардан бирида имлама зиёфат бермоқчиман. Унга юртимизнинг жамики бурчакларидан дўстларим ташриф буюришади. Сенинг ташрифинг мен учун катта шараф. Табиийки, мистер Уэсли билан мисс Грэнжерни ҳам кўрсам жуда қувонган бўлар эдим. Бироқ сизларни мактабнинг байрам зиёфати кўпроқ қизиқтирса керак? - деди Ник, Гаррининг жавобини интизорлик билан кутиб.

- Қўйсанг-чи, - тез жавоб қайтарди Гарри, - Мен албатта келаман.  
- Қадрдоним! Гарри Поттер – менинг ўлган куним юбилейида! Ха, яна бир нарса, - деди, илтимос қилишга иккиланиб қолган рух, - Сэр Патрик билан суҳбат давомида мени ниҳоятда даҳшатли, мудҳиш эканлигимни тасодифан таъкидлаб ўта оласанми?  
- Алда... албатта, - гўлдираб қўйди Гарри.  
Деярли Бошсиз Ник ярқираб кетди.  
Гарри ниҳоят ювиниб, тараниб, кийимини алмаштириб, умумий мехмонхонада ўтирган Рон билан Гермионага келиб қўшилгач, маросимга таклиф қилинганлигини айтди.  
- Ўлган кун юбилейи? - хитоб қилиб юборди Гермиона, - Онт ичаман-ки, тириклар орасида бундай байрамга ташриф буюрганлар топилмайди! Ахир бу жуда ажойиб-ку!  
- Одам деган ўзининг ўлган кунини ҳам нишонлайди-ми? - вайсади сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанидан берилган уй вазифасини бажариб ўтиргани учун ҳам кайфияти ёмонлашган Рон, - Ўлгудай ситам ўтказадими-ку. Назаримда...  
Жала ҳамон деразаларни савалаб, кун янада қоронғилашиб борса-да, мехмонхона ёруғ ва шинам. Каминда ёнаётган гулхан гриффиндорчилар китоб ўқиб, суҳбат қуриб, уй вазифасини бажариб ўтирган лүппигина креслоларга олачалпоқ шуълаларини ташламоқда. Фред билан Жорж доктор Филибустернинг сувдан оловсиз отиладиган мушакларидан бирини саламандрага едиришга уринишмоқда. Ярқираб турган ушбу малла ранг, оловда яшайдиган жониворни Фред сеҳрли хайвонларни парвариш қилиш дарсида ўтказиладиган тажрибалардан «қутқариб» қолди. Энди у бир гуруҳ кизиқувчилар ўраб олган стол устида буруқсаб ётибди (*Саламандра – (лат. Salamandra) ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшайдиган, думли хайвонлар туркумига мансуб хайвон зоти бўлиб, ўз ичига нисбатан ривожланган, бола туғадиган (тухум очмай болалайдиган), қуруқликда яшайдиган турларни мужассам этади. Европа, Осиё ва Шимолий Америкада 15 та тури кенг тарқалган*).  
Гарри дўстлари Рон билан Гермионага Филч ва «Тез тилсим» курси ҳақида гапириб бериш учун эндигина оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, саламандра дафъатан ҳавога шиддат билан кўтарилиб, хона ичида гўё қутуриб кетгандай учқун сачратиб, портлаб учганча, гир айлана бошлади. Ўз укаларига томоғи хириллаб қолгунга қадар қичқираётган Персининг аҳволи, саламандра оғзидан отилиб чиқаётган мандарин рангли юлдузчалар фаввораси, унинг камин ичига кириб кетиб, баланд товуш чиқарганча портлаб кетиши Гаррининг хаёлидан кишини зериктирадиган ўша Филчни ҳам, унинг конвертини ҳам батамом чиқариб юборди.

\*\*\*

Хэллоуин байрамига яқин қолганида Гарри Деярли Бошсиз Никнинг ўлган кун юбилейига ташриф буюриши борасида шоша-пиша ваъда бериб қўйганига афсус қилди. Ҳамма бўлғуси байрам зиёфатини ўйлаб лаззатланмоқда. Катта Зал ҳар доимгидек тирик кўршапалаклар билан ясантирилган. Хагрид етиштирган баҳайбат ошқовоклардан шундай фонуслар тайёрланганки, ҳар бирининг ичига уч нафар катта ёшдаги киши бемалол сиғади. Бунинг устига, Дамблдор, байрам тантаналарига ракс тушадиган скелетлар труппасини таклиф қилибди деган миш-миш гаплар тарқалган.  
- Ваъда берилди-ми, вафо қилмоқ даркор, - деди Гермиона, насихатомуз оҳангда, - Сен эса ўлган кун юбилейига келаман деб ваъда бергансан.  
Шу боис ҳам кечки соат еттида Гарри, Рон ва Гермиона одам тўлиб-тошган, олтин ликоплар ва кумуш қандиллар ярақлаб турган Катта Залнинг эшиги ёнидан ўтиб, ертўла томон йўл олишди.  
Деярли Бошсиз Ник шарофатига имлама кеча ўтказиладиган хона томон олиб борадиган йўлак шамлар воситасида ёритилгани билан, бундай ёруғлик шодмонликдан йироқ кайфият улашмоқда. Узун, ингичка, қўмирдек қоп-қора мум шамлар ёрқин кўк ранг берганча ёниб, тирик кишининг юзига ҳам нариги дунёнинг шаффоф шуъласини

ташлайди. Ўша хона томон қўйилган ҳар бир қадам совуқликка элтади. Гаррининг эти жунжикиб, коржомасига зичроқ ўраниб олди. Дафъатан катта синф тахтасини гўё мингта тирноқ тирнаётган товуш эшитилди.

- Бу нима, уларнинг мусиқасими? - пичирлаб сўради Рон.

Болалар муюлишга ўтиб, қора бахмал билан чиройли тўсиб қўйилган эшик ўрнида турган Деярли Бошсиз Никни кўришди.

- Қадрдон дўстларим, - деди у, болаларни мархум овози ила қарши олиб, - Хуш келибсиз... Қадамингизга ҳасанот. Келганингиздан жуда мамнунман.

Рух бошидаги патли шляпани ечиб, таъзим қилганча, ичкарига имо қилди.

Ичкарида киши ёдидан чикмайдиган манзара. Ертўла садафдек оппок, шаффоф одамларга тўлиб-тошган. Уларнинг аксарияти рақс майдонида, ўттизгача мусиқа аррасининг ваҳимали ғувиллаган садоси остида сирпанишмоқда. Оркестр хонанинг қора бахмал билан безалган энг баланд жойига жойлашиб олган. Зал шифтига осилган йирик шамдондаги мингдан кам бўлмаган қора шамлар тун ярмига хос нур сочиб турибди. Нафаслари буғланиб чиқаётганини кўрган болалар ўзларини музлатиш камерасига киргандай ҳис этишди.

- Юринглар, атрофни кўздан кечириб чиқамиз, - таклиф киритди Гарри, оёқларни иситиб олишни кўзлаб.

- Эҳтиёт бўл, бирортаси орқали ўтиб кетма тагин, - хавотирланиб огоҳлантирди Рон.

Болалар рақс майдони доирасининг чети бўйлаб боришди. Уларга маъюс роҳибалар гуруҳи, жулдур кийимли, занжирбанд киши, хуффльпупфчиларнинг доимо кувноқ Семиз Роҳиби дуч келди. Роҳиб пешонасига камон ўқи санчилиб қолган қандайдир рицар билан жонли суҳбат қуриб турибди. Кўз чаноғи бўм-бўш, юзи мудхиш, эгнидаги кийими кумуш тусли қонга беланган слизеринчиларнинг дахшатли руҳи Қонхўр Баронни барча меҳмонлар четлаб ўтаётганини Гарри хурсанд бўлиб кузатди.

- О, йўқ, - деди Гермиона, шартга тўхтаб, - Бошқа томонга бурилайлик. Мен Дилгир Миртл билан учрашмоқчи эмасман.

- Ким билан? - сўради Гарри, шошилиш равишида нари кетишгач.

- У, биринчи каватдаги қизлар хонасига унитаз ичидан чиқиб келади, - тушунтирди Гермиона.

- Унитаздан чиқиб келади?

- Ҳа, унитаздан. Ҳожатхона ўтган йили ҳам, бу йил ҳам ишламади. Негаки, Миртлнинг доимо хуружи тутиб, мунтазам сув бостириб боради. Мен у ерга, истисно ҳоллардан ташқари, умуман кирмайман. Бошинг узра кимдир увиллаб туришини тоқат қилиб бўлмайди...

- Қаранглар, таом! - деди Рон.

Залнинг иккала томонига узун столлар қўйилган бўлиб, устига қора бахмал ёзилган. Болалар иштиёқ билан яқин боришди-ю, шу захоти орқага тисарилишди. Дастурхонга тортилган таомлардан бадбўй хид уриб турибди. Қумуш ликопларда сасиган балик, патнисларда куйган пирог уюми ётибди. Дастурхонга асосан қўй қорни ва ичакларидан тайёрланган қуртлаган таом (хаггис), шунингдек, қалин яшил мағор босган пишлоклар тортилган. Ўртага эса мисли қўрилмаган катта ўлчамли, қабр тоши шаклида тайёрланган кул ранг торт қўйилган бўлиб, унга қора рангли шакар-киём билан қабр ёзуви юритилган:

*Сэр Николас де Мимси-Порпиньон*

*1492 йил 31 октябрь куни вафот этган*

Тўладан келган бир рух стол ёнига келиб, чўккалади-да, оғзини катта очганча, ярим эгиб олган оёқларида юриб, сасиб кетган гўшти кизил балиқдан (лососдан) тайёрланган таом орқали ўтиб кетди. Буни кўрган Гарри ханг-манг бўлиб қолди.

- Таом орқали ўтсангиз, уни егандай бўласизми? - сўради Гарри ўша руҳдан.

- Шундай деса ҳам бўлади, - жавоб қайтарди рух ва нари учиб кетди.

- Назаримда, таъми ва ҳиди ўткирроқ бўлгани учун ҳам, уларга сасиган, айниган таомлар кўпроқ ёқади, - бир нарсани англаб етгандай фикр билдирди Гермiona, ириган хагисни батафсилроқ кўриб олиш учун бурнини маҳкам ёпиб, эгилганча.
- Эҳтимол нари кетармиз, йўкса кўнглим айниб, қайт қилиб юбораман, - деди Рон. Улар эндигина бурилишган эди ҳам-ки, стол остидан кичкинагина одамча учиб чиқиб, болаларнинг рўпарасида муаллақ осилиб қолди.
- Салом, Дрюзг, - хавфсираб саломлашди Гарри. Рухлардан фарқли ўларок, полтергейст оқ ва шаффоф эмас. У ўзининг қийшиқ қийиб олган ёрқин малла рангли қоғоз шляпаси, жирканч рангли капалак нусха бўйинбоғи ва дарғазаб ишшайиши билан рангли доғ кўриниш бериб, қолганлардан ажраб туради.
- Хўш, бирон нарса еб кўрамизми? - таклиф киритди Дрюзг, хуш эшитиладиган оҳанг билан.
- У қўлига моғор босган ер ёнғоқ солинган ликоп ушлаб олган.
- Йўк, раҳмат, ош бўлсин, - рад этди Гермiona.
- Дилгир Миртл хақида билдирган фикрингни эшитиб қолдим, - деди кўзларида маккорона учкун кўринган Дрюзг, - Бечора киз тўғрисида шу қадар кўпол гап айтилдики... У чуқур нафас олди-да, овози борича қичқирди.
- ҲОЙ! МИРТЛ!
- Кераги йўк, Дрюзг, гапларимни унга етказма, хафа бўлади, - умидсиз шивирлади Гермiona, - Мен у ҳақда бирон-бир ёмон фикрда эмасман, умуман мен у ҳақда гапирганим йўк. О, салом Миртл.
- Болалар олдига бўйи паст, елкаси кенг қизнинг руҳи сирпаниб келди. Унинг ёзилган сочлари ва қалин кўзойнаги ортида бекинган юзи Гарри кўрган бошқа рухларнинг юзига нисбатан ғамгин.
- Нима дейсан? - деди у, қовоғини солиб.
- Яхши яшаяпсан-ми, Миртл? - сўради Гермiona, сохта тетик оҳангда, - Ҳожатхонадаги учрашувларимиз менга ёқади.
- Миртл истехзоли кулиб қўйди.
- Яхши «яшаяпман».
- Миссис Грэнжер ҳозиргина сени эслаб ўтди, - деди Дрюзг ва тилёғламалик билан Миртлнинг кулогига нималардир пичирлади.
- Мен фақат... мен... бугун Миртлнинг кўриниши чакки эмас дедим холос, - деди Гермiona Дрюзг томон ўқрайиб қараб.
- Миртл Гермionaга шубҳа билан бошдан оёқ қараб чиқди.
- Сизлар менинг устимдан куляпсиз, - деди у, кўзлари ёшга тўлиб.
- Йўк, мен бугун Миртлнинг кўриниши чакки эмас дедим. Шундай дедим-ми? - деди Гермiona Гарри билан Роннинг биқинига ниқтаб.
- Ҳа, ҳа, албатта.
- Ҳа, шундай деди.
- Ёлғон гапирманг, - пичирлади Миртл, кўзларидан шашкатор ёш оқиб.
- Дрюзг эса унинг ортига ўтиб олиб, қувноқ қайфиятда ҳиринглаганча осилиб турди.
- Ортимдан нималар дейишингизни билмайман деб ўйлайсиз-ми? Семиз Миртл! Бадбашара Миртл! Аянчли, мишиғини эплай олмайдиган, йиғлоқи Миртл!
- «Хуснбузар босган Миртл»ни унутиб қўйма, - эслатди Дрюзг, орқада туриб.
- Қиёфаси аламдийда ҳолат касб этган Дилгир Миртл бурнини тортганча, ертўлани тарк этди. Ўз қилиғидан қувониб кетган Дрюзг унинг изидан учиб, «Хуснбузар босган Миртл!», «Хуснбузар босган Миртл!» деб қичқирганча, орқасига ер ёнғоқ улоқтириб борди.
- Қандай дахшат, - деди Гермiona, маънос оҳангда.
- Деярли Бошсиз Ник халойиқ орасидан болалар олдига яқинлашди.
- Зерикмадингиз-ми? Хурсандчилик қиляпсиз-ми? - сўради у.
- Ҳа, албатта, - ёлғон гапиришди болалар.

- Кеча ёмон ўтмаяпти, - ғурур ила маълум қилди Ник, - Қайнатилган Бева, тасаввур килинг, Кентдан етиб келибди! Хўш, сўзга чиқиладиган вақт бўлди. Бориб оркестрни огоҳлантириб қўйишим керак...

Бироқ Деярли Бошсиз Никнинг гапи тугамасидан оркестр шундоқ ҳам куй чалишдан тўхтади. Каердандир ов бурғусининг товушини эшитган болалар, ушбу кечага ташриф буюрган бошқа меҳмонлар каби жим бўлиб, қизиксиниб атрофга қараб қолишди.

- Етиб келишди, - маънос пичирлади Деярли Бошсиз Ник.

Ертўлага, ўн иккита от руҳи деворлардан ўтиб, бостириб кирди. Уларнинг ҳар бирини биттадан бошсиз чавандоз виқор ила эгарлаб олган. Йиғилган меҳмонлар чавандозларни гулдурос қарсақлар билан қарши олишди. Гарри ҳам қарсақ ура бошлади-ю, Никнинг қиёфасига эътибор қаратиб, бас қилди.

Отлар югурганча, ракс майдони доирасининг қоқ марказига кириб боришди-да, олд туёқларига куч билан таяниб, орқа оёқларини бир оз эгиб, кескин тўхташди. Ов бурғусини чалаётган соқолли бошни қўлтиқлаб олган забардаст руҳ отликларни бошқармоқда. У отдан сакраб тушиб, хаммани қулдирганча, атрофни кўриб чиқиш учун қўлидаги бошни баланд кўтарди, сўнг уни елкасига жойлаб, тикка Деярли Бошсиз Ник томон йўл олди.

- Ник! - гумбурлаган овоз билан хитоб қилди меҳмон, - Ишлар қалай? Бошинг ҳали узилиб тушмади-ми?

Қаххаха отиб қулган чавандозлар сардори Деярли Бошсиз Никнинг елкасига уриб қўйди.

- Хуш келибсан, Патрик, - зўриқиб салом берди Ник.

- ТИРИКЛАР! - тўсатдан қичкириб юборди сэр Патрик, бармоғини Гарри, Рон ва Гермiona томон ўқтаганча, сохта кўрқув билан ортга баланд сапчиб.

У атайин шундай қилдики, елкасидаги боши боз узилиб тушди. Сэр Патрикнинг қилиғини кўрган халойиқ кулавериб, юмалаб қолди.

- Жуда қулгили, - маънос изох берди Деярли Бошсиз Ник.

- Никка эътибор қаратманг, - қичқирди сэр Патрикнинг ерда ётган боши, - У, Бошсизлар аҳлига қабул қилишмаётгани учун ҳам хафа бўлиб юрибди! Бироқ мени тўғри тушунишларингни истар эдим. Агар унга диққат билан разм солинса...

- Назаримда, - тез гапга аралашди Гарри, Никнинг пурмаъно нигоҳига эътибор қаратгач, - Ник жуда... даҳшатли... ва ммм...

- Ҳа! - чийиллади сэр Патрикнинг боши, - Гаров ўйнашим мумкинки, бу гапни айтишингни Никнинг ўзи илтимос қилган сендан!

- Жаноблар, диққат! Сўзга чиқиш вақти келди, - баланд овоз билан эълон қилди Деярли Бошсиз Ник, кўк прожекторнинг совуқ нури билан ёритилаётган давра ўртасидаги супа устига чиқиб.

- Ҳурматли марҳумлар! Хонимлар ва жаноблар! Чуқур қайғу ила...

Бироқ ҳеч ким ҳеч нарса эшитаётгани йўқ. Сэр Патрик ва унинг шериклари бош тепиб, футбол ўйнашга киришиб кетишиб, йиғилган меҳмонларнинг ҳаммаси беихтиёр уларга юзланди. Деярли Бошсиз Ник ҳарчанд уринмасин, ҳеч кимнинг эътиборини ўзига жалб эта олмади. Сэр Патрикнинг боши қулоғи ёнидан учиб ўтиб, ҳамма хайратдан хитоб қилиб юборганида, Ник натижасиз уринишини бас қилиб, қўлини силтаб қўйди.

Бу вақтга келиб, Гарри, очликдан ташқари, жуда ҳам совқотиб кетганини сезди.

Оркестр яна ўз мусикасини бошлаб, руҳлар ракс майдонига қайтишди.

- Мен ортик бардош бера олмайман, - ғўлдиради Рон, тиши тишига тегмай.

Улар аста-секин чиқиш эшиги томон чекиниб, эътибор қаратган ҳар бир руҳга бош эгишганча, иршайиб боришди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас болалар қора шамлар ёритиб турган йўлак бўйлаб тез одимлаб, юқорига кўтарилди.

- Эҳтимол пудингни ҳали охиригача еб битиришган йўқдир-а, - деди ҳаммадан олдинда бораётган Рон умид билан.

Улар зинадан вестибюлга кўтарила бошлаган эди ҳам-ки, бирдан Гаррининг қулоғига:

- ... санчиб олай... бурда-бурда қилиб... ўлдиришга...- сўзлари эшитилиб қолди.

Бу Чаруальднинг хонасида қаҳрга тўлиб-тошиб эшитилган, бутун вужудни қамраб олиб,



томирдаги қонни совитиб юборадиган ўша овоз эди.

Гарри орқага тисланиб, тўхтаб қолди. Деворни ушлаб, қулоғига зўр берганча, кўзларини маҳкам қисиб олди-да, атрофга, ғира-шира ёритилган йўлаклар ичкарасига тикилиб қараб чиқди.

- Гарри, сенга нима қилди?

- Яна ўша овоз. Бир пас жим турунлар...

- ... оч қолдим... узоқ вақтдан буён...

- Қулоқ солинг! - куч билан буюрди Гарри.

Рон билан Гермiona унга тикилиб қолишганча, турган жойларида котиб қолишди.

- ... ўлдирмоқ... ўлдирмоқ вақти етди...

Овоз тобора бўғиқ эшитилиб, юқорига кўтарилганча, нари кетаётганига Гарри шубҳа қилмади. Унинг бутун вужуди даҳшат ва ҳаёжон билан уйғунлашиб кетди. Бола қоронғи шифтга қараб, овоз қай тарзда юқорига кўтарилиши мумкинлиги ҳақида ўйланиб қолди. Эҳтимол бу, тошдан тайёрланган шифт тўсиқ бўла олмайдиган ҳаёлот овозидир?

- Бу ёққа юрамиз! - бақирди Гарри, зинадан вестибюль томон югурганча кўтарилиб.

Катта Залдан эшитилаётган шовқин туфайли бирон-бир бошқа овозни илғаб олиш амри маҳол. У мрамор зина бўйлаб зинғиллаганча биринчи қаватга чиқди. Рон билан Гермiona Гаррининг кетидан тентираб боришди.

- Гарри, қаёққа кетяпмиз...

- ШШШ!

Гарри яна қулоғига зўр берди. Энг юқори қаватдан, ҳар сония ўтган сари, сусллашиб бораётган бўғиқ овоз эшитилди:

- ... қон хидини ҳис этяпман... қон хидини...

Гаррининг қорин соҳасида нимадир буришиб кетгандай бўлди.

- У кимнидир ўлдирмоқчи! - кичқирди у, ханг-ман бўлиб қолган дўстларига эътибор қаратмай.

Гарри зинанинг учтадан поғонасини ошиб ўтганча, яна югуриб кетди. Ўз қадамларидан эшитилган гумбур-гумбур орасида ўша овозни ажратиб олишга уринди...

У бутун иккинчи қават бўйлаб ғизиллаб кетди. Хансираб қолишган Рон билан Гермiona эса Гаррининг изидан тўхтамай югуришди. Ниҳоят улар сўнги муюлишга бурилиб, хилват йўлакка етиб келишди.

- Гарри, тушунтириб берсанг-чи, нима бўляпти ўзи? - сўради ҳолдан тойган Рон, терлаб кетган юзини артиб, - Мен ҳеч нарса эшитмадим...

Дафъатан оҳ уриб юборган Гермiona кўлини узатиб, йўлакнинг ичкарасини кўрсатди.

- Анави томонга қаранг!

Деворда нимадир йилтиради. Болалар қоронғиликка синчиклаб қараганча, яқин боришди.

Икки дераза ўртасидаги деворда ҳар бирининг бўйи қарийб бир метрдан келадиган ҳарфлар билан наридан-бери ёзилган, ёниб турган машъалалар нуридан хира ярқираб кўринаётган сўзлар кўринди:

**МАҲФИЙ ХОНА ЯНА ОЧИЛДИ.**

**ВОРИС АҒЁРЛАРИ, ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ.**

- Анави... осилиб турган нарса... нима экан? - сўради Рон, титраб кетган овози билан.

Улар майда қадам ташлаб, осиб қўйилган жисмдан кўз узмай, ёзув томон яқин боришди.

Полни сув босган. Гарри сирпаниб кетиб, Рон билан Гермiona тутиб қолишмаганида шалаббо бўлишига бир баҳя қолди. Осилиб турган нарса нима эканлигини учовлон бирдан англаб, сувни шапиллатганча, бараварига ортга тисланди.

Ёғочдай қотиб, катта-катта очилган кўзлари аллақерга қараб қолган миссис Норрис машъала туткичига думидан осиб қўйилган.

Бир неча сония давомида учала боладан бирортаси қилт эта олмай қолди. Ниҳоят Рон тилга кирди.

- Тез бу ердан жуфтакни ростлашимиз керак.
- Эхтимол мушукка ёрдам кўрсатиш керакдир... - деди Гарри, хижолат тортиб.
- Гапимга ишон, - шартта кесди Рон, - Агар бизни шу ерда кўриб қолишса, ўзимизга ёмон бўлади.

Бироқ кеч бўлди. Узоқда, момақалди роқ каби гумбурлаб янграган товуш байрам тадбирларининг ниҳоясига етганини аңлатди. Болалар турган йўлакнинг иккала томонида зинапоаялардан кўтарилаётган юзлаб қадам товушлари, мазали таомларга тўйиб олишган бахтли овозлар эшитилиб, хаёл ўтмай атроф ўқувчиларга тўлди.

Вати-вути, кулги, тўполон бирданига узилди. Хамманинг нигоҳи осилиб турган мушукка тушди. Йўлакнинг ўртасидаги Гарри, Рон ва Гермиона гўё яккалатиб қўйилган, кўзга кўринмас доира ўртасида туриб қолишгандай. Ушбу доира четига яқин келганларни, ортда, нима бўлганини билишга қизиқаётганлар туртишмоқда.

Дафъатан кимдир жимликни бузганча, бақириб юборди.

- Ворис ағёрлари, эҳтиёт бўлинг! Магловаччалар, навбат сизларга етди!

Бу Драко Малфойнинг овози. У олдинга туртиниб чиққан, одатда, рангпар юзига қон югурган, от тумшугига ўхшаш чўзиқ юзига ўзининг жирканч, мурдор кулгисини ёйиб олиб, қилт этмай осилиб турган мушукка олазарақ бўлиб кетган совук кўзлари билан тикилиб қолди.

## IX БОБ.

## ДЕВОРДАГИ ЁЗУВ

- Нима бўлди? Тинчликми?

Эътиборини Малфойнинг қичқириғи жалб этганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўладиган Аргус Филч ўқувчилар орасидан ўтиб келиб, миссис Норриснинг ҳолатини кўриши билан ўзини ташлаб юборди. Орқада турган болалар уни базўр тутиб қолишди.

- Мушугим! Менинг мушуккинам! Миссис Норрисга нима қилди? - чийиллай бошлади у. Унинг телба нигоҳи Гаррига келиб тўхтади.

- Сен! Сен ўлдиргансан мушугимни! - жазаваси тутиб, бақира кетди Филч, - Сен ўлдирдинг! Энди мен сени ўлдираман! Мен...

- Аргус!

Жиноят содир этилган жойга бошқа ўқитувчилар билан бирга етиб келган профессор Дамблдор дархол Гарри, Рон ва Гермионани айланиб ўтди-да, машъала тутқичига осиб қўйилган миссис Норрисни ечиб олди.

- Мен билан юринг Аргус, - деди у Филчга, - Сизлар ҳам, мистер Поттер, мистер Уэсли ва мисс Грэнжер.

- Менинг хизмат хонам яқинроқ, - шайлик билан олдинга чиқди Чаруальд, - Зинадан кўтарилсангиз бас. Бажонидил ҳавола...

- Раҳмат, Сверкароль, - миннатдорлик билдирди Дамблдор.

Овоз чиқармай турган халойиқ йўл бериб, уларни ўтказиб юборди. Вужуди викор-у, ғурур бўлиб кетган Чаруальд профессор Дамблдор изидан, унинг кетидан эса профессор Макгонагалл билан Снегг эргашди.

Улар қоронғи хонага кириб боришганида деворларда беҳаловат югур-югур ҳаракатлар сезилди. Гарри фотосуратларнинг ортига яширинаётган, сочлари жингалак кўриниши учун соч найчаларига ўралган бир нечта Чаруальдларни кўриб қолди. Ҳақиқий Чаруальд эса иш столидаги шамларни ёқиб, нари чекинди. Дамблдор миссис Норрисни столнинг сайқал берилган силлиқ юзасига ётқизиб, диққат билан кўздан кечиришга киришди. Гарри, Рон ва Гермиона бир-бирига жиддий қараб қўйиб, қоронғи бурчақда турган креслоларга жойлашиб олишди-да, хонада амалга оширилаётган тадбирни жимгина кузатиб ўтиришди. Дамблдорнинг илмоксимон қайрилма бурни мушук юнгига деярли тегиб кетмоқда. Директор ўзининг ярим ой шаклига эга шиша кўзойнаги ортидан миссис Норрисни синчковлик билан ўрганиб, узун бармоқлари билан мушукнинг ҳаракатсиз танасини эҳтиёткорона пайпаслаб кўрди. Кўзларини қисиб олиб, паст эгилган профессор

Макгонагалл ҳам, танасининг ярми қоронғилиқда қолган Снегг ҳам мушукни кўздан кечирди. Северуснинг юзи, гўё истехзоли кулгисини базўр яшираётган каби, ғалати ифода касб этди. Чаруальд эса учовлон профессор атрофида гир айланганча, бўлиб ўтган ходисага доир турли хил, куракда турмас, бемаъни фикрлар билдиришдан жағи тинмади.

- Мушукни Асабларни қақшатиш кийноғи ўлдиргани аниқ. Мен бундай афсунга кўп маротаба дуч келганман. Афсус, ўша пайтда ходиса жойида бўлмаган эканман-да... Мен айнан ўша афсунга қарши афсундан бохабарман. Мушукнинг ҳаётини ҳам сақлаб қолган бўлармидим...

Чаруальд ўз нутқини Филчнинг дард-хасратли, бўғиқ ҳикиллаши билан сингдириб борди. Мактаб назоратчиси ночор ахволда, миссис Норрис томон қиё боқишга юраги бетламай юзини кафти билан бекитиб, креслога ётиб олган. У Гаррининг кўзига қабих кишидай кўринса-да, айна фурсатда боланинг қалби Филчга ҳамдард бўлмай қолмади. Тўғриси айтиш керакки, ўзига нисбатан ҳам ачиниш хиссини сезиб турибди. Негаки, агар ҳозир Дамблдор Филчнинг тухматига ишонадиган бўлса, мактабдан ҳайдалиши муқаррар. Дамблдор аллақандай ғалати сўзларни ўзича ғўлдираб, сеҳрли таёқчасини миссис Норриснинг танасига теккизиб кўрди. Бироқ бу иш бирор-бир наф бермади. Мушук ҳалигача, худди янги ясалган тулумга ўхшаб ётибди.

- ... эсимда бор, Квагадугуда ўхшаш ходисага дуч келиб қолган эдим, - сайрашини қўймади Чаруальд, - Бир савдойи ўша ерда жиний қилмиш қилиб юрган экан. Мен бу ҳақда таржимаи ҳолимда жуда батафсил ёзганман. Бир қатор жиноятлар... Бироқ уларнинг деярли ҳаммасини бартараф этишга эришдим. Дастлаб, кичик шаҳарча аҳолисига турли туман туморлар тарқатиб чиқдим...

Чаруальднинг фотосуратдаги акслари унинг гапини маъқуллаб, бош ирғиб туришибди. Улардан бири эса бошидаги соч тўрини ечиб қўйишни унутган.

Нихоят Дамблдор қад ростлади.

- У ўлгани йўқ, Аргус, - деди юмшоқ овоз билан.

Олдини олишга эришган жиноятларнинг ярмини ҳам санаб ўтишга улгурмаган Чаруальд унини ўчирди.

- Ўлгани йўқ? - сўради нафаси тикилиб қолган Филч, миссис Норрис томон, бармоқларини аста очиб қиё боққанча, - Нега бўлмасам у... қандайдир ҳаракатсиз, совиб қолгандай ётибди?

- Уни тошга айлантириб қўйишган, - тушунтирди Дамблдор, - У Донг қотган.

- Ҳа! Мен ҳам шу хаёлга борган эдим, - гапга аралашди Чаруальд.

Дамблдор Чаруальднинг сўзларига эътибор ҳам қаратмай, гапини давом этди.

- Бироқ бу иш қандай қилиб, қай йўсинда қилинганлигини мен ҳозирча айта олмайман...

- Буни анави айтади. Ўшандан сўранг! - фарёд кўтарди Филч, йиғлайвериб шишиб кетган қизил юзини Гаррига қаратиб.

- Бундай иш иккинчи синф ўқувчисининг қўлидан келмайди, - ишонч билан баёнот қилди Дамблдор, - Донг қотириш учун юқори малакали ёвуз сеҳргарлик қобилияти талаб этилади...

- Ўзингиз кўрдингиз-ку, деворга нима деб ёзганини, - кичқиришини қўймади шишган юзи қизариб кетган Филч, - У қилган, у! Мени хонамда... хуллас... у билади, мени... мен... - азоб тортаётган мактаб назоратчисининг юзи буришиб кетди, - Мен швах эканлигимни билади, - базўр яқунлади Филч.

- Миссис Норрисга текканим йўқ! - деди Гарри баланд овозда.

Гарри ҳаммининг, ҳатто девордаги барча Чаруальдларнинг нигоҳи унга қаратилганидан ўзини жуда ноқулай сезди.

- Швах сўзи нимани англатишини ҳам билмайман, - қўшиб қўйди у.

- Ёлғон! «Тез тилсим» курси солинган хатимни ўқигансан!

- Ижозат берсангиз, ўз фикримни билдирсам, - янгради қоронғи бурчақда турган Снеггнинг овози.

Буни эшитган Гаррининг хаёлидаги фалокат ҳақидаги ўйлар янада зўрайиб кетди. Негаки,

Снеггнинг ҳар қандай сўзи доимо фақат Гаррини қоралашга қаратилган.

- Поттер ва унинг дўстлари нотўғри жойга, бежаврид келиб қолган, - деди Снегг, сўзлари тўғри эканлигига ўзи шубҳа қилгандай лабини қийшайтириб, - Бироқ эътироф этмоқ жоизки, ушбу бахтсиз ҳодиса бир қатор саволлар юзага келишига сабаб бўлади. Қандай қилиб Поттер, ҳодиса рўй берган вақтда юқори қаватдаги йўлакка келиб қолди? Нима учун у Хэллоуин байрам тадбирларида иштирок этмади?

Гарри, Рон ва Гермиона шу заҳоти ўлган кун юбилейига ташриф буришганлари ва уларнинг гапларини ўша тадбирда иштирок этган юзлаб арвоҳлар тасдиқлаши мумкинлигини тушунтиришга уринишди.

- Хўп, ундай бўлса нима учун ўлган кун юбилейидан чиқиб, Хэллоуин зиёфатига келмадингиз? - сўради шам нури кўзларида ёвуз ялтираган Снегг, - Нима учун юқорига кўтарилдингиз?

Рон билан Гермиона Гаррига юзланди.

- Чунки... чунки...- тўнғиллай бошлади Гарри.

Унинг юраги кўкрак қафаси чида гумбурлаб ура бошлади. Нимадир унга, ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмаган ўша овоз кимнинг овози эканлиги номаълум-у, кетидан борганлигига иқроқ бўлса, ҳаддан ташқари гап бўлишини айтиб турибди.

- Чунки биз чарчаган эдик, ётиб ухламоқчи бўлдик, - ниҳоят жавобини яқунлади у.

- Овқатланмасдан-а? - деди Снегг, сўлгин юзида ғолибона кулги кўриниб, - Арвоҳлар зиёфатида тириклар ейдиган таом топилганига шубҳа қиламан.

- Биз оч эмас эдик, - деди Рон, ҳозиржавоблик билан, оч қорнининг ғўлдираётганини эшиттирмаслик учун баланд овозда.

Снеггнинг юзидаги мурдор табассум янада кенгайиб кетди.

- Ўйлашимча, директор, Поттер бизга рўй-рост гапирмаяпти, - деди у, - Бор гапни айтиб бермас экан, уни баъзи бир имтиёзлардан марҳум қилмоқ даркор деган фикрдаман. Тўғри сўз бўлишни ўрганиб олгунга қадар уни «Гриффиндор»нинг қвидиш жамоасидан четлатмоқ лозим.

- Марҳаматлироқ бўлинг, Северус, - гапга аралашди профессор Макгонагалл, - Болани қвидиш ўйнашдан маҳрум қилиш учун бирон-бир асос кўрмайпман. Ҳар қалай, мушукнинг бошига супурги билан туширишгани йўқ. Бунинг устига, Поттерга қарши умуман ҳеч қандай далилингиз йўқ.

Дамблдор мовий кўзларини пирпиратмай мушоҳада билан Гаррига қараб турди. Буни сезган Гарри, ўзини рентген нурлари остида тургандай ҳис этди.

- Айбсизлик презумпцияси, Северус, - ёдга солди Дамблдор.

Снеггнинг ҳам, Филчнинг ҳам ғазаби қайнади.

- Менинг мушугимни тошга айлантириб қўйишди! - кичкирди Филч, кўзларини чақчайтириб, - Кимнидир жазолашни талаб қиламан!

- Биз уни даволашимиз мумкин, Аргус, - деди Дамблдор, вазминлик билан, - Профессор Сарсабил хоним мандрагора ниҳолларини топишга муваффақ бўлган. Улар етилиши билан миссис Норрисни ҳаётга қайтарадиган дармон-дори тайёрлашни буюраман.

- Уни ўзим тайёрлайман, - гапга аралашди Чаруальд, - Бу ишни юзлаб маротаба қилганман. «Мандрагора дармон-дориси»ни уйқуда ётган жойимда...

- Маъзур кўрасиз-у, - деди Снегг, совуқ охангда, - Менимча, ушбу муассасада дамламалар менинг ваколатимга қиради.

Ўртада ноқулай сукунат қарор топди.

- Сизлар боришингиз мумкин, - ижозат берди Дамблдор болаларга.

Гарри, Рон ва Гермиона югуриб кетишдан ўзини базўр тийганча, аста чиқиб кетишди.

Чаруальднинг хонасидан бир қават юқорига кўтарилгач, бўш синф хонасига кириб, эшикни ёпиб олишди. Гарри кўзларини қисиб олганча, дўстларидан сўради.

- Овоз ҳақида айтишим керакми-ди?

- Йўқ, - ҳеч иккиланмай жавоб қайтарди Рон, - Кишининг ҳеч ким эшитмаётган овозларни эшитиши, ҳатто сеҳргарлар дунёсида ҳам жуда ёмон аломат саналади.

- Сен менга ишонасан-ку, шундайми?  
- Албатта ишонаман, - тез ишонтирди Рон, - Аммо... бу... жуда ғалати эканлигига ўзинг ҳам амин бўлгандирсан?  
- Амин бўлдим, - рози бўлди Гарри, - Бу ходисанинг ўзи ғалати. Нима деб ёзилган эди деворда? «Махфий хона яна очилди»... Нимани англатиши мумкин бу сўзлар?  
- Мени эсимга тушгандай бўлди, шекилли, - деди секин Рон, - Менга кимдир «Хогварц»даги аллақандай Махфий хона ҳақида айтиб берган эди. Билл эдими-ей...  
- Швах дегани нима бўлди? - сўради Гарри.  
Рон ўзини масхараомуз кулгидан базўр тўхтатиб қолганлиги Гаррини хайрон қолдирди.  
- Аслида бу қайғули ҳолат бўлса-да, гап Филч тўғрисида борар экан, чиндан ҳам кулгили эшитилади, - гапи қовушмай тушунтира бошлади Рон, - Швах сўзи сеҳргарлар оиласида туғилган бўлса-да, ҳеч қандай сеҳргарлик қобилиятга эга бўлмаган одамни англатади. Яъни маглар оиласида туғилган афсунгарларнинг акси. Фақат швахлар фавқулодда кам учрайди. Филч сеҳргарликни «Тез тилсим» бўйича ўрганаётган экан, демак у чиндан ҳам швах. Биласизлар-ми, нима учун у ўқувчилардан нафратланади? - Рон лаззатланиб иршайиб қўйди, - Чунки у болаларга ҳасад килади.  
Қаердандир соат бонги эшилди.  
- Тун яримлаб қолди, - деди Гарри, - Бориб ётганимиз маъқул. Акс ҳолда Снегг тутиб олиб, яна нимададир айблаб бошлайди.

\*\*\*

Кейинги бир неча кун давомида мактабда фақат миссис Норрисга нисбатан амалга оширилган ҳамла тўғрисида гапирилди. Айниқса, мушуги жабр кўрган жойда тез-тез кўриниш бериб борган Филч, ушбу мавзунинг унут бўлиб кетишини қийинлаштирди. Ким билади, эҳтимол у, жинойатчининг жинойат жойига яна қайтишига умид қилаётгандир. Назоратчининг девордаги ёзувни «Миссис Шваберснинг расвогарчиликни ўчириш универсал воситаси» билан кучаниб ишқалаганча, ювиб ташлашга урингани, бироқ ёзув янада равшан кўриниб, ҳаракати беҳуда ўтаётганлигини Гарри бир неча бор кўрди. Филч жинойат жойида ўтказилган патруллик хизматидан бўш фурсатларда йиғлайвериш киши кетган кўзлари билан қаср йўлакларида сандироклаганча, айбсиз ўқувчиларга ўшқириб, уларни «қабих кулгиси» ёки «ҳаддан ортиқ қаттиқ нафас олгани» учун жавобгарликка тортиб юрди.

Жинна Уэсли миссис Норрис билан боғлиқ ходисани юракдан ҳис қилди. Роннинг сўзларига қараганда у мушукларни жуда ёқтирар эмиш.

- Ахир сен миссис Норрисни яхши билмас эдинг-ку, - юпатар эди синглисини Рон, - Чин сўзим, ўша хайвонсиз ҳаётимиз анча енгиллашди.

Акасининг ушбу сўзларидан Жиннанинг лаблари баттар титраб кетди.

- Хўп, майли, - гапини тузатишга уринди Рон, - Бундай ходисалар «Хогварц»да камдан-кам бўлади. Мактаб маъмурияти ушбу ишга қўл урган ўша савдойини албатта тутиб олиб, ўқишдан қувиб солади. Фақат умид қиламанки, қўлга тушгунга қадар у Филчни ҳам тошга айлантириб қўйишга улгуради. Э, ҳазиллашдим-е! - тез қўшиб қўйди Рон, синглисининг ранги оқариб кетганлигини кўриб.

Мушук билан боғлиқ ходиса Гермionaга ҳам таъсир ўтказди. Китоб варақлаб ўтириш унинг одатий иши эканлиги маълум, бироқ энди у, китоб мутолаасидан бошқа ҳеч нарса билан шуғулланмай қўйди. Кейинги чоршанба кунига қадар уни қандай маълумотлар қизиқтираётганлиги, китоб саҳифаларида нималарни кидириб юрганини билишнинг иложи бўлмади.

Гарри сеҳрли дамламалар тайёрлаш дарсидан сўнг ушланиб қолди. Профессор Снегг унга дарсдан сўнг қолиб, столларни найсимон чувалчанг қолдиқларидан тозалашни буюрди. Кейин, шоша-пиша тушлик қилгач, Рон билан учрашишга келишиб олган кутубхона томон ошиқди. У ерда гербология дарсида ҳамсухбат бўлган хуффльпуффчи Жастин Финч-Флетчини учратди. Гарри саломлашиш учун эндигина оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, уни

кўрган Жастин кескин орқа ўгирди-да, нари кетди.

Рон кутубхонанинг охирида, сеҳргарлик тарихи фанидан тайёрлаган уй вазифасини ўлчаб ўтирибди. Профессор Биннз «Европа сеҳргарларининг ўрта аср ассамблеяси» мавзусида ёзилган иншонинг узунлиги уч футдан қисқа бўлмаслигини тайинлаган.

- Кўзларимга ишонмайман, шунча ёзган бўлсам ҳам, саккиз дюйм етмаяпти... - деди жажли чикқан Рон, пергаментни ўзидан нари улоктириб, - Гермiona эса майда ёзув билан тўрт фут-у, етти дюйм ёзиб ташлади.

- Қани у? - сўради Гарри, жазвални қўлига олганча, ўз иншосининг узунлигини ўлчашга киришиб

- Қаердадир, хў анави ерда, - китоб тоқчалари томон имо қилди Рон, - Навбатдаги китобни қидириб юрибди. Афтидан, Рождество байрамига қадар бутун кутубхонани ўкиб чиқишга аҳд қилган кўринади.

Гарри Ронга Жастин Финч-Флетчи тескари қараб кетворганини айтди.

- Сенга нима фарқи бор? Мен уни доимо тентак сифатида кўриб келганман, - деди Рон, бепарво оҳангда, иншо матнини атайин йирик ёзув билан ёзишни давом эттириб, - Чаруальд жинниси экан, ундан нимани ҳам кутиш мумкин...

Гермиона китоб тоқчаларининг аллақаеридан чиқиб келди. Жаҳли чикқани билиниб турса-да, ниҳоят болалар билан гаплашишга лутф қилди.

- Тасаввур қилинг, бирорта ҳам ««Хогварц» тарихи» йўқ, ҳаммаси қўлма-қўл бўлиб кетибди, - арз қилди у, болалар ёнига ўтириб, - Китоб буюртмачилари рўйхатиغا икки ҳафта олдин ёзилиб қўйиш керак эмиш. Эссиз, ўз китобимни уйда қолдириб келибман! Чаруальднинг китоблари дастидан сандигимга сиғмаган эди...

- Нимага керак бўлиб қолди сенга ўша китоб? - сўради Гарри.

- Қолганларга нима учун керак бўлиб қолган бўлса, менга ҳам шунинг учун керак бўлиб қолди, - жавоб қайтарди Гермiona, - Махфий хона ҳақидаги ривоятни ўқимоқчи эдим.

- Қанақа ривоят экан у? - сўради Гарри, кўзларини қатта очиб.

- Ҳамма бало шунда-да, эсимда йўқ, - деди Гермiona, лабини тишлаб, - Бошқа манбалардан ҳам топа олмабман...

- Гермiona, иншонгни бериб тур, ўкиб олай, - иложсиз ингради Рон, соатга қараб.

- Бермайман, - шартта кесди Гермiona, кутилмаганда ғазаби қайнаб, - Ихтиёрингда ўн кун бор эди...

- Қўйсанг-чи, атиги икки дюйм қолди...

Кўнғироқ зарбаси эшитилди. Рон билан Гермiona гап талашганча, сеҳргарлик тарихи дарсига йўл олишди.

Мактабда ўқитиладиган дарслар орасида болалар учун энг зерикарли дарс, устозлар ичида ягона арвоҳ ўқитувчи ўтадиган сеҳргарлик тарихидир. Профессор Биннз дарсида бўлиб ўтган ягона қизиқ нарса, синф хонасига синф тахтасидан чиқиб келиши бўлади холос.

Профессор Биннз мункиллаган, ажин босиб, жуда буришиб кетган ўқитувчи.

Айтишларича, ўлиб қолганини ўзи ҳам идрок этмай қолган эмиш. Қунлардан бир кун ўқитувчилар хонасида камин қаршисидаги креслода ўтирган жойида қуни битиб, омонатини топшириб қўйгач, шартта ўрнидан турибди-да, дарсга кирибди. Танаси эса креслода ўтирганича қолаверибди. Бироқ бу ҳодиса унинг бир маромда мавжуд бўлишига ҳеч қандай таъсир ўтказмаган.

Бугунги дарс ҳам одатдагидай зерикарли кечмоқда. Профессор Биннз дафтарини очди-да, чангюткич каби бир текис ғўнғиллаган овоз билан мавзуни баён эта бошлади. Ўқувчилар эса аста-секин ўтирган ҳолатида жим қотиб, фақат онда-сондагина ўзларига келишар, тарихий саналарни ёзиб қўйиб, яна ўчиб қолишар эди. Профессор ярим соатдан буён шу тарзда маъруза ўкиб борар экан, тарихда бўлмаган бир ҳолат юз берди. Гермiona қўлини кўтарди.

Профессор Биннз ўзининг киши дикклатини ошириб юборадиган нутқи билан Сеҳргарларнинг 1289 йил бутун жаҳон конвенцияси ҳақида сўзлаганча, синфга нигоҳ ташлар экан, Гермionанинг кўтарилган қўлини кўриб, таажжубланди.

- Мисс... эээ...

- Грэнжер, профессор. Илтимос, «Хогварц»нинг Махфий хонаси хақида гапириб берсангиз, - соф талаффуз билан сўради Гермiona.

Томдан тараша тушгандай кутилмаган саволни эшитиб, шунча вақтдан буён деразага қараганча, оғзи ланг очилиб ўтирган Дин Томас бир силтаниб олди-да, серрайган ҳолатдан чиқди. Лаванда Брауннинг жағи саватчадай йиғиб олган кафтлари устидан кўтарилди.

Невилль Лонгботтомнинг тирсаги эса парта четидан сирпаниб кетди.

Профессор Биннз бир оз кўзларини пирпиратганча, туриб қолди.

- Мен сеҳргарлик тарихи фанидан дарс бераман, - эслатди у, жириглаб эшитиладиган курук овози билан, - Афсона-ю, ривоятлар билан эмас, далиллар воситасида иш тутаман.

У синган бўр чиқарадиган товушга ўхшаш овоз чиқариб, томоғини кириб олди-да, гапини давом этди.

- ... айни ўша йилнинг сентябрь ойида, Италия яқинидаги Сардиния оролида таъсис этилган Оқиллар қўмитаси бўлинмаларидан бири...

У тутилиб, жим бўлиб қолди. Гермiona яна қўл силтай бошлади.

- Мисс Грант?

- Грэнжер. Ахир ҳар қандай ривоят муайян далиллар замирида вужудга келади-ку, шундай эмасми, профессор?

Профессор Биннз Гермionaга шундай таажжуб билан қарадики, ҳаёт даврида ҳам, ўлиб, арвоҳга айланган ҳозирги ҳолатида ҳам ҳеч ким унга дарс маҳалида савол бермаганлигини Гарри аниқ тушуниб етди.

- Буни бир оз мунозарали масала деб биламан, - деди секин Биннз, Гермionaга, гўё ўқувчи кизни ҳаётида бирин мартаба кўриб тургандай тикилиб, - Бироқ сиз тилга олган ривоят ҳайратда қолдирадиган ва ниҳоятда ғалати тарихга эга.

Ўқувчиларнинг ҳаммаси нафас чиқармай, профессорнинг ҳар бир сўзига диққат билан қулоқ тутиб ўтиришди. Болаларнинг бу қадар эътибор қаратиб қолганларини кўрган ўқитувчи ҳайратланиб қолди.

- Хўш, - чўзиб гапирди профессор, - Махфий хона денг... Бир оз хотирлаб олишга тўғри келади... Демак, барчангизга маълумки, «Хогварц»га тахминан минг йил муқаддам, аниқ сана номаълум, тўрт нафар буюк шахс хусусан, икки нафар сеҳргар эркак ва икки нафар афсунгар аёл томонидан асос солинган. Уларнинг мўътабар исмларини биласиз, албатта: Годрик Гриффиндор, Хельга Хуффльпуфф, Ровена Равенкло ва Салазар Слизерин. Улар биргаликда ҳаракат қилиб, магларнинг ҳаддан ортиқ қизиқувчан нигоҳларидан олисда ушбу қасрни қуришди. Бинобарин, ўша замонларда оддий одамлар сеҳрга ишонмас, сеҳргар ва афсунгарлар эса таъқиб қилинар эди.

Профессор бир оз тўхтаб, синфга кўз югуртириб чиқди-да, гапини давом эттирди:

- Мамлакат бўйлаб сеҳргарлик қобилиятига эга болаларни қидириб юрган мактаб асосчиларининг барча фикр-мулоҳазалари муайян вақт яқдил бўлиб, хатти-ҳаракатлари уйғун кечган. Бундай болалар қасрга келтирилиб, уларга талаб даражасида таълим-тарбия берилган. Бироқ сал ўтиб, асосчилар ўртасида ихтилоф юзага келди. Аниқроқ айтиладиган бўлса, ихтилоф Слизерин билан қолган уч нафар асосчи ўртасида пайдо бўлди. Салазар, «Хогварц»да таҳсил кўрадиган ўқувчиларни саралаб олиш масаласига янгича ёндашиш, сеҳргарлик таълимотини фақат азалдан сеҳргар саналиб, авлоддан-авлодга сеҳр-жоду билан машғул бўлган оила, яъни асилзода сеҳргарларнинг фарзандларига бериш керак деган фикр билдирган. Мактабга маглар оиласидан чиққан сеҳргар болалар қабул қилинаётганлиги унга ёкмаган. Бундай болаларга ишонч билдириб бўлмаслигини у такрор ва такрор таъкидлаб келган. Охир-пировардида асосчилар ўртасидаги ихтилоф зўрайиб, ўртада мурасасизлик муҳити қарор топгач, Салазар Слизерин мактабни тарк этган.

Профессор боз тўхтаб, лабини қимтиб олгач, афти буришган қари тошбақага ўхшаб қолди.

- Ишонч билдирса бўладиган манбалардан ҳозиргина баён этилган маълумотларни билиб олса бўлади, - деди у, - Лекин, ушбу далиллар кичик бир ривоят, у ҳам бўлса, айни шу Махфий хона хақидаги афсона туфайли шубҳа пардаси ила ёпиб қўйилган. Хўш...

айтишларича, Салазар Слизерин қасрда, мактабнинг қолган асосчиларидан сир тутган тарзда, аллақандай яширин хона қурдирган.

Профессор яна бир оз тўхтаб қолди-да, гапини давом эттирди:

- Ўша ривоятда айтилишича, Салазар Махфий хонани шундай муҳрлаб юборибдики, токи мактабга унинг ҳақиқий Вориси келмаганига қадар унга ҳеч ким кира олмас, фақат Ворисгина муҳрни очиши, хонага қамалган дахшатни халос этиб, мактабни номуносиблардан тозалаш учун қўллаш қобилиятига эга бўлар эмиш.

Ўқитувчи ўз хикоясини ниҳоясига етказгач, синф хонасига сукунат чўмди. Бироқ бу, профессор Биннз дарсида қарор топиб келган одатий эмас балки, аллақандай зўриқиш, ниманидир кутиш сукунати бўлди. Ўқитувчининг бир оз жахли чиққанлиги билинди.

- Табиийки, буларнинг бари сафсата, - яқун ясади у, - Мактаб биниси энг тажрибали сеҳргар ва афсунгарлар томонидан кўп маротаба кўздан кечириб чиқилган. Махфий хона йўқ. Бу эртақ лақмаларни кўрkitиш учунгина ўйлаб топилган.

Гермионанинг қўли яна кўтарилди.

- Сэр, «хонага қамалган дахшат» деганингизни қандай тушуниш керак?

- Эътироф этилишича, хонада аллақандай махлук бўлиб, уни фақат Слизерин Вориси идора қила олар эмиш, - жавоб қайтарди профессор Биннз қуруқ, ингичка овози билан. Ўқувчилар кўрқиб кетиб, бир-бирига қараб қўйишди.

- Такрор айтаман, бундай хона йўқ, - деди профессор, ўз ёзувларини титиб, - Махфий хона ҳам, Ворис ҳам йўқ.

- Бироқ сэр, - гапга аралашди Симус Финниган, - Модомики, хонанинг муҳри фақат ҳақиқий Ворис томонидангина очиладиган бўлса, демак уни бошқа биров топа олмайди ҳам, шундай эмасми?

- Бемаъни гап, О'Флаэрти, - шартта кесди Биннз, ўзининг одатий мижғов оҳанги билан, - «Хогварц»нинг кўплаб директорлари топа олмаган экан...

- Профессор, - чийилдоқ овоз чикарди Парватти Патил, - Эҳтимол, хонани очиш учун, ёвуз кучлар сеҳрини қўллаш талаб этилар...

- Аксарият сеҳргарлар ёвуз кучлар сеҳрини қўллашмайдилар. Бироқ бу, улар бундай сеҳрдан фойдаланишни билмайдилар дегани эмас, мисс Пеннифизер, - яна гапни кесди профессор Биннз, - Такрор айтаманки, агар Дамблдорга ўхшаш одамлар...

- Балки, киши Слизеринга қариндош бўлиши керақдир, - деди Дин Томас, - Шу боис ҳам Дамблдор...

Бироқ профессор Биннз, ноўрин очилган мавзуни ёпишга аҳд қилди.

- Бўлди, бас, - деди у, қатъий оҳангда, - Буларнинг бари уйдирма! Ҳеч қандай Махфий хона йўқ! Ҳеч қандай тарихий шохидлик йўқ! Салазар Слизерин мактабда ҳеч қандай, ҳатто супурги саклаш хонаси бўлсин, қурдирган эмас! Бу аҳмоқона гапларни айтиб берганим учун афсус қилмоқдаман! Энди, марҳамат қилиб, ҳақиқий тарихга, ишончли, реал, текшириб кўрилган тарихий воқеаларга қайтамыз!

Беш дақиқа ўтар-ўтмас, ўқувчилар яна ўтирган ҳолатда жим қотиб, фақат онда-сондагина ўзларига келишадиган, тарихий саналарни ёзиб қўйиб, яна ўчиб қолишадиган ҳолатга қайтишди.

Дарсдан сўнг, Гарри, Рон ва Гермиона ўқувчилар билан тўлиб-тошган йўлакдан «Гриффиндор» минораси томон, кечки овқатдан олдин юк халталарини ташлаб чиқиш учун йўл олишди.

- Салазар Слизерин зўр васвос бўлганига ҳеч шубҳа қилмаган эдим, - деди Рон, - Асилзода сеҳргарлар ҳақидаги ғовғани айни ўзи бошлаб қўйишига ақли етмаган бўлиши ажаб эмас. Юз миллион беришса ҳам унинг коллежида таҳсил кўришга розилик бермаган бўлар эдим. Чин сўзим, агар сараловчи шляпа мени «Слизерин»га йўллашга уриниб кўрганида, қочиб кетардим! Поездга ўтирар эдим-да, уйга жилардим.

Гермиона бош ирғиб, маъқуллади, Гарри эса индамади. Фақат ошқозонини нохуш сезди. Сараловчи шляпа унга «Слизерин»ни жиддий таклиф этганини Рон билан Гермионага ҳеч қачон айтиб бермаган. Гарри худди кечаги қуни бўлиб ўтгандай, ўтган йилги саралов



таомилини жуда яхши эслайди. У шляпани бошига эндигина кийган эди ҳам-ки, паст эшитилган овоз унинг қулоғига: «Сен у ерда буюк сеҳргар бўлиб етишишинг мумкин, бунинг учун табиатингда барча имкониятлар бор. «Слизерин» эса сени шуҳрат чўққисига олиб чиқади. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ» деган эди.

Бироқ Гарри, ўша вақтга келиб, «Слизерин»нинг ёмон нуфузи, уни кўплаб ёвуз сеҳргарлар тамомлагани ҳақида кўп эшитганлиги боис, курси четини маҳкам ушлаб олганича «Фақат «Слизерин»га эмас, «Слизерин»га эмас» деб, ичида илтижо қилган эди. Шунда шляпа: «Нима ҳам дердим, ишончинг комил экан – «Гриффиндор»га борасан!» деб эълон қилган. Халойиқ орасида турлича манёврлар бажариб боришар экан, Колин Кривига рўбару бўлиб қолишди.

- Ҳой, Гарри!

- Салом, Колин! - одат тариқасида жавоб қайтарди Гарри.

- Гарри! Гарри! Синфимиздаги бир боланинг айтишича, сен...

Бироқ қаршилиқ кўрсатишга қурби етмайдиган миттигина Колинни халойиқ оқими тортиб кетди.

- Учрашгунча, Гарри! - кичкирди Колин, Катта Зал томон сузиб кетганча.

- Қизик, унинг синфидаги бола сен ҳақингда нима деган экан? - қизиқиб қолди Гермиона.

- Слизерин Вориси эканлигимни айтган бўлса керак-да, - хўрсинди Гарри.

Уни кўриб нари қочиб қолган Жастин Финч-Флетчини эслаб, корин соҳасини янада баттар ёмон ҳис этди.

- Қанақанги халқ бу, а?! Ҳар қанақа гапга лаққа тушаверади-я! - жаҳл қилди Рон.

Халойиқ сони камайиб, навбатдаги зинадан нисбатан эркин ўтишди.

- Нима деб ўйлайсан, Гермиона? - сўради Рон, - Махфий хона чиндан ҳам бормикан?

- Билмадим, - ковоғини солиб, жавоб қайтарди Гермиона, - Миссис Норрисга қўлланилган қарғиш афсунига барҳам беришга Дамблдорнинг қурби етмади. Бу эса, ўз навбатида, мушукка ҳамла қилган... нима десам бўлар экан... одам эмаслигини англагади.

Айни шу фурсатда улар муюлишга бурилиб, мушукка жабр қилинган жойга келиб қолишди. Улар тўхтаб, атрофга қарашди. Ёғочдай қотирилиб, машъала туткичига думидан осиб қўйилган мушукнинг йўқлиги инобатга олинмаса, вазият ўша кечада бўлганича, ўзгармас қолган. «Махфий хона яна очилди» сўзлари битилган девор ёнида курси турибди.

- Бу Филчнинг қузатув пости, - ғудуллади Рон.

Болалар яна бир бор атрофга қараб чиқишди. Йўлакда ҳеч зоғ йўқ.

- Бу ерни бир оз тадқиқ қилиб чиқсак, айб бўлмас, - деди Гарри.

У юк халтасини ерга ташлади-да, дастлаб чўққалаб, сўнг қафтларини ҳам ерга қўйганча эмақлаб, жинойат белгисини қидира бошлади.

- Қорақуя! - деди у, баланд овоз билан, - Мана!... мана яна... анави ерда ҳам бор...

- Сен олдин мана бунга қара! - чақирди Гермиона, - Жуда ғалати...

Гарри ўрнидан туриб, ёзув ёнидаги деразага яқин келди. Гермиона энг тепадаги ойнани кўрсатди. У ерда йигирматача ўргимчак, кичкинагина тирқишдан биринчи бўлиб чиқиш ҳуқуқига эга бўлиш учун курашмоқда. Улар ташқарига чиқиб кетишга ошиққанча,

тирмашиб чиқаётган узун кумуш ранг ўргимчак уйининг толаси пастга осилиб тушган.

- Ўргимчакларнинг бундай хулқини ҳеч кўрганмисан? - хайрон бўлиб сўради Гермиона.

- Йўқ, - жавоб қайтарди Гарри, - Сен-чи, Рон? Рон?

У елка узра ортга қаради. Рон анча нарига бориб олиб, қочиб кетишга шай турганга ўхшайди.

- Сенга нима қилди? - хавотирланди Гарри.

- Мен... Мен... ўргимчакларни ёқтирмайман, - базўр жавоб қайтарди Рон.

- Билмаган эканман, - деди Гермиона, - Ахир сен сеҳрли дамламалар тайёрлаш

машғулотида улар билан кўп муомалада бўлгансан-ку...

- Ўлик бўлса, бошқа гап, - деди Рон, кўзларини имкон қадар дераза ойнасидан олиб қочиб,

- Ўрмалаб юришганини эса ёқтирмайман...

Гермиона хириглаб қўйди.

- Ҳеч ҳам кулгили эмасда, - аччиқ қилди Рон, - Агар билсанг, уч ёшлигимда Фред, унинг ўйинчоқ супургисини синдириб қўйганим учун менинг ўйинчоқ айиқчамни... каттакон жирканч ўргимчакка айлантириб қўйган... Сен ҳам ёмон кўриб қолган бўлар эдинг, агар дафъатан айиқчанг танасидан ўшанча оёқлар-у...

У ўз сўзларидан ўзи сесканиб кетиб, гапини тўхтатди. Гермiona хандон отиб юборишдан ўзини базўр тутиб турибди. Мавзуни алмаштириш кераклигини хис этган Гарри:

- Эсларингдами, ўша кеча полни роса сув босиб кетган эди? Қаердан сизиб чиқиши мумкин? Кимдир ҳамма ёқни артиб, тозалаб юборибди.

Ўзини идора қилиб, Филчнинг курсисини айланиб ўтган Рон:

- Сув кўтарилиб, мана бу ергача, мана бу эшиккача етган эди, - деди.

У эшикнинг мис дастасига эндигина узатган қўлини худди қизиқ турган дазмолдан тортиб олгандай тортиб олди.

- Яна нима қилди? - сўради Гарри.

- Мен ичкарига кирмайман. Бу аёллар хожатхонаси.

- Қўйсанг-чи, Рон, у ерда ҳеч ким йўқ, - деди Гермiona, яқинроқ келиб, - Бу ер Дилгир Миртлнинг макони. Юринглар, кириб кўрайлик-чи.

Гермiona «ИШЛАМАЙДИ» сўзи битилган каттагина тахтача осиб қўйилганини писанд қилмай, хона эшигини очиб ичкарига кирди.

Гарри ҳаётида кўрган хожатхоналар орасида ушбу хожатхона кишининг қалбини зулмат қамрайдиган, энг қоронғи хожатхона бўлса керак. Деворга маҳкамланган узун, дарз кетган, ифлос кўзгу остида четлари синган қўл ювиш чиғаноклари бир қатор ўрнатилган. Пол зах бўлиб, унда шамдонлардан қийшайиб чиқиб қолган бир нечта шам нури акс этмоқда. Бўлмаларнинг ёғоч эшикларидаги бўёқ кўчиб тушган бўлиб, улардан бири тепасидаги биттагина ошиқ-мошиғида базўр илиниб турибди.

Гермiona кўрсаткич бармоғини лабига босиб, энг охириги бўлмага яқин борди. Бўлма қаршисига келиб,

- Ҳой, Миртл! Салом! Шу ердамисан? - деб сўради.

Гарри билан Рон яқинроқ келиб қарашди. Дилгир Миртл унитаз устида муаллақ осилиб, жағидаги ҳуснбузарни эзиб ўтирибди.

- Бу хожатхона қизларники, - баёнот қилди у, болаларга шубҳали тикилиб, - Мана булар эса қиз эмас.

- Тўғри, ўғил болалар, - рози бўлди Гермiona, - Бу ер... нақадар қизиқ жой эканлигини кўришлари учун, уларни мен етаклаб кирдим.

Гермiona қўлини айлантириб, зах пол ва кир бўлиб кетган эски кўзгуни кўрсатди.

- У бирор-бир нимани кўрган-кўрмаганини сўраб кўр-чи, - деди Гарри, эшитилар-эшитилмас пичирлаб.

- Нималар деб шивирлашяпсиз? - сўради Миртл талабчан оҳанг билан Гаррига тикилиб.

- Ҳеч нима, - шоша-пиша ишонтиришга киришди Гарри, - Биз сендан бир нимани сўраб билмоқчи эдик...

- Одамлар ортимдан шивирлашни қачон бас қилишар экан-а?! - хўнграганча бақириб юборди Миртл, жазаваси тутиб, - Билсангиз агар, ўзим ўлик бўлсам-да, айрим хиссиётлар менда ҳам бор...

- Миртл, сени ҳеч ким хафа қилмоқчи эмас, - овунтиришга уринди Гермiona, - Гарри бор-йўқ...

- Мени ҳеч ким хафа қилмоқчи эмас эди! Нақадар хуш эшитилади бу гап! - увиллаб юборди Миртл, - Бироқ мактабдаги жонли ҳаётим буткул расво кечди. Энди эса сизлар менинг ўлик ҳаётимни ҳам расво қилмоқчисизлар!

- Сўнгги вақтда бирор-бир ғайриоддий нарсаларни кўрган-кўрмаганингни сўраб билмоқчи эдик холос, - тез гапириб юборди Гермiona, - Негаки, Хэллоуин байрами кунни мана бу эшик ортида, сенинг ёнгинангда мушукка хужум уюштирилган.

- Ўша кунни кечкурун шу яқин орада ҳеч кимни кўрмадинг-ми? - сўради Гарри.

- Мен эътибор берганим йўқ, - қичқириб берди Миртл, фожага тўлиб кетган оҳангда, -

Ўша окшом Дрюзг мени шу қадар хафа қилган эдики, бу ерга учиб келгач, ўз жонимга касд қилмоқчи бўлдим. Сал ўтиб, хушимни йиғиб олгач, тушуниб етдимки, шундоқ ҳам... мен...

Қийналаётган қизга фикрини охиригача етказиб, баён этишга самимий ёрдам бермоқчи бўлган Рон:

- Ўлик экансан, - деб юборди.

Бунни эшитган Миртл хўнграганча юқорига кўтарилиб, бир айланиб олди-да, қалдирғоч сингари пастга шўнғиди ва болаларнинг эгнини шалаббо қилиб, унитаз ичига кириб кетди. Гарчи унинг бўғик, узоклашмаган йиғиси, аллақайси қувурнинг эгик жойидан эшитилаётган бўлса-да, у кўздан ғойиб бўлиб, қайтиб чиқмади.

Гарри билан Рон оғзиларини ланг очганча, котиб қолишди. Гермiona эса толикқан кишидай елка қисиб:

- Миртл учун бу, қувнок суҳбатдай гап... Кетдик бу ердан, - деди.

Гарри эндигина эшикни ёпиб, йиғи овози эшитилмай қолган эди ҳам-ки, учовлон болани кўрққанидан бир сакраб тушишга мажбур қилган овоз янгради.

- РОН!

Кўкрагида «СИНФБОШИ» нишони ялтираётган Перси Уэсли юзи серрайиб қолган кишининг қиёфасини касб этганча, оёқлари ерга кўмиб қўйилгандай, зина майдончасида котиб турибди.

- Бу хона қизлар учун! - деди у, овози деярли эшитилмай, - Сизлар нима қиляпсиз у ерда?...

- Қараб чиқмоқчи эдик, - елка қисди Рон, - Жиноят белгилари, тушуныпсан-ми...

Жаҳли чиқиб, иша бошлаган Перси миссис Уэслини эслатди. У яқинроқ келиб, ўғил болаларни эшикдан нари турта бошлади

- Тез, йўқолинг бу ердан, тез, - деди у, ғазаби қайнаб, - Сизлар ҳақингизда қандай хаёлга боришларини ўйлаб кўрмадингиз-ми? Ҳамма овқатланаётган пайтда келиб олган жойингизни қаранг-а!

- Нега энди биз бу ерга келишимиз мумкин эмас экан? - баслаша бошлади Рон, оёгини тираганча, Персига жаҳл қилиб, - Қулоқ сол, Перси, биз анави мушукка қўл теккизганимиз йўқ, тушундинг-ми!

- Айнан шуни Жиннага анча тушунтиришга тўғри келди, - хитоб қилиб юборди Перси, баттар аччиғи чиқиб, - Бирок у, бари-бир сизларни мактабдан ҳайдаб юборишларидан кўрқяпти. Йиғлайвериб, кўзларида ёш қолмади. Синглингни ўйласанг-чи, шундоқ ҳам биринчи синф ўқувчилари ўша воқеадан сўнг кўрқиб юришибди...

- Жиннани гапирмай кўявер, - деди Рон, қулоқлари қизариб - Сен унга тупургансан. Мавқеингга путур етказишимдан, мен туфайли энг ибратли ўқувчи номига эриша олмасликдан кўрқасан...

- Минус беш балл! - деди Перси, қатъий оҳангда, кўкрагидаги «СИНФБОШИ» кўкрак нишонини бармоғи билан кўрсатиб, - Умид қиламанки, бу сизларга сабоқ бўлади! Бошқа ҳеч қандай изқуварлик бўлмасин, акс ҳолда ҳаммасини ойимга ёзиб юбораман!...

Перси ўгирилиб, викор ила нари кетди. Унинг бўйни Роннинг қулоғи каби қизариб кетганлиги кўзга ташланди.

Кечқурун Гарри, Рон ва Гермiona умумий мехмонхонада, Персидан имкон қадар узокроқ жойга ўтиришди. Роннинг қайфияти халигача ёмон бўлганлиги учун бўлса керак, афсун ўқиш фанидан берилган вазифага сиёх томизиб, доғ қилиб қўйди. Доғни кетказиш учун паришонхотирлик билан қўлига таёқчасини олди-ю, лекин таёқча пергаментни куйдириб, тешиб қўйди. Жаҳли чиқиб, тутаб турган уй вазифасидан баттар тутаб кетган Рон, Миранда Гошокнинг «Афсунлар тўплами (иккинчи қисми)»ни куч билан ёпиб юборди. Гермiona ҳам, Гаррини ҳайратда қолдириб, худди шу ишни қилди.

- Ким бўлиши мумкин экан ўша, а? - ўйчан савол берди Гермiona, худди узок суҳбатни давом эттираётган каби, - Маглар оиласидан чиққан сеҳргарлар-у, швахларни кўркитиш, «Хогварц»ни тарк этишларига уриниш кимга керак бўлиб қолди?

- Келинг, мулоҳаза юритиб кўрайлик, - деди Рон, масхарабозга ўхшаб, башарасида сохта

тахайюр киёфа касб этганча, - Маглар оиласидан чиққан сеҳргарларни ким бижий деб санашидан мабодо хабаримиз йўқми?

У кўз кири билан Гермionaга, қизалоқ эса шубҳа билан Ронга қараб қўйди.

- Агар сен Малфой тўғрисида гапираётган бўлсанг...

- Яна ким ҳақида гапиришим мумкин! - деди Рон, - Унинг: «Магловаччалар, навбат сизларга етди» деб қичқирганини ўзинг эшитдинг-ку. Бу иш айна Драконинг қилмиши эканлигини тушуниб етиш учун унинг жирканч, каламушсимон башарасига қиё боқиб қўйишнинг ўзи кифоя эмасми.

- Малфой? Слизерин Вориси? - деди Гермiona, ишончсизлик оҳангида.

- Ҳа, нима? Оиласини эсла, - гапга аралашди Гарри, китобини ёпиб, - Уларнинг ҳаммаси «Слизерин»ни тамомлашган. Бу билан Драко доимо ғурурланиб юради. Улар Салазар авлоди бўлиши ҳам мумкин. Малфойнинг отаси ҳам ҳар қандай жирканч қилмишга қодир.

- Махфий хонанинг калити уларнинг хонадонида асрлар оша сақланиши, отадан болага мерос қолиб келган бўлиши мумкин! - хитоб қилди Рон...

- Нима ҳам дердим, - ўйланиб қолди Гермiona, - Инкор этмайман, бўлиши мумкин...

- Ҳа, фақат буни исбот қилиш керак. Бироқ савол: қандай қилиб? - ковоғини уйиб сўради Гарри.

- Йўли, назаримда, бор, - деди секин Гермiona ва Перси томон сездирмай қараб қўйди-да, овозини янада пасайтириб, - Фақат бу иш жуда қийин кечади. Устига устак хавфли, жуда хавфли иш. Мен ўйлаган ишни амалга ошириш учун эса, мактабда жорий этилган қоидаларнинг кам деганда эликтасини бузишга тўғри келади.

- Агар қачондир, айттайлик бирор ой ўтиб ўз фикрингни бизга очикроқ тушунтиришга аҳд қилсанг, айттарсан, хўпми? - деди Рон, жаҳл қилиб.

- Хўп, - деди Гермiona, совук оҳангда, - Биз «Слизерин» коллежининг умумий меҳмонхонасига кириб, Малфойга бир-икки савол беришимиз керак. Фақат у бизни биз эканлигимизни билмаслиги лозим.

- Бунинг иложи йўқ-ку, - деди Гарри.

Рон эса қулиб юборди.

- Иложи бор, - эътироз билдирди Гермiona, - Бунинг учун бизга бор-йўқ Ҳамма киёфа сиркаси керак бўлади холос.

- Қанақа сирка? - деярли баралла сўрашди Гарри билан Рон.

- Ҳамма киёфа сиркаси. Икки ҳафта олдин Снегг айтган эди-ку...

- Сеҳрли дамламалар тайёрлаш дарсида Снеггнинг гапларига қулоқ солиб ўтиришдан бошқа қиладиган ишимиз йўқми, - вайсади Рон.

- Ҳамма киёфа сиркаси одамни ҳар қандай киши киёфасига киритиб қўяди. Хўш, мундоқ мулоҳаза юритсаларинг-чи! Учаламиз слизеринчиларга айланиб олишимиз мумкин. Биз аслида биз эмаслигимиз эса ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Шунда Малфой бизга бор гапни айтиб бериши мумкин. Эҳтимол айна пайтда у, ўз коллежининг умумий меҳмонхонасида бу ҳақда мақтаниб ўтиргандир. Биз ҳам ўша ерга кириб, унинг оташин нутқини эшитиб ўтирганимизда зўр иш бўлар эди!

- Негадир Ҳамма киёфа сиркаси билан боғлиқ гоён менга ёкмаяпти, - ковоғини уйиб олди Рон, - Бир умрга слизеринчи бўлиб қолиб кетсак-чи, нима бўлади?

- Сирканинг кучи аста-секин барҳам топади, - қўл силтади Гермiona, - Тайёрлаш усулини топиш қийин. Снеггнинг сўзларига қараганда, уни «Ҳар нарсага қодир дамламалар» китобида топиш мумкин экан. Фақат ўша китоб кутубхонанинг махфий бўлимида сақланиши муқаррар. Махфий бўлимда сақланадиган китобларни олиб, мутолаа қилишнинг фақат бир йўли бор, у ҳам бўлса, кутубхона ходимига тегишли ўқитувчи томонидан ёзма равишда расмийлаштирилган рухсатномани тақдим этиш керак.

- Ушбу китоб бизга нима учун кераклигини асослайдиган бирор-бир ваз топиш жуда қийин, - деди Рон, - Қандайдир шубҳали дамлама тайёрлашни режалаштирганимиз дарҳол аён бўлади-колади.

- Фикримча, - чўзиб гапирди Гермiona, - Назарий жиҳатдан қизиқаётганимизни айтсак,

эхтимол...

- Қўйсанг-чи, ҳеч қайси ўқитувчи бундай чўпчакка ишонмайди, - Бунинг учун у, ғирт аҳмоқ бўлиши керак-ку...

## Х БОБ.

## ТЕЛБА ТАЖОВУЗКОР

Корнуаль эльфчалари билан муваффақиятсиз ўтган дарсдан сўнг, профессор Чаруальд синфга бирор бир жонзод келтирмай қўйди. Бунинг ўрнига у, ўз китобларини овоз чиқариб ўқиб берар, кучли таассурот қолдирадиган айрим ходисаларни ўқувчилар иштирокида сахналаштирар, салбий қахрамонлар сифатида эса, аксарият ҳолларда, Гаррини танлар эди. Шу бугунга қадар Гарри: Чаруальд Вайсақилик қарғишидан халос этган трансильваниялик киши; кучли шамоллаб қолган қор одам; Чаруальдга дучор бўлганидан сўнг, оғзига газакдан бошқа нарса олмай қўйган қонхўр махлуқ ролини ижро этишга улгурди.

Ёвузлик кучидан ҳимоя фанидан яқинда ўтган дарсда Гарри боз синф тахтаси ёнига, бу сафар энди афсун билан бошқа тусга кирган махлуқ сифатида чиқарилди. Ўчакишгандай Гарри, айнан шу кунларда Чаруальдга хушомадгўйлик қилиб, унинг пинжига кириб олишга мажбур, акс ҳолда ушбу роль ижросини рад этган бўлар эди.

- Қани, яхшилаб увилла-чи, Гарри. Ана шундай, жуда соз. Шунда мен, тасаввур қилинг, мана бундай қилиб, унга ташландим-да, мана бундай қилиб ерга босиб олдим! Бир қўлим билан уни босиб турганча, иккинчи қўлимдаги сеҳрли таёқчамни махлуқнинг бўғзига такадим. Шундан сўнг, қолган кучимни қахрамонларча йиғиб олиб, фавқулудда қийин кечадиган Одамга айлантириш афсунини амалга оширдим. Махлуқ мунгли оҳангда инграб юборди. Бўлсанг-чи, Гарри, ингра, мунглирок ингра, янада мунглирок, ана шундай, Гарри, жуда соз, мана энди ўхшади. Кейин махлуқ танасидаги қалин тук аста-секин йўқолиб, тишлари қисқара бошлади ва охир-пировардида одамга айланиб қолди. Амалга оширган бундай ишим бир қарашда содда кўрингани билан, самараси жуда зўр бўлди. Яна бир қишлоқ аҳолиси махлуқнинг ҳар ойлик ҳамлаларидан халос бўлгани учун, қахрамонга бир умр шукрона айтиб юрадиган бўлди.

Қўнғирок зарбаси эшитилиб, Чаруальд полдан турди.

- Уйга вазифа. Вагга-Вагга лақабли афсун билан бошқа тусга кирган махлуқ устидан ғолиб чиққаним ҳақида поэма ёзиб келинг! Энг зўр асар муаллифига соврин сифатида менинг дастхатим қўйилган «Сеҳргар мен» асарим нусхаси ҳадя этилади!

Ўқувчилар аста-секин синф хонасини тарк этишди. Гарри хонанинг Рон билан Гермиона кутиб турган томонига ўтди.

- Хўш, тайёرمىсиз? - сўради Гарри, паст овоз билан.

- Ҳамма чиқиб кетсин, - деди асабийлашаётган Гермиона, - Ана энди бўлди, кетдим!

Қизалок қўлига бир варақ қоғоз ушлаганча, Чаруальд ўтирган столга яқин келди. Унинг ортида Гарри билан Рон тентираб туришди.

- Эээ... профессор Чаруальд? - дудукланди Гермиона, - Мен... кутубхонадан қўшимча адабиёт сифатида бир китоб олиб ўқимокчи эдим, - у титраётган қўлида тутиб турган қоғозни узатди, - Бирок ўша китоб кутубхонанинг махфий бўлимида сақланар ва шу боис, ўқитувчилардан бирортаси мана бу ерга имзо чекиб бериши керак экан... Ишончим қомилки, ўша китоб сизнинг «Қонхўрлар билан ўтган кечки овқат» асарингизда тилга олинган секин таъсир қилувчи заҳарларни батафсилроқ ўрганиб олишимга ёрдам беради.

- А-а-а! «Қонхўрлар билан ўтган кечки овқат»ми! - хаёлчан хитоб қилди Чаруальд фусункор иршайганча, Гермионанинг қўлидаги қоғозни олиб, - Ўзим яхши кўрадиган китобларимдан бири-ку... Сенга ёқди-ми?

- Албатта! - завкланиб жавоб берди Гермиона, - Жуда зўр китоб экан. Айниқса, энг охири қонхўрни чой сузадиган тўр воситасида тузукка туширганингиз...

- Иккинчи синф ўқувчилари орасида энг ибратли ўқувчи қизни қўллаб-қувватласам, ўйлайман-ки, ҳеч ким менга эътироз билдирмайди, - деди Чаруальд, самимий оҳангда

товус думидан тайёрланган узун пат-қаламини қўлига олиб, - Чиройли қалам, а? - сўради у кўзини қисиб, Роннинг юзидаги ғазабли жирканиш қиёфасини нотўғри талқин қилганча, - Ушбу пат-қалам билан, одатда, китобимни харид қилган мухлисларимга дастхат қўйиб бераман.

Чаруальд қоғозга оҳангжама имзо чекиб, Гермионага қайтариб берди.

- Хўш, Гарри, - деди Чаруальд, Гермиона рухсатномани титраётган бармоқлари билан ўраб, юк халтасига солар экан, - Билишимча, эртага квидиш мавсумининг биринчи ўйини бўлар экан, шундайми? «Гриффиндор» «Слизерин»га қарши чиқар эканда? Айтишларича, сен дуруст ўйнар экансан. Мен ҳам бир вақтлар Сайёд бўлганман. Ҳатто мамлакат терма жамоаси таркибига ҳам таклиф қилишган. Бироқ мен, ўз ҳаётимни ёвуз кучларга барҳам беришга аҳд қилдим. Мабодо жамоадан алоҳида машқ қилишни истасанг, тортинмасдан мурожаат қилавер. Тажрибасиз ўйинчиларга сабоқ беришга доимо тайёрман...

Гарри алланима деб ғудуллади-да, Рон билан Гермионанинг ортидан эргашди.

- Ақл бовар қилмайди, - деди у, хайрон бўлиб, дўстлари билан Чаруальднинг имзосини томоша қилар экан, - Кутубхонадан қайси китобни олишимиз борасида қизиқиб ҳам кўрмади-я.

- Чунки у, мияси йўқ каллаварам, - деди Рон, - Фарқи нима, энг асосийси, мақсадга эришдик-ку...

Улар шу заҳоти кутубхона томон ошиқишди.

- Чаруальд сен айтган даражада мияси йўқ каллаварам эмас, - жарангдор овоз билан эътироз билдирди Гермиона.

- Албатта, ахир у сени иккинчи синф ўқувчилари орасида энг ибратли ўқувчи киз деди-ку...

Деярли жим-житлик ҳукм сураётган кутубхонага етиб келган болалар, овозларини пасайтиришга мажбур бўлишди. Кутубхонанинг ориқ, баджаҳл ходими Шипц хоним ўз важоҳати билан худди оч қолиб кетган жўрчи қушни эслатди.

- «Ҳар нарсага қодир дамламалар»? - шубҳаланиб сўради у, Гермионанинг қўлидаги рухсатномани тортиб олишга уриниб.

Бироқ қизалок қоғозни маҳкам ушлаб олган бўлиб, ундан маҳрум қилишларига йўл қўймади.

- Мен бунга эсдалик учун ўзимга олиб қолмоқчиман, - ғўлдиради у, паст овоз билан.

- Қўйсанг-чи, - деди Рон, қоғозни Гермионанинг муштчасидан суғуриб олиб, Шипц хонимга узатар экан, - Биз сенга ўша Чаруальднинг бошқа дастхатини олиб берамиз. Бу қийин эмас. У лоақал беш сония қимирламай турган ҳар қандай нарсага дастхат қўйиб бераверади.

Шипц хоним рухсатномани, ундаги имзо қалбаки эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун ёруғликка қаратиб, диққат билан ўрганиб чиққач, китоб тоқчалари ортига ўтиб, бир неча дақиқадан сўнг, қўлида пих боғлаган катта китобни ушлаганча, пайдо бўлди. Гермиона китобни авайлаб, юк халтасига солиб қўйди. Болалар кутубхонадан аста-секин, айбдор қиёфа касб этмасликка уриниб, нари кетишди.

Беш дақиқа ўтар-ўтмас, учовлон ҳеч ким кирмайдиган хонага, Дилгир Миртл маконига бекиниб олди. Гермиона, ўша жойга қайтиб киришдан воз кечиб, ўжарлик қилганча туриб олган Ронни: «Ишламайдиган хожатхона – соғлом фикрли инсон кириши мумкин бўлган энг сўнгги жой саналади, шу боис ҳам яққаланиб олиш қафолатланган»лигини айтиб, базўр кўндирди. Дилгир Миртл ўз бўлмасига кириб олиб, овози борича уввос солди, болалар унга, Миртл эса болаларга эътибор қаратмади.

Гермиона «Ҳар нарсага қодир дамламалар»ни эҳтиром ила очгач, учовлон пих доғлари босиб кетган антиқий саҳифалар устига энгашди. Бу китоб нима учун маҳфий бўлимда сақланиши шу заҳоти аён бўлди-қолди. Айрим дамламаларнинг таъсири шу қадар кучли эканки, бу ҳақда ўйлаган ҳар қандай кишининг юраги орқага тортиб кетади. Китоб саҳифаларида ниҳоятда даҳшатли расмлар тасвирланган: ичи ташқарисига шимариб ташланган одамми-ей, бошида бир неча жуфт қўл ўсиб чиққан афсунгар аёл дейсизми...

- Мана у, - хурсанд бўлиб кетди Гермiona, «Хамма киёфа сиркаси» сарлавхаси қўйилган саҳифани топиб.

Саҳифада бошқа одамларга айланаётган одамларнинг оралик босқичларда касб этган киёфалари тасвирланган. Ушбу одамлар юзида ифодаланган оғрик азоби эса рассомнинг бой тасавури туфайли пайдо бўлганига умид қилишдан бошқа чора йўқ.

- Бу, мен кўрган дамламалар орасида тайёрланиши жуда қийин кечадиган дамлама экан, - деди Гермiona, сиркани тайёрлаш усулига кўз югуртириб чиқиб, - Ипак қанотли пашшалар, зулуклар, сув қўтарилганида йиғиб олинадиган сув ўтлари, маржумак... - ғудуллади у, бармоғини рўйхат устида юритиб, - Хўш, булар қанча керак бўлса, бор, ўқувчилар жавонидан олса бўлади... Вой-бу, икки шохлининг туйилган шохи керак экан, уни қаердан олса бўлади, тасаввур ҳам қила олмайман, бумсленг териси ҳам муаммо ва табиийки, биз кимнинг киёфасига кирмоқчи бўлсак, ўша одамларнинг кичик парчалари. - Нима-нима? - кескин сўради Рон, - Одам парчалари деганинг нима бўлди? Бошидан айтиб қўймоқчиман, Краббенинг тирноғига ўхшаш нарсалар қўшилган бирон нарса ичмайман!

Гермiona гўё Роннинг хавотирли сўзларини эшитмагандай, ғудуллашни давом этди.

- Бундан ташвиш тортмаса ҳам бўлади, энг охирида қўшилар экан.

Аччиқланиб тилдан қолган Рон қошини қўтариб Гаррига юзланди. Бирок Гаррини бошқа нарса ташвишга солиб қўйган.

- Гермiona, қанча нарса ўғирлашимиз кераклигини фаҳм қиялсан-ми? Бумсленг териси! Ахир бунақа тери ўқувчилар жавонида бўлмайди. Снегг хонасининг эшигини бузиб кирмасмиз, ҳар қалай? Фикримча, бу ғоя яхшига ўхшамайди...

Гермiona китобни куч билан ёпиб юборди. Унинг юзида алвон доғлар ёниб, кўзлари ярқираб кетди.

- Қўрқиб кетдингиз-ми, жуда соз, - баёнот қилди у, - Мактабда жорий этилган қоидалар бузилишига нисбатан муносабатимни жуда яхши биласиз. Аммо, мағллар оиласида туғилган одамларга таҳдид солиш ўта мураккаб дамлама тайёрлашдан-да кўра жиддийроқ жиноят бўлса керак деб ўйлайман. Модомики, бу билан ким шуғулланаётганлигини, Малфой-ми ёки биров-ми ойдинлаштириб олишни истамас экансиз, мен хозирок бориб, китобни кутубхонага топшираман...

- Гермiona бизни жиноят сари етаклайдиган кунга қадар етиб бормасам керак деб ўйлар эдим, - деди Рон, - Хўп, майли, биз розимиз. Фақат тирноқлар, оёқ тирноқлари бўлмасин, хўпми?

- Жами қанча вақт кетади? - қизиқиб сўради Гарри Роннинг гапидан қувониб, китобни қайтадан очган Гермionадан.

- Сув ўтлари ой тўлин кўринганида йиғиб олиниши, пашша қанотлари йигирма бир кун дамлаб қўйилган бўлиши керак... Қисқаси, дамламани бир ойда тайёрласа бўлади, агар таркибий қисмларининг ҳаммасини топсак, албатта.

- Бир ой? Бу вақт ичида, Малфой, мактабдаги мағл қонлиларнинг ярмини қириб ташлайди-ку! - деди Рон, бирок Гермionанинг таҳдидли қисиб олинган кўзларини кўргач, тез қўшиб қўйди: - Модомики, бошқа йўл йўқ экан, нима ҳам дердим, олға!

Гермiona ташқарида биров бор-йўқлигини билиш учун эшик очиб, йўлакка қараган пайтда Рон Гаррига пичирлаб қўйди:

- Эртага Малфойни супургисидан тасодифан йикитиб юборсанг, ишимиз осонроқ битармиди.

Шанба куни Гарри тонг саҳар уйғониб, бўлғуси қвидиш ўйини ҳақида ўйланиб ётди. Гриффиндорчилар ютқазиб қўйса, Древ нималар деб бақирини, дунёдаги энг тез учар супургилар билан таъминланган жамоа билан ўйнаш кераклигини ўйлаб асабийлашди. «Слизерин» устидан ғалаба қозонишни ҳали бу қадар кучли истамаган. Ўй суриб ярим соат ётгач, ичаклари тугилиб қолгандай хис этди ўзини. Ўрнидан туриб, қийинди-да, юз-қўлини ювиб, ҳали эрта бўлса-да нонуштага, Катта Залга тушди. Эрта бўлишига қарамай, хурпайиб олган «Гриффиндор» жамоаси безовта киёфа касб этганча, узун стол атрофида

чурк этмай тўла таркибда ўтирибди.

Соат ўн бирга яқин мактаб ўқувчилари ўйингоҳ томон йўл олишди. Об-ҳаво пилчиллаган, жала ёғиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Гарри уствошхонага кираётганида, Рон билан Гермиона югуриб келиб, омад тилаб қолишди. Жамоа аъзолари тўқ қизил коржомаларини кийиб, ҳар сафар ўйин олдида Дрeв ўқийдиган «бардам қилгич» нутқни тинглашга хозирланиб, ўтириб олди.

- Супургиларни қиёслайдиган бўлсак, «Слизерин» жамоасининг супургилари бизнинг супургиларимиздан зўр. Буни ҳеч ким инкор этмайди ҳам. Бироқ одамларни қиёслайдиган бўлсак, бизнинг супургиларимиздаги одамлар зўр. Биз кўп машқ қилдик, ҳар қандай об-ҳаво шароитида, тош ёғди-ми, бало ёғди-ми, учавердик...

- Э, нимасини айтасан, - ғудуллади Жорж Уэсли, - Август ойдан буён кийимим қуригани йўқ.

- Уларни, анави ожиз чувалчанг Малфой, жамоада ўзига ўрин сотиб олган кунга лаънатлар ўқиб, минг пушаймон бўлишга мажбур қиламиз.

Дрeвнинг кўкраги вужудини камраб олган ҳис-ҳаяжондан кўтарилиб кетди.

- Гарри, сен, хақиқий Сайёд учун пулдор отали бўлишнинг ўзи қифоя эмаслигини кўрсатиб қўйишинг керак бўлади уларга. Гапимга кулоқ сол Гарри, сен ё Тилла чакқонни Малфойдан олдин тутиб ол, ё ўлиб кет. Зеро биз ғалаба қозонишимиз керак, шарт ва бунга мажбурмиз.

- Тазийқ ўтказилаётгани йўқ, Гарри, - деди Фред, истехзоли кўз қисиб.

Улар майдонга томошабинлар ҳайкириғи остида чиқишди. Бунда, «Равенкло» ва «Хуффлупуфф» коллежлари «Гриффиндор»га тарафдор бўлиб, куйинди. Бироқ слизеринчиларнинг хуштаги-ю, вишиллашлари ҳам етарлича аниқ эшитилди. Квидиш ҳаками Роланда Трюк хоним Флинт билан Дрeвга қўл сиқишишни буюрди. Улар бир-бирига таҳдид солувчи нигоҳ ила қараганча, қўл бериб, кафтларини талаб даражасидан ортиқ сиқиб юборишди.

- Менинг хуштагимга биноан, - деди Роланда Трюк хоним, - Уч... икки... бир!

Халойикнинг далда берувчи айюҳанноси остида ўн тўрт нафар ўйинчи қорамтир осмонга ўқдай учиб кўтарилди. Гарри ҳаммадан баланд кўтарилиб, кўзларини қисиб олганча, Тилла чакқонни қидиришга киришди.

- Ишлар қалай, Тиртиқ пешона? - кўзга кўринар-кўринмас пастдан бақириб ўтди Малфой. У супургисининг қанчалик тезлик олишини кўрсатиб, мактанмоқчи эканлигини намоён этди.

Жавоб қайтаришга Гаррининг вақти йўқ. Айни фурсатда оғир қора Тажовузкор таҳдидли шиддат билан тўғри Гаррига қараб учиб келди. У базўр чап беришга улгуриб қолди. Тўп ҳосил қилган ҳаво оқими унинг сочларини тўзғитиб юборди.

- Бир баҳя қолди-я, Гарри... - деди тўп ортидан қувиб кетган Жорж.

У Тажовузкорни ҳар қандай фурсатда слизеринчилар томон уриб қайтаришга шай бўлганча, қўлидаги клюшкани маҳкам ушлаб олган. Жорж тўпни уриб, Адриан Пусей томон йўллаганини Гарри аниқ кўрди. Бироқ Тажовузкор ярим йўлда кескин бурилиб, парвоз траекториясини яна Гарри томон ўзгартирганча, шиддат билан яқинлаша бошлади. Гарри кескин пастга шўнғиди, Жорж эса тўпни уриб Малфой томон йўллади. Тажовузкор бумеранг сингари қайтиб, пастга, Гаррининг бошига қараб учди.

Аҳволни идрок этган Гарри «газни босиб», майдоннинг нариги томонига қараб учди.

Ортида Тажовузкорнинг хуштак чалганча, таъқиб қилиб келаётганини ҳис этди. Нима гап? Тажовузкорлар ҳали ҳеч қачон муайян бир ўйинчинигина таъқиб этишмаган. Уларнинг вазифаси қайси жамоа аъзоси бўлмасин, имкон қадар кўп ўйинчиларни, уриб тушириш...

Майдоннинг бу томонида Тажовузкорни Фред Уэсли қарши олди. Гарри бошини ҳам қилган ҳамоно, Фред бор кучи билан тўпни уриб, курсдан чалғитди.

- Мана сенга! - қувноқ қичқирди Фред.

Лекин магнит тортиб бораётгани каби, тўп яна Гарри томон йўл олди. Болага тўпдан қочиб юришдан бошқа чора қолмади.



Ёмғир бошланди. Йирик томчилар Гаррининг юзига уриб, кўзойнагини хиралаштириб қўйди. Шархловчи Ли Жорданнинг:

- «Слизерин» жамоаси олтмиш – ноль очко билан пешқадамлик қилмоқда, - деган овозини эшитгунга қадар, Гарри, ўйин қай тарзда бораётганини ҳақида тасаввурга эга эмас эди. Слизеринчиларнинг супургилари ўз ишини кўрсатмоқда. Қутуриб кетган Тажовузкор эса Гаррини уриб йикитишга уринишини қўймайди. Бундай ахволда у нафақат Тилла чакқонни тута олмайди, кўра олмайди ҳам.

- Кимдир... анави... Тажовузкорни ўқиб қўйганга... ўхшайди, - деди хансираб қолган Фред, навбатдаги атакани баргараф этиш учун клюшкаси билан қулочкашлаб.

- Тайм-аут олиш керак, - деди Жорж, ҳам Древга сигнал бериш, ҳам Гаррининг бурни пачоқ бўлиб кетишига йўл қўймасликка ҳаракат қилиб.

Древ, афтидан, шундоқ ҳам ахволни тушунган кўринади, Трюк хонимнинг хуштаги янгради. Гарри эгизаклар ҳимояси остида, қутуриб кетган тўпга чап берганча, ерга қўнди.

- Нима гап? - бақириб берди Древ, жамоа аъзолари уни ўраб олиши билан.

«Слизерин» тарафдорлари кучанганча хитоб қилишмоқда.

- Расво бўляпмиз. Фред, Жорж, қаёққа гум бўлиб колдингиз. Тажовузкор Ангелинага гол уришга тўсқинлик қилди! - бақирини қўймади Древ.

- Биз Ангелинадан йигирма фут юқорида, бошқа Тажовузкор Гаррини мажруҳ қилиб қўйишига йўл қўймай юрибмиз, Оливер, - аччиқланиб, тушунтирди Жорж, - Кимдир тўпни ўқиб қўйганга ўхшайди, Гаррини холи-жонига қўймапти. Бутун ўйин давомида фақат Гаррининг кетидан таъкиб қилиб юрибди. Слизеринчилар бир нарса қилишганга ўхшайди.

- Сўнгги машқимиздан буён Тажовузкорлар Трюк хонимнинг хонасида сақланган эди-ку. Машқ давомида эса бундай хунар кўрсатишмаган, - деди хайрон бўлган Древ.

Роланда Трюк хоним жамоа томон яқин кела бошлади. Унинг устида гриффиндорчиларга бармоқ ўқтаганча, қувноқ сапчиётган слизеринчилар кўринди.

- Қулоқ солинг, - деди Гарри, - Атрофимда бундай ўралашар экансиз, Тилла чакқоннинг ўзи қўлимга кириб қолмагунча, уни тута олмайман. Жамоа билан ўйнайверинг. Анави қутурган тўпни ўзим бир ёқли қиламан.

- Томинг кетганми сени? - деди Фред, - У сени абжағингни чиқариб ташлайди.

Древ нигоҳини дам Гаррига, дам эгизакларга ва яна Гаррига олиб ўтиб турибди.

- Оливер, бу телбалик, - эътироз билдирди Алисия Спиннет, - Гаррини ўқиб қўйилган нарса билан якка-ма-якка олишишига йўл қўйишга ҳақинг йўқ. Суриштирув ўтказишсин...

- Агар ҳозир биз ўйинни тўхтададиган бўлсак, биз мағлуб бўлган саналамиз! - бақириб берди қизишиб кетган Гарри, - Аллақандай аҳмоқ тўпни деб «Слизерин»га ютқазиб қўйишга йўл қўйиб бўлмайди! Бас, Оливер, айт уларга, мени тинч қўйишсин!

- Ҳаммасига ўзинг айбдорсан, - бақириб берди Жорж Древга қараб, - Топган гапингни қара афсунгар, «ё тутиб ол, ё ўлиб кет» эмиш-а!

Трюк хоним етиб келди.

- Ўйинни давом эттиришга тайёرمىсиз? - сўради у, Древдан.

Древ Гаррига диққат билан назар солиб қаради-да:

- Тайёرمىз, - қарор қилди у, - Фред, Жорж, Гаррининг гапини эшитдингиз. Уни ёлғиз қолдингиз. Тажовузкорни ўзига қўйиб беринг.

Ёмғир кучайди. Роланда Трюк хонимнинг хуштагига биноан Гарри куч билан ердан тепиниб, хавога кўтарилди ва шу заҳоти уни қувиб келаётган Тажовузкорнинг «виззз» этган товушини эшитди. Гарри тобора юқорига кўтарилди, иланг-биланг айланди, кўтарилди, пастга шўнғиди, спираль, зигзаг шакллар ҳосил қилди, ўз ўқи атрофида айланди. Боши айланиб кетганига қарамай, кўзини очик тутди. Ёмғир томчилари кўзойнагини батамом хиралаштириб юборди, таъкибдан қочиб бошини пастга осилтирганда эса бурнига кириб кетди. Намойишгоҳдаги одамлар хандон отишаётганини эшитиб, аҳмоқона ҳолатга тушиб қолганини тушунди. Дайди Тажовузкор вазминлиги туфайли, Гаррига ўхшаб чакқон ҳаракатлана олмади. Шу боис ҳам бола ўйингоҳ бўйлаб

пируэт айлантиришни давом этди (**Пируэт – рақсда: бир оёқнинг учида тўла айланиш**). Айни пайтда «Гриффиндор» халқлари яқинида нима бўлаётганини ҳам кузатиб борди. Бу пайтда Адриан Пусей Древни айланиб ўтишга уринаётган эди...

Нимадир кулогининг ёнгинасидан учиб ўтди. Тажовузкор яна нишонга тегмади. Гарри боши орқали айланиб, тескари томон учиб кетди.

Эндигина яна бир бор ахлоқона айланган эди ҳам-ки, Малфойнинг:

- Балет мактабига ўқишга киришга умид қиляпсан-ми дейман, Поттер? - деган кичкиригини эшитди.

Тажовузкорга чап берар экан, нафрат билан Малфой томонга ўгирилиб, Драконинг чап кулоғи устида муаллақ осилиб турган Тилла чакқонни кўриб қолди. Гаррини мазах қилиш билан овора бўлган тентак Малфой коптокчани кўргани йўқ.

Бир фурсатгина Гарри ҳавода тек туриб ўйланиб қолди. Агар у ҳозир Малфой томон ташланадиган бўлса, у юқорига қараб, Тилла чакқонни кўриб қолиши мумкин.

ТАРС.

Айни шу фурсатнинг ўзи етарли бўлди. Нихоят Тажовузкор нишонга етиб, куч билан Гаррининг тирсагига келиб солди. Бола қўли синаётганини аниқ ҳис этди. Оғриқ ақлдан оздириб юборди. Гарри супургидан сирпаниб, букиб олган ягона тиззасида осилиб қолди. Ўнг қўл жонсиз узатилган. Тажовузкор эса иккинчи зарбага, бу сафар тўғри Гаррининг юзига келиб урилишга ҳозирланмоқда. Бола чап берди. Унинг миясида ягона хаёл – Малфой томон ташланиш.

Оғриқ азоби ва ёмғирдан кўзи пардаланиб кетди. У бор кучини йиғиб, пастга, манфур, ялтираётган, ишшайиб турган башара томон ташланиб, дахшатдан катта-катта очилиб кетган кўзларни кўрди. Малфой Гаррининг ҳамласини кўриб, жон-пони чикиб кетди.

Гаррининг йўлидан кочар экан:

- Нима қил...? - дейишга улгурди холос.

Гарри соғ қўлини сопдан олиб, бор кучи билан олдинга ташланди ва бармоқлари муздай Тилла чакқонни ушлаб олганини ҳис этди. Ҳозир у супургини фақат оёқлари билангина тутиб олган. Ҳушидан кетмасликка уриниб, ер томон интилар экан, томошабинларнинг бақир-чақир, қий-чувини эшитди.

У лойга куч билан урилиб, супургидан сирпаниб тушди. Синган қўли ғалати бурчак ҳосил қилганча, жонсиз узалди. Оғриқдан гангиганидан томошабинларнинг ҳуштак, шовқин ва кичкириклари унга жуда узоқда эшитилгандай бўлди.

- Ҳа, - шивирлади у маъносиз, - Биз ютдик, - деди-да, ҳушидан кетди.

Ўзига келганида ёмғир томчилари халигача юзига ураётганини ҳис этиб, ханузгача ўйин майдонида ётганлигини идрок этди. Унинг устида кимдир энгашиб, тишининг оқини ярқиратганини кўрди.

- О, йўқ, фақат у эмас, - инграб юборди Гарри.

- Нима деганини ўзи билмаяпти, - деди Чаруальд баланд овозда, исқанжага олган гриффиндорчиларнинг ташвишланаётган оммасига қараб, - Ғам ема, Гарри, ҳозир кўлингни тузатиб қўяман.

- Йўқ! - кичкириб юборди Гарри, - Шундайлигича қолаверсин, раҳмат...

У ўтириб олишга уриниб кўрди, бироқ чидаб бўлмас оғриқ вужудини тешиб юборгандай бўлди. Қаердадир, яқин ўртада таниш шақирлаш эшитилди.

- Аҳволимни Колин суратга олишини истамайман, - кичқирди Гарри.

- Бир оз тинч ётиб тур, - эркалаб кўндиришга уринди Чаруальд, - Бу оддий афсун, уни минглаб маротаба қўллаганман...

- Нима учун касалхонага олиб бормаяпсизлар? - сўради Гарри, маҳкам қисиб олган тишлари орқали.

- Чиндан ҳам, профессор, - маъқуллади афти-башараси лойга беланиб кетган Древ. У жамоасининг Сайёди жабрланган бўлишига қарамай, бахтиёр табассумини яшира олмади.

- Зўр ташландинг, Гарри, хайратда қолдирадиган томоша бўлди, бу сафар сен, кутилгандан

хам аъло махорат кўрсатдинг.

Гарри ўраб олган одам оёқлари орасидан қутуриб кетгандай қаршилиқ кўрсатаётган Тажовузкорни эгизак Уэслилар яшиқ ичига жойлаш учун катта куч ишлатаётганини кўрди.

- Нарн туринг, - деди Чаруальд, нефрит-яшил коржомасининг энгларини шимариб.

- Йўқ, кераги йўқ, - деди Гарри.

Бироқ дармонсизланиб қолган бола етарлича қаршилиқ кўрсатишга заифлик қилди.

Чаруальд сеҳрли таёқчасини бироз айлантиргач, тўғри Гаррининг пачақланган қўлига ўктади.

Гарри елкасидан бошланган ғалати, ёқимсиз хис бармоқ учигача бориб етганини сезди.

Назарида, қўлининг дамани чиқариб ташлашгандай бўлди. Гарри нима бўлаётганини билиш учун қўлига қиё боқишга журъат этмади. У кўзини чирт юмиб, тескари қараб олди.

Тез орада унинг энг ёмон хаёллари ўз тасдиғини топди. Йиғилганлар хиринглашди, фотоаппарат затвори эса тинимсиз шақиллай бошлади.

- Вой, - деди Чаруальд, - Нима ҳам дердим, шунақаси ҳам бўлиб туради. Энг асосийси, суяклар энди синмаган. Ана шунн ёдда тутмоқ даркор. Мана энди, Гарри, шифохонага боришинг мумкин. Мистер Уэсли, мисс Грэнжер, уни кузатиб қўймайсиз-ми? Помфри хоним сени... бир оз... тартибга келтириб қўяди.

Гарри оёққа турди-ю, ён томонга оғиб кетгандай бўлди. У чуқур нафас олди-да, ўнг қўлига қараб, боз хушидан кетишига сал қолди.

Енгидан резинага ўхшаш тана рангли қалин нарса чиқиб турибди. Гарри бармоқларини қимирлатиб кўришга уриниб кўрди. Самара йўқ.

Чаруальд суяк даволамабди. У, шунчаки, қўл суякларини йўқ қилиб юборибди холос.

Гаррининг ахволини кўрган Помфри хоним мамнун бўлмади.

- Тўғри менинг хузуримга келиш керак эди! - жаҳл қилди у, бармоғи билан атиги ярим соат олдин соппа-соғ, туппа-тузук ишлаётган кўлдан қолган жонсиз, бахтсиз хотирани кўтариб, - Синган суякларни ярим сонияга қолмай тузатаман-у, уларни қайтадан ўстиришга келсак...

- Сиз уддалай оласиз-ку, шундай эмасми? - умидсиз сўради Гарри.

- Уддалайман, албатта. Фақат бу жараён оғриқ ила кечади, - деди Гаррига пижама узатаётган Помфри хоним маъюс оҳангда, - Тунни шу ерда ўтказишга тўғри келади.

Гермиона Гаррига ажратилган каравотни тўсиб турган парда ортида қолди. Рон эса дўстига қийим алмаштиришга, аниқроқ айтиладиган бўлса, суяклардан маҳрум бўлган резина қўлни пижама энгига бир илож қилиб суқиб киритишга кўмаклашиб юборди.

- Чаруальд тўғрисида фикринг ўзгармади-ми, Гермиона? - сўради парда ортидан Рон, Гаррининг жонсиз бармоқларини энг манжетасидан тортиб чиқарар экан, - Гарри суяксиз қолишни бир умр орзу қилиб юрганига шубҳа қиламан.

- Ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандамиз, ҳеч қайси биримиз хатолардан холи эмасмиз, - шартта кесди Гермиона, - Қолаверса, қўлинг оғримай қолди-ку, тўғримн Гарри?

- Оғримаяпти, - рози бўлди Гарри, - Бироқ бошқа ҳеч нарса сезмаяпти ҳам, бажармаяпти ҳам-да.

У ёстикқа ташлангач, қўли ерга урилган резина буюм қандай сапчиши керак бўлса, шундай сапчиб қўйди.

Гермиона Гаррининг ёнига, «Суяк-ўстир» ёзуви битилган каттагина шиша идиш ушлаб олган Помфри хоним билан бирга ўтди.

- Сени машаққатли тун кутмоқда, - деди у, тутаётган суяқликни стаканга қуйиб, Гаррига узатар экан, - Суякларнинг қайтадан ўсиши у қадар ёқимли кечмайди.

Оғиз-томоқ бўшлиғини куйдириб ўтган «Суяк-ўстир» дорисини ичиш ҳам ёқимли бўлмади. Гарри йўталиб, тикилиб қолди. Тилини эътироз-ла тақиллатиб қўйган Помфри хоним, спортнинг хавфли турлари-ю, ўқитувчиларнинг масъулиятсизликлари хақида алланарса вайсаганча, нари кетди. Рон билан Гермиона Гаррининг ёнида қолиб, унга сув узагишди.

- Бари-бир биз ютдик, - эсга олди Рон, қулиб юбориб, - Шундай тутиб олдинг-ки!...

Малфойни кўриш керак эди. У сени ўлдирмоқчи бўлди!

- Анави Тажовузкорни қандай қилиб сеҳрлаб қўйганини билмоқчиман, - деди Гермiona, жаҳл билан.

- Бу саволни Ҳамма қиёфа сиркасини ичиб олгач, унга бериладиган саволлар рўйхатига киритиб қўйиш керак, - деди Гарри, ёстикка бош қўяр экан, - Умид қиламанки, сирканинг таъми мана бу дорининг таъмидай, жирканч бўлмайди.

- Ҳазиллашма. Анави турки хунук слизеринчиларнинг парчалари аралаштирилганидан кейин, мазали бўлармиди?

Ушбу фурсатда эшик шовкин-сурон билан очилиб, «Гриффиндор» жамоасининг бошдан-оёқ шалаббо, кир аъзолари кириб келишди.

- Мана буни парвоз деса бўлади, Гарри, - деди Жорж, - Мен хозиргина қутуриб кетган Маркус Флинтнинг «Айримларда, ҳатто ўз бошининг устидаги Тилла чакқонни кўришга ҳам қобилият етишмайди» деб бакириб юрганини эшитиб қолдим. Ростини айтадиган бўлсам, Малфойнинг башараси қувноқ қиёфа касб этганини сезмадим.

Улар пирожний, турли ширинликлар, ошқовоқ шарбати келтириб, ғалаба зиёфатини уюштириш учун Гаррининг каравоти атрофида эндигина астойдил жойлашиб ўтиришган эдики, Помфри хоним кириб келди.

- Ҳой, нима қиляпсиз бу ерда?! Болага тинчлик керак! Ўттиз учта суяк ўстириши керак у! Осон кечади деб ўйлайсиз-ми! Қани жилинг-чи, бу ердан! Тез кетинг!

Гарри ёлғиз қолиб, энди уни тўхтаб-тўхтаб турадиган оғриқдан ҳеч ким ва ҳеч нарса чалғитмай қўйди.

Бир неча соат ўтгач, Гарри, тим қоронғиликда уйғониб, қўлига бир дунё зирапча киргандай ҳис этди ўзини. Дастлаб у, айна шу оғриқдан уйғониб кетган деб ўйлади. Кейин эса, кимдир унинг терлаб кетган пешонасини губка билан артаётганини ваҳима ила идрок этди.

- Кетинг бу ердан, - деди у, кейин эса, - Добби!

Қоронғида катталиги теннис коптогидай келадиган бир жуфт кўз нурланганча, Гаррига термилиб турибди. Уй эльфининг узун бурнида кўз ёшининг танҳо катраси кўринди.

- Гарри Поттер мактабга қайтди, - шивирлади у, маъюс оҳангда, - Добби Гарри Поттерни кўп маротаба огоҳлантирган эди. Эҳ, сэр, нима учун Доббининг гапига қулоқ солмадингиз? Нима учун поездга кеч қолган Гарри Поттер уйга қайтмади?

Гарри базўр ўтириб олиб, пешонасидаги губкани улоқтириб юборди.

- Нима қиляпсан бу ерда? - бакириб берди у, - Поездга кеч қолганимни қаердан биласан? Доббининг лаблари титрай бошлагач, Гаррининг хаёлларини шубҳа камраб олди.

- Ах, мараз, бу сени ишингми?! - аста гапирди у, - Биз ўтиб олишимизга тўсқинлик қилиши учун тўсикни сен сеҳрладинг-ми?!

- Ҳа, сэр, мен, - тан олди Добби, қулоқларини лунжларига шалоплатганча бош ирғиб, - Добби Гарри Поттерни яширинча кузатиб юриб, тўсикни маҳкам муҳрлаб қўйди. Ўз қилмиши учун Добби ўз қўлини дазмол билан куйдирди, - деди эльф, Гаррига бинт ўралган ўнта бармоғини кўрсатиб, - Добби шундай қилсагина Гарри Поттер хавфсиз бўлади деб ҳисоблади. Бироқ Доббининг миясига Гарри Поттер, мактабга, бошқа йўл билан келиши ҳақидаги ўй келмади!

У бадбашара бошини орқа-олдга силкитганча, гапирар эди.

- Гарри Поттер «Хогварц»га қайтганини эшитган Добби ҳайратдан серрайиб қолди! У ҳатто соҳиби учун тайёрлаётган тушликни куйдириб қўйганини ҳам сезмай қолди! Ўхшаш қилмишлари учун Добби ҳали бундай таёқ емаган эди, сэр...

Гарри дармонсиз ҳолатда ёстикка бош қўйди.

- Сени дастингдан, Рон билан мени мактабдан қувиб солишларига сал қолди, - вишиллади у нафрат ила, - Яхшиси, суякларим ўсиб чикмасдан олдин кет бу ердан, акс холда бўғиб ўлдираман.

Добби маъюс кулиб қўйди.

- Добби ўлим таҳдидларига одатланиб қолган, сэр. Добби бундай таҳдидларни қунига кам

деганда беш маротаба эштади, сэр.

Эльф эгнидаги ягири чикқан, унга кийим сифатида хизмат қиладиган ёстикжилднинг бир учига бурун қокди. Унинг туриши шу қадар аянчли эдики, боланинг эльфга нисбатан нафрати ғайриихтиёрий равишда бархам топди.

- Нима учун анави увадани кийиб юрасан, Добби? - кизиксиниб сўради Гарри.

- Мана буни-ми, сэр? - сўради Добби, эгнидаги жилдни чимдиб кўрсатиб, - Уй эльфи учун бу куллик рамзидир, сэр. Доббининг сохиби ҳақиқий кийим тортик қилгандагина Добби хурриятга эришиши мумкин. Бироқ сэр, хонадон аъзолари ўзларини хушёр тутиб, Доббининг қўлига бирон-бир кийим, ҳатто пайпоқ бўлсин, узатмайдилар. Агар бундай ҳолат юз берадиган бўлса, Добби ўзини озод билиб, ўша хонадонни абадий тарк этиши мумкин, сэр.

Добби дўлайган кўзларига ёш олиб, кутилмаганда хитоб қилиб юборди:

- Гарри Поттер уйга қайтиши керак! Добби Гарри Поттер уйига қайтиб кетиши учун Тажовузкорнинг ўзи етарли бўлади деб ўйлаган эди...

- Тажовузкорнинг ўзи етарли бўлар эди? - сўради нафрати қайтадан жўш уриб кетган Гарри, - Бу нима деганинг? Тажовузкорни ҳам сеҳрлаган сен эдингми? Мени ўлдиришини истадинг-ми?

- Ўлдиришини? Ҳеч қачон, сэр! - чинқириб юборди уялиб кетган Добби, - Добби Гарри Поттернинг ҳаётини сақлаб қолмоқчи! Бу ерда қолгандан кўра, жиддий жароҳат олиб, уйга қайтганингиз маъкул, сэр! Гарри Поттер уйга йўл олишига жиддий асос бўлиши учун бир оз азоб тортишини истади холос!

- Наҳотки? Фақат шугина холос-ми? - захарли қилиб сўради Гарри, - Фахмимча, нима сабабдан мени бўлақларга бўлинган ҳолатда уйга жўнатишларини шарҳлаб бермоқчи эмассан, шундайми?

- Эҳ, сэр! Гарри Поттер билганда эди! - ингради Добби, кўз ёшларининг навбатдаги оқимини эгнидаги йиртиқ жилдига оқизиб, - Паст табақали биздай куллар, сеҳргарлик дунёсининг тубанликка юз тутган биздай элати учун Гарри Поттер қандай аҳамиятга эга эканлигини билганида эди! Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши ҳокимият чўккисиди бўлган даврларда ахволимиз қандай аянчли бўлганлигини Добби жуда яхши эслайди! Ўша даврларда уй эльфларига чувалчанглар билан қандай муомала қилинса шундай ношоён муносабат билдирилган, сэр! Доббига нисбатан эса, табиийки, бундай муносабат ўзгаришсиз сақланиб қолган, - иқрор бўлди эльф, юзини жилдга артиб, - Бироқ халқимнинг аксарият қисми кечираётган ҳаёт тарзида Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши устидан қозонган ғалабангиздан сўнг кўп ижобий ўзгаришлар рўй берди, сэр. Гарри Поттер омон қолди. Ёвуз Лорд мағлуб бўлиб, осмонга янги куёш чикди. Қора кунлар ҳеч қачон адо бўлмади деб юрган биздай кўрқоклар учун Гарри Поттер йўлчи юлдуз каби яраклади... Энди-чи!... Тез орада «Хогварц»да даҳшатли ходисалар бўлиб ўтади. Эҳтимол бошлангандир ҳам. Шундай экан, Добби Гарри Поттернинг бу ерда қолишига йўл қўя олмайди! Айниқса, ҳозир, машъум тарих боз қайталаниши мумкин бўлган, Махфий хона такрор очилган кунларда...

Добби чакмоқ ургандай бирдан унини ўчириб, каравот ёнидаги жавонча устида турган сув кўзани қўлига олди-да, бошига қарата бир солди. Зарб кучидан пастга сирпаниб тушиб, бир сонияга кўздан ғойиб бўлди. Сўнг, икки кўзи қаншарига келиб қолганча, яна кўрпа четига чиқиб:

- Ярамас Добби, разил Добби, - деб ғудуллади.

- Бундан чикди, Махфий хона чиндан ҳам бор эканда? - шивирлади Гарри, - Гапингга қараганда, демак у, илгари ҳам очилган? Гапириб бер, Добби!

У соғ қўли билан Доббининг кўзага узатилган чўп-устухон биллагини ушлаб қолишга улгурди.

- Мен мағллар оиласида туғилмаган бўлсам, ўша хона туфайли менга нисбатан қандай хавф туғилиши мумкин?

- Ох, сэр, сўраманг, шўрлик Доббидан бошқа ҳеч нарса сўраманг, илтимос, - минғирлади

эльф, коронгиликда кўзларини ярақлатиб, - Ҳозир бу ерда ёвуз ниятлар шаклланмоқда. Аммо, хавф очик юз берган паллада Гарри Поттер бу ердан узоқда бўлиши лозим. Уйга кетинг, уйга. Гарри Поттер бундай нохуш ҳодисага аралашиб қолиши мумкин эмас, бу жуда хавфли...

Гарри, Доббининг кўлини, кўзани чангаллаб, ўз бошини ўзи савалашига йўл қўймаслик учун маҳкам ушлаб олди.

- Ким, Добби? Хонани ҳозир ким очди-ю, ўтган сафар ким очган? - каттиқ туриб олди Гарри.

- Добби айта олмайди, сэр, айта олмайди, - чийиллади эльф, - Добби айтишга ҳақли эмас! Уйингизга кетинг, Гарри Поттер, уйингизга!

- Ҳеч қаякка кетмайман! - дарғазаб бўкирди Гарри, - Менинг энг яқин дўстларимдан бири мағллар оиласидан чиққан. Агар хона чиндан ҳам очилган бўлса, уни биринчи навбатда гум қилишади...

- Гарри Поттер дўстлар учун ўз жонини фидо қилишга ҳам тайёрами?! - қандайдир умидсиз лаззат ила ингради Добби, - Мисли кўрилмаган олижаноблик! Қандай қаҳрамонлик! Бироқ у, ўзини ўйлаши керак, ўзини қутқариши керак, Гарри Поттер...

Добби кутилмаганда яна унини ўчирди. Унинг кўршапалакниқига ўхшаб кетадиган катта қулоқлари титрай бошлади. Гарри ҳам эшик ортидаги йўлакда босилаётган қадам товушларини эшитди.

- Добби кетиши керак! - деди кўркиб кетган эльф.

Баланд чертки овози эшитилиб, Гаррининг кўли эльф билагига ўрнига ҳаво ушлаганча, қолди. Бола дармонсиз, эшикка диққат билан қараб ётди. Қадам товуши яқинлаша бошлади.

Кўп ўтмай хонага эгнига пахмоқ матодан тайёрланган халат, бошига тунги қалпоқ кийиб олган Дамблдор орқаси билан кириб келди. Унинг кўлида узун ҳайкалнинг бошига ўхшаш нарса кўринди. Сал ўтиб, ҳайкалнинг профессор Макгонагалл томонидан ушлаб олинган оёғи ҳам пайдо бўлди. Икковлон зўр бериб, ҳайкални каравотга ётқизиб қўйишди.

- Помфри хонимни чорланг, - шивирлади Дамблдор.

Профессор Макгонагалл Гарри ётган каравотнинг оёқ томонидан ўтиб, кўздан ғойиб бўлди. Бола ўзини ухлаётган кўйга солиб, атрофдаги ҳаяжонли овозларни эшитганча, жим ётди. Яна профессор Макгонагаллнинг шошиб юрган қомати, унинг ортидан эса, тунги кўйлак устидан кофта ташлаб, шиддат билан келаётган Помфри хоним кўринди.

- Нима бўлди? - сўради Помфри хоним, каравотда қилт этмай ётган ҳайкал устида энгашиб.

- Яна бир тажовуз, - жавоб қайтарди Дамблдор, - Минерва уни зинада топиб олди.

- Ёнида бир шингил узум бор эди, - деди профессор Макгонагалл, - Ўйлашимизча у, ҳеч кимга билдирмай, Поттердан хабар олгани келаётган бўлган.

Гаррининг кўкрак қафаси ичида нимадир сиқилиб кетгандай бўлди. У ҳайкалнинг юзига қараш учун аста-секин, эҳтиёткорона бош кўтарди. Ой нури ҳайкалнинг юзига тушиб, очик, ҳаракатсиз кўзларида акс этди.

Колин Кривининг ҳеч нарса кўрмаётган кўзлари юқорига қараган, кўллари олдинга узатилган бўлиб, фотоаппаратни маҳкам ушлаб олган.

- Донг қотганми? - шивирлади Помфри хоним.

- Ҳа, - тасдиқлади профессор Макгонагалл, - Агар Альбус пастга, иссиқ шоколад олиб келгани тушмаганда... Ким билади, нима бўлиши мумкин эди. Ўйласам юрагим орқага тортиб кетади...

Учовлон Колин устига энгашди. Дамблдор кўлини узатиб, маҳкам сиқиб турган муштчадан фотоаппаратни чиқариб олди.

- Ҳужум қилганни суратга олишга улгуриб қолгандир? - умид билан сўради профессор Макгонагалл.

Дамблдор индамай, фотоаппаратнинг орқа қопқоғини очди.

- О, Марҳаматли фалак! - хитоб қилиб юборди Помфри хоним.

Фотоаппарат вишиллаб ичидан паға-паға тутун чикиб кетди. Учта каравот нарида ётган Гарри куйган пластмассанинг бадбўй ҳидини хис этди.

- Эриб кетибди, - деди кўзларига ишонмаган Помфри хоним, - Эриб кетибди-я...

- Нимани англатади буларнинг бари, Альбус? - қатъий сўради профессор Макгонагалл.

- Шунинг англатадики, - жавоб қайтарди Дамблдор, - Махфий хона чиндан ҳам боз очилибди.

Помфри хоним кафтини лабига босиб олди. Профессор Макгонагалл эса индамай Дамблдорга тикилиб қолди.

- Бироқ Альбус... Мени маъзур кўрасиз-у... Ким бўлиши мумкин?

- Масала кимлигида эмас, - ғудуллади ўйланиб қолган Дамблдор, - Масала қандай тарзда эканлигида...

Профессор Макгонагаллнинг юзи касб этган қиёфани кўрган Гарри, директор ўринбосари, «Гриффиндор» коллежининг мудирини ушбу ходисалар маъносини тушунмаганлигини уқиб олди.

## **ХІ БОБ.**

## **ДУЭЛЬЧИЛАР КЛУБИ**

Эртасига, якшанба куни эрталаб уйғонган Гарри, хона ёрқин киши куёши билан ёритилганлиги, қўли уюшиб қолган бўлса-да, барча суяклари ўз жойида эканлигини кўрди. У шартта турганча, каравотига ўтириб, Колин ётган томон юзланди. Бироқ Қривининг каравоти кеча Гарри ортига ўтиб, кийим алмаштирган парда билан тўсиб қўйилибди. Пациент уйғонганини кўрган Помфри хоним патнисда нонушта олиб кириб, Гаррининг қўли билан бармоқларини букиш, ростлаш, укалашга киришиб кетди.

- Ишлар жойида, - деди у, Гарри чап қўл воситасида сули бўтқа билан ўнғайсиз овора бўлаётганини кўриб, - Овқатингни еб бўлгач, кетишинг мумкин.

Гарри кийимини имкон қадар тез алмаштириб, Рон билан Гермионага Добби ва Колин хақида гапириб беришга ошиққанча, «Гриффиндор» минораси томон югурди. Бироқ у, ўз дўстларини факультетнинг умумий меҳмонхонасида топа олмади. Унинг ҳол-аҳволи билан қизиқмаган бундай ўртоқлардан бир оз хафа бўлгандай бўлиб, қаёққа кетишлари мумкин деб ўйланиб қолди.

Кутубхона олдида Гарри ўтган учрашувларига нисбатан анча кўтаринки кайфиятда, эшиқдан мағрурона чиқаётган Перси Уэслига рўбару бўлди.

- О, салом, Гарри! - деди у, очик чехра билан, - Кеча зўр учдинг, баракалла. Энди «Гриффиндор» мактаб кубогига даъво қилиши мумкин. Сен коллежга эллик балл келтирдинг!

- Иттифоқо Рон ёки Гермионани кўрмадинг-ми? - сўради Гарри.

- Йўқ, кўрганим йўқ, - деди Перси, юзидаги табассум сўниб, - Умид қиламанки, Рон яна аёллар хожатхонасига кириб олмаган...

Гарри жавобан кулиб қўйгандай бўлди-да, Перси кўздан ғойиб бўлишини кутиб, тўғри Дилгир Миртл хожатхонаси томон йўл олди. Гарчи ҳозир дўстларига ўша ерда нима керак бўлишини тасаввур қила олмаса-да, яқин ўртада Филч ёки синфбошилардан бирортаси йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, хожатхонага кириб, ичкаридан ёпилган бўлмалардан бири ичидан чиқаётган таниш овозларни эшитди.

- Бу мен, - деди у, кириш эшигини ёпиб.

Бўлма ичидан жаранлаган, шапиллаган товушлар-у, бўғиқ хитоб эшитилиб, калит тешигида Гермионанинг хушёр кўзи кўринди.

- Гарри! - хитоб қилди у, - Кўрkitиб юбординг-ку! Кир... Кўлинг қалай?

- Жойида, - жавоб берди Гарри, бўлмага суқилиб кириб.

Устига эски қозон ўрнатилган унитаз гардиши остида олов ёняпти. Ихчам, олиб юриладиган, нам таъсир қилмайдиган гулхан яратиш Гермионанинг яхши билган нарсаларидан бири.

- Сени олиб чиққани бормоқчи бўлдик-у, Хамма қиёфа сиркасини тайёрлашга қанча эрта

киришсак, шунча яхши деган қарорга келдик, - тушунтирди Рон, Гарри бир илож қилиб бўлма эшигини ёпгач, - Энг хавфсиз жой шу ер деб билдик.

Гарри Колин Криви ҳақида эндигина гап бошлаган эдики, Гермиона унинг гапини бўлди.

- Хабаримиз бор. Эрталаб профессор Макгонагалл профессор Флитвикка айтиб бераётганини эшитиб қолдик. Шу боис ҳам ишни эрталоқ бошлашга аҳд қилдик.

- Малфойнинг икрорини тез суғуриб олишимиз керак, - баёнот қилди Рон, жанговар охангда, - Биласанми, қандай хаёлга бордим? Ўйинда шармандаларча ютқазиб қўйган Малфой аламини Колиндан олган.

- Яна бир нарса ҳақида гапириб бермоқчиман, - деди Гарри, Гермионанинг маржумак боғини бузиб, қайнатмага ташлаётганини кузатар экан, - Тунда ҳол-аҳвол сўрагани ҳузуримга Добби келди.

Гермиона билан Рон ҳайрон бўлиб, бош кўтаришди. Гарри дўстларига Доббининг сўзларини оқизмай-томизмай айтиб берди. Добби айтмаган баъзи нарсалардан ҳам бохабар қилди.

- Махфий хона муқаддам очилган эканми? - сўради Гермиона.

- Ана энди ҳаммаси тушунарли, - деди Рон, тантанавор охангда, - Афтидан, Люциус Малфой, мактабда ўқиб юрган кезлари ўша хонани ўзи очган, энди эса хона сирини ўзининг эркатойи Дракога айтиб берган. Мана, ҳаммаси аён бўлди-қолди. Добби ўша хонага қанақанги махлуқ яшириб қўйилганлигини айтмагани чатоқ бўлибди-да, эссиз. Нима учун ўша махлуқни бугунги кунга қадар ҳеч ким кўрмагани қизиқ менга.

- Эҳтимол у, кўзга кўринмаслик қобилиятига эгадир, - тахмин қилди Гермиона, зулукларни қозон тубига йўллаб, - Балки, ниқобланишни билар. Айтайлик, рицарлар аслаҳаси ёки шунга ўхшаш бирор нарсага айлана олар. Қонхўр-букаламунлар ҳақида ҳам ўқиганман...

- Ҳаддан ортиқ кўп ўқийсан-да, Гермиона, - деди Рон, зулуклар ортидан ипак қанотли ўлик пашшаларни қозонга ташлаб.

Пашшалардан бўшаган қоғоз халтани эзиб, нари улоқтирар экан, Гаррига қаради.

- Демак, поездга ўтиришимизга тўсқинлик қилган ҳам, сенинг қўлингни синдирган ҳам Добби эканда, - деди Рон, бош силтаб, - Биласанми нима, Гарри? Агар у, хаётингни сақлаш ишларини бас қилмас экан, сени ўзи ўлдириб қўйиши турган гап.

\*\*\*

Колин Кривига тажовуз қилинганлиги ва ҳозир у шифохонада, ўлиқдан деярли фарқ қилмай ётганлиги ҳақидаги хабар душанба куни эрталаб ҳаммага маълум бўлди. Шу билан бирга ҳар хил бўлар-бўлмас миш-миш гаплар-у, асоссиз уйдирмалар ҳам тарқади. Биринчи синф ўқувчилари қаср ичида танҳо сайр қилишдан қўрқиб, кичик-кичик ғуж галалар ҳосил қилганча юрадиган бўлиб қолишди.

Афсун ўқиш дарсида Колин Криви билан ёнма-ён ўтирган Жинна Уэсли дили хуфтон бўлиб қолди. Гаррининг фикрича, синглизининг кўнглини турли бемаъни усуллар қўллаб очишга уринаётган Фред билан Жорж ўзларини мутлақо нотўғри тутишмоқда. Улар дам аллақандай ҳайвонлар терисига ўраниб, дам ўзларини куйиб кетган киши ҳолатига келтириб, қаср йўлақларидаги ҳайкаллар орқасидан Жиннанинг йўлига беҳос чиқиб қолишар ёки шунга ўхшаш бошқа қилиқлар қилишар эди. Перси эгизакларга, сакта бўлиб қолгудай даражада бақирганча, иккаласининг қасри урганидан Жинна тунда қўрқадиган бўлиб қолганлиги ҳақида миссис Уэслига ёзиб юборишини таҳдид қилганидан сўнггина, бундай қилиқларини бас қилишди.

Айни вақтда мактабда, ўқитувчилардан бекитиқча, тумор ва шунга ўхшаш муҳофаза буюмларининг яширин бозори гуркураб кетди. Невилль Лонгботтом ўзига бир бош йириккина сассиқ пиёз, найза қиррали қирмизи кристалл ва тритоннинг ҳидланиб кетган думини сотиб олди (**Тритон - ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшайдиган калтакесаксимон жонивор**). Гриффиндорчи болалар:

- Модомики Лонгботтомлар сулоласи асилзода сеҳргарлар сулоласи экан, сенга ҳеч қандай тажовуз хавф солмайди, - деб, Невиллни тинчлантиришга уринишди.



Уларга жавобан Невилль:

- Биринчи навбатда Филчга хужум уюштирилди. Мен ўша Филч каби деярли швах эканлигим эса ҳаммага маълум, - деб эътироз билдирди.

Декабрнинг иккинчи ҳафтасида профессор Макгонагалл ҳар йилгидай, кишки таътилни ўтказиш учун уйга кетмай, Рождество байрамини қасрда нишонлаш истагини билдирганлар рўйхатини тузди. Гарри, Рон ва Гермиона ҳам ёзилиб қўйишди. Улар Малфой Рождествога қолаётганлиги ҳақида хабар топишгач, шубҳалари янада ошди. Ҳар ёмоннинг бир яхшилиги бўлади. Дўстлар айна шу таътилни Ҳамма қиёфа сиркасини амалда синаб кўриш ва Малфойнинг икзорини тезроқ суғуриб олиш учун қулай фурсат деб топишди.

Бироқ минг афсуски, сирка ярмигагина тайёр бўлган холос. Икки шохлининг туйилган шоҳи билан бумсленг териси ханузгача етишмаяпти. Ушбу таркибий қисмларни эса ягона бир жой – Снеггнинг хизмат хонасидаги хусусий омборидангина олиш мумкин. Бу масалада Гарри шахсий мулоҳазага, у ҳам бўлса: Снеггнинг хизмат хонасига ўғирликка кириб, ўша мурдорнинг қўлига тушгандан кўра, Салазар Слизериннинг афсонавий махлуғи билан юзма-юз тўқнаш келган афзал деган фикрга эга.

Сеҳрли дамламалар тайёрлаш дарси, машғулотлар жадвалига мувофиқ, пайшанба кунининг иккинчи ярмида ўтиши керак бўлиб, ўша нохуш онларга қолган вақт шиддат билан яқинлашмоқда.

- Биз Снеггни бироз чалғитишимиз керак холос, - деди Гермиона, беташвиш оҳангда, - Шунда учовимиздан биримиз унинг хизмат хонасига яширинча кириб, керакли нарсани олиб чиқади.

Гарри билан Рон Гермионага чўчиб қараб қўйишди.

- Фикримча, - давом этди Гермиона, вазмин овози билан, - Ўғирликка мен кирганим маъқул. Агар сизлар яна бирон-бир ножўя хатти-ҳаракат билан қўлга тушадиган бўлсангиз, мактабдан қувиб солишлари муқаррар. Мен эса, бу масалада ҳали огоҳлантирилганим йўқ. Шундай экан, сизлардан ягона бир нарса – тўполон кўтариш талаб қилинади. Лекин тўполон шу даражада кўтарилиши керакки, Снегг, кам деганда беш дақиқа банд бўлиб қолсин.

Гарри ишонқирамай қулиб қўйди. Снеггнинг дарсида тўполон кўтариш – ухлаб ётган аждарнинг кўзига чўп тикиш билан баробардир.

Сеҳрли дамламалар тайёрлаш дарси ертўладаги кенг хоналардан бирида ўтади. Пайшанба келиб, барча ишлар рисоладагидай кечмоқда. Дамлама тайёрлаш учун ишлатиладиган турли таркибий қисмлар билан мис тарозилар териб қўйилган ёғоч столлар орасида йигирмата қозон қайнаяпти. Снегг паға-паға буғ орасида, гриффиндорчиларга аччиқ танбеҳлар бериб юрибди. Коллеж мудирининг масхараомуз сўзларини эшитган слизеринчилар эса қулиб қўйишмоқда. Снеггнинг эрка ўқувчиси Драко Малфой Рон билан Гарри томон Ит-Балиқ кўзини отиш билан овора (*Игнақоринлисимонлар (лат. Tetraodontidae) туркумига мансуб балиқларнинг Игнақоринли, шунингдек, Тўрт тишли, Очиқ тишли ва Ит-Балиқ оиласи. Бундай балиқларнинг 19 та тури ва 90 дан ортиқ зоти мавжуд бўлиб, асосан субтропик ва тропик денгизларда учрайди*). Айна пайтда, шуниси аниқки, жавобан иш кўриладиган бўлса, «адолатсизлик» сўзини айтишга имкони бўлмайдиган Рон ҳам, Гарри ҳам жазога тортилади.

Гарри тайёрлаган Шишириш эритмаси талаб даражасига жавоб бермай, қандайдир суюқ чиқди. Лекин бу ҳолат Гаррини ташвишга солгани йўқ. Унинг хаёлини янада муҳимроқ бошқа нарсалар банд қилган. Ҳозир у Гермионанинг имосини кутиб, серсув дамлама тайёрлагани борасида профессор Снеггнинг мазах гапларига эътибор ҳам қаратгани йўқ. Снегг ниҳоят уни ўз холига қўйиб, навбатдаги қурбони – Невилль томон йўл олганида, Гермионанинг маъноли имосини пайқади.

Гарри қозон орқасига тез ўтиб, киссасидан доктор Филибустернинг сувдан оловсиз отиладиган фантастик мушагини чиқарди-да, сеҳрли таёқчаси билан сал туртиб қўйди. Мушак жиринглаган овоз чиқариб, ишга тушгач, қўлига олди. Ихтиёрида атиги бир неча

сония борлигини билган Гарри қаддини ростлаб, нишонни кўзлади-да, мушакни юқорига улоқтирди. Мушак тўғри нишонга – Гойлнинг қозонига бориб тушди.

Бир қозон дамлама портлаб, қатралари бутун хонага сачраб кетди. Шишириш эритмасининг томчилари теккан болалар қичқира бошлашди. Эритма Малфойнинг башарасини шалаббо қилган шекилли, бурни ҳаво шаридай иша бошлади. Гойл эса кафтини кўзига босганча, сакрамоқда. Унинг катталашаётган кўзлари тушлик ликопини эслагди. Снегг бу вақтда осойишталикни тиклаш ва нима юз берганини ойдинлаштиришга уринди. Оммавий парокандалиқдан фойдаланган Гермiona эса, астагина Снеггнинг хизмат хонасига кириб кетди.

- Жим! ЖИМЛИК САҚЛАНСИН! - қичқирди Снегг, - Кимга эритма теккан бўлса, ёнимга келиб, бу ишни ким қилганини билганимдан сўнг, жароҳатни тузатадиган Кичрайтириш дозасини олсин.

Гарри кулгидан ўзини базўр тийиб турди. Ўқитувчининг ёнига биринчи бўлиб, қовундай келадиган бурнини полда судраб юрган Малфой яқинлашди. Тез орада стол олдига синфнинг ярми тўпланди. Айримлар хаскашдай бўлиб кетган кўлларини кўтара олмаса, бошқа бирлари лаби ишиб кетганидан гапира олмайди. Бу орада хонага кўйлагининг олд томони бироз кўтарилган Гермiona қайтиб кирди.

Эҳтиёж сезганлар ўқитувчи берган зидди-захарни қабул қилиб, турли туман шишишлар кичрая бошлагач, Снегг Гойлнинг қозонига яқин бориб, мушакнинг эшилиб кетган қара парчаларини чиқарди. Хонада сукунат қарор топди.

- Агар мен қачон бўлишидан қатъи назар, бу ишни ким қилганини билиб қолсам, ўша кишини мактабдан қувиб солишгунга қадар тинчланмайман, - баёнот қилди у.

Гарри зудлик билан юзига, имкон қадар кўп хайронликни қасб этган киёфа беришга ҳаракат қилди. Снегг фақат Гаррини кузатиб борди. Ўн дақиқа ўтиб эшитилган қўнғирок зарбаси эса худди буюргандай бўлди.

- Бу ишни мен қилганимни фахмига етди, - деди Гарри, Рон билан Гермionaга, Дилгир Миртл макони томон йўл олишар экан, - Мендан гумонсиратганини дарҳол пайқадим. Гермiona қайнатманинг қўлга киритилган янги таркибий қисмларини қозонга ташлаб, жадал аралаштира кетди.

- Икки ҳафта ўтиб, тайёр бўлади, - қувонч билан эълон қилди у.

- Бу ишни сен қилганингни Снегг исботлай олмайди, - тинчлантиришга уринди Рон, - Қўлидан нима келади?

- Бирон-бир даҳшатли иш келади, Снеггни биламан-ку, - ҳукм қилингандек хўрсиниб қўйди Гарри.

Қайнатма пишқириб, кўпиклана бошлади.

Бир ҳафта ўтгач, вестибюль орқали ўтаётган Гарри, Рон ва Гермiona эълонлар тахтаси қаршисида тўпланиб, эндигина маҳкамлаб қўйилган пергамент варағидаги маттни ўқиб турган болалар гуруҳини кўриб қолишди. Учовини кўриб қолган Симус Финниган билан Дин Томас ҳаяжонли киёфа ила имлашди.

- Дуэльчилар клуби таъсис этилибди! - деди Симус, - Биринчи машғулот бугун кечкурун ўтар экан! Дуэль дарсларига, айниқса, бугунги кунда асқатиб қолиши мумкин бўлган бундай сабоқларга, ҳеч эътирозим йўқ.

- Наҳотки Слизерин қолдириб кетган махлуқ дуэльга чиқиб уришади деб ўйласанг? - масхараомуз сўради Рон, эълонни қизиқсиниб ўқир экан.

Учовлон кечки овқат томон йўл олишди.

- Умуман айтганда, бундай машғулотлар фойдадан холи эмас, - деди Рон, - Ёзилиб қўямизми?

Гарри билан Гермiona майл билдиришди. Кечки соат саккизда учовлон шоша-пиша Катта Залга қайтди. Узун столлар кўзга кўринмай қолиб, деворлардан бирининг ёнида, ҳавода муаллақ осилган минглаб шамлар ёритиб турган тилла тусли сахна пайдо бўлибди. Қора баҳмалдай қоп-қора шифт остида мактабнинг, кўлига сеҳрли таёқчаларини ушлаб олган жамики ўқувчилари тўпланиб олган гўё. Ҳаммининг юзида қувончли завқ киёфаси

яркирамоқда.

Учала ўртоқ жонли суҳбат куриб турган ўқувчилар орасига келиб қўшилди.

- Қизик, ким ўргатар экан? - сўради Гермiona, - Кимдир менга профессор Флитвик ёшлигида дуэльчилар чемпиони бўлган деган эди. Эҳтимол шу киши ўргатар жанг қилишни?

- Ишқилиб... - деганча, оғиз очган Гарри ўз гапини инграб тўхтатди.

Сахнага қора олхўри рангли кийим кийган бетакрор-гўзал Сверкароль Чаруальд чиқди. У билан бирга, эгнига одатдагидай қора кийим ташлаган Снегг пайдо бўлди.

Чаруальд жимлик сакланишини сўраб қўлини кўтарди.

- Якинрок келинг, якинрок! Мен ҳаммага кўриняпман-ми? Мени ҳамма эшитяпти-ми? - сўради Чаруальд, - Жуда соз! Ундай бўлса, бошлаймиз! Менга юзлаб ва минглаб маротаба ўзимни ўзим ҳимоя қилишга тўғри келган. Бу борадаги барча тафсилотлар менинг асарларимда баён этилган. Сизлар ҳам ўзингизни ўзингиз мен каби ҳимоя қила олишингиз даркор. Шунинг учун профессор Дамблдор, ушбу кичик дуэльчилар клубини таъсис этишга ижозат берди. Танишинг, менинг ёрдамчим, профессор Снегг, - давом этди Чаруальд, тишининг оқини кўрсатиб, - Дуэль жангидан бир оз хабари борлигини маълум қилиб, сизлар билан машқ қилишга киришишимиздан олдин айрим усулларни намойиш эта олишим учун ўртоқларча ёрдам кўрсатишга розилик билдирди. Ҳа, айтгандай, сизларни бошидан тинчлантириб қўймоқчиман-ки, намойиш якунига етгач, сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани ўқитувчингизни тўрт мучали бутун ҳолатда қайтариб бераман, кўркманг!

- Иккаласи бир-бирини ўлдириб юборишса, зўр иш бўлар эди, тўғрими? - гудуллади Рон, Гаррининг қулоғига.

Снегг лабининг бир чети билан истехзоли кулиб турди. Агар Снегг унга шундай кулиб қўйганда борми, аллақачон бу ердан жуфтакни ростлаган бўлар эди. Қандай қилиб Чаруальд ҳалигача кула олаётганини Гарри ҳеч тушунмади.

Иккала профессор бир-бирига юзланиб, таъзим қилишди. Чаруальд, қўл кафтлари билан ғалати қилиқлар қилганча, таъзим қилди ҳар қалай. Снегг эса бошини жаҳл ила қимирлатиб қўйди. Шундан сўнг, улар ўз сеҳрли таёқчаларини шамшир кўтарган каби, кўтаришди.

- Кўриб турганингиздай, биз ўз таёқчаларимизни урф-одат бўйича жанговар ҳолатга келтириб, тутиб олдик, - тушунтириш берди Чаруальд, жим бўлиб қолган томошабинларга, - Уч деганда биз биринчи афсунни ўқишимиз керак. Табиийки, ҳозирги вазиятда иккаламиздан ҳеч қайси биримизда шерикни ўлдириш фикри йўқ.

- Мен бу қадар ишонч билан айтмаган бўлар эдим, - гудуллади Гарри, иршайиб турган Снеггнинг вазоҳатини кўриб.

- Бир, икки, уч...

Иккови таёқчаларини бош узра кўтарганча, бир-бирига ўктади.

- «Экспеллиармус!», - қичқирди Снегг.

Тўқ қизил ёғду кўрингач, бечора Чаруальд сахнанинг нариги томонига учиб кетиб, деворга зарб билан урилди-да, сирпаниб ерга тушди.

Буни кўрган Малфой ва айрим слизеринчилар завқ билан хитоб қилиб юборишди.

Гермиона эса турган жойида бир сапчиб, оёғининг учига туриб олди-да, оғзига босиб олинган бармоқлари аро паст овоз билан.

- Унга ҳеч нима қилмадимикан, нима деб ўйлайсиз? - деб бақариб юборди.

- Бизга нима? - деярли баралла жавоб қайтаришди Рон билан Гарри.

Фатила сочлари тикка бўлиб кетган Чаруальд базўр оёққа туриб олди.

- Хўш... мана марҳамат! - деди у, тахтасупага йўртиб юрганча қайтиб чиқар экан, - Кўриб турганингиздай, мен қўлимдаги таёқчамни йўқотиб қўйдим. Демак, сизга Қуролсизлантириш афсуни намойиш этилди. Аха раҳмат, мисс Браун. Мазкур афсунни клубимиз аъзоларига намойиш этиб, жуда яхши қилдингиз, қадрли Северус. Ижозатингиз билан айтишим мумкинки, қандай иш тутмоқчи бўлганингиз менга мутлақо аён бўлиб

турган эди. Болаларга ушбу усул таъсирини амалда кўрсатишга аҳд қилганим учун ҳам қаршилик кўрсатмадим. Зеро, ҳеч қандай қийинчилик сезмаган бўлар эдим... Снеггнинг қиёфаси нимаси биландир қотилликни кўзлаётган кишига ўхшаб кетди. Буни пайқаган Чаруальд:

- Машғулотишимизнинг намойиш қилиш қисми тугади! Энди мен сизларни жуфтларга бўлиб чиқмоқчиман. Профессор Снегг, истасангиз ёрдам беришни давом эттиришингиз мумкин...

Улар болалар ёнига тушиб, ҳар бирига мос келадиган рақиб танлаб беришга киришди. Чаруальд Жастин Финч-Флетчини Невиллга қарши қўйди, Снегг эса Гарри билан Ронга яқинлашди.

- Бекусур жамоангизни парчалаб юбориш вақти етди деб ўйлайман, шундай эмасми? - захарҳанда қилди у, - Уэсли, сенинг рақибинг Финниган бўлади. Поттер...

Гарри дарҳол Гермiona томон қадам ташлади.

- Йўқ, асло бундай бўлмайди, - деди Снегг, совуқ иршайиб, - Мистер Малфой, яқинроқ келинг. Қани кўрайлик-чи, бизнинг донгдор дўстимизни қандай ахволга солиб қўя оласиз. Сиз эса, мисс Грэнжер, мисс Бичешейдерга қарши чиқасиз.

Малфой виқор ила ишшайиб, бетакаллуфларча яқин келди. Унинг изидан танаси йирик, бичими квадрат шаклини эслатадиган, пастки жағи олдинга тажовузкорона чиқиб турган, «Сеҳргар аёллар билан биргаликда ўтказилган таътил» асари саҳифаларида тасвирланган аёлга ўхшайдиган слизеринчи киз эргашди. Гермiona уни қарши олиб, бир оз кулиб қўйди-ю, жавобан илик муносабат олмади.

- Рақибга юзланиб туринг! - кўрсатмалар бера бошлади саҳнага чиқиб олган Чаруальд, - Ҳўш, ана энди бир-бирингизга таъзим бажо айланг!

Гарри билан Малфой бир-биридан кўз узмай, сезилар-сезилмас бош ирғиб қўйишди.

- Таёқчалар жанговар ҳолатга келтирилсин! - кичкирди Чаруальд, - Учгача санаб бўлганимдан сўнг, рақибни қуролсизлантириш афсунини ўқинг. Эшитдингиз-ми, фақат қуролсизлантириш афсунини. Бизга ҳеч қандай бахтсиз ҳодиса-ю, кўнгилсизликлар керак эмас. Бир... икки... уч!

Гарри таёқчани бош узра қўтарди, бироқ Малфой ғирромлик қилиб, ўз ҳамласини Чаруальд санаган «икки» ҳисобида амалга оширди. Драконинг афсуни Гаррига чунонам урилдики, гўё бошига каттагина чўян това келиб тушгандай бўлди. У турган жойида гандирақлаб кетди-ю, йиқилмади. Вақт йўқотмай, сеҳрли таёқчасини Малфойга ўқтаб:

- «Риктусемпра!», - деб кичкириб юборди.

- Мен фақат қуролсизлантириш афсуни ўқилсин дедим-ку! - бакирди Чаруальд ўқувчилар узра.

Гарри унга қарата Қитиклаш тилсимини қўллагани боис, Малфой аста секин полга ўтириб, ўзини кулгидай тўхтата олмай, биланлаганча, оёғида тура олмай қолди. Полда ётган Драқони охиригача урса диёнатсизлик қилган бўлишини ўйлаган Гарри беғамлик қилиб қўйди. Оғзи билан ҳаво ютаётган Малфой таёқчасини Гаррининг тиззасига тақаб, эзилганча:

- «Таранталлегра!», - деб кичкирди.

Шу захоти Гаррининг оёқлари ўзига итоат қилмай қўйиб, квикстеп рақсидаги каби титрай бошлади (*Квикстен– фокстротга ўхшаш, фақат янада жадал кечадиган рақс тури*).

- Тўхтанг! Бас қилинг! - чийиллаб юборди Чаруальд.

Шу пайт Снегг вазиятни ўз назоратига олди.

- «Фините Инкантатем!» - бўкириб юборди у.

Гаррининг оёқлари қизгин ҳаракатини бас қилди. Малфой ҳам кулгидан тўхтади ва шундан сўнггина иккаласи юқорига қарай олди.

Саҳна узра яшил туман бурқираб кетган. Невилль билан Жастин ерда ҳансираб ётибди. Рон юзи кул ранг касб этиб кетган Симусга ердан кўтарилишга ёрдам бериб, синик таёқчасининг қилган қилмиши учун узр сўраяпти. Гермiona билан Миллисент Бичешейдер ханузгача қурашмоқда. Миллисент оғриқдан инграётган Гермionанинг

бошини маҳкам ушлаб олган. Иккаласининг сеҳрли таёқчаси ерда ётибди. Гарри бир сакраб келди-да, Миллисентни Гермionaдан нари торта бошлади. Бичешейдер Гаррига нисбатан анча йирик бўлгани боис, бу иш осон кечмади.

- Қадрдонларим, бу нима қилганингиз, а?! - хитоб қилди Чаруальд, дуэльчилар орасида зир югуриб, мухораба оқибатларига қарагача, - Тур ўрнингдан Макмиллиан... Эҳтиёт бўлинг мисс Фоссетт... Маҳкамроқ сиқиб олсанг, Бут, бир неча сония ўтгач, кон тўхтади. Болаларнинг бунчалик уришиб кетишини кутмаган Чаруальд Катта Зал ўртасида какқайиб қолиб, Северусга қаради. Снегнинг яраклаб турган коп-кора кўзларини кўргач, нигоҳини олиб қочди

- Адоватли афсунларни мухосара қилишни ўргатганим маъқулга ўхшайди. Бунинг учун кўнгиллилар жуфти керак бўлади. Лонгботтом ва Финч-Флетчи, иштирок этасизми?

- Фикрингизга қўшила олмайман, профессор Чаруальд, - деди Снегг, сирғанма ҳаракат ила йирик, ёвуз кўршапалакка ўхшаб яқинлашар экан, - Лонгботтом энг оддий афсун воситасида теварак-атрофдаги бор нарсани вайрон қилиб ташлашга қодир. Бундай жангдан сўнг, Финч-Флетчидан қолган парчаларни шифохонага гугурт қутисига солиб элтишга тўғри келади. Менда бошқа таклиф бор, Малфой ва Поттер жуфтлигини жалб этсак, нима дейсиз? - деди Снегг, қийшиқ иршайиб.

- Ажойиб фикр! - қувониб кетди Чаруальд, Гарри билан Малфойни Катта Зал ўртасига имлаб.

Болалар йўл очиб, ортга тисарилди.

- Қара, Гарри, - деди Чаруальд, - Драко таёқчасини ўктаган фурсатда мана бундай қиласан. У боши узра кўтариб олган сеҳрли таёқчаси билан аллақандай тамтарокли ҳаракатлар қилди-ю, таёқчасини қўлидан тушириб юборди. Буни кўрган Снегг башарасини нафрат ила буриштириб қўйди. Чаруальд таёқчасини ердан тез кўтариб олди-да:

- Ана холос! Таёқчам ҳаддан ортик зўриққанга ўхшайди, - деб қўйди.

Снегг Малфойга яқин келиб, қулоғига алланима деб пичирлагач, Малфой иршайиб қўйди.

Нима бўлаётганини яхши англамай, бир оз чўчиган Гарри кўзини Чаруальдга кўтариб:

- Профессор, ҳозиргина кўрсатган мухосарангизни яна бир бор кўрсатсангиз, - деб илтимос қилди.

- Кўркиб кетдинг-ми? - деди Малфой, Чаруальдга эшиттирмай.

- Туя ҳаммомни орзу қилибди, - вишиллаб қўйди Гарри.

Чаруальд Гаррига «Мен кўрсатгандай иш тутсанг, ишлар жойида бўлади!», деб далда бермоқчи бўлгандай, елкасига уриб қўйди.

- Нима қилай? Таёқчани йиқитиб юборишим керакми?

Чаруальд унинг саволини эшитмади.

- Уч, икки, бир, бошладик! - кичқирди у.

Малфой шу заҳоти таёқчасини силтаб:

- «Серпенцорция!», - деб кичқирди.

Гарри Малфойнинг таёқчаси залп бергани, ундан узун қора илон отилиб чиқиб, дуэльчилар орасидаги полга тушгани ва чақишга шай ҳолатда бош кўтариб турганини гунг дахшат ила кўрди. Дод-вой кўтарган халойиқ яшин тезлигидай ортга чекингач, Гарри билан Малфойнинг атрофида бўш майдон ҳосил бўлди.

- Қимирлама, Поттер, - деди эринчоқ овоз билан илонга юзма-юз бўлган боланинг кўркиб кетганидан лаззатланаётган Снегг, - Уни мен йўқотаман...

- Ижозатингиз билан! - кичқирди Чаруальд.

У илон қаршисига келиб, таёқчасини бир силтаган эди ҳам-ки, «гум» этган товуш янгради.

Илон кўздан ғойиб бўлиш ўрнига ўн метрча юқорига сакраб, шалоплаганча полга тушди.

Табийки, жаҳли чиққан илон вишиллаб, шиддат билан ўрмалаб, Жастин Финч-

Флетчининг қаршисига келди-да, тиш яланғочлаб, ҳамлага шайланди.

Кейинги хатти-ҳаракатларини бажаришга нима мажбур қилганини Гаррининг ўзи англай олмади. Ўз қарорини обдон ўйлаб кўришга улгурмай туриб, унинг оёқлари, худди ғилдиракчали коньки кийилгандай ўзидан ўзи олға сирпаниб, илон қаршисига келтириб

кўйди:

- Тинч кўй уни! - бақирди у, овози борича.

Мўъжиза! Тушуниб бўлмайдими-ю, бироқ шу онда шаштидан қайтган қоп-қора илон болага итоат этиб, узун боғ шлангига ўхшаб чўзилганча, унинг оёғи остига ётиб, кичкина кўзлари билан Гаррига тикилиб қолди. Қўрқинч ҳисси болани тарк этди. Қаердан маълум эканлигини тушунтира олмайди, аммо илон энди ҳеч кимга ҳамла қилмаслигини Гарри аниқ билади.

Тинчланган ёки хайратда қолган ёхуд миннатдорлик изҳор этаётган Жастиннинг юзини кўришга умид қилган Гарри қулганча орқага ўтирилди-ю, аксинча, Финч-Флетчининг кўрқув ва даҳшат акс этиб турган қиёфасига рўбару бўлди.

- Яна нимани бошламоқчисан? - қичқирди Жастин ва Гарри бир сўз гапиришга улгурмай, Катта Залдан ўқдай учиб чиқди.

Снегг олдинга чиқиб, таёқчасини силтади. Илон шу заҳоти ғойиб бўлди. У ҳам бошқалар каби Гаррига хушёр, қовоғини солганча ўткир қараб, ниманидир англаб олмоқчи бўлгандай ғалати тикилиб қолди. Бундай нигоҳ Гаррига ёқмади. Айни фурсатда кўрқиб кетган болаларнинг ваҳимали ғўнғир-ғўнғир овозлари ҳар томондан эшитилаётганлигини идрок этди. Кейин кимдир орқада туриб, унинг қоржомасини тортди.

- Кетдик, - шивирлади Рон, Гаррининг қулоғига, - Бу ерни тез тарк этганимиз маъқул...

Рон, ҳеч нарсани тушунмай қолган Гаррини Катта Залдан етаклаганча, олиб чиқди.

Гермиона ҳам дўстлари ортидан эргашди. Эшик олдидаги халойиқ худди юкумли касалликни юқтириб олмаслик учун нари қочгандай йўл беришди. Гарри ҳеч нарсани тушунмаяпти. Рон ҳам, Гермиона ҳам «Гриффиндор» коллежининг бўм-бўш меҳмонхонасига етиб боргунга қадар сукут сақлаб боришди. Умумий меҳмонхонага етиб келгач эса Рон Гаррини креслога ўтқизиб қўйиб, ҳеч қандай киноясиз сўраб қолди:

- Сен илонзабон экансан-да! Нега бу ҳақда бизга айтмаган эдинг?

- Ким эканман мен? - сўради Гарри.

- Илонзабон! - бақириб берди Рон, - Сен илон тилида гапира олар экансан!

- А, шундай демайсан-ми, - деди Гарри, - Яъни айтмоқчиман-ки, ўхшаш ишни ҳаётимда иккинчи бор бажаришим. Қунлардан бир кун хайвонот боғида бехосдан боа-констрикторни холаваччам Дудлининг кетидан қўйган эдим. Буни тарихи узоқ-у, бироқ ўша боа-констриктор менга Бразилияда ҳеч қачон бўлмаганлигини айтган. Ўшанда мен, сеҳргар эканлигимни мутлақо билмаган ҳолда, илонни беихтиёр озод қилиб юборганман.

- Боа-констриктор Бразилияда ҳеч қачон бўлмаганлигини айтган? - такрорлади Рон, паст овоз билан.

- Хўш, айтган бўлса нима қилибди? - деди Гарри, бепарво оҳангда, - Ишончим қомилки, «Хогварц»дагиларнинг ярми бундай қобилиятга эга.

- О, йўқ, қаттиқ адашасан, - деди Рон, - Бундай қобилият тез-тез учраб турадиган қобилиятлар сирасига ҳеч ҳам қирмайди. Бу жуда ёмон қобилият.

- Нимаси ёмон? - тушунмади жаҳли чиқа бошлаган Гарри, - Нима бўляпти сизларга ўзи? Қулоқ солинг, агар мен илонга Жастинни тинч қўйишни буюрмаганимда...

- Ах, сен шундай дединг-ми илонга?

- Қайси маънода сўраяпсан? Ўзинг ҳам ўша ерда эдинг-ку... ўзинг ҳам эшитдинг-ку...

- Мен сени серпентарго, яъни илон тилида гапираётганингни эшитдим холос, - деди Рон, - Сен эса... илон билан ўзинг истаган нарсалар ҳақида гапиришинг мумкин эди. Жастиннинг кўрқиб кетгани ҳам бежиз эмас. Сенинг нутқинг томошабинларда шундай таассурот қолдирдики, гўё илон иккаланг нималарнидир яширинча келишиб олган бўлдинг. Бу жуда қўрқинчли кўринди, тушунаяпсан-ми?

Гарри Ронга бақрайиб қолди.

- Мен бошқача тилда гапирдим? Аммо, қандай қилиб бошқа тилда гапирсам-у, ўша тилда гапираётганимни ўзим билмасам? Ақлим етмаяпти.

Рон Гаррига қараб бошини силтаб қолди. Гермиона иккаласининг юзи худди биров ўлиб қолганини эшитган кишининг юзидай қиёфа касб этган. Шундай бўлса-да, бўлиб ўтган

ишнинг нимаси ёмон, нимаси кўркинчли эканлигини Гарри ҳеч тушунмади.

- Балки, мундоқ, одамга ўхшаб тушунтириб берарсиз, илонга Жастиннинг бошини тишлаб, узиб олишига йўл қўймаганимнинг нимаси ёмон? - жаҳл қилди у, - Нима фарқи бор, қандай йўл тутганимни, энг асосийси Финч-Флетчи, мен қилган иш натижасида, Бошсизлар аҳлига ҳозирча аъзо бўлмай, орамизда қолди-ку?

- Фарқи катта, - ниҳоят гапга аралашди Гермiona, бўғиқ ва ғам-ҳасратга тўлган оҳанг билан, - Гап шундаки, серпентарго тилида сўзлашиш қобилияти Салазар Слизерин табиатидаги ўзига хос шахсий сифатлардан бири бўлган. «Слизерин» тимсоли илон эканлигининг боиси ҳам айнан шунда.

Гаррининг оғзи ланг очилиб қолди.

- Ана шунақа, - деди Рон, - Энди бутун мактаб сен Слизеринга эва-эва-эва-эвара бўлишинг ҳақида гапириб юради.

- Ахир бундай бўлиши мумкин эмас-ку, - деди Гарри, тушуниб бўлмас ваҳимани ҳис этиб.

- Тўғри, фақат буни исботлаш сал қийинроқ кечади, - деди Гермiona, - Чунки у тахминан минг йил муқаддам яшаб ўтган ва айрим аломатларга эътибор қаратиладиган бўлса, сен унга узоқ қариндош бўлишинг эҳтимолдан холи эмас.

\*\*\*

Гарри тунни уйқусиз ўтказди. Чодирнинг тўқ-қизил рангли баҳмалдан тайёрланган гулдор пардалари орасида ҳосил бўлган тирқиш орқали, минора деразаси ортида овоз чиқармай гир айланаётган қор учқунларини томоша қилиб ётганча ўйлаб, ўйига ета олмади.

Чиндан ҳам у Салазар Слизериннинг авлоди бўлиши мумкинми? Тан олиш керакки, у ўз отасининг оиласи, аждодлари ҳақида умуман ҳеч нарса билмайди. Дурслар эса сеҳргар қариндошлар ҳақида савол беришга мутлақо ижозат беришмаган.

Гарри паст овоз билан серпентарго тилида бирон бир сўз айтишга уриниб кўрди. Бўлмади. Бунинг учун илон билан юзма-юз туришга тўғри келади шекилли.

Бироқ мен «Гриффиндор»да таҳсил кўрмоқдман, ўйлади Гарри. Агар томирларимда Слизерин қони оққанида борми, сараловчи шляпа мени асло ушбу коллежга йўлламаган бўлар эди...

Дарвоқе... паст эшитилди унинг миясида бошқа бемаза овоз, сараловчи шляпа сени «Слизерин»га йўлламоқчи эди-ку, ёдиндан кўтарилиб қолди-ми?

Гарри бошқа биқинига ёнбошлади. Эртага, гербология дарсида Жастинга учраб, илонни, анави тентаклар ўйлаган каби унга гижгижламоқчи эмас, аксинча, ортга қайтармоқчи бўлганимни батафсил тушунтириб бераман, аҳд қилди бола.

Аксига олиб, тунда кўриниш берган қор учқунлари эрта билан ҳақиқий бўронга айланиб кетганлиги боис, ушбу семестрдаги гербология бўйича сўнгги дарс бекор қилинди.

Профессор Сарсабил хоним мандрагорачаларнинг ҳар бирига пайпоқ кийдириб, шарф ўраб чиқиши керак экан. Бу етарлича мураккаб муолажа бўлиб, профессор бундай масъулиятли ишни бошқа бировга ишониб топширгиси келмади. Айниқса ҳозир, миссис Норрис билан Колин Кривининг ҳаёти айнан шу ўсимликнинг талаб даражасидаги ривожига боғлиқ бўлиб қолганида, бу тадбир ўта жиддий аҳамият касб этиб қолди. Жастин билан учраша олмаган Гарри қаттиқ ташвиш чекди. У «Гриффиндор»нинг умумий меҳмонхонасидаги камин қаршисида, креслода ўтириб озор чекар экан, дўстлари Рон билан Гермiona кутилмаган бўш вақтдан унумли фойдаланиб, сеҳрли шахмат ўйнашмоқда.

- Фалак ҳақи, Гарри, - деди Гермiona, унинг от эгарлаган офицерини Роннинг фили отдан тушириб олганча, тахтадан нари тортиб кетаётганини кўриб бир оз аччиқланган овоз билан, - Сенга шу қадар муҳим экан, бор топ ўзинг, ўша Жастинни.

Ниҳоят жазм этган Гарри, Семиз Хола портрети тўсиб турган туйнукдан, Жастин айни пайтда қаерда бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаганча, ташқарига чиқди.

Дераза ортидаги кул ранг қор уюрмалари дастидан қаср ичи куппа-қундуз куни одатдагидан анча қоронғи бўлиб қолган. Совуқдан бир оз жунжайиб қолган Гарри,

машғулотлар ўтаётган хоналар ёнидан ўтиб, ичкаридаги гап-сўзларни чала-ярим эшитиб борди. Ўз ўртоғини бўрсикка айлантириб қўйган қайсидир ўқувчини профессор Макгонагалл чангитиб сўкмоқда. Бу ишни ким қилганини кўриш истагини базўр тийиб олган Гарри, йўлида давом этди. Анча тўпланиб қолган уй вазифаларини бажариш учун бўш вақтдан фойдаланаётган бўлиши мумкин деган хаёлга борган Гарри, Жастинни дастлаб кутубхонада кидиришга аҳд қилди.

Айни дамда гербология билан шуғулланиши керак бўлган хуффльпуффчилар чиндан ҳам кутубхонанинг энг охирида тўпланиб олишган экан. Бироқ улар на китоб мутолаа қилишяпти ва на бирон нарса ёзиб ўтиришибди. Гарри, баланд китоб тоқчалари орасидан болаларнинг бир-бирига яқин эгилиб олган бошларини кўриб қолди. Хуффльпуффчилар тўлқинланиб, ниманидир муҳокама қилишяпти. Улар орасида Жастин бор-йўқлиги Гаррига кўринмади. У энди яқин бормоқчи бўлган эди ҳам-ки, қулоғига узук-юлуқ гаплар эшитилиб, кутубхонанинг кўринмаслик бўлимида тўхтаб қолди.

- Нима қилганда ҳам, - деди тикмачоқдай бир бола, - Мен, Жастига ётоқхонада бекиниб ўтиришни буюрдим. Айтмоқчиман-ки, агар Поттер, уни ўзининг навбатдаги қурбони сифатида кўз остига олиб қўйган бўлса, хозирча кўриниш бермай тургани маъқул. Жастин Поттерга маглар оиласидан чиққанлигини айтиб қўйган кундан буён бирор-бир ўхшаш ходиса рўй беришини кутиб юрган, албатта. У ҳатто Итонга ёздириб қўйилганлигини ҳам оғзидан гуллаб қўйган экан. Бу эса маглар учун шундай маълумотки, тўғри келган жойда жар солиб бўлмайди. Айниқса, Слизерин Вориси изғиб юрган айни дамларда, шундай эмасми?

- Демак, Эрни, Ворис айнан Поттер эканлигига ишончинг комил, шундайми? - сўради ок сарик сочларини майда қилиб ўриб олган қизил юзли қизалоқ, ташвишли овоз билан.

- Ханна, - деди тўладан келган бола, жиддий оҳангда, - У илонзабон эканлигига ўзинг шохид бўлдинг. Бу эса ёвуз сеҳргар аломати эканлиги ҳаммага яхши маълум. Илонлар билан гаплаша оладиган хушхулқ одамлар ҳақида бирор маротаба бўлсин, эшитгансанми? Йўқми? Дарвоқе, Салазар Слизеринни серпентозабон бўлган дейишади.

Сухбатдошлар орасида нотинч ғўнғир-ғўнғир бўлиб ўтди. Шундан сўнг, Эрни ўзининг жарангдор овози билан гапини давом эттирди:

- Девордаги ёзувни эслайсиз-ми? «Ворис ағёрлари, эҳтиёт бўлинг». Поттер билан Филч ўртасида қандайдир муаммо юзага келган. Шу заҳоти – мана сенга! Мушукка тажовуз. Сал ўтиб, анави биринчи синф ўқувчиси Криви, квидиш ўйинидан сўнг лойга беланиб ётган Поттерни суратга олавериб, жонига теккан. Кейин нима бўлганлигини биламизми? Биламиз. Кривига ҳам тажовуз қилинган.

- У доимо илтифотли бўлиб келган, - қатъиятсиз эътироз билдирди Ханна, - Ахир айни ўша туфайли... гапимни тушуниб олгандирсиз, Ўзингиз-Биласиз-Ким ғойиб бўлган.

Поттер у қадар ёмон одам бўлиши мумкин эмас, шундайми?

Эрни жавобан сирли шивирлай бошлади. Хуффльпуффчилар янада жипслашиб олишди.

Гарри эса, Эрнининг гапини эшитиш учун астагина икки қадам олдинга ташлади.

- Поттер Ўзингиз-Биласиз-Кимнинг ҳамласидан қандай омон қолганлигини ҳеч ким билмайди. Айтмоқчиман-ки, ўшанда у чақалоқ бўлиб, аслида унга қарши қўлланилган ажал келтирувчи қарғиш афсуни таъсиридан майда-майда парчаларга бўлинганча, бурда-бурда бўлиб кетиши керак эди. Фикримча, фақат ўта қудратли ёвуз сеҳргаргина бундай даҳшатли афсунга бардош бера олади, - у овозини янада пастлатди, - Айни шу сабабли ҳам Ўзингиз-Биласиз-Ким уни ўлдирмоқчи бўлган. Иккинчи Ёвуз Лорд рақобат қилишини истамаган, тушундингиз-ми? Поттер яна қандай яширин қобилиятларини бекитиб юрганини жуда билмоқчиман.

Гарри бундай бемаъниликка ортиқ чидамади. У қаттиқ йўталиб, тоқчалар ортидан кўриниш берди. Агар жаҳли чиқмаганида, қаршисида очилган манзара жуда қулгили туюлган бўлар эди. Уни дафъатан кўрган хуффльпуффчилар гўё Донг қотиб қолишгандай, оғзиларини ланг очиб, қилт эта олмай қолишди. Эрнининг юзидаги қон аста-секин қоча бошлади.



- Салом, - деди Гарри, - Мен Жастин Финч-Флетчини қидириб юрибман. Хуффльпуффчиларнинг энг дахшатли хавотирлари ўз тасдигини топди-қолди.

- Унда нима ишинг бор? - сўради Эрни, қалтираб қолган овози билан.

- Дуэльчилар клубида илонга аслида нима бўлганлигини тушунтириб бермоқчиман, - жавоб қайтарди Гарри.

Эрни оқариб кетган лабини тишлаб, чуқур нафас олди-да, фикрини айтишга қарор қилди.

- Биз ҳаммамиз клубда бўлганмиз. У ерда нима юз берганини ҳам ўз кўзимиз билан кўрдик.

- Ундай бўлса, мен илон билан гаплашганимдан сўнг, у, Жастинни тинч қўйганига ҳам эътибор қаратган бўлсангиз керак? - сўради Гарри.

- Серпентарго тилида гаплашиб, илонни Жастинга қарши гижгижлаганинг, - терслик қилиб туриб олди Эрни, гарчи вужудидаги титроқни идора эта олмаса-да, - Шахсан мен идрок этган, ўзим кўрган нарса бўлди.

- Илонни гижгижлаганим йўқ! - овоз кўтарди Гарри, - У Жастинга ҳатто тегмади ҳам!

- Тегишига сал қолди! - деди Эрни, таслим бўлмай, - Башарти сенга қизиқ бўлиб, билмоқчи бўлсанг, - тез қўшиб қўйди у, - Менинг оилам муқаддам ўтган асилзода сеҳргар ва афсунгарларнинг тўққиздан ортиқ аждодидан келиб чиққан бўлиб, қоним, қолган асилзода сеҳргарлар қони каби...

- Зотингга ҳам, қонингга ҳам тупурдим сени! - кичкириб берди Гарри, - Нега энди мен мағллар оилаларидан чиққанларга тажовуз қилишим керак экан?

- Айтишларига қараганда, сен билан бирга яшайдиган мағллардан қаттиқ нафратланар экансан, - тез жавоб қайтарди Эрни.

- Дурслар билан яшаб, улардан нафратланмасликнинг иложи йўқ, - деди Гарри, аччиқ охангда, - Менинг ўрнимда бўлганингда холингни томоша қилган бўлар эдим.

У шартта ўгирилди-да, айни вақтда катта афсунлар китобининг тилла суви юритилган муқовасини артиб турган Шипц хонимнинг салбий нигоҳига «сазовор» бўлганча, шиддат билан кутубхонани тарк этди.

Ғазабдан жаҳолатга миниб олган Гарри, қаёққа кетаётганига парво қилмай йўлак бўйлаб юриб, оқибатда, уни оёқдан қолдириб, ерга қулатган ниҳоятда катта ва қаттиқ нарсага урилиб кетди.

- А, салом, Хагрид, - деди Гарри, юқорига қараб.

Гарчи Хагриднинг юзини тўқилган, қор босган шлём бекитиб турган бўлса-да, уни ҳеч қачон, ҳеч ким билан адаштириб бўлмайди. Қрот пўстин кийиб олган давангирнинг улкан танаси қаср йўлагини буткул тўсиб қўйган бўлиб, ўлчами мисли кўрилмаган даражада катта, бошмалдоқли қўлқопидан эса хўроз жасади осилиб турибди.

- Ишлар қалай, Гарри? - сўради Хагрид, гапира олиши учун шлёмни ечар экан, - Нима учун дарсда эмассан?

- Бекор қилишди, - қисқа тушунтирди Гарри, оёққа турар экан, - Ўзинг нима қилиб юрибсан бу ерда?

Хагрид қўлидаги жонсиз парранда танасини кўрсатди.

- Ўтаётган семестр давомида мана буниси билан иккинчи хўрозим ўлиши, - дардини оча кетди у, - Бу ё тулки, ё қон сўрадиган айиқ қандаласининг қилган иши. Товуқхонамни ўқитиб қўйиш учун эса директорнинг руҳсати керак, - деди у ва қор босган қалин қошларини чимириб, Гаррига диққат билан қарагач, - Аҳволинг яхшими ишқилиб, чурвақа? Туркингга қара, қандайдир терлаб кетган, баджахл...

Гарри ўзи ҳақида Эрни ва бошқа хуффльпуффчилар тилга олган гаплар ҳақида Хагридга сўзлаб беришни истамади.

- Ҳеч қиси йўқ, - қўл силтади у, - Хагрид, мен бора қолай. Ҳозир бир нарсани бошқа нарсага айлантириш дарси бошланади. Мен эса дарсликларимни олишга улгуришим керак...

Эрнининг: «Жастин Поттерга мағллар оиласидан чиққанлигини айтиб қўйган кундан буён бирор-бир ўхшаш ҳодиса рўй беришини кутиб юрган...», - деган сўзларини миясидан

чиқара олмаган Гарри йўлини давом эттирди.

У зинапоядан юқорига кўтарилиб, муюлишга бурилгач, хали бу қадар қоронғи бўлмаган тор оралик бўйлаб борди. Дераза ромидаги тиркишлар орқали кучли эсган муздай елвизак деворлардаги машъалаларни ўчириб юборган. Оралик ўртасига келиб қолган Гарри нимагадир қоқилиб, боз йиқилди.

У бошини ортга бурганча, нимага қоқилганини билмоқчи бўлиб, кўзларини қисиб олди. Кўргач эса, борки ички органлари уни тарк этгандай ҳис этди ўзини.

Юзи даҳшат қиёфасини касб этганча қотиб қолган Жастин Финч-Флетчи ерда узала ётибди. Унинг шифтга қараб қолган кўзлари қилт этмайди. Бу хали ҳаммаси эмас экан. Жастиннинг ёнида Гарри хали бирон маротаба бўлсин, кўрмаган манзара ҳосил қилганча, яна аллақандай тана ётибди.

Бу, одатда, садафдек оппок, ярим шаффоф кўринадиган эмас, аксинча, қуйиб қорайиб кетган Деярли Бошсиз Ник танаси эди. Танасининг олд томони юқорига қараган бўлиб, тахтадай тўғри бўлиб қолган Ник полдан олти дюйм тепада муаллақ осилиб турибди. Боши ошиқ-мошиқда илиниб қолгандай бўйнидан ажралиб, юзи худди жастиннинг юзи сингари даҳшат қиёфасини касб этган.

Нафаси тезлашиб кетган Гарри сакраб оёқка турди. Юраги кўкрак қафасининг ичида ногора каби дўпир-дўпир ураётганини ҳис этди. Ҳамма ёққа аланглаб қараб, узун оёқлари билан тез қадам ташлаганча, таналардан нари қочаётган ўргимчаклар қаторини кўрди. Атроф жим-жит. Фақат яқин ўртадаги синф хоналаридан дарс ўтаётган ўқитувчиларнинг бўғиқ овозлари эшитилмоқда.

У қочиб кетиши мумкин. Бу ерда бўлганлигини эса ҳеч ким ва ҳеч қачон била олмайди. Лекин, жабрланганларни шу ҳолатда ташлаб кетиб бўлмайди-ку, ахир... Ёрдам чақириш керак... Аммо унинг айбсиз эканлигига бирор-бир киши ишонармикан?

Вужудини ваҳима қамраб олган ҳолатда турар экан, ёнидаги эшик тарақлаганча очилиб, мисоли ракета каби полтергейст Дрюзг учиб чиқди.

- Вой-бўй! Терлаган Поттер-ку! - хиринглаб қўйди Дрюзг.

У Гаррининг ёнида тебраниб, қаншаридаги кўзойнагини ён томон туртиб юборди.

- Хўш, нима билан шуғулланиб юрибмиз? Нима излаб изғиб юрибмиз?...

Мураккаб сальто бажараётган Дрюзг, кутилмаганда ҳаракат ўртасида тўхтаб қолди. Оёғи осмондан бўлиб қолган полтергейст овоз чиқармай Жастин билан Деярли Бошсиз Никка қараб қолди. Сўнг, тўғри ҳолатга бурилиб, ўпкасини ҳавога тўлдириб олгандай бўлди-да, Гарри уни тўхташиб қолишга улгурмай, бақира кетди:

**- ТАЖОВУЗ! ТАЖОВУЗ! ЯНА БИТТА ТАЖОВУЗ! ТИРИК ҲАМ, ЎЛИК ҲАМ ОМОН ҚОЛМАЙДИ! ҚЎЛИДАН КЕЛГАН ҚУТУЛИБ ҚОЛСИН! ТАЖООООВУУУЗ!**

Барча эшиклар қарс-курс очилиб, йўлак одамга тўлди. Узоқ кечган бир неча дақиқа давомида шундай саросима бўлдики, Жастинни босиб юборишларига сал қолди. Деярли Бошсиз Никнинг ичида эса кимлардир ивирсиб ўтиб юрди. Гарри деворга қапишиб қолган. Ўқитувчилар тинчланиш ва жимлик сақлашга даъват этиш билан овора.

Профессор Макгонагалл, унинг кетидан эса ҳозир у дарс ўтиб турган ўқувчилар югуриб келишди. Улардан бирининг сочи бўрсиқнинг мўйнасига ўхшаб, оқ-қора йўллилигича қолиб кетган. Профессор Макгонагалл ўзининг сеҳрли таёқчаси воситасида кафт билан столга урилган товуш чиқариб, жимлик қарор топтирди ва ҳамма ўз синф хонасига тарқалишини буюрди. Жиноят содир этилган жой бир оз бўлса-да, бўшатилишига улгурмай, ҳаллослаган хуффльпуффлик Эрни югуриб келди.

- Жиноят устида қўлга тушибди-да! - хитоб қилди у, қордан ҳам баттар оқарган юзи билан, Гарри томон қўл узатиб.

- Жим, Макмиллан! - кескин овоз берди профессор Макгонагалл.

Ўқитувчилар Жастин билан Деярли Бошсиз Ник устида энгашиб, таналарини кўздан кечирар экан, алғов-далғов ва тартибсизликни ниҳоятда хуш кўрадиган, хусумат ила иршайганча, шунча вақтдан буён шифт остида типирчилаган Дрюзг қувноқ кўшиқча киргойи қила бошлади:

Эх, Поттер-кирноттер, нималар қилдинг,  
Ўқувчиларни ўлдириб, қабих ўйнашдинг.

- Бас қил, Дрюзг! - ириллаб берди профессор Макгонагалл.  
Дрюзг тилини чиқариб, Гаррини мазах қилганча, орқага тисарилиб, учиб кетди.  
Профессор Флитвик билан астрономия бўлинмасида фаолият юритадиган профессор  
Зловестра Жастинни касалхонага олиб кетишди, Деярли Бошсиз Никни эса қандай ташиш  
кераклигини ҳеч ким билмади. Охири профессор Макгонагалл ҳаводан каттагина  
вентилятор яратиб, Эрнига ушлатди ва Ник танасини юқорига зина бўйлаб қай йўсинда  
учириб бориш борасида йўл-йўриқ берди. Эрни вентилятор ҳосил қилган ҳаво оқимини  
Ник танасига йўллатиши билан, рух, овоз чиқармайдиган қора дирижабль каби ҳавода суза  
кетди. Шу тариқа ҳамма тарқагач, Гарри Минерва Макгонагалл билан ёлғиз қолди.

- Ортимдан, Поттер, - буюрди у.

- Профессор, - деди Гарри, шу захоти, - Онт ичиб айтаманки...

- Бу масала менинг ваколатим доирасига кирмайди, Поттер, - шартта кесди профессор  
Макгонагалл.

Улар бир сўз демай муюлиш ортига бурилиб, сал нари юришди-да, катта ва ниҳоятда  
хунук аждар тусли тош илон қаршисида тўхташди.

- Лимонли обакиданон! - деди профессор.

Бу пароль бўлса керак, тош илон бирдан жонланиб, четга қочди, ортидаги девор эса икки  
томонга сурилиб очилди. Буни кўрган Гарри, уни номаълум даҳшат қутаётган бўлишига  
карамай, хайрон бўлмай қолмади. Девор ортида худди эскалаторга ўхшаб юқорига  
харакатланаётган айланма зина кўринди. Профессор Макгонагалл иккаласи зинага  
чиқишлари билан девор қарсиллаб ёпилди. Зина буралиб, буралиб, уларни юқорига  
кўтариб кетди. Боши бир оз айланган Гарри, ниҳоят рўпарасида, грифон гавдаси  
кўринишида ясалган эшик болғасига эга, сайқал берилган катта эман эшикни кўрди.  
Уни қаёққа етаклаб келишганини фаҳмлади чамаси. Афтидан, Дамблдорнинг макони  
айнан шу ер бўлса керак.

## **XII БОБ.**

### **ҲАММА ҚИЁФА СИРКАСИ**

Улар юқорига чиқиб, тош эскалатордан тушгач, профессор Макгонагалл эшик  
тақиллатди. Эман эшик шовқинсиз очилиб, ичкарига киришгач, профессор Гаррига кутиб  
туришни буюриб, ўзи кейинги хонага кириб кетди.

Бола атрофга синчковлик билан назар солди. Айтиш жоизки, ўқув йили давомида Гарри  
ташриф буюрган ўқитувчилар хоналари орасида энг қизиқарлиси Дамблдорнинг хизмат  
хонаси экан. Бир неча дақиқадан сўнг мактабдан ҳайдалиш хавфи таҳдид солиб  
турмаганида, бу ердаги барча нарсаларни бажонидил томоша қилиб, ўрганиб чиққан бўлар  
эди.

Доира шаклидаги ушбу хона етарлича кенг бўлиб, ҳамма ёқдан қандайдир сирли шитир-  
шитир товушлар эшитилмоқда. Ингичка оёкли баланд столчалар устига терилган турли-  
туман қумуш асбоблар буг чиқариб айланиб турибди. Собик директорларнинг расмлари  
деворларга осиб қўйилган. Улар ҳозир ўз креслоларида мизғиб ўтиришибди. Хонада,  
шунингдек, оёқлари аллақандай хайвон оёқларига ўхшатиб тайёрланган катта ёзув столи  
турибди. Стол устидаги тоқчада эса, ҳаддан ташқари кир, аъзойи бадани ямоқ бўлиб, роса  
эскириб кетган чўққидор, ўша машҳур сараловчи шляпа савлат билан ўтириб олган.  
Гарри бир оз ҳардамхаёл бўлиб, тинч ухлаб ётган сеҳргар кишилар ва афсунгар аёллар  
суратларига кўз югуртириб чиқди. Агар ҳозир у, сараловчи шляпани яна бир бор кийиб  
кўрса, бирон-бир ножўя қор-хол рўй бермайди-ку? Шунчаки текшириб... бир йил  
муқаддам шляпа уни коллежга тўғри йўллаган-йўлламаганига яна бир бор ишонч ҳосил  
қилиб кўради холос...

Бола шошмасдан, шовкинсиз стол атрофини айланиб ўтиб, токчадаги шляпани аста кўлига олди-да, бошига кийди. Шляпа унга катта бўлиб, ўтган сафаргидай кўзини ёпиб қўйди. Гарри қора астарга тикилиб турганча, нима бўлишини кутиб ўтирди. Ниҳоят қулоғига паст овоз эшитилди:

- Ичингни бирон-бир гап таталаяпти-ми, дейман-а, Гарри?

- Ммм, ха, - гудуллади Гарри, - Эээ... овора қилганим учун маъзур тутинг... бир нарсани сўраб билмоқчи эдим...

- Коллежингга тўғри йўллаганимни билмоқчидирсанда, - гапни бўлди фахмли шляпа, - Нимасини айтасан... сени масаланг ниҳоятда қийин кечган. Бироқ мен ўз сўзларим учун жавоб бераман ва ҳалигача фикримда тураман. Сен чиндан ҳам «Слизерин»да кўп нарсаларга эришган бўлар эдинг..

Гаррининг юраги ичига думалаб тушган, қорин бўшлиғида нимадир сиқилиб қолгандай бўлди. У ўнгиб, яғири чиқиб кетган шляпанинг чўққисидан шартта чангаллаб олди-да, бошидан ечиб, токчадаги жойига тикиб қўйди. Кўнгли айниб кетганини ҳис этди.

- Йўқ, Сиз адашасиз, - баланд овоз билан баёнот қилди у, ҳаракатсиз жим қолган шляпага. Бироқ шляпа боланинг гапига ҳеч қандай муносабат билдирмади. Гарри кўзини шляпадан узмай ортга чекинди ва ўткир ғалаги товушни эшитиб, кескин орқа томонига бурилди.

Билишича, у, Дамблдор қабулхонасида ёлғиз эмас экан. Эшик ёнига ўрнатилган тилла кўноқда қандайдир қартайиб, куч қувватдан қолган, худди пати охиригача юлиб олинмаган куркага ўхшаш парранда ўтирибди. Гарри қушга тикилиб қолди. Қуш ҳам болага маъюс қараб, яна бир бор ўткир овоз чиқарди. Гаррининг назарида нигоҳи жуда ғамгин ушбу қуш ниҳоятда кучли хасталикка чалинган. Бола қараб турган вақтнинг ўзида қуш думидан бир нечта пат тўкилиб тушди.

Гаррининг миясига нохуш бир хаёл келди:

- «Ишқилиб мактаб директори Дамблдорнинг шарти кетиб, парти қолган мана бу қуши омонатини ҳозир, айнан мен билан якка қолган фурсатда топшириб қўймаса гўрга эди. Шуниси етмай турибди...».

Яхши ниятга ҳам, ёмон ниятга ҳам фаришталар омин қилишади деб бежиз айтмайдилар. Гаррининг фикри ҳали охиригача етмай, қуш ўзидан ўзи ёниб кетди. Қўрқиб кетган Гарри дод солиб, стол томон тисарилди. У атрофга олазарак қараб, сув топа олмади. Олов шарига айланиб, каттиқ кичкирган қушдан, кейинги бир неча сония ичида, агар полга тўкилган бир сиқим кул инobatга олинмаса, асар ҳам қолмади.

Шу пайт хизмат хонасининг эшиги очилиб, остонада юзи жиддий қиёфа касб этган Дамблдор кўринди.

- Профессор, - гудуллаш бошлади Гарри, - Қушингиз... мен ҳеч нарса қила олмадим. Шартга олдида, ёнди-кетди...

Дамблдор эса болани хайрон қолдириб кулиб қўйди.

- Топган вақтини қаранг буни, - деди Дамблдор, - Анчадан буён мазаси бўлмайд юрган эди. Неча маротаба унга шама қилган эдим-а, шошилмоқ даркор деб.

Дамблдор ханг-манг бўлиб қолган боланинг афтини кўриб хандон отиб юборди.

- Бу Янгус, қакнус, Гарри. Қакнуслар эса ажали етган маҳалда ўт олиб кетиб, кул ичидан қайтадан тирилиб чиқади. Мана қара...

Гарри айна мавридида пастга қаради. Миттигина, буришган, янги очилган жўжа кул ичидан бош чиқараётган экан. Жўжа худди ҳозиргина ёниб битган қуш каби ниҳоятда хунук.

- Аттанг, у билан айнан ёниш қуни учрашдинг, - деди Дамблдор стол ёнидаги креслога жойлашар экан, - Қакнус, одатда, аломат гўзал бўлади. Пат қопламаси ниҳоятда зийнатли, алвон ва тилла ранг кўринади. Қойил-мақом қушда бу, қакнуслар. Улар оғир юк кўтаришга қодир бўлиб, кўз ёшлари шифобахш саналади. Бундан ташқари, жуда садокатли уй хайвонидир.

Янгус ёниб кетганида, Гарри бу ерга нима учун келиб қолганини эсидан чиқариб юборган эди. Бироқ ёзув столи ортидаги ўз креслосига шоҳона ўтириб олган Дамблдорни кўриб,

хотира тикланди. Директорнинг оч-мовий кўзлари тешиб юборгудай даражада Гаррига тикилиб турибди.

Лекин, Дамблдор ҳали бир оғиз сўз айтмай туриб, хона эшиги ланг очилди-да, остонада юзи телбанамо қиёфа касб этган, пахмоқ бошига шлём босиб кийган, ҳалигача хўрознинг ўлигини қўлидан қўймаган Хагрид кўринди.

- Гаррининг иши эмас бу, профессор Дамблдор! - хўнграй бошлади у, - Мен у билан эндигина суҳбатлашиб бўлган эдим ҳам-ки, хаёл ўтмай, анави йигитчага тажовуз қилинган! У улгурмаган бўлар эди. Умуман Гарри бундай иш қила оладими? Сэр... Дамблдор алланима дейишга уринар, Хагрид эса нафаси оғзига тикилиб, қўлида силтаётган жонсиз парранданинг патини полга тўкиб, тинимсиз гапирар эди.

- ... у қилмаган. Керак бўлса, Сехргарлик вазирлигида исталган нарсани ўртага қўйиб, онт ичаман...

- Хагрид, мен...

- ... ҳақиқий жиноятчи қолиб, бошқа одамни тутиб олгансиз. Мен биламан-ку, Гарри ҳаётда бу ишга қўл...

- Хагрид! - кичкириб берди ниҳоят Дамблдор, - Мен Гарридан гумонсираганим йўқ. Орага ўнғайсиз сукунат чўмди. Сўнг, хўрознинг ўлигини ниҳоят тек қўйганча осилтириб олган Хагрид:

- Хайрият, жуда соз. Ундай бўлса, мен ташқарига чикиб, кутиб тураман, - деди-да, хижолат тортиб чикиб кетди.

- Сиз мендан гумонсираганингиз йўқми, профессор? - сўради қалбида умид учқуни уйғонган Гарри.

- Йўқ, Гарри, гумонсираганим йўқ, - деди стол устини хўроз патларидан тозалаётган Дамблдор, - Бироқ мен, нима қилганда ҳам, сен билан суҳбатлашиб олмоқчиман. Дамблдорнинг юзи яна жиддий қиёфа касб этди. Гарри хаяжон билан директорнинг сўзларини кутди. У эса узун бармоқларининг учларини бир-бирига такаб, Гаррига жимгина тикилиб ўтирибди.

- Гарри, менга айтадиган бирон гапинг борми? - аста сўради Дамблдор, - Гап нима тўғрисида эканининг аҳамияти йўқ. Қандай мавзуда бўлишидан қатъи назар, борми айтар гапинг?

Нимани айтиб бериш кераклигига Гаррининг боши қотди. У дарҳол Малфойнинг: «Магловаччалар, навбат сизларга етди!» деган кичкиригини эсга олди. Унитаз устида милтиллаб қайнаётган Ҳамма қиёфа сиркаси, икки маротаба эгаси йўқ овоз эшитгани ҳақида ўйлаб кўрди. Кейин Рон айтган: «Кишининг ҳеч ким эшитмаётган овозларни эшитиши, ҳатто сеҳргарлар дунёсида ҳам жуда ёмон аломат саналади» сўзларини хотирлади. Ўзи ҳақидаги миш-миш гаплар ҳамда Салазар Слизерин билан қандайдир қариндошлик алоқаси бўлиши мумкинлигидан хавотирланаётганлигини ҳам эсга олди...

- Йўқ, профессор, - деди ниҳоят Гарри, - Айтар гапим йўқ...

Иккиланган жиноят катализатор сифатида хизмат қилиб, «Хогварц»да яқиндагина қарор топган дудмол хавотирнинг ҳақиқий ваҳимага айланиб кетишига сабаб бўлди. Шуниси қизикки, Деярли Бошсиз Ник тақдири энг кучли таъсирга эга бўлди.

- Арвоҳни бундай ҳолатга нима келтириб қўйиши мумкин? - сўрашар эди одамлар бир-биридан, - У қандай кучки, шундоқ ҳам ўлик кишига бунчалик қаттиқ таъсир ўтказса? Деярли оммавий кўчиш бошланди. Халойиқ олдиндан «Хогварц-Экспресс»да жой банд қила бошлади. Ўқувчилар Рождество байрамини нишонлаш учун уйга ошиқишди.

- Ахвол шу тарзда давом этадиган бўлса, - деди Рон, дўстлари Гарри билан Гермионага, - Қасрда сиз-у, биз ҳамда Малфой, Краббе ва Гойл қоламиз. Зўр Рождество бўлади-да. Малфой ўзини томдан ташласа, томдан ташлайдиган Краббе билан Гойл ҳам қасрда қолаётганлар рўйхатига ёзилиб қўйган. Умуман айтганда, мактабда Рождество байрамини ўтказадиган одамлар деярли қолмаганидан Гарри севинди. Тўғриси айтганда, гўё ҳар қандай фурсатда унинг сўйлоқ тишлари ўсиб чиқиши ёки атрофга захар тупура бошлаши мумкиндай, болалар уни четлаб ўтишларидан ҳам, орқасида эшитиладиган шивир-шивир

гаплар-у, бармоқ ўқталишлардан ҳам, қаерда бўлмасин уни таъкиб қилиб келаётган вишиллаш-ғудуллашлардан ҳам ниҳоятда чарчаган.

Фред билан Жорж эса қарор топган бундай вазиятдан маза қилишяпти. Эгизаклар қутилганидан ҳам аъло иш тутишди. Улар қаср йўлаклари бўйлаб Гаррининг олдида боришганча:

- Пўшт! Пўшт! Йўл беринг! Слизерин Вориси келмоқдалар! У қуролланган ва ўта хавфли, - дея жар солишар эди.

Укаларининг бундай хулқи Персига ёкмади.

- Ҳеч ҳам қулгили жойи йўқ, - деди у.

- Эй, Перси, йўлдан қоч, Гарри шошиб турибди, - деди Фред, акасининг танбеҳига жавобан.

- Тўппа-тўғри, - деди Жорж, қулгидан тикилиб, - Гарри ҳозироқ Махфий хонага кириб, ўзининг садоқатли, ўткир тишли хизматкори билан бир пиёладан чой ичиб чиқиши керак. Тушундинг-ми, Перси? Шундай экан, йўл бўшат.

Жиннага акаларининг ҳазили ёкмай, хафа бўлди. Ҳар сафар Фред бутун меҳмонхона орқали кичкирганча, Гарридан келаси сафар кимга тажовуз қилмоқчи эканлигини сўраганда ёки Гаррига рўбару бўлган Жорж уни саримсоқ пиёз боғи билан чўчитишга уринганида Жинна:

- Ундай қилма, - деганча чийиллар эди.

Гарри эгизакларнинг бундай ҳазилларига эътироз билдирмади. Лоақал Фред билан Жорж унинг Слизерин Вориси бўлиши мумкинлиги ҳақидаги гап-сўзларни қулги билан қарши олганликларидан ўзини енгил ҳис этди. Драко Малфойга эса эгизакларнинг бундай қиликлари ёкмас ва ҳар сафар кўрганида баттар жаҳли чиқар эди.

- Малфой, аслида Ворис ўзи эканлигини ҳаммага эълон қилишдан базўр тийилиб юрибди, - баёнот қилди Рон, худди аниқ биладиган киши бўлиб, - Агар кимдир ундан ўзиб кетса, ёқтирмаслигини биласизлар. Мана ҳозирги вазиятни олинг, қора ишларни у қилса-ю, шон-шухрат Гаррига бунорилаётган бўлса, Малфойга ёқади-ми?!

- Оз қолди, - деди Гермиона, маъноли ибора билан, - Ҳамма қиёфа сиркаси деярли тайёр бўлиб қолди. Ҳа демай иқрорини суғуриб оламиз.

Ниҳоят семестр якунига етиб, қасрда, ховлидаги қор каби чуқур жим-житлик қарор топди. Ушбу сукунат Гаррига осойишта туюлиб, ҳеч қандай ташвишсиз, ўзи, Гермиона ва ака-ука Уэслилар билан биргаликда танҳо ҳукмронлик қилишаётганидан лаззатланди. Улар, ҳеч кимни безовта қилмай покилдоқ портлатишиб, дуэль жангини машқ қилганча, бундай хатти-ҳаракатларни меъёрига етказиш билан машғул бўлишди. Жинна ва эгизаклар ота-оналари мистер ва миссис Уэслилар Мисрга, акалари Билл ҳолидан хабар олгани жўнаб кетишгани учун ҳам Рождество байрамини мактабда қолиб нишонлашга аҳд қилишган. Енгилтакликни ҳеч қачон оқламаган Перси умумий меҳмонхонада кўп вақт ўтказмас эди. У юзага келган мураккаб вазиятда синфбоши сифатида, ўқитувчилар таркибига яқиндан ёрдам бериш ниятидагина Рождество байрамини мактабда қолиб нишонлашга аҳд қилганлигини виқор ила маълум қилди.

Оппоқ ва муздай Рождество тонги кириб келди. Ётоқхонада ёлғиз ўзлари қолган Гарри билан Рон жуда эрта уйғонишди. Тўғриси айтганда, уларни тўлиқ кийиниб, қўлида совға-салом ушлаб олган Гермиона уйғотди.

- Уйғонинг, - бақирди у, дераза пардаларини очиб.

- Гермиона, - деди Рон, кўзини нурдан тўсиб, - Сенга бу ёкқа кириш мумкин эмас, эсингни еб қўйдинг-ми, уят бўлади...

- Сени ҳам Рождество билан, - жаҳл қилди Гермиона, Ронга совғасини улоқтириб, - Мени уйғонганимга бир соатдан ошди. Ҳатто қайнатмамизга яна бир оз ипак қанотли пашшалардан кўшиб келишга ҳам улгурдим. Сирка тайёр.

Гарри худди ухламагандай кўрпасига ўтирди.

- Ишончинг комилми?

- Мутлақо, - деди Гермиона, Роннинг Қасмоқ лақабли каламушини нари суриб,

каравотнинг оёқ томонига ўтирганча, - Модомики, сиркадан фойдаланиш ниятимиз бор экан, бу ишни айнан шу бугун бажаришимиз керак.

Шу пайт тумшугига кичкинагина халта қисиб олган Хедвиг учиб кирди.

- Салом, - деди бойкушини кўриб қувониб кетган Гарри, - Мендан аччиқланмай қўйдингми?

Хедвиг эркаланиб, ўз сохибининг қулоғини чўкиб олди. Бу эса унинг Дурсллардан келтирган совғасидан ҳам аъло совғадир. Халтача ичидан битта тишқавлагич билан қисқагина хат чиқди. Хатда ёзги таътилни ҳам «Хогварц»да ўтказиш имкони бор-йўқлигини аниқлаш талаб этилган.

Бошқа совғалар кўп қувонч келтирди. Хагрид қуюқ шиннидан тайёрланган ирис қандларни катта ҳажмли банкага солиб юборибди. Оғзига солишдан олдин, Гарри уларни оловда қиздириб оладиган бўлди. Рон ««Замбараклар» билан парвозлар» деб номланган, ўзи ёқтирган қвидиш жамоаси ҳақидаги қизиқ воқеалар тўпламини совға қилди. Гермиона Гарри учун бургутнинг қулпуриб ўсган патидан тайёрланган зўр пат-қалам харид қилди. Миссис Уэсли юборган сўнгги тугунча ичидан эса навбатдаги тўқилган свитер ва каттакон олхўри пироги чиқди. Миссис Уэслининг хушмуомала ёзилган откриткасини ўқир экан мистер Уэслининг Уришқоқ тол устига қулаб тушгандан буён ҳеч ким кўрмаган машинаси ва Рон иккаласи кўзлаб қўйган турли туман қоидабузарликларнинг навбатдаги туркумини ўйлаб, айбдорлик ҳисси ичини яна бир бор емирди.

Бирон-бир тирик жон, ҳатто Хамма қиёфа сиркасини бугун ичиши кераклигини ўйлаб ўтирган одам ҳам «Хогварц»даги Рождество зиёфатидан ҳузур қилмай қолмайди. Байрам шарофатига Катта Зал ўзининг ғаройиб кўркемлиги билан боз гавдаланди. Ҳар йиллик анъанага кўра Катта Залга қиров қоплаган ўн иккита арча ўрнатилган бўлиб, улар устига омела ва найзабаргдан тайёрланган бароқ маржонлар бир-бирига чиройли чалиштирилганча осиб қўйилган. Шифтдан эса сеҳрланган илиқ, қуруқ қор учқунлари сочилмоқда. Мактаб директори профессор Дамблдор одатдагидай дирижёрлик қилди, жамики байрам иштирокчилари жўр бўлиб, рождество мавзусидаги яхши кўришган қўшиқларини баралла айтишди. Мактаб қоровули Хагриднинг овози ҳар бир кўтарилган навбатдаги эгног қадахи, яъни гоголь-моголь билан ром аралашмасидан тайёрланган ичимлик дозасидан сўнг, тобора баланд кўтарилиб бораверди (*Гоголь-моголь – шакарга қорилган тухум сариги*). Кўкрак нишонидagi «СИНФБОШИ» ёзувини укаси Фред «СИНФ ТОШИ» кўринишида сеҳрлаб қўйганлигини сезмаган бечора Перси ҳаммадан ва ҳар бир алоҳида одамдан нима учун қулишаётганлигини сўраб юрди. Гаррининг баҳр-дили шу қадар очилиб кетган эдики, ҳатто эғнидаги янги свитер борасида Малфойнинг слизеринчилар столи томонидан баланд эшитилаётган захарли кинояларига ҳам эътибор қаратмади. Омад юришса, икки соатдан сўнг Малфой қилмишига яраша жавоб беради. Гарри билан Рон рождество пудингининг учинчи порциясини эндигина бир ёқли қилишга улгуришган эди ҳам-ки, Гермиона, хатти-ҳаракатлар режасини сўнгги бор муҳокама қилиб олиш учун Катта Зални тарк этиб чиқишга мажбур қилди.

- Ахир ҳар биримиз кимнинг қиёфасига айланмоқчи бўлсак, ўша одамнинг парчасини қўлга киритишимиз керак-ку, - деди осойишта оҳангда Гермиона, гўё болалар супермаркетга, кир ювиш қуқунини олиб келиш учун бориб келишлари керақдай, - Яхшиси, Краббе билан Гойл парчалари бўлгани маъқул. Ҳар қалай улар ўзларини Малфойнинг дўстлари деб ҳисоблашади. Малфой эса, ўз навбатида, улар билан сирлашиб турса керак. Бундан ташқари, токи биз Малфойни сўроқ қилар эканмиз, ҳақиқий Краббе билан Гойл бизга халал бермасликлари кафолатланган бўлиши шарт.

Қизалоқ Гарри билан Рон иккаласининг юзлари тузалишга умид йўқ ақли пастлик қиёфасини касб этганини буткул писанд қилмаган ҳолда, кўлидаги иккита йўғон шоколадли торт бўлақларини болаларга узатиб, текис овоз билан гапини давом этди.

- Мен ҳаммасини ўйлаб қўйдим. Мана бу торт бўлақларига оддий Уйқу дамламаси билан ишлов берганман. Олдингизда турган вазифа шундан иборатки, Краббе билан Гойл, ушбу бўлақларни топиб, еб қўйишсин. Уларнинг очкўзлигини биласиз. Қанчалик тўқ

бўлишмасин, еб туриб маърашади. Ухлаб қолишлари билан бир жуфтдан соч тукларини юлиб оласиз-да, ўзларини полювгич сақлаш жавонига яшириб қўясиз.

Гарри билан Рон бир-бирига асабий қараб қўйишди.

- Гермиона, фикримча...

- Эхтимол, кутилмаган тасодиф рўй бериб...

Бироқ Гермионанинг кўзлари баъзан профессор Макгонагалл кўзларида касб этгандай пўлат тусда товланди.

- Краббе билан Гойл сочисиз биз тайёрлаган дамламадан наф йўқ, - баёнот қилди у, катъий охангда, - Малфойни сўроқ қилиш ниятингиз борми-йўқми?

- Бўпти, бўпти, - деди Гарри, - Ўзинг-чи? Кимга ҳамла қилиб, сочларини юлиб олмоқчисан?

- Мен юлиб бўлганман! - қувонч билан хитоб қилди Гермиона.

У чўнтагидан кичкинагина шиша идишча чиқариб, ичидаги бир тола сочни кўрсатди.

- Дуэльчилар клубида Миллисент Бичешейдер билан олишганимни эслайсиз-ми? Мени бўғиб ташлашга уринган пайтда мана бу толаси коржомамга илашиб қолган экан! У Рождество байрамини ўтказгани уйига кетган. Шу боис, слизеринчиларнинг кўз ўнгида гўё қайтиб келишга аҳд қилгандай бўламан.

Гермиона Ҳамма қиёфа сиркасани сўнгги бор текшириш учун югуриб кетди. Рон Гаррига маҳкум қилингандай юзланди.

- Режалаштирилган тадбирлардан бир дунёси кўзланган даражада кечмай амалга оширилган режа ҳақида ҳеч эшитганмидинг?

Аммо, болаларни хайрон қолдирган нарса – тадбирнинг биринчи босқичи Гермиона режалаштирилгандай силлиқ кечгани бўлди. Чойхўрлик ўтгач, улар лип этиб кимсасиз вестибюлга ўтиб олишиб, оғзиларини ортиб қолган бисквит пирожнийга тўлдириб ўтирганча Катта Залда ёлғиз қолган Краббе билан Гойлни кутиб туришди. Гарри шоколадли торт бўлақларини зина панжарасининг бурилиб юмалоқланган жойига ўрнатди. Катта Залдан чиқаётган Краббе билан Гойлни кўргач, икковлон, катта эшик ёнидаги рицарлар аслаҳаси ортига бекиниб олди.

Торт бўлақларини кўрган Краббе яйраб кетгани, уларни Гойлга кўрсатгани, иккаласи ҳеч бир маъносиз иршайганча биттадан бўлақни чангаллаб, бутунича оғзиларига тикиб юборгани, жағларини ишга туширишар экан, бефаҳм башараларида тантана акс этгани ва айнан ўша қиёфада ерга қулаб тушишганини кузатиб турган Рон қойил қолиб, хулоса чиқарди:

- Одам деган шунчалик очофат, бефаросат, аҳмоқ бўладими?!

Еб тўймас Краббе билан Гойлни полювгич сақлаш жавонига жойлаш анча қийин кечди. Ҳаракатсиз холатдаги иккита тана челақлар-у, полювгичлар орасига киритилганидан сўнг, Гарри Гойлнинг пешонасидан, Рон эса Краббенинг бошидан ҳар бири бир неча донадан тук юлиб олишди. Уларнинг пойафзалларини ҳам ечиб олишга тўғри келди. Негаки, Гарри билан Роннинг пойафзаллари Драко Малфой қуролбардорларининг йирик туёқларига кичиклик қилади. Ўзлари қилган ишдан ўзлари хайратланган Гарри билан Рон Дилгир Миртл макони томон ошиқишди.

Гермиона қайнатма аралаштираётган бўлмадан бурқиб чиқаётган қора тутун дастидан хожатхонага кирган киши димикиб қолиши ҳеч гап эмас. Бурунларини коржомалари билан бекитиб олган Гарри билан Рон бўлма эшигини аста тақиллатди.

- Гермиона?

Қулфнинг гижирлаши янграб, Гермионанинг хаяжондан ярқираётган, бироқ ташвишли қиёфа касб этган юзи кўринди. Унинг ортида кўпикланаётган елимшак суюқликнинг бўғиқ варақ-варақ қайнаш товуши эшитилмоқда. Аллақачон тайёрлаб қўйилган учта стакан унитаз устида турибди.

- Хўш, иш битди-ми? - хансираб сўради Гермиона.

Гарри унга Гойлнинг соч толасини кўрсатди.

- Жуда соз. Мен эса кир ювиш хонасидан коржомга ўғирлаб келдим, - мақтанди Гермиона,



бурчакда турган қопчани кўрсатиб, - Сизларга катта ўлчамли кийим керак бўлади-ку. Учовлон қозонга тикилиб қолишди. Яқинроқ қараганда дамлама қуюқ, қорамтир лойга ўхшаб кўринар, юзаси ўйдим-чўнқир бўлиб, шиллиқ пардани эслатар эди.

- Ҳамма амалларни тўғри бажарганимга ишончим комил, - деди Гермiona, «Хар нарсага қодир дамламалар» китобининг сирка сачраб доғ-дуғ бўлиб кетган саҳифаларини асабий варақлаганча, бошқатдан ўкиб, - Китобда қандай ёзилган бўлса, шундай кўриняпти. Уни ичганимиздан сўнг, ихтиёримизда роппа-роса бир соат бўлади. Сўнг биз яна ўз қиёфамизга қайтамыз.

- Хўп, энди нима қилишимиз керак? - шивирлаб сўради Рон.

- Стаканларга қуйиб, соч толаларини соламыз.

Гермиона сиркани стаканларга сузди. Сўнгра, титроқ қўли билан Миллисент Бичешейдернинг соч толасини шиша идишчадан қокиб чиқариб, биринчи стаканга ташлади. Дамлама вишиллаб, буғ чиқарди-да, бир сония ўтар-ўтмас киши кўнглини айни тарафдан сариқ ранг олди.

- Эҳ, бичешейдер миллисирка, - деди Рон, жирканиб, - Гаров ўйнайман, таъми ўлғудай бемаза.

- Бўлинглар, солинглар, - тезлатди Гермiona.

Гарри Гойлнинг сочини ўртадаги стаканга, Рон эса Краббенинг сочини сўнгги стаканга ташлашди. Иккала стакан вишиллаб, буғ чиқарди. Гойлнинг сочи солинган сирка ўзига хос мош ранг, Краббеники эса – тўқ жигар ранг касб этди.

Рон билан Гермiona ўз стаканларига эндигина қўл узатишган эди ҳам-ки:

- Тўхтанг, - деди Гарри, - Учаламыз битта бўлмада ичмаганимиз маъқул... Биз Краббе билан Гойлга айланганимизда, ушбу бўлмага сиғмай қоламыз. Миллисент ҳам митти қиз эмас.

- Тўғри айтасан, - деди Рон, бўлма эшигини очиб, - Бўлмаларга тарқаламыз.

Ҳамма қиёфа сиркасининг бирорта томчисини тўкиб юбормаслик учун Гарри эҳтиёткорона ўрта бўлмага ўтиб олди.

- Тайёرمىсиз? - қичқирди у.

- Тайёرمىз, - жавоб қайтаришди дўстлар.

- Бир, икки, уч!

Бурнини бармоғи билан қисиб олган Гарри икки хўплаб стаканни бўшатиб юборди. Сирка меъеридан ортиқ қайнатилган қарам таъминини эслатди.

Шу захоти, худди тирик илонларнинг бутун бошли ўрамини ютиб юборгандай, қорнида бор нарса эшила бошлади. У икки букилиб, қайт қилиб юборишини кутди. Ачитиб ҳисси қорнидан бутун танасига тарқалиб, бармоқларининг учига қадар бориб етди. Танаси худди эриб кетаётган бўлиб, тери қопламаси қайнаётган мумдай кўпиклади. Нафаси қайтиб, тизза ва кафтлари билан ерга қулади. Кўз ўнгида қўллари ўсиб, бармоқлари катталашиб, тирноқлари кенгайиб, бармоқ бўғинларининг ҳар бири болтдай бўлиб, елкалари кенгайиб кетди. Гойлга айланиш жараёни қаттиқ оғриқ билан кечди. Пешонаси ачишганидан сочи қошига қадар ўсиб чиқаётганини ҳис этди. Худди чамбараги кутилмаганда дарз кетган ёғоч бочкадай кўкраги кенгайиб кетиб, эгнидаги коржомаси йиртилди, тўрт ўлчамга кичик ботинка кийиб олган оёқлари ботинкасига сиқилиб оғриди...

Ушбу ҳис-туйғулар қандай бошланган бўлса, худди шундай кутилмаганда тўхтади. Гарри юзини полга бериб ётганини англаб, Миртлнинг охиригидан ичида ғамгин қулқуллаётганини эшитди. Ботинкасини базўр ечиб, ўрнидан турди. Демак, Гойл бўлиш шунақа эканда. Титраётган йирик қўллари билан тиззасига қадар кўтарилиб кетган коржомани ечиб, қир ювиш хонасидан Гермiona ўғирлаб келган коржомалардан бирини кийиб олди-да, Гойлнинг, ҳар бири қайиқдек келадиган бошмоқларини оёғига илаштириб, ипини боғлади. Қаддини ростлаб, одатига қўра пешона сочини ён томон ташламоқчи бўлди-ю, қўли қошига қадар тушган тикандек дағал сочга тегди. Кўзойнак тақиб олгани учун ҳам кўзи яхши кўрмаётганини англади. У кўзойнакни ечиб, Гойлнинг паст, хирилдоқ овози билан қичқирди:

- Қалайсизлар, ишлар жойидами?

Ўнг томонда Краббенинг ғувуллаган наъраси эшитилди.

- Жойида.

Гарри эшикни очиб, дарз кетган кўзгу қаршисига келди. Кўзгуда кўзлари ичкарига ботган Гойлнинг акси Гаррига қараб турибди. Гарри қулогини қашлаб кўрди. Кўзгудаги Гойл ҳам худди шу ишни қилди.

Рон кириб олган бўлмадан Краббе чиқиб, икковлон бир-бирига қараб қолди. Ранги оқариб, кўркиб кетган қиёфасига эътибор қаратилмаса, Рон, горилланинг қўлларидек келадиган қўллари-ю, онтарилган тувакка ўхшаб кетадиган узун сочлари билан Краббедан мутлақо фарқ қилмайди.

- Ажойиб, - шивирлади Рон, кўзгу қаршисига туриб, ялпок бурнига бармоқ теккизар экан, - Жуда ажойиб.

- Тезроқ ҳаракатланишимиз керак, - деди Гарри, Гойлнинг семиз билагига кириб кетган соатининг тасмасини бўшатиб, - Биз ҳали «Слизерин» коллежининг умумий меҳмонхонасини топишимиз керак. Умид қиламанки, орқасидан эргашиб борадиган бирорта слизеринлик топилади.

Гарри гапирётганда ҳайрон бўлиб қараб турган Рон:

- Гойлнинг фикр юрита билишини кўриш жуда ғалати бўлар экан, - деди-да, - Германионнинг бўлмасини тақиллатди, - Хой, вақт бўлди, кетдик.

Бўлмадан ингичка овоз эшитилди:

- Мен... балки... сизлар бораверинглар, мен бормайман.

- Германиона, Миллисентнинг турки хунуклигини жуда яхши биламиз. Уялмай чиқавер. Бу сен эканлигингни ҳеч ким билмайди-ку.

- Йўқ... Рост айтяпман. Мен бора олмайман. Сизлар бораверинглар. Вақт ўтяпти.

Ҳеч нарсани тушунмаган Гарри Ронга бақрайди.

- Мана энди Гойлга ўхшадинг. Ҳар сафар ўқитувчининг саволини эшитганда башараси айнан мана шундай қиёфа касб этади.

- Германиона, сенга нима қилди? - сўради Гарри, эшик ортидан.

- Ишлар жойида, сизлар бораверинглар дедим-ку...

Гарри соатга қараб қўйди. Қимматли дақиқаларнинг бештаси ўтиб кетибди.

- Ундай бўлса, сенинг олдинга қайтамиз, хўпми?

Болалар аста эшик очиб, йўлақда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, хожатхонани тарк этиб чиқишди.

- Қўлларингни бунчалик қаттиқ силкитма, - пичирлади Гарри Ронга.

- Нима қилибди?

- Краббе худди қўллари музлаб, осилиб қолгандай юради...

- Мана бундай қилиб-ми?

- Ҳа, шунга ўхшашроқ.

Улар мрамор зина бўйлаб пастга тушишди. Энди слизеринликларнинг умумий меҳмонхонасини топиш учун бирор-бир слизеринликка дуч келиш қолди холос.

Ўчакишгандай, улардан бирортаси ҳам кўринмайди.

- Бирор фикр борми? - ғудуллади Гарри.

- Слизеринликлар нонуштага анави томондан келишади, - деди Рон, ертўла томон кўрсатиб.

У эндигина гапини тугатган эди ҳам-ки, ертўла томондан фатила сочлари узун қиз кўринди.

- Маъзур кўринг, - деди Рон, қиз ёнига тез бориб, - Меҳмонхонамизга олиб борадиган йўлни унутиб қўйибмиз. Кўрсатиб юбормайсиз-ми?

- Меҳмонхонамизга? Кечириб қўясиз. Мен «Равенкло»данман.

Шубҳа билан ортига қараб-қараб қўйган қизалоқ нари кетди.

Гарри билан Рон тош зиналар бўйлаб шошганча пастга тушиб, Краббе билан Гойлнинг баҳайбат оёқлари тош устида ургандай, дуқиллатиб боришди. Охири баҳайр бўлсин деган

хаёл иккаласининг миясига ўрнашиб колган ягона ўй бўлди.

Ўтиш йўлларининг мураккаб лабиринтлари кимсасиз бўлиб, чуқурга, борган сари каср қаърига олиб кетмоқда. Икковлон соатга мунтазам қараб, қанча вақт қолаётганини кузатиб боришди. Ўн беш дақиқа ўтиб, умидсизланиб қолишган фурсатда олдинда қандайдир ҳаракат эшитилди.

- Ҳа! - кичкирди Рон, хурсанд бўлиб, - Ана, улардан қайсидир бири юрибди!

Ён эшиқдан кимдир чиқди. Икковлон юрак ҳовучлаганча, тез яқин боришди. Бироқ бу, слизеринлик эмас, Перси.

- Сен нима қилиб юрибсан бу ерда? - хайрон бўлиб сўради Рон.

Персининг жаҳли чиқди.

- Ишинг бўлмасин, - қуруқ жавоб қайтарди Перси, - Сени исминг Краббе эди шекилли-а?

- Нима-нима... А, ҳа-я! - деди Рон.

- Ундай бўлса, ўз коллежининг умумий меҳмонхонасига боринг, - буюрди Перси, қатъий оҳангда, - Ҳозирги кунларда қоронғи йўлакларда сандироклаб юриш хавfli саналади.

- Сен сандироклаб юрибсан-ку, - таъкидлаб қўйди Рон.

- Мен, - виқор билан эълон қилди Перси, кўкрак кериб, - Синфбошиман. Менга ҳеч нарса тажовуз қилмайди.

Рон билан Гаррининг орқасида кимнингдир овози эшитилди. Улар томон шиддат билан Драко Малфой яқинлашмоқда. Гарри ҳаётида илк бор ўз рақибини кўриб, енгил тортди.

- Бу ёқда экансизлар-да. Яна чўчканинг боласидай мечкайлик қилдингиз-ми? Сизларни қидириб юрган эдим. Қизик нарса кўрсатмоқчиман, юринглар.

У Персига еб юборгудек қараб қўйди.

- Нима нарсангни унутиб қўйдинг бу ерда, Уэсли? - гулдиради у.

Перси қутуриб кетгандай бўлди.

- Мактаб синфбошиси билан қандай муомала қилишни ўрганиб ол! - Муносабатинг менга ёқмаяпти!

Малфой истехзоли кулиб, Гарри билан Ронга имо воситасида ортидан юришни буюрди. Гарри Персидан узр сўрамоқчи бўлиб, эндигина оғиз жуфтлаган эдики, аклини ўз вақтида йиғиб олди. Рон иккиси Малфойнинг кетидан ошиқди. Навбатдаги зина оралиғидан ўтар экан, Малфой гап бошлаб қолди:

- Анави Петер Уэсли...

- Перси, - тўғрилаб қўйди Рон.

- Э, фарқи нима, - қўл силтади Малфой, - Бу томонларга тез-тез тушиб турадиган бўлиб қолди. Слизерин Ворисини яқка ўзи, мустақил равишда, осонгина қўлга олмоқчи кўринади.

У қисқагина, масхараомуз кулиб қўйди. Гарри билан Рон бир-бирига умид билан қараб қўйишди.

Малфой тақир девор қаршисига келиб тўхтади.

- Янги пароль нима эди? - сўради у Гарридан.

- Эээ...

- Ҳа-я, Тоза қон! - эслади Малфой, Гаррининг жавобини қутмай.

Тош девор четга сурилгач, Малфой ичкарига кирди. Рон билан Гарри ҳам кўп ўйланмай, унинг кетидан эргашди.

«Слизерин» коллежининг умумий меҳмонхонаси дағал тошдан кўтарилган деворлар, занжирларга илинган думалоқ яшил шамдонлар осилиб турган паст шифтдан иборат ертўла кўринишига эга экан. Жимжимадор нақш ўйилган камин тахтаси ортида гулхан ёниб турибди. Шуъла доғида камин яқинидаги баланд суянчиқли креслоларда ўтирган бир неча нафар слизеринликлар қомати кўринди.

- Шу ерда кутинг, - буюрди Малфой, Гарри билан Ронга, оловдан узоқда турган курсиларни кўрсатиб, - Бориб, олиб келаман. Дадам яқинда юборибди...

Ўзларини эркин тутишга уринган Гарри билан Рон Малфой нима кўрсатиши

мумкинлигини ўйлаб, курсиларга ўтиришди.

Хаёл ўтмай, қўлига газета парчасини ушлаб олган Малфой қайтиб, Роннинг юзига яқин келтирди.

- Мана, мирикиб куласиз, - деди у.

Гарри серрайиб қолган Роннинг кўзи катталашиб кетаётганини кўрди. Рон мақолани тез ўкиб, узок кулганча, Гаррига узатди. «Башорат-у, каромат газетаси»да ёзилган мақола:

#### *СЕХРГАРЛИК ВАЗИРЛИГИДА ХИЗМАТ СУРИШТИРУВИ*

*Маглар автомобилни сеҳрлагани учун Магларнинг рўзгор буюмларидан нотўғри фойдаланиш бўлими бошлиги Артур Уэслига бугун эллик галлеон жарима солинди.*

*Ушбу машина ҳалокатга учраган «Хогварц» сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактабини бошқариш маъмуриятининг аъзоси мистер Люциус Малфой шу йили, мулоҳаза юритилаётган воқеадан анча олдин, мистер Уэслини истеъфога чиқариш кераклиги тўғрисида ўз фикрини билдириб ўтган эди.*

*«Уэсли вазирлик нуфузига путур етказмоқда», - деди мистер Малфой мухбиримизга, -*

*«Унда қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш масаласига масъулият билан ёндашиш етишмайди. Айнан Уэсли томонидан ишлаб чиқилиб, тақдим этилган Магларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунни эса зудлик билан бекор қилмоқ даркор».*

*Воқеага изоҳ беришини сўраб борган мухбирларимиз мистер Уэслининг ёнига йўллай олишмади. Унинг рафиқаси эса мухбирларимизга туёқларини шиқиллатиб қолишларини буюриб, акс ҳолда хонаки кўршапалак солиши билан дўқ-пўписа қилди.*

- Хўш? - деди тоқати-тоқ бўлган Малфой Гарри узатган газета парчасини қайтариб олиб, - Кулгили эмасми?

- Ха, ха, - сохта кулиб қўйди Гарри.

- Артур Уэсли магларни ниҳоятда яхши кўради. Сеҳрли таёкчасини синдириб, ўшалар орасида яшагани маъқул, - ҳақоратомуз деди Малфой, - Хулқ-атворларини кўриб, Уэслиларни асилзода сеҳргарлар дейиш қийин.

Роннинг, аниқроғи, Краббенинг юзи ғазабдан буришиб кетди.

- Краббе, сенга нима бўляпти? - кескин сўради Малфой.

- Қорним оғрияпти, - ғудуллади Рон.

- Ундай бўлса, касалхонага бор. Бир йўла ўша ерда ётган маглваччаларни менинг номимдан тепиб кел, - хиринглади Малфой, - Мен бир нарсага хайрон қоляпман. Нима учун ҳалигача «Башорат-у, каромат газетаси»да мактабда бўлиб ўтган тажовузлар ҳақида ёзишмаяпти, - давом этди у, ўйланиб, - Эхтимол, Дамблдор ушбу воқеаларни сир тутишга уринаётган бўлса керак. Агар тажовузларга тез орада барҳам берилмас экан, уни ишдан ҳайдаб юборишлари аниқ. Дадамнинг сўзларига қараганда, Дамблдор раҳбарлик қилишининг ўзи – мактабда содир бўладиган энг ёмон ҳодиса саналар экан. Негаки у, маглардан чиққан сеҳргарларни жуда яхши кўради. Бамаъни директор бўлганида Кривига ўхшаш ҳар хил палидларни мактабга яқин келтирмас эди.

Малфой фаразий фотоаппаратни қўлига олиб, Колиннинг хатти-ҳаракатларини таҳқирли равишда, лекин аниқ акс эттирганча:

- «О, Поттер, сени суратга олсам майлими? Дастхат қўйиб бер, Поттер! Ботинкангни ялаб қўяй, Поттер, илтимос, йўқ демагин!» - деб, қилиқ қилди.

У қўлини тушириб, Гарри билан Ронга қараб чиқди.

- Хой, сизларга нима бўляпти?

Ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам Гарри билан Рон ўзларини кулган қўйга солишди. Бироқ бу ҳолат Малфойни қаноатлантирган кўринади. Афтидан у Краббе билан Гойлга гап маъноси зирофаларга етиб боргандай кеч етиб боришига кўникиб қолган.

- Маглваччалар хомийси муқаддас Поттер, - секин гап бошлади Малфой, - Яна битта сеҳргарлик ғурурига эга бўлмаган шахс. Ғурури бўлганда эди анави мактанчоқ Маглрэнжер билан илашиб юрмаган бўлар эди. Яна ҳамма уни Слизерин Вориси деб

билади-я!

Гарри билан Рон нафас чиқармай қолишди. Мана ҳозир Малфой Ворис аслида ўзи эканлигига иқрор бўлади. Бирок...

- Ким экан ўша Ворис, жуда билгим келяпти, - аччикланиб иқрор бўлди Малфой, - Билганимда эди, унга шахсан ўзим ёрдам берган бўлар эдим.

Роннинг оғзи шу қадар ланг очилиб кетдики, Краббе одатдагидан ҳам баттар бефаҳмга айланиб қолди. Хайриятки, Малфой бунга эътибор қаратмади. Гарри дарҳол уни сўроққа тутди.

- Гумонинг кимда? Бирон-бир тахмининг йўқми?

- Йўқлигини биласан-ку, Гойл, неча маротаба айтишим керак? - жаҳл қилди Малфой, - Дадам ҳам Махфий хонанинг ўтган сафар очилгани ҳақида менга ҳеч нарса айтиб бермаяпти. Ўша воқеа эллик йил муқаддам, дадамга қадар бўлиб ўтган, албатта. Бирок у ҳамма гапдан хабардор. Унинг айтишича, бўлиб ўтган ҳодисалар қатъий сир тутилгани учун ҳам, кўп нарсалардан хабардор бўлишим атрофдаги одамлар орасида шубҳа туғдирар экан. Бир нарсани аниқ биламан. Махфий хона ўтган сафар очилганида магловачалардан биттаси ўлган. Шундай экан, ҳамма нарсани вақт кўрсатади. Ҳозирги магловачалардан бирортаси ўлгунга қадар сабр қиламиз. Умид қиламанки, бу Грэнжер бўлади, - қўшиб қўйди у, ўз орзусидан ўзи лаззатланиб.

Рон-Краббе йирик муштини маҳкам сиқиб олди. Агар ҳозир Рон Малфойнинг башарасига қўйиб юборса, барча ҳаракатлар барбод билишини тушуниб турган Гарри Рон томон огоҳлантирувчи нигоҳ ташлаб, сўроғини давом этди:

- Иттифоқо, ўтган сафар хонани ким очганлиги, уни қўлга олишган-олишмаганини билмайсан-ми?

- Ҳа, албатта... ким очганини билмайман-у, бирок уни мактабдан хайдашганини аниқ биламан, - жавоб қайтарди Малфой, - Ҳалигача Азкабанда ўтирган бўлса керак.

- Азкабанда? - тушунмади Гарри.

- Ҳа, Азкабанда – жиноятчи сеҳргарлар қамаладиган қамокхонада, - деди Малфой, Гойлнинг мисли кўрилмаган бефаҳмлигидан таажжубланаётганини яққол намоён этиб, - Ҳақиқатан ҳам, Гойл, агар шу аҳволда қоладиган бўлсанг, мактабдан қувиб солишлари муқаррар.

У ғазаб билан креслода ўтирган жойида типирчилаб қўйди.

- Дадамнинг айтишича, Слизериннинг Вориси биз қилишимиз керак бўлган ишни якунига етказгунга қадар кутишимиз ва айни вақтда ўзимиз беайб қолишимиз керак экан. Унинг гапларига қараганда «Хогварц»дан ҳар хил чиқиндилар-у, магловачаларни супуриб ташлаш вақти аллақачон етган эмиш. Унинг ташвиши бошидан ошиб ётибди ҳозир. Ўтган ҳафта уйимизни тинтув қилишибди, тасаввур қиялмасиз-ми?

Гарри Гойлнинг бефаҳм башарасидан имкон қадар ташвишга тушган қиёфа ясашга уринди.

- Ана шунақа... - деди Малфой, - Хайриятки, улар ҳеч нарса топа олишмади. Дадамда ёвуз кучлар сеҳрига тааллуқли айрим қимматбаҳо нарсалар бор. Яхши ҳам-ки, уйимиз меҳмонхонаси остида ўзимизнинг Махфий хонамиз бор...

- Уҳ! - деб юборди Рон, ғайриихтиёрий равишда.

Малфой ҳам, Гарри ҳам Рон томон юзланди. Роннинг бурни чўзилиб, юзи, ҳатто сочи ҳам қизариб кетган. Бир соат ўтди ва табиийки, Рон ўз қиёфасига қайта бошлади. Унинг башарасидаги ваҳимани кўрган Гарри ўзи ҳам ўз қиёфасига қайтаётганини идрок этди.

- Қорним оғрияпти. Бирон-бир дори ичиб олмасам бўлмайди, - бақирди Рон.

Улар зудлик билан слизеринликларнинг умумий меҳмонхонасини тарк этиб, Малфой ҳеч нарсани пайқаб қолмаганига умид қилишганча, зўр бериб югуришди. Гарри Гойлнинг улкан пойафзали ичида оёқлари кичрайиб бораётганини ҳис этиб, бўйи шиддат билан пасайиб кетганидан коржоманинг этагини кўтариб олишга мажбур бўлди. Зинапоянинг бир нечтадан поғоналарини ҳатлаб ўтганча югуриб, ниҳоят қоронғи вестибюлга етиб боришди. Ҳақиқий Краббе билан Гойл қамаб қўйилган жавон ичидан бир маромда

урилаётган бўғиқ дукур-дукур товушлар эшитилди. Болалар қарзга олинган поёфзалларни жавон эшиги яқинига қўйиб, мрамр зина бўйлаб пайпоқда Дилгир Миртл макони томон ошиқишди.

- Нима ҳам дердим, вақтни беҳуда ўтказмадик, - деди ҳансираётган Рон, ҳожатхона эшигини ичкаридан ёпар экан, - Ёвуз ишларни ким қилаётганини билиб олмадик-у, аммо Малфойлар хонадони меҳмонхонасининг ертўласини астойдил тинтув қилиш кераклигини дадамга албатта ёзиб юбораман.

Дарз кетган кўзгуда Гарри ўз юзини тадқиқ эта бошлади. У ўз киёфасига тўла-тўқис қайтганига ишонч ҳосил қилиб, кўзойнагини тақиб олди. Рон эса Гермиона бекиниб олган бўлгани тақиллатди.

- Гермиона, чиқ. Биз сенга шундай қизик нарсаларни айтиб берамизки!...

- Кетинглар бу ердан! - чийиллади Гермиона.

Гарри билан Рон бир-бирига қараб қўйди.

- Нима қилди сенга, Гермиона? Вақт ўтди, сен ахир ўз киёфанга қайтишинг керак эди. Биз...

Шу пайт кутилмаганда бўлма эшиги тахтасидан Дилгир Миртл чиқиб келди. Гарри ушбу рухни ҳали бу қадар кўтаринки кайфиятда кўрмаган.

- Оооооо, ҳозир кўрасизлар! - хитоб қилди арвоҳ, - Бирам дахшатли манзара-ки, қўяверасиз!...

Эшик зулфининг сирпангани эшитилгач, ичкарида бошига этагини ташлаб олиб, хиқиллаётган Гермиона кўринди.

- Нима гап ўзи? - икқиланиб сўради Рон, - Миллисентнинг бурни қолиб кетди-ми? Ёки бошқа бирор гап бўлиб ўтди-ми?

Гермиона этагини туширди. Унинг юзини кўриб, кўрқиб кетган Рон орқага тисарилиб, чиганокқа ўтириб қолди.

Қизалокнинг бетини қуюқ тук қоплаган. Сап-сарик кўзлари ярқираб кўриниб, қалин сочлари орасидан узун, учи учли қулоқчалар чиқиб турибди.

- М-мушук туки экан, - хўнграб юборди Гермиона, - М-миллисент Бичишейдернинг мушуги борга ўхшайди! Ҳамма киёфа сиркаси эса, афсуски, х-хайвонга айланиш учун мўлжалланмаган!

- Вой, ойижон, - деб юборди Рон.

- Энди сенга қандайдир мудҳиш лақаб қўйишади! - этхўрдай лаззатланди Миртл.

- Хавотир олма, Гермиона, - деди Гарри, - Биз сени касалхонага элтиб қўямиз. Помфри хоним ҳеч қачон ортиқча савол бермайди...

Гермионани ҳожатхонадан чиқишга қўндириш учун бир дунё вақт керак бўлди. Ниҳоят бунга эришилганда, уларни эшиккача кузатиб қўйган Миртл ич-ичидан завқланганча қулиб:

- Агар одамлар унинг думи ҳам борлигини билишса, нима бўлишини кўрасизлар, - деганча қолди.

### **ХIII БОБ.**

### **СИРЛИ КУЧ ЯШИРИНГАН КУНДАЛИК**

Гермиона касалхонада бир неча ҳафта даволанди. Таътил ниҳоясига етиб, ўқувчилар мактабга қайтишгач, Гермионанинг кўзга кўринмай қолганлиги ҳақида ҳар хил миш-миш гаплар тарқалди. Табиийки, унга ҳам тажовуз уюштирилган деган фикр илгари сурилиб, аслида нима қилганини билиш учун касалхона бўлинмаси атрофида ўралашиб юрганлар сони ортиб кетди. Шу боис ҳам Помфри хоним қизалокнинг сертук юзини густох кўзлардан бекитиш мақсадида у ётган каравотни парда билан тўсиб қўйди.

Гарри билан Рон ҳар куни Гермионанинг ҳолидан хабар олиб, семестр бошланиши билан қизалокни уйга берилган вазифалар билан таъминлаб боришди.

- Агар менинг башарамда мушук мўйлови ўсиб чиққанида, пайтдан фойдаланиб, ҳеч нарса қилмай маза қилиб ётган бўлар эдим, - деди Рон, каравот олдидаги стол устига тахланган

китоб уюмини кўрсатиб.

- Эсингни еб қўйдинг-ми, ҳаммадан орқада қолиб кетаман-ку! Бунга йўл қўя олмайман! - жавоб қайтарди Гермиона.

Юзидаги мўй йўқолиб, сарғайган кўзлари аста секин ўзининг жигар ранг тусини касб этаётгани боис ҳам сўнгги вақтларда кизалокнинг кайфияти анча кўтарилган.

- Айтгандай, ишлар қалай? Янги тахминлар пайдо бўлмади-ми? - сўради Гермиона, Помфри хоним эшитиб қолмаслиги учун паст овоз билан.

- Йўқ, - жавоб қайтарди Гарри қовоқ уйиб.

- Малфой эканлигига ишончим комил эди, - деди Рон, юзинчи маротаба.

Гарри ёстик остидан чиқиб турган тилла ранг нарсага бармоқ ўқтаб сўради:

- Анави нима?

- Буми?... Соғайиб кетиш тилаклари битилган откритка, - жавоб қайтарди кўзларини олиб қочган Гермиона, откриткани ичкарироқ туртиб қўйиш учун қўл узатиб.

Бироқ Рон чакқонлик қилиб, откриткани чангаллаб олди-да, овоз чиқариб ўкиди:

*Ташишга тушиб, соғлик тилаб қолаётган ўқитувчи, учинчи даражали Мерлин ордени соҳиби, Ёвузлик кучидан ҳимоя иттифоқининг фахрий аъзоси, «Авсунполитен» журнали томонидан таъсис этилган «Энг жозибадор табассум учун» мукофотининг узлуксиз беш карра совриндори Сверкароль Чаруальддан дилрабо миссис Грэнжерга*

Рон ижирганиб Гермионага қаради.

- Сен бунга ёстигинг остига қўйиб ётибсан-ми?

Хайриятки, дори олиб келган Помфри хоним Гермионани, ушбу саволга жавоб беришдан халос этди.

- Чаруальддай шилқимни кундуз куни чироқ ёқиб топиш қийин бўлса керак-а? - деди Рон, Гарри иккаласи касалхонадан чиқиб, «Гриффиндор» минораси томон йўл олар экан.

Снегг уйга шу қадар кўп вазифа бердики, уларнинг ҳаммасини бажариб бўлган вақтга келиб олтинчи синфга ўтсам керак ўйлади Гарри. Соч хурпайтириш дамламасини тайёрлаш учун қайнатмага нечта каламуш думи солинишини Гермионадан сўраб олмаган Рон ўзини ўзи қийиб ўтирди. Айнан шу вақтда юқори қаватда кимнингдир дарғазаб ўкиргани эшитилди.

- Филчнинг овози, - ғудуллади Гарри.

Иккаласи юқорига кўтарилиб, бир четда тўхташди-да, кулоқ тутишди.

- Навбатдаги тажовуз бўлмаса керак, нима деб ўйлайсан? - зўриққан овоз билан сўради Рон.

Улар нафас чиқармай, жазаваси тутиб қолган Филчнинг овози эшитилаётган томон бош узатиб туришди.

- ... яна тозалаш! Ахир бунга туни билан тозалаш керак-ку, мени бошқа қиладиган ишим йўқми! Бас, пичоқ суякка такалди, бориб Дамблдорга арз қилмасам бўлмайди...

Икковлон ўртоқнинг кўзига кўринмайдиган йўлак бўйлаб нари кетган Филчнинг қадам товушлари сўниб, узоқдаги эшиклардан бирининг қаттиқ ёпилгани эшитилди.

Болалар астагина Филч бақирган йўлакка бош сукиб, яна айнан миссис Норрисга тажовуз қилинган, Филч ўзи учун пост сифатида танлаган жойга келиб қолишганини англашди.

Назоратчининг нима учун дод-вой солгани дарҳол аён бўлди. Йўлакнинг ярмини сув босган бўлиб, Дилгир Миртл ҳожатхонасининг эшиги остидан ҳалигача сизиб чиқмоқда. Филчнинг овози тингач, ҳожатхона ичидан арвоҳ Миртлнинг йигиси эшитилди.

- Яна нимага ҳиқилляпти экан у? - аччиқланди Рон.

- Юр, бориб кўрамиз, - таклиф киритди Гарри.

Икковлон коржомаларининг этакларини тиззаларигача кўтариб, қўлмак кечганча, ҳар доимгидай хона эшигини, ундаги «ИШЛАМАЙДИ» сўзи битилган каттагина тахтачани писанд қилмай очиб, ичкарига киришди.

Дилгир Миртл бор кучини йиғиб, зўриқиб уввос солмоқда. Одатига кўра, ўзи ёқтирган

унитазга кириб олганга ўхшайди. Шамлар ўчиб, хожатхонани зулмат камраган. Сув оқими кучли бўлгани учун хона поли ва деворлари нам тортган.

- Нима гап, Миртл, нима бўлди? - сўради Гарри.

- Ким у? - манқаланди Миртл, - Яна менга нимадир улоқтиргани келдингиз-ми?

Гарри сув кечиб, Миртлнинг бўлмаси ёнига борди.

- Нега энди мен сенга нимадир улоқтиришим керак?

Унитаз ичидан сув сачратиб чиққан Миртл баттар увиллай бошлади.

- Мен қаердан билай? Ҳеч кимга зиёним етмай шу ерда тек ўтирсам-у, кимдир келиб ўзининг ён дафтарини менга улоқтирса! Кимга ёқади?!

- Сенга нима, ахир бари-бир жонинг оғримайди-ку, - мулоҳаза юритди Гарри, -

Айтмоқчиман-ки, дафтар танангдан ўтиб учди, шундайми?

Айни шу мулоҳазани эшиттириб айтиш шарт эмас эди. Миртл чуқурроқ нафас олиб, бор кучи билан чинқириб берди:

- Ҳўш, модомики Миртлнинг жони оғримас экан, келинглари бўлмаса, унга дафтар улоқтириш ўйнаймиз! Ким қорнига тегса, ўн очко, бошига теккиза олганга эллик очко! У бари-бир ҳеч нарса ҳис этмайди-ку, а?! Ха-ха-ха! Жуда кизик ўйин бўлади-да! Нега шу вақтгача хаёлингизга келмаган экан-а?

- Ким экан ўша, сенга ён дафтар улоқтирган? - қизикди Гарри.

- Мен қаердан билай... Унитаз қувурининг букилган жойига кириб, ўлим ҳақида мулоҳаза юритиб ўтирган эдим. Тепадан бошим узра нимадир оқиб ўтди, - жавоб қайтарди Миртл, кўзлари билан болаларга тешиб юборгудай қараб, - Ана у, қайта қалқиб чиқиб, полда ётибди...

Гарри билан Рон унитаз остига, Миртл кўрсатган бурчакка қарашди. У ерда эскириб кетган, кичкинагина, хожатхонадаги қолган нарсалар каби нам тортган ингичка ён дафтар ётибди. Гарри олдинга қадам ташлаб, дафтарчани эндигина олмоқчи бўлди ҳам-ки, Рон қўлини узатиб, уни тўхтатди.

- Нима? - сўради Гарри.

- Ақлингни единг-ми? - деди Рон, - Бу жуда хавфли бўлиши мумкин.

- Хавфли? - қулиб юборди Гарри, - Қўйсанг-чи, ён дафтарнинг нимаси хавфли бўлади?

- Айтсам, ишонмайсан, - деди Рон, хавфсираганча дафтар томон кўз қирини ташлаб, -

Дадам айтиб берган эди... Вазирлик томонидан мусодара этилган айрим китоблар...

Хуллас, улардан бири, ким очиб қараса кўзини куйдириб юборади. Яна бири... номи нима эди... Ҳа, эсладим, «Алкимёгар сонетлари» китоби-чи... Уни ўқиган кишиларнинг ҳаммаси сўнгги соатига қадар фақат шеър вазнида гапирадиган бўлиб қолишган. Батлик бир афсунгар аёлдан эса шундай бир китоб тортиб олишганки, уни ўқишни бошласанг, ўзингни ҳеч тўхтата олмайсан! Қаерда бўлмагин, китобни кўз олдинда тутиб, ишларингни фақат бир қўллаб бажарадиган бўлиб қоласан! Яна бир... (**Бам** (инг. *Bath*, лат. *Aquae Sulis, Aquae Calidae, Bathonia*) – Англиянинг *Эйвон дарёси соҳилида жойлашган энг гўзал шаҳарларидан бири, Сомерсет графлигининг асосий шаҳри, Англия епископининг қароргоҳи*).

- Бўлди, бўлди, тушундим, - гапни бўлди Гарри ва полдаги диққатга сазовор бирор-бир аломати бўлмаган, кичкинагина, нам тортган ён дафтарга бир пас қараб турди-да, - Бари-бир бу нима эканлигини билишнинг бошқа иложи йўқ, - деганча, чаккон ҳаракат билан Ронни айланиб ўтиб, дафтарни қўлга олди.

Қора муковадаги сийқаланиб кетган санани кўрган Гарри, эллик йил муқаддам тутилган кундалик эканлигини тушунди. У дафтарни варақлаб, илк саҳифасида сиёҳи бир оз ёйилиб кетган «Т. М. Реддль» ёзувини кўрди.

- Тўхта, тўхта, - деди аста яқинлашган Рон, Гаррининг елкаси узра ёзувни ўқиб, -

Назаримда бу исми қаердадир кўргандай бўляпман... Ҳа-да, Т. М. Реддль эллик йил муқаддам «Мактаб олдида кўрсатган хизматлари учун махсус соврин» билан мукофотланган.

- Сен қаердан биласан? - хайрон бўлди Гарри.



- Анави ердан! Ўша совринни эллик маротаба тозалаганман. Жазо ўташим учун мени сал кам бир кечага Филч ихтиёрига топширишганини эслайсан-ми? - нутилмас дилсиёхлик оҳанги билан эслатди Рон, - Ўшанда мен айнан ўша соврин устига шилликқурт қайт қилиб юборган эдим. Агар сен ҳам кимнингдир исми ёзилган буюм сиртидаги ҳар хил ифлосликларни артиб тозаласанг, ўша кишининг исмини бир умрга эслаб қолишинг муқаррар.

Гарри нам тортган кундаликнинг ёпишиб қолган бетларини кўчириб, ажратди. Саҳифалар тоза бўлиб, уларда: «Мейбел холанинг туғилган куни» ёки «Соат 14.30 да тиш доктори қабулига» сингари бирон-бир ёзув кўрмади.

- У ҳеч қандай ёзув юритмаган экан, - деди ҳафсаласи пир бўлган Гарри.

- Қизик, нега бўлмаса кимдир ундан бу тарика халос бўлди экан? - қизиксинди Рон.

Гарри муқованинг орқа томонини ўгириб, Лондоннинг Воксхолл Роуд кўчасидаги ёзув қоғози сотиладиган универсал дўкон номини ўқиди.

- Модомики, ушбу дафтар Воксхолл Роуд кўчасида харид қилинган экан, - ўйланиб, мулоҳаза юритди Гарри, - Демак унинг сохиби мағллардан чиққан...

- Хўп, майли, нафи йўқ экан, ташла уни, - деди Рон ва овозини пасайтириб қўшиб қўйди, - Агар Миртлнинг бурнига теккиза олсанг, эллик очко.

Бироқ Гарри дафтарни чўнтагига солди..

Гермиона касалхонадан февраль ойининг бошида мўйловсиз, думсиз, юнгсиз чиқди.

«Гриффиндор» минорасида ўтказган биринчи оқшомнинг ўзида, қизалоққа Т. М.

Реддлнинг кундалиги кўрсатилиб, қай тарзда қўлга киритилганлиги ҳақида билдирув берилди. Ҳикояни эшитиб, кундаликни қўлга олган Гермиона иштиёқ ила хулоса чиқариб:

- Бунинг замирида қандайдир сирли куч яширинган бўлиши мумкин, - деди.

- Шундай ҳам дейлик. Бироқ хаддан ортик тортинчоклигидан ўша сирли кучини жуда яхши бекитиб олган, - қўл силтади Рон, - Нима учун уни унитарга ташлаб юбормадинг Гарри, хайронман.

- Менга эса, аксинча, нимага уни айнан унитарга ташлаб юборишгани қизик, - эътироз билдирди Гарри, - Умуман айтганда, Реддль қайси хизматлари учун махсус соврин билан тақдирланганини билмоқчиман.

- Ҳар қандай хизмати учун, - деди Рон, совуққон оҳангда, - Масалан МОСДнинг 30-даражасига эришгани ёки қўлда чўмилаётган ўқитувчилардан бирон-бирини баҳайбат кальмар оғзидан суғуриб олгани ёхуд ҳаммани хурсанд қилиб Миртлни ўлдиргани учун...

Гермионанинг кўркиб кетган киёфасини кўрган Гарри ўзининг хаёлига келган ўй Гермионанинг миясига ҳам келганини англади.

- Ҳа, нима гап? - сўради Рон, нигоҳини суҳбатдошларидан бирининг юзидан иккинчисининг юзига олиб ўтиб.

- Тушуняпсан-ми, Рон. Махфий хона ўтган сафар, Малфойнинг сўзларига қараганда, эллик йил муқаддам очилган, - жавоб берди Гарри.

- Хў-ў-ўш, - деди Рон.

- Мана бу кундаликнинг ёши ҳам эллиқда, - деди Гермиона, хаёжон ила бармоқлари билан дафтар муқовасини чертиб.

- Хў-ў-ўш?

- Рон, уйғонсанг-чи, - овоз кўтарди Гермиона, - Бизга маълумки, Махфий хонани эллик йил муқаддам очган киши мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлаштирилган. Яна шу нарса маълумки, Т. М. Реддль эллик йил муқаддам «Мактаб олдида кўрсатган хизматлари учун махсус соврин» билан муқофотланган. Агар ўша Реддль Слизерин Ворисини қўлга олгани учун муқофотланган бўлса-чи? Эҳтимол биз, Махфий хона қаерда жойлашгани, уни қандай очиш мумкинлиги, унда қандай махлук яширинганини айнан мана шу кундалиқдан билиб олармиз? Фикримча, бўлиб ўтган барча тажовузларни амалга оширган шахс бундай далилдан халос бўлишни истаб қолган, шундай эмасми?

- Ажойиб тахмин, Гермиона, - деди Рон, - Фақат ушбу кундаликнинг битта кичкинагина айби бор-да, у ҳам бўлса, унда ҳеч қандай ёзув йўқлиги!

Аммо осонликча таслим бўлмайдиган Гермiona юк халтасидан сеҳрли таёкчасини чиқарди.

- Эҳтимол кўринмас сиёҳ билан ёзилгандир!

Қизалок таёкчасини дафтар муковасига уч маротаба астагина урганча:

- «Апарециум!», - деб пичирлади.

Ҳеч нима рўй бермади. Сал бўлса ҳам эсанкирамаган Гермiona таёкчасини юк халтасига қайтадан жойлаб, қип-қизил ўчиргич чиқарди.

- Бу Фош қилгич, - тушунтириш берган бўлди у, - Диагон хиёбонида сотиб олганман.

Кўринмас ёзув устидаги тилсимга барҳам беради.

Гермiona биринчи январь санаси учун ажратилган саҳифани ишқалади. Боз ҳеч нима рўй бермади.

- Такрор айтаман, - баёнот қилди Рон, - Қундалиқда ҳеч қандай сир йўқ. У бўм-бўш.

Реддль уни Рождество байрамига совға сифатида олган бўлиб, бирон нарса ёзишга ўзини мажбур қила олмаган.

Реддлинг кундалигини нима учун ташлаб юбормаганини Гарри лоақал ўзига ўзи бўлсин, тушунтириб бера олмади. Унда ҳеч нима ёзилмаганига қарамай, вақти-вақти билан қўлга олиб, худди охиригача ўқиб тугатишга урингандай варақлаб ўтирди. Гарчи Гарри Т. М. Реддль исмини муқаддам эшитмаган бўлса-да, гўё гўдаклигидаги ўртоқларидан бирини эшлашга урингандай ўтирди. Бироқ ушбу фикр ҳам бемаъни ўйлар сирасига қиради. Зотан, холаваччаси Дудли Гаррининг «Хогварц»га қадар ҳеч қандай ўртоғи бўлмаслиги учун яхшигина ҳаракат қилган.

Шундай бўлса-да, Гарри, Реддль ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишга қатъий аҳд қилиб, эртаси куни тонг сахар, маҳсус совринни яхшилаб кўриш учун ўлжа қилиб олинган қурол-аслаҳалар хонаси томон йўл олди. Бундай маълумотларга қизиқсиниб қолган Гермiona билан, аксинча, шубҳаомуз қараб, ўша совринларни бир умр эсдан чиқмайдиган даражада томоша қилиб тўйганини таъна қилган Рон ҳам Гаррига ҳамроҳ бўлишди.

Реддлинг сайқал берилган тилла соврини бурчақдаги жавон ичига яшириб қўйилган экан. Ундаги ёзувда қайси хизматлар учун берилганлиги ҳақида бирор-бир маълумот йўқ.

- Тафсилотлар бўлмагани ҳам дуруст. Акс ҳолда уни ҳалигача тозалаб ўтирган бўлар эдим, - деди Рон.

Бироқ болалар «Сеҳргарлик маҳорати учун» медали соҳиблари рўйхатида ҳам, ўтган йилларнинг энг ибратли ўқувчилари рўйхатида ҳам Реддль исмига дуч келишди.

- У нимаси биландир Персини эслатмоқда, - бурнини жийирди Рон, - Синфбоши, мактабнинг энг ибратли ўқувчиси, барча фанлар аълочиси ҳам бўлган бўлса керак...

- Гапингнинг оҳангига эътибор қаратилдиган бўлса, - деди бир оз хафа бўлган Гермiona,

- Худди аллақандай уят нарсалар ҳақида мулоҳаза юритгандай бўлдинг.

Қуёшнинг заиф нурлари «Хогварц» қасрининг деворларини аста исита бошлади. Умумий кайфиятда умид ва ишонч туси кўпроқ намоён бўла бошлади. Жастин билан Деярли Бошсиз Никка уюштирилган тажовуздан сўнг, бошқа ҳеч ким тажовуз қурбонига айланмади. Помфри хоним мандрагоралар бир оз ковоғини уйиб, ўзини панага оладиган бўлиб қолганлиги, бу эса, ўз навбатида, улар болалик ёшидан чиқиб, балоғатга ўтиш даври бошлашганидан далолат эканлигини қувонч-ла эълон қилди. Кунлардан бир кун Гарри, Помфри хонимнинг Филчга хайрихоҳлик билан берган тушунтиришларини беихтиёр эшитиб қолди:

- Мандрагоралар юзида бўжама кўриниши билан улар қайтадан ўтказилади. Кўп ўтмай шохлари қирқиб олиниб, дамлама тайёрланади. Қарабсиз-ки, соғ-саломат миссис Норрисни қабул қилиб оласиз.

Балким, жамики мактаб хушёр тортгани сабабли ҳам Слизерин Вориси ўз дадиллигини йўқотиб, энди Махфий хонани очиб юриш Ворис учун хавфсиз бўлмай қолгандир, ўйлади Гарри. Эҳтимол у ўша хонадаги маҳлуқ навбатдаги эллик йиллик уйқуга кетгандир...

Хуффльпуффлик Эрни Макмилланнинг кайфияти эса бу қадар кўтаринки эмас. У Гаррини Дуэльчилар клубида ўзини тўла-тўқис, очикдан-очик намоён этган жиноятчи деб

билишини ҳеч қўймади. Полтергейст Дрюзг ўзининг аҳмоқона «Эх, Поттер-кирноттер, нималар қилдинг» қўшиғи билан пайдо бўлганча, ўтга ёғ қуяр ва ҳар сафар баттар аҳмоқона рақсга тушиб юрар эди. Сверкароль Чаруальд эса ўзини ўзи жинойтлар оқимини тўхтатган киши деб биладиган кўринади. Гриффиндорчилар бир нарсани бошқа нарсага айлантириш дарсига саф тортишаётганида Гарри Чаруальднинг профессор Макгонагаллга маълум қилаётган фикрини эшитиб қолди.

- Бирон-бир ўхшаш муаммо такроран юзага келиши мумкин деб ўйламайман, Минерва, - деди у, кўрсаткич бармоғи билар ўз бурнини уриб қўйиб, - Махфий хона абадий ёпилганига ишончим комил. Негаки, жинойтчи менинг қўлимга тушиши муқаррар эканлигини англаб етди. Астойдил аччиғим чикмасдан олдин у ўз жинойий ҳаракатларини тўхтатиб оқилона иш тутди. Фикримча, ўтган семестрда бўлиб ўтган нохуш хотиралардан халос бўлиш учун, мактаб, айни кунларда маънавий рағбатга эҳтиёж сезмоқда. Ҳозирча бирор гап айтмайман-у, аммо бу борада бир нарса ўйлаб топгандай бўляпман.

У ўз бурнини боз уриб қўйди-да, виқор ила нари кетди.

Чаруальднинг маънавий рағбат борасидаги тасаввури ўн тўртинчи февраль кунги нонушта вақтида аён бўлди. Бир кун олдин ўтган квидиш машқларида чарчаб, яхши ухламаган Гарри нонуштага ошиқиб, Катта Залга етгач, худди бошқа хонага кириб қолгандай бўлди. Зал деворлари ғайритабиий пушти ранг гулларга бурканган бўлиб, унинг оч мовий ранг берилган шифтидан юрак шаклидаги конфетлар тўкилмоқда. Гарри гриффиндорчилар столига, кўнгли айниб, қайт қилиб юборгудай қиёфа касб этган Рон билан, аҳмоқона хиринглаётган Гермiona ёнига бориб ўтирди.

- Нималар бўляпти бу ерда? - сўради Гарри, бекон устидаги конфетларни нари улоқтириб. Ғазаби қайнаб, сўз топа олмаган Рон ўқитувчилар столи томон имо қилди. Девор тусига монанд ғайритабиий пушти кийиниб олган Чаруальд қўлини силтаб, жимлик сақланишини сўрамоқда. Унинг икки томонида башараларини тошдай қотириб олган ўқитувчилар ўтирибди. Гарри ўтирган ўрнида профессор Макгонагаллнинг юзидаги асаб толалари ўйнаётганини, Снегг эса худди «Суюк-ўстир» дорисининг бир чўмичини мажбур юттиришган кишидай бўлиб қолганлигини кўрди.

- Барчангизни Муқаддас Валентин куни билан муборақбод этаман! - кичкирди Чаруальд, - Менга откритка йўллаганларга ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман! Ушбу фурсатга келиб, откриткалар сони қирқ олти донага етди! Сизларга ушбу арзимас тухфани инъом этишга журъат этдим... Бироқ бу, хали ҳаммаси эмас **(Муқаддас Валентин куни ёки Севишганлар куни – жаҳонда қўллаб одамлар томонидан айнан 14 февраль куни нишонланадиган католиклар байрами. Илк христианларнинг азоб-уқубат чеккан қўп сонли вакилларига мансуб Валентин исмли икки нафар жафокаш номи билан аталган байрам. Мазкур байрамга католик ва православие черковларининг муносабати маънодош эмас. Ислом дунёсида эса, ушбу байрамга салбий қаралади).**

Чаруальд кафтларини кўтариб, қарсак урди. Шу пайт вестибюль томондаги эшик очилиб, Катта Залга башаралари жиддий қиёфа касб этган ўн икки нафар гном кириб келди.

Гномларнинг кепатаси ҳам ғайриоддий. Чаруальд уларнинг барчасига тилла ранг қанотчалар тақиб олиш ва қўлтиғи остига биттадан арфа солиб келишга мажбур қилибди.

- Марҳамат, қарши олинг, бизнинг дилрабо купидонларимиз! Бугун улар сизларга валентинка ҳадя этиб юришади! Аммо бу ҳам хали ҳаммаси эмас! Ишончим комилки, менинг қадрдон касбдошларим ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини оммавий байрам кайфиятига аямай қўшадилар! Бугун Севги дамламаси тайёрланишининг сир-асрорлари билан ўртоклашиб, уни тайёрлаш усулларини бизга ҳам ўргатишни профессор Снеггдан илтимос қилиб қоламиз! Мистер Северус бу иш билан банд бўлар экан профессор Флитвикни суҳбатга чорлаймиз! Бу айёр қари тулки кишини завқлантирадиган Оромбахш тилсим сирлари ҳақида сиз-у, бизга нисбатан анча кўпроқ билиши ҳаммага аён!

**(Купидон – севги тангриси (афсонавий сиймо). Валентинка – суюкли кишиларга айнан Муқаддас Валентин куни ҳадя этиладиган, севги ва вафо рамзини ифодалайдиган, одатда, қизил ёки пушти тусли юрак шаклида тайёрланадиган кичкина откритка).**

Бечора профессор Флитвик уялиб кетганидан икки қўли билан юзини бекитиб олди. Снеггнинг туркидан эса фақат бир гапни, у ҳам бўлса: «Хузуримга Севги дамламасини сўраб келган биринчи кишининг бўғзига захар тикаман!» деган маънони ҳеч бир хатосиз уқиб олса бўлади.

Болалар Катта Залдан чиқиб, биринчи дарс ўтказиладиган синф хонаси томон боришар экан Рон хитоб қилиб юборди:

- Гермiona, сендан ўтиниб сўрайман, ўша қирқ олти дона откритка муаллифлари орасида сен йўқ эканлигингни айт, илтимос!

Бироқ айна шу фурсатда кизалок юк халтаси ичидан аллақандай нарса кидиришга киришиб кетиб, Роннинг илтимосини жавобсиз қолдирди.

Гномлар, ўқитувчиларнинг ғазабини қайнатганча, шу куни ўтказилган машғулотларга сурбетларча ёпирилиб кириб, куни бўйи валентинка тарқатиб юришди. Куннинг иккинчи ярмида гриффиндорчилар бир нарсани бошқа нарсага айлантириш дарсига йўл олишган пайтда эса гномлардан бири Гаррига хиралик қилиб қолди.

- Ҳой, сен! Ғайри Поттер! - кичқирди баджаҳл гном, Гаррининг олдига яқинлашиш учун халал бераётган болаларни тирсаки билан туртиб.

Бир гала биринчи синф ўқувчилари, шу жумладан, Жинна Уэслининг кўз ўнгида валентинкали бўлиш истикболини ўйлаб, бошдан оёқ қизариб кетган Гарри қочиб қолишга уринди. Бироқ у хали икки қадам босишга улгурмай, халойиқ орасида, одамларнинг ман этилган жойларига тепганча, ўзига йўл очиб югурган гном Гаррининг йўлини кесиб, унга етиб олди.

- Мен Ғайри Поттерга аталган мусиқий откриткани шахсан қўлига топширишим даркор, - баёнот қилди гном, қўлидаги арфа билан Гаррига таҳдид солганча.

- Фақат бу ерда эмас, - шивирлади Гарри ва яна бир бор жуфтақ ростлашга уринди.

- Тўхта, ростлан! - кичқирди гном ва Гаррининг елкасидаги юк халтанинг тасмасидан тутиб, орқага тортди.

- Қўйиб юбор! - худди ит солиб тutilган ўлжадай ириллади Гарри.

Унинг юк халтаси ғарсиллаб йиртилиб, икки бўлинди. Юк халта ичидаги китоблар, сеҳрли таёқча, пат-қалам, пергамент ўрамлари ерга тўкилди. Охирги бўлиб тушган сиёҳдон эса, ушбу ўқув анжомларини сиёҳ билан булғаб юборди.

Гном ўз қўшиғини ханграшга киришмай туриб жоникиб тимирскиланган Гарри нарсаларининг ҳаммасини бирданига йиғиштириб олишга ҳаракат қилди. Оқибатда йўлақда тирбандлик юзага келди.

- Нима бўляпти бу ерда?

Ушбу ниҳоятда яхши таниш жирканч овозни эшитган Гарри баттар титраб кетди. Малфой унинг валентинкасини эшитиб қолмасидан олдин нарсаларини йиғиштириб тез қочиб қолиши керак.

Воқеа жойида ташвишли кўриниш касб этган Перси пайдо бўлди.

- Нега тартиб бузилди? - сўради у.

Гангиб қолган Гарри яна бир бор қочишга уриниб кўрди. Бироқ гном унинг оёғидан маҳкам ушлаб, полга йиқитди.

- Хўш, - деди у, полда ётган Гаррининг тўпиқ суягига бор юки билан ўтириб олиб, - Ана энди валентинкангизни қабул қилиб олинг:

*Бақалар тортидай кўзлари яшил,  
Қароқчи этигидай сочи қоп-қора.  
Енгилмас қахрамон меники бўлсин,  
О, Ёвуз Лорд ўлдир олмаган бола.*

Ҳозир Гарри ер ёрилиб, кириб кетиши учун «Гринготтс»даги бор олтинларини беришга тайёр. Гномнинг оғирлигидан уюшиб қолган оёқларига турар экан, қолганлар билан баробар қулиш учун бор кучини жалб этди. Перси Уэсли халойиқни тарқатиш билан

овора. Йўлакдаги аксарият болалар кулавериб, қоринларини ушлаб қолишган.  
- Таркалинг, дарсга таркалинг, таркалинг! Ахир қўнғироқ зарби эшитилганига беш дақиқа бўлди. Таркалинг, - кичкирди Перси, жўжаларни тўзитган сингари кичкинтой ўқувчиларни хайдаб, - Сенга ҳам тааллуқли, Малфой.

Гарри Малфойнинг ердан ниманидир кўтараётгани ва топиб олган нарсасини фирибгар киёфа ила Краббе билан Гойлга кўрсатаётганини бехос кўриб қолди. Шунда у Драконинг қўлидаги нарса Реддлнинг кундалиги эканлигини англаб етди.

- Қайтариб бер, - деди Гарри, паст овоз билан.

- Қизик, бизнинг Поттеримиз нималар ёзиб юрибди экан? - қизиксинди Малфой.

Муковадаги санага эътибор қаратмаган Малфой, дафтарни Гаррининг шахсий кундалиги деб ўйлади чамаси. Юзага келган вазиятни кузатиб турганлар жим бўлиб қолишди.

Даҳшатга тушган Жинна эса нигоҳини дам Гаррига, дам кундаликка олиб ўтиб турди.

- Менга бер уни, Малфой, - деди Перси, катъий оҳангда.

- Ўқиб чикқач, қайтариб бераман, албатта - жавоб қайтарди Малфой, кундаликни Гаррининг бурни қаршисида силтаб.

- Мактаб синфбошиси сифатида... - гапини давом этди Перси.

Гаррининг сабри чидамади. У сеҳрли таёкчасини қўлига олди-да:

- «Экспеллиармус!», - деб юборди.

Снегг Чаруальдни қуролсизлантиргани каби кундалик Малфойнинг қўлидан учиб чиқиб, тўппа-тўғри иршайиб турган Роннинг қўлига бориб тушди.

- Гарри! - кичкирди Перси, - Дарс вақтидан ташқари қаср йўлаклариди сеҳр-жоду билан шуғулланиш мумкин эмаслигини унутдинг-ми. Бу ҳақда билдирув беришга мажбурман!

Энди бунинг ахамияти йўқ. Энг асосийси, Гарри, Малфой билан ҳисоблашиб олди ва бунинг учун гриффиндорнинг беш балини бой беришга ҳам рози. Малфой ғазабдан қайнаб кетиб, ёнидан ўтиб кетаётган Жиннага:

- Сени валентинканг Гаррига ёкмаган кўринади! - деб кичкирди.

Уялиб кетган Жинна кафтлари билан юзини бекитиб, югурганча синфга кириб кетди.

Роннинг жаҳли чиқиб, таёкчасини қўлига олди. Бироқ Гарри эпчиллик қилиб, уни четга тортиб олишга улгуриб қолди. Афсун ўқиш дарсида Рон боз шилликқурт қусиб ўтиришини истамади.

Дарс давомидагина Гарри ғалати бир ҳолатни, жамики нарсалари тўқ кизил сиёҳга булганган бўлишига қарамай, Реддлнинг кундалигига ҳеч нима қилмаганлигини пайқаб қолди. Дафтар қандай бўлган бўлса, шундайлигича қолган. Гарри бу ҳақда Ронга айтмоқчи бўлди-ю, фақат ўртоғининг сеҳрли таёкчасидан янги ва янги қирмизи пуфакчалар чиқаётгани боис, ҳозир у ўз хаёлини бошқа муаммога жалб эта олмаслигини тушуниб, индамай қўя қолди.

\*\*\*

Шу окшом Гарри ҳаммадан олдин ётоқхонасига кириб кетди. Бунга қисман «Бақалар тортидай кўзлари яшил»ни тинмай хиргойи қилиб, Гаррини холи-жонига қўймаган Фред билан Жорж сабабчи бўлган бўлса, иккинчидан, у, гарчи Рон ханузгача ушбу ишни бехуда вақт сарфлаш деб таъкидлаётган бўлса ҳам, кундаликни яна бир бор диққат билан ўрганиб чиқишга аҳд қилди.

Гарри каравотига ўтириб, бўш саҳифаларни варақлаб чиқди. Уларнинг бирортасида ҳам сиёҳ доғи кўринмади. Шунда у, жавончадан бошқа сиёҳдонини чиқариб, пат-қаламини ботирди-да, биринчи саҳифага атайин сиёҳ томизиб, доғ қилди.

Бир неча сония ярқираб турган доғ бирдан ғойиб бўлди. Хаяжонланиб кетган Гарри пат-қаламини яна сиёҳдонга ботириб:

- «Менинг исмим Гарри Поттер», - деб ёзди.

Ушбу сўзлар ҳам бир неча сония ярқираб турди-да, кўздан ғойиб бўлиб, ниҳоят мўъжиза рўй берди. Саҳифада Гарри ишлатаётган сиёҳ билан ёзилган, лекин Гаррининг ўзи

ёзмаётган сўзлар бирин-кетин кўринди:

- «Салом, Гарри Поттер. Менинг исми Том Реддль. Кундалигимни қандай топиб олдинг?»».

Бу сўзлар ҳам яркираб туриб, Гарри жавоб ёзишга киришиши билан ғойиб бўлди.

- «Уни кимдир унитазга ташлаб юборишга уринибди», - жавоб ёзди Гарри.

У сабрсизлик билан кундалиқда жавоб сўзлари пайдо бўлишини кутди.

- «Хайриятки, ўз ёзувларимни сиёҳга нисбатан кўпга чидайдиган тарзда битган эканман. Ушбу кундалиқ мазмуни ҳаммага маълум бўлишини хоҳламаган одамлар топилиши мумкин эканлигига ҳеч қачон шубҳа қилмаган эдим».

- «Нимани назарда тутяпсан?» - ёзиб сўради Гарри.

- «Кундалиқда даҳшатли воқеалар ҳақидаги хотиралар борлигини назарда тутмоқдаман. «Хогварц» сехргарлик ва афсунгарлик санъати мактабида рўй берган ўша мудҳиш ҳодисалар сир тутулиб, сукут сақланади».

- «Мен айнан ўша ерда ўтирибман», - зудлик билан жавоб ёзди Гарри, - «Мен «Хогварц»даман ва бу ерда яна даҳшатли ҳодисалар рўй бермоқда. Махфий хона ҳақида бирор-бир маълумот бера оласанми?»

Боланинг юраги гумбур-гумбур ура бошлади. Реддль ўз жавобини узоқ чўзмади. Дастхат нисбатан тартибсизроқ чиқиб, гўё ўзига маълум маълумотлар билан тез ўртоқлашишга шошилаётган кўринди.

- «Махфий хонадан хабарим бор, албатта. Мен ўқиган даврларда Махфий хона ҳақидаги гапларнинг бари уйдирма саналиб, унинг борлиги тан олинмаган. Бироқ бу ёлгон. Бешинчи синфда ўқиб юрган кезларимда Махфий хона очилиб, унда яширинган махлуқ бир неча ўқувчиларга ҳамла қилган ва ахири улардан бирини ҳалок қилган. Мен Махфий хонани очган кишини тутиб бердим. Табиийки, у мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлатилди. Бироқ мактаб директори профессор Динпет «Хогварц»да бундай бахтсиз ҳодиса юз берганидан андиша қилиб, ҳақиқатни гапиришни менга буткул ман этди. Қизалоқ мавҳум бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлди деган гап тарқатилди. Кўрсатган хизматларим учун эса чиройли, номим ёзилган махсус соврин билан тақдирландим. Аммо мен бундай мудҳиш воқеалар боз такрорланиши мумкинлигини билардим. Негаки, махлуқ тирик қолди. Уни озодликка чиқариб юбориши мумкин бўлган киши эса қамалмади».

Гарри жавоб ёзишга шошилиб, сиёҳдонни тўнтариб юборишга сал қолди.

- «Айнан сен баён этган ҳодисалар бугунги кунда рўй бермоқда. Уч маротаба тажовуз уюштирилди. Бироқ буларнинг бари кимнинг қўли эканлиги ҳанузгача номаълум. Сени даврингда ким тажовуз қилган?»

- «Истасанг, кўрсатаман», - жавоб ёзди кундалиқ, - «Сўзларимга бовар қилиш билангина чекланмайсан. Сени хотираларимга ўзим етаклаб кирман. Жиноятчини қўлга олганимни ўз кўзинг билан кўришинг, ўша тунда юз берган ҳодисалар шоҳиди бўлишинг мумкин.»

Гарри иккиланиб, пат-қаламини хавода тўхтатди. Реддль бу билан нима демокчи?

Кимнидир кимнингдир хотирасига етаклаб кирса бўладими? У ухлаш хонасининг эшиги томон чўчиб қараб қўйди. Қош қорая бошлаган. Нигоҳини кундалиқ саҳифасига қаратиб, унда янги ёзув шаклланаётганини кўрди.

- «Кўрсатишга ижозат бер.»

Гарри бир неча сония ўйлаб турди-да, атиги иккита ҳарф ёзди:

- «ОК.»

Шу пайт кундалиқ саҳифалари худди шамол эсгандай ўзидан ўзи варақланиб, июнь ойида тўхтади. Гарри «13 июнь» санаси ёзилган кичкинагина квадрат митти телевизион экранга айланиб қолаётганини оғзи ланг очилиб қараб турди. Қўли титрай бошлаган бола кундалиқни кўзига яқин келтириб, юзини кичкинагина туйнукка деярли такаб олди. Бир вақт тобора катталаниб бораётган экран ҳеч нарсани идрок этмаган боланинг танасини ўз гирдобига торта бошлади. Гарри каравотни тарк этаётгани, ёркин ранг ва кўланкалар уюрмасида боши ила олдинга қараган тарзда учиб, саҳифадаги туйнукка кириб кетаётганини ҳис этди.

Нихоят у ерга кўнганини англаб, титраб оёққа турди. Атрофдаги хира кўланкалар эса, аниқ ифодаланиб, ўз қиёфасини касб этди.

Қаерга келиб қолганини Гарри дархол тушуниб етди. Деворларга, ўз креслоларида мизғиб ўтиришган собиқ директорларнинг расмлари осиб қўйилган доира шаклидаги хона. Ахир бу профессор Дамблдорнинг хонаси-ку! Фақат стол ортида Дамблдор эмас балки, аллақандай ажин босган, бир жуфт оқарган соч тукини хисобга олмаганда боши тоз сеҳргар-чол шам ёруғида хат ўкиб ўтирибди. Гарри бу кишини муқаддам кўрмаган.

- Мени маъзур кўринг, - ғудуллади Гарри, - Ҳузурингизга бу тарзда ёпирилиб кирмоқчи эмас эдим...

Бироқ қовоғини уйиб олган сеҳргар кўзини хатдан узмай, мутолаа қилишни давом этмоқда. Гарри чолга яқинлашиб, дудукланганча:

- Эээ... Мен борай бўлмаса, майлими? - деб ижозат сўради.

Болага эътибор ҳам қаратмаган қария пинагини бузмай ўтирибди. У Гаррининг сўзларини эшитмади чамаси. Чолнинг қулоғи оғирроқ шекилли, ўйлади Гарри ва овозини баландроқ кўтариб:

- Сизга халал берганим учун узр, мен кетяпман, - деди.

Хўрсиниб қўйган қария мактубни ўраб қўйди-да, ўрnidан туриб, бола томон қиё ҳам бокмай, пардани тортиб қўйиш учун дераза ёнига борди.

Деразадан кўринган кунботар осмон лаъл рангини касб этган. Қария стол ёнига қайтиб, ўз курсисига ўтирди-да, кўлларини чирмаштириб олганча, кириш эшигидан кўзини узмай бош бармоғини айлантира бошлади.

Гарри атрофга қараб чиқди. Янгус ҳам, буг чиқариб айланадиган турли-туман кумуш асбоблар ҳам хонада йўқ. Бола Реддль замонидаги «Хогварц»га келиб қолганини тушуниб етди. Бу, ўз навбатида, ушбу нотаниш сеҳргар-чол ўша давр директори, Гарри эса, ўтмишдаги одамлар кўзига мутлақо кўринмайдиган, овози эшитилмайдиган хаёлот эканлигини англади.

Эшик тақиллади.

- Кириш, - деди чол, кексаларга хос титроқ овоз билан.

Хонага бошидаги чўққидор шляпасини ечаётган, кўкрагида синфбоши кўкрак нишони ялтираётган, Гарридан новчароқ, қора сочли, ёши ўн олтига етган йигит кириб келди.

- Ҳа, сен-ми, Реддль, - деди директор.

- Мени йўқлаган экансиз, профессор Диппет? - сўради хаяжонли кўринган Реддль.

- Ўтир, - деди Диппет, - Менга йўллаган мактубингни эндигина ўкиб чиққан эдим.

- О, - жавоб қайтарди курсига ўтириб, қафтларини маҳкам чалиштириб олган Реддль.

- Қадрдоним, - хайрихоҳ оҳангда гап бошлади Диппет, - Сенга ёз бўйи мактабда қолишга ижозат бера олмайман. Ахир ўзинг ҳам таътил ўтказиш учун уйингга бормоқчисан, шундай эмасми?

- Йўқ, - ўйланиб ҳам ўтирмай жавоб қайтарди Реддль, - Ўша... ўша... ерга қайтгандан кўра «Хогварц»да қолишни афзал деб биламан.

- Бишимча сен, ҳар йилги ёзги таътилни мағлларнинг болалар уйида ўтказасан, шундайми? - сўради Диппет қизиксиниб.

- Ҳа, сэр, - жавоб берди Реддль қизариб.

- Мағллар оиласида туғилган афсунгармисан?

- Чала зот сеҳргарман, сэр. Отам мағл, онам эса афсунгар бўлган.

- Ота-онанг иккаласи ҳам?...

- Онам кўзи ёрилгач, вафот этган. Болалар уйида айтиб беришларига қараганда, у менга отам шарафига Том ва бобом шарафига Мерволон исмини беришга улгурган холос.

Диппет ачинганини кўрсатиб тили билан чиқиллаб қўйди.

- Тушуняпсан-ми, Том. Истисно тариқасида сенга ижозат беришимиз мумкин эди-ю, бироқ юзага келган вазиятни инобатга олган ҳолда...

- Сиз мактабда рўй берган тажовузларни назарда тутяпсиз-ми, сэр? - сўради Реддль.

Гаррининг юраги орқага тортиб кетди. У, бирон-бир сўзни ўтказиб юбормаслик учун янада

яқинроқ борди.

- Жуда тўғри, - деди директор, - Кадрдоним, ҳамма нарсани ўзинг фахмлаб турибсан. Семестр ниҳоясига етган бўлса-ю, сенга мактабда қолишга ижозат берсам кети ўйланмай қилинган иш бўлади. Айниқса, яқинда бўлиб ўтган фожиани инобатга оладиган бўлсак... Бахтсиз қизалоқнинг ҳалокати... Фикримча, бугунги кунда сен яшаган ўша болалар уйи энг хавфсиз жой бўлса керак. Сеҳргарлик вазирлигида ҳам мактабимизни ёпиш тўғрисида ҳар хил гап-сўзлар юрибди. Ахир биз жумбоқнинг ечимини... ммм... бу кўнгилсиз ишларда кимнинг қўли борлигини ханузгача топганимиз йўқ-ку...

Реддлнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди.

- Сэр, агар жиноятчи қўлга олинса-чи? Агар тажовузларга барҳам берилса-чи?...

- Фикрингни тушунмадим. Бу билан нима демоқчисан? - сўради Диппет, саросима оҳангида, - Тажовузлар ҳақидаги бирон-бир гапдан хабардормисан, Реддль?

- Йўқ, сэр, - шошиб-пишиб жавоб қайтарди йигит.

Гарри ушбу жавоб оҳангини яқиндагина мактаб директори хонасида Дамблдорнинг ўхшаш саволига қайтарган «Йўқ, профессор» оҳангига ўхшатди.

Диппет ҳафсаласи пир бўлиб, ўзини суянчикка тортди.

- Бўлди, боравер, Том...

Реддль курсидан сирпаниб тушиб, сал букчайганча, хонани тарк этди. Гарри унинг кетидан эргашди.

Улар тош эскалаторда пастга тушиб, деворга яқин турган аждар тусли тош илон ёнидан, деярли қоронғилашиб қолган йўлакка чиқишди. Реддль ковоғини уйиб, лабини тишлаб олганча, нималардир ҳақида зўр бериб ўйлаётганини Гарри кузатиб турди.

Бирдан аллақандай қарорга келган Реддль тез одимлаб кетди. Унинг кетидан эргашиб бораётган Гаррининг қадам товушлари эшитилмайди. Вестибюлга етиб боришгунга қадар уларга ҳеч ким рўбару келмади. Вестибюлга етишгач, мрамор зинада турган новча бўйли, кизғиш-қўнғир тусли сочи ва узун соқоли тўзиб кетган аллақандай сеҳргар Реддлнинг отини айтиб чақирди.

- Қош қорайганда нима қилиб юрибсан бу ерда, Том?

Гарри ушбу сеҳргарга хайрат ила қараб қолди. Унинг қаршисида эллик йил олдинги Дамблдор турибди.

- Мен директор ҳузурига кириб чиқдим, сэр, - жавоб қайтарди Реддль.

- Хўш, ундай бўлса, тез хонанга бориб, ёт, - деди Дамблдор, Реддлга рентген нурлари каби нигоҳ ташлаб, - Айни кунларда қоронғи йўлақларда ёлғиз юрмаган маъкул, токи... У чуқур хўрсиниб қўйди-да, Реддлга хайрли тун тилаб, нари кетди. Реддль Дамблдорни кўздан ғойиб бўлгунга қадар кузатиб турди-да, шиддат билан ер ости йўлларига кириш эшиги томон йўл олди. Қизиксиниб қолган Гарри унинг кетидан қолишмай, изма-из қувиб бораверди.

Бирок Гаррининг ҳафсаласини пир қилган Реддль, аллақандай яширин ўтиш жойи ёки махфий туннелга эмас балки, сеҳрли дамламалар тайёрлаш машғулотлари ўтказиладиган ертўлалар томон йўл олди. Бу ердаги девор машъалалари ўчган. Гарри, ташқарига олиб чиқадиغان эшикни очиб, йўлакни диққат билан кузатганча тек турган Реддлнинг танҳо ўзини кўриб турди холос.

Гаррининг тахминига кўра, Реддль иккаласи шу ҳолатда кам деганда бир соат туришди. Ўз кузатувини бирор дақиқага бўлсин тўхтатмаган Реддлнинг хайкалдай қотган танаси Гарри кўрган ягона ҳодиса бўлди. Бирор-бир вазият юзага келишига умид қилмай қўйган Гарри ортга, ўз замонига қайтмоқчи бўлиб турган фурсатда эшик ортида аллақандай ҳаракат эшитилиб қолди.

Йўлақда кимдир писиб юрибди. У ким бўлмасин, Реддль билан Гарри бекиниб олган ертўла ёнидан ўтиб кетди. Реддль ўз жойидан кўзгалди-да, оёқ учида юриб, худди кўланка каби кўзга кўринмаган кишини таъкиб қила кетди. Қадамларининг товуши эшитилмас эканлигини унутган Гарри ҳам худди шундай иш тутиб, иккаласининг изидан эргашди. Қарийб беш дақиқа давомида икковлон номаълум киши ортидан юришди. Реддль



кутилмаганда тўхтаб, бошини узатганча, олдинда эшитилган янги товушларга кулоқ тутди. Очилаётган эшикнинг ғирчиллаган товуши янгради. Гарри кимнингдир хирилдок ва ниҳоятда таниш овоз билан пичирлаб:

- Қани болалар... бу ёққа келинглар... бу ёққа... яшикчага... ха мана шундай... - деган сўзларини эшитди.

Бурчак ортида бикиниб турган Реддль дафъатан номаълум киши ёнига сакраб чиқди.

Гарри ҳам унинг ортидан чикиб, қадди-комати мисли кўрилмаган даражада йирик, қўлида яшик ушлаб олганча, очилган эшик ёнида эгилиб турган йигитни кўрди.

- Салом, Рубеус, - узук оҳангда саломлашган бўлди Реддль.

Йигит бир ирғиб эшикни ёпди.

- Сенга нима керак бу ерда, Том?

Реддль яқинроқ борди.

- Ўйин тугади, - деди у, - Сени мактаб раҳбариятига ушлаб бермоқчиман, Рубеус.

Тажовузлар барҳам топмас экан «Хогварц» ёпилади. Вазирликдагилар шундай қарор қилишибди.

- Нималар деяпсан...

- Шахсан ўзинг кимнидир ўлдирмоқ ниятини кўзлаганинга ишонмайман, албатта. Бирок махлукларни қўлга ўргатилган ҳайвонлар сифатида тарбиялаш мумкинлигига шубҳа билан қарайман. Назаримда сен оёқ чигилини ёзиб келиши учун улардан бирортасини қўйиб юборгансан. Натижада...

- Улар ҳеч кимнинг жонига қасд қилишмаган! - кичкирди танаси билан эшикни тўсиб олган давангир.

У бекитиб турган эшик ортида ёғоч тимдаланаётгани ва қандайдир ғалати шитирлаган товушлар эшитилди.

- Бас қил, Рубеус, - деди Реддль йигитга яқинроқ бориб, - Эртага халок бўлган кизалокнинг ота-онаси келади. Унинг жонига қасд қилган махлукни йўқ қилиш мактаб томонидан кўрилган арзимас чора саналади...

- Қотилликни у қилмаган! - ваҳима ила кичкирди йигит, - У қилмаган! У ҳаётда бундай иш қилмайди!...

Унинг кичкириғи деворлардан акс-садо бўлиб қайтди.

- Нарини тур, - буюрди Реддль, таёқчасини қўлига олиб.

Йўлак Реддлнинг ўкиган афсунидан кутилмаганда ёришиб кетди. Йигит ортидаги эшик шу қадар кучли очилиб кетдики, давангир қарши девор томон учиб тушди. Эшик ўрнида пайдо бўлган махлукни кўрган Гарри қичқириб юборди. Табиийки, унинг дод-войини ҳеч ким эшитмади.

Бир-бирига чигаллашиб кетган коп-қора оёқлар устида паст осилиб турган ниҳоятда йирик тана, саккизта кўз ва бир жуфт тиғдай ўткир чангал даҳшат солиб турибди. Реддль ўз таёқчасини боз кўтарди-ю, кеч бўлди. Махлук уни ерга кулатиб, йўлак бўйлаб югурганча, кўздан ғойиб бўлди. Реддль базўр оёққа турганча, махлукни қидириб атрофга аланглади. У энди таёқчасини силтамоқчи бўлган эдики, давангир таёқчани тортиб олиб, «ЙЎЎЎЎЎЎ!» деб кичкирганча, Реддлни полга туртиб юборди.

Бирдан атрофдаги ҳамма нарса айлана бошлаб, ҳеч нарса кўриб бўлмайдиган тимкоронғилик тушди. Гарри қаёққадир йиқилаётганини хис этди ва оёқ-қўли ҳар томон узала тушганча, «Гриффиндор» ётоқхонасидаги каравотига кулади. Реддлнинг кундалиги эса унинг қорнига келиб тушди.

У ҳали нафасини ростлашга улгурмай, эшик очиб кириб келган Роннинг овози эшитилди.

- Сен бу ёқда экансан-да.

Гарри ўрнидан туриб, ўтириб олди.

- Хагрид, Рон. Элик йил муқаддам Махфий хонанинг эшигини Хагрид очган экан.

Гарри, Рон ва Гермиона Хагриднинг ягона бир гуноҳи, у ҳам бўлса, ниҳоятда йирик ва ўта хавфли ҳайвонларга носоғлом меҳр қўйганидан хабардор, албатта. Ўтган йили Хагрид ўзининг ёғоч кулбасида аждар боқишга урингани ёки унинг Момиквой лақабли уч каллали баҳайбат итини ёдга олишнинг ўзи кифоя. Хагриднинг табиатидаги бундай шахсий сифатлар ёшлик йилларида ҳам бўлганлиги, қасрда аллақандай сирли ҳайвон борлигини эшитиб, уни лоақал бир маротаба бўлса ҳам кўришга урингани ва бунинг учун ҳар нарсага тайёр бўлганига шубҳа қилмаса бўлаверади. Хагриддан ўша зиндонбанд махлукка шафқат қилганлиги, сонсиз оёқларининг чигилини ёзиб олиши учун имкон яратишини кутиш мумкин. Гарри баҳайбат махлукка бўйинбоғ боғлаб етаклаб юрган ўн уч ёшли Хагридни кўз олдига келтириб кўрди. Бироқ Хагрид кимнингдир жонига қасд қилиш мақсадида бирон-бир тарзда иш тутишни ўн уч ёшида ҳам, ҳозир ҳам ҳаёлига келтирмаслиги аён. Гаррининг бунга ишончи комил.

Реддлнинг кундалиги билан мулоқот қилиш усулини топганига Гарри афсус қила бошлади. Рон билан Гермиона иккаласи Гарридан Реддлнинг хотирасида кўрган нарсаларини такрор ва такрор айтиб беришни сўраб, жонига тегишди. Битта ҳикояни ҳар куни қайта бошдан гапириб бериш ва охири кўринмайдиган муҳокамаларни эшитиб ўтириш Гаррининг кўнглини айнитиб юборди.

- Реддль адашган бўлиши, умуман айтганда, одамларга мутлақо бошқа махлук тажовуз қилган бўлиши мумкин, - деди Гермиона.

- Фикрингча, «Хогварц»да махлуқлар боғи борми? - сўради зерикиб кетган Рон.

- Хагриднинг мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлаштирилганлигидан хабаримиз бор, - деди Гарри, ачинарли оҳанг билан, - Уни ўқишдан ҳайдаб юборишгач, тажовузлар барҳам топган. Акс ҳолда Реддль тақдирланмаган бўлар эди.

Рон мавзунни алмаштиришга уриниб кўрди.

- Реддль чиндан ҳам нимаси биландир Персига ўхшаб кетар экан... Ким уни Хагриднинг устидан чақимчилик қилишга мажбур қилибди?

- Ахир махлук одам ўлдирган-ку, Рон, - эслатиб қўйди Гермиона.

- Реддль эса магларнинг болалар уйига қайтиши керак бўлган, - қўшимча қилди Гарри, - Шахсан мен унинг мактабда қолишга интилиш сабабини жуда яхши тушуниб турибман...

- Гарри, эсингдами, Хагрид билан Дигар хиёбонда учрашиб қолган эдинг?

- Этхўр шилликқуртларга қарши қўлланиладиган восита ахтариб кирган эди! - хитоб қилиб юборди Гарри.

Учаласи жим бўлиб қолди. Узоқ танаффусдан сўнг Гермиона ҳаммани ташвишга солган нозик савол берди:

- Балки, бу ҳақда Хагриднинг ўзидан сўраб билармиз, нима дейсиз?

- Ҳа, унинг кулбасига дилкаш ташриф буюрамиз-да, - одатдагидай гап билан чақа бошлади Рон, - Салом Хагрид, марҳамат қилиб айт-чи, сен қачонлардир қутуриб кетган пахмоқ ҳайвонни озодликка ва иттифоқо мактаб ҳудудига чиқариб юборганинг йўқми? деб сўраймиз.

Охир-пировардида, агар бошқа тажовуз юз бермаса, Хагридга ҳеч нима айтмаслик ва ҳеч нима сўрамасликка қарор қилинди. Кунлар кетидан тинч кунлар ўтиб, эгаси йўқ овоз эшитилмай қолгани учун ҳам болалар мактаб қоровулидан нима учун ўқишдан четлатилганини сўрашга эҳтиёж бўлмаслигига умид боғлашди. Жастин билан Деярли Бошсиз Ник Донг қотиб қолишган кундан эътиборан деярли тўрт ой ўтди. Ҳамла қилган кас, у ким бўлишидан қатъи назар абадий кетган деган умумий фикр шакллана бошлади. Дрюзгга ҳам «Эҳ, Поттер-кирноттер, нималар қилдинг» қўшиғи жонига теккан кўринади. Хуффлпуффлик ўқувчи Эрни Макмиллан эса гербология фани дарсида Гарридан, хушмуомалалик билан, ирғивчи замбуруғлар тўлдирилган челақни узатиб юборишни илтимос қилди. Март ойи кунларидан бирида учинчи иссиқхонада етиштирилаётган мандрагоралар шовкин-сурон солиб, чапанича окшом уюштиришганидан профессор Сарсабил хоним ўзида йўқ бахтиёр.

- Улар бир-бирининг тувагига меҳмонга қира бошлашса, демак вояга етишган бўлади, -

хурсанд бўлиб маълум қилди у Гаррига, - Ана шунда биз, бечора жабрланганларга ёрдам кўрсата олишимиз мумкин.

Пасха таътилида иккинчи синф ўқувчилари мулоҳаза юритишлари учун янги мавзу топилди. Учинчи синфда ўзлаштириладиган фанларни танлаш вақти етибди. Аксарият ўқувчилардан фаркли ўларок, Гермiona, ушбу масалага ниҳоятда жиддий ёндашди.

- Бу масала бизнинг келгуси ҳаётимизга ўз таъсирини кўрсатади! - баёнот қилди у, жамики фанлар рўйхатини ўрганиб, қаршисига белги қўяётган Гарри билан Ронга.

- Ягона орзуим, сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанини ўқимаслик, - деди Гарри.

- Афсуски мумкин эмас-да, - деди Рон, маъюс оҳангда, - Муқаддам ўқитилган барча фанлар ўзлаштиришда давом эттирилиши шарт. Мен ҳам ёвузлик кучидан ҳимоя фанидан жон деб воз кечган бўлар эдим.

- Ахир бу ниҳоятда муҳим фан-ку!

- Фақат Чаруальдга ўхшаган ўқитувчи ўқитганда эмас, - деди Рон, - Шахсан менга у, қафасга қамалган эльфчаларни қандай қилиб чиқариб юборишни ўргата олди холос.

Невилль Лонгботтом ўз қариндошларидан кўплаб мактублар олди. Ҳар бир қариндош фан танлаш борасида ўзи билганча маслаҳатлар берди. Фикр-мулоҳазалари тамоман чалкашиб, ташвишга тушиб қолган Невилль тилини осилтириб олганча, рўйхатни такрор ва такрор ўрганиб чиқиб, атрофдаги одамлардан арифмантика қийинроқ-ми ёки қадимий руналарни ўрганиш фани қийинроқ-ми, сўраб юрди (**Руналар – кўпинча қадимги скандинав халқларига оид ёзувлар**). Гарри каби маглар орасида ўсган Дин Томас эса ушбу масалани соддарок, маглча усул кўллаб, ҳал қилди. У кўзини шартта юмди-да, сеҳрли таёқчасининг учини фанлар рўйхатига навбат билан тақаб чиқди. Натижада, таёқча учи қайси фанларни кўрсатган бўлса, ўша фанларга ёзилиб қўйди. Гермiona ҳеч кимдан маслаҳат сўраб ўтирмади. У рўйхатда кўрсатилган барча фанларга ёзилди-қўйди.

Сеҳргарлик соҳасидаги келгуси фаолияти борасида Вернон амакиси билан Петунья холасидан маслаҳат сўраётганини ўзига тасаввур қилиб кўрган Гарри роса қулди. Аммо, мактабда Гаррининг насиҳатгўйлари йўқ деб ҳам бўлмайти, зеро Перси Уэсли мамнуният ила ўз фикри ва тажрибаси билан ўртоқлашди.

- Энг асосийси, Гарри, - бошлади у, - Истикболда нима билан шуғулланмоқчи эканлигингни узил-кесил ҳал этмоғинг даркор. Келажак ҳақида фикр юритишнинг эртаси бўлмайти. Шу боис ҳам сенга башорат фанини тавсия этган бўлардим. Бундан ташқари, маглунослик фани тўғрисида нотўғри фикрлар шаклланган. Эмишки, бу фан ғирт аҳмоқлар учун ўйлаб топилган. Бироқ бу масалада мен ўзгача фикрдаман. Модомики, маглар билан бевосита алоқада ишламоқчи экансан, сеҳргар бўлмаганлар дунёси ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишинг шарт. Бу масалада дадамни мисол тариқасида келтиришим мумкин. Энди акам Чарлини олайлик. У бир умр табиат қўйнида юришни ёқтириб келган. Шу боис ҳам у, сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш фанини танлаган. Киши ўзининг кучли томонларини билиши ва уларни ҳаётда моҳирона кўллаш олиши лозим, Гарри. Лекин Гарри квидишдан бошқа соҳаларда ўзини кучли деб билмади. Охир-пировардида ўртоғи Рон қайси фанларни танлаган бўлса, у ҳам шу фанларга ёзилиб қўйди. Бу масалада у қуйидагича фикр юритди: мабодо танланган фанлар бўйича батамом истеъдодсиз эканлигим намоён бўлса, ҳар қалай ёнимда ёрдам қўлини узатадиган одам бўлади. Навбатдаги ўйинда «Гриффиндор» жамоаси «Хуффльпуфф» жамоасига қарши ўйнаши керак. ДреҲар қуни кечки овқатдан сўнг машқ қилиш шарт деб туриб олди. Оқибатда Гаррининг квидиш билан уй вазифаларидан ташқари бошқа ишга вақти етмай қолди. Хайриятки машқлар намгарчиликларсиз ва у қадар қийин кечмади. Шу боис ҳам Гарри, шанба кунги ўйин арафасида, «Гриффиндор» жамоасининг мактаб кубогини қўлга киритиш имкониятлари ниҳоятда катта эканлигидан завқланганча, супургисини қўйиб қўйиш учун ётоқхона томон йўл олди.

Аммо кўтаринки қайфият узокка бормади. Ётоқхонага олиб чиқадиган айланма зинапоя устида руҳий тушқунлик ҳолатига яқин қолган Невиллга рўбару бўлди.

- Гарри... буни ким қилганини билмайман... мен эндигина кириб келдим...

Гаррига даҳшат ила қараб турган Невилль ётоқхона эшигини катта очди. Хонада Гаррининг нарсалари ёйилиб ётибди. Ридоси йиртилган, каравотининг чойшаблари суғуриб олинган, жавонининг тортмалари чиқарилган, ичидаги нарсалари эса каравот матраси устига улоктирилган.

Оғзи ланг очилиб қолган Гарри «Троллар билан саёҳат» китобининг узиб ташланган саҳифаларини босганча, каравотига яқинлашди. Невилль каравот чойшабини ёзишга ёрдамлашиб юборди. Сал ўтиб хонага Рон, Дин ва Симус кириб келишди. Дин чангитиб сўкиниб олгач:

- Нарсаларингни ким сочиб ташлаши мумкин, а, Гарри? - деб сўради.

- Тасаввур ҳам қила олмайман, - жавоб қайтарди хафа бўлган бола.

Рон атрофга улоктириб ташланган кийимларни кўздан кечириб чиқиб, чўнтакларнинг ҳаммаси тескари ағдарилганлигига эътибор қаратди.

- Кимдир нимадир қидирибди, - хулоса чиқарди Рон, - Қара-чи, ниманг йўқолибди?

Гарри нарсаларини йиғиб, сандигига жойлай бошлади. Чаруальднинг китобларини жойлаб бўлгандагина нима йўқолганини фаҳмлади.

- Реддлнинг кундалиги йўқ!

- Нима?!

Гарри эшик томон имо қилгач, Рон иккаласи ташқарига чиқди. Улар зудлик билан пастга тушиб, умумий меҳмонхонада «Соддалаштирилган қадимий руналар» китобини ўқиб ўтирган Гермионанинг ёнига келишди.

Янгиликни эшитган Гермиона ваҳимага тушиб қолди.

- Ахир... бегона киши меҳмонхонага кириш паролени билмайди, фақат гриффиндорчилардан бирортаси ўғирлаши мумкин холос...

- Тўппа-тўғри, - тасдиқлади Гарри.

Эртасига эрталаб уйғонган болалар қуёш кўзни қамаштириб юборадиган даражада ярақлаётгани-ю, кучлигина шабада эсаётганини кўришди.

- Айнан қвидиш ўйнайдиган ҳаво бўлибди-да! - қувонч-ла эълон қилди Дрив, жамоа аъзоларининг ликопларига тухум қуймоқ тўлдириб, - Қани Гарри, ликопингни узат-чи, сен яхшилаб тўйиб олишинг керак.

Реддль кундалигининг янги соҳибини фош этиш мақсадида, Гарри, дастурхон атрофида ўтирган коллеждошларга диққат билан разм солиб чиқди. Гермиона ўғирлик ҳақида хабар бериш кераклигини маслаҳат қилди. Аммо Гаррига бу фикр ёқмади. Негаки, ўғирлик ҳақида хабар берадиган бўлса, кундалик ҳақида ҳам ўқитувчиларга батафсил маълумот беришига тўғри келади. Хагрид ўқишдан четлаштирилганлигининг асл сабабини улардан неча нафари билиши номаълум-ку. Ўша қайғули воқеалар боз муҳокама этилишини Гарри истамади.

Ётоқхонадаги қвидиш кийимини олиш учун дўстлари билан биргалиқда Катта Залдан чиққан Гаррининг ташвишларига яна бир жиддий ташвиш қўшилди. Мармар зинапояннинг илк поғонасига оёқ қўйиши билан қулоғига эгаси йўқ овоз эшитилди:

- ... олдимга кел... санчиб олай... бу сафар ўлдиришга имкон бер...

Гарри кичқириб юборди. Чўчиб кетган Рон билан Гермиона нари сапчиб тушишди.

- Яна ўша овоз! - бақирди Гарри, елкаси узра ортга қараб, - Ҳозиргина эшитдим... Сизлар-чи?

Кўзлари юмалоқ бўлиб кетган Рон бош чайқади. Гермиона эса кафтларини бошига қўйиб:

- Гарри, назаримда тушунгандай бўлдим! Мен ҳозирок кутубхонага боришим керак! - деди-да, зина бўйлаб юқорига югуриб кетди.

Овоз қаердан эшитилиши мумкинлигини ойдинлаштириш учун паришонхотирлик билан атрофга қараб чиққан Гарри:

- Яна нимани тушунди экан у? - сўради Рондан.

- Нимани тушунганини билмадим-у, мендан кўра кўпроқ нарсаларни англашини аниқ биламан, - жавоб қайтарди Рон, бош чайқашини давом эттириб.

Гарри тараддуд билан, эгаси йўқ овоз яна эшитилиб қолишини кутиб турди. Лекин

халойиқ Катта Залдан қий-чув солиб чиқа бошлагани боис энди эшитилмаслиги аниқ бўлди. Ўқувчилар ўйин томоша қилгани ўйингоҳ томон ошиқишди.

- Шошил, - деди Рон, - Соат ўн бир бўлай деб қолди. Ўйин...

Гарри «Гриффиндор» минораси томон югуриб, «Нимбус-2000» ни қўлига олди-да, ҳовли орқали ўйингоҳ томон кетаётган халойиққа қўшилиб кетди-ю, хаёлан ҳамон қаср ичида, эгаси йўқ овоз ёнида қолди. Квидиш кийимини кияр экан, ҳамма ташқарида, қасрда ҳеч ким қолмаганлигини ўйлаб, ўзини овунтирган бўлди.

Иккала жамоа қулоқни битирадиган қарсақлар остида майдонга чиқди. Оливер Древлар чигил ёзиш учун халқалар атрофида гир айланиб ўқиб келди. Роланда Трюк хоним тўпларни саватдан чиқарди. Сап-сарик кийиниб олишган хуффльпуффчилар эса бугунги ўйин тактикасини сўнгги бор муҳокама қилиш учун тўғарак бўлиб олишган.

Қўлига овоз кучайтирадиган бинафша ранг катта карнай ушлаб олганча дам юриб, дам югуриб келган профессор Макгонагалл ўйин майдонида пайдо бўлган пайтда Гарри эндигина супургисини эгарламоқчи бўлиб турган эди.

Унинг юраги нимагадир шув этиб кетди. Карнайни одам тўла намоишгоҳга қаратган профессор Макгонагалл эълон қилди:

- Ўйин қолдирилди!

Атрофда норози хитоблар кўтарилди. Тентак бўлиб қолишига сал қолган Оливер Древлар ерга қўниб, супургидан тушмай профессор Макгонагалл томон югурди.

- Ахир, профессор, - кичқирди у, - Биз ўйнашимиз керак... кубок... «Гриффиндор»...

Профессор Макгонагалл унга эътибор ҳам қаратмай, карнай орқали бақиршини давом этди:

- Барча ўқувчилар ўз коллежларининг умумий меҳмонхонасига зудлик билан етиб боришлари шарт! Ўша ерда ўз мудирларингиздан қўшимча ахборот оласиз! Имкон қадар тез бўлинг, шошилинг!

Шундан сўнг у карнайни тушириб, Гаррини имлади.

- Поттер, сен мен билан юрасан...

Бу сафар нима масалада гумон қилинаётганига тушунмай, қаср томон йўл олган Гарри халойиқ орасидан ажраб чиқаётган Ронни кўриб қолди. Шуниси қизиқки, Роннинг бирга боришига профессор Макгонагалл эътироз билдирмади.

- Ҳа, Уэсли, сен ҳам биз билан юрганинг маъкул...

Уларнинг ёнидан ўтаётган айрим ўқувчилар ўйин бекор қилинганлигидан норози оҳангда вайсаб боришса, баъзилари сукут сақлаб, нимадандир чўчигани билинди. Профессор Макгонагалл кетидан эргашиб, қасрга кириб келган Гарри билан Рон зинапоя бўйлаб юқорига кўтарилар экан, бу сафар бирон-бир ўқитувчининг хизмат хонасига эмас, тўғри касалхона томон боришаётганини фахмлашди.

- Ҳозир сиз кўрадиган ҳолат иккалангиз учун ҳам руҳий ларза бўлиши мумкин, - огоҳлантирди профессор Макгонагалл, кутилмаганда мулойим гапириб, - Яна бир тажовуз... Боз иккиланган жиноят содир этилди.

Гаррининг юраги така-пука бўлиб кетди. Профессор Макгонагалл эшикни очгач, икковлон ичкарига кирди.

Помфри хоним фатила сочлари узун қизалоқ устида энгашиб турибди. Гарри «Равенкло» коллежининг бешинчи синфида таҳсил кўраётган ушбу қизни таниди. Ҳамма қиёфа сиркасини ичиб олиб, «Слизерин»нинг умумий меҳмонхонасига олиб бориладиган йўлни улар айнан шу қиздан сўрашган эди. Унинг ёнидаги каравотда эса...

- Гермiona! - инграб юборди Рон.

Гермиона шишадай бўлиб қолган кўзларини шифтга тикканча, қилт этмай ётибди.

- Иккаласи кутубхона яқинида топилди, - маълум қилди профессор Макгонагалл, - Қизлар ётган полда эса мана бу буюм топилди... Чамаси, сизлар ҳеч қандай тушунтириш бера олмайсиз, шундайми?

Профессор Макгонагалл болаларга кичкинагина, юмалоқ кўзгуни кўрсатди.

Гарри билан Рон изтиробли нигоҳларини Гермionaдан узмай бош чайқади.

- Мен сизларни «Гриффиндор» минорасига кузатиб қўяман, - деди профессор Макгонагалл ғамгин оҳангда, - Коллеж ўқувчиларига етказиладиган эълон бор.

Умумий меҳмонхонани тўлдириб ўтирган гриффиндорчилар профессор Макгонагалл сўзларини сукут саклаб эшитишди.

- Жамики ўқувчилар соат ўн саккиздан кечикмай ўз коллежларининг умумий меҳмонхонасига кириб келишлари шарт. Шундан сўнг, ҳеч ким ҳеч қаёққа чикмайди. Машгулотлар давомида бир синф хонасидан бошқасига бораётганингизда ҳам, ҳаттоки танаффус вақтида ёзилиш жойига борадиган бўлсангиз ҳам ўқитувчилар сизларга ҳамроҳ бўлиб юришади. Квидиш машклари-ю, ўйинлари вақтинча тўхтатилади. Шунингдек, ҳар қандай кечки тадбир ўтказилиши ман этилади.

У эълон матни ёзилган пергаментни ўраб, бўғиқ овоз билан ўз фикрини давом эттирди.

- Мен, бундай ташвишли ҳолатга камдан-кам тушишим ҳақида қўшимча қилишим шарт бўлмаса керак. Ушбу тажовузларни амалга ошираётган жинойтчи қўлга олингунга қадар мактаб ёпилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шундай экан, бу масалада бирон-бир маълумот бера оладиган киши бир қадам олдинга чиқишини ўтиниб сўрайман.

Профессор портрет ортидаги туйнуқдан бир илож қилиб ташқарига чиқиб, кўздан ғойиб бўлиши билан гриффиндорчилар бўлиб ўтган ҳодиса муҳокамасига киришиб кетишди.

- Келинлар, бўлиб ўтган ишларга яқун ясаймиз, - таклиф киритди эгизакларнинг ўртоғи Ли Жордан, - Агар «Гриффиндор» арвоҳини ҳисобга олмасак, икки нафар гриффиндорчи жабрланди. Шундайми? Шундай. Плюс «Равенкло» коллежининг ўқувчи қизи ва «Хуффльпуфф» коллежида ўқиётган болакай, - санай кетди у, бармоқларини буқиб, - Қизик, нима учун слизеринликлар омон юришгани ҳақидаги ҳаёл бирон-бир ўқитувчининг миясига келмаяпти? Ахир барча ёвузликлар айнан «Слизерин» билан боғлиқ эканлиги аён эмасми? Ворис Слизеринники бўлса, махлук ҳам слизеринга қарашли! Жаноблар, - қичқирди у, - Ўша коллежни тугатиш вақти келмадимикан? Барча гриффиндорчилар Ли Жорданнинг фикрини маъқуллаб, бошбошдоқлик билан қарсак ура кетишди.

Ранги оқариб кетган Перси Уэсли бу сафар ўз фикрини баён этишга ошиқмай, Ли ортидаги креслода паришонхотир ўтирибди

\*\*\*

- Перси руҳан ларзага келган, - астагина пичирлади Жорж Гаррининг қулоғига, - «Равенкло» коллежида таҳсил кўраётган ўша қиз Пенелопа Кристаллуотер ҳам Перси каби синфбоши. Назаримда, махлукнинг мактаб синфбошисига тажовуз қилишга журъат этгани акам учун қутилмаган ҳолатдай кўринади.

Лекин Жоржнинг сўзлари Гаррининг қулоғига деярли киргани йўқ. Гермионанинг касалхона каравотида хайкалдай қотиб ётган ҳолати унинг кўз ўнгидан нари кетмаяпти. Бундан ташқари, жинойтчи қўлга олинмас экан, Дурсллар хонадонига қайтишга ва у ерда номаълум вақт бўлишга мажбур бўлади. Маггларнинг болалар уйига қайтишни истамай, Хагрид устидан чақимчилик қилган Том Реддлнинг аҳволини Гарри яхши тушунади.

- Нима қилсак экан? - пичирлади Рон, - Улар Хагриддан гумон қилишаётгани йўқмикан ишқилиб?

- Бориб, суҳбатини олиш керак, - қарор қилди Гарри, - Бу сафар Хагрид айбдор деб ўйламайман, албатта. Модомики, ўтган сафар махлукни қўйиб юборишга муваффақ бўлган экан, демак Махфий хонага кириш йўлини ҳам билади. Бу эса, ҳар қалай йўқдан кўра бор ахборот.

- Лекин Макгонагалл минорани тарк этишни ман этиб қўйди-ку. Фақат машгулотлар вақтидагина...

- Назаримда, дадамнинг плашини ишлатадиган вақт етган кўринади.

Гаррига дадасидан ягона бир буюм: узун кумуш ранг кўринмас плаш мерос қолган. Айнан шу плаш Гарри билан Ронга қасрдан чиқиб, Хагриднинг қулбасига ташриф буюриш

имконини беради. Болалар одатий вақтда ўз ўринларига бориб ётишди. Невилль, Дин ва Симус Махфий хона муҳокамасини бас қилиб, ухлаб қолишини кутишди-да, аста ўринларидан туриб, кийинишди.

Устларига кўринмас плаш ташлаб олишган болаларнинг қоронғи қаср бўйлаб саёхатлари у қадар завқли кечмади. Кўринмас плашини кийиб «Гриффиндор» минорасидан илгари ҳам чиқиб юрган Гарри кечаси сандироқлаб юрган одамларнинг бунчалик кўп сонига ҳали йўлиқмаган. Ўқитувчилар, синфбошилар ва хатто арвохлар ҳам жуфт-жуфт бўлиб, агрофга аланглаганча, қаср йўлакларида навбатчилик ўташмоқда. Кўринмас плаш одамни кўзга кўринмас қилиб қўйгани билан, овозини эшитилмайдиган қилиб қўймайди. Шу боис ҳам Гарри билан Рон бир неча ноқулай фурсатларни бошдан кечириб юришди. Атиги бир неча метр наридаги постда турган профессор Снегг яқинида оёғининг бош бармоғини уриб олган Рон сўкиниб юборди. Хайриятки Снегг ҳам айни шу фурсатда чушкириб, Роннинг овозини эшитмай қолди. Мухтасар қилиб айтганда, ҳеч кимга билдирмай эман эшикка қадар етиб, ташқарига чиқишга муваффақ бўлган болалар ўзларини анча енгил тортишди. Кеча ойдин, юлдузли. Гарри билан Рон деразалари ёритилган кулба томон югуриб, остонага етгандагина, плашни ечишди.

Улар эндигина тақиллатишган эшик ланг очилиб, қўлига арбалет ушлаб олган Хагриднинг ўкига юзма-юз бўлиб қолишди. Ўз соҳибининг ортига яшириниб олган Сўйлоктиш акиллай бошлади.

- Ие, - деди Хагрид, куролини туширганча, хайратдан қотиб, - Нимани унутиб қолдирибсизлар бу ерда?

- Мана бу нима учун керак? - саволга савол билан жавоб қайтарди Гарри, арбалетга имо қилиб.

- Ҳа... буми... ҳеч нарса учун... шунчаки... - ғудуллади Хагрид, - Қани, ичкарига кирингларчи. Мехмон кутяпман... аҳамияти йўқ... ўтиринглар... чой дамлайман...

Хагрид ўз ҳаракатларини идрок этмаётгани яққол кўриниб турибди. Ўчоқдаги оловга сув тўкиб юбориб, ўчириб қўйишига сал қолди. Қўлининг қўпол ҳаракати билан эса стол устидаги чой дамлаш чойнагини йиқитиб юборди.

- Нима қилди сенга, Хагрид? - сўради Гарри, - Гермiona ҳақида эшитдинг-ми?

- Ҳа, хабарим бор, эшитдим, - жавоб берди Хагрид, қалтираган овоз билан.

Эшик томон мунтазам қараб-қараб турган Хагрид кружкаларга чой халтачаларини солишни унутиб, болаларга доғ сув қуйиб берди. Мевали пирогнинг қотиб қолган бўлагини эндигина ликопларга қўймоқчи бўлган эди ҳам-ки, эшик қаттиқ тақиллади. Хагрид қўлидаги пирогни полга тушириб юборди. Гарри билан Рон бир-бирига ваҳимали қараб қўйишди-да, устларига кўринмас плашни ташлаб, кулба бурчагига бикиниб олишди. Болалар кўринмай қолганига ишонч ҳосил қилган Хагрид эшикни очди.

- Салом, Хагрид.

Кулбага жиддий қиёфа касб этган Дамблдор, унинг кетидан эса оқарган сочи хурпайиб кетган, юзи ташвишли кўринган, ташқи қиёфаси қандайдир ғалати киши кириб келди. Нотаниш одам эғнига бир-бирига мос келмаган: йўл-йўл костюм, тўқ қизил бўйинбоғ, узун қора ридо ва тумшуғи ингичка қирмизи этиқдан иборат кийим кийган. Қўлтиғига эса жўка рангли қозон шляпачасини қистириб олган.

- Бу дадамнинг бошлиғи! - пичирлади Рон, - Сехргарлик вазири Корнелиус Фуж!

Гарри, жим бўлиши учун Роннинг бикинига туртиб қўйди.

Хагриднинг ранги оқариб, терга ботди. У ўзини курсига ташлаб, дастлаб Дамблдор, сўнг Корнелиус Фужга қараб қолди.

- Ишлар чаток, Хагрид, - узук-юлуқ гапира бошлади Фуж, - Жуда чаток. Шахсан ўзим етиб келишимга тўғри келди. Маглар оиласида туғилган тўрт нафар афсунгарга тажовуз уюштирилди. Бундай ҳолат давом этишига йўл қўйиб бўлмайди. Сехргарлик вазирлиги тегишли чоралар кўришга мажбур.

- Мен ҳаётда бундай иш қилмаганман, - ғудуллади Хагрид, - Ҳаётда. Сиз биласиз-ку, профессор Дамблдор, сэр. Ҳаётда...

- Сизга маълум бўлсинки, Корнелиус, мен Хагрідга тўла-тўқис ишонаман, - ковоқ солди Дамблдор Фужга юзланиб.

- Қулоқ солинг, Альбус, - гапини давом этди ноқулай аҳволга тушиб қолган Фуж, - Хагріднинг ўтмиши айнан бугунги кунига қарши чиқмоқда. Вазирлик чора кўришга мажбур. Мактабни бошқариш маъмуриятининг аъзоларидан ҳар хил хабарлар келиб тушди...

- Такрор айтаман, Корнелиус. Хагріднинг бартараф этилиши бирор-бир ижобий натижа бермайди, - деди Дамблдор.

Унинг кўзларида Гарри мукаддам кўрмаган олов чарақлаб кетди.

- Ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг, - вайсади Фуж, қўлидаги қозон шляпачасини айлантириб, - Мен кучли тазйиқ остида қолганман. Чора кўраётганимни одамлар кўриши, билиши даркор. Башарти Хагрід айбсиз эканлиги ойдинлашса, у мактабга қайтади ва бу масала қайта кўтарилмайди, вассалом. Бироқ ҳозир мен уни олиб кетишим керак. Шунга мажбурман. Агар ўз хизмат мажбуриятимни бажаришга мажбур бўлмаганимда эди...

- Мени олиб кетиш? - сўради Хагрід, - Қаёққа олиб кетиш?

- Узоқ вақтга эмас, - жавоб қайтарди Фуж, кўзини Хагріддан олиб қочиб, - Бу жазо эмас, Хагрід, эҳтиёт чораси. Агар бошқа биров қўлга олинадиган бўлса, тегишлича узр сўралиб сени қўйиб юборишади...

- Мабодо Азкабанга олиб кетмоқчи эмасмисиз? - хирилдоқ овоз билан сўради Хагрід. Фуж жавоб қайтаришга улгурмай эшик тақиллади. Бу сафар Дамблдор очган эшик остонасида пайдо бўлган одамни кўриб инграб юборган Гарри бикинига еди. Эгнига узун, қора рангли сафар ридосини ташлаб олган мистер Люциус Малфой кулбага ишонч билан кириб келди. Унинг юзида совуқ ва алланимадан қаноатланган кулги ўйнамоқда. Мистер Малфойни кўрган Сўйлоқтиш ангиллаб юборди.

- Етиб келибсан-да, Фуж, - маъқуллаб бош ирғиди мистер Малфой, - Баракалла, баракалла.

- Сенга нима керак бу ерда? - кичқирди ғазоби қайнаган Хагрід, - Йўқол уйимдан!

- Қадрдоним, ишонинг, бу ерда бўлиш менга оз бўлса-да, завқ бағишламайди. Сиз... ммм... уй деб атадингиз-ми бу жойни? - деди кичкина кулбани ижирганиб кўздан кечириб чиққан Люциус Малфой, - Шунчаки, мактабга ташриф буюрган эдим. Директорни шу ерда топишим мумкинлигини айтишди. Мана келдим.

- Хўш, мендан нима истайсиз, Люциус? - сўради кўзидаги олов ҳамон сўнмаган Дамблдор, мулойим оҳангда.

- Мудҳиш хабар, Дамблдор, - эринчоклик билан гапни чўзди Малфой, қўйнидан узун пергамент ўрамини чиқариб, - «Хогварц» сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактабини бошқариш маъмуриятининг барча аъзолари сиз четга чиқадиган вақти етди деб ҳисоблашмоқда. Мана, лавозимдан четлатилганингиз ҳақидаги буйруқ. Маъмуриятнинг жамики ўн икки нафар аъзолари имзо чеккан. Хавф сезиш қобилиятингизни йўқотиб қўйган кўринасиз деб кўрқаман, профессор. Бугунги кунга келиб нечта тажовуз рўй берди? Яна иккита-ми? Ишлар бундай суръатда кечадиган бўлса, «Хогварц»да маглар оиласида туғилган афсунгарлардан бирортаси ҳам қолмайди-ку! Бу эса ўрнини қоплаб бўлмайдиган талафот эканлигини ҳаммамиз тушуниб турибмиз, шундай эмасми?

- Қулоқ солинг, Люциус, - ташвишга тушиб қолди Фуж, - Дамблдорни четлатиш... Йўқ, йўқ. Ахир бу иш бугунги кунда кўриладиган энг сўнгги чора-ку...

- Директорни тайинлаш ёки лавозимдан четлатиш доимо маъмурият ваколатига кириб келган, Фуж, - деди мистер Малфой равон овоз билан, - Модомики, Дамблдор ўша савдойини тўхтата олмас экан...

- Айтинг-чи, Малфой, - деди тепа лаби терлаб кетган Фуж қатъий оҳангда, - Дамблдор тўхтата олмаган савдойини тўхтатиш кимнинг қўлидан келар экан?

- Бу ҳақда биз қайғурамыз, - жирканч кулги ила жавоб қайтарди мистер Малфой, - Ҳозирча маъмуриятнинг жамики ўн икки нафар аъзоси яқдиллик билан...

Шу пайт Хагрід ўрнидан ирғиб туриб, бароқ боши билан шифтдаги ўргимчак уйини супуриб юборди.



- Овоз бериши учун улардан неча нафарига таҳдид солганингни, дўк-пўписа қилиб товланингни ҳам айтиб ўтмайсан-ми, а, Малфой?

- Қадрдоним Хагрид, бундай тийилмайдиган мижозингиз бир кун келиб бошингизни ейди деб кўрқаман, - деди мистер Малфой, пинагини бузмай, - Ҳар қалай, Азкабан қўриқчилари билан ўхшаш оҳангда мулоқот қилишни маслаҳат бермаган бўлар эдим. Бундай эркалингиз уларга мутлақо хуш келмаслиги аниқ.

- Дамблдорга тегиб бўлмайди! - қичкириб берди Хагрид.

Унинг овозидан ўз саватидан чиқмай ётган Сўйлоқтиш баттар ғужанак бўлиб олди.

- Дамблдорни олиб кетсангиз бу мактабда бирон-бир мағлча омон қолиши даргумон! Қотиллик давом этаверади!

- Тинчлан, Хагрид, - буюрди Дамблдор, қатъий оҳангда ва Малфойга юзланиб, - Модомики, маъмурият шундай талаб қўйган экан, Люциус, табиийки, мен четга чиқаман...

- Ам-м-мо... - дудукланди Фуж.

- Йўк! - инграб юборди Хагрид.

Дамблдор ўз нигоҳини Люциус Малфойнинг пўлатдай совуқ кўзларидан узмай ўз фикрини, ҳеч ким ҳеч нарсани ўтказиб юбормаслиги учун шошилмай, дона-дона қилиб баён этди:

- Бироқ мен, ушбу мактабни, ўзимга садоқатли одамлардан бирортаси ҳам қолмагандагина тарк этиб кетаман. Бундан ташқари, ким-ки «Хогварц» даргоҳида ёрдамга муҳтож бўлса, албатта ёрдам топажак.

Дамблдор атайин айнан болалар турган бурчакка яшиндай тез қараб қўйди. Гарри бунга шубҳа қилмади.

- Нақадар таъсирли сўзлар, - кесатди Малфой, бош эгиб, - Келгусида сизнинг ўзига хос иш юритиш услубингиз бизга етишмаслиги муқаррар, Альбус. Издошингиз ҳар қандай, нима эди, ҳа-я, қотилликка барҳам бера олишига умид қилишимиздан бошқа чора йўк. У кулба эшигини очди-да, таъзим қилиб Дамблдорни ташқарига кузатди. Халигача ноқулай ҳолатда, қўлидаги қозон шляпачасини ўйнатаётган Фуж, ўрнидан қилт этмай турган Хагриднинг чиқишини кутди. Давангир чуқур нафас олди-да, имкон қадар пухта баён этиш учун бўшлиққа қарата:

- Агар кимдир ниманидир ойдинлаштириб олмакчи бўлса, ўргимчаклар кетидан бориши керак бўлади. Улар керакли жойга етаклаб боришади! Бор гапим шу. Гап маъносини тушунмаган Фуж Хагридга бақрайиб қолди.

- Бўлди, чиқяпман, - деди Хагрид, эгнига крот пўстинини ташлаб.

Остонага етганда боз тўхтади-да, яна бўшлиққа қараб гапирди:

- Мен қайтиб келганимга қадар кимдир Сўйлоқтишни боқиши керак бўлади. Эшик қарсиллаб ёпилгач, Рон плаш остидан чиқди.

- Зўр аҳволга тушиб қолдик-ку, - хирилдоқ овоз билан кесатди у, - Дамблдор энди йўк. Мактаб ҳам тез орада ёпилади. Мана кўрасан, тажовузлар эртадан давом этаверади. Сўйлоқтиш ангиллаганча, эшик тирнаб қолди.

## **XV БОБ.**

## **АРАГОГ**

Осмон билан қўл бўригул тусига кирадиган, иссиқхонада эса ҳар бири карамнинг бошидай келадиган гуллар очиладиган ёз мавсуми аста секин яқинлашди. Деразадан кўринаётган манзара қанчалик гўзал бўлмасин, ховлида, ўзининг ажралмас кўланкаси Сўйлоқтиш билан турли туман хўжалик ишларини бажариб, дам у ёқ, дам бу ёқ юрадиган Хагридсиз қизиқ туюлмади. Қаср ичида қарор топган вазият ҳам бундай манзарадан қолишмас, Гаррининг ишлари эса ҳеч юришмас эди.

Гарри билан Рон Гермионанинг ҳолидан хабар олиш учун шифохонага келишди, афсуски у ерга ҳеч ким киритилмай қўйилибди.

- Бундан буён таваккал қила олмаймиз, - деди қия очилган эшик ортида турган Помфри хоним қатъий оҳангда, - Жиноятчи палаталарга кириб келиб, мана бу бечораларни нобуд

килишидан кўркамиз, шу боис ҳам маъзур кўрасиз, энди сизларни ҳам ичкарига кирита олмаймиз.

Дамблдор кетиши билан юракларни музлатиб юборадиган даражада қарор топган мухит қасрда истикомат қилаётган одамлар фаолиятини фалажлаб қўйди. Қуёш нурлари гўё мактаб деворларига қадар етиб келади-ю, аллақандай сабабларга кўра ичкарига сингиб киришни истамайди. Мактаб худудида хавотир ёки кўрқувни ҳис этмай юрган бирон-бир чехра кўринмайди. Мабодо кулги овози эшитилиб қолганда ҳам у қандайдир ғайритабиий, киши қалбини ларзага соладиган оҳангда янграб, узокқа чўзилмайди.

Дамблдорнинг сўнги: «Мен, ушбу мактабни, ўзимга садоқатли одамлардан бирортаси ҳам қолмагандагина тарк этиб кетаман. Бундан ташқари, ким-ки «Хогварц» даргоҳида ёрдамга мухтож бўлса, албатта ёрдам топажак» сўзлари Гаррининг қулоғидан ҳеч нари кетмайди. Фақат ушбу сўзлардан ҳозир нима наф? Модомики, ҳамма ўларча кўркиб юрар экан, бу ерда кимдан нажот кутиш мумкин?

Хагриднинг ўргимчаклар ҳақидаги лукмаси тушунарли, аммо гап шундаки, кетидан бориши керак бўлган бирорта ҳам ўргимчак қасрда қолмаган кўринади. Гарри қаерда бўлмасин, ўргимчак кидирар, Рон эса истар-истамас бу масалада ўртоғига ёрдам берар эди. Қаср ичида ҳам, мактаб худудида ҳам мустақил кезиб юра олмаслик, бошқа гриффиндорчиларнинг кўп сонли гуруҳи таркибида юришга мажбур бўлиш болаларга бирорта бўлсин ўргимчак кидириб топишга тўсқинлик қилмоқда. Ўқувчилар ўқитувчилар ҳамроҳлигидан хурсанд, бироқ Гарри бундай ҳолатни ўзига жуда ноқулай деб топди. «Хогварц»да умумий кўрқув ва гумондорлик муҳити қарор топганидан очиқдан-очиқ лаззатланаётган одам ҳам йўқ эмас. Бу, худди энг ибратли ўқувчи сифатида эътироф этилгандай виқор билан юрган Драко Малфой. Унинг нимадан хурсанд эканлигини Гарри ҳеч идрок эта олмаган эди-ю, аммо тасодифий ҳолат, ушбу масалага ойдинлик киритди. Дамблдор ва Хагридни олиб кетишган санадан тахминан икки ҳафта ўтган кунлардан бирида Гарри Малфойнинг сеҳрли дамламалар тайёрлаш дарси давомида Краббе билан Гойлга айтган гапларини, уларнинг ортида ўтириб беихтиёр эшитиб қолди.

- Мактабни Дамблдордан айнан менинг дадам халос этишини орзу қилиб юрган эдим, - деди овозини оз бўлса ҳам пасайтириб гапиришни хаёлига келтирмаган Малфой хузур қилиб, - Эсингиздами Дамблдорнинг «Хогварц»га раҳбарлик қилишининг ўзи – мактабда содир бўладиган энг ёмон ҳодиса саналади деган эдим. Эҳтимол ана энди тузукрок, Махфий хонанинг ёпилишини истамаган директор тайинланса ажаб эмас. Айтгандай, Макгонагалл ҳам узокқа бормади. У шунчаки, директор вазифасини вақтинча бажариб турибди холос...

Снегг Гаррининг ёнидан ўтиб кетар экан Гермионанинг йўқлиги борасида бирор сўз демади.

- Сэр, мактабга ўзингиз директор бўлиб қолмайсиз-ми? - баланд овозда сўради Драко.

- Қўйсангиз-чи, Малфой, - деди ингичка лаблари мамнун кулгидан ёйилган Снегг панд-насихат оҳангида, - Профессор Дамблдор мактаб маъмуриятининг қарори билан вақтинча четлаштирилган холос. Кўп вақт ўтмай у ўз вазифасини давом эттиришга киришади ўйлайман.

- Албатта, албатта, - деди Малфой истехзоли қулиб, - Агар ушбу лавозимга ўз номзодингизни илгари сурсангиз, дадам сизни қўллаб-қувватлашига шубҳа қилмайман. Мен унга бу ҳақда ўз фикримни билдириб, сизни мактабдаги энг ибратли ўқитувчи эканлигингизни таъкидлаб ўтаман, сэр...

Ўқувчининг гапидан мамнун бўлган ўқитувчи синф хонаси бўйлаб изғишни давом этганча, Симус Финниганнинг гўё кўнгли айниб, қозон ичига қайт қилиб юборгандек қилигини пайқамай қолди.

- Нима учун магловаччалар ҳалигача тугун-терсагини йиғиштириб мактабдан кетишмаганига ҳайронман, - тийилмади Малфой, - Ишончим комилки, навбатдаги тажовуз қурбони албатта ўлади. Шубҳа қилсангиз беш галлеондан бас боғлайман. Аттанг, ўша қурбон Грэнжер бўлмайди-да энди...

Айнан шу фурсатда кўнғирок зарби янграб, Малфойнинг сўнгги сўзларини эшитиши билан ўрнидан ирғиб турганча, унинг башарасига мушт солишга уринган, аммо Гарри билан Диннинг исканжасида қолган Роннинг ҳаракати хайриятки умумий тўполонда пайқалмай қолди.

- Кўйиб юборинг мени, - ўшқирди Рон, - Тупурдим барига. Менга ҳатто сеҳрли таёкча ҳам керак эмас, уни мана шу қўлларим билан бўғиб ўлдираман...

- Чакконрок ҳаракат қилинг, - ўшқирди Снегг ўқувчиларга, - Мен сизларни гербология дарси ўтказиладиган иссиқхонага қадар кузатиб қўйишим керак.

Синф саф тортиб экин майдонлари орқали иссиқхоналар томон йўлга тушди. Гарри билан Дин саф охирида бориб, қасрдан ташқарига чиққунча Ронни маҳкам ушлаб олишди.

Жастин билан Гермiona йўқлиги боис гербология дарси дили хуфтонлик руҳида ўтди.

Профессор Сарсабил хоним ўқувчилар олдига Эфиопия анжирини буташ вазифасини қўйди. Кесилган шохлар боғини ташлаш учун компост уюми томон йўл олган Гарри

хуффльпуффлик Эрни Макмиллан билан юзма-юз келиб қолди. Эрни чуқур нафас олиб, расмий оҳанг билан гап бошлади.

- Шунга билиб қўйишинг керакки, Гарри, сендан гумонсираганимга ниҳоятда афсусланаман. Дўстинг Гермiona Грэнжерга ҳеч қачон озор етказмаслигингни ҳам яхши биламан. Шундай экан, сен ҳақингда билдирган барча бемаъни гапларим учун узр сўрайман. Энди биз бир қайиқдамиз, мухтасар қилиб айтганда...

Макмиллан ўзининг дўмбоқ қўлини узатди. Гарри Эрнининг узрини қабул қилиб, қўл сиқишди.

Эрни ва унинг дўсти Ханна Гарри билан Ронга яқин келиб, анжирни парвариш қилиш ишларига ёрдам беришди.

- Анави Драко деган нусха, - гап бошлади Эрни, куруқ шохларни синдирар экан, - Бўлиб ўтаётган ходисалардан ҳузур қилаётган кўринади. Биласизми, хаёлимга қандай ўй келди? Фикримча, Слизерин Вориси ўша бўлса керак!

- Жуда ақлисан-да, - деди Рон, кесатиб.

Рон, Гарридан фарқли ўларок, Эрнини осонликча кечиришга тайёр эмас чамаси.

- Сен ҳам Малфой тўғрисида шундай фикр юритасанми, Гарри? - сўради Эрни.

- Йўқ, - жавоб қайтарди Гарри.

Унинг жавоб оҳангида шундай қатъий ишонч бор эдики, Эрни ҳам, Ханна ҳам хайрат ила Гаррига тикилиб қолди.

Айни шу пайтда Гарри бир нарсани сезиб қолди.

Иссиқхона ойнасининг нариги томонидаги беш-олтита йирик ўргимчак ғайритабиий равишда бир чизикқа саф тортганча ерга тушиб кетишмоқда. Афтидан улар қисқа йўл орқали фақат ўзларига маълум манзилга имкон қадар тезроқ етиб олишга ҳозирланган кўринади. Гарри қўлидаги гулқайчи билан Роннинг қўлига туширди.

- Вой қўлим! Нима дейсан?...

Гарри имо қилиб, ўргимчакларни кўрсатди-да, кўзларини қисиб олганча ўргимчаклар ҳаракатини кузатди.

- Ҳа, - деди Рон, сохта қувонч билан, - Лекин, уларнинг кетидан ҳозир бора олмаймиз-ку... Қизиксиниб қолган Эрни билан Ханна иккала ўртоқнинг суҳбатига қулоқ тутиб туришди.

Ўргимчаклар узоқлашган сари Гаррининг кўзлари ҳам қисилиб бораверди. Модомики, ушбу ҳашаротлар ўзлари биладиган манзил томон йўл олишган экан, шубҳа йўқ-ки, эртами-кечми етиб боришади.

Афтидан, ўргимчаклар Ман этилган ўрмон томон йўл олишган. Бу ҳолат табиийки, Ронни багтар ташвишга солиб қўйди.

Дарс ниҳоясига етгач, профессор Сарсабил хоним ўқувчиларни ёвузлик кучидан ҳимоя дарси ўтказиладиган синф хонасига қадар кузатиб қўйди. Гарри билан Рон хотиржам гаплашиб олиш учун ҳаммадан орқада боришди.

- Кўринмас плашдан яна бир бор фойдаланишга тўғри келади шекилли, - деди Гарри, - Сўйлоқтишни ҳам ўзимиз билан етаклаймиз. Ҳар қалай у Ман этилган ўрмонда Хагрид

билан бирга кўп сайр қилган. Бирон-бир ёрдами тегиб қолиши мумкин...

- Ҳа, шундай қилганимиз маъқул, - рози бўлди Рон, қўлидаги сеҳрли таёқчасини айлантириб, - У ерда... яъни Ман этилган ўрмонда афсун билан бошқа тусга кирган махлуклар бор шекилли, а? - гап орасида сўраган бўлди у, одатдагидай, Чаруальд дарсида энг охирги парталардан бирига жойлашиб.

Ўртоғининг сўнгги саволига жавоб бермасликни афзал билган Гарри гапни айлантирди.

- Ўрмонда яхши махлуклар ҳам бор. Мисол учун, кентаврлар ёки яккашоҳ нарваллар. Рон ҳали Ман этилган ўрмонга кирмаган. Гарри эса у ерга атиги бир маротаба кирган бўлиб, қайтиб кирмасликка умид қилиб юрган эди.

Чаруальд синф хонасига гўё беташвиш қуш каби пир этиб кириб келди. Барча ўқитувчилар қулги нима эканлигини аллақачон унутиб бўлишган, мана буниси эса ханузгача қуйган қалладек иршайиб юришини қўймайди. Шу боис бўлса керак, ўқувчилар унга тахайюр қараб қолишди.

- Ҳой, халк! - кичкирди Чаруальд бахтиёр оҳангда, - Нега юзингиздан умидсизлик ёғилмоқда?

Халқ бир-бирига асабий қараб қўйди-да, чурқ этмади.

- Болалар, нахотки тушунмаётган бўлсангиз, - аста гап бошлади Чаруальд, худди ақлан заифларга дарс ўтаётган каби сўзларини бўғинларга бўлиб, - Хавф-хатар бизни тарқ этди! Айбдор шахс қўлга олинди...

- Ким айтди? - сўради Дин Томас баланд овозда.

- Йигитча, сеҳргарлик вазири юз фоиз ишонч ҳосил қилмаганида уни ҳибсга олмаган бўлар эди, - деди Чаруальд, бирга бирни қўшса икки бўлишини тушунтиришга мажбур бўлган киши оҳангида.

- Ҳа, албатта, - кичкирди Рон Диндан ҳам баланд овоз билан.

- Умид қиламанки, Хагриднинг ҳибсга олинishi ҳақида сиздан кўра сал кўпроқ хабардорман, мистер Уэсли, - деди Чаруальд мағрурона.

Рон ўз шубҳасини билдирмоқчи бўлиб, эндигина гап бошлаган эди ҳам-ки, оёғига Гаррининг яхшигина тепкисини егач, жумласини охиригача етказмай узиб қўйди.

- Биз қулбада бўлмаганмиз, эсингдан чиқариб қўйдинг-ми? - пичирлади Гарри оғзининг бир чети билан.

Бирок Чаруальднинг жирканч қувончи, Хагриднинг табиатида бирон-бир яхшилиқ аломатини ҳеч қачон кўрмаган бўлиб, доимо ундан гумонсираб юрганлиги ҳақидаги шамали гаплари, давангир ҳибсга олингач, мактабда юз бераётган барча бахтсизликларга чек қўйилганлигига комил ишонч билдиришини кўриб, эшитиб ўтирган Гарри стол устида ётган «Қонхўрлар билан ўтган кечки овқат» китобини Чаруальднинг пешонасига қарата улоқтириб юборишдан ўзини базўр тийиб турди. Бунинг ўрнига у, Ронга: «*Шу бугун тунда боришни таклиф қиламан*» сўзларини ёзиб, қаноатланди.

Гаррининг таклифини ўқиган Рон бир ютиниб қўйди-да, ёнидаги, одатда, Гермiona ўтирадиган бўш курсига қаради. Бу манзара унинг руҳини тетиклаштирди чамаси, розилиқ билдириб, бош ирғиди.

«Гриффиндор» факультетининг умумий меҳмонхонаси сўнгги вақтда гавжум бўлиб қолди.

Негаки, соат ўн саккиздан сўнг гриффиндорчиларга бирор жойга чиқиш мумкин эмас.

Бундан ташқари, муҳокама қилинадиган битмас-туганмас мавзу бор. Шу боис, ҳатто тун ярмида ҳам умумий меҳмонхонадан одам аримайди.

Гарри кечки овқатдан қайтиши билан сандиғидаги кўринмас плашини олиб, меҳмонхонанинг бўшагини кутганча, бутун оқшомни деярли қилт этмай плаш устида ўтириб ўтказди. Фред билан Жорж Гарри билан Ронни покилдоқ ўйнашга мажбур қилди, охирги вақтда негaдир жим юрган Жинна эса, одатда, Гермiona ўтирадиган креслога жойлашиб, уларнинг шўх қилиқларини кузатиб ўтирди. Ўйин тезроқ тугаши учун Гарри билан Рон атайин бой бериб боришди. Шундай бўлса-да, эгизаклар билан Жинна ўз хоналарига кириб кетишганда тун ярмидан анча ўтиб қолди.

Иккита эшик ёпилиши билан икковлон ўртоқ плашни эгиларига ташлаб олди-да, Семиз

Хола портрети тўсиб турган туйнук оркали ташқарига чиқди.

Ўқитувчилар ёнидан сездирмай ўтиш учун қаср йўлакларидаги тунги саёхат ўтган сафардек қийин кечди. Ниҳоят улар вестибюлга етиб, эман эшикнинг лўкидонини аста суришди-да, уни ғичирлатмай очишга ҳаракат қилиб, ой нури билан ёришиб турган ховлига чиқиб олишди.

Қоп-қора майсазор бўйлаб боришар экан, Рон узук-юлук гап бошлади.

- Биз ўрмонга етиб, у ерда ўргимчаклар йўқлиги, яъни ўрмонга кириш шарт эмаслигига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин, албатта. Эҳтимол, ўргимчаклар ўрмон ичкарасига кирмагандир демокчиман. Улар қаёққадир шу томонга юришганини мен ҳам кўрдим-у, балки...

Унинг умид тўла гапи бўлиниб қолди.

Икковлон Хагрининг қандайдир ғамгин, қоронғи, сукунат ҳукм сураётган кулбасига етиб келди. Гарри кулбанинг эшигини очгач, болаларни кўриб, қувониб кетган Сўйлоқтиш ақлдан озиб қолгандай сакрай бошлади. Ўзининг бочка ичидан чиқаётган каби гувиллаган овози билан қасрдаги одамларни уйғотиб юборишидан чўчиб кетган болалар итни камин тоқчасида турган тунука банка ичидаги ирис қанд билан сийлашди. Табиийки, елимшак қанд ит жагини маҳкамлаб қўйди.

Гарри зим-зиё Ман этилган ўрмон ичида керак бўлмайдиган кўринмас плашини кулбадаги стол устига ташлаб чиқди.

- Юр, Сўйлоқтиш, юр, сайр қилиб келамиз, - деди Гарри ўз сонига уриб-уриб қўйиб.

Янада қувониб кетган Сўйлоқтиш болаларга эргашганча, кулбадан сакраб чиқиб, шиддат билан ўрмон четига қадар югуриб борди-да, катта чинор олдига етгач, орқа оёғини кўтарди.

Гарри сеҳрли таёқчасини чиқариб:

- «Люмос!» - деб ғудуллади.

Сеҳрли таёқча учидан ўрмон сўкмоғида ўргимчакларни кўриш учун етарли бўлган озгина ёруғлик нури чиқди.

- Зўр нарса ўйлаб топибсан, - маъқуллади Рон, - Мен ҳам таёқчамни ёққан бўлар эдим-у, ўзинг биласан, портлаб кетиш ёки янада баттар иш кўрсатишдан бошқа нарсага ярамайди у.

Гарри Роннинг елкасига қўлини қўйиб, оёқ остидаги майсага имо қилди. Ерда иккита ёлғиз ўргимчак ўзларини ёруғлик нуридан дарахт ортидаги қоронғиликка олиш учун чекинишмоқда.

- Хўп, майли, - деди Рон, гўё фожиага ҳозирлик кўргандай чуқур хўрсиниб, - Мен тайёрман. Кетдик.

Улар йўлга тушишди. Сўйлоқтиш ўрмон ичида хазон-у, дарахт илдизларини хидлаганча, теваарак-атрофда гир айланиб, болалар эса, Гаррининг сеҳрли таёқчаси ёритган, бир четда ўргимчакларнинг кети кўринмас оқими ҳаракатланаётган сўкмоқ бўйлаб юришди. Гарри билан Рон ўргимчакларга эргашиб, йигирма дақиқача бир сўз демай, теваарак-атрофга диққат билан кулоқ тутганча сукут сақлаб боришди. Новдаларнинг қаср-қусури-ю, баргларнинг шитирлашидан бошқа нарса эшитилмайди. Ўрмон бемалол юриб бўлмас, осмондаги юлдузлар кўринмас, зулмат уммонида фақат ёришаётган таёқчадан чиқаётган нургина кўринадиган даражада қалинлашиб кетгач, йўл бошловчи ўргимчак сўкмоқдан четга чиқди.

Гарри ўргимчаклар қай томон йўл олишганини фаҳмлаб олиш мақсадида ўз ҳаракатини тўхтатди. Сеҳрли таёқча нури етиб бормаётган жой кўзга мутлақо кўринмайди. Гарри ушбу ўрмонга биринчи сафар кирганида бу қадар ичкарига кириб бормаган. Ўшанда унинг давангир дўсти сўкмоқдан четга чиқмасликни қатъий талаб этган. Энди эса Хагрин бу ерлардан юзлаб миля нарида, эҳтимол Азқабан зиндонларидан бирида азоб чекиб ётган бўлса керак... ахир у ўргимчаклар кетидан бориш кераклигини аниқ айтиб кетди-ку...

Гарри аллақандай нам нарсага қўли тегиб кетганидан сесканиб кетиб, ортга тисарилганча Роннинг оёғини босиб олди. Нам нарса Сўйлоқтишнинг совуқ тумшуғи экан.

- Қандай иш тутсақ экан, нима деб ўйлайсан? - сўради у, қоронғида таёкча нури акс этаётган кўзлари базўр кўринаётган Рондан.

- Ҳар қалай қасрга қайтмаймиз-ку, - жавоб қайтарди Рон.

Болалар зулматнинг қоронғилик ичра лип-лип отилган қоп-қора чакмоқлари томон, ўргимчаклар кетидан эргашганча ўрмон чангалзорига кириб кетишди. Тез одимлашнинг иложи йўқ. Теварак-атрофда деярли кўзга кўринмайдиган илдишлар-у, тўнгалар тўлиб-тошиб ётибди. Гарри кўли билан Сўйлоқтишнинг иссиқ нафасини ҳис этиб кетяпти. Ёруғлик нурида ўргимчакларни қидириб топиш учун йўл юриш давомида эгилиб, бир неча бор тўхташга тўғри келди.

Шу тарзда икковлон кам деганда ярим соат, қоржомалари билан дарахтларнинг паст бутоклари-ю, пармачак буталарига илашиб юришди. Муайян вақт ўтгач, улар, гарчи дарахтлар зич ўсган бўлса-да, аллақандай сойликка тушиб боришаётганини фахмлашди. Дафъатан болаларнинг ёнгинасида бораётган Сўйлоқтиш қулоқни қар қилиб юборгудай даражада қаттиқ ақиллаб юборди. Унинг кутилмаганда янграган овозини эшитган болалар кўрқиб кетганидан ўз териларидан чиқиб кетишларига сал қолди.

- Нима бўлди? - сўради Гаррининг тирсагини маҳкам ушлаб, қоронғиликка тикилган Рон.

- Анави ерда нимадир ҳаракатланяпти... - жавоб берди Гарри, базўр эшитилган овози билан, - Қулоқ сол... Қандайдир йирик нарсага ўхшайди...

Болалар диққат билан қулоқ тутишди. Муайян масофа нарида чиндан ҳам қандайдир йирик нарса шох синдириб, ўзига йўл очиб борганча, ҳаракатланмоқда.

- О, йўқ, - инграй бошлади Рон, - О, йўқ, йўқ, о, йўқ, о...

- Жим бўл, - ваҳимали шивирлади Гарри, - Овозингни эшитиб қолади.

- Мени овозимни? - сўради Рон, ғайритабиий инграб, - Сўйлоқтишнинг ақиллашини эшитиб келяпти десанг, тўғрироқ бўлади!

Улар даҳшатдан серрайиб, жим қолишди. Зулмат кўзни эзиб юборгандай туюлди.

Қандайдир гувиллаган товуш янгради-да, боз сукунат чўмди.

- Сенингча, нима қияпти у? - сўради Гарри.

- Ҳамла қилишга ҳозирлик кўраётган бўлса керак, - жавоб қайтарди Рон.

Болалар қилт этишга журъат эта олмай, нима бўлишини кутиб туришди.

- Эҳтимол кетгандир? - пичирлади Гарри.

- Билмадим...

Кутилмаганда ўнг томонда кучли ёруғлик нури чарақлаб кетди. Ёруғлик шу қадар кучли эдики, кўзлари қамашиб кетган болалар қўлларини кўтариб, кафтлари билан юзларини тўсиб олишди. Инграб юборган Сўйлоқтиш нари қочди-ю, тёрн буталарига илашиб қолгач, баттар ангиллаб юборди (**Тёрн – меваси майда олхўрига ўхшаган бута ўсимлик**).

- Гарри! - қичқирди Рон, енгил тортиб, - Гарри, ахир бу бизнинг машинамиз-ку!

- Нима?

- Бу ёққа кел!

Гарри қоқилиб, Рон кетидан ёруғлик манбаси томон таваккал югурди. Фурсат ўтгач улар қичкинагина сайхонликка чиқиб олишди.

Йўғон дарахтлар орасида мистер Уэслининг калин барглар панасига яшириниб олганча, фаралари билан кўзни қамаштириб турган бўм-бўш машинаси кўринди. Рон оғзи ланг очилиб аста-секин машинага яқинлашди. Машина ҳам ўз соҳибини таниган мовий рангли йирик ит каби Рон томон ҳаракатланди.

- Қара-я, шунча вақтдан буён ўрмонда яшаб юрган экан! - ҳайрат ила хитоб қилди Рон, автомобилни айланиб ўтиб, - Ёввойилашиб кетибди...

Машинанинг ён томонлари тимдаланиб, ҳамма жойи кир бўлиб кетган. Афтидан у чиндан ҳам ўрмондаги танҳо ҳаёт тарзига кўникиб қолганга ўхшайди. Сўйлоқтиш машинага шубҳа билан қараб, Гаррининг оёғига қапишиб олди. Бола итнинг аъзойи-бадани титраётганини ҳис этди. Гарри аста тинчланиб, равон нафас ола бошлагач, сеҳрли таёкчасини чўнтагига солди.

- Биз эса ҳамла қилади деб кўрқиб ўтирибмиз! - деди Рон, машинага суянганча, уни меҳр

ила силаб, - Қаёққа йўқолиб қолди экан деб ўйлаб юрган эдим.

Гарри кўзларини қисиб олиб, ўргимчак қидирганча ерга қаради. Фаралар нуридан қочиб кетишган чамаси, уларнинг бирортаси ҳам кўринмади.

- Ўргимчакларни йўқотиб қўйдик, - деди у, - Юр, қидириб топайлик.

Рон жавоб ҳам қайтармади, ўрнидан ҳам кўзгалмади. Унинг нигоҳи Гаррининг ортига, ердан ўн футча юқорига қадалиб қолган. Вужудини ваҳима қамраб олган Роннинг юзи кўкимтир-кул ранг тус олди.

Гарри ортга бурилиб қарашга ҳам улгурмади. Дафъатан визиллаган товуш эшитилиб, боланинг белини нимадир маҳкам қучиб олди-да, баланд кўтарди. Гарри юзи ерга қараганча, ҳавода муаллақ осилиб қолди. У халос бўлишга уриниб, ваҳима босганча питирлай бошлар экан яна бир визиллаган товушни эшитиб, Роннинг оёғи ердан узилаётганини кўриб қолди. Сўйлоқтишнинг ангиллаган овози эшитилди. Сал ўтиб уни ҳам нимадир дарахт ортига тортиб кетди.

Юзи ерга қараганча осилган Гарри уни ушлаб олган махлуқ олтига мисли кўрилмаган даражада узун ва сержун оёқда одимлаб кетаётгани, ўзи эса бир жуфт ялтираб кўринаётган қора қискич исқанжасига олинганлигини фахмлади. Орқада яна битта шундай махлуқ келаётгани эшитилди. Шубҳа йўқ-ки, у, Ронни ташиб келмоқда. Бундан ташқари, Гарри, учинчи махлуқ кўлидаги Сўйлоқтишнинг умидсиз ангиллаб, исқанжадан халос бўлишга уринаётганини эшитди. Бола овози гўё машина турган сайхонликда қолиб кетгандай миқ эта олмади.

Гарри махлуқ қискичларида қанча вақт бўлганини тасаввур эта олмади. Бироқ зулмат қутилмаганда тарқаб, осмондаги ситоралар ёритган, хазон қоплаб, сон-саноксиз ўргимчаклар ўрмалаб юрган ерни кўра олди. У бўйнини эгиб, аллақандай катта жарлик ёқасига олиб келишганини англади. Бу ерда дарахт ўсмагани боис юлдузлар батафсил ёритиб турган жирканч манзарани кўрди.

Бу ерда тумонат ўргимчак ўрмалаб юрибди. Фақат бу ўргимчаклар, одатда, хазон орасида дуч келадиган миттигина ўргимчаклардан кескин фарқ қилади. Негаки, уларнинг ҳар бири аравакаш отдай келади. Ҳаммаси бирдай йирик, сержун ва қоп-қора бўлиб, ҳар бирининг саккизтадан кўзи, саккизтадан оёғи яққол кўриниб турибди.

Ҳашаротларнинг Гаррини кўтариб келаётган бундай дахшатли вакили тик қияликдан пастга тушиб, болани жар ўртасида жимиллаб кўринган гумбазсимон ўргимчак ини ёнига олиб борди. Келтирилаётган ўлжани кўрган ўргимчак-махлуқлар эса қувонишганидан ўз қискичларини шакиллатганча, гумбаз атрофини ўраб олишди.

Ўргимчак қутилмаганда Гаррини бўшашиб юборди. Бояқиш бола тизза ва кафтлари билан ерга тушди. Рон билан Сўйлоқтиш ҳам Гаррининг ёнига келиб тушишди. Ангилламай қўйган Сўйлоқтиш ерга қапишиб олди. Роннинг қиёфаси Гарри хис этаётган дахшатни ниҳоятда аниқ акс этиб турибди. Унсиз қичқираётган Роннинг оғзи ланг очилиб қолган бўлиб, кўзлари косасидан чиқиб кетишига сал қолган.

Гарри уни олиб келган ўргимчак нимадир демоқчи бўлганини фахмлаб қолди. Лекин махлуқ ҳар бир сўзини талаффуз этиш билан бир вақтда ўз қискичларини шиқиллатаётгани боис, гапини англаш жуда қийин.

- Арагог! Арагог!

Ниҳоят жимиллаб турган гумбазсимон ин остидан катталиги филдай келадиган ўргимчак киши томирларидаги қонни музлатиб қўядиган даражада имирсилаб чиқди. Унинг танасини қамраб олган қоп-қора жуннинг у ер, бу ерига оқ оралаган бўлиб, юқори жағдан иборат бадбуруш бошидаги кўзларини сут рангидаги оқ парда қоплаган. Болалар қаршисидаги кекса ўргимчак сўқир экан.

- Нима гап? - сўради у, тез шиқиллаб.

- Одамлар, - қисқа жавоб қайтарди Гаррини кўтариб келган ўргимчак.

- Ҳагрид-ми? - сўради Арагог сўқир кўзларини ўйнатиб.

- Бегоналар, - шиқиллади Ронни кўтариб келган ўргимчак.

- Ўлдилинг, - амр қилди беҳуда безовта қилинганидан аччиқланган Арагог.

- Биз Хагрининг дўстларимиз, - кичкириб юборди Гарри.  
 Боланинг юраги кўкрак қафасини тарк этиб, бўғзига келиб қолгандай бўлди гўё. Бутун жар ичра ўргимчак қисқичларининг шиқиллаган товуши эшитилмоқда.  
 Арагог бир оз жим турди.
- Хагринд бизнинг хузуримизга ҳеч қачон ҳеч кимни йўлламаган, - деди у ниҳоят.  
 - Хагриндинг бошига кулфат тушди, - тушунтирди нафаси тезлашган Гарри, - Шу боис ҳам ўзимиз келдик.  
 - Кулфат? - сўради кекса ўргимчак.  
 Гарри Арагог овозида ташвиш оҳангини пайқади.  
 - Хўш, сизларни нима мақсадда жўнатди? - сўради Арагог.  
 Гарри турмоқчи бўлди-ю, оёқда тура олишига иккилангани боис фикридан қайтди. У тизза ва кафтларида турганча, имкон қадар вазмин оҳангда гапира бошлади.  
 - Баъзи одамлар Хагринди мактаб ўқувчиларга қарши...эээ... ниманидир солганида айблаб, Азқабанга олиб кетишди.  
 Жаҳли чиққан Арагог қисқичларини шиқиллата бошлади. Унинг ушбу ҳаракатини жарлик ичидаги жамики ўргимчаклар такрорлади. Ҳосил бўлган товуш томошабинларнинг гулдурос қарсақларини эслатди. Фақат томошабинларнинг қарсақлари ҳеч қачон Гаррининг кўнглини айнитиб, даҳшатга солмаган.  
 - Ахир бу иш кўп йиллар олдин бўлиб ўтган эди-ку, - деди Арагог баджаҳл оҳангда, - Жуда кўп йиллар муқаддам бўлиб ўтган. Ўша кунларни мен яхши эслайман. Айнан шу сабабли Хагринди мактабдан қувиб солишган. Уларнинг фикрича, Махфий хона деб аталадиган хонада яшайдиган махлук мен бўлганман. Хагринд ўша хонани очиб, ундаги махлукни, яъни мени озодликка чиқариб юборган деб ўйлашган.  
 - Сиз... сиз Махфий хонадан чиқмадингиз-ми? - сўради Гарри ва ўзининг саволидан ўзи терга ботди.  
 - Мен! - ғазаб ила хитоб қилиб юборди Арагог, - Мен бу қасрда эмас, жуда олис юртда туғилганман. Қандайдир сайёҳ мени, ҳали тухумдан ёриб чиқмасдан олдин, Хагриндга ҳада этган. Ўша даврларда Хагринд ҳали ёш бола эди. Мени қасрдаги жавонлардан бирида асраб, қўлидан келганча боқди. Хагринд ишончли дўст ва яхши киши. Мени фош этишиб, аллақандай қизалоқнинг ўлимида айблашганда Хагринд мени химоя қилди. Шундан сўнг мен ўрмонда кун кечира бошладим. Хагринд эса менинг холимдан хабар олиб турди. У ҳатто менга хотин ҳам топиб берди. Энди Мосаг иккаламизнинг катта оиламиз бор. Фарзандларимиз жуда кўп. Улар сизларни қуршаб туришибди. Буларнинг бари Хагринд шарофати билан...  
 Гарри сўнгги кучини йиғиб сўради.  
 - Демак сиз ҳеч қачон ва ҳеч кимга тажовуз қилмагансиз?  
 - Ҳеч қачон ва ҳеч кимга, - шиқиллади кекса ўргимчак, - Тажовуз менинг табиатимдаги хусусият, албатта. Бироқ Хагринд ҳурмати одамларга озор етказмаганман. Ҳалок бўлган қизалоқнинг жасади ҳожатхонадан топилган. Мен эса қасрдаги ўзим ўсган ўша жавондан ташқари бошқа ҳеч қаерда бўлмаганман. Бизнинг қавмимиз сукунат ва қоронғиликни хуш кўради...  
 - Ундай бўлса... эҳтимол ўша қизалоқни ким ёки нима ўлдирганини биларсиз? - сўради Гарри, - Тушунинг, у қайтиб келди ва одамларга қарши тажовузкор ҳаракатларини боз бошлади...  
 Гаррининг ушбу сўзлари қисқичларнинг шиқиллаши ва узун оёқларнинг шитирлашида чўкиб кетди. Баҳайбат қора кўланкалар бир-бирига яқин келиб, жипслаша бошлади.  
 - Қасрда яшаётган нарса, - жавоб қайтарди Арагог, - Ниҳоятда қадимий махлук бўлиб, биз ўргимчаклар ундан жуда кўрқамиз. Ўша махлук қаср бўйлаб изғиб юрганини сезганимда Хагриндан мени қўйиб юборишни илтимос қилган эдим.  
 - Нима у, қандай махлук экан ўзи? - сўради тиниб-тинчимаган Гарри.  
 Шиқиллашлар янада баланд янграб, ўргимчаклар сафи баттар жипсланди.  
 - Биз бу ҳақда ҳеч қачон гапирмаймиз! - кичкириб юборди аччиғи чиққан Арагог, - Биз



унинг исмини ҳам тилга олмаймиз! Мен ҳатто жуда кўп маротаба илтимос қилган Хагрідга ҳам ажал келтирувчи ўша махлуқ исмини айтмаганман.

Теварак-атрофдан яқинлашиб келаётган ўргимчакларни кўрган Гарри ортиқ хиралик қилмади. Арагог ҳам суҳбатдан толиққан кўринади. У аста-секин гумбаз ичига тисарилар, оила аъзолари эса, аксинча, дўйим кетидан дўйим одимлаб, болалар турган жойга яқинлашар эди.

- Биз қайтайлик бўлмаса, майлими? - умидсиз кичкирди Гарри Арагог кетидан.

У ортида хазон эзилаётганини бутун вужуди билан ҳис этиб турибди.

- Қайтайлик? - секин сўради Арагог, - Бунга ишончим комил эмас...

- Лекин... бироқ...

- Менинг ўғил-қизларим Хагрідга тегишмайди. Чунки бу менинг амрим. Аммо янги гўшт истеъмол қилишни уларга ман эта олмайман, айниқса у, ўз оёғи билан келган бўлса...

Кўришгунча, Хагріднинг дўсти.

Гарри ортига кескин ўгирилди. Ундан икки фут нарида жағларини шақиллатиб, сон-саноксиз кўзларини ярқиратиб турган улкан ўргимчак девори ҳосил бўлган.

Таёқчасини маҳкам ушлаб олган Гарри айна пайтда сеҳрли таёқча ҳеч қандай наф бермаслигини яхши тушуниб турибди. Шундай бўлса ҳам у, тиз чўкиб ўлгандан кўра, жангда ҳалок бўлишни афзал кўрди. Айна шу фурсатда баланд ва давомли сигнал товуши янграб, кўзни камаштирган нур бутун жарликни ёритиб юборди.

Мистер Уэслининг қияликдан гулдур-гулдур тушаётган машинаси фараларини ёқиб олганча, кулоқларни қар қилиб юборгудай сигнал чалар ва йўлидаги йирик ўргимчакларни туртиб, болалар турган жойга яқинлашар эди. Ерга қулаган баъзи ўргимчаклар белига ётиб қолганча, узун оёқларини питирлатмоқда. Машина тормозини чийиллатиб, болаларнинг рўпарасида тўхтади-да, эшикларини ланг очди.

- Сўйлоқтишни ол! - кичкирди Гарри машинанинг олд ўриндиғи томон шўнғир экан.

Рон немис догининг белидан қучиб шартта кўтарди-да, орқа ўриндиқ томон улоқтириб, ўзи олд томонга кириб кетди. Бечора ит ангиллаб юборди. Машина ўз эшикларини маҳкам ёпиб қўйди. Рон акселераторни босишга улгурмади ҳам. Умуман айтганда, бунга эҳтиёж йўқ. Негаки, автомобиль ўз ишини мустақил равишда бажармоқда. Машина двигателини ўқиртириб, йўлдаги ўргимчакларни туртиб қулатганча шиддат билан ҳаракат бошлади. Улар қиялик бўйлаб юқорига кўтарилиб, жарликдан бир илож қилиб чиқиб олишди-да, кўп ўтмай ўрмон ичра зинғиллаб кетишди. Дарахт шохлари ойналарга қаттиқ урилаётган бўлса ҳам машина ўз ҳаракатини ишонч билан давом эттирди. Афтидан у ўрмон сўқмоқларини яхши биладиган кўринади.

Гарри кўз қири билан Ронга қараб қўйди. Унинг оғзи ҳамон унсиз кичкириқдан ланг очилган бўлса-да, кўзлари илгаридек ўз косасидан чиқиб кетишга уринмаяпти.

- Ахволинг қалай, Рон?

Чурк этишга мадори қолмаган Рон нигоҳини олдинга қаратиб ўтирибди.

Улар ёш дарахтларни эзиб, елдек учиб кетишди. Орқа ўриндиқдаги Сўйлоқтиш овози борича увиллаб ётибди. Машина қадимий эман ёнидан сиқилиб ўтар экан ён томондаги кўзгуси синиб кетди. Гувиллаган, силтаб титратган ўн дақиқа ўтгач, ўрмон саёзлашиб, дарахтлар орасида юлдузли осмон кўринди.

Ўрмон четига етишганида машина шу қадар кескин тўхтадики, болалар олд ойна томондан учиб чиқишларига бир баҳя қолди. Ташқарига чиқишга ошиқаётган Сўйлоқтиш эшик ойнасига қапишиб олди. Гарри эшикни ичкаридан очиши билан бечора ит думини оёқлари орасига қисиб олганча, кадрдон кулбаси томон ўқдай учиб кетди. Гарри ҳам машинадан чиқди. Бир-икки дақиқа ўтгач, Рон машинадан чиқа оладиган даражада ўзига келиб қолди. У бошини ҳанузгача зўриқиб тутар, нигоҳида эса ҳамон бирор-бир маъно йўқ эди. Гарри автомобилга самимий миннатдорчилик изхор этиб, унинг мижғалок бўлиб кетган капотини силаб қўйди. Шундан сўнг машина орқага юриб, ўрмон қаърига кириб кетди. Гарри кўринмас плашини олиш учун Хагріднинг кулбасига кириб, ўз саватидаги адёл остига жойлашиб олган Сўйлоқтишнинг дағ-дағ титраб ётганини, ташқарига чиққанида

эса Роннинг ошқовоклар эгатига қайт қилаётганини кўрди.

- «Ўргимчаклар кетидан боринг» эмиш-а, - деди оғзини енги билан артаётган Рон, базўр чиққан овози билан, - Бу иши учун Хагрідни ҳеч қачон кечирмайман. Тирик қолганимизнинг ўзи катта бахт.

- Ишончим комилки, Хагрід «Ўзимни емаган Арагог дўстларимни ҳам емайди» деб ўйлаган, - юпатган бўлди Гарри.

- Ҳамма бало айнан мана шунда, яъни Хагріднинг фикр-хаёли-ю, кечираётган хаёт тарзида! - деди Рон, кулба деворини муштлаб, - У доимо махлуклар аслида беозор, улар хақида шаклланган салбий фикр-мулоҳазаларни эса нотўғри деб билади. Хўш, оқибати нима бўлди? Азкабанда зиндонбанд бўлди! - Роннинг аъзойи-бадани титрай бошлади, - Нима учун у бизни ўша ерга йўллади? Хўш, нимани ойдинлаштириб олдик, айт-чи менга? - Хагрід ҳеч қачон Махфий хонани очмаганлигини, у айбсиз эканлигини билиб олдик, - деди Гарри, ўртоғини плашга ўраб, ҳаракат бошлаши учун туртар экан.

Арагогни қаср жавонида яшириб боқиш у қадар айбсиз иш эмаслигига ишонгиси келмаган Рон истехзоли кулиб қўйди.

Қасрга яқин келишгач, Гарри, оёқлар кўриниб қолмаслиги учун плашни яхшилаб тўғрилаб қўйди-да, кириш эшигини аста очди. Икковлон эҳтиётлик билан вестибюлга кириб, мрамар зинапоя бўйлаб юқорига кўтарилди. Сўнг сергак турган соқчилар ёнидан нафас олмай ўтиб, ниҳоят умумий меҳмонхонага кириб олишди. Камин олови ёниб битган бўлса ҳам, чўғи ҳали совимаган. Болалар плашни ечиб, айланма зина бўйлаб ўз ётоқхоналарига кириб кетишди.

Рон устки кийимини ечмасдан ўзини каравотга ташлади. Уйқуси келмаган Гарри эса Арагог айтган гапларнинг мағзини чақиб ўтирди.

Қаср бўйлаб изгиб юрган махлук нимаси биландир Вольдемортга ўхшайдиган кўринади. Негаки, бошқа махлуклар унинг исмини ҳатто тилга олишдан ҳайикади. Афсуски, Рон иккаласи ўша махлук қанақанги хайвон эканлиги-ю, ўз қурбонларини қай тарзда Донг қотириб қўйишини ойдинлаштиришга муваффақ бўлишмади. Ҳатто Хагрід ҳам Махфий хонада қандай махлук яширинганлигини аниқлай олмагани аён бўлди.

Гарри оёғини кўрпага ташлаб, ёстикқа бош қўйди-да, минора деразаси орқали ёришиб кўринган ойни томоша қилиб ётди.

Яна нима қилиш керак, қандай иш тутмоқ лозимлигини ҳеч тушунмай боши қотди.

Дўстлар боши берк кўчага кириб қолишди. Реддль янглишибди, у мутлақо бошқа одамни тутиб берибди. Слизерин Вориси қочиб қутулган экан. Бу сафар Махфий хонани ким очди экан? Ўтган сафар очган кишими ёки бошқа одамми? Буни ҳеч ким аниқ айта олмади. Сўраб билса бўладиган одам ҳам йўқ. Гарри ҳамон ётган жойида Арагог гапларининг мағзини чақишга уринмоқда.

У эндигина уйқуга кетар экан хаёлига умид бахш этадиган бир ўй келди. Бола шартта ўрнидан туриб, каравотига ўтириб олди.

- Рон, - пичирлади у, қоронғиликка қараб, - Рон...

Рон худди Сўйлоқтиш каби ангиллаб уйғонди-да, атрофга аланглаб, Гаррини кўргач, тинчланди.

- Рон! Анави ҳалок бўлган қизалоқ. Арагог ўша қизалоқнинг жасади ҳожатхонадан топилган деб ўтди.

Қизишиб кетган Гарри бошқа бурчақда ётган Невиллнинг қаттиқ пишиллаб қўйганига ҳам эътибор қаратмади.

- Агар ўша қизалоқ ҳожатхонадан ҳалигача чиқмаган бўлса-чи? У ханузгача ўша ерда бўлса-чи?

Рон башарасини ой нуридан бужмайтириб, кўзини ишқалади.

- Сен... ҳар қалай... ўша қизалоқ Дилгир Миртл бўлган демоқчи эмассан-ку, шундайми?

**XVI БОБ.**

**МАХФИЙ ХОНА**

- Биз ўша ҳожатхонага неча маротаба кирган эдик-а, - қаттиқ қайғурди Рон, эртасига

эрталаб, нонушта вақтида, - Миртл эса ҳар сафар биздан атиги учта бўлма нарида ўтирар ва ҳар қандай фурсатда ҳамма нарсани ундан сўраб билишимиз мумкин эди. Энди-чи... Болаларга омад шундоқ ҳам ҳаддан ортиқ кўп қулиб боқди. Ўргимчаклар кетидан юриб ўтказилган ўрмон сафари ёки қизлар хожатхонасида сирка тайёрлаш ишлари бўлсин, таажжубки, улар бирон маротаба бирорта ҳам ўқитувчининг қўлига тушишмади. Бирок ҳозир, айниқса мактабда юзага келган мудҳиш вазият инобатга олинган бўлса, биринчи жиноят содир этилган жой яқинидаги ўша хожатхонага яна бир бор кириб чиқишни хаёлга ҳам келтириб бўлмайди.

Аммо, бир нарсани бошқа нарсага айлантириш дарсида шундай гап бўлдики, болалар, Махфий хона билан боғлиқ муаммолар ечимини илк бор четга йиғиштириб қўйишди. Дарс бошланган фурсатдан ўн дақиқа ўтар-ўтмас профессор Макгонагалл биринчи июндан эътиборан, яъни роппа-роса бир ҳафтадан сўнг имтихонлар мавсуми бошланишини эълон қилди.

- Имтихонлар? - инграб юборди Симус Финниган, - Улар бекор қилинган эди шекилли? Гаррининг ортида нимадир қарсиллаб кетди. Профессор Макгонагаллнинг эълонини эшитган Невилль Лонгботтом сеҳрли таёқчасини тушириб юборибди. Полга тушаётган таёқча столга тегиб, унинг оёғини гум қилибди. Натижада, мебелнинг ушбу тури қарсиллаганча полга тушибди. Профессор Макгонагалл қўлидаги таёқчаси билан назокатли ҳаракат бажариб столни тузатиб қўйди-да, ковоғини солиб Симусга юзланди.

- Вазиятнинг мураккаблигига қарамай сиз ўқишни давом эттириб, тегишли маълумот олишингиз учун ҳам мактаб ёпилмади, - деди у катъий оҳангда, - Бинобарин, имтихонлар белгиланган тартибда ўтиши шарт. Умид қиламанки, ушбу синовларга пухта тайёргарлик кўришга киришасиз.

Пухта тайёргарлик кўриш! Шундай вазиятда имтихонлар қабул қилиниши мумкинлигини Гарри хаёлига ҳам келтирмаган! Синфда исёнкор руҳдаги пичир-пичир бошланди. Профессор Макгонагалл эса баттар ковоқ солиб олди.

- Профессор Дамблдор мактабдаги барча жараёнлар имкон қадар ўз маромида, одатдагидай кечишини илтимос қилиб кетди, - давом этди у, - Бу эса, ўз навбатида... Умуман айтганда, нима учун бундай оддий нарсаларни сизга тушунтириб ўтишим кераклигини ҳеч ақлимга сиғдиролмаяпман. Ахир ўқув йили давомида эгаллаган назарий билим ва амалий қўникмаларингизни текшириб кўришимиз керак-ку.

Гарри шиппакка айлантириб қўйиши керак бўлган бир жуфт қуёнчага маъюс қараб қўйди. Ўқув йили давомида у қандай билимларга эга бўлди? Имтихонда кўрсатадиган, наф бериши мумкин бўлган бирор-бир билим ёхуд каромат унинг миясига келмади.

Роннинг қиёфаси эса худди бир умрга Ман этилган ўрмонга сургун қилинганлигини ҳозиргина эшитган кишининг қиёфасига ўхшаб қолди. У сеҳрли таёқчасини ўртоғининг бурни остига яқин келтириб:

- Қани айт-чи, Гарри қандай қилиб мана бу матоҳ билан имтихон топшираман? Тасаввур қила оласанми? - сўради у, жаҳли чиқиб.

Ўчакишгандай, унинг сеҳрли таёқчаси айна шу фурсатда каттиқ хуштак чалиб юборди. Биринчи имтихонга уч кун қолганда профессор Макгонагалл нонуштадан олдин ўқувчилар эътиборига яна бир эълон етказди.

- Сизлар учун хушxabар бор, - деди у.

Катта Залда сукунат чўмиш ўрнига қичқирди эшитилди:

- Дамблдор қайтпти! - қувонч-ла бақиришди айримлар.

- Слизерин Вориси қўлга олинди! - чийиллади «Равенкло» столи ортида ўтирган жажжи қизалок.

- Қвидиш ўйинларига рухсат берилди! - асабий қичқирди Дрив.

Қий-чув тингач, профессор Макгонагалл гапини давом эттирди:

- Профессор Сарсабил хонимнинг менга етказган хабаридан маълум бўлишича, мандрагоралар ниҳоят етилиб, уларни буташ вақти етибди. Шу бугун кечқурун Донг қотганларни жонлантирамиз. Улардан бирортаси тажовуз қилган кишининг исмини

маълум қилиши ёки у қандай махлуқ эканлигини айтиб бериши мумкинлигини сизга эслатиб ўтишни ортиқча деб биламан. Умид қиламанки, ушбу мудҳиш ўқув йили жинойатчининг қўлга олиниши билан якун топади.

Катта Зал деворлари қувончли қичқириқлардан титраб кетди. Слизеринликлар столи томон қараган Гарри, Драко Малфойнинг эл қатори қувонмай ўтирганини кўриб хайрон бўлмади. Лекин ўртоғи Рон ўзини бахтиёр хис этиб, чексиз қувонди.

- Демак энди, Миртлни сўроқ қилган-қилмаганимизнинг аҳамияти йўқ эканда! - деди у Гаррига, - Гермiona уйғонса барча саволларга ўзи жавоб беради! Бироқ анчадан буён китоб ўқимаган Гермiona уч кундан кейин имтиҳонлар бошланишини билса, яна ҳушидан кетиб қолиши муқаррар! Ақлдан озиб қолса керак! Яхшиси, инсонпарварлик нуқтаи назаридан, имтиҳонлар якунига етгунга қадар уни Донг қотган ҳолатда қолдирган маъкул. Шу пайт Жинна Уэсли яқин келиб, акасининг ёнига ўтирди. Унинг қиёфаси қандайдир асабий, зўриққан кўринди. Ўзини босиқ тутишга уринганча, қафтларини тиззаларига қўйиб ўтиргани билан нимадандир ғам чекаётгани Гаррининг назаридан четда қолмади.

- Нима қилди? - сўради Рон, ўзининг ликопига сули бўтқа солаётиб.

Жинна жавоб қайтармай нигоҳини столдаги бир буюмдан бошқасига олиб ўтирди. Унинг хатти-ҳаракатлари ва чўчиган қиёфаси кимнидир эслатмоқда-ю, ким эканлигини Гарри тасаввур қила олмади.

- Гапир, гапиравер, - далда берди Рон, сингисининг иккиланаётганини сезиб.

Ана шу фурсатда Жинна, махфий ахборотни ошкор этишга журъат эта олмай курси четида танасини орқа-олдинга ташлаганча тебраниб ўтирадиган Доббига ўхшаб кетди.

- Мен сизларга бир гапни айтиб қўйишим керак, - мужмал гап бошлади Жинна, кўзини Гарридан олиб қочиб.

- Нима гап экан? - сўради Гарри.

Жинна керакли сўз топа олмаётган кишидай тараддуд ичида қолди.

- Хўш? - деярли ўшқириб берди Рон.

Жинна оғиз жуфтлашга жуфтлади-ю, ун чиқара олмади. Гарри унга энгашиб, Рон билан Жиннагина эшита оладиган паст овоз билан сўради:

- Бу гап Махфий хона билан боғлиқ эмасми? Бирон нарсани кўриб қолдинг-ми? Кимдир бирон ғалати кор-ҳол қилди-ми?

Жинна чуқурроқ нафас олди-ю, аммо айна шу пайтда болалар олдига толиққан, бемажол Перси келиб қолди.

- Жинна, нонушта қилиб бўлдинг-ми? Ўрнингга ўтириб, бирон нарса еб олай, акс холда очимдан ўлиб қоламан. Тунги навбатчиликда эдим.

Жинна худди ўтирган курсисига ток улангандай ўрнидан ирғиб туриб, катта акасига чўчиб қараб қўйди-да, нари қочиб кетди. Перси сингисининг ўрнига ўтириб, стол ўртасидаги патнис устида турган кружкани чангаллади.

- Перси! - аччиқ ила хитоб қилиб юборди Рон, - Катта Залнинг бошқа жойларига ўт кетибди-ми?! У бизга қандайдир муҳим гап айтмоқчи бўлиб турган эди!

Оғзига чой тўлдириб олган Перси тикилиб қолди.

- Қанақанги муҳим гап экан? - йўтал орасида бир илож қилиб сўради Перси.

- Ғайриоддий бирор нарса кўрдинг-ми деб сўраган эдим. У эндигина саволимга жавоб бермоқчи бўлиб турган эди...

- Ҳа, буми... У гапнинг Махфий хонага ҳеч қандай алоқаси йўқ, - дарҳол жавоб қайтарди Перси.

- Сен қаердан биласан? - сўради қошлари кўтарилиб кетган Рон.

- Хўш... ммм... Шунчалик билишни истар экансан, майли айтай, ммм... бир куни Жинна мени муайян иш устида кўриб қолди. Мен... хўш... майли бунинг аҳамияти йўқ. Энг асосийси, ўша ишим ҳақида ҳеч кимга айтмасликни Жиннадан илтимос қилган эдим. Таъкидлаб ўтишим жоизки, Жинна ўз ваъдасида туришига ишончим комил эди. Майли, бунинг аҳамияти йўқ, рост, мен...

Гарри Персининг бу қадар хижолат тортишини биринчи мартаба кўриб туриши.

- Нима иш қилиб турган эдинг, Перси? - айёрона иршайиб қўйди Рон, - Бўл тез, бўйнингга олиб очигини айт, биз кулмаймиз.

Перси кулмади.

- Гарри, илтимос, хў анави кулчани узатиб юбор. Қорним жуда оч.

Жумбоқли масала ечими эртага, Рон иккаласининг ёрдамисиз ҳам топилишини билса-да, Гарри Дилгир Миртлнинг суҳбатини олиш имконини қўлдан беришни истамас эди.

Сверкароль Чаруальд болаларни сеҳргарлик тарихи дарси ўтказиладиган синф хонасига кузатиб бораётганида бундай имконият юзага келиб қолди.

Барча хавф-хатарлар барҳам топганига ҳаммани ишонтириб келган ва бундай сафсаталари ёлгон эканлиги шармандаларча исбот қилинган Чаруальд энди ўқувчиларни бир синф хонасидан бошқасига кузатиб бориш шарт эмаслигига комил ишонч билдириб юрибди. Чамаси тўртинчи қаватда наватчилик хизматини ўтаган шекилли, ҳозир унинг сочлари одатдагидек батартиб эмас.

- Эсингизда бўлсин, - баёнот қилди у, синф ўқувчилари йўлак муюлиши ортига ўтганида, - «Бу ишни Хагрид қилди» деган сўзлар Донг қотганлар уйғониб айтадиган илк сўзлар бўлади. Профессор Макгонагаллнинг мана бу каби эҳтиёт чораларини зарур деб билиши, ростини айтсам, мени таажжублантирмоқда.

- Фикрингизга қўшиламан, - маъқуллади Гарри.

Ўртоғининг гапини эшитган Рон қўлидаги китобларни тушириб юборди.

- Раҳмат, Гарри, - миннатдорчилик билдирди Чаруальд.

Уларга рўпарадан келаётган хуффльпуффчилар гуруҳини ўтказиб юборишга тўғри келди.

- Айтмоқчиман-ки, - фикрини давом этди Чаруальд, - Ўқувчиларни бир синф хонасидан бошқасига кузатиб қўйиш-у, тунги наватчиликлардан ташқари ўқитувчилар зиммасидаги бошқа ташвишлар ҳам етарлидан ортик...

- Тўғри, - деди Рон, - Сэр, бизни шу ердан қўйиб юбора қолинг. Ахир атиги битта йўлак қолди холос-ку...

- Биласанми, Уэсли, мен айнан шундай қиламан, - хурсанд бўлиб кетди Чаруальд, - Мен чиндан ҳам бориб, наватдаги дарсга ҳозирлик қўришим керак..

Чаруальд шоша-пиша нари кетди.

- Топган гапини қаранг, наватдаги дарсга ҳозирлик қўришим керак эмиш, - жирканч киёфа ясади Чаруальднинг ортидан қараб қолган Рон, - Гажакларимни жингалак қилиб олишим керак дегин, ишонайлик...

Улар ўз синфдошларидан ортда қолиб, ён томондаги йўлакка ўқдай учиб ўтишди-да, Дилгир Миртлнинг хожатхонаси томон ошиқшди. Муваффақиятли амалга оширилган тадбир билан бир-бирини табриклаб туришган фурсатда...

- Поттер! Уэсли! Нима қиляпсиз бу ерда? - деган савол янгради.

Профессор Макгонагалл лабларини ниҳоятда қаттиқ қимтиб олганча, болаларга тикилиб турибди.

- Биз... бизга... - тутилганча гап бошлади Рон, - Биз бориб...

- Германионинг ҳолидан хабар олиб келмоқчи эдик, - ўртоғининг фикрини тугаллади Гарри.

Рон ҳам, профессор Макгонагалл ҳам Гаррига ҳайрат ила тикилиб қолишди.

- Биз уни кўрмаганимизга юз йил бўлди, профессор, - тез гапира бошлади Гарри, Роннинг оёғини босиб, - Ҳеч кимга билдирмай, унинг палатасига кириб олмоқчи эдик, тушуняпсизми. Унга мандрагоралар етилганини, кўп ташвиш чекмай, яна бир оз сабр қилиши кераклигини айтмоқчи эдик...

Профессор Макгонагалл қилт этмай тикилиб турди. Болалар қичқириқлар янграшини кутди. Бироқ қичқириш ўрнига ушбу қаттиққўл хоним қандайдир ғалати титроқ овоз билан вазмин жавоб қайтарди. Гарри профессорнинг қуш кўзларига ўхшаш кўзида бир томчи ёш ялтираганини кўргандай бўлди.

- Албатта, - деди профессор, - Дўстининг бошига кулфат тушганлар қалбида қандай кечинмалар бўлишини тушунаман, албатта. Ҳа, Поттер, сиз мисс Грэнжернинг ҳолидан

хабар олишингиз мумкин. Профессор Биннзга қаёққа кетганингизни ўзим айтиб қўяман. Мен ижозат берганимни Помфри хонимга маълум қилинг.

Икковлон жазодан қутулиб қолишганига базўр ишониб нари кетди. Муюлишга ўтишлари билан профессор Макгонагалл бурнини қаттиқ қоқиб олганини яққол эшитди.

- Бу, сенинг энг зўр каззоблигинг бўлди! - оташин оҳангда баёнот қилди Рон.

Энди болаларга Помфри хоним хузурига бориб, профессор Макгонагалл Гермионанинг хolidан хабар олишга ижозат берганлигини айтишдан бошқа чора қолмади.

Помфри хоним уларни ичкарига истар-истамас киритди.

- Донг қотиб ётган одам билан гаплашишдан бирор-бир маъно бормикан, - вайсади у.

Гермионанинг ёнига ўтиришган болалар Помфри хонимнинг фикрига қўшилишди.

Қизалок, ёнига одам келганини сезмай ётибди. Ташвиш чекмаслиги борасида Гермионага гапирдинг нима-ю, унинг каравоти ёнида турган жавончага гапирдинг нима, фарқи йўқ.

- Ким тажовуз қилганини кўришга улгурганмикан, а? - маъюс сўради Рон, Гермионанинг ҳаракатсиз юзига тикилиб ўтириб, - Агар жинойтчи зимдан ҳамла қилган бўлса, жабрланганлардан бирортаси ҳам уни кўрмаган бўлиши мумкин...

Гарри Гермионанинг юзига эмас, адёл устида ётган ўнг қўлига эътибор қаратиб, маҳкам сиқиб олинган муштчасидан чиқиб турган қоғоз учини кўриб қолди. Помфри хоним йўқлигига ишонч ҳосил қилган ўртоғининг ҳам эътиборини қоғозга қаратди.

- Суғуриб чикаришга уриниб кўр-чи, - деди Рон, курсисини суриб, Гаррини Помфри хонимнинг нигоҳидан тўсганча.

- Айтишга осон, - ғудуллади Гарри.

Гермионанинг муштчаси маҳкам сиқилган бўлиб, Гарри қоғознинг йиртилиб кетишидан чўчиди. Рон кўриқчилик қилиб турди, Гарри эса қоғозчани ундай ҳам, бундай ҳам айлантириб, ниҳоят ўн дақиқа қийналганидан сўнг мақсадга эришди.

Бу кутубхонада сақланаётган қадимий китобчадан юлиб олинган саҳифа экан. Гарри варақни зудлик билан ёзди-да, Рон билан бирга ўқишга киришиб кетди.

*Юртимизда яшайдиган аксарият махлуқ ва алвастилар орасида сирлилик ва захри қотиллик борасида Василискдан ўтиб тушадигани топилмайди. Бу махлуқ Илонлар қироли деган номи билан ҳам машҳурдир. Мисли кўрилмаган ўлчамларга қадар ўсиб, умри кўплаб асрлар давом этадиган ушбу илон чўлбақа босиб очадиган хўроз тухумидан чиқади. Бундай махлуқ ўз қурбонини ўлдириш учун ажабланарли усул қўллайди. Василиск захарли тишлардан ташқари, ажал келтирувчи нигоҳга ҳам эгадир. Нигоҳи ушбу илон кўзидан таралаётган нур таъсирида қолган ҳар қандай жонзод борки, турган жойида ажал топади. Ўргимчаклар Василискдан ниҳоятда қаттиқ кўрқиб, имкон қадар унга дуч келмасликка ҳаракат қилади. Василискнинг ўзи эса, унинг куни битишига сабаб бўладиган хўроз қичқиригидангина кўрқади холос.*

Ушбу матн остида Гермионанинг дастхати билан ёзилган ягона «Кувурлар» сўзи бор эди. Гаррининг миясида гўё чирок ёнгандай бўлди.

- Рон, - чуқур нафас чиқарди у, - Ҳаммаси тушунарли! Мана у! Мана жамики жумбоқли саволлар жавоби! Махфий хонага бекитилган махлуқ – улкан илон, Василиск! Шунинг учун ҳам унинг овозини ёлғиз ўзим эшитиб юрганман-у, бошқа ҳеч ким эшитмаган. Ахир мен, ёдингда бўлса, ўзинг айтгандай илонзабонман-ку! (**Василиск**(грек. *βασίλισκος* – шох, подшо) – боши хўрозникига, танаси ва кўзи чўлбақаникига, думи эса илон думига ўхшаш афсонавий махлуқ. Василиск бошида, унга бундай ном берилишига сабаб бўлиб, тожни эслатадиган қизил пўпакча мавжуд. Бироқ бошқа манбаларда («Табий тарих»да) қайд этилишича Василиск бошида пўпакча эмас, «тож ёки тилла қошга ўхшаш оқ доғ бор». Василисклар Библиянинг латин таржимасида (Вулгатада) бир неча бор тилга олинган. Ўрта асрларга қадар василиск реал яшайдиган ҳайвон тури саналган. Тахминларга кўра, бундай махлуқлар захарли тиш, чангал ва нафасга эга бўлишдан ташқари, Горгона медузасига (қанотли махлуқ-аёлга) ўхшаб ўз нигоҳи билан ўлдириш қобилиятига эга.

*Василиск тасвири кўплаб шаҳар гербларида акс эттирилган).*

Гарри атрофда ётган Василиск қурбонларига қараб чиқди.

- Василиск, - тушунтира кетди у, - Йўлида дуч келган қурбонни ўз нигоҳи билан ўлдиради. Бироқ мана буларнинг бирортаси ҳам ўлмаган. Нима учун? Чунки, уларнинг бирортаси ҳам илоннинг кўзига бевосита қарамаган. Мана масалан, Колинни олайлик. У илонни фотоаппаратининг шиша туйнуғи орқали кўрган. Эсингдами, Василиск фотоаппаратнинг плёнкасини куйдириб юборган эди. Колин эса муқаррар ўлимдан Донг қотиш билан қутулиб қолди. Жастинга келсак... Жастин илонни Деярли Бошсиз Никнинг танаси орқали кўрган! Ник ажал нурунинг тўла порциясини олган, албатта. Лекин у яна бир бор ўлмайди-ку, шундай эмасми? Гермiona билан равенклолик синфбоши қизнинг ёнида эса кўзгу топилган. Ҳеч қандай шубҳа йўқ-ки, одамларга тажовуз қилаётган махлуқ айнан Василиск эканлигини Гермiona фахмлаган. Онт ичиб айтаманки, у ўз йўлида дуч келган биринчи одамни муъолишга ўтишдан олдин тегишли йўлакни дастлаб кўзгу орқали кўздан кечириб чиқиш лозимлиги ҳақида огоҳлантирган! Синфбоши қиз Гермionанинг насиҳатига қулоқ тутиб, ўзининг кўзгусини чиқарган, оқибатда...

Роннинг оғзи ланг очилиб қолди.

- Миссис Норрис-чи? - қизиксиниб сўради у, - Ахир мушук суратга ҳам олмайди, ёнида кўзгу ҳам олиб юрмайди-ку!

Гарри хотирасида Хэллоуин куни кўрган манзарасини тиклашга уринди.

- Кўлмак, - аста талаффуз этди у, - Дилгир Миртл хожатхонасидан сизиб чиққан сув йўлакда кўлмак ҳосил қилган. Ишончим комилки, миссис Норрис илоннинг сувдаги аксини кўрган...

У яна бир бор кўлидаги китоб саҳифасини ўқиб чиқди. Қанчалик кўп ўқир экан, шунчалик кўп маъно топди.

- «... куни битишига сабаб бўладиган хўроз қичқиригидангина кўрқади холос», - ўқиди у, овоз чиқариб, - Хагриннинг хўрозларини кимдир аста секин ўлдириб борган! Слизерин Вориси қаср яқинида хўроз бўлишини истамаган! «Ўргимчаклар Василискдан ниҳоятда қаттиқ кўрқиб, имкон қадар...» Ҳаммаси тўғри, далиллар мос келяпти!

- Василиск «мисли кўрилмаган ўлчамларга қадар» ўсар экан қаср ичида қандай қилиб ҳаракатланади? Ахир шунча йиллардан буён уни кимдир кўрган бўлиши керак эди-ку... Гарри, ушбу саволга ҳам жавоб топди. У китоб саҳифасидаги матн остида Гермiona томонидан ёзилган «Қувурлар» сўзини кўрсатди.

- Қувурлар, - қисқа қилди Гарри, - Рон! Василиск канализация тармоғининг қувурлари ичида ўрмалаб юради. Мен унинг девор ичидан чиқаётган овозини эшитганман.

Рон қутилмаганда Гаррининг қўлини ушлаб олди.

- Махфий хонага кириш йўли! - хириллаганча гап бошлади у, - Кириш йўли хожатхонада бўлса-чи? Ўша йўл...

- Дилгир Миртлнинг хожатхонасида! - фикрни яқунлади Гарри.

Ушбу тахмин уларни шу қадар ўзига жалб этдики, жойларида чидаб ўтириша олишмади.

- Мухтасар қилиб айтганда, - деди Гарри, - Мактабимизда илонзабон танҳо ўзим эмасман. Слизерин Вориси ҳам илонзабон, зеро у Василиск ҳаракатларини илон тили воситасида идора қилади.

- Хўш, энди қандай иш тутамиз, - сўради кўзлари чарақлаб кетган Рон, - Тўғри Макгонагаллнинг ҳузурига бораверамиз-да, шундай эмасми?

- Ўқитувчилар хонасига борамиз, - деди Гарри, курсидан ирғиб туриб, - Ўн дақиқадан сўнг танаффус. Профессор Макгонагалл ўша хонага келади.

Улар зина бўйлаб пастга югуриб, йўлакда ҳеч кимга рўбару келишни истамай, тўппа-тўғри ўқитувчилар хонасига йўл олишди. Ўқитувчиларнинг панель билан қопланган кенг хонасида ҳеч ким йўқ. Гарри билан Ронни кучли хаяжон қамраб олгани боис, тек ўтириша олмай, кўплаб жигар ранг ёғоч столлар билан жиҳозланган хонанинг у бурчагидан бу бурчагига юра бошлашди.

Бироқ қўнғироқ зарби эшитилмади.

Кўнғирок ўрнига профессор Макгонагаллнинг сеҳр қўлланилиб кучайтирилган овози янгради.

- Барча ўқувчилар ўз коллежларининг умумий меҳмонхонасига, ўқитувчилар эса ўқитувчилар хонасига йиғилсин. Зудлик билан, ўтиниб сўрайман.

Гарри турган жойида кескин айланиб, Ронга юзланди.

- Нахотки боз тажовуз қилинди? Яна-ми?

- Нима қиламиз? - сўради вужудини ваҳима қамраб олган Рон, - Минорага борамизми?

Гарри атрофга қараб, нигоҳини ўқитувчилар кийимига тўлиб-тошган эски жавонда тўхтатди.

- Йўк, - қарор қилди Гарри, - Кел, мана бу ерга яшириниб олиб, нима гап бўлганини билиб оламиз-да, сўнг чиқиб, ўзимиз аниқлаган маълумотларни уларга айтиб берамиз.

Икковлон юқори қаватлардаги қадам товушларига қулоқ тутганча, жавон ичига кириб, намиқиб кетган кийимлар орасига яшириниб олди. Эшик очилиб, хонага бирин-кетин ўқитувчилар кириб келди. Уларнинг айримлари нималар бўлаётганини тушунмай ҳайрон бўлса, баъзиларининг юзларида кўрқув акс этган. Ҳаёл ўтмай профессор Макгонагалл ҳам кириб келди.

- Мудҳиш ходиса рўй берди, - эълон қилди у, жим бўлиб қолган йиғилиш иштирокчиларига, - Махлук хонага ўзи билан бирга ўқувчи қизлардан бирини ҳам олиб кириб кетибди.

Профессор Флитвик ингичка овози билан чийиллаб юборди, профессор Сарсабил хоним кафтини оғзига босди, Снегг эса курси суянчиғига ёпишиб қолиб, базўр сўрай олди:

- Нега бунчалик комил ишон билан айтяпсиз?

- Слизерин Вориси, - жавоб қайтарди профессор Макгонагалл, - Ўтган сафар қолдирган ёзуви остида яна бир ёзув қолдириб кетибди: «*Ўқувчи қиз суяклари Махфий хонада мангу ётади*».

Профессор Флитвик хўнграб юборди.

- Кимни олиб кетибди? - сўради оёғида тура олмай, диванга ўтириб қолган Трюк хоним, - Қайси қизни?

- Жинна Уэслини, - жавоб берди профессор Макгонагалл.

Гарри орқада турган Роннинг овоз чиқармай жавон девори бўйлаб сирпаниб тушганини сезди.

- Эртага жамики ўқувчиларни ўз уйларига жўнатиб юборишимиз керак бўлади, - деди профессор Макгонагалл, - «Хогварц» тугатилади. Дамблдор доимо...

Ўқитувчилар хонасининг эшиги боз очилди. Гарри хонага Дамблдор кириб келди деб ўйлади. Афсуски бу, жилваланиб, товланиб турган Чаруальд экан.

- Маъзур кўринг... мизғиб қолибман... бирон-бир қизиқ нарсани ўтказиб юбормадим-ми?

Афтидан Чаруальд қолган ўқитувчиларнинг очикдан-очик нафрат ила унга қараб туришганини сезмаган кўринади. Олдинга бир қадам ташлаган Снегг Чаруальднинг саволига жавоб берди:

- Ҳа, ўтказиб юбордингиз. Жиноятчини ўтказиб юбордингиз. Махлук қизалокни ўғирлаб, Махфий хонага олиб кириб кетибди. Жасоратингизни намоён этадиган вақт етди, Чаруальд.

Дахшатга тушиб қолган Чаруальднинг юзидан қон қочди.

- Ҳа, ҳа, Сверкароль, - маъқуллади Сарсабил хоним, - Кечагина бизга Махфий хона қаердалигини биламан деган эдингиз, эсингиздами?

- Мен?... Мен фақат... - тўнғиллади Чаруальд.

- Махфий хонага қандай махлук қамаб қўйилганлигини мутлақо аниқ билишингизни менга айтган эдингиз, а?

- Шундайми? Ёдимдан қўтарилибди...

- Мен эса, Хагрид хибсга олингунга қадар айтган гапларингизни жуда аниқ эслайман, - деди Снегг, - Ўшанда сиз махлукни тутиб олишингизга имкон беришмаганидан ачинганингизни айтган эдингиз. «Ҳамма ўзига дахли бўлмаган ишга аралашавериб, охир-



пировардида унинг пачаваси чиқди. Аслида эса иш бошида менга тўла эрк бериб, хаммасини танҳо ўзимга қўйиб бериш керак эди» деган сўзлар муаллифи сиз эмасми? Ҳанг-манг бўлиб қолган Чаруальд ҳамкасбларнинг тошдай қотган юзларига бир-ма-бир қараб чиқди.

- Мен... аслида мен бирор маротаба ҳам... сизлар мени нотўғри тушунган кўринасиз...

- Хўш, ундай бўлса, марҳамат. Махлукни тутиш вазифасини тўла-тўқис сизга топширамыз, - деди профессор Макгонагалл қатъий оҳангда, - Мана сизга, ўзингизни намоён этишингиз учун ажойиб имконият. Махлукни мустақил равишда тутиб олишингиз мумкин. Ваъда бераман-ки, сизнинг йўлингизга ҳеч қайси биримиз тўғонок бўлмаймиз. Ниҳоят сизга тўла эрк берилиб, барча ишлар танҳо ўзингизга қўйиб берилади.

Чаруальднинг юзи умидсиз киёфа касб этиб, атрофга аланглаб чиқди. Бироқ ҳеч ким унга тарафдор бўлмади. Бечора ўзининг ташқи жозибadorлигини бир неча дақиқа ичида йўқотди-қўйди. Тишининг оқини кўрсата олмаган лаблари титраб, иродаси йўқ кишига ўхшаб қолди.

- Ж-ж-жуда с-соз, - ғудуллади ниҳоят у, - Мен... ўз хизмат хонамга борай... ҳозирлик к-кўриб олишим керак... - деди-да, ўқитувчилар хонасидан ўқдай учиб чиқди.

- Хўш, - деди нафратдан бурун катаклари катталашиб кетган профессор Макгонагалл, - Ҳар қалай бу тутуриксиздан қутулдик-ку. Оёқ остида бир пас ўралашмай туради. Энди мудирлар бўлиб ўтган ҳодиса ҳақида ўз тасарруфидаги коллеж ўқувчиларига тегишли ахборот бериб, «Хогварц-Экспресс» эртага тонг сахар йўлга чиқишини маълум қилишлари лозим. Илтимос, улардан ҳеч қайси бири ўз коллежининг умумий меҳмонхонасини тарк этмаслигини кузатиб боринг.

Ўқитувчилар бирин-кетин хонадан чиқиб кетишди.

Бу кун Гаррининг ҳаётидаги машъум кунлардан бири, эҳтимол энг мудҳиш кун бўлди. Гарри, Рон, Фред ва Жорж «Гриффиндор» коллежининг умумий меҳмонхонасидаги олис бурчакка биқиниб олиб, бир сўз демай сукут сақлаб ўтиришди. Перси уларга қўшилмади. У ота-онасига бойқуш йўллаб қайтгач, ётоқхонасига кириб кетди.

Муқаддам ўтган кунлардан бирортаси бу қадар узоқ чўзилмаган. «Гриффиндор» минораси одамга тўлиб-тошган бўлса-да, унда бундай сукунат ҳеч қачон ҳукм сурмаган. Мақсадсиз ўтиришга ортиқ бардош бера олмаган эгизаклар кун ботар маҳалда ўз ётоқхоналарига кириб кетишди.

Рон эса ўқитувчилар хонасидаги кийим жавонига киргандан буён илк бор тилга кирди.

- У ниманидир билган, Гарри. Шу боис ҳам уни ўғирлашган. Жинна аслида Перси ҳақида эмас, афтидан Махфий хона ҳақида нимадир айтмоқчи бўлган бизга. Айнан шунинг учун ҳам уни... - Рон ғазаб ила кўзининг ёшини артиб олди, - Тушуняпсан-ми, Гарри, у ахир асилзода сеҳргар. Уни олиб кетишлари учун бошқа сабаб йўқ.

Гарри қондай қип-қизил қуёш уфқ ортига чўкиб кетаётганини томоша қилиб ўтирди. У ҳали ҳеч қачон ўзини бундай жирканч сезмаган. Қани энди уларнинг қўлидан бирор иш келса. Лоақал бирор чора кўра олишса.

- Гарри, - сўради Рон, - Нима деб ўйлайсан, зиғирдай бўлса ҳам умид борми унинг... ўзинг тушуниб турибсан-ку.

Гарри нима деб жавоб қайтаришни билмади. Жинна ҳамон тирик эканлигига у ишонмайди.

- Биласанми, нима қиламиз? - бирдан жонланиб кетди Рон, - Фикримча, бориб Чаруальд билан гаплашиб кўришимиз керак. Унга ўзимиз билган нарсаларни айтиб берамиз. Махфий хонага киришга уриниб кўрсин. Ўша хона жойлашган жой борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашамиз. Василиск ҳақида ҳам уни хабардор қиламиз. Миясига бошқа фикр келмаганлиги ва қўлини ковуштириб ўтира олмаслигини билган Гарри рози бўлди. Атрофда ўтирган гриффиндорчилар шу қадар ғамгин ва Уэслиларга шу қадар ҳамдард эдики, ўз креслоларидан туриб, меҳмонхона ўртасидан ўтиб, Семиз Хола портрети тўсиб турган туйнук орқали чиқиб кетишган Гарри билан Ронни тўхтатиб қолишга ҳам ярамадилар.

Чаруальднинг хизмат хонаси томон пастлаб борилган сари зулмат калинлаша борди. Хона ичида аллақандай иш қайнаб, тез-тез босилаётган қадам товушлари, нималарнингдир шарақлагани-ю, шитирлагани эшитилди.

Гарри эшик тақиллатди. Ичкарида безовта сукунат чўмгани сезилиб, сал ўтгач, эшик ниҳоятда тор очилди ва болаларга Чаруальднинг чўчиб кетган кўзлари кўринди.

- Ох, мистер Поттер, мистер Уэсли, - гўлдиради у, эшикни сал каттароқ очиб, - Мен жуда бандман, сизларга бисёр вақт ажрата олмайман...

- Профессор, сизга етказадиган маълумотларимиз бор, - деди Гарри, - Фикримизча, бу сизга қўл келиши даркор.

Чаруальднинг болалар томон қараган юзида парокандалиқ аломати сезилди.

- Эээ... хўш... бу унчалик... Айтмоқчиман-ки... хўш... хўп, майли...

У эшикни очиб, болаларни ичкарига киритди.

Чаруальднинг хизмат хонаси деярли тўла-тўқис хароб ҳолатга келиб қолган. Деворлар яланғоч. Полда қопқоғи очик иккита сандик турибди. Улардан бирига сут ранг, яшил, нафармон, тунги осмон рангидаги ғижим коржомалар, иккинчисига эса китоблар уюми тартибсиз жойланган. Илгари деворни безаб турган фотосуратлар эса ёзув столи устидаги яшиқларга суқиб киритилган.

- Сиз сафарга отланган кўринасиз-ми? - сўради ҳеч нарсани тушунмай қолган Гарри.

- Умуман айтганда, шундай деса ҳам бўлади, - деди Чаруальд ва эшикнинг ичкари томонидаги ўзининг одам бўйи баробар тасвири туширилган плакатни юлиб олиб, ўрай бошлади, - Мени чақириб қолишди... шошилишча иш экан... рад этиб бўлмайди... боришим керак...

- Мени синглим нима бўлади? - узук-юлуқ сўради Рон.

- Бу масалага келсак... нима ҳам қила олардик... нохушлиқ, албатта... - гудуллади стол тортмасидаги нарсаларни қоғоз халтага ташлаётган Чаруальд болалардан кўзини олиб қочганча, - Мендан ортиқ ким ҳам афсус қиларди...

- Ахир сиз ёвузлик кучидан ҳимоя фани ўқитувчисисиз-ку! - қичкириб юборди Гарри, - Ёвузлик кучлари томонидан қонунга хилоф қилмишлар амалга ошириляётган шундай маҳалда мактабни ташлаб кетишга қандай журъат этишингиз мумкин?!

- Таъқидлаб ўтиш жоизки... мени ишга таклиф қилишляётганда... - гапни мужмал қилди Чаруальд, пайпоқлар ғарамини кўйлақ устига ташлар экан, - Зиммамга юкланган вазифалар тавсифида айрим мажбуриятлар кўзда тутилмаган... мен қутмаган...

- Жуфтакни ростлаб кетяпман демоқчисиз шекилли, шундайми? - сўради ўз қулоқларига ҳамон ишонмай турган Гарри, - Ахир китобларингизда ўз жасоратларингизни баён этиб...

- Китоблар баъзан ҳаётий воқеликни тўлиқ акс эттирмайди, - деди Чаруальд хушмуомала охангда.

- Бироқ сиз уларни ўзингиз ёзгансиз-ку! - бақириб юборди Гарри.

- Болақай, - деди қаддини ростлаган Чаруальд, биринчи маротаба Гаррига ковок солиб, - Миянгни ишга солиб, яхшилаб ўйлаб кўр. Ўша китобларда тавсифланган кароматларни мен ўзим кўрсатмаганимни одамлар билишса, китобларимнинг харид суръати ҳозирги сотув суръатининг ярмига қадар ҳам етиб бормаган бўлар эди. Афсун билан бошқа тусга қирган махлуклардан юзта қишлоқни халос этган бўлса ҳам, ўша башараси бужмайиб кетган қари армани-жодугар ҳақида ўқиш ҳеч кимга қизиқ эмас. Унинг сурати китоб муқовасида қандай кўринишини ўзинг тасаввур қилиб кўр! Нариги дунёдан вакил бўлиб келган аёл Бэндонни қувиб солган афсунгар аёлнинг эса лаби тиртиқ бўлган. Тушундинг-ми? Шундай экан, қўй баслашмайлик...

- Яъни сиз, бошқалар кўрсатган жасоратларни ўғирлаб, ўзингиз намоён этган жасоратлар сифатида ёзгансиз, шундайми? - хитоб қилди Гарри, ханузгача кўрган, эшитганига ишонмай.

- Гарри, Гарри, - бош чайқади Чаруальд, - Бу иш сен айтганча осон кечмаган. Ахир мен ҳазилакам меҳнат қилдим-ми. Мен ўша одамларни изладим, қидириб топдим, қайси ишни қандай бажарганини батафсил суриштириб билдим. Тўғри, уларга нисбатан Унуттириш

афсунини қўллаш, хотираларини йўқотишга тўғри келди, албатта. Шундай экан, мен анчагина меҳнат қилдим, Гарри. Бу шунчаки, китобга дастхат қўйиб бериш ёки журнал муқовалари учун суратга тушиш эмас. Модомики, шон-шуҳрат қозонишни истар экансан – оғир ва машаққатли меҳнатга ҳозирлан!

У сандиқларнинг қопқоқларини ёпиб, қулфлади.

- Ҳўш, ҳеч нарсани унутмадим шекилли. Фақат кичик бир иш қолди холос.

У сеҳрли таёқчасини чиқарди-да, болаларга юзланди.

- Мени маъзур қўринг-у, йигитчалар, бироқ сизларга нисбатан ҳам Унуттириш афсунини қўллашимга тўғри келади. Менинг кичик сирларим ҳақида жаҳонга жар солишингизга йўл қўя олмаслигимни ўзингиз тушуниб турган бўлсангиз керак. Акс ҳолда бирорта ҳам китобимни сота олмай қоламан...

Аммо Гарри чакқонроқ ҳаракат қилди. Чаруальд таёқчасини кўтаришга улгурмай туриб, Гарри бўкириб юборишга улгурди.

- «Экспеллиармус!»

Ортга тисарилиб кетган Чаруальд сандиққа қоқилганча, оёғи осмондан келиб қулади.

Унинг қўлидан чиқиб кетиб, ҳавога учган таёқчасини эса Рон тутиб олиб, деразадан улоқтириб юборди.

- Бизга бундай қилиқ бажаришни ўргатишга профессор Северусга ижозат бермаслик керак эди, - дарғазаб ириллади Гарри, сандиқни тепиб, четга сурар экан.

Яна заиф, химояга муҳтож киши ҳолатига тушиб қолган Чаруальд полда ётганча Гаррига қараб қолди. Гарри эса ҳамон Чаруальдга таёқча ўқталиб турибди.

- Мендан нима истайсиз? - сўради Чаруальд титраб қолган овози билан, - Махфий хона қаерда эканлигини билмайман. Сизларга ҳеч қандай ёрдам бера олмайман.

- Омадингиз бор экан, - деди Гарри, таёқчасининг учи билан Чаруальдни оёққа туришга мажбур қилиб, - Махфий хона қаердалигини ҳам, унинг ичида қандай махлуқ борлигини ҳам биз яхши биламиз. Туринг, биз билан юринг.

Болалар Чаруальдни қоронғи йўлакка чиқариб, деворига мудҳиш ёзувлар ёзилган Дилгир Миртлнинг хожатхонаси томон етаклаб кетишди.

Хожатхонага биринчи бўлиб Чаруальд туртиб киритилди. Гарри ичиқоралик билан ўқитувчининг даҳшатдан титраётганини пайқади.

Дилгир Миртл хожатхонанинг нариги бошидаги унитазнинг четида ўтирган экан.

- Ҳа, яна сен-ми? - қулиб қўйди Гаррини кўрган Миртл, - Энди нима керак бўлиб қолди сенга?

- Қандай ўлганингни билмоқчиман, - сўради Гарри, киноя ва шамасиз.

Гаррининг саволини эшитган Миртлнинг қиёфаси бир сонияда таниб бўлмас даражада ўзгариб бахтиёр юзи, туғилганидан буён бундай ёқимли саволни эшитмаган қизалоқнинг чехраси каби ёришиб кетди.

- Ооооо, бу жуда даҳша-а-ат ила кечди, - ҳузур қилиб сўзлай бошлади Миртл, - Бу айнан шу ерда юз берди. Мен мана бу бўлмада ўлдим. Ҳамма нарсани яхши эслайман. Кўзойнақ тақиб юрганим учун Оливия Хорнби мени мазах қилгани сабабли эшикни ичкаридан ёпиб олиб, йиғладим. Кейин кимдир кириб, қандайдир тушунарсиз сўзларни талаффуз этганини эшитиб қолдим. Фикримча у, бошқа тилда гапирди. Лекин мени хайрон қолдирган томони бу сўзларни қизлар хожатхонасига кириб олган ўғил бола гапирди. Мен унга бу ерга кириш мумкин эмаслиги, ўз хожатхонасига бориши кераклигини айтмоқчи бўлиб эшикни очдим-у... - Миртл маъноли нафас чиқариб, юзини ёриштирди, - Ўлиб қолдим.

- Нимадан ўлдинг? - сўради Гарри.

- Билмайман, - жавоб қайтарди Миртл қўрқинчли пичирлаб, - Мен фақат бир жуфт сапсарик, қатта-қатта кўз кўрганимни эслайман холос. Баданим тошдай қотиб қолганини биламан. Ўлдим-да, нари учдим... - у хаёлчанлик билан Гаррига қараб қўйди, - Кейин боз қайтиб келдим. Тушунапсан-ми, мен Оливия Хорнбини таъқиб қилиб юришга қарор қилдим. У кўзойнагим устидан қулиб юргани учун кўп пушаймон бўлди.

- Қаерда кўринди ўша бир жуфт кўз? - сўради Гарри.

- Қаердадир, анави ерда, - ноаниқ кўрсатди Миртл, ўзи ўтирган унитаз қаршисидаги чиғаноқ томон қўл узатиб.

Гарри билан Рон Миртл кўрсатган чиғаноқ томон отилди. Юзи ўларча дахшатли қиёфа касб этган Чаруальд эса ортда турганича серрайиб қолди.

Болалар чиғаноқнинг ички томонини ҳам, ташқи томонини ҳам, ҳатто остидаги қувурларни ҳам дюйм-ма-дюйм кўздан кечириб чиқиб, бирон-бир ғайриоддий аломат топа олишмади. Шунда Гарри мис жўмракнинг бир томонига миттигина илончанинг тасвири ўйиб туширилганлигига эътибор қаратди.

- Бу жўмрак ҳеч қачон ишламаган, - қувониб маълум қилди Миртл, жўмракни очишга уринган болаларга.

- Гарри, - пичирлади Рон, - Бирон нима де-чи. Серпентарго тилида гапириб кўр-чи.

- Ҳа, лекин...

Гарри бир оз ўйланиб қолди. Серпентарго тилида икки маротаба гапирганида илон билан юзма-юз турган эди. У фикрини митти ўймага тасвирга жамлаб, уни ҳақиқий илон деб тасаввур қилди-да:

- Очил, - деди ва ўртоғига қараб қўйди.

- Инглизча, - деди Рон, бош чайқаб.

Гарри яна тасвирга қараб, ўзига ўзи уни тирик илон деб тасаввур қилишни буюрди.

- Очил, - деди у.

Лекин у оғзидан «очил» сўзи эмас, қандайдир вишиллаган товуш чиққанини эшитди. Дафъатан чиғаноқ жўмраги кўзни қамаштирадиган даражада олмос тус касб этиб, айлана бошлади. Кейинги сонияда чиғаноқнинг ўзи ҳаракатга келди. Аниқроқ айтиладиган бўлса, у қаёққадир ғойиб бўлиб, ерда, катта ёшли одам бемалол сиғадиган даражада кенг қувур оғзини очиб қўйди.

Гарри Роннинг жониқиб нафас олаётганини эшитиб, кўзини кўтарди-да, нима қилиш кераклигини англади.

- Мен пастга кириб кетаман, - қатъий баёнот қилди у.

Асрлар оша не-не сеҳргар ва афсунгарлар топа олмаган Махфий хонани энди топганда, зиғирдай, деярли умидсиз, арзимас бўлса ҳам Жиннани қутқариш имкони туғилган пайтда тўхтаб қолишни бола хаёлига ҳам келтирмади.

- Мен сен билан бирга бораман, - деди Рон.

Қутилмаган танаффус юзага келди.

- Сизларга фойдам тегишига шубҳа қиламан, - деди юзига илгаригидай кулги югурган Чаруальд бепарво охангда, - Мен бор-йўқ...

У қўлини эндигина эшик дастасига қўйган эди ҳам-ки, икковлон бола унга сеҳрли таёқчаларини ўқтади.

- Биринчи бўлиб сиз тушасиз! - буюрди Рон.

Таёқчасиз, юзи бўрдай оқариб кетган Чаруальд қувур оғзига яқинлашди.

- Болалар, - пичирлади у, базўр эшитилган овози билан, - Болалар, шу ишингиздан бирон-бир наф чиқади деб ўйлайсиз-ми?

Гарри таёқчасини ўқитувчининг белига такади. Чаруальд ерга ўтириб, оёқларини қувур ичига туширди.

- Ростини айтадиган бўлсам, - гап бошлади у.

Бироқ Рон уни тепиб юборгач, пастга сирпаниб, кўздан ғойиб бўлди. Гарри шу заҳоти унинг кетидан тушишга ошиқди. У аста қувур ичига тушиб, қўлларини бўшатди.

Зулмат ичра чексиз сирпаниш. Пастлаб бораётган бола бошқа йўналишлар ҳосил қилганча ажраб кетган қувурларни базўр илғаб борди. Гарри қувурнинг эгилиб бурилгани ва тобора қаёққадир ичкарига, ер қаърига киргани, қаср ертўлаларидан анча пастга тушиб кетаётгани, ортидан эса қувур бурилган жойларда танаси қаттиқ урилиб келаётган Роннинг бақириб яқинлашаётганини англади.

Сирпаниш жараёни ниҳоясига етганда нима бўлиши мумкинлиги ҳақида эндигина ташвиш чека бошлаган Гарри қувур оғзидан отилиб чиқиб, тикка туриб олиш учун

етарлича баланд бўлган қоп-қоронғи тош туннелнинг зах ерига гупиллаб тушди. Шилимшиқдан ҳўл бўлиб, арвоҳдай оқариб кетган Чаруальд эндигина оёққа тураётган экан. Гарри қувур оғзидан нари қочган эди ҳам-ки, ундан Рон отилиб чиқди.

- Биз қаср остига, кўплаб миля чуқурликка тушиб кетдик шекилли, - фикр билдирди Гарри.

Унинг овози қоронғи туннель ичида акс садо бўлиб эшитилди.

- Эҳтимол кўл остига тушгандирмиз, - кўшимча қилди Рон, шилимшиқ қоплаган қора тусли туннель деворига синчковлик билан қараб.

Учаласи ортга бурилиб, номаълум томон олиб борадиган мудҳиш бўшлиққа юзланди.

- «Люмос!» - ғудуллади Гарри ўз таёқчасига.

Таёқчаси ёруғлик нуруни тарата бошлагач, Рон билан Чаруальдга юзланиб:

- Кетдик, - деди ва ҳўл полни шалп-шулп қилганча, йўл бошлади.

Йўл шу қадар қоронғики, икки қадам олдинда ҳеч нарса кўринмайди. Уларнинг сеҳрли таёқчадан чиқаётган ёруғлик нуридан ҳосил бўлган соялари туннелнинг зах деворларида дахшатли махлуқлар аксидай кўринди. Учаласи аста-секин одимлаб кетди.

- Ёдингизда бўлсин, - огоҳлантирди Гарри пичирлаб, - Сал бўлса ҳам шитирлаган товуш эшитишингиз билан кўзингизни маҳкам юмиб олинг.

Аммо туннелда лаҳад ичидагидек ўлик жим-житлик ҳукм сурмоқда. Биринчи кутилмаган товуш каламушнинг бош суягини босиб олган Рон оёғининг остидан чиқди. Гарри таёқчасини пастроқ тушириб, ерни турли туман майда ҳайвонлар суяги қоплаганини кўрди. Улар қидириб келган Жинна қай ҳолатда бўлиши ҳақидаги ўйни миясидан ҳайдаб чиқаришга уринган Гарри астагина учаласи бораётган қувур кескин бурилган муюлиш ортига ўтди.

- Гарри... анави ерда нимадир бор... - хириллади Рон, Гаррининг елкасини ушлаб олиб.

Улар қилт этмай, нима бўлишини кутиб туришди. Гарри туннель ўртасида ҳаракатсиз ётган ниҳоятда йирик жисмнинг яққол кўринаётган сиртки шаклини фарқлай олди.

- Ухлаяпти шекилли, а? - сўради у ўз ҳамроҳларига юзланганча, паст овозда.

Чаруальд кафтларини кўзларига маҳкам босиб олган. Гарри яна ўша жисмга қаради. Унинг юраги шундай қаттиқ ура бошладики, ҳатто кўкрак қафаси оғриб кетди.

Гарри сеҳрли таёқчасини баланд кўтарди ва кўзларини имкон қадар тор қисиб олганча, жисм томон аста одимлай бошлади.

Таёқча нури туннель полида жимжимадор эшилиб, бўшаб ётган ниҳоятда йирик, оч яшил рангли илон пўстини ёритди. Бундай пўст ташлаган махлуқнинг узунлиги йигирма футдан қисқа эмаслигига шубҳа йўқ.

- Дахшат, - пичирлади Рон.

Кутилмаганда орқа томонда аллақандай ҳаракат эшитилди. Манзарани кўрган Сверкароль Чаруальд оёғида тура олмайдиган бўлиб, ерга кулаб тушибди.

- Тур ўрнингдан! - кескин буюрди Рон, таёқчаси билан таҳдид солиб.

Чаруальд оёққа тура бошлади-да, дафъатан Ронга ташланиб, уни ерга босиб олди.

Гарри иккаласи томон ташланди-ю, кеч бўлди. Роннинг сеҳрли таёқчасини қўлга киритиб, мамнун тиржаяётган Чаруальд хансираб оёққа турди.

- Саргузаштлар ниҳоясига етди, болақайлар! - тантанавор қичқирди у, - Мен мана бу илон пўстининг бир бўлагини мактабга олиб чиқаман-да, кизалокни қутқаришга кеч қолганим, сиз иккалангиз эса унинг абжағи чиқиб кетган жасадини кўриб хотирангизни йўқотиб қўйганингизни маълум қиламан. Бўлди, бас! Хотирангиз билан видолашинг!

У сеҳргарлар тасмаси билан ўралган синик сеҳрли таёқчани боши узра кўтарди-да, қаттиқ қичқирди:

- «Обливиато!»

Кичик бомба портлаган каби портлаш янгради. Гарри шифтдан тушаётган катта харсангларга чап бериб, бошини маҳкам ушлаб олганча илон пўстига қоқилиб нари қочди. Кейинги фурсатда эса кулаб тушган тошлар уюмидан ҳосил бўлган девор қаршисида турганча, ёлғиз қолди.

- Рон! - кичкирди Гарри, - Омонмисан, Рон? Рон!  
 - Мен шу ердаман! - эшитилди Роннинг уюм ортидаги бўғиқ овози, - Мен-ку, соппа-соғман, мана бу аҳмоқ эса... хотирасини батамом йўқотиб қўйганга ўхшайди.  
 Тош девор ортида «Вой жоним-ей!» деган овоз чиқди. Афтидан Рон Чаруальднинг тегиш мумкин бўлмаган жойига жон-жаҳди билан тепган кўринади.  
 - Энди нима қиламиз? - эшитилди Роннинг умидсиз саволи, - Биз ўта олмаймиз. Бунга бир умр вақт керак бўлади...  
 Гарри шифтга қараб, унинг кенг ёрилган жойларини кўрди. У сеҳр воситасида бундай қалин деворни ҳали бузиб кўрмаган. Ҳозир эса ўзини синаб кўриш мавриди эмас. Туннель босиб қолиши мумкин.  
 Девор ортида яна бир зарба ва яна бир бор «Вой жоним-ей!» сўзлари эшитилди. Вақт кетяпти. Жинна Махфий хонага олиб кириб кетилган фурсатдан эътиборан кўп соат ўтди...  
 Гарри учун бошқа йўл йўқ.  
 - Чаруальд иккалангиз шу ерда кутинг, - кичкирди у Ронга, - Мен йўлни давом эттираман...  
 Агар бир соатдан сўнг қайтмасам...  
 Оғир сукунат чўмди.  
 - Мен эса сен чиқа олишинг учун мана бу тош уюмида раҳна очишга уриниб кўраман, - деди Рон, овозининг титраётганини сездирмасликка уриниб, - Ха, яна бир гап... Гарри...  
 Агар...  
 - Кўришгунча, - деди Гарри, овозига ўз кучига комил ишонч оҳангини беришга уриниб. Бола бўш ётган илон пўсти ёнидан юриб, нари кетди.  
 Тез орада Роннинг тош уюмида туйнук очиш ҳаракатлари эшитилмай қолди. Туннелнинг бурилган жойлари жуда кўп. Гаррининг тақим пайлари қалтирагани қалтираган. У бир вақтнинг ўзида ҳам туннель бирон жойга олиб бориб, ниҳоясига етишини истарди, ҳам айна ўша фурсат етишидан кўрқарди. Ниҳоят, сўнгги муюлиш ортига ўтгач, Гарри бир-бирига ўралашиб кетган бир жуфт илон тасвири ўйилган деворни кўрди. Илонлар кўзида йирик зумрадлар ярқираб турибди.  
 Томоғи қуриб қолган Гарри деворга яқин борди. Кўзлари жонли кўринган ушбу тош илонлар ҳақиқий эканлигини тасаввур қилиши шарт эмас.  
 Бола нима қилиш кераклигини фаҳмлади. У томоғини қириб олди. Айна пайтда илонларнинг зумрад кўзлари юмилиб очилди ёки болага шундай туюлди.  
 - Очил, - деди Гарри бўғиқ вишиллаб.  
 Дафъатан илонлар бир-биридан ажралиб, улар ўртасидаги девор икки бўлинди-да, табақалари икки томон товушсиз сурилиб, кўздан ғойиб бўлди. Вужуди титраб кетган Гарри ичкарига қадам ташлади.

## **XVII БОБ.**

## **СЛИЗЕРИН ВОРИСИ**

Гарри хира ёритилган узун залга кириб қолди. Зални қамраб олган яшил тусли ғайриоддий ним қоронғилиқда киши кўзи илғамас шифтга кўтарилиб кетган, бир-бирига ўралашиб олган илон жуфти шаклига эга дароз тош устунлар полга чўзинчок қўланка ташлаб турибди.  
 Юраги қутуриб кетгандай ураётганини ҳис этаётган Гарри совуқ сукунатга кулоқ тутди. Эҳтимол Василиск ҳў анави қоронғи бурчакка бикиниб олгандир? Жинна қаерда бўлиши мумкин?  
 У сеҳрли таёқчасини қўлига олиб иккита илон-устун орасига одимлади. Унинг астагина босган ҳар бир қадами қоронғи хона деворларидан янгроқ акс-садо бўлиб қайтмоқда. У кўзларини қисиб юришни ёдидан чиқармай, сал шитирлаган овоз эшитилиши билан чирт юмиб олишга тайёр. Тош илонларнинг бўм-бўш кўз косалари Гаррининг ҳар бир ҳаракатини кузатиб тургандай гўё. Бола ушбу хонада аллақандай ҳаракат юз бераётгани-ю, қорин бўшлиғида бир нарса узилиб кетаётганини сезгандай бўлди.  
 Сўнгги устунлар жуфтлигига яқин келиши билан унинг қаршисида зал бўйи баробар

хайкал пайдо бўлди.

Нихоятда катта кул ранг оёқлари билан силлиқ полда мустахам турган хайкалнинг қадимий ва нимаси биландир маймуннинг башарасини эсга соладиган, энсиз соқоли сеҳргарлар ридосининг этагигача тушган баҳайбат юзини кўриш учун бошини анча орқага ташлашга тўғри келди. Ҳайкал оёқларининг орасида эса олов ранг малла сочли, қора коржомга кийган одамча юзи ерга қараган ҳолатда ётибди.

- Жинна! - пичирлади Гарри.

У қизалоқ ёнига югуриб бориб, тиз чўқди.

- Жинна, ўлма, ўтинаман, ўлма.

Гарри таёқчасини четга ташлаб, Жиннанинг елкасидан ушлади-да, уни белига ағдарди. Қизалоқнинг юзи мармардай оқариб, муздай бўлиб қолган бўлса ҳам кўзлари юмук. Бу эса, унинг Донг қотмаганлигидан далолат беради. Демак Жинна...

- Жинна, илтимос, кўзингни оч, - ёлворди Гарри, қизалоқнинг елкасидан силтаб.

Аммо Жиннанинг жонсиз боши фақат у ёқ бу ёқ чайқалар эди холос.

- У энди хушига келмайди, - эшитилди кимнингдир паст овози.

Гарри сесканиб, тиззада ўтирган жойида овоз чиққан томонга ўгирилди.

Новча бўйли қора сочли йигитча яқин орадаги устунга суяниб олганча, Гаррига қараб турибди. Йигитча баданининг ташқи четлари худди унга терлаган шиша орқали қаралаётган каби кучли емирилган. Шундай бўлса ҳам уни бошқа биров билан адаштириш қийин...

- Том... Том Реддль?

Реддль Гаррининг юзидан кўзини узмай бош иргиди.

- Нима учун уни хушига келмайди деяпсан? - умидсиз сўради Гарри, - У... у...

- Йўк, у хозирча тирик, - жавоб қайтарди Реддль, - Аммо жалажон.

Гарри йигитчага тикилиб қолди. Том Реддль «Хогварц»да эллик йил муқаддам тахсил кўрган. Шундай бўлса-да, мана у, эндигина ўн олти ёшга кирган йигитча сифатида хаёлий шарпа сингари товланиб турибди.

- Сен арвохмисан? - иккиланиб сўради Гарри.

- Хотираман, - жавоб қайтарди Реддль, - Эллик йил қундалиқда сақланган хотираман.

У полга имо қилди. Ҳайкалнинг мисли кўрилмаган даражада катта оёғи ёнида Дилгир Миртлнинг ҳожатхонасидан топилган қундалиқ очилиб ётибди. Ушбу қундалиқ бу ерга қай тарзда келиб қолганини бир неча сония ўйлаб қолган Гаррининг эътиборини айна пайтда кечга қолдириб бўлмайдиган бошқа ишлар чалғитди.

- Сен менга ёрдам беришинг керак, Том, - деди Гарри, Жиннанинг бошини боз кўтариб, - Уни зудлик билан юқорига олиб чиқишимиз керак. Бу ерда Василиск бор... хозир қаердалигини билмайман-у, лекин ҳар қандай фурсатда пайдо бўлиб қолиши мумкин... Илтимос... менга ёрдам бер...

Реддль жойидан қилт этмади. Гарри терга ботиб қизалоқ танасининг ярмини ердан кўтарганча, оёққа турди-да таёқчасини олмоқчи бўлди... Таёқча йўк.

- Сен менинг сеҳрли таёқчамни кўрмадинг-ми?... - сўради у нигоҳини Реддлга қаратиб.

Реддль ханузгача Гаррини кузатар ва узун бармоқлари билан унинг таёқчасини айлантириб турар эди.

- Раҳмат, - деди Гарри таёқчани олиш учун қўл узатиб.

Реддль кулиб қўйди. У Гарридан кўзини узмай, эринчоқлик билан таёқчани айлантирмоқда.

- Қулоқ сол, - деди Гарри, Жиннанинг танаси оғирлигидан тиззаси букилиб кетиб, - Биз кетишимиз керак! Агар Василиск пайдо бўлиб қолса...

- Биров чақирмаса келмайди, - деди Реддль, пинагини бузмай.

Мадори қолмаган Гарри Жиннани полга ётқизди.

- Нимани назарда тутяпсан? - сўради у, - Реддль, таёқчамни қайтариб бер. У менга керак бўлиб қолиши мумкин...

Реддлнинг юзидаги табассум янада кенгайиб кетди.

- Энди керак бўлмайди, - деди у ишонч билан.  
 Ҳеч нимани тушунмай қолган Гарри Реддлга тикилиб қолди.

- Керак бўлмайди деб, нимани назарда тутяп...

- Бу фурсатни, - гапни бўлди Реддль, - Яъни сен билан юзма-юз келиш, сен билан гаплашиш фурсатини узоқ кутдим, Гарри Поттер.

- Назаримда сен ҳеч нарсани тушунмаган кўринадан, - деди сабр қосаси тўлган Гарри, - Биз Махфий хонадамиз. Гаплашиш қочиб кетмайди. Бу ердан чиқиб олгандан сўнг истаганча гаплашаверамиз...

- Йўқ, шу ерда гаплашиб олишимизга тўғри келади, - деди Реддль кулганча, Гаррининг таёқчасини чўнтагига солиб.

Гарри кўзларини катта очганча Реддлга қараб қолди. Қандайдир ғалати ҳолат...

- Нима учун Жинна мана бундай аҳволда ётибди? Унга нима қилди? - сўради у шошилмай.

- Жуда яхши савол, - деди Реддль ёқимли овоз билан, - Бироқ жавобини узоқ эшитишга тўғри келади. Фикримча, Жинна ўзининг қалб сўзлари, юракдаги сирларини мутлақо нотаниш кишига очиб, ўз бошига кулфат топди. Мана нима қилди унга.

- Нималар ҳақида гапиряпсан? - тушунмади Гарри.

- Кундалик ҳақида, - содда жавоб қайтарди Реддль, - Ўзимнинг кундалигим ҳақида гапиряпман. Кичкинтой Жинна ушбу кундаликни кўп ойлар давомида юритиб борди. У ўзининг арзимас ташвишлари-ю, хавотирларини, акалари мазах қилаётгани, мактабга бегона одамлар кийиб эскиртишган кийимда, эски китоблар билан келишга мажбур бўлганини ва, - гапнинг шу ерига келганда Реддлнинг кўзлари ярқираб кетди, - Ва буюк, машҳур ва барно йигитча Гарри Поттер унга оз бўлса ҳам эътибор қаратишига умид қилмаслигини кундалигимга тўкиб сочди...

Ушбу гапларни гапирар экан, Реддль, қандайдир очлик ифода этган нигоҳини Гарридан узмай турди.

- Ўн бир ёшли қизалоқнинг аҳмоқона, арзимас муаммолари билан яшаш ниҳоятда зерикарли кечди, - гапини давом эттирди Реддль, - Бироқ мен сабр-тоқатли бўлдим. Мен у билан гаплашдим, меҳр кўрсатдим, ҳамдард бўлиб, жавоб ёзиб бордим. Жинна мени ёқтириб қолди. «Мени ҳеч ким сен каби тушунмайди, Том... Ўз сир-асрорларим билан ўртоқлашадиган шундай кундалигим борлигидан жуда хурсандман... бу қиссада олиб юриладиган дўстга эга бўлишдек гап...» дер эди у.

Реддль хандон отиб юборди. Унинг қулгиси шундай совуқ ва шафқатсиз эшитилдики, ёшига ярашмади. Қандайдир таниш қулгини эшитган Гаррининг сочлари тикка бўлиб кетди.

- Киши ўзи ҳақида шундай фикр билдириши жоиз бўлса, Гарри, мен ўзимга керак бўлган одамларни ҳар доим ўзимга махлиё этишга муваффақ бўлиб келганман. Мана Жинна ҳам ўз юрагига йўл очиб берди. Унинг юраги эса менга керакли нарса бўлиб чиқди...

Қизалоқнинг сирли ташвишлари ва энг махфий гаплари билан озикланар эканман, менга куч қира бошлади. Жажжи мисс Уэслига нисбатан мен янада қудратли, ўз ҳукмимни ўтказа оладиган бўлиб, кучга қира бошладим. Мен шу қадар кучли бўлиб қолдимки, ҳатто ўз сирларимнинг бир қисмини Жиннага очиб, руҳимни унинг руҳига ўтказа бордим...

- Нимани назарда тутяпсан? - сўради томоғи баттар қуриб қолган Гарри.

- Сен ҳали тушуниб етмадинг-ми, Поттер? - тилёғмалик ила сўради Реддль, - Махфий хонани Жинна Уэсли очди. Мактаб хўрозларини бўғиб ўлдирган, деворга таҳдидли ёзув ёзган ҳам шу қизалоқ. Маглар орасидан чиққан тўрт нафар сеҳргар ва анави швахнинг мушугига Слизерин илонини солган ҳам Жинна бўлади.

- Йўқ, бўлиши мумкин эмас, - пичирлади Гарри.

- Йўқ эмас, ха, - лоқайд оҳангда эътироз билдирди Реддль, - Табиийки, шунча ишларни айнан ўзи қилганини дастлаб у тасаввур ҳам этмаган. Бу иш жуда мароқли кечар экан. Минг афсуски, унинг кундаликка ёзган иқрорларини ўқий олмайсан... Ёзувлари тобора қизикарли бўлиб бораверди.

Реддль, Гаррининг юзидаги ўзгаришларни кузатар экан, Жиннанинг кундаликка киритган



ёзувларидан цитата келтирди:

- «Қадрли Том. Назаримда хотирамни йўқотиб бормоқдаман. Менинг мактаб кийимимга хўроз патлари қаердан илашиб қолганини тасаввур эта олмаяпман... Қадрли том Хэллоуин байрами оқшомида нима билан машгул бўлганимни эслай олмаяпман. Ўша кеча мактабдаги мушуклардан бирига тажовуз уюштирилган, коржомамнинг олд томони эса бўёққа булганиб кетибди... Қадрли Том, Перси юзимдан қон қочгани, ўзимга ўзим ўхшамай қолаётганимни айтиб, холи-жонимга қўймапти... Бугун яна бир тажовуз содир этилди. Ўша пайтда қаерда бўлганимни боз эслай олмаяпман. Том, айт, мен нима қилай? Назаримда ақлдан озаётган кўринаман... Худди ҳаммага ўзим тажовуз қилаётгандай бўляпман, Том!»

Гарри муштини қаттиқ сиқиб олганидан тирноғи кафтига ботиб кетди.

- Тентакча Жинна! Ўз кундалигига ишонмай қўйиши учун кўп вақт керак бўлди, - хикоясини давом эттирди Реддль, - Ниҳоят у кундалиқдан шубхаланиб, ундан халос бўлишга уриниб кўрди. Ана шу пайтга келиб, ҳаёт сахнасида сен пайдо бўлдинг, Гарри. Кундалиқни айнан сен топиб олганинг мени чексиз қувонтирган ҳолат бўлди. Ахир кундалиқни ҳар қандай бошқа одам топиб олиши мумкин эди-ку. Бахтли тасодифни қаранг-ки, кундалиқни айнан мен учрашишим керак бўлган одам топиб олди...

- Нима учун мен билан учрашишинг керак эди? - сўради Гарри.

Нафрат тўлқинлари унинг вужудини шундай камраб олган эдики, овози вазмин чиқиши учун катта куч сарф этишига тўғри келди.

- Агар билмоқчи бўлсанг, Жинна сен ҳақингда деярли бор гапни айтиб берди, - жавоб берди Реддль, янада очқаб кетган нигоҳини Гаррининг пешонасидаги чандиққа тикиб, - Мен ўзинг билан гаплашишим ва имкон бўлса учрашишим кераклигини тушундим. Шу боис, ишончингни қозониш мақсадида сенга анави рандаланмай қолиб кетган ёғочга ўхшайдиган калтафаҳм Хагринд қўлга олинган кунни кўрсатишга аҳд қилдим...

- Хагринд менинг дўстим бўлади, - баёнот қилди Гарри титраб кетган овози билан, - Сен эса унинг устидан чақимчилик қилдинг, шундайми? Мен сени янглишган деб юрган эдим, сен эса...

Реддль яна совуқ хандон отиб юборди.

- Армандо Диппетнинг нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак, менинг кўрсатмаларимга қарши Хагринднинг кўрсатмалари нима бўлганини ўзинг тасаввур қилиб кўришинг мумкин. Бир томонда, Том Реддль фақир, аммо истеъдодли, етим, бироқ мард бола, мактаб синфбошиси, энг ибратли ўқувчи... Иккинчи томонда, ҳар хил нохушлиқлар манбаи бўлмиш дағал Хагринд. У аҳмоқ дам ёстиғи остида ҳар хил махлуқ болаларини боқадими-ей, дам Ман этилган ўрмонга кириб троллар билан муштлашиб чиқадими-ей... Нима қилганда ҳам менинг режам қор берганига ўзим хайрон қолдим. Анави тентак Хагринд Слизерин Вориси бўлиши мумкин эмаслигига бирон-бир кишининг ақли етиб қолади деб ўйлаган эдим. Махфий хона ва унга олиб қирадиган яширин йўл ҳақидаги маълумотларни йиғиш учун менга беш йил керак бўлди... Хагринднинг бунга ақли-ю, кучи етармиди! Фақат бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фани ўқитувчиси Дамблдоргина Хагринднинг айбсизлигига ишонди. У Хагриндни мактабда қолдириб, қоровуллик вазифасини топширишга Диппетни кўндира олди. Ўйлайман-ки, Дамблдор бор гапнинг фаҳмига етган. Қолган ўқитувчилар мени жуда ёқтирган бўлса ҳам, у мени хуш кўрмас эди...

- Онт ичиб айтаманки, Дамблдор сенинг кўзларингга қараб орқангни кўрган, - деди Гарри вишиллаб.

- Тўппа-тўғри, - деди Реддль, Гаррининг оҳангига парво ҳам қилмай, - Хагринд мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлаштирилган кундан эътиборан Дамблдор мени ниҳоятда синчковлик билан кузата бошлади. Мактабда таҳсил кўрар эканман, Махфий хонани такрор очишим мен учун хавфли эканлигини билар эдим. Бироқ уни излаб топишга сарф этган вақтимни иссиз, беҳуда йўқотишни истамадим. Ўзимдан кейин менинг ўн олти ёшлиқ давримни ўз саҳифаларида сақлайдиган, омад юришган кунлардан бирида Салазар

Слизерин бошлаган олижаноб ишни ниҳоясига етказиш учун бошқа бировни менинг изимдан етаклайдиган кундалик қолдиришга аҳд қилдим.

- Ва сен бунга муваффақ бўла олмадинг! - кичқирди Гарри музаффарият оҳангида, - Бу сафар ҳеч ким, ҳатто мушук ҳам ўлмади! Бир неча соатдан сўнг Мандрагора дармондориси тайёр бўлади ва Донг қотганларнинг ҳаммаси қайта жонланади...

- Ие, маглваччаларни ўлдириш энди менга қизиқ эмаслигини ҳали сенга айтмадим-ми? - сўради Реддль равон оҳангда, - Кўп ойлاردан буён мен учун ягона нишон сен бўлиб қолгансан!

Боз ҳеч нарсани тушунмаган Гарри Реддлга тикилиб қолди.

- Менинг кундалигимни сендан кейин яна Жинна очганини кўриб қанчалик жаҳлим чиққанини фараз қиляпсан-ми?! Сени кундалик билан кўрган ва агар сен ушбу кундалиқдан фойдаланиш йўлини билиб олсанг-у, унинг сирларини сенга ошқор қилиб кўйишимни, бунинг устига, хўрозларни ким бўғиб ўлдираётганини сенга айтиб берсам нима бўлишини ўйлаган Жинна саросимага тушиб қолди. Тентак Жинна вақт пойлаб, ётоғингга кирди-да, кундаликни ўғирлаб чиқди. Нима қилиш кераклигини тушундим. Слизерин Ворисининг изига тушганинг менга аён бўлди. Жиннанинг сен ҳақингда айтган гапларидан мен шуни тушундимки, сен, Махфий хона сирини фош этиш учун, айниқса, яқин дўстларингдан бирига тажовуз уюштирилса, ҳеч нарсадан тап тортмайсан. Бундан ташқари, сен серпентарго тилида сўзлаша билишингни бутун мактаб муҳокама қилаётганини Жинна менга айтиб берди... Шундан сўнг бечора Жиннани деворга ўзи ҳақида ёзув қолдиришга мажбур қилдим-да, уни бу ерга етаклаб кириб, яшириниб олдим. У қаршилиқ кўрсатди, йиғлади ва ўлгудай жонимга тегди. Бироқ бу вақтга келиб, унинг вужудидаги ҳаёт аломати деярли тугаб битган эди... У кундаликка, яъни менга, унинг саҳифаларини тарк этиб чиқишим учун етарли бўлган хаддан ортик куч сарф этди. Жинна мени шу ерга олиб келиб қолган фурсатдан эътиборан сени келишингни кутиб ўтирибман. Менинг умидимни пучга чиқармадинг. Сенга бир талай саволларим бор, Гарри Поттер.

- Масалан? - тупуриб юборгандай сўради Гарри, ҳамон қўлларини мушт қилиб.

- Масалан, - гапни чўзди Реддль хушмуомалаликча табассум қилиб, - Қандай қилиб сен, сеҳргарликнинг бирон-бир фавқулудда қобилиятига эга бўлмаган мажмағилгина гўдак бўла туриб, барча замонларнинг энг буюк сеҳргари устидан ғалаба қозона олдинг? Лорд Вольдемортнинг сеҳр кучи барҳам топган бўлса-ю, қандай қилиб сен атиги биттагина чандик билан қутулиб, омон қолдинг?

Реддлнинг очқаган кўзларида хира кизғиш олов кўринди.

- Сенга нима фарқи бор? - шошилмай сўради Гарри, - Вольдеморт сендан кейин пайдо бўлган.

Реддль паст, аммо аниқ овоз билан таъкидлади:

- Вольдеморт – менинг ўтмишим, бугунги куним ва келажагим бўлади, Гарри Поттер... У чўнтагидан Гаррининг сеҳрли таёқчасини чиқарди-да, ҳавода ярқираб кўринган сўзларни ёзди:

### **ТОМ МЕРВОЛОН РЕДДЛЬ**

Шундан сўнг у таёқчани аста силтаган эди ҳам-ки, исмини ташкил этган харфлар аралашиб, бошқача тартибда терилди:

### **МЕН ЛОРД ВОЛЬДЕМОРТ**

- Тушундинг-ми? - пичирлади у, - Бу исми ўзимга ўзим ҳали «Хогварц»да ўқиб юрган кезларимда кўйганман. Уни фақат энг яқин дўстларим билишар эди холос. Ўйлайсан-ки, мараз отамнинг маглча исми билан умрбод каноатланиб юришга розилик билдиришим керак эдими? Мен-а, томирларида она уруғи томонидан кимсан Салазар Слизериннинг қони оқаётган сеҳргар-а? Отам, ҳали дунёга келмасимдан олдин, хотини афсунгар

эканлигидан хабар топгани учунгина мени ташлаб кетган. Шундай бир оддий ифлос магнинг исмини саклаб қолишим керакми-ди? Йўк, Гарри, мен ўзимга янги исм бердим. Шундай исм бердимки, вақти келиб, уни ҳатто бошқа сеҳргарлар ҳам талаффуз этишга журъат эта олишмасин, ўзим эса жаҳоннинг энг буюк афсунгари бўлиб етишай! Бунга эришишимга эса ўша даврларнинг ўзида ишончим комил бўлган.

Гаррининг миясида ҳамма нарса чалкашиб кетди. У қачонлардир етим ўсиб, улғайгач, Гаррининг ота-онаси ва кўплаб бошқа одамларни ўлдирган Реддлга тикилиб қолди... Ниҳоят у ўзини гапиришга мажбур қилди.

- Йўк. Сен – йўк, - деди у нафратга тўлиб, қатъий эшитилган овози билан.

- Нима йўк? - ўқирди Реддль.

- Сен жаҳоннинг энг буюк афсунгари эмассан, - фикрини тушунтирди Гарри, нафаси тезлашиб, - Афсуски, ҳафсалангни пир қилишга тўғри келади. Жаҳоннинг энг буюк сеҳргари Альбус Дамблдор саналади. Буни ҳамма эътироф этган. Сен ҳатто куч-қудратга тўлган кезларингда ҳам «Хогварц»ни ишғол этишга журъат эта олмагансан. Сен бу ерда таҳсил кўриб юрган даврларда Дамблдорнинг нигоҳи сендан паррон ўтиб турган. Сен ҳозир ҳам, қаерда яшириниб юрмагин, ундан ўларча кўрқасан...

Реддлнинг юзидаги кулги барҳам топиб, ноҳуш қиёфа касб этди.

- Дамблдорнинг бу ердан бадарға қилиниши учун мен ҳақимдаги хотираларнинг ўзи кифоя бўлди! - вишиллади у.

- Тўғри, бадарға қилинди, лекин сен ўйлаганча узоққа эмас! - гапни айлантирди Гарри.

Гарри ушбу гапини Реддлни кўрқитиш мақсадида таваккалига, ўз сўзлари рост эканлигига ишонганидан эмас, балки шунини истаганидан айтди.

Реддль қарши фикр билдириш учун оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, шу заҳоти унинг ўчирди.

Қаердандир мусика овози янгради. Реддль кескин айланиб, хона бўшлиғига тикилиб қаради. Мусика товуши тобора кучайиб борди. Қандайдир майин, илоҳий эшитилган оҳангдан Гаррининг бадани сесканиб, тепа сочи тикка бўлиб кетди. Юраги эса гўё кенгайиб, икки чандон йириклашиб кетгандай бўлди. Товуш мисли кўрилмаган даражада, худди кўкрак қафаси ичида титраётгандай баландлашиб кетгач, яқин орадаги устун учидан аланга отилиб чиқди.

Дафъатан гумбазсимон шифт остида охират куйини ҳафсала билан чиқараётган, товус думига ўхшаш узун тилла ранг думи товланаётган, танаси эса алвон ранг касб этган бўлиб, катталиги окқушдай келадиган қуш пайдо бўлди. У ўзининг ялтираб кўринган тилла панжасига аллақандай жулдур тугунчани сиқиб олган.

Кейинги фурсатда қуш тўғри Гаррига қараб учди ва панжасидаги тугунни оёғи остига ташлаб, ўзи боланинг елкасига қўнди-да, йирик қанотларини йиғиб олди. Гарри бошини кўтариб, қушнинг узун ўткир тумшуғи ва юмалоқ қора кўзини кўрди.

Қуш куй чиқаришни бас қилиб, Гаррининг юзини иситганча, Реддлга тик қараб, тек туриб қолди.

- Қакнус-ку... - деди ҳеч нарсани тушунмаган Реддль, қушга синчковлик билан тикилиб.

- Янгус? - деди Гарри, чуқур нафас чиқариб.

Қуш тилла панжаси билан Гаррининг елкасини дўстона сиқиб қўйди.

- Мана бу эса... - гапини давом этди Реддль, полда ётган жулдур буюмни кўздан кечириб чиқиб, - Мактабнинг қадимий сараловчи шляпаси...

Чиндан ҳам бу ҳаддан ташқари кир, аъзойи-бадани ямоқ бўлиб, роса эскириб кетган чўққидор шляпа бўлиб, Гаррининг оёғи остида ҳаракатсиз ётибди.

Реддль яна хандон отиб юборди. У шу қадар берилиб кулдики, худди бир эмас ўн нафар Реддль кулаётгандай ним қоронғи залнинг деворлари титраб кетди.

- Дамблдор ўз ҳимоячисига юборган нарсаси шу бўлди-ми?! Сайроқи қуш-у, эскириб кетган шляпа! Хўш, Гарри, ўзингни янада мардроқ ва хавфсизроқ ҳис эта бошладинг-ми? Гарри Реддлнинг киноясига жавоб қайтармади. У Янгус ёки сараловчи шляпа қандай ёрдам бериши мумкинлигини ҳозирча тушунмай турибди-ю, ҳар қалай ёлғиз эмаслигини фаҳмлади. Ўз кучига ишонч ҳосил қилганча, Реддлнинг кулгидан тўхташини кутди.

- Мавзуга қайтамиз, Гарри, - деди ниҳоят Реддль, табассумини қўймай, - Иккаламиз икки маротаба, яъни сенинг ўтмишинг ва менинг келажагимда учрашганмиз. Ва ҳар икки сафар ҳам мен сени ўлдиришга муваффақ бўла олмадим. Менга айт-чи, қандай қилиб омон қоласан? Гапиравер, қанча узоқ гапирсанг, шунча узоқ яшайсан.

Гарри ўз имкониятларига шоша-пиша баҳо бериб, чамалаб кўрди. Реддлнинг қўлида сеҳрли таёқча бор, ўзининг ихтиёрида эса Янгус билан сараловчи шляпа мавжуд. Бирок униси ҳам, буниси ҳам дуэльга ярамайди. Ишлар пачава... Реддль бу ерда қанча кўп турса, Жиннанинг вужудини шунча кўп ҳаёт аломатлари тарк этади... Реддль баданининг ташки четлари янада аниқроқ шакл касб этиб, аста секин ўз танасига эга бўлиб бормоқда.

Модомики, жанг қилишлари муқаррар экан, қанчалик тез бошлашса, шунчалик яхшидир.

- Мени ўлдирмоқчи бўлганингда нима учун ўз сеҳр-жодунгдан маҳрум бўлганингни ҳеч ким билмайди, - қисқа қилди Гарри, - Ўзим ҳам билмайман. Лекин, нима учун мени ўлдира олмаганингни яхши биламан. Чунки менинг оддий, мағллар орасидан чиққан афсунгар ойим, - алоҳида таъкидлаб ўтди у, нафратдан титраб, - Ўз ҳаётини мен учун қурбон қилган. У мени ўлдиришингга йўл қўймаган. Ўтган йили эса сенинг ҳақиқий ахволингни мен ўз кўзим билан кўрдим. Сен ҳеч нарсага ярамайдиган чалажон мажруҳсан. Қудратли сеҳринг ўзингни ана шундай аянчли ҳолатга келтириб қўйган бўлиб, эндиликда яшириниб юришга мажбур бўлиб қолгансан. Сен бадбашара, жирканч, одамлар ҳазар қиладиган бир жонзодсан...

Реддлнинг юзи тиришиб, мудҳиш тарзда қилишга ўзини мажбур қилди.

- Шунақа дегин. Онанг ўз ҳаётини сен учун қурбон қилибди-да. Тўғри, бу чиндан ҳам афсунга қарши кучли афсун. Энди тушунарли... охир-пировардида сенинг табиатингда қандайдир фавқулодда қобилят йўқлиги менга аён бўлди-ку, ҳар қалай. Биласан-ми, мен бир нарсани ҳеч тушуна олмаётган эдим: иккаламизнинг ўртамизда жуда ғалати умумийлик мавжуд. Бунинг ҳам фахмлаган бўлсанг керак... Иккаламиз ҳам чала зот сеҳргармиз, етим ўсганмиз, мағллар қўлида улғайганмиз. Иккаламиз ҳам, «Хогварц»да, буюк Слизериндан сўнг бўлса керак, илонзабонмиз. Ҳатто ташки қиёфамизда ҳам қандайдир ўхшашлик бор. Бирок ҳозир аниқланишича, сен атиги бахтли тасодиф туфайлигина мендан қутулиб қолган экансан. Мен билмоқчи бўлган нарса шу эди холос. Гарри Реддлнинг таёқча силташини кутиб ич-ичдан ғужанак бўлиб турди. Айни пайтда Реддлнинг юзидаги мурдор табассум янада кенгайиб кетди.

- Қулоқ сол, Гарри. Сенга бир сабоқ бермоқчиман. Кел куч синашиб кўрамиз: Дамблдор томонидан қўлдан келганча қуроллантирилган машҳур Гарри Поттерга қарши Слизерин Вориси Лорд Вольдеморт чиқади...

У Янгус билан сараловчи шляпага ҳазар қилгандай кўз ташлаб қўйиб, нари кетди. Қўрқув хисси оёқларини фалаж қилиб, бутун бадани бўйлаб тез тарқалаётганини сезиб турган Гарри худди авралган каби Реддлнинг ҳаракатларини кузатганча қолди. Реддль баланд устунлар ўртасида тўхтаб, бошини ним қоронғиликка кириб кетган Слизериннинг тош юзига қаратди ва оғзини катта очиб, серпентарго тилида вишиллаш бошлади. Гарри унинг барча сўзларини тушуниб турди...

- Хогварц тўртлиги ичра энг буюк сеҳргар Слизерин, суҳбатингни мендан дариг тутма... Гарри ҳам ҳайкалга юзланиш учун товонида туриб айланди. Елкасида ўтирган Янгус тебраниб кетди.

Слизериннинг баҳайбат тош юзи ҳаракатлана бошлади. Вужудини даҳшат қамраб олган Гарри ҳайкалнинг улкан оғзи тобора катта очилиб, катта ғор оғзига айланиб қолганини кўриб турди.

Ҳосил бўлган ушбу ғор ичида нимадир қимирлаб, ташқарига чиқа бошлади.

Гарри беихтиёр орқага тисарилиб, хона деворига урилиб кетгунга қадар чекинди-да, кўзларини чирт юмиб олди. Унинг елкасида ўтирган Янгус қаноти билан боланинг юзига тегиб кетиб ҳавога кўтарилди. Гарри «Мени ташлаб кетма!» деб қичқирмоқчи бўлди-ю, оддий бир қакнус Илонлар қиролига қарши нима ҳам қила олар эди деган ўйга бориб, фикридан қайтди.

Хона полига қандайдир ғайритабиий нарса гупиллаб тушди. Кўзи юмук ҳолатда турган Гарри нима бўлаётганини билади. Унинг тасавурида Слизерин хайкалининг оғзидан ўзининг мудҳиш танасини судраб чиққан илон гавдаланди. Сал ўтиб Реддлнинг вишиллагани эшитилди:

- Ўлдир уни.

Василиск Гаррига тобора яқин келмоқда. Бола илоннинг оғир танаси полда судралиб келаётганини эшитди. Кўзини очмаган Гарри йўлни пайпаслаб бориш учун кўлларини тарвақайлаганча ҳаракат қилишга уринди. Бундай манзарани томоша қилиб турган Реддль мириқиб қаҳқаҳлади.

Гарри қоқилиб кетиб, полга қулаб тушди ва оғзида қон таъмини ҳис этиб, атиги бир фут наридаги илоннинг яқинлашиб келаётганини эшитди...

Юқорида ўнг томонда аллақандай товуш янграб, қандайдир оғир нарса Гаррини туртиб, деворга такаб қўйди. Ҳозир унинг танасига захарли тишлар санчилиши керак. У ақлдан оздириб юборгудек вишиллашлар ва устунларга нимадир қаттиқ урилаётганини эшитиб ётибди...

У атрофда нима бўлаётганини кўриш учун иложсиз кўзини очди.

Гарри тесқари қараб олган баҳайбат тўк яшил рангли илон йирик эман дарахтидай келадиган йўғон танасини баланд кўтариб олган бўлиб, хунук бошини устунлар орасида тебратаётгани кўрди. Аъзойи-бадани титраётган бола илон ўгирилиши билан кўзларини чирт юмиб олишга шай турибди. Бирдан Гарри илонни нима чалғитганини фаҳмлаб қолди. Қакнус илон бошининг атрофида айланар, Василиск эса қиличдай ингичка ва ўткир тишларини яланғочлаб қушга ҳамла қилар эди...

Янгус пастга шўнғиди. Унинг узун тилла ранг тумшуғи бир фурсат кўринмай қолди.

Дафъатан хона полига қоп-қора қон фаввораси сачраб кетди. Илоннинг ниҳоятда бақувват думи типирчилаб, Гаррини туртиб юборишига бир баҳя қолди. У бошини шу қадар тез ўгирдики, Гарри кўзини юмиб олишига улгурмай, Василиск билан юзма-юз келиб қолди. Илоннинг иккала кўзини қакнус чўкиб, ўйиб ташлабди. Кўз чанокларидан қон сизиб, полга сачрар, илон эса жон талашар эди.

Гаррининг қулоғига Реддлнинг ўқириши эшитилди.

**- ЙЎҚ! ҚУШНИ ТЕК ҚЎЙ! ТЕК ҚЎЙ ҚУШНИ! БОЛА ОРҚАНГДА! УНИ ИСКАБ ҚИДИР! БОЛАНИ ЎЛДИР!**

Ҳозиргина сўқир бўлиб қолиб, мияси гангиган, бироқ захри сақланган илон тебранди.

Ўзининг ғамгин куйини қўймаган қакнус, атрофда учиб юриб, илонни чалғитар ва онда-сонда пастга шўнғиб, қонга тўлган бурнини чўқир эди.

- Ёрдам беринг, ёрдам беринг, - ақлдан озган кишидай ғудуллади Гарри, - Ким бор...

Илоннинг думи яна полга қарсиллаб урилди. Эгилиб олган Гаррининг юзига қандайдир юмшоқ нарса келиб урилди. Думини типирчилатган Василиск тасодифан боланинг қўлига сараловчи шляпани улоқтириб юборибди. Гарри шляпани қўлига олди. Бу унинг сўнгги имконияти. У шляпани бошига кийиб, ўзини полга ташлади. Шу пайт Василиск думини боз типирчилатди.

- Ёрдам беринг, ёрдам беринг, - ўйлади шляпа кийиб олган Гарри, кўзини маҳкам қисиб, - Ёрдам беринг, ёрдам беринг...

Жавоб эшитилмади. Аммо шляпа худди бақувват қўл ушлаб олгандай Гаррининг бошини сиқди.

Боланинг бошига аллақандай қаттиқ ва оғир нарса келиб урилди. Зарба кучидан Гаррининг кўзларидан ўт чиқиб кетиб, хушини йўқотиб қўйишига сал қолди. У шляпани ечиш учун чўққисидан ушлаб тортмоқчи бўлди-да, ичида аллақандай узун, қаттиқ нарса борлигини ҳис этди.

Дастаси товук тухумидай келадиган ёқутлар билан безалган қумуш қилич шляпа ичида милтиллаб кўринди.

**- БОЛАНИ ЎЛДИР! ҚУШНИ ТЕК ҚЎЙ! БОЛА ОРҚАНГДА! ХИДЛА, ТОПАСАН!**

Гарри оёққа туриб, ҳамлага шайланди. Ўз қурбонини қидиришга киришган Василискнинг

боши полга эгилиб, танаси устунларга урилганча тўлғанди. Гарри илоннинг қонга беланган йирик кўз чаноклари-ю, ўзи бутунича кириб кетадиган даражада катта очилган оғзини кўриб турибди. Илоннинг оғзида ингичка, қиличдай ўткир, намлигидан ялтираб кўринаётган, захарли тишлар икки қатор терилган...

Сўқир илон Гарри томон ташланди. Бола чап бергач, илон деворга бориб урилди. Баттар гангиб қолган махлуқ боз ҳамла қилиб, унинг айри тили Гаррининг ён томонига тегиб ўтди. Бола қиличини икки қўллаб кўтарди...

Василиск яна ташланди ва бу галги ҳамла ўзини оқлади. Гарри бор вужуди билан қиличга зўр бериб, уни илоннинг танглайига суқиб юборди...

Илоннинг илиқ қони қўлига оқиб тушган маҳалда эса Гарри тирсақдан бир оз юқори соҳада жизиллаган оғриқ сезди. Ажал келтирадиган тишлардан бири боланинг қўлига тобора чуқурроқ санчилиб бориб, илон типирчилаганча ён бошига ағанагач, синди. Гарри деворга суяниб, пастга сирпанди ва танасига захар таркатаётган тишни маҳкам ушлаб, қўлидан суғуриб чиқарди. Бола кечикканини тушуниб турибди. Кўз олдини оқартириб юбораётган ғоят қаттиқ оғриқ аста секин тана бўйлаб тарқалмоқда. У тишни четга улоқтириб юбориб, кийими қонга беланаётганини кўрди. Хона унинг кўз ўнгида гўё гир айланганча, эриб бормоқда.

Сал ўтиб ёнидан алвон доғ ўтгандай бўлди. Гарри полга қўнган қуш панжаларининг товушини эшитди.

- Янгус, - ғудуллади Гарри, - Баракалла, сен зўр жанг қилдинг, Янгус...

Қакнус ўзининг чиройли бошини илоннинг тиши санчилган жойга қўйганини бола сезиб турди.

Акс-садо бериб эшитилган қадам товуши эшитилди.

- Тамом бўлдинг, Гарри Поттер, - деди юқоридан эшитилган Реддлнинг овози, - Кунинг битди. Буни ҳатто Дамблдорнинг қуши ҳам сезиб турибди. Кўряпсан-ми, у нима қилаётганини, Поттер? Қара, қуш йиғлаяпти.

Гарри кўзини пирпиратди. Янгус бошининг шакли боланинг кўзига дам аниқ кўринар, дам яна хиралашиб қолар эди. Қакнуснинг инжудек йирик кўз ёшлари юзидаги ялтираётган патларидан оқиб тушмоқда.

- Мен шу ерда ўтириб, ўлаётганингни томоша қиламан, Гарри Поттер. Шошилма, менинг вақтим бисёр.

Гаррининг боши айлана бошлади. Унинг атрофидаги буюмлар ҳам гир айланаётгандай гўё.

- Шундай қилиб, машҳур Гарри Поттер мана шу тарзда аянчли ўлим топди, - узоқдан эшитилди Реддлнинг масхараомуз овози, - Махфий хонада, барча дўстлари томонидан унутиб юборилган, кетини ўйламай ўзи қарши чиққан Ёвуз Лорд томонидан ниҳоят мағлуб қилинган тарзда ёлғиз ўзи ўлди-кетди. Сен тез орада кадрли мағлвачча онанг билан учрашасан, Гарри... у сенга атиги ўн икки йиллик умр харид қилиб берибди... Лорд Вольдеморт бари-бир ёстиғингни курутди. Ахир қачонлардир шундай бўлиши кераклигини ўзинг ҳам билар эдинг-ку, тўғрими...

Агар ажал шундай топиладиган бўлса, унчалик кўркинчли эмас экан, ўйлади Гарри. Ҳатто жон ҳам оғримас экан-а...

Ажалми ўзи бу? Зулмат ичра йўқ бўлиб кетиш ўрнига Махфий хона боз аниқ кўриниб қолди-ку. Гарри бошини аста силтаб, ярадор қўлига ханузгача бош қўйиб турган Янгусни кўрди. Кўз ёшларининг йилтираётган инжулари ярани қамраб олган. Аммо... яранинг ўзи йўқ...

- Қоч бу ердан, хой қуш, - кутилмаганда бақириб қолди Реддль, - Қоч. Нима дедим сенга, қоч...

Гарри бошини кўтариб, Реддлнинг қўлидаги қакнусга ўқталган сеҳрли таёкчани кўрди. Ўқ овози янграгач, тилла ва алвон рангларга бурканган Янгус юқорига кўтарилиб кетди.

- Қакнуснинг кўз ёшлари... - деди Гаррининг қўлига тикилиб қолган Реддль вазмин охангда, - Ҳа-я, албатта-да... шифобахш куч... умуман унутиб қўйибман-ку...

У нигоҳини боланинг юзига олиб ўтди.

- Чиндан ҳам, фарқи нима. Фақат сен ва мен, Гарри Поттер. Шундай бўлгани яхши. Сен ва мен. Якка-ма-якка...

У қўлидаги таёқчани кўтарди...

Бирдан, канотлари қаттиқ шитирлаган Янгус боз пайдо бўлиб, Гаррининг қўлига Реддлинг кундалигини ташлади.

Бир неча сония давомида Гарри ҳам, таёқча кўтариб олганча тек туриб қолган Реддль ҳам кундалиқдан кўз уза олмай қолишди. Шундан сўнг, Гарри, кўп ўйлаб ўтирмай, гўё бу ерга келгандан буён айнан шу ишни қилмоқчи бўлгандай, Василискнинг синган тишини тез қўлига олди-да, кундалиқ миёнасига санчиб юборди.

Махфий хонада узоқ давом этган, мудҳиш ва ғоят кучли айюҳаннос янгради. Дафтар ичидан сиёҳ оқими отилиб чиқиб, Гаррининг қўлини булғаганча, полга оқди. Жони оғриган Реддль тўлғаниб, тиришиб типирчилаб, увиллаб, ингради ва...

Нихоят у кўздан ғойиб бўлди. Гаррининг сеҳрли таёқчаси тақиллаганча полга тушди ва Махфий хонага, агар кундалиқдан сизиб чиқаётган сиёҳ томчиларининг товуши инобатга олинмаса, чуқур сукунат чўмди. Василиск захри ён дафтарчани паррон тешиб, четларини чўғ тушгандай куйдириб юборди.

Аъзойи-бадани титраб қақшаган Гарри базўр оёқка турди. Худди саёҳат уни воситасида кўп миллар учгандай боши айланди. Аста ҳаракатланиб полда ётган сеҳрли таёқчаси ва сараловчи шляпани қўлига олди. Бор кучини йиғиб, Василиск оғзига санчилган қилични суғуриб чиқарди.

Айни шу фурсатда залнинг нариги томонидан инграган овоз эшитилди. Полда ётган Жинна аста ҳаракатланиб, ўтириб олди. Буни кўрган Гарри қизалоқ томон ошиқди. Ҳеч нарсани идрок эта олмаётган Жинна бахайбат Василискнинг жасади, коржомаси конга беланиб кетган Гарри ва унинг қўлидаги кундаликка тикилиб қолди ва сал ўтгач, уввос солиб йиғлай бошлади.

- Гарри, - деди кўз ёшларини тўхтата олмаган Жинна, - Ох, Гарри. Бугун нонушта вақтида Рон иккалангизга бор гапни айтиб бермоқчи эдим-у, Персининг олдида гапира олмадим. Мен, мен қилдим бу ишларни. Лекин онт ичиб айтаман-ки, ўз хоҳишим билан қилмадим. Мени Реддль мажбур қилди. У менинг вужудимга сингиб кириб олди. Анави махлукни қандай қилиб ўлдирдинг? Реддль қани? Хотирамда қолган сўнгги нарса, унинг кундалиқ ичидан чиқиб келиши бўлди...

- Тинчлан, Жинна, - деди Гарри, кундалиқдаги четлари куйган тешикни кўрсатиб, - Реддлинг куни битди. Мана қара! Реддль ҳам Василиск ҳам йўқ энди. Тур энди, Жинна, кетдик. Биз ҳали бу ердан бир илож қилиб чиқиб олишимиз керак...

- Мени мактабдан қувиб солишади! - ҳўнгради Жинна, Гаррининг ўнғайсиз ёрдами билан оёқка туриб, - Билл мактабга борган йилдан буён «Хогварц»да ўқишни орзу қилар эдим. Ана энди уйга қайтишимга тўғри келади. Ойим билан дадам нима дейишади энди? Уларни кутаётган Янгус чиқиш йўлагида учиб юрибди. Гарри Жиннани ортидан туртиб борди. Иккаласи мудҳиш илоннинг жонсиз ҳалқаларидан ҳатлаб ўтиб, акс-садолар эшитилган зулмат орқали туннелга киришди. Гарри орқада қолган тош девор вишиллаганча, аста ёпилганини эшитди.

Туннель бўйлаб беш дақиқа юқорига кўтарилгач, узоқдан силжитилаётган тошларнинг бўғиқ товуши эшитилди.

- Рон! - қичқирди Гарри, - Жинна соғ-саломат! У мен билан!

Қувончли қичқириқ овози эшитилди. Туннелнинг навбатдаги муюлишига ўтилгач, каттагина очилган туйнук орқали Роннинг бахтиёр юзи кўринди.

- Жинна! - хитоб қилди Рон, дастлаб синглисини ўтказиш учун қўл узатиб, - Хайрият, тирик экансан! Қандай бахт! Нима бўлди? Ие, мана бу қанақа қуш, қаердан пайдо бўлиб қолди у? - сўради у, туйнукдан ўтиб келаётган Янгусга қараб.

- Бу Дамблдорнинг какнуси, - жавоб берди туйнукдан охириги бўлиб ўтаётган Гарри.

- Ие, мана бу қилични қаердан олдинг? - сўради ҳеч нарсани тушунмай қудратли қуролга тикилиб қолган Рон,.

- Чиқиб олайлик, ҳаммасини айтиб бераман, - деди Гарри ханузгача йиғлаётган Жиннага кўз кирини ташлаб.

- Аммо...

- Кейин дедим-ку, - гапни чўрт кесди Гарри.

Гарри Махфий хонани ким очганлигини Рон ҳозирча билмагани маъқул деб ҳисоблади. Умуман айтганда, у, Жиннанинг ёнида бу гапларни гапириш яхши эмас деган фикрга борди.

- Чаруальд қани?

- Орқа томонда, - деди ҳамон ҳеч нарсани тушунмаётган Рон, боши билан қувур томон имо қилиб, - Унинг аҳволи чатоқ. Юр ўзинг кўрасан.

Учаласи алвон қанотлари тилла тусли ёруғлик чиқариб, қоронғиликни хира ёритиб бораётган Янгус изидан қувур томон йўл олишди. Қувурдан чиқиш жойида нималарнидир минғирлаб ўтирган Сверкароль Чаруальд ўтирибди.

- Унинг хотираси мутлақо ўчиб кетган, - тушунтириш берди Рон, - Бизни четлаб ўтган Унуттириш афсуни тошдан сапчиб ўзига келиб урилди. Ўзи кимлиги, қаерга кириб қолганлиги, биз ким эканлигимизни тасаввур ҳам қила олмаяпти. Шу ерда қилт этмай ўтиришни буюрдим. Ҳозир у ўзи учун ўзи хавфли ҳолатга келиб қолган.

Чаруальд яқин келган болаларга мулойим қараб қўйди.

- Салом, - деди у, - Яхши жой экан, а? Сизлар шу ерда яшайсиз-ми?

- Йўқ, - жавоб қайтарди Рон, қошини кўтарганча, Гаррига юзланиб.

Гарри узун, қоп-қоронғи қувур ичига энгашиб қаради.

- Мабодо сен юқорига кўтарилиш усулини ўйлаб топганинг йўқ-ми? - сўради Рондан. Рон бош чайқади. Шу пайт Янгус олдинга ўтиб, Гаррининг қаршисида, юмалоқ кўзларини қувур ичида ярақлатганча, қанотини титратди. Қуш нимагадир даъват этиб, узун думини силтади. Гарри иккиланиб қараб қолди.

- Назаримда у сенга, думимдан маҳкам ушлаб ол демоқчи шекилли, - деди Рон, боши қотиб, - Бундай қушга оғирлик қиласан-ку, у сени кўтара олмайди...

- Янгус оддий қуш эмас, - деди Гарри ва шерикларига юзланди-да, - Бир-биримизни маҳкам ушлаб оламиз. Жинна Роннинг қўлидан ушлаб ол. Профессор Чаруальд...

- Сиз профессор Чаруальдсиз, - ўшқириб берди Рон.

- Жиннанинг иккинчи қўлидан маҳкам ушланг...

Гарри қилич билан сараловчи шляпани белига маҳкамлади. Рон Гаррининг қоржомасини этагидан тутиб олди. Шундан сўнг, Гарри қўлини узатиб, қакнуснинг ғалати иссиқ думини маҳкам ушлаб олди.

Гаррининг бутун танаси бўйлаб ажиб енгиллик тарқалди. Кейинги фурсатда жамики жамоа қуш қанотлари шовқини остида қувур бўйлаб юқорига кўтарилди кетди. Гаррининг қулоғига ортда лапанглаётган Чаруальднинг:

- Ажойиб, ажойиб. Бу қандайдир сеҳргарлик, - деган сўзлари эшитилди.

Муздай ҳаво боланинг сочларни ўйнатди. Гарри парвоздан энди лаззатлана бошлаган эди ҳам-ки, учиш жараёни ниҳоясига етди. Тўртовлон Дилгир Миртлнинг зах хожатхонасига кириб келди. Чаруальд қийшайиб қолган шляпасини тўғрилаб олди. Қувур оғзини тўсган чиганоқ эса ўз жойига қайтди.

Миртл кўзларини чакчайтириб:

- Ие, сен ҳамон тирикмисан, ўлмадинг-ми? - деди у Гаррига.

- Бу масалада ҳафсала пир бўлганини бунчалик очикдан-очик намоёйиш этиш шарт эмас, - жавоб қайтарди Гарри, кўзойнагини қон ва шилимшиқ қатраларидан тозалаб.

- Вой, мен... ўйлабман-ки... агар ўлиб қолганингда унитазлардан бирини сенга берган бўлар эдим, - ғудуллади Миртл, кумуш тус касб этиб.

- Вой-бўй! - деди Рон, хожатхонадан қоронғи йўлакка чиқиб, - Миртл сени севиб қолганга ўхшайди-ку! Эшитяпсан-ми, Жинна, сенга рақобатчи топилди.

Ҳамон унсиз кўз ёш тўкаётган Жинна жавоб қайтармади.

- Энди қаёққа борамиз? - сўради Рон, Жиннага ташвишли қараб.



Қаёққа боришни Гарри кўрсатди.

Улар алвон қанотлари тилла тусли ёруғлик чиқариб, қоронғи йўлакни ёритиб бораётган Янгус изидан эргашиб боришди ва профессор Макгонагаллнинг хизмат хонаси олдига етиб, тўхташди.

Гарри эшик тақиллатди.

## **XVIII БОБ. ДОББИГА ҚАЙТАРИЛГАН ЯХШИЛИК**

Гарри, Рон, Жинна ва Чаруальд эгнилари лой ва шилимшиққа, Гаррининг эгни эса бундан ташқари, қонга беланган аҳволда остона ҳатлашди. Хонада муайян вақт сукунат ҳукм сургач, кимдир кичкириб юборди:

- ЖИННА!

Бу, камин ёнида ҳасрат чекиб йиғлаб ўтирган миссис Уэслининг овози. У мистер Уэсли билан бир вақтда ўрндан ирғиб туриб, қизчасини кучиб олди.

Аммо Гаррининг нигоҳи бошқа томон қаратилган. Камин ёнида кекса Дамблдор чехраси очилиб турибди. Унинг ёнида қўлларини кўкрагига ғайриихтиёрий равишда босиб олганча, овоз чиқариб йиғлаётган профессор Макгонагалл турибди. Янгус Гаррининг қулоғи ёнидан қанот қоқиб ўтди-да, Дамблдорнинг елкасига қўниб олди. Бу пайтда миссис Уэсли Гарри билан Рон иккаласини бағрига маҳкам босиб олди.

- Халоскорларим! Паҳлавонларим! Қизгинамни қандай қилиб халос эта олдингиз?

- Ҳа, буни билиш ҳаммамизга қизик, - базўр гапира олди профессор Макгонагалл, йиғламсираган овози билан.

Миссис Уэсли Гаррини бағридан бўшатди. Бола бир оз иккиланиб турди-да, стол ёнига келиб, унинг устига сараловчи шляпа, сопи ёқутлар билан безалган қилич ва Реддлнинг тешиқ кундалигини териб чиқди.

Шундан сўнг у, чорак соат давомида мутлақ жимлик ҳукм сурган вазиятда бор гапни тартиб билан, тегишли изчилликда айтиб беришга киришиб кетди. Жумладан у: эгаси йўқ овоз эшитгани, Гермiona ушбу овоз қувурлар ичида судралиб юрган Василиск овози эканлигини фаҳмлагани, Рон иккаласи ўргимчаклар кетидан Ман этилган ўрмонга кириб чиқишгани, Арагогдан Василискнинг сўнгги қурбони қаерда ўлганини билиб олишгани, ушбу сўнгги қурбон Дилгир Миртл эканлиги ва Махфий хонага кириш йўли айнан Миртлнинг хожатхонасида эканлигини қандай қилиб фаҳмлашгани ва шу қабилар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

- Демак, - гапга аралашди профессор Макгонагалл, Гарри нафас ростлаётганида, - Махфий хонага кириш йўли қаерда эканлигини аниқладингиз ва айна вақтда, таъқидлаб ўтишим жоизки, мактабнинг юзлаб қоидаларини виждонсизларча бузгансиз. Бироқ жамики муқаддас руҳлар ҳақи, айтинг-чи, Поттер, қандай қилиб сиз Махфий хонадан тирик қайтдингиз?

Гапиравериб овози хириллаб қолган Гарри ўз вақтида ёрдамга келган Янгус ва сараловчи шляпа берган қилич ҳақида гапириб берди. Бироқ хикоясининг шу ерига келганида боланинг овози ўзгариб қолди. Шу вақтга қадар у, Реддлнинг кундалиги-ю, Жиннани тилга олмади. Қизалоқ пешонасини онасининг елкасига тираб, ханузгача унсиз йиғламоқда. Жинна мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлатилади-ку, саросима ичра ўйланиб қолди Гарри. Реддлнинг кундалиги энди ҳеч нарсани исбот қилиб бера олмайди... Жиннани жиноят содир этишга айнан Реддль мажбур қилганини улар қандай қилиб исботлай олишади?

Гарри ғайриихтиёрий равишда Дамблдорга қараб қўйди. Каминдаги олов шуъласи кўзойнагининг гардишида ўйноқлаб кўринган мактаб директори сезилар-сезилмас кулиб турибди.

- Ишончли манбалардан олинган маълумотларга қараганда, айна вақтда Албания ўрмонларида яшириниб юрган Лорд Вольдеморт қандай қилиб Жиннани сеҳрлаб қўйишга муваффақ бўлгани мени кўпроқ қизиқтиради, - деди у, мулойим оҳангда.

Гаррининг вужуди бўйлаб бахтли, марокли ва тантанавор енгиллик ҳисси тарқалди.  
 - Н-нималар д-деяпсиз? - ғудуллади ханг-манг бўлиб қолган мистер Уэсли, - Ўзингиз-Биласиз-Ким-а? Жиннани-я? Ахир Жинна... Жинна... ёки...  
 - Ҳаммаси мана бу кундалик туфайли рўй берган, - деди Гарри, ён дафтарни Дамблдорга тақдим этар экан, - Реддль уни ўн олти ёшлигида юритган...  
 Дамблдор бола қўлидан қабул қилиб олган ён дафтарчанинг қуйган ва нам тортган саҳифаларига узун илмоксимон қайрилма бурни устидаги, ярим ой шаклига эга шиша кўзойнак устидан тикилиб қолди.  
 - Ажойиб, - деди у ниҳоят, - Реддль чиндан ҳам «Хогварц»нинг энг қобилятли ўқувчиларидан бири бўлган.  
 Дамблдор рухий ларзага келиб ўтирган эр-хотин Уэслилар томон юзланди.  
 - Лорд Вольдемоортнинг исми қачонлардир Том Реддль бўлганлигини ҳамма ҳам билавермайди. Эллик йил муқаддам у менинг ўқувчим бўлган. Мактабни тамомлагач қаёққадир ғойиб бўлиб... жаҳонгашталиқ қилиб юрди... ёвуз кучлар сеҳрига муккасидан берилиб кетди, сеҳргар ва афсунгарлар элатининг энг ёмон вакиллари билан мулоқот қилди, бошқа киефага айланишнинг бир қатор хавфли турларини ўзида синаб, ўзлаштирди... шу боис ҳам у орамизга Лорд Вольдемоорт сифатида қайтганида ҳеч ким Том Реддлни танимади. Ҳеч ким Лорд Вольдемоортни қачонлардир мактабимизда таҳсил кўрган ақли, барно йигитча, синфбоши сифатида кўрмади.  
 - Бироқ Жинна, сэр, - базўр эътироз билдира олди мистер Уэсли, - Бизнинг қизалоғимиз билан... унинг ўртасида қандай умумийлик бўлиши мумкин?  
 - Унинг кундалиги! - хўнграб юборди Жинна, - Мен дафтарча саҳифаларига ўз фикр-мулоҳазаларимни ёзиб юрар эдим. Дафтарча эса мен билан... бутун ўқув йили давомида... савол-жавоб ўтказиб борди...  
 - Болагинам! - хитоб қилиб юборди ақлини йўқотиб қўйишига сал қолган мистер Уэсли, - Мен сенга ҳеч нарса ўргатмаганман-ми? Мияси қаерда жойлашганини билмасанг, мустақил фикр юритиш қобилятига эга бирон-бир нарсага ишонч билдирма деган гапни такрор ва такрор айтган эдим-ку?! Нима учун кундалиқни менга ёки оингга кўрсатмадинг? Бундай шубҳали нарса ёвуз кучлар сеҳрига мансублиги аён-ку...  
 - Мен билганим йўқ, - ҳикиллади Жинна, - Ойим харид қилган эски китоблар орасидан чиқди. Китобнинг олдинги соҳиби эсидан чиқариб қолдирган деб ўйлаган эдим...  
 - Мисс Уэслини зудлик билан шифохонага ётқизиш керак, - гапга аралашди Дамблдор, - У ниҳоятда оғир синовларни бошидан кечирди. Ташвишланманг, ҳеч қандай жазо чораси кўрилмайди. Лорд Вольдемоорт ушбу қизалокқа нисбатан ёши анча улуғ, бой тажрибага эга сеҳргарларни аҳмоқ қилишга муваффақ бўлиб келган, - деди Дамблдор эшиқни очиб, - Шундай экан ётиб даволаниш режими ва иссиқ шоколаднинг қатта кружжасини тайинлайман. Бундай даволаниш муолажаси мени доимо қисқа муддат ичида оёққа турғизиш келган, - у қизалокқа кўз қисиб қўйди-да, - Помфри хоним хали ухлаётгани йўқ. Ҳозир у жабрланганларни Мандрагора дармон-дориси билан даволамақда. Журъат этиб айтаманки, айна дақиқаларда Василик қурбонлари аста-секин уйғонишмоқда...  
 - Демак, Гермiona ҳам соғ-саломат эканда! - қувонч ила хитоб қилиб юборди Рон.  
 - Охир-пировардида, етказилган зарар ўрни қопланишига эришилди, Жинна, - деди Дамблдор.  
 Миссис Уэсли Жиннани йўлакка олиб чиқди. Ханузгача ўзига кела олмаётган мистер Уэсли ҳам улар ордидан чиқиб кетди.  
 - Биласизми, Минерва, - деди ўйлашиб қолган Дамблдор, профессор Макгонагаллга, - Назаримда, бугун бўлиб ўтган ҳодисалар яхшигина зиёфат уюштирилишига сабаб бўла олади. Агар хизмат бўлмаса, ошхонага бориб, тегишли кўрсатмалар берсангиз, илтимос!  
 - Жуда соз, - бардам руҳ ила жавоб қайтарди профессор Макгонагалл, эшик томон йўл олиб, - Поттер билан Уэсли масаласини ўзингиз хал этарсиз?  
 - Албатта, - ишонтирди Дамблдор.  
 Коллеж мудири хонани тарқ этди, Гарри билан Рон эса иккиланиб мактаб директорига

қарашди. «Масалани ҳал этиш» дегани қандай кечар экан? Уларга нисбатан жазо чораси қўрилмас, ҳар қалай?

- Ўқув йили бошланган, сиз мактабга машинада учиб келган куни агар яна бир бор ўхшаш хатти-ҳаракатга такрор қўл урадиган бўлсангиз, ҳақиқатан ҳам ўқишдан четлатишдан бошқа чора қолдирмайсиз деб айтганимни эслайман, - деди Дамблдор.

Ҳанг-манг бўлиб қолган Роннинг оғзи ланг очилиб кетди.

- Бу эса, орамиздаги айрим шахслар минг ақли бўлмасин, баъзан ўзи айтган сўзи ўзининг бўғзига тикилиб қолишини яна бир бор исботлайди, - кулиб давом эттирди Дамблдор, - Иккалангиз «Мактаб олдида кўрсатган хизматлари учун махсус соврин» билан тақдирланасиз. Бундан ташқари, ҳар бирингиз «Гриффиндор»га, қани ўйлаб кўрайлик-чи, ҳа, икки юз баллдан келтирдингиз.

Юзининг ранги Муқаддас Валентин куни Чаруальд томонидан яратилган ғайритабиий пушти ранг гулларга ўхшаб қолган Рон оғзини яна ёпиб олди.

- Бирок орамизда ўтирганлардан бири негасир жуда жим, бундай хавфли саргузаштга қўшган ҳиссаси ҳақида индамай ўтирибди, - қўшимча қилди Дамблдор, - Нима сабабдан бугун бунчалик камтаринсиз, Сверкароль?

Гарри бир сакраб тушди. У Чаруальдни умуман эсидан чиқариб юборибди-ку. Орқага ўгирилиб, юзида бирон бир маъно касб этмаган табассум ила хона бурчагида турган ёвуз кучлардан ҳимоячини кўрди. Дамблдор унга мурожаат қилгач, елкаси билан бурилиб қараб қўйди.

- Профессор Дамблдор, - тез тушунтириш берди Рон, - Пастда, Махфий хонада бахтсиз ҳодиса рўй берди. Профессор Чаруальд...

- Мен профессорманми? - хайрон бўлди Чаруальд, - Қаранг-а! Адашмасам, маҳол профессор бўлганман, шундайми?

- У бизга қарши Унуттириш афсунини қўлламоқчи бўлди-ю, таёқчам нотўғри томон зарб бериб юборди, - пичирлади Рон Дамблдорга.

- Яхши иш бўлмабди-ку, - бош чайқади Дамблдор, узун кумушсимон мўйлови қимирлаб кетиб, - Ўзинг қўллаб юрган қурол билан ўзинг жабрланибсан-да, Сверкароль?

- Қурол? - сўради Чаруальд, - Менда қурол нима қилсин. Ана, анави болақайнинг қуроли бор. Сўрасангиз бериб туради.

- Рональд, илтимос, профессор Чаруальдни шифохонага кузатиб қўй. Сенга эса Гарри, икки оғиз гапим бор...

Чаруальд тебраниб, хонадан чиқди. Рон Дамблдор билан Гаррига қизиқсиниб қараб қўйди-да, Чаруальднинг изидан чиқиб, эшикни ёпиб қўйди.

Дамблдор камин ёнидаги креслолардан бирига яқин келди.

- Ўтир, Гарри, - деди у.

Бола ўзини ноқулай ҳис этиб креслога ўтирди.

- Авваламбор сенга ўз миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман, Гарри, - деди Дамблдор, кўзлари боз ярқираб, - Бўлиб ўтган ишларга қараганда, пастда, Махфий хонада сен менга бўлган садоқатингни намоён этдинг. Зеро, ҳар қандай бошқа ҳолат Янгусни чорлай олмас эди.

У тиззасига келиб қўнган Янгусни меҳр ила силаб қўйди. Гарри Дамблдорнинг синчков нигоҳига жавобан камтарин кулиб қўйди.

- Шундай қилиб сен, Том Реддль билан танишиб олдинг, - фикрини давом этди Дамблдор ўйлашиб, - Ишончим комилки, сен билан ўтган учрашув унга қизиқарли кечди...

Гарри, ўзи учун қутилмаган тарзда анчадан буён ичини тимдалаб келаётган мавзуни очди.

- Профессор Дамблдор... Реддлнинг сўзларига қараганда мен унга ўхшар эканман. У иккаламизнинг ўртамизда жуда ғалати умумийлик мавжуд деб айтди...

- Чиндан ҳам у шундай деди-ми? - сўради Дамблдор қалин қошлари остидан Гаррига ўйчан қараб, - Ўзинг нима деб ўйлайсан, Гарри?

- Мен унга мутлақо ўхшамайман! - деди Гарри, ўзи кутгандан ҳам баланд овоз билан, - Айтмоқчиман-ки, мен, мен ахир «Гриффиндор»да таҳсил кўряпман, мен...

Бирок бола жим бўлиб қолди. Юрагини эзаётган шубха унинг онгини боз чулғаб олди. Сал ўтиб фикрини давом этди:

- Профессор, сараловчи шляпанинг гапига қараганда, мен чиндан ҳам «Слизерин»да кўп нарсаларга эришган бўлар эканман... Ҳамма мени Слизерин Вориси деб ўйлаб юрди... чунки мен серпентарго тилида гаплаша оламан...

- Серпентарго тилида гаплаша олишингга сабаб бор, Гарри, - вазмин тушунтира бошлади Дамблдор, - Лорд Вольдеморт, чиндан ҳам Салазар Слизериннинг бугунги кунда яшаётган ягона авлоди саналиб, серпентарго тилида гаплаша олади. Ё мен ниҳоятда қаттиқ адашяпман, ё сен, мана бу чандикқа эга бўлган ўша тунда, Вольдеморт ўз қудратининг муайян қисмини тасодифан сенга ўтказиб юборган. Шубха йўқ-ки, у бундай бўлишини истамаган, албатта. Бирок фалакнинг амри шундай бўлган...

- Вольдеморт ўз қудратини менга жойлаган? - сўради Гарри, чакмоқ ургандай бўлиб.

- Бу эҳтимолдан узоқ бўлмаган тушунтиришдир.

- Демак мен «Слизерин»да таҳсил кўришим керак эканда, - деди Гарри, ички ўзаги синиб кетгандай бўлиб, - Сараловчи шляпа менинг табиатимда слизеринчининг қобилияти бор деб айтгандай бўлди-ю...

- Сени «Гриффиндор»га йўллади, - Гаррининг фикрини яқунлади Дамблдор вазмин охангда, - Қулоқ сол, Гарри. Фалакнинг амри билан сенинг табиатингда Салазар Слизерин томонидан юқори баҳоланган ва шахсан ўзи саралаб олган ўқувчиларга хос қўплаб сифатлар мужассам бўлиб қолган. Бундай сифатлар жумласига унинг ўзида бўлгани каби ва ниҳоятда камдан-кам учрайдиган илонзабонлик ва қатъиятлилик қобилияти ҳамда, - кўшиб қўйди Дамблдор, боз мўйлови қимирлаб, - Белгиланган муайян тартибларни маълум маънода писанд қилмаслик сифати киради. Шундай бўлишига қарамай, сараловчи шляпа сени «Гриффиндор»га йўллади. Биласанми нима учун? Қани ўзинг ўйлаб кўр-чи.

- Чунки мен шляпадан «Слизерин»га эмас «Гриффиндор»га йўллашни илтимос қилганман, - деди Гарри, мағлуб бўлган кишидай.

- Тўппа-тўғри, - деди Дамблдор, чехраси ёришиб, - Айнан мана шу сифатинг билан ҳам сен Том Редддан кескин фарқ қиласан. Эсингда бўлсин, қобилиятимиздан кўра табиатимизнинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини фақат ўзимиз танлаган ҳаёт йўлигина очиб ташлайди. Агар сенга чиндан ҳам гриффиндорчи эканлигингни исбот қиладиган далил керак бўлса, Гарри, мана бунга диққат билан қара.

Дамблдор қўлини профессор Макгонагаллнинг столига узатиб, қон билан булганган кумуш қилични олди-да, Гаррига узатди. Ҳеч нарсани хис этмаган бола, ёқутлари ўчоқдан чиқаётган нурдан қизил тус бериб товланган қилични айлантириб кўрди. Ана шундагина у, қилич сопи остида ўйиб ёзилган исмни кўрди:

### **Годрик Гриффиндор**

- Фақат ҳақиқий гриффиндорчигина ушбу қилични шляпа ичидан чиқара олади, - деди Дамблдор.

Бир дақиқага яқин вақт давомида иккаласи сукут сақлаб ўтиришди. Шундан сўнг, Дамблдор стол тортмасини тортиб, пат-қалам билан сиёҳ шишасини чиқарди.

- Сен ҳозир тўйиб овқатланишинг ва тинчгина ухлаб олишинг керак, Гарри. Зиёфатга боришни таклиф қиламан. Мен эса Азкабанга хат ёзай. Қоровулимизни қайтаришимиз керак, шундай эмасми? Бундан ташқари, «Башорат-у, каромат газетаси»да чоп этиладиган эълон тайёрлашим даркор, - кўшиб қўйди у, бир оз ўйланиб, - Ахир биз яна ёвузлик кучидан ҳимоя фани ўқитувчисиз қолдик-ку... Ёлгон гапираётган бўлсам, чакмоқ урсин мени, биз чиндан ҳам ушбу фан ўқитувчиларини қўлқоп алмаштирган каби ҳар йили алмаштирмақдамиз, тўғрими, Гарри?

Гарри ўрнидан туриб, чиқиш эшиги томон юрди. У эндигина дастага қўл узатган эди ҳам-ки, бирдан эшик қаттиқ очилиб, деворга урилганча, сапчиб қайтди.

Остонада дарғазаб Люциус Малфой кўринди. Унинг оёғи остида эса аъзойи-бадани бинтга

ўралган Добби кўрқокларча тиз букиб турибди.

- Салом, Люциус, - хушмуомала саломлашди Дамблдор.

Хонага бостириб кирган мистер Малфой Гаррини туртиб йиқитишига бир баҳя қолди.

Унинг кетидан юзида кўрқув акс этаётган Добби сохибининг этаги остига бекиниб олишга уринганча, йўртиб эргашди.

Кўлига кир латта ушлаб олган эльф, сохибининг пойафзалини тозалашга уринмоқда.

Афтидан мистер Малфой уйдан шошилини равишда чиққан кўринади. Негаки, унинг фақат ботинкаси кир бўлмай, одатда, силлик ётадиган сочи ҳам тўзғиган эди. Тўпиғи атрофида элфнинг зомин сакраб юришини писанд қилмаган мистер Малфой Дамблдорга совук қаради.

- Шундай қилиб! - деди у, алик қайтаришни хаёлига ҳам келтирмай, - Сиз қайтдингиз.

Маъмурият сизни лавозимдан четлаштирганига қарамай, «Хогварц»га қайтиш мумкин деб топдингиз.

- Гап шундаки, Люциус, - беташвиш табассум қилди Дамблдор, - Маъмуриятнинг қолган ўн бир нафар аъзоси бугун мен билан алоқа боғлади. Худди бойқуш селида қолиб кетгандай хис этдим ўзимни. Улар Артур Уэслининг қизи гўё ҳалок бўлганлиги борасида хабар топиб, зудлик билан мактабга қайтишимни талаб қилишди. Афтидан, мени ҳамон директорликка муносиб киши сифатида топишган кўринади. Бундан ташқари, улар менга қандайдир ғалати нарсалар ҳақида хабар беришди... Эмишки сиз, уларнинг айримларига, агар менинг лавозимдан четлатилишим борасида овоз беришмас экан, оила аъзоларига нисбатан турли қарғиш афсунларини кўллашга таҳдид қилгандай кўринибсиз...

Кўзлари ғазабдан ярқираб, торайиб кетган мистер Малфой одатдагидан ҳам баттар оқариб кетди.

- Хўш, тажовузларга барҳам берилишига эришилди-ми? - сўради у, нафрат билан, - Жиноятчи кўлга олинди-ми?

- Ҳа, биз уни кўлга олдик, - жавоб қайтарди Дамблдор, кулиб.

- Хўш, - кескин сўради мистер Малфой, - Ким экан у?

- Ушбу жиноятни ўтган сафар содир этган шахс, - жавоб қайтарди Дамблдор, - Фақат бу сафар Лорд Вольдеморт сохта киши орқали ўзининг кундалиги воситасида иш тутган. У мистер Малфойни диққат билан кузатганча, стол устида ётган қора муқовали ўртаси тешик ён дафтарчани олиб кўрсатди. Гарри эса бу пайтда Доббининг ҳаракатларини кузатиб турди.

Элфнинг хатти-ҳаракатлари қандайдир тушунарсиз кечди. У катта-катта кўзларини Гаррига маъноли қаратиб, дам кундаликка, дам мистер Малфойга имо қилди-да, ўзининг бошига ўзи мушт солди.

- Тушунарли... - секин гапирди мистер Малфой.

- Ниҳоятда устомонлик билан тузилган режа, - оҳангига қандайдир алоҳида ифода бериб тушунтирди Дамблдор, мистер Малфойнинг кўзларига тикка қараб, - Агар, ушбу кундаликни қаршингизда турган Гарри билан унинг дўсти Рон топиб олишмаганда эди, барча айблар тўла-тўқис Жинна Уэслининг бўйнига қўйилган ва у ўз хохиш-иродаси билан иш кўрмаганлигини ҳеч ким исбот қила олмаган бўлар эди...

Башараси ҳеч бир маъно уқиб бўлмайдиган ниқобдай бўлиб қолган мистер Малфой Гаррига еб қўйгудек қараб қўйди-да, сукут сақлаб турди.

- Ўшанда нима бўлишини тасаввур қилиб кўринг, - фикрини давом эттирди Дамблдор, - Уэслилар, машхур асилзода сеҳргар оилалардан бири саналишини биласиз, албатта. Қизи маглар оиласида туғилган афсунгарлар қотили сифатида айбланган Артур Уэсли ва у ишлаб чиққан Магларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг тақдири нима бўлишини фараз қиялпсиз-ми... Хайриятки, кундалик топилиб, ундан Том Реддлнинг хотиралари батамом бартараф этилди. Бундай қилинмаганда нима бўлишини ким билади...

Мистер Малфой ўзини гапиришга мажбур қилди.

- Ҳа, хайрият, - базўр айта олди у.

Шундай бўлса ҳам, унинг ортида турган Добби дам кундаликка, дам Люциус Малфойга

имо қилганча, ўзининг бошига ўзи мушт солишини қўймади.

Бирдан Гарри Доббининг нима демокчи эканлигини тушуниб етиб, бош ирғиди. Добби бурчакка ўтиб, ўзини жазолаш сифатида қулогини бура бошлади.

- Ушбу кундалик Жиннанинг қўлига қандай тушиб қолганлигини билишни истамайсиз-ми, мистер Малфой? - сўради Гарри.

Люциус Малфой дўқ-пўписа ифодалаганча, болага юзланди.

- Нега энди мен, кундаликнинг аллақандай митти аҳмоқча қўлига тушиб қолишини билишим керак экан? - ириллади у.

- Чунки бу кундаликни айнан сиз, мистер Уэсли билан муштлишган «Жимжимадор ва сиёх доғи» дўконида, унинг қизи Жиннанинг «Бошқа нарсага айланиш ва айлантириш усуллари. Ўрганувчилар учун қўлланма» дарслиги ичига ҳеч кимга билдирмай солиб қўйгансиз, шундай эмасми? - сўради Гарри.

У мистер Малфойнинг оқ муштлири дам очилиб, дам яна тугилиб кетаётганини кўрди.

- Аввало буни исботлаш керак, - вишиллади у.

- Ҳа, албатта, - гапга аралашди Гаррига кулиб қараган Дамблдор, - Буни ҳеч ким исботлай олмайди. Айниқса Реддль кундалик ичидан йўқ бўлганидан сўнг. Бироқ Люциус, Лорд Вольдемортнинг эски мактаб жиҳозларини ўнг-у, сўлга тарқатиб юришни бас қилишингизни маслаҳат берган бўлар эдим. Агар яна бирон-бир ўхшаш буюм бегуноҳ одамлар қўлига тушиб қолгудек бўлса, ишончим комилки, Артур Уэсли биринчилардан бўлиб сизнинг бундай қилмишлардаги иштирокингизни исбот қилишга астойдил киришиб кетади...

Люциус Малфой бир муддат тек қолди. Унинг қўли, афтидан сеҳрли таёқчасини чиқариш учун силтанганини Гарри аниқ кўриб турди. Лекин у, ўзининг қўлига мурожаат қила қолди.

- Кетдик, Добби!

У зарда билан эшикни қатта очиб юборди. Эльф унга яқин келиши билан қаттиқ тепиб, бахти қора махлукни ўзидан нари улоқтириб ташлади. Тепки зарбидан жони қаттиқ оғриган Доббининг увиллаб бориши узоқ эшитилди. Гарри бир дақиқа чуқур ўйланиб қолди-да, ниҳоят ўйига етди...

- Профессор Дамблдор, - шоша-пиша гап бошлади у, - Мана бу кундаликни мистер Малфойга қайтариб берсам бўладими? Илтимос!

- Албатта, Гарри, - ижозат берди Дамблдор, - Фақат тезроқ бўл, зиёфатдан қуруқ қоласан... Гарри кундаликни чангаллади-да, хонадан Доббининг узоқлашиб бораётган афғонлари эшитилаётган томон ўқдай учиб чиқди. Хаёлига келган ўй қор бериш-бермаслигини ўйлаб, дастлаб ботинкаси сўнг, лой ва шилимшиқ сингиб кетган пайпоғини шартта ечди-да, ён дафтарчани пайпоқ ичига жойлади. Ботинкасини яланғоч қолган оёғига кийиб қоронғи йўлак ичра югурди. Мистер Малфой билан Добби иккаласига зинапояннинг энг юқори қисмида етиб олди.

- Мистер Малфой, - деди у, хансираганча тўхтаб, - Сизга бериб қўядиган нарса бор. У пайпоқни Люциус Малфойнинг қўлига мажбуран ушлатиб қўйди.

- Бу нимаси?...

Мистер Малфой кундалик устидаги пайпоқни шартта ечиб, ҳазар қилганча четга улоқтирди-да, нафрат тўла нигоҳини тешиқ дафтарчадан Гаррига олиб ўтди.

- Бир кун келиб, Гарри Поттер, ота-онанг қисматини кўрасан, - деди у, - Улар ҳам сенга ўхшаб, керак-керак эмас ишларга тумшук сукиб юришган эди.

У кетишга шайланиб, орқа ўгирди.

- Кетдик, Добби! Кетдик дедим сенга.

Бироқ Добби жойидан қилт этмади. У жирканч пайпоқни бурнига яқин келтириб, унга бебаҳо хазина топиб олгандай тикилиб қолди.

- Сохиб пайпоқ берди, - хитоб қилиб юборди эльф, хайрат-хаяжон ила, - Сохиб Доббига пайпоқ берди.

- Нималар деб алжираяпсан? - тупуриб юборгандай сўради Малфой, - Нима берибман

сенга?

- Пайпок, - жавоб берди Добби, ўз жавобига ўзи ишонмай, - Сохиб пайпок улоқтирди, мен олдим. Демак Добби энди озод.

Люциус Малфой эльфга тикилганча, серрайиб қолди. Сўнг Гаррига ташланди.

- Ҳой бола, сени дастингдан мен хизматкордан айрилиб қолдим,

Шу пайт Добби бакириб қолди:

- Гарри Поттерни хафа қилишга журъат этманг!

Тарсиллаган қаттиқ товуш янгради. Мистер Малфой орқага учиб, зинапоянинг қаторасига учтадан поғонаси орқали думбалок ошганча, эзилган уюмдай энг қуйи майдончада тўхтади. У бир илож қилиб оёққа турди-да, қўлига таёқчасини олди. Бироқ Добби мистер Малфойга таҳдид солганча, узун бармоғини кўтариб турибди.

- Сиз кетишингиз керак, - дарғазаб огохлантирди у, мистер Малфойга бармоқ ўқтаб, - Гарри Поттерга шикаст етказишга журъат эта олмайсиз. Сиз кетишингиз керак.

Люциус Малфойнинг бошқа чораси қолмади. У юқорида турганларга сўнгги бор нафрат ила қараб қўйди-да, ридосига ўраниб, тез кўздан ғойиб бўлди.

Яқин орадаги деразадан тушаётган ой нури эльф кўзларида акс этиб турибди.

- Гарри Поттер Доббини озод қилди! - жарангли овоз билан хиргойи қилди у, - Гарри Поттер Доббини озод қилди!

- Сенга қўлимдан келганча қайтарган ягона яхшилигим шу, Добби, - қулиб қўйди Гарри, - Фақат менинг ҳаётимни сақлашга қаратилган барча хатти-ҳаракатларингни бас қилишга ваъда бер.

Кутилмаганда йирик тишлари очилган эльфнинг жигар ранг бадбуруш юзи ниҳоятда кенг табассумдан ёйилиб кетди.

Добби хаяжондан титраётган қўли билан ифлос пайпокни оёғига кийиб олди.

- Сенга бир саволим бор, Добби. Бўлиб ўтган ишларнинг бари Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Кишига алоқаси йўқ деб айтган эдинг, эсингдами? Бевосита алоқаси бор экан-у, бу ёғи неча пулга тушди...

- Мен сизга калит бермоқчи бўлдим, сэр, - деди Добби, шундоқ ҳам тушунарли нарсани тушунтиргандай, йирик кўзларини янада катта очиб, - Сизга калит берган эдим. Ёвуз Лорднинг исми, ўз исмини ўзи ўзгартиргунга қадар ҳар қанақа бўлиши мумкин эди, тушундингиз-ми?

- Ҳақиқатан ҳам, - деди Гарри, - Хўп, майли, мен борай. Зиёфатдан қуруқ қолишим мумкин. Дўстим Гермиона ҳам уйғонадиган вақт бўлди.

Добби Гаррининг белидан қучиб олди.

- Гарри Поттер Добби ўйлагандан ҳам буюк инсон! - кўзига ёш олди Добби, - Хайр, Гарри Поттер!

Сўнгги қарсиллаш товуши эшитилиб, Добби кўздан ғойиб бўлди.

Гарри икки йиллик ўқиш давомида бир неча маротаба ўтказилган мактаб зиёфатларида бўлган, албатта. Аммо бунақанги зиёфат ҳали уюштирилмаган. Ҳамма пижама кийиб олган бўлса ҳам, байрам тонготар маҳалгача чўзилди. Тантананинг қайси фурсати кўпроқ ёққанини боланинг ўзи билмайди, жумладан: Гермиона «Сен жиноятни фош этдинг! Жиноятни фош этдинг!» деганча қичқириб қарши олгани-ми, хуффльпуффчилар столидан туриб келган Жастин сон-саноксиз узрлар сўраб, қўлини қайириб юборгудай даражада сиққани-ми, кечаси икки яримда Азкабандан қайтиб келган Хагрид Гарри билан Роннинг елкасидан кучоқлаб, иккаласининг башарасини бисквит солинган ликопларига ёпиштириб қўйишига сал қолгани-ми, Рон билан биргаликда «Гриффиндор»га тўрт юз очко келтириб, коллежнинг мактаб кубоги билан иккинчи бор тақдирланиши эълон қилингани-ми, профессор Макгонагалл ўзига хос тухфа сифатида бу йилги имтиҳонлар бекор қилинганини эълон қилгани-ми, Дамблдор профессор Чаруальднинг минг афсуски, келаси ўқув йилига қола олмаслиги, у хотирасини тиклаш учун даволаниш муассасасига жўнаши лозимлигини маълум қилгани-ми, Дамблдор етказган ушбу янгиликни қарши олган қичқирикларга фалакка шукрона ўқиган аксарият ўқитувчилар ҳам қарсак чалиб, жўр

бўлишганини кўргани-ми, билмайди.

- Эссиз, - деди Рон, оғзига ёгда кўпчителиб пиширилган мурабболи кулчани солиб, - У менга жуда боғланиб қолган эди.

Семестрнинг қолган қисми кўзни қамаштирадиган куёш нурларида тез эриб кетгандай бўлди. «Хогварц»даги ҳаёт тарзи аста-секин ўз маромига қайта бошлади. Ягона истисно, ёвузлик кучидан химоя дарслари бекор қилингани бўлди.

- Хафа бўлма, - деди Рон, янгиликни эшитиб дилсиёҳ бўлган Гермионага, - Бу фанга оид амалий кўникмаларимиз етарлидан ортиқ шаклланиб бўлди.

Люциус Малфой «Хогварц» сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактабини бошқариш маъмуриятининг аъзолигидан четлаштирилди. Драко энди хўжайин қиёфасида юрмай, қандайдир домангир, маъюс бўлиб қолди. Жинна эса аксинча, яна қувноқ ва бахтиёр кизалокқа айланди.

Ҳар доимгидай, ёзги таътил бошланиб, уй-уйга тарқалиб кетиш вақти кўз очиб юмгунча тез етиб келди. Гарри, Рон, Гермиона, Фред, Жорж ва Жинна битта купега жойлашиб олишди. Улар ҳали сеҳр билан шуғулланиш мумкин бўлган сўнгги соатлардан имкон қадар унумли фойдаланиб қолишга уринишди. Дўстлар портловчи покилдоқ ўйнашди, доктор Филбустернинг сувдан оловсиз отиладиган фантастик мушакларини охиригача учуриб тугатишди, афсун ёрдамида бир-бирини қуролсизлантиришни машқ қилиб, меъёрига етказишди.

Улар Кингс-Кросс вокзалига етай деб қолишганида Гаррининг ёдига бир гап тушиб қолди.

- Жинна айт-чи, сен Перси нима иш қилиб турганини кўриб қолдинг-у, аканг бу ҳақда оғиз очишни ман этиб қўйди.

- Ҳа, буми, - хиринглади Жинна, - Нима десам экан... Хуллас, Перси бир қизни севиб қолибди.

Бу гапни эшитган Фред укаси Жоржнинг бошига бир даста китобни тушириб юборди.

- Нима?

- «Равенкло» коллежининг синфбошиси Пенелопа Кристаллуотер, - тушунтирди Жинна, - Акам ўтган ёзни айнан ўша қиз билан ёзишиб ўтказди. Перси доимо у билан мактаб ҳудудида пинхон учрашиб юради. Бўш синф хонасида бўса олиб турган пайтда кўриб қолдим. Ўша қиз, ўзингиз биласиз, унга тажовуз қилинганида акам жуда эзилиб юрди. Вой, нима учун бу гапларни айтиб қўйдим?! Энди сизлар Персини мазах қилмайсиз-а? Қилмайсиз-а?

- Бу ҳақда орзу қилишга ҳам журъат эта олмаймиз, - деди башарасида маккорона қиёфа пайдо бўлган Фред.

- Эсимизга ҳам келмайди, - деди йиртқичларча иршайган Жорж.

«Хогварц-Экспресс» ҳаракатини секинлатиб, ниҳоят тўхтади.

Гарри пат-қалам билан пергамент бўлагини чиқарди. Аллақандай рақамларни икки маротаба ёзди-да, икки бўлиб, Рон билан Гермионага узатди.

- Мана бу «телефон рақами» деб аталади, - тушунтирди у Ронга, - Ўтган таътилда телефондан қандай фойдаланиш кераклигини мистер Уэслига тушунтирганман. У билади. Дурсллар уйига қўнғирок қилиб, мени сўрайсан, хўпми? Дудли билан ўтадиган икки ойга бардош бера олмайман...

Улар поезддан тушиб, халойикка қўшилиб кетишди.

- Бу йил нима иш қилганингдан хабар топган амакинг билан холанг сен билан роса фахрланса керак-а? - деди Гермиона.

- Фахрланади? - сўради Гарри, - Эсингни единг-ми, Гермиона? Ахир ўлиб кетиш учун шунча имкониятим бўла туриб, бирортасидан фойдаланмадим-ку! Агар улар бундан хабар топишадиган бўлса, ақлдан озиб қолишади!...

Болалар тўсик ичра ўтиб, маглар дунёсига кириб келишди.